

84.5
А 87

АТ-ТОҲИР ВАТТОР

ОЛОВЛИ СЎҚМОҚЛАР

ЗИЛЗИЛА



الطاهر وطار
اللائز
الزلزال



دار «رادوغا» فرع طشقند
١٩٨٦

84,5
А 87


АТ-ТОҲИР ВАТТОР

ОЛОВЛИ СЎҚМОҚЛАР

ЗИЛЗИЛА



„РАДУГА“ НАШРИЁТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ
ТОШКЕНТ — 1986



Машҳур Жазонр ёзувчиси Ат-Тоҳир Ватторнинг Сиз муҳтарам китобхон эътиборига ҳавола этилаётган «Оловли сўқмоқлар» романида Жазонр халқининг яқин ўтмишдаги аянчли аҳволи, она-Ватан озодлиги, миллий мустақиллик йўлидаги кураш машаққатлари, қонли тўқнашувларга сабаб бўлган зиддиятлар ҳақида ҳикоя қилинади.

«Зилзила» романи биринчи асарнинг узвий давоми бўлиб, муаллиф шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳнинг руҳий кечинмалари орқали буржуа феодал вакилларининг худбинлигини, маънавий бузуқлигини фош этади. Миллий-озодлик курашидан кейин мамлакатда рўй берган ўзгаришларнинг реалистик картинасини тасвирлайди.

Араб тилидан

Бахтиёр Иброҳимов ва Муҳаммад Юсупов таржимаси

В $\frac{4703000000 - 509}{031 (05) - 86}$ без объявл.

© Ўзбек тилига таржима, расмлар, «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими, 1986 йил.

Ат-Тоҳир Ваттор Жазоир халқининг 1954—1962 йиллар инқилобий ҳаракати, миллий-озодлик кураши машаққатларини бошдан кечирган ёзувчилар авлодига мансуб ижодкордир. Бу йиллар Жазоир халқининг ҳаётида муҳим бурилиш даври бўлди.

Миллий-озодлик учун олиб борилган инқилобий курашнинг оловли йиллари Жазоир маданияти, хусусан адабиётининг бош мавзуси, асосий йўналиши бўлиб қолди. 40- йиллар охири 50- йиллар бошида колониал тузумга қарши кураш даврида шакллана бошлаган бу адабиёт ғоят тезкорлик ва қатъият билан ҳозирги замон осие-африка адабиётлари орасида етакчи ўринлардан бирини ишғол қила олди.

Ат-Тоҳир-Ваттор Жазоир адабиётига миллий-озодлик курашининг суронли йилларида кириб келди. Халқ жасорати ва қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги ва фидойилиги адиб учун фавқулодда илҳом манбаи бўлди. Ана шу кураш мавзуси Ат-Тоҳир ҳикояларида асосий ўринни тутди. Бу ҳикоялар «Юрагимдан кўтарилган дуд», «Чақиб олувчи зарблар», «Қурбонлар шу ҳафтада қайтадилар» деб номланган тўпламларида нашр этилди.

Адиб ижодида миллий-озодликка эришганидан кейинги Ватан, унинг олдида турган ҳаёт муаммолари, чунончи, янги турмуш тарзи билан эскилик қолдиқлари, илғор, леккин баъзи ҳолларда жуда мураккаб ёхуд зиддиятли бўлиб туялган янгиликлар билан чиркин анъаналар тўқнашуви бутун чигалликлари билан қаламга олинган.

Ат-Тоҳир Ватторнинг ҳикояларида Жазоирдаги ижтимоий тенгсизликлар, ҳаётдаги қарама-қаршиликлар ва шулар билан боғлиқ драматик коллизия ва кескин конфликтлар кенг миқёсда қамраб олинган. Адиб ижодининг бутун пафоси ана шу ўтмишнинг қолоқ жиҳатларини бартараф этишга, янги ҳаётни бунёд

қилишдаги турли ва жиддий қийинчиликларни енгилга қаратилгандир. Ёзувчининг мана шундай намунали ижоди Жазонирда, ҳозирги замон халқаро адабий жараёнида ўзига хос «адабиётни сиёсийлаштириш» ҳаракатининг тарқалишида катта ва муҳим роль ўйнайди. Бу ҳолни 70-йиллар Жазонир адабиётининг ёш вакиллари Х. Жиломий, М. Мнура, Ас-Сонх, О. Билқосим, М. Бектош ва бошқалар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Улар бу жанрни янги мазмун ва оригинал бўёқлар билан бойитиб, Жазонир ҳикоянавислигини равиоқига сезиларли ҳисса қўшдилар. айниқса, ўқувчилар онига илқилоб руҳини сингдирлишда муҳим роль ўйнадилар.

Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, янги Жазонир адабиёти ўз халқининг эскилик сарқитларидан ҳамда ажнабий таъсир иллатларидан холи бўлган янги жамият барпо этиш йўлидаги илтилошларини қўллаб-қувватлашга барча имкониятларини сафарбар қилмоқда. Бу адабиётнинг энг илғор намоёндалари ижодида буржуа маданиятининг маънавий қашшоқлиги, янги жамиятнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши атрофлича фош этилмоқда. Бу адабиёт, шунингдек, тарбиявий вазифаларни ҳам ўз зиммасига олган. Бир қатор ижодкорлар бу жаҳҳада ўзларининг фаол илтимоний бурчларини илҳоятда масъулиятли ва ғоят зарурий эканлигини ҳис этидилар.

Ат-Тоҳир, шубҳасиз, шундай ижодкорларнинг биринчи сафларида борди. Унинг бутун ижоди, қайси жанрда қалам тебратилишдан (очерк, ҳикоя, новелла, пьеса ёхуд роман бўлсин), қатъи назар асосий мавзу—Илқилоб мавзунга бағишлангандир. Бу ғоят кенг маънодаги илқилобий ғоялар илҳотасида жазонирликларнинг миллий онининг шаклланиши, уруш пайтида колониялизм занжирини парчалаб ташлаш учун сиёсий сергаклик, маънавий-руҳий бардамлик ва келажакка қатъий ишонч ҳосил қилиш, айниқса, уруш улкан ғалаба билан якунлангандан сўнгги даврларда янги илтимоний муносабатларни барқарор этиш каби долзарб масалалар мавжуд эди. Ваттор эски ҳаёт сарқитларини янчиб ташлай оладигангина эмас, балки янги жамият барпо этишга қодир бўлган янги қаҳрамон—янги инсон яратиш устида чуқур илзанишлар олиб борди. Демократик ва халқчил эътиқодлар соҳибни бўлмиш бу адиб ижодига хос юқоридаги хусусиятлар 70-йилларда, яъни унинг роман жанри имкониятлари, мураккабликлари ва ўзига хос жиҳатларини эгаллашга астойдил илтилган даврларида бутун ялтилиги билан намоён бўлади.

Сиз—ўзбек китобхонларига тақдим этилаётган бу иккинчи роман: «Оловли сўқмоқлар» ва «Зилзила» 1974 йили қарийб бир вақтда араб тилида нашр этилди. Ат-Тоҳир бу йирик асарларни яратишга тажрибали ва етук сўз санъаткори сифатида киришди. Ҳар иккала асарни, ўзининг эстетик фазилатлари билан ҳам, илтимоний-сиёсий моҳияти билан ҳам ҳозирги замон араб прозасининг энг яхши намуналарни қаторига қўшиш мумкин. Бу асарлар ёлғиз Жазонирда эмас, балки ундан ҳам узоқлардаги кенг араб китобхонларига манзур бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Ҳар иккала роман Ат-Тоҳир Ватторнинг улар ёзилгунга қадар бўлган бутун адабий ва сиёсий фаолиятининг (айниқса, Жазонирни озод этиш миллий fronti партияси марказий органларидаги ишларининг) якуни ўлароқ майдонга келди.

Адибнинг роман жанрига мурожаат қилганлиги, бир томондан, ижод соҳасида юксак малака ҳосил қилганлиги ва бадний жиҳатдан тўла маҳоратга эришганлиги билан изоҳланса, иккинчи тарафдан воқеликни янада кенгроқ, янада ҳаётийроқ акс эттириш учун изланишлар олиб борганини кўрсатади. Ат-Тоҳирнинг ҳар бир романини шакл ва услуб соҳасидаги ўзига хос бўлган тажриба дейиш мумкин. Чунончи, агар «Оловли сўқмоқлар» француз зулмкорларига қарши Жазонир халқи олиб борган миллий-озодлик кураши ҳақидаги тарихий асар деб қаралса, «Зилзила» — «рамзий роман», «роман-мулоҳаза»дир. Адибнинг сўнгги йилларда ёзилган романилари: «Севги ва ўлим», «фитна-фужур, олағовурлар замони» ҳақидаги «ҳужжатли роман» бўлса, «Балиқчи ва балиқ» — роман-ривоятдир. Лекин айтиш керакки, Ат-Тоҳир умумлаштириб адабиётининг аксар намоёндалари каби символизм, сюрреализм ҳамда бошқа турли оқим ва йўналишлар билан боғлиқ сохта изланишларга берилмади. Аксинча, у реалистик традицияга содиқ қолди. Конкрет инсон шахсиятининг тақдирини, реал воқелик, жонли ҳаёт билан узвий мулоқотда бўлган инсоннинг ҳис-туйғулари, изтироб-ҳаяжонлари ва орзу-умидлари адиб ижодининг белгилловчи омилга айланди.

«Оловли сўқмоқлар» романи ўткир сюжетли бўлиб, унда Жазонирнинг мустақиллик учун умумхалқ кураши давридаги қарийб ҳамма ижтимоий типларнинг бадний образлари ўз аксини топгандир. Айни чоқда ҳар бир персонаж, у қандай мавқе эгаллаши ва қандай роль ўйнашидан қатъи назар аввалдан тайёрлаб қўйилган маълум бир бўёқ воситасида чизилмайди, муайян бир схема доирасида ҳаракат қилмайди. У кўз ўнгимизда бутун мураккаблиги билан, барча индиётлари билан ҳаётий, инсоний характерга эга шахс сифатида намоён бўлади. Ат-Тоҳир ҳар бир образни динамик тарзда — изчил ривожланиш ва ўзгаришда, ғоят мураккаблиги, баъзан ўта шиддатли вазиятларда, асардаги бошқа иштирокчилар билан кескин тўқнашувда тасвирлайди. Ёзувчининг юксак бадний маҳорати ҳам энг аввало ана шу қаҳрамонлар характерини очиб беришда намоён бўлади. Мустақиллик учун кураш олиб борган Жазонир халқининг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилари бўлган партизанларнинг жанговар сафидаги қашшоқ Ҳаму, партизан алоқачилари Аҳмазий ва Ал-Фархий ҳам, ёхуд партизан отрядининг ишончли ва жасур командири Зайдон ҳам худди бош қаҳрамон даражасида кўрсатилган. Ҳамма гап шундаки, уларнинг барчаси бирлашиб, умумлашган Жазонир халқининг образи — асарнинг ҳақ қаҳрамони образи сифатида талқин этилади. Асарда жамиятнинг барча табақалари ва қатламлари бир маслак, бир мақсад билан миллий мустақиллик учун кураш байроғини остида жипслашган бутун бир халқни ифода қилади. Бунга, мисол баққол Қаддур ва Носир образлари. Ат-Тоҳир тасаввурда колонизаторларга қарши курашга бел боғлаган, инқилоб ишига бениҳоя садоқатли ҳар бир жазонирлик бош қаҳрамондир. Унинг эътиқодича, инсон қаҳрамон бўлиб туғилмайди, балки у оловли кураш жанглирида тобланиб қаҳрамонга айлана боради. Бу ғоя катта баднийят билан Ал-Лаз образи орқали моҳирона илғари сурилади. Энг қўйи ижтимоий қатламлардан чиққан, колониал ҳукмронликнинг тамоми зуғумларини

бошидан кечирган, қашшоқлик ва очликка маҳкум этилган, барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталган мазлумлар вакили бўлган Ал-Лаз образи ўқувчи кўз ўнгига аста-секин қаҳрамонлик поғонасига кўтарилади. Адиб талқинида ҳўрланган, таҳқирланган Ал-Лаз воқеаларнинг тадрижий давомида маънавий камолотга эришади. Ат-Тоҳир Ал-Лаз образи орқали миллий-озодлик курашининг жўшқин камолоти, инқилобий ғояларнинг юксак сафарбарлик кучи нечоғлик мўъжизаларга қодир эканлигини кўрсатиб беради.

Ат-Тоҳир Ватторни инқилобдан сўнгги ҳаётдаги қатор масалалар — ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳодисалар низолатда банд этади. Жазоир халқи ҳаётида рўй берган ўзгаришлар — таълим-тарбия, медицина хизматининг бепуллиги, ўн минглаб деҳқонларнинг ерли, сувли бўлиши, шаҳарларнинг ободонлаштирилиши ва шу каби том маънодаги янгилликлар араб халқини жунбушга солиши табиий эди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ўзгаришлар яқин ўтмишдаги йирик заминдорларнинг, шарият пешволари-ю, зодагонларнинг ғазабини қайнатар, уларнинг аксарияти реакцион мавқеаларида ҳамон мустаҳкам туриб, ўз манфаатларини ҳимоя қилар, қарор топиши муқаррар бўлган янгилликларга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатар, фитналар уюштирар эдилар. Ат-Тоҳир мана шу давр учун долзарб мавзунинг прогрессив янгиллигининг ашаддий душмани Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ образи орқали рўйирост ёритиб беради. Бу-л-Арвоҳ худди Буатуш каби борки разилликларнинг манбаи, ўз умрини ўтаган, тарихан ҳалокатга маҳкум этилган жамиятнинг рамзидир. Унинг шахсий бахтсизлиги фожияси ҳам моҳиятча рамзийдир. Унинг фарзанд кўриши мумкин эмас. Бинобарин, у келажакка насл қолдира олмайди. У ҳалокатга юз тутган эски жамиятнинг сўниқ, кул босган бир учқунигинадир.


Роман воқеалари шимолий Жазоирнинг ўзига хос «пойтахти» ҳисобланган, мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Константинада содир бўлади. Ҳатто адиб томонидан асарни 7 бобга ажратилиши ҳам тасодиқий бўлмасдан, шаҳар меъморичилиги хусусиятларидан бирига ишорадир. Бунда шаҳардаги 7 кўприк назарда тутилиб, уларнинг номлари сарлавҳаларга кўчирилган.

Ат-Тоҳир Ватторнинг ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилаётган бу икки романи мазмун, структура ва услуб жиҳатидан бир-биридан анчайин фарқланса-да, моҳияти жиҳатидан бир умумий ғоя — Жазоир инқилобининг турли даври ҳақида бадий фикр юритиш, умумлашган бош қаҳрамон — Жазоир халқи образини яратиш, ички ва ташқи душманлар қиёфасини очиб ташлаш, ёрқин истиқболга, юксак идеалларга ишончни мустаҳкамлаш бу асарларни бирлаштириб туради. Бизга дўст бўлган Жазоир халқи ана шу нурли ғоялар учун фидокорона кураш олиб борди, бу йўлда талай талафот кўрди. Миллиондан ортиқ инқилоб қурбонлари — Жазоир халқининг жасур ва садоқатли ўғил-қизлари хотираси муқаддас ва абадий бўлиб, янги жамият эзгуликларида мангу яшайди.

Н. Иброҳимов,
филология фанлари доктори

ОЛОВЛИ СҰҚМОҚЛАР







— Эй, нимасини айтасиз, худо раҳмат қилсин у арслонни.

— Йигитларнинг султони эди.

— Ўн жойидан ўқ еса ҳам бош эгмади, ғоз кетди.

— Ажали етган экан-да, раҳматли ҳужумга ташланаяпти-ку, ўйнанг, кулинг Ҳалима ая, дейди.

«Уларнинг одатлари шунақа: нафақа тўлайдиган идора эшиги олдидаги узундан-узоқ навбатга туришди дегунча, жангу жадалда қурбон бўлган шаҳидлар ҳақида сўз очишади. Тўғриси, ҳалок бўлганларни эслаб, руҳларини шод, жасоратларини ёд этиш учун бундан қулай фурсатнинг ўзи йўқ. Улар ҳар қандай ўтмиш каби ортда қолмоқдалар. Биз эса ҳозирги замон сингари олдинга интилаяпмиз. Чамаси, бу икки замон туташган жойдан ўрин олган тушқунлик бизни ўзгалар ҳолига бефарқ қарайдиган, фақат ўзинигина ўйлайдиган худбин қилиб қўймоқда. Жондан азиз кишиларимиз ҳар уч ойда бир марта, у ҳам бўлса нафақа идораси олдида қўлга олинадиган, сўнгра арзимас пул билан бирга яна чўнтакка уриладиган бир варақ нафақа қоғозига айланиб қолишига кўникишимизнинг боиси ҳам балки шундандир».

Шайх Ар-Рубейъининг қулоғига дам олдида турган икки қариянинг, дам ёнида турган кампир ва бева хотиннинг гаплари чалинар экан, ўзича шу ўйларга борди. Сўнгра хира кўзларини сафда турганларга бир-бир тикди.

«Биз туғилиб, эсимизни танибмизки, аҳвол шу: бош кийимимизни чирк боғлаб синишга келса ҳам янгисига етолмаймиз. Бурнусларимиз¹ далва-далва ёхуд қирқ ямоқ бўлиб кетади. Оёқ кийимларимиздан бир парча чарм ёки резина қолгунча уни ҳар ер-ҳар еридан сим билан чандиб олиб, юраверамиз. Қачон қарама юзларимиз буришган, рангимиз заҳил. Кечаги кунимиздан фақат оҳу-фарёд, алам қолди. Бугунимиз эса кутиш, умид ва интизорликдан иборат. Эрта-миз — аниқ, ўлим — ҳақ. Микроблар сингари ўзимизни ўзимиз қуритамиз, қарабсанки...»

— Худо раҳмат қилсин сени арслоним! Бир ўзинг ўн кишига бас келар эдинг-а!

Кампирнинг бу ноласидан фикри бўлинган шайх аста пичирлади:

— Қаддур болагинам! Сени ҳам худо ўз раҳматига олсин!

— Жилға тубида тошларгина қолади! — Ташқаридан келаётган дўрилдоқ овоз залли тўлдирди.

— Бу Ал-Лаз, бечора Ал-Лаз. Ўғлим Қаддур у билан чегара томон кетаётганида ҳалок бўлган эди, — гулдуради шайх Ар-Рубейъи. Сўнгра деворга сўянганича хаёл ва аччиқ ўтмиш хотиралари денгизга чўмиб кетди.

Уларнинг баъзи бирлари бизнинг ҳам бошимиздан ўтган, баъзиларини эшитганмиз, баъзиларини кўз олдимизга келтира оламиз...

Қишлоқ римликлар тарк этганда қай аҳволда қолган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Ҳамон тоғларга ҳасратомуз юзланганича туради. Қуёш мағриб томон бош қўйгани сайин ҳарорат пасайиб, сояларнинг бўйи чўзилиб бормоқда. Йўловчилар ҳам, дўконлари олдига чиққан сотувчи ва баққоллар ҳам дам-бадам соат милига қараб қўйишади. Қўнғир ранг чангга

¹ Бурнус—ёқасига қайтарма қалпоқ бириктириб тикиладиган ёпинчиқ-плаш (изоҳлар таржимонники).

беланган солдатлар ўтириб олган ҳарбий машиналар марказий кўчани тўлдириб ўта бошлаганидан бери одамлар оқими яна сусайган. Фала-говур ичида баъзиларнинг пичир-пичирлари қулоққа чалинади:

— Бугун яхшигина талафот кўришганга ўхшайди.

— Ўзлариям худди жанозадан қайтаётганлардек келишаяпти.

— Ҳали бирон нарса деб бўлади дейсанми, бу худонинг қаҳрига учрагурларни...

Одатдагидек бугунги кун ҳам ўз поёнига етай деб қолган. Комендантлик соати борган сари яқинлашмоқда эди... Ана, юқори кўчадан эшитила бошлаган кучли, ўткир сирена товуши энди бутун қишлоқни қоплади.

Ар-Рубейъи нима гаплигини билиш учун ташқарига чиқди. Бир оздан кейин дўконга қайтиб кирар экан, ичкаридаги ўғли Қаддурга деди:

— Бу Ал-Лаз... Патруль олиб келаяпти уни. Худо хоҳласа буниси охиргиси бўлади. Биз ҳам, оллоҳнинг бошқа банди мўминлари ҳам қутулади ундан.

Қишлоқнинг барча аҳолиси каби Ар-Рубейъи ҳам Ал-Лазни жуда ёмон кўрар, тезроқ бир балога гирифтор бўлишини ич-ичидан хоҳлар эди. Унга қолса, Ал-Лаз оғир жиноят билан қамалиб кетсаю, қайтиб чиқмаса ёки уни солдатларми, инқилобчиларми йўқ қилиб қўя қолса...

Бу ҳароми кимнинг пушти камаридан бўлганини ҳатто беҳаё онаси ҳам эслай олмайди. Уни кул ичидан жўжа топгандек топиб олган. Бу бола дунёга келди-ю, барча касофатлар у билан бирга келди. Ёшлигида унинг дастидан на мактабнинг ойнаси, на девори қоларди. Бир болани уриб турткиласа, иккинчисининг қўлидаги жилдини тортиб олиб, яшириб қўярди. Бошқасига дўқ-пўписа, таҳдид қилиб, отасининг дўконидан пул, уйдан овқат ўмариб чиқишга мажбур қиларди. Ҳатто якшанба кунлари ҳам унинг дастидан тинчлик бўлмасди. Болалар ўйнайдиган жойга келиб, ханжарини мақтар, уларнинг ҳавасини келтириб, кўзини ўйнатарди. Гоҳида ханжарни бирпас ўйнашга ҳар боладан бир дирҳам¹ олса, гоҳида

¹ Дирҳам—қадимда бир қатор Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган қумуш танга.

ўн дирҳам талаб қиларди. Унга на ота-оналарнинг, на қишлоқ оқсоқолининг панд-насиҳати кор қиларди. Ўлгудек ўжар, ўта безбет эди. Сурункасига калтак еса ҳам миқ этмасди. Савалаётган киши уни ўлдига чиқариб жойидан силжигани ҳамон у ўрнидан тура солиб яна тош-пошга ёпишар ёки муштини ишга соларди. Агар шу лаҳзада имкони бўлмаса эртасига-ми, индинигами, албатта, ўчини оларди. Қисқаси ҳамма: каттаю кичик ундан безиллаб қолган, иложи борица уни четлаб ўтишар, ҳақ бўлса ҳам, ноҳақ бўлса ҳам унга ён босишар, тенг келиб ўтиргиси келмас, ишқилиб жанжал чиқмаса бўлгани эди. Бу ҳароми улғайган сари одамлар, ана энди қуюлиб қолар, мана энди инсофга келар, деб юрдилар. Лекин қуюлиш, инсофга келиш қаёқда дейсиз, кутилмаганда у янада қутуриб кетди. Тунлари дўконларни босар, куни билан ичар, наша чекар, қимор ўйнарди... Бир ойда ўттиз бор қўлга тушарди. Гўё лаънати онасини нариги дунёда, охиратда кутаётган азоб-уқубатлари икки ҳисса кўпайгану, уни бу дунёнинг ўзида, ҳали кўзи очиқлигида, ўз ўғли Ал-Лаз дастидан тортиши шартдек кўринарди. Кун бўйи она унга кўз-қулоқ бўлиб туриши ёки соя каби эргашиб юриши, агар у тўс-тўполон қилаётганидан хабар топса, қишлоқ оқсоқолини бошлаб, ўша ерга етиб бориши керак эди. Кейин тўпланганлар олдида оқсоқолдан ўғлини тавбасига таянтиришини сўрарди. Оёқ-қўлини боғлаб бўлса-да, қамоққа ташлашини илтижо қиларди. Оқсоқол унинг илтимосини бажо қилди дегунча, қаҳридан тушар, кўнгли юмшаб оқсоқолнинг хотини олдига югурарди, қўлидан ўпиб, ўғлини қўйиб юборишлари учун орага тушишини ўтиниб сўраб, ялиниб ёлворарди. Кейин оқсоқол қамоққа айлантирган, одатда Ал-Лаздан бошқа ҳеч ким ўтирмайдиган ташландиқ дўкон биноси олдига келиб, обидийда қилишини кўринг. Бу пайтда ичкаридаги дардисар ўғлининг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди:

— Ҳой, тўнғиз қавмидан тарқаган шаллақи! Агар бу ердан чиққунимча юз дирҳам топиб қўймасанг, бошингда калтак синади. Билдингми?..

— Нима учун бунчалик хўрлайсан, ўғлим?! Ахир

мен сенинг онангман-а!.. Тўққиз ой азоб чекиб сени...

— Бунга мени нима дахлим бор, мочағар?!

Унинг атрофига қишлоқнинг каттаю кичиги — текин томошабинлар тўпланарди. Оқсоқол бундай ҳолда безорининг адабини бериш ўзгаларга ибрат бўлишини ўйлаб, қамчисини ўйнатганича ичкарига кира солиб Ал-Лазни савалашга тушарди. У бўлса нажот сўраб бақирарди:

— Худо ҳақи, оқсоқол амаки, худо ҳақи мени кечиринг! Ўзиниб сўрайман, мени кечиринг, яна такрорласам ўлдирсангиз ҳам майли! Худо ҳақи... Худо ҳақи.

Чамаси юз дарра туширгач, оқсоқол Ал-Лаз тавба қилди, деган ўйга борар, гоҳида раҳми келиб, уни қўйиб юборар эди. У бўлса ташқарига чиққанидан то онасининг кулба-капасига етгунича кўчани бошига кўтариб, дод-фарёд соларди.

Уруш қизиб кетганида кўпчилик, шу жумладан Ар-Рубейъи ҳам Ал-Лазнинг энди кун битди, армия оқсоқолга ўхшаб у билан ади-бади айтишиб ўтирмайди, бу бетавфиқ, бир чап берар, икки чап берар, лекин узоққа бормаслиги аниқ, деб қувониб ҳам юришди... Аммо Ал-Лаз омон қолиш иложини топибгина қолмай, барча душманлари устидан кулгандек уларни доғда қолдириб, аскарлар билан дўстлашиб кетди. Казармага тез-тез бориб турадиган одат чиқарди, ҳатто офицернинг кабинетини ҳам ўзиники қилиб олди, хоҳлаганида киради, хоҳлаганида чиқади.

Ал-Лаз офицер билан иноқлашгани сари бу дўстлик атрофида ҳар хил гап-сўзлар ҳам чувалаша берди. Қишлоқ аҳолисининг бу борадаги фикри бир-биринга жуда зид эди. Баъзилар, бу дўстлик заминиди қўшмачилик ётади, Ал-Лаз беномус онаси ёрдамида фоҳишалар билан алоқа ўрнатиб, уларни офицерга қўшиб юради. Бу қабих иш офицер хонасида бўладими ёки беҳаёлар кулбасидами унга барибир, деб ўйлашарди... Бошқалар, бола офицернинг айғоқчисига айланган, у зимдан одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузатади, инқилобчилар ҳақида маълумотлар тўплайди, дерди. Яна бошқа бировлар эса, Ал-Лаз айни вақтда бу икки пасткашликдан ҳам тап тортмайди, деган фикрда эди. Ҳар ҳолда онаси ўз рўзгорини тиклаб олган, ҳатто ғарра-шарра сарф қилиб,

катта-катта ея бошлаганди. Энди шакарни килолаб, қаҳвани банкалаб, ёғни литрлаб харид қилар, орачора турк ҳолваси-ю, ёнғоқ ва хурмолар ҳам сотиб оларди. Авваллари бўлса ошхонаси мўрисида у йилдан-бу йилга бир бор тутун бурқиса бурқсир, йўқса йўқ эди. Аскарларнинг кийим-кечагини ювишдан тушган сариқ чақага нима ҳам бера қоларди. Бунинг устига Ал-Лаз пулга ўч, унча-мунча ерга яширганини топиб олиб, харжлаб юборарди.

У лаънати аёлнинг турмуши бирдан бундай гуркираб кетишининг асосий сабаби ўз ўғли воситаси билан бенаво, бедаво, шўрлик аёлларнинг номусини сотиб юришидан... Турган гапки, Ал-Лазнинг бу арзимас хизмати офицерни қаноатлантириши мумкин эмас. Бу орада у хоинлик ҳам қилса керак. Йўқса унинг казармага, ҳатто офицер хонасига танда қўйишини қандай тушуниш мумкин, ўйлашарди баъзилар.

Ал-Лазнинг ёнини олувчилар ҳам йўқ эмас, лекин улар жуда озчилик эди. Далиллари эса андишадан нари бўлмай, ўз доираларидан четга чиқмас эди. Уларнинг фикрича, агар Ал-Лаз хоин бўлса, инқилоб бошқа хоинлар билан иш тутгани сингари унинг ҳам уруғини қуришиб қўя қолган бўларди. Йўқ, бу ишга бундай қараш нотўғри. Агар ажали етганда у аллақачон оёғини чўзган бўларди... Яна ким билади дейсиз, негадир ватанпарварлар ҳам унинг пайига тушишмайди, ўлдиришга уринишмайди.

Ал-Лазни ҳимоя қилувчи яна бир асосий далил бор эди. У ҳам бўлса, шу пайтгача ҳеч ким унинг бирон бир хиёнатининг гувоҳи бўлган эмас. Ҳибсга олиниб казармада қийналганларнинг бари у ердан чиққач, Ал-Лазга қилган яхшиликлари учун ўз миннатдорчиликларини билдиришарди. У ҳеч қачон, ҳеч кимга қарши гувоҳлик бермаган, сўроқ қилинаётганнинг фойдасига кўрсатма беришдан эса, асло қочмаган. Сўраганларнинг барига сув, тамаки етказиб турган. Ҳақиқий хоинлар ҳатто ўз ака-укаларини сотадилар, азобга қўядилар-ку.

Унда, Ал-Лаз билан офицер ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

— Мана шу уруш... унинг тухумини қурилади,— ўзича ғулдуради Ар-Рубейъи. Чой яшигини очишга уринаётган Қаддур отасидан сўради:

- Ота, ташқарида нима тўполон?
- Ал-Лаз... Яна ўша Ал-Лаз. Худо хоҳласа бугал...
- Йўқ, йўқ! Йўқ ота!

Қаддур қўлидаги болға ва каж омбурни ташлаганича ташқарига отилди.

Шовқини-сурон дўконга яқинлашиб қолганди. Икки аскар Ал-Лазнинг биллагидан тутганича судрар, қолган саккизи уни орқасидан урар, тепар, милтиқ қўндоғи билан туртар, қадамини тезлатишга ундарди. У қора қонга беланган: мушт зарбидан ёрилган пешона ва ёноқларидан, бурун ва лабларидан тирқираб қон оқарди. Шунда ҳам у қўлдан сиптилиб чиқмоқчи бўлар, лекин зум ўтмай ҳолсизланиб, шилқиллаб осилиб қоларди. Бироқ олло таолони ҳам, унинг бандаларини ҳам куракда турмайдиган сўзлар билан сўкишини, лаънатлашини қўймасди.

Тўпланганлар учун бу шунчаки томоша, лекин Қаддурга ундай эмас. У Ал-Лазнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, оғзидан чиққан ҳар бир сўзнинг маъзини чақишга уринар эди. Соқчилар дўкон олдида етиб келишганида ҳам Қаддур шу аснода, жонсарак турар эди.

Ал-Лаз бутун кучини тўплаб тўхтади, қаддини ростлади, қонга тўлган кўзлари билан Қаддурга еб қўйгудек тикилди. Сўнг ғазаб билан унинг бетига тупурди.

— Энди хурсанддирсизлар, тўнғизлар! Йў-ў-қ, барчангизни кунингиз битди!

Ал-Лаз яна бир бор тупурди-ю, шилқ этиб аскар қўлига йиқилди. У энди бақириб-чақирмас, гўё ўз бурчини тўла-тўкис адо этган, Қаддурни, у орқали қишлоқ аҳолисини муҳим бир нарсадан хабардор қилган эди.

Қаддур отаси томон ўгирилиб қўрқинч аралаш деди:

- Ота мен кетдим, дўконнинг калити жойида.
- Нима-нима? Қаерга?
- Кейин биласиз.

Қаддур кўча бўйлаб уйи томон ошиқади. Денгиз тўлқинисимон нотинч ўй-фикрлар миясида ғалаён қилади.

«Соат тўрт. Ҳали ҳам бир оз вақт бор. Лекин улар мени қўлга олиш пайига тушгунларича чиқиб кетишга улгуришим керак. Балки ҳозирнинг ўзида изимга тушишгандир, балки мендан олдин уйга бориб, писиб олишгандир, балки улар ҳозир дўконда отамни сўроққа тутишаётгандир».

Қаддурнинг асаблари қўзғаб, мускуллари таранг. лашди. Қадамларини тезлатаркан оёқлари чалишди.

«Бу — ҳаёт: бир нарса интиҳосига етса, бошқа нарсанинг ибтидоси бошланади. Уруш бошланса, тинчлик йўқолади, тундан сўнг кун келади, бири иккинчисига ўрин бўшатади. Менинг қишлоқдаги ҳаётим тугади, энди бошқа ерда, бошқача ҳаёт бошланади, агар у бошланса».

Унинг аъзои баданини қалтироқ босди, тупугини зўр-базўр ютди, кўксини олдинга чиқарганича олға кетди.

«Ал-Лаз, Ал-Лазнинг ҳоли не кечди экан?

Ҳозир уни қийнашмоқда... Чайир одамлар қийноқдан бошқа ҳар нарсага чидаши мумкин. Йўқ, йўқ, чайир одамлар қийноққа ҳам сабр-бардошли бўлишади, чунки уларда букилмас прода ва зўр бардош бор.

Ал-Лаз умр бўйи ўжарлик билан яшади. Кўпга бардош бера олмайди. Нар и борса бир, икки соатга чидайди, холос. У офицернинг бетига тупурар, Францияни болохонадор қилиб сўкар, революцияга умрибоқийлик тилаб дуо қилар. Озодлик душманлари бўлса унинг овозини ўчириб, нарини дунёга равона қиладилар. Мардлик, сабр-матонат китобиининг яна бир саҳифаси ниҳоясига етади. Ал-Лаз адойи тамом бўлади. Менинг қишлоқдаги ҳаётим ҳам тугайди. Балки ҳаётим бутунлай тугар, бутунлай тугар».

Унинг асаби бузилди, аъзои бадапидаги қалтироқ кучайди, бир қултум сувга эҳтиёж сезди.

«Балки улар мени уйда пойлаб ўтиришгандир, балки айни шу лаҳзаларда менинг изимга тушишган, мендан бир неча қадам орқада келишаётгандир. Ёки қишлоқни ўраб олиб, мени қидиришаётгандир. Улар менинг кимлигимни энди билишади, агар шу пайтгача билишмаган бўлса мабодо. Ал-Лаз, ҳаммангнинг

кунинг битди, дея бетимга тупурганида шунн назарда тутган, мени огоҳлантирмоқчи бўлганди.

Ал-Лаз, Ал-Лаз! Бечора алданди. Уларни алдайман, деб ўзи алданди. Азалдан барча чигалликлар алдаш, алданиш оқибатида келиб чиққан».

Унинг оёқлари уйга етиши билан тўхтади. Эшик одатдагидек берк эди. Қаддур уни тақиллатишга ошиқмай, онасига нима дейишини ўйлади. Бор ҳақиқатни айтсамикан? Ёки муҳим бир иш билан бирикки кунга у ёқ-бу ёққа кетаяпман, деб қўя қолсамикан? Ҳеч ким ҳеч нарса билиши керак эмас, ҳатто туққан онаси ҳам. Тилга ишониб бўладими, тил — суяксиз, жуда кам кишилар ўз тилига маҳкам бўлишади.

Дехқонлар, умуман қишлоқилар, хоҳ қишлоқда яшасин, хоҳ марказда — ҳаётга ўта эҳтиёткорлик билан қарашади. Бу борада улар бўриларга ўхшаб кетишади. Айниқса, мана шу кўчманчи ҳаёт тарзидан ярим ўтроқ, маданий ҳаёт тарзига ўтиш даврига қарашлари бошқача. Чунки бу давр қарама-қаршиликларга тўла. Улар янгиликни ўзлаштира олмайдилар, уни бирдан ҳазм ҳам қила олмайдилар. Янгиликка қаршилик қилишга ожиз бўлганларидоғина уни қабул қилишади. Фақат ўзларигагина, ўз режаларигагина ишонишади. Қолган пайтда ҳаёт алдаш ва алданишдан иборат, деб ўйлашади. Қаддур қишлоққа бундан атиги уч йил олдин келган. Омочбўйинтуруқни, арпа, буғдойни, ям-яшил кенг дала-ларни тош-торозига, қаҳва, шакар ва зираворлар савдосига алмаштирган. Ўшандан бери унинг фикрлаши, фалсафаси ҳеч ўзгаргани йўқ, ҳамон ўша асос, ўша йўналишда ривожланаяпти. Ҳали-ҳали қулоқлари остида қишлоқда эшитган гаплари жаранглайди...

Қаддур онасига нима дейишни, унинг кўзига қандай қарашни билмасди. Ахир у ёлғон сўзлашга ўрганмаган. Умуман, қандай қилиб онага ёлғон гапириш мумкин ўзи?

— Унга, бир иш билан кетаяпман, дейман қўяман, — пичирлади у.

Эшикни тақиллатишни ўйлаб қўлини кўтарган ҳам эдики, орқасида нимадир шитирлагандай бўлди. У секин ўша томонга ўгирилди. Яқин қўшнилари —

қария Ас-Сабтийнинг қизи Зийнат эшикни қия очиб, унга кесак отаётган экан.

Қаддур қизга суқланиб, айни вақтда ноилож бир ҳолда тикилиб қолди. Лекин зум ўтмай лабларига табассум югурди ва аста пичирлади:

— Бир ўзингмисан?..

— Ҳа, ойим ухляптилар, ҳазратлари¹ масжиди жомедалар.

Икки ҳатлаб қизнинг олдида пайдо бўлган Қаддур уни эшик кесакисига суяганича бағрига босди, дуоқларидан қайноқ бўса лаззатини тотди. «Бу тотли дамлар энди қайтмас, сира қайтмас дамлар бўлса керак. Балки бир кун эмас, бир кун қайтар, яна ким билади, дейсиз!..» шуларни ўйларкан у оғир хўрсинди.

Ногаҳон унда қизнинг қулоғига аста шивирлаб, видолашини фикри туғилди. Лекин ҳеч кимга ҳеч нарса айтмасликка қилган азми қарори бунга йўл қўймади. Қизни қучганича телбасимон устма-уст бўса олди. Қулоқлари остида авваллари эшитган «гаровга қўйгандан кўра...» сўзлари жаранглагандай бўлди. Йўқ, сирни ҳеч кимга фош этиш, гаровга қўйиш йўқ, умуман бунга эҳтиёж йўқ.

— Зийнат, мен шошилишч бир иш билан кетаяпман. Келаси сафар...

— Сен бугун негадир жуда ғалатисан-а, Қаддур.

— Кейин, кейин биласан.

Йигит қизни икки елкасидан аста тутганича, у суяниб турган эшикдан бир оз ўзи томон тортди. Сўнг шахдам қадамлар билан ундан узоқлашди.

«Кечга қолдим, керагидан ортиқча кечикдим. Гўё мен атайлаб кечикаяпман. Олдимда бевақт ажалдек оғзини очиб келаётган номаълум келажакдан ҳадиксираганимдан имиллаяпман... Гўё у менга...»

Фикрини тугатмади. Қишлоқни тарк этиш нақадар оғирлигини тасаввур этгиси келмади. У ҳаммага бу қишлоқни биринчи келган куниданоқ яхши кўриб қолганман, дегани билан, аслида, қишлоқни унда Зийнатни учратганидан кейингина севиб қолган, севганида ҳам бутун борлиғи билан севарди. Ўрта бўйли, оппоққинадан келган, дўмбоққина мулойим

¹ Бу ерда ота маъносида.

қиз Зийнат унинг фикру зикрини тамоман банд қилган эди. Қизнинг қалбини забт этиш ҳам осон бўлмаган. Неча-неча ойлар унинг кўнглини овлаш кўйида юрди. Гоҳида опасининг қизидан хат бериб юборса, гоҳида ҳаммомга кетаётган онасининг атрофида узоқ гирдикапалак бўлгач, бир амаллаб:

— Ойижон, Зийнатга мендан салом деб қўйинг!— дея оларди қисиниб-қимтиниб.

Онаси ҳаммомдан қайтган заҳоти биринчи бўлиб сўраладиган савол, Зийнат унга бош ювишда ёрдамлашдими, йўқми, эди. Бундай чоғларда опаси меҳрмуҳаббат тўла кўзларини ўғлига тикканича маъноли кулиб қўярди.

«Қаддур, ўғлим, мана сен ҳам ўсиб вояга етдинг, катта йигит бўлиб, Зийнатни сўраб-суриштирадиган бўлиб қолдинг. Худо раҳмат қилгур онам менга, оналар фарзандларнинг улғайганини сезмай қоладилар, фарзандлари бола-чақали бўлганида ҳам она наздида ҳамон меҳр, шафқат, диққат-эътиборга муҳтож ёш гўдакдек қолаверадилар, дер эди. Чиндан ҳам, ўғлим Қаддур, боласиз уй— мозор. Энди сен уйланишинг керак, бу турган гап. Мен анчадан бери Зийнатни кўз остига олиб, синчковлик билан кузатиб юрибман. Агар олло таоло ниятимга етказса унга совчиликка борсам дейман».

Қаддур меҳри ийиб кетган онаси Зийнат ҳақида яна нималар дейишини кутиб тураркан, она унга узоқ тикилади, лабларида ўша сермаъно кулги билан аста дейди:

— Қаддур, ўғлим, ҳамма нарса ёзмишдан!

Ниҳоят бир кун онаси ҳаммомдан жаннатдаги Кавсар анҳорида чўмилган кишидек ўзида йўқ хурсанд, ҳаяжондан босар-тусарини билмай қайтиб келди. Қаддур одатига кўра, уни саволга тутишга улгурмасиданоқ, ўзидан ўзи Зийнатдан сўз очди:

— Номингни эшитганда кўзларини ўйнаб кетди, сен унга ёқасан чамаси, ўғлим.

— Наҳотки, наҳотки шундай бўлса, ойижон?

— Дарвоқе, у сенга кўпдан-кўп салом ҳам деб юборди. Эртага бизникига кускус¹ янчишда менга

¹ Кускус — а) миллий таом нони; б) уни тайёрлашда ишлатиладиган дон.

ёрдамлашгани келадиган бўлди. Менга қара Қаддур, ўғлим! Мен яна бир бор унинг кўнглига қўл солиб кўрсаммикан, дейман. Худо ҳақи, ҳазрати имом Бухорийнинг муқаддас бошлари, ҳатто уларнинг ўзлари билан онт очиб айтаманки, мен унинг қўлини кўришим керак. Одамларнинг фикрича, сен Лайлога уйлансанг...

— Ойи, у сизга яна нима деди? — онасининг гапини бўлди Қаддур.

— Сенга салом айтди. Демак гап тамом. Яна нима дейиши керак эди?

Қаддурнинг қулоқларигача қизариб кетди, пешонасида тер томчилари пайдо бўлди, бошини қуйи солганича ер чизди. У ҳеч қачон оийси билан шундай нозик мавзуда юзма-юз туриб гаплашишга журъат этаман, деб тасаввур ҳам қилмаганди. Лекин гап... Гап Зийнат ҳақида. Бу масалада онасидан кўпроқ ёрдами тегадиган жонкуярнинг ўзи йўқ. Қаддур чиндан ҳам Зийнатни севар эди.

Она баъзи кийимларини дорга ташлагач, ўғли томон ўғирилди. Унга қараб туриб, тавба, болаларимиз худди бўталоқларнинг ўзи-я, улғайиб, қалблари жунбушга келгач, кўзларига ҳеч нарса кўринмай, олис-олисларга шаталоқ отадилар, деган ўйга борди. Сўнгра:

— Энди гап отангда қолди, унинг сўзини ҳам олиш керак. Унутма, ўғлим, ота-она рози — худо рози, дейишади,— дея шивирлади.

Қаддур бошини қуйи солганича, ойимга Зийнат ҳақида гап очиб чатоқ қилмадиммикан, деб ўз этини ўзи ерди. Ундай деса, онасининг ўзи неча бор қиз ҳақида оғиз очишга ундаган эди?! Унинг сўзлари ошиқ ўғил дардига малҳам бўлган эди. Йўқ, она жиддий гапираётган эди.

Қаддур шуларни ўйлар экан, юраги таскин топди, лекин атайин бўлса-да, норози эканини кўрсатиши зарурлигини сезди.

— Нима, ким Зийнатдан оғиз очса, уни ўшанга қўшиб қўя қолиш керак экан-да!

Оҳ, бир пайтнинг ўзида бир жойда туриб, бир нарсани ҳам ибтидосини, ҳам интиҳосини кўра олиш нақадар мушкул. Айниқса унинг бир қутбида сен учун энг азиз инсон турган бўлса. Йўқ, ҳеч қандай

қутб ҳам, ибтидо ҳам, интиҳо ҳам йўқ. Зийнат бор! Фақат Зийнат! Зийнат! Зийнат!

Қаддур кўзлари севинчдан ўйнаб ташқарига отилди. Назарида бағри кенг, жуда кенг, ҳатто қуёшни ҳам жо қилгудек эди.

У пайтларда инқилобий ҳаракатлар унча кучаймаган эди. Ҳатто Қаддур қабилидаги кишиларнинг унча-мунчасининг ҳаёлига инқилоб сўзи келмас ҳам эди. Само гумбази ҳали ерга тушиб чил-чил бўлмаган кўзгуга ўхшар, ўнларча ери тирналган бўлса-да, чиннидек кўринар, ҳатто ялтирар эди. Ёмон касалга мубтало бўлиб, тўшакда узоқ муддат ётиб қолган бемор хасталикнинг одатда дам-бадам бўладиган хуружи тўхтаб турган лаҳзаларида ўзини деярли соғломдек ҳис қилгани каби мустамлакачиларнинг мавжудлигини одамлар бундан ўзгача тасаввур қилмас эдилар. Саккизинчи май¹ мотам эълон қилинган, қора кийим кийиладиган кунгина бўлиб қолган эди. Четдан қараганда қора чодирга ўралган аёллар шунчаки мотамсаро, ҳазин, лекин бу қайғуга сабаб йўқдек кўринарди. Қишлоқ оқсоқоли гуноҳ ва ҳаромдан шишган, худди қанор қопнинг ўзи, чўнтагида ҳозирда қамоқ деб аталмиш ташландиқ дўкон калитларнио, қўлида эса доимо қамчи эди. Уларнинг бари ёлғиз Ал-Лаз бечорага аталган.

Шишадек осмон Тунис, Мағриб, Ҳиндихитойдаги урушларда ҳар ер-ҳар еридан дарз кетган бўлса-да, бисёр мусаффо кўринарди...

Бу ҳаммаси сиёсат. Қаддур эса сиёсат билан шуғулланмас, қизиқмасди. У ҳатто масжид имомининг жума кунлари қиладиган хутба-ваъзидан мақсад ўз қавмининг масжид ва мадраса биноларининг қурилишига пул ва дон билан ёрдам кўрсатишга ундаш, деб тушунарди. Чунки ҳар гал домланинг гапи шунга бориб тақалар, масжид ва мадраса бинолари эса бундан бир эмас, бир неча йил олдин қуриб битирилган эди.

¹ 1945 йил 8 май кунн Германия устидан қозонилган ғалаба муносабати билан Сетиф ва Гельма шаҳарларида ўтказилган оммавий намойиш фашистик полиция томонидан ўққа тутилган, шу сабабли бошланиб кетган халқ қўзғолонини Франция армияси ваҳшийларча бостирган эди.

Ҳар ҳолда одамлар бир қадар эркин эдилар. Тунларин алламаҳалгача ўйин-кулги қилишар, гап-гаштакда бўлишар эди. Кечасими, кундузими истаган ерларига бемалол, ҳеч қандай таъқиб ва назоратсиз бориб келишлари мумкин эди.

Қаддур ҳам кечаларни бедор ўтказишни яхши кўрар эди. Лекин қаҳвахонада қарта ўйнаб ёки соққа ташлаб эмас, ённки рамазон ойида масжиди жоме тупроғини ялаб ҳам эмас, балки ўз уйлариининг шундоқ ёнгинасида, Зийнатлар ҳовлисининг эшиги олдида. Шу ерга қоп тўшарди-да, ҳаммомчи дўсти Ҳаму билан чорданани чор қилиб, соатлаб, бафуржа суҳбат қуларди. Одатда гапни Ҳаму бошлар, у ўз онлавий аҳволн танглигидан, иши оғирлиги, тор, ифлос жойда, ис ва тутун ичида ҳаммомга сув иситиш учун эртаю кеч гўлаҳилик қилиши ҳақида куюниб гапирар эди.

— Шу ҳам тирикчилик бўлдимн, амак?¹ Куну тун ишлаб бир кунда қирқ дирҳам топаман. Уйдаги ўн тўрт оғизга бу нима бўлади. Уннинг килоси йиғирма дирҳам, ёғ қирқ дирҳам, бир бўлак совун ўн беш дирҳам. Рўзғор ғор эмасми, бунинг устига ҳали у керак, ҳали бу керак... Худо ҳаққи, итнинг кунн бундан афзал!

Ҳаму баъзи нарсаларни ошириб юборишн рост. У айтаётган уйдаги ўн тўртта овқатталаб оғиз аслида ўнта: акаси Зайдон ва унинг хотини, еттита ёш бола ва онаси. Аммо Ҳамунинг ўзи кўпинча ё Қаддур билан, ё одатига кўра ёлғиз ўзи яширинча овқатланади. Тўғри, уни яна ўзининг таъбири билан айтганда «уч офат» — икки бева ва бир «бокира» қиз кутади. Улар ўзаро рақобат қилганларича, Ҳамунинг ёшлиги, куч-қудрати эвазига ҳар бири бор лутф-карамнин кўрсатиб, йиғитни ўзига ром қилмоқчи, бегона кўздан, ўзгалар диққатидан четга тортмоқчи бўлишарди.

Кечалари Ҳаму қизларнинг қароргоҳларига навбатма-навбат қадам ранжида қилар, тунн билан уларнинг кўнглини овласа, кундуз кунлари улар Ҳамунинг торғина ҳужраси — гўлаҳхонасига ташриф буюришарди. Унинг бунга тоби йўқ: гоҳида уларнинг келишларинин ман этар, гоҳида узр сўрар, кетишла-

¹ Амак—амакивачча демоқчи.

рини илтимос, ҳатто илтижо ҳам қиларди. Ҳеч қўйишмаганидан кейин, кичик темир эшикчани бер-китиб, қизлар раъйига юришга мажбур бўларди... Сўнгра ҳаёт аччиқ-чучуклари чангалида ер парчин бўлиб ётиб қоларди...

— Зайдон аканг иш топдими?

— Эй амак, Зайдон—касал, адо бўлган ҳисоб, уни сиёсат адо қилди. Бугун бунда, эртага унда. Зайдон каби йнгитларни ҳалок қилаётган сиёсат қанақа сиёсат экан, тушуна олмай қолдим...

Сўнгра асосий мавзу, тунни тунга уласа ҳам тугамайдиган, авлоддан-авлодга, тилдан-тилга ўтиб келаётган мавзу — муҳаббат ва маҳбубалар мавзу-сига ўтишади.

Ҳаму «уч офат» — Дойҳа, Муборак ва Хуха билан сўнгги кунларда кўрган-кечирганларини ҳикоя қилади.

— Кеча «офат»ларининг энг кенжаси, соҳибжамол Хуха билан учрашадиган кунимиз эди. Мен сенга айтсам, уни ўлгудек яхши кўраман, керак бўлса унинг учун ўзимни қурбон қилишга ҳам тайёрман. Менга қолса, ўртага одам қўйиб, унга уйлана қолсам!

Келишилган вақтда у мени бостирма тагида кутиши керак эди. Ундан кейин биз омборхонага ўтиб кетмоқчи эдик. Лекин ҳа деганда келавермади. Опалари ухламагандир ёки ўзини уйқу босгандир, деган хаёлга бордим. Ўзим ҳам кун бўйи роса чарчаган эдим. Шундай бўлса-да, бир оз дам ола қолай, деб кетиб қолмадим. Аксинча улар ётадиган хонадан хабар олмоқчи бўлдим. Оёқ учида ичкарига кириб қарасам, лаънатиларнинг учаласи бир-бирининг пинжига кирганича бир кўрпа остида ўзларини ухлаганга солиб ётишнпти. Энг кичкинаси ўртада, буниси аниқ, биласан, мен уни бошқалардан жуда осонлик билан ажрата оламан, чунки ҳаммасидан энг хипчаси ўша. Эмаклаган кишидек уларнинг ёнига кирдим. Оҳиста ўртада ётганининг сийнасига қўл чўздим. Ҳа, менга ваъда бериб, чиқмаган Хуха ўртада, бу ўша. Лекин у билан менинг ўртамда ётган ким экан? Менга чексиз кўнгил қўйган, сахий Дойҳамни ёки шаддод, асабий Муборакми? Дойҳа бўлса, унинг «ҳаққини» пешинда, гўлаҳхонада тўлаб, ҳисоб-китобни тўғрилаб, орани очиқ қилиб қўйганман. Тунни

Хухага бағишлаганман. Биласанми, у билан учрашувдан ўзимни асло тия олмайман. Тунлари уни бағримга босиб қучганимда кўпинча кўзимга ёш келади. Жуда тез ўтиб кетаётган ҳаётимга йиғлайман гўё... Ўзим чарчаб, ҳолдан тойган бўлсам ҳам нега кета қолмаяпман? Эртага бир важи карсон кўрсатиб қўя қолганим маъқул эмасми? Ўйга толаман. Жуда маъқул, аини муддао! Тун ҳам яримлаб, алламаҳал бўлиб қолди. Қаллайи саҳарда, сўфи азон айтмасиданоқ яна машаққатли иш куним бошланади. Демак, кета қолганим яхши! Шундай қарорга келаман ҳам. Кетсаммикан ёки қолсаммикан, қолсамми. кан ёки кетсаммикан? Одамларга ўхшаб дам олсаммикан ёки у билан... Шу ўйлар билан қандай қилиб ухлаб қолганимни, у лаънатилар мени қачон ва қай тарзда уйғотганини, қандай қилиб гўлаҳхонага келганимни билмайман. Кўзимни очганимда бурнимга ахлат ва гўнг ҳидлари урар, ҳадеб ҳаммом ўчоғига ўт қалар эдим.

Ҳаму бир оз сукутдан сўнг қўшиб қўйди:

— Кўрган куним қурсин.

Сўнгга даҳшатли бир воқеани эслаб кетди. Лекин у ҳақда Қаддурга оғиз очгиси келмади. Аслида Хуха ундан чиройли бир бола туққан, уни Ҳамунинг олдига Дойҳадан бериб юборганди. Ҳаму жон ҳолатда гўдакни бағрига босган, юз-кўзларидан устма-уст ўпган, сўнг бутун вужуди қалтираганича кўзини чирт юмиб ўтхонада ёниб турган ўтга...

Ҳаму сесканиб кетди. Кўзидан икки томчи ёш думалади.

Қоронғи бўлгани учун буни сезмаган Қаддур ўзинча гўнғиллади:

— Кўрган кунимиз қурсин!.. Э, бу дунёда кимдир барча нарсадан маҳрум, хонавайрон, бошқа бир кимса олло неъматни қадрини билмайдиган, кўрнамак, куфрон!.. Мана сен уч аёл ишқидан азобдасан, хунобсан. Мен эса... Э дунё, дунё!

— Сен... сенинг ишинг нима бўлаяпти?

Улар тўғридан-тўғри Зийнат мавзуига кўчишди. Авваллари бу ҳақда гап бўлганда Қаддур чуқур тин олганича: «Рўйхуш бермайди, амак. Худо ҳақи, рўйхуш бермайди», қабилида гап қилар эди, холос. Ҳаму ҳам бўш келмасди:

— Сен ҳам анойи эмассан, подшолар суюклисини¹ орзу қиласан — кўнглинг гилосни тусайди-я, гилосни!

Қаддурнинг кўз олдига подшолар суюклиси — гилос келди. Ташбеҳнинг ажойиблигини, ўринлилигини қара! Оқи оқ, қизили қизил, гўшти, тирсиллаган, ширали гилос ва Зийнат!

У Зийнат ҳақидаги ўз ҳикоясини қизнинг кўмирдек тим қора сочи-ю, катта-катта шаҳло кўзидан, лаъли лаблари-ю, садафдек тишларидан бошлади. Маликаларга хос табассуми, нафис ҳаракати, биллурдек оқ бўйни, тўлишган кўкраги, ундаги қизлик ғурури ҳам йиғитнинг диққатидан четда қолмади. Қаддур яна Зийнатнинг қалбини асир айлаш учун не куйларга тушгани тўғрисида ҳам тўлиб-тошиб гапирди.

— Худо ҳақи, мен кирмаган эшик қолмади. Шу десанг йиғирма мингни унинг йўлида харжлаб юбордим... Си² Ҳаммуднинг туморини тақиб юрдим, билсанг, нафи тегмади, Си Ал-Қурайшийнинг сеҳри ҳам кор қилмади, Си Усмоннинг дуоси ҳам бўлмади...

Қаддур мадад излаб кимга мурожаат қилган бўлса, ҳаммасини номма-ном эслашга тушди. Қанча елиб-югургани, охири асютлик бир шайхнинг «Тиббиётда ихлос ва ҳикмат» китобини сотиб олганигача сўзлади.

— Бу китобда ҳикмат кўп экан, ўзим синадим, фойдаси тегди.

— Фойдаси тегди?! Йўғ-е!

— Ҳа, ҳа. Ойим бугун уни ҳаммомда учратган эканлар, у менга салом деб юборибди.

— Сен бўлсанг шу пайтгача...

— Жим! Секин!

Қария Ас-Сабтий уйининг эшиги оҳистагина қиялади. Тун қоронғисида эшик орқасидаги ким эканини билиб бўлмасди. Суҳбатдошлар ўша томонга тикилганларича бир лаҳза жим қолишди. Эшик каттароқ очилди. Аёл кишининг пичирлагани қулоққа чалинди.

¹ Шимолӣ Африкада гилосни шундай атайдилар (муаллиф).

² Си—сайнд сўзининг қисқартмаси. Таржимаси — ҳазратим, пирим.

сўнгра билагузукларнинг шилдираши¹ эшитилди ва оқ кийим кийган кимнингдир шарпаси кўринди. Шарпа улар томон келарди. Зийнатнинг синглиси Қумайра патнисда бир чойнак чой ва икки пиёлани келтириб Қаддурнинг олдига қўйди-да, аста деди:

— Онам, аччиқ чой уйқуни қочираар экан, деб қўйгин дедилар.

Қиз қандай келган бўлса шундай енгил одимлаб кўздан йўқолди, эшик ёпилди. Орага бир неча лаҳзалик сукут чўкди...

— Келишни ихтиёр қилса, қил кўприкдан ўтиб бўлса-да, келади. Кетмоққа қасд қилса, занжирларни узса-да кетади. — дея Ҳаму қўлини чойнак ва пиёлаларга чўзди. Бир неча ҳўплам чойни хўриллатиб ичди, хуш ёққанини кўрсатиш учун лабларини буриб тамшанди, шеригига савол назари билан қараганича деди:— Тушундингми?

— Қўй, бас қил! Яхшиси жим бўлайлик! Тутқаноқ кишидек юрагим ўйнаб кетаяпти, ўзи. Сенга, чой уйқуни қочиради, деди-ку.

— Аҳамият берма. Кўзингни юм-да, ухла. Бундай воқеаларни кўравериб, каминанинг кўзи пишиб кетган.

Икки соатлар ўтган эдики, эшик яна очилди. Қаддур ўрнидан туриб, ўртоғининг кўрсатмасига биноан патнисни кўтарганича эшик томон юрди. Унинг тиззалари қалтирар, юраги дук-дук урарди. Зийнат тушмагур ҳам патнис қолиб, йигитнинг қўлидан аста тутди. Ақли бошидан учган Қаддур сархуш кишидек унга эргашди. Эшик ёпилди. Қиз севглисини ўз хонасига бошлади...

Зулмат ичра бўлса ҳам ўз мақсадинг, орзу-умидларинг билан яшаш қанчалик нашъали! Чексиз олам ичра ҳуру гилмонлар каби сузиш нақадар гаштли! Қаддур Зийнатнинг иссиқ бағрида эриб борар экан шу хаёлларга борди. У қизнинг тим қора зулфини юзига суртиб ҳидлар, юз, кўз, бўйнидан эҳтирос билан ўпар, қўлларини силаб эркалар, аҳён-аҳёнда қулоғига: «Зийнат, Зийнатим!» деб пичирлаб қўярди.

¹ Араб аёллари одатда қўлларига бир эмас, бир неча билагузук тақиб юришади.

Қиз нозик бармоқларини унинг оғзига кўндаланг қўйганича: «Жим! Жим!» дер эди.

Отаси таҳорат олиб, бомдод намозига чиқиб кетадиган пайтида қиз Қаддурнинг қучоғидай бўшаб чиқди ва бир шиша атир келтириб, йигит бошидан қуйиб юборди. Сўнг уни эшиккача кузатиб қўйди.

— Ҳазрат уйқуга кетганларидан кейин...

Қаддур қиз билан хайрлашиб ташқарига чиқди. Йўл-йўлакай асютлик шайхни кўкларга кўтариб мақтар, китобига тасанно ўқирди. Агар шу китоб бўлмаганда унинг қаршисида жаннат ва неъмат эшиги очилмаган, латофат ва нафосат соҳибасининг чексиз муҳаббатига эришмаган бўларди...

— Қаддур...

— Ҳаму!

Ҳаму ҳамон Қаддурни кутиб ўтирарди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам балки шундай қиларди. Дўстни шундай нозик пайтда ташлаб кетиш ақлдан эмас-ку. Дўсти ўз вазифасини муваффақият билан бажарганига ёки қалтис ишдан эсон-омон чиққанига ишонч ҳосил қилиши керакми, ахир?!

Ҳаму дўсти Қаддур фавқулодда қандай воқеаларга дуч келиши мумкинлигини ҳаммадан кўра яхшироқ биларди. Қадимгилар, фалокат оёқ остида, деб бекорга айтишмаган.

Қалбида биродарлик ҳисси жўшиб турган Ҳаму Қаддурни оғаларча бағрига босиб ўпди, у билан хайрлаша туриб, деди:

— Энди мен борай. Соат ҳам тўрт бўлиб қолди. Ҳаммомни ёқишга кечикдим. Мени кутиб, Дойҳанинг кўзи ҳам роса тўрт бўлгандир. Ҳечқисси йўқ... Хўп, яхши қол!

— Омадингни берсин, Ҳаму! Худо ҳақи, сен чин дўст экансан.

Қаддур уйда ота-онасини уйғоқ учратаман деб хаёлига келтирмаган эди. Отаси саҳарда масжидга бормас, фақат жума намозини у ерда ўқир эди. Онаси эса одатда соат бешларда туриб ситир соғар, подачи молларни ҳайдаб олиб кетиши учун эшикни очиб қўярди. Улар барвақт турганида ҳам ҳеч қачон ўғлини қидиришмас, бунга зарурат ҳам йўқ эди. Қаддур ҳам улар ҳақида ҳеч бир фикрга бормас, ухлаб ётишган бўлса керак, деб қўя қоларди. Доим

шундай бўларди. Лекин ҳозир эшикни оҳистагина очиб кирди-ю, кўзи кутилмаганда остонада бошини қафтлари орасига олиб ўтирган онасига тушди. Онасининг бу ҳолатидан жаҳли чиқди, ғазаби қайнади. Ҳалигача назорат остида экани унга жуда оғир ботди. «Наҳотки онам мен ёш бола эмас, кап-катта эркак бўлиб қолганимни тушунмаса, тушунганини хоҳламаса... Тагин Зийнат ҳақида, унга уйланишим тўғрисида гапиради. Саломларини менга етказди... Э, ота-оналар! Баъзида ўзингиз билмаган ҳолда болаларингизнинг йўлида ғов бўласиз. Қўйинг, уни ўз ҳолига қўйинг, эр киши ўз қилмишига ўзи жавоб берсин, ўз ҳақ-ҳуқуқидан тўла фойдалансин, гаштини сурсин. Ахир сизлар ҳам бир пайтлар балки шундай...

Онам икки йилчадан бери қалбим Зийнат томон талпинишини, тонггача унинг эшигида қолиб кетишимни билади. Лекин барибир хатти-ҳаракатларимни кузатади! Бунини нимага йўйса бўлади? Бу таъқибнинг ўзи-ку! Агар менинг тақдиримни ўйлаб куйинаётган бўлса, уйлантириб мени ҳам, ўзини ҳам аллақачон хотиржам қилишни мумкин эди-ку...» хаёлидан ўтказди Қаддур.

Она ўғли шарпасини сезиб, сергакланди. Чуқур нафас олди. Қоронғилик ичра чехраси ёришиб, лабларидан табассум пайдо бўлди.

— Келдингми, сендан хавотир олиб ўтирган эдим, ўғлим... — Ҳамма нарсадан хабардорман. Дард азобини табибдан эмас, бемордан сўра, дейишга оғиз жуфтлаган она бурнига ўткир атир ҳиди урилгач, индамай ўз хонаси томон юриб кетди.

Қаддур эшикни тақиллатар экан, ҳозир ичкаридан заҳархандали тиржайган офицер тўппончасини унга ўқталганича чиқади, бу пайтда онаси ҳовли ўртасида қонга беланган ҳолда чўзилиб ётган бўлади, сўнг офицер уни минг бор коптоқ қилиб тепгач, казармага бошлаб кетади. У ерда эса... каби хаёлларга борди.

Йигитнинг юраги така-пука, қинидан чиққудай эди. Санамлар силкингани ёдига тушди. Ушанда у қанча азоб чеккан, ҳазилакам эҳсон қилганмиди?!

Оҳ... ҳаётим қил устида... охиратим бир қадам...

Эшик очилди. Уни онаси очди. Қаддур волидасига тикилганича бир зум қотиб қолди. Кўз олди қоронғилашди, қандайдир қора булут онасининг ҳаётига соя солгандек эди. Нуридийдасига диққат билан разм солган она ҳамма нарсани англади. Ўғли ғоятда оғир аҳволга тушиб қолганини фаҳмлади. Қаддурнинг кўзларида куёниш аломатларини ўқидики, у кеча, бугун бошланган эмас эди.

— Хатти-ҳаракатингиз фош бўлдими?

— Қандай хатти-ҳаракат?

— Дард азобини табибдан эмас, бемордан сўра! Мен ҳамма нарсдан хабардорман. Онанинг қалби—ҳаммаша сергак, ўғлим Қаддур.

— Ҳа, ишимиз фош бўлди, қочишдан бошқа чора қолмади.

— Ал-Лазнинг қисматидан хабар топмагунча узоққа кетма!

— Ал-Лаз ҳақида сенга ким айтди?

— Болакайлар гапиришаётган эдилар. Билардим, Ал-Лаз ҳам...

Қаддурнинг чеҳрасида болаларга хос ҳайрат аломати намоён бўлди. Гўё буни онасидан яширмоқчи бўлгандек, ўз хонасига қараб шошилди. Ичкарига кира солиб ўрни остидаги бир плитани кўтарди-да, остига яшириб қўйилган халтачини чиқариб, кўйлагига остидан яхшилаб боғлаб олди. Сўнгра онасини бағрига босиб ўпди-ю, ташқарига отилди. У Аҳмазийнинг отхонаси томон йўлга тушганди.

Қаддур Аҳмазийни кўриши билан унга шоша-пиша гапира кетди:

— Аҳмазий амаки, Ал-Лаз қўлга тушди, мен қочишим керак.

— Нима, нима?

— Қишлоқдан чиқиб кетишга улгурмаган яна ким қолди?

— От билан хачир... Гапингдан ҳеч нарса тушунмаяпман. Ал-Лазнинг бунга нима дахли бор?

— Мен ҳозироқ қишлоқдан кетишим керак. Бор-йўғи бир ярим соатча вақт қолди.

— Ана си Ал-Фарҳий келаяпти. У сени хоҳлаган ерингга элтиб қўяди.

— Сен одатдагидек аъзолик бадалларини тўпла.

Бир неча кундан сўнг уни олиб кетгани олдинга одам келади.

Аҳмазий хачирини ниқталаганича тепаликка аста кўтарилиб келаётган си Ал-Фарҳийни кутар экан, жим қолди.

Қария ўйлаб ўйига етолмас эди «Мен кимсан одамлар турмушидаги барча сир-асрорларнинг миридан-сиригача хабардор, сочи одамлар ташвишида оқарган Аҳмазий бўлсаму лаънати Ал-Лаз ҳақида ҳеч нарса билмасам! Оббо ҳароми-ей! Оббо падар лаънати, Марянанинг зумрашаси-ей! Наҳотки... Йўқ, гап бу ерда Қаддур айтган бир неча сўздагина эмас. Йўқ, буниси аниқ...»

Кўтарилиб келаётган си Ал-Фарҳий эканига ишонч ҳосил қилган Қаддур у ҳақда ўйлаб кетди. Бир кило шакар, ярим ратл¹ қаҳва, ярим литр керосин, бир кило туз, тўрт дирҳамлик доривор. Ал-Фарҳийнинг бир ҳафталик эҳтиёжи шулардан иборат эди. Буларни у Қаддурларнинг дўконидан бозор кунни арафасида харид қилар, аҳён-аҳёнда эллик грамм яхши кўк чой, тўрт кило чарви ҳам қўшиб оларди. Демак, Ал-Фарҳий уни истаган ерига етказиб қўяди. Буни Аҳмазий ўзига комил ишонган ҳолда айтди.

Қаддур соатига қаради. Вақт жуда тез ўтар эди. Ихтиёрида бир соату ўн беш минутгина вақт қолганди. У Аҳмазийнинг қулоғига алланима деди.

Аҳмазий Ал-Фарҳийга шошилинич, айнаи вақтда қатъий буйруқ берди:

— Уни ўзинг билан олиб кетасан. Бугун сеникида тунайди, кейин отрядга — одамларимиз олдига элтиб қўясан. Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмаслиги керак! Тушундингми?!

Си Ал-Фарҳий Қаддурнинг қўлини сиқиб кўришар экан кулди. Аҳмазий унга бу хилдаги буйруқни камида эллик бор берган эди. Қаддур ўз томонига оғдирган ва керакли яроғ билан таъминланган барча йнгитлар шу йўсинда, шу йўлдан у томон ўтишар эди. У ҳозир минадиган хачир ҳам ора-чора ўз устида икки кишини элтишга кўникиб қолган, бугун ҳам кимнидир кутгани атайлаб келганди.

Улар қишлоқдан бир неча километр узоқлашиш-

¹ Ратл — оғирлик ўлчов бирлиги, 449,28 граммга тенг.

гач, тун қоронғилиги қуюқлаша бошлади. Энди аскарлар қўлига тушиб қолишдан қўрқмаса бўлади. Агар уларга дуч келганда ҳам яшириниш имкони бор. Ана шундагина Ал-Фарҳий аста пичирлади:

— Биродарлар сени бизникида кутишаяпти.

— Нима, улар сеникида мени кутишаяптими?

Қаддур гап фақат ўзим ҳақимда кетаяпти, деб ўйларди. Бўлган воқеадан Ал-Лаз, онаси, Аҳмазий, қолаверса Ал-Фарҳийгина хабар топганди, холос. Бунинг устига ҳаммаси: кўчадаги шовқин-сурон, Ал-Лазнинг тупуриши, қишлоқни тарк этиши бугунгина содир бўлганди... Қулоқлари остида онасининг гапи жаранглагандек бўлди. «Дард азобиши табибдан эмас, бемордан сўра».

Қаддур ўз саволини яна қайтарди. Бу гал унинг сўзларида таъна оҳанги сезиларди.

— Нима, улар сеникида мени кутишаяптими?

Си Ал-Фарҳий бор гапни тушунтира кетди. Охири марта казармадан қочган йигитлар ичидаги Ал-Ҳаракийнинг жосус эканлиги, у жазоирликларни армия сафидан қочириш қай йўсинда амалга оширилаётганини билиб келиш учун жўнатилганлиги, бир ҳафта отрядда бўлгач, кеча кечаси яна қишлоққа қайта қочиб кетганлиги ҳақида гапирди.

— Биродарлар Ал-Лазнинг қисматидан яхши хабардор. Улар энди сенга навбат келганини, бугун бўлмаса эртага сени ҳам қўлга туширишлари мумкинлигини билишарди.

Ал-Фарҳий шуларни сўзларкан, ўзича ўйлади: «Ёлғонни ҳам дўндирдим, чамаси. Қизиқ, энди у нима дер экан. Менга кўп нарсга боғлиқ эканини, ҳатто унинг тақдирини ҳам менинг қўлимда эканини билиб қўйиши керак». Унинг бу гапи ўзига ёқиб тушди. Ўзини ўзи ёлғон гапирмаётганига, балки бир оз муболағагина қилаётганига ишонтиргач, қўшиб қўйди:

— Бу ерга сени қочиришга, йўқса асфаласофилинга равона қилишга келган эдим.

«Си Ал-Фарҳий биродарининг буйруғи билан мени ўлдирди. Мен қишлоқда уларни қўллаб, ёрдам қилган эдим. Улар эса мени ифлос хоинлардан бири сифатида қатл қилишди. Онам афсус-надоматлар билан кўз ёши тўкади, аза тутди. Одамлар

отамнинг дўконидан қадамини узишадн. Менинг хоинлигим тифайли у қариган чоғида очидан ўлади..

Қандай шафқатсизлик! Инқилобий ҳаракат даврида ўлим барча чигалликларни ечишнинг энг тўғри йўли. Хоин ҳам ўлади, қаҳрамон ҳам. Иккиси ҳам бир ўлим билан ўлади. Биринчиси инқилоб ундан қутулиши учун ўлса, иккинчиси нега ўлади? Ундан ҳам инқилоб қутулиши учунми? О, нақадар шафқатсизлик!..

Демак, инқилоб йўлида қурбон бўлганларнинг қўпчилиги умуман хоин эмас экан-да. Улар мен каби масъул, софдил курашчилар бўлиб чиқади. Демак, мен ўз манфаатини ўйловчи худбин... Балки бир кун эмас, бир кун Аҳмазийни ёки отамни, ёки мен билан ҳамкорликда бўлганлардан бошқа бирини ўлдиришга буйруқ бераман? Бунда қандай маъно бор?!»

Қаддурнинг Ал-Фарҳийга айтиши мумкин бўлган жавоби шу эди. Лекин Ал-Фарҳийнинг тоқати тоқ бўлганди шекилли, қўшиб қўйди:

— Юз кишининг ёстиғини қуритгандан кўра бир кишини қурбон берган афзал. Инқилоб — ҳамма демакдир.

Бу гапни у шундай оҳангда айтдики, на саволга, на мунозарага ўрин қолди.

Қаддур ўзини қўлга олди, бор кучини тўплаб ҳамроҳига шундай бир савол билан юзландики, жавоб ҳақиқатни, инқилоб ўз курашчиларини нега қурбон қилишини рўйрост очиб ташлаши керак эди.

— Шундай экан, нега менга Ал-Лазни ўлдиришга буйруқ беришмади?

Си Ал-Фарҳий фаҳмлашича Қаддур ҳали ҳам уни тўла тушуниб етмаган эди. Ўзича хаёлидан ўтказди: «Гапни қара! «Нега буйруқ беришмади?» дейди. Нега буйруқ бермадинг?! демайди. Унга буйруқ беришар эмиш, унга! Мен-чи?!»

Си Ал-Фарҳий жуда ошириб юборганини сезиб иккиланди. Энди нима қилса экан? Бор гапни очиқ айтиб қўя қолсамикан? Ахир у ўз ҳақири билан Аҳмазийнинг отхонасида бир кишини кутиб туриш учун юборилган, қочиши керак бўлган киши Қаддур эмас Ал-Лаз эди-ку! Шуларни айтсамикан ёки яна бир оз муболаға қилиб айлантирсамикан? Бир озгина, қўп эмас! Зайдон менга доим «қуруқ сафсатабозсан» дей-

ди. Лекин мен кўпчиликнинг манфаатини ўйлаб куюнаман. Ҳечқиси йўқ, озгина муболағанинг зарари йўқ.

— Уни ҳақиқатан ҳам жосуслигига ишончимиз комил эмас эди, — гапида давом этди Ал-Фарҳий.

«Нима? Ал-Лазни қурбон қилишмоқчимиз? Мени ҳам, ўзлари билан ҳамкорликда бўлаётганларнинг барини ҳам йўқ қилиш ниятидами улар?»

Қаддурнинг кўз олдига соқчиларнинг турткилари зарбидан кўча бўйлаб ҳар ён чайқалаётган Ал-Лаз келди. Қулоқлари остида унинг дардли ҳайқириқлари жаранглади. У ўзини унутган, жон аччиғида бақирб-чақирар, тумонатни бошига йиғган эди. Бу шовқин-сурондан мақсад Қаддурни яқинлашиб келаётган хавф-хатардан огоҳ қилиш эди. Фидойилик! Бизнинг ишда у қанчалар зарур! Ҳар қадамда фидойилик керак.

Инқилоб бу фидойиликдан ўзга нарса эмас. Бутун борлиқни фидо қилишга ҳам тайёр бўлиш унинг туб моҳияти, хаёлидан ўтказди Қаддур.

Фидойилик йўқ ерда инқилоб ҳам йўқ. Фидойилик — инқилоб.

Қаддурнинг боши айқаш-уйқаш фикрлардан хум бўлиб кетди. Хаёлни ҳақиқатдан ажрата олмай қолди. Ҳамма нарсани унутган. Хатто Ал-Фарҳийни ҳам, унинг хачирини ҳам, манзилнинг олис ёки яқинлигини ҳам, эсон-омон етиб олишадими ёки қўлга тушиб қолишадими, Аҳмазий Қаддур илтимос қилган нарсани бажардими, йўқми, уни чиндан ҳам Ал-Фарҳий-ниқиди кутишаяптими — барини унутганди.

У бундан саккиз ой олдин содир бўлган воқеалар оғушида яшар эди.

— Биродарларимиз яқинлашиб қолишган. Солдатлар, кеча бизнинг одамлардан яна беш кишини ўлдиришипти, кўприкни портлатиб, мактабни вайрон қилишипти.

— Ишқилиб қонли саккизинчи май воқеаларини бошимизга қайта солишмаса эди, деб қўрқамиз, — куюна жавоб қилди Қаддур Ҳамуга.

Энди Ҳаму Қаддур билан учрашиб қолди дегунча уруш ва биродарлар ҳақидагина сўз очар, ўзининг «уч офати» — Дойҳа, Муборак ва Хухасини, не азоб-

уқубатлар билан топадиган қирқ дирҳам ойлиги урвоқ бўлмайдиган уйдаги ўн жон — ўн оғизни тамоман унутганди. Бир ойдан бери ўйлагани мана шу уруш. Урушнинг бориши тўғрисида маълумотлар тўплайди. Уларни ўзи эшитган узунқулоқ гаплар билан боғлайди, ривожлантиради. Вазият ўзгарган бўлса ҳам суюнади. Лекин воқеанинг туб моҳиятига тушуниб етмайди. Енгил-елпи ўй юритиш ёки тахмин қилиш билан чекланади, холос. Унинг ўзига ҳодиса афзал кўриндими, бас. Ҳаму бой ва қашшоқ кишилар орасида, уларнинг тили ва кийимини ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай фарқи кўрмас эди. Унинг гумон ёки тахминлари ўзига далил ёки асос бўлиб хизмат қилаверди. Шу бонсдан бўлса керак, ўлаётган ёки ўлдирилганларнинг бари ё французлар, ё бадавлат бойлар, ё мансабдор аъёнлар, ёки бўлмаса бошлиқлар, оқсоқоллар, деб ўйларди.

— Худо ҳақи, амак, жилға тубида тошларгина қолади...

Қаддур соддалик билан Ҳамудан жилға тубида қолдиган тошлар деб нимани назарда тутаётганини сўради.

— Яхшилик! Бу яхшилик! Юртимизда фақат яхшиликкина барҳаёт қолади, — деди Ҳаму.

«Қизиқ, яхшилик дегани нима ўзи? У куч-қудратми? Унда Франция жуда кучли, ундан кучлиси йўқ! Ёки танкларми? Унда ўзларида танк йўқ. Танклар Францияники. Ёки замбараклармикан? Ундай бўлса замбараклар ҳам Францияники. Ёки яхшилик дегани мол-дунёмикан? У ҳолда мол-дунёнинг бари французларда.

Ҳатто саккизинчи май куни ҳам фақат яхшилик қолади, дейишган эди. Аслида-чи, яна францияликлар қолишди.»

Уша кундаги воқеалар ҳалигидай эсида. Лаънати самолётлар ёғдирган юзларча бомба ўнгу сўлда, ҳар қадамда портлайди. Қишлоқдаги одамзод борки, жон талвасада анғизнинг у томонидан бу томонига телбаларча югуришади. Еру кўкда аланга ўйнайди. Бечора ҳўтик.. Турган ерида чор атрофга аланглайди, гўё нималар бўлаётганини тушунмоқчи бўлади. Шу чоғ бир самолёт пастга шўнғиганича унинг устидан бир шода ўқни сочиб ўтганди. Ушанда самода таранг тор-

тилган қизил тизгинча ҳосил бўлганини ўз кўзи билан кўрган эди. Шунда ҳўтик аввалига ҳайкалдек қотиб қолган, сўнг жойидан жилмоққа уринганида қоқ иккига бўлиниб тушганди, бечора...

Бунинг нима кераги бор? Французларни ҳайдаб чиқаришгани... У ёруғ дунёга келибдики, улар шу ерда. Тўғри, у ўзини улардан бошқачароқ эканини сезади. Шунга қарамай уларни хўжайин, ҳоким ҳис қилади. Ўзлари ҳам, куч-қудрат, озода-покизаллик хусн-жамол бобида ажралиб туришади. Уларнинг жаннати бу дунёда, бизники — у дунёда. Бувиси бу ҳақда неча бор гапирган, уни ҳам ишонтирган эди бунга.

«Кунлардан бир кун ҳовлимизга қандайдир француз кириб келди. Қўрғондаги болаларнинг бари уни зимдан кузатишга, у қўйган ҳар бир қадамни назардан четда қолдирмасликка келишиб олишган эди. У ё отхонага, ё ҳожатхонага кирмоқчи экани аниқ эди. Чунки кун кеч бўлиб қолган, қўлида қоғоз билан зирллаб юарди. Биз эса кузатишимизни қўймаймиз. Француз бирдан тўхтаб, кўринмай қолди. У ҳали узоқлашмаган ҳам эдики, биз у тўхтаган жойда ҳозир бўлдик. Бир бола ердаги нарсаларни у ёқдан-бу ёққа тита бошлади-ю бирдан ўқчий бошлади. Олдинга ишонмадик. Кўп ўтмай ким ўқчиганича, ким тупурганича узоқлаша бошладик. Билсак, французнинг ахлатини титган эканмиз.

Биз французлардан қўрқамиз, ҳурматини жойинга қўямиз, жон-жаҳдимиз билан уларга хизмат қилишга тайёр турамиз. Шундай экан нима учун улар билан урушишимиз ёки уларга хусўмат сақлаб юришимиз керак?»

— Менга қара! Мен аслида сиёсат билан яқин-яқиндагина қизиқа бошладим. Лекин Зайдон акам менга ҳамма нарсани иппдан игнасиғача тушунтирган.

Ҳаму бутун ақл-заковатини ишга солган ҳолда Қаддурни Зайдон акаси айтган фикрларга ишонтирмоқчи бўлиб, акасининг ҳамма ўй-фикрларини ўртага ташлай бошлади.

Яхшилик ҳақиқат демакдир. Бу юртда ҳозир ҳақиқат йўқ. Лекин шундай кун келадики, жилға тубида тошларгина яъни яхшилик, бошқача қилиб айтганда ҳақиқат қолади. Французлар чиқиб кетади, бойзодагонлар синади, улардан асар ҳам қолмайди. Ҳам-

манинг қорни тўқ, хотиржам ухлайди. Барчамиз ўқий-
миз. Араб тили билан бир қаторда инглиз, немис ва
рус тилларини ҳам ўрганамиз.

Хокимимиз ҳам ўзимиздан, оқсоқол ва хўжайин-
лар, лашкарбоши ва миршаблар ҳам ўзимиздан бў-
лади.

Биз ҳам французлар каби билимдон, покиза, кўр-
кам, ҳурмат-эътиборли бўламиз.

Бундай бўлишга интилаётган биргина биз эмас.
Мисрликлар, тунисликлар, мағрибликлар ҳатто ко-
фирлар ҳам шу орзуда. Уларнинг аҳволи ҳам худди
бизникидай. Масалан, Ҳиндихитой томонларда. Тўғ-
ри, уларнинг диний эътиқодлари бизникидан фарқ
қилади, лекин аҳволлари барибир ночор. Улар устидан
ҳам французлар ҳукмронлик қилишарди, халқ бунга
қарши бош кўтарди, қўзғолди ва натижада уларни
енгди. Мағлубиятга учраган францияликлар тум-
тарақай бўлишди.

Дьен Бьен Фу¹ ҳақида ҳали туғилмаган гўдаклар
ҳам эшитган.

— Мени тўғри тушун. Сиёсатчи бўламан деган
одам энг аввал французлар ҳам биз сингари инсон
эканини, уларнинг ҳам ўз ватани борлигини фаҳмлаши
керак.

Бу мантиқ Қаддурнинг тилини боғлади, гўё у бош-
қа савол беришга ожиздек узоқ ўйга толди.

«Сиёсат — бу касаллик. Зайдондан укасига ҳам
юқипти. Ака-укалар айтаётган гапларнинг бари тўғ-
ри бўлганда ҳам французлар биздан ўзгача. Мен бу-
ни олдиндан биламан. Бизнинг юртга уларнинг кели-
ши ноҳақлик. Улар Франция деб аталмиш ўзга юрт-
дан келишган. Бу ерга қадам қўйиш фикрига тушиш-
ларидан олдин биз уларнинг юртига кириб боришимиз
мумкин эди. Ҳаму ҳикоя қилаётган Испания воқеаси,
шак-шубҳасиз, тўғри. Ушанда биз Испанияда худди
бу ердаги французлар каби мавқеда эдик. У замон-
лар ўтди. Мана энди ўзимиз испанларнинг кунига ту-
шиб ўтирибмиз. Ҳамунинг бу гаплари тўғри.

Фақат, французларни чиқариб юбориш эҳтимол-

¹ Жой номи; 1954 йили Вьетнам революцион кучлари бу
ерда француз мустамлакачиларига қақшатқич зарба берган ва
уларни тор-мор келтирган.

дан жуда, жуда узоқ. Улар қудратли, биз эса заиф. Ҳаму барча одамларга ҳам бу гапларни уларда ишонч ҳосил бўлгунча гапира олмайди.

Ҳаммадан ҳам ҳайратланарлиси — Ҳиндихитой. Бу юртнинг ўзи ҳам, одамлари ҳам бизникига ўхшаш. Французлар у ерда ҳам бу ердаги каби хўжайинлик қилишар эди. Лекин барибир бўлмапти-ку, жуфтакни ростлаб қолишипти, ер билан яксон бўлишипти.

Ҳиндихитойдаги барча кишилар Ҳаму айтган каби нарсаларга тушуниб етишганки, французларни ҳайдашнинг уддасидан чиқишган.

Ҳаммага керакли нарсаларни тушунтириш, уларда умид ва ишонч ҳосил қилиш учун Ҳиндихитойда Ҳаму сингарни одамлардан қанчаси жонбозлик қилди экан?»

Қаддур хаёл денгизига шу қадар чўмган эдики, ҳатто кўз олдида ғалати шарпалар намоён бўла бошлаган, ўзини телбалардек ҳис этар, паришонхотирлик билан пичирлаб қўярди:

— Ҳар бир одам ўз ўрнида, ўз ҳолимизча қолсак-чи? Унда нима бўлади?

«Ҳар биримиз ўз ҳолимизча? — ўйлай кетди Ҳаму. — Демак, у отасининг дўконида бир ёнида дориворлар, шакар, қаҳва, оқ ёғ, зиғир ёғ, бир ёнида тошу тарози... албатта ўз Зийнати билан. Мен ҳаммомнинг ўтхонасида тунги соат уч, сўфи ҳали азон айтмасидан ярим тунгача қора терга тушай, оёғим қайишсин, белим букчайсин. Туни билан яна иш — аламзада қизларнинг кўнглини овлай. Бир тун Дойҳа билан, бир тун Муборак билан, бир тун Хуха билан... Улардан бири фарзанд кўргудек бўлса, уни яна мен гумдон қилай-а?..

Яна қирқ дирҳамга ўн кишининг қорнини тўйғазаверай...

Ҳамма ўз жойида.

Раймон — шаҳарнинг энг катта оқсоқоли. Жан Жон ва Морис ўз фермалари¹ ва вино дўконларида, Ат-Тоҳир ҳожини ва у сингарилар — ўз арши аълоларида.

Ал-Лаз онаси Маряна билан ўз кулбасида. Ҳамма

¹ Капиталистик мамлакатларда: ўзига қарашли ёки ижарага олинган ер участкасида иш юритувчи хусусий деҳқончилик хўжалиги.

ерда танглик, ночорлик, норозилик. Оқсоқолнинг айтгани айтган, дегани деган.

У кишининг ўзлари ҳаромдан ҳам ҳазар қилмай қорниларини қовоқдек қилиб юра берсинлар...

Тоғдаги тоғда, боғдаги боғда. Ҳамма ўз жойида.»

— Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, амак, ё у ёқли, ё бу ёқли бўлиш пайти келди. Шомлик¹ шомлигини, бағдодлик бағдодлигини қилсин. Бир томонда тиғ, бир томонда — ўқ-дори.

Қаддур хаёлида чуқурдан-чуқур қудуққа тушиб кетган эмиш. Нажот сўраб илтижо қилса, унга икки-та арқон ташлашпти. Бирини — Раймон ёки Жан Жон ёки Ат-Тоҳир ҳожининг қўли сингари оплоқ, юмшоқ. Иккинчиси — Ал-Лаз ёки Ҳаму, Зайдон ёки ўзининг қўли сингари қора, пишнқ. У қайси бирини тутишни билмай гаранг...

Бир ёнда тиғ, бир ёнда ўқ-дори. Ёки — ёки...

У ўйлаб ҳам ўтирмай бир вақтнинг ўзида иккала — оқ ва қора арқонга тирмашар эмиш. лекин қимир этмас, жойидан жилмас эмиш. Тинмай нажот сўраб нола қилармиш. Арқон тортилгани сари соғилиб-соғилиб унинг оёқлари остида чувалашар эмиш.

Нажот йўли асло кўринмас, у эса қайси арқонга осилишни билмас эмиш.

— Ҳар бир одам ўз ўрнида, ўз ҳолимизча қолсак нима бўлади? деган ўйга боргудек бўлса, унга момақалдиरोқдек гумбирлаган жуда қатъий ва кескин жавоб эшитилар эмиш:

— Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, амак, ё у ёқли, ё бу ёқли бўлиш пайти келди. Шомлик шомлигини, бағдодлик бағдодлигини қилсин. Бир томонда тиғ, бир томонда ўқ-дори.

Қаддур нажот излар, икки арқонни бир қилиб унга яна ва яна ёпишиб кўрар эмиш, лекин бефойда, арқон соғилиб оёқ остида чувалашаверар эмиш. Қайси бирини танласа экан. Бир томонда тиғ, иккинчи томонда — ўқ-дори. Нима бўлганда ҳам у қудуқдан чиқиши керак-ку!

Сергакланиб кўзини очган Қаддур ўзини девор тагида кўрди. Ёнида Ҳаму махорка ўраб ўтирар эди.

Тонг отар, кун ботар, дам хуш, дам нохуш вақт

¹ Сурнялик.

жуда тез ўтар эди. Янгидан янги воқеалар содир бўлар, ҳамма ерда ҳар хил миш-миш гаплар юрарди.

Суҳбат мавзун уруш, ўлдириш, ўт қўйиш, сим—ёғочлар, темир йўл ва кўприкларни портлатишдан нарига ўтмас эди.

Ҳаму энди ўта ғайрат ва кўтаринки руҳ билан ҳаракат қиларди. Бунн Қаддур Ҳаму фақат у билан эмас, балки барча ёшлар билан алоқа ўрнатганидан сезди. Ҳамунн ким билан учратмасин, ўша одам бирор кун ўтар-ўтмас қаергадир ғойиб бўларди. Энг қизиғи шундаки, Ҳаму бу ҳақда Қаддурга лом-мим демас ёки қисқа қилиб:

— Эй, амак, ноҳақлик одамларни оёққа турғизаяпти, — деб қўя қоларди.

Сўнг гапни бошқа ёққа буриб юборар, аксарият ҳолларда ташвиқий йўсинда Қаддурга инқилобчиларга қўшилишни зарурлигини уқтиришга тушарди. Ҳаму ё инқилоб томонини, ё французлар ва уларнинг малайлари томонини ихтиёр қилиш кераклигини, бетарафлик бу душманни қўллаб-қувватлаш, ўз оғаниларни билан ҳамкорликдан юз ўгиришнинг ўзгинаси эканини тушунтиришга уринарди. Шунда Қаддурнинг кўзи олдига чуқур қудуқ туби ва осилиб турган икки арқон келарди. Бирн — оқ, иккинчиси — қора. Ҳаму Қаддурни улардан бирини танлашга даъват қилар, бетарафлик ҳам ихтиёр... дерди гўё. Охири бўлмади, бир кунн кечқурун бу ҳақда гап кетганида Қаддур ёш болалардек ўзини боса олмай:

— Ҳаму, сен инқилоб ҳақида у худди жуда яқинда, ана у муюлишда-ю мен унга қўшилмаётгандек гапирасан-а, — деди тутатиб.

Ҳаму мамнун, ғолибона кулди.

— Ҳа, у яқин. Нега узоқ бўлсин?! Агар сен унинг йўлида ишлашни хоҳласанг эди, олам гулистон бўларди-қўярди.

— Агар мен хоҳласам! Хоҳласам. Йўқ, хоҳлайди, хоҳламайдисн йўқ. Ҳамма мажбур.

— Тўғри, мажбур. Мен ҳам сени мана шунга ишонтирмоқчи эдим-да.

Орага узоқ жимлик чўкди. Уларнинг иккаласи ҳам фатализм¹ ҳақида ўйларди. Ҳамунинг фикрича,

¹ Тақдирга, пешонада ёзилганига ишонишдан иборат диний идеалистик дунёқараш.

одамларни қашшоқликда, оч-яланғоч, касалдан боши чиқмай, илм нималигини билмай, жаҳолат ва ғафлатда, чексиз жабр ва зулм остида яшаши уларни бу аҳволдан қутқариш учун ҳаракат қилишга мажбур этади. Бу ҳаракат инқилобдан, бойлар ва хўжайинларга қарши қўзғалишдан ўзга нарса эмас эди. Бу, акаси Зайдоннинг айтишича, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, ҳатто ўйлашни ҳам хоҳламайдиган барча бойлар, жанобларга қарши ҳаракат эди. Чунки бой ва зодагонларнинг манфаатлари халқ манфаатига зид. Уларга қўйиб берсанг, ўзларидан бўлак ҳеч кимнинг ҳеч қандай манфаати бўлиши керак эмас.

Улар шундай яратилганлар, дейди Зайдон.

Қаддур бундай ўйлаб қараса уруш кундан кунга кенгаймоқда. Франция борган сари кўпроқ талафот кўрмоқда, ҳеч бир кимса бетараф бўлиб дўконда ёки ўзга ерда ўз ишини давом эттира олмайди. Акс ҳолда у ёки бу томон билан ҳамкорликда айбланиши, туҳматга қолиши мумкин. Оддий ҳаёт издан чиқди ёки деярли чиқаёзди. Ҳаёт кўзгуси ерга тушиб чил-парчин синди, ойна парчалари теварак-атрофга сочилди...

Инқилоб тарафдори бўлгандан ҳеч қандай фойда бўлмаганда ҳам, Франция тарафига ўтиш ютқазиб демакдир.

— Демак, сен улар билан экансан-да, Ҳаму?

Қаддур ҳамон иккиланаяпти, кўнглидан ўтказди Ҳаму ва сўради:

— Сен-чи?

«Ўзи қанчадан бери мени ундайди-ю, яна сўрайди-я. Йўқ, бу қадрдон оғайним ҳам ўзгарган, тамоман ўзгарган. Кўзгу тошга тушиб чил-чил бўлган. Биратула менга ишончини йўқотган. Бир неча ой, йўқ, бир неча ҳафта олдингидек ёрилмайди ҳам, дилидагини ёзмайди ҳам. Қизиқ, нега Ҳаму менга гўё у эмас, мен ўзгариб қолгандек бошқачароқ қарайди? Йўқ, ҳаётимиздаги ҳамма нарсага, ҳатто дўстликка ҳам ишонч қолмаяпти. Кўзгудан ҳеч вақо қолмади, ўзи ҳам ерга ёмон тушди-да!»

Қаддур дўстига савол билан мурожаат қилди:

— Ҳаму, сенингча, иккимиздан қай биримиз ўзгариб қолганмиз?

— На сен, на мен. Шаронт ўзгарди, шаронт. Мен қашшоқ, фақирман, балки ундан ҳам баттардирман. Сен ўртаҳол ёки бойсан. Дўконнигиздан озми, кўпми даромад қиласиз. Ерингиздаги ишларни ҳам ёлғиз ўзингиз эплай бошладингиз. Эрта-индин юк машинаси сотиб оласиз. Яна бир оз ўтгач, қарабсанки, тракторли бўласиз. Шу зайлда кўкка кўтарилаверасиз, ҳатто пастдагиларни танимай ҳам қоласиз. Бизни эса ҳеч нарса кечаги кунимиз билан боғламайди. Сизни ҳеч нарса келажакка ундамайди. Сиз билан бизнинг ўртамызда умумий биргина нарса бор. У ҳам бўлса ҳозирги вақт. Ҳозирги кунимизни қуришда мен Зайдон акам ва бошқа фақирлар билан ҳамкорлик қилаяпман. Сизлар эса бир четда томошабин бўлиб қолмоқчисиз. Баъзингиз ҳатто оёғимиздан чалиш, меҳнатларимизни барбод қилиш пайига тушгансиз. Эй, амак, амак! Мен-ку, бир қарорга аллақачон келганман, сен бўлсанг ҳамон иккиланасан.

— Йўқ, йўқ! Мен сизларга қўшнишим керак. Мен сизлар билан! Сизларнинг бирингизман. Агар французлар чиқиб кетса, Зийнатга уйланаман ва ҳаммомни сотиб оламан.

— Меннинг ойлигимга беш доро¹ қўшасан-а, ўшанда, — калака қилиб қўшиб қўйди Ҳаму. Сўнг жиддий тусда давом этди: — Сен шу лаҳзадан бошлаб ҳақсизликка қарши қўзғолганлардан бирсан. Қилажак ишинг тўғрисида кейинроқ гаплашамиз. Лекин бу сир. Ниҳоятда эҳтиёт бўлишинг керак. Бу ҳақда бизникилардан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак.

Эртасидан бошлаб Қаддур Ҳаму билан ишлай бошлади. Улар дори-дармон, пойабзал сотиб олиб қаергадир жўнатишарди. Қашшоқларнинг қашшоғи Ҳаму чўнтагидан миллионларни чиқарганида Қаддур ҳайрат бармоғини тишлади, чунки айни чоғда шертининг оиласи оч-яланғоч яшар, ўзининг машаққатли меҳнати ҳам осонлашиб қолмаган эди. Қалбида ажойиб дўстига нисбатан ҳурмат ва иззат ҳисси уйғонди. У кўп нарсаларни англай бошлади. Ҳаму, Зайдон каби барча фақирлар, қолаверса, ўзи қилаётган иш — инқилоб иши бу жуда жиддий, буюк иш. У, Ҳаму айтганидек, вазиятни тубдан ўзгартириши

¹ Майда пул, чақа.

керак эди. Авваллари яхши яшашининг сирини мол-дунёда деб ўйлаган, мол-дунёга ҳирси зўр Қаддур энди ўз-ўзидан нафратлана бошлаган эди.

Иш давомида Қаддур ҳамма сафдошлари билан танишиб олди. Улар қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этар экан. Лекин шу кунларда Ҳаму жуда кам кўринар, кўпинча сафарда бўларди. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмас эди. У йўқ пайтларида ҳаммом ўтхонасида келинбойиши ишларди. Қолган ишларнинг ҳаммасини Қаддур ўз устига олганди. Охириги пайтларда қишлоқдаги ёлғиз масъул курашчи у бўлиб қолганди.

Эсида бор, бир кун кечқурун Ҳаму уни чақириб, бундай деганди:

— Мен қишлоқда кўринмаслигим керак. Ўрнимга сен қоласан. Энди ҳамма нарсадан хабардорсан, фақат жазопалик солдатларни казармадан қочириш йўлларини билмайсан, холос. Ҳечқисни йўқ. Олдинга бир курашчи ўртоқ келади ва бу ишни ўз зиммасига олади. Сенинг вазифанг Аҳмазийга улар қишлоқдан қачон чиқишларини етказиб туриш. Қолгани билан ишинг бўлмасин. У ўртоқ сен билан учрашганда уч марта: «Жилға тубида тошларгина қолади», деб қайтаради. Бу бир-бирингини таниш учун махфий сўз — пороль. Тушундингми?

Бир кун кечқурун дўконда у умрида ўйламаган, етти ухлаб тушига кирмаган воқеа рўй берди.

Дукон ичкарасига Ал-Лаз кирди. Маст, ифлос. Қаттиқ мушт зарбидан бир кўзи кўкарган. Унинг кўлидан муштлашишдан бошқа ҳеч нарса келмайди. Бир пайт кайфининг зўрлигидан пойинтар-сойинтар қўшини куйлаётган денгизчидек бир гапини такрорлади:

— Жилға тубида тошларгина қолади...

Қаддур ҳанг-манг, донг қотиб қолди. Йўқ, у янглишмаган эди. Ал-Лаз яна бир эмас, бир неча бор такрорлади ушбу махфий сўзини.

— Муҳим тошириқ олган бу сенми? Сен — курашчи ўртоқ?.. Ё тавба, тушимми, ўнгим? Ал-Лаз сенга нима бўлди?

— Жилға тубида тошларгина қолади, — яна ғулдуради Ал-Лаз.

Сўнг оғзига бир қатра ҳам вино олмаган, гўё у Ал-Лаз эмас, умрида бир лаҳза ҳам Ал-Лаз бўлма-

ган, балки доим курашчи ўртоқ бўлиб келган, ҳозир жазоприлиқ солдатларни казармадан қочирришдек муҳим топшириқ билан кирган киши сифатида ўта жиддий тусда, қисқа-қисқа қилиб деди:

— «Мол» тайёр. Эртага соат бешда. Учта. Юкларни оғир.

Ифлос, безори маст-аласт ашуласини чўзганича чайқала-чайқала ташқарига чиқиб кетди. У қадрдон француз офицери билан кайф қилгани вино дўконига йўл олганди. Қадрдур ҳамон ҳанг-манг, қотиб турарди.

— Унинг отаси қанақа одам бўлган экан-а, ё тавба? Сўзсиз, у барча нобакорлорнинг нобакори бўлган!

— Келдик.

Сп Ал-Фарҳий бутун йўл бўйи чўзилган сукунат ипини узди. Қадрдур чўчиб тушиб, қоронғиликка тикилди, сўнгра тўпиқ суякларни ҳачирнинг қорнига тегиб турганини ҳис қилди, қўли билан Ал-Фарҳийнинг елкасидан тутди. Шундагина ўзи қаерда эканини нима учун кетаётганини эслаб сўради:

— Қаерга?

Ҳачир тўхтади. Ал-Фарҳий бир сакраб ерга тушди. Чалқанча ётганича ҳамроҳига ҳам шундай қилишни буюрди. Сўнг бирор шарпа сезган кишидек бир неча дақиқа атрофга диққат билан қулоқ солди. Шў пайт Қадрдур шеригининг бу хатти-ҳаракатларининг боиси ҳақида бош қотирар эди. Йўқ, ҳеч нарса сезилмади. Атроф одамнинг юрагига қўрқув соларли даражада қоронғи — зимистон. Оғир, ваҳимали сукунат ҳукм суради унда.

Инқилоб ҳақида бизга етиб келган биринчи хабар, итлар тўғрисидаги хабар эди. Олдин итларни сўйиша бошлашди, кейин навбат хонинларга келди. Тинчлик пайтида улар бизни қўриқлайди, урушда эса биринчи бўлиб қирилади. Керакмас пайтда ақиллаб қўяди, занғарлар.

— У-у! У-у-у! — Ал-Фарҳийнинг овози жимликни бузди. Қор тушиб оч қолган бўридай увилларди у. Қўп ўтмай унга жавобан қўзичоқнинг маъраши эшитилди. Ал-Фарҳий ўрнидан турди. Қадрдур унга эргашди. Сўнг иккиси олдинга қараб кетишди.

— Марҳамат. Қир.

Эшиги қия очилиб, ичкарида тутаетган чироқнинг заиф нури ташқарига тушган кулба олдида устига бир қоп уни ортилган эшак тепаликка кўтарилаётган эди. Ал-Фарҳий ҳамроҳининг елкасига қоқди. Қаддурни бир оз қўрқув босган бўлса ҳам, бу ерда биродарлардан қайси бири уни кутиши мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Қанча исмларни хаёлидан ўтказди, қанча чехраларни кўз олдида келтирди. Уларни ишга ўзи солган, баъзилари эса, тоққа Қаддур бу иш билан шуғулланишидан олдин, Ҳаму ёрдамида отланишган эди.

У жуда кўп йиғитларни эслади. Ҳозир улар бирма-бир Қаддурнинг кўз ўнгида гавдаланарди.

Мана бу чехрасидан табассум аримайдиган, ҳамниша хушчақчақ Кажжух. Унинг кўтаришкани кайфиятини ҳеч ким ва ҳеч нарса буза олмас эди. Очлик ҳам ҳатто қаттиқ совуқ ҳам. Қиш кунлари қишлоқ оппоқ қорга кўмилиб, ҳамма ерда ҳаракат тўхтар, фақат қаҳвахоналар бундан истисно эди. У ерда одамлар соққа ёки қарта ўйнашга тўпланишарди. Шундай пайтларда ҳам у кулиб юрарди. Бечора Кажжух.

Ана у, ҳамниша қовоғидан қор ёғадиган, оғзидан уҳ-уҳи тушмайдиган Абдулқосим. Зорлангани-зорланган. Нега олло таоло уни шу юртда яратди, нега у кеча-ю кундуз ишламай, тушкани ва кечки овқатни кутиб ётадиган йиғирма олти нафар боланинг акаси?! Отаси бўлса, болаларидан бирортасини ҳам ўз дала-сига яқинлаштирмайди, бор-йўгини ўмариб кетишларидан қўрқади. Қачон қарама оллоҳдан оғирини енгил қилиб, хоҳласа жаннатига, хоҳласа дўзахига болаларининг ярмини, иложи бўлса тўртдан учини равона қилишини сўраб илтижо қилгани қилган эди. Чол бор аламини сон-саноқсиз хотинларидан олар, ҳатто салкам икки йилда икки бор эгизак туғиб, чурвақаларининг сонини биракайига тўрттага кўпайтириб берган энг кенжа хотинини ҳам аямас эди. Ҳар гал уйланишни кўнглига тукканида уч хотинни қолдириб, катталарини талоқ қилар, уларга ҳовлининг бир бурчагидан жой кўрсатиб, на ота-онасиникига, на қавму-қариндошлариникига кетишга рухсат берарди... Бечора Абдулқосим!

Буни эса бир гапириб, ўн куладиган, замонавий, башанг кийинган, қўлтиғида фаслга ёки қандай

муносабатлигига қараб ё бир қутича ширинлик ё печенье, лаблари орасидаги сигаретани дам ўнгга, дам чапга олиб ўйнаб қўядиган Носир. У қўним нималигини билмайди, капалак сингари бир жойдан иккинчи жойга, бир маҳалладан яна бошқа бирига, бу кўча қолиб унисига кўчиб юради. Бугун бу ерда, эртага яна бошқа бир қишлоқда. Уни доимо бозорда ёки поездда кўриш мумкин. Гап-сўзи фақат мода, айниқса кўришни заифлашган кишининг кўз нурига нур қўшибгина қолмай, балки турган ерида ўгирилмай нетмай икки томонни кўриш имконини берадиган кўзойнаклар ҳақида бўларди.

У ҳақда истаганча гапириш мумкин. Поезддаги саргузаштларининг эса чеки йўқ. Чунки ҳар кун қандайдир янгилик содир бўлиб туради. У ҳамма оддий кишиларга ўхшаб билет олиб ўтирмайди. Нега деганда деярли барча контролёрларни танийди. Таниганда ҳам жуда яхши танийди, номларини ҳам, қачон қайси поездда юришларини ҳам билади. Уларнинг ҳар бирига ўзига ярашиқ бирор нарса тайёрлаб қўяди. Кимга бир пачка олий навли яхши тамаки, кимга бир қути сақич, яна кимгадир у ёки бу станциядан бир шиша пиво олиб чиқади. Қисқаси шу қабилда иш тутади. Буларнинг барини пулга чақилса, билет нархининг тўртдан бирига ҳам бормайди. Ҳаммадан ҳам қойил қоладигани — улар билан дўстлашиб, биродарлашиб кетгани. Деярли барча ёш контролёрлар ҳам, қарилари ҳам унинг қадрдони. Бечора Носир!

Аксарият ҳолларда воқеий, реал ҳаётимиздан йироқ кишилар ҳаёлимизга, тасаввуримизга кўпроқ келади. Аммо биз билан ёнма-ён яшаётган турмушимизга бевосита таъсир қилувчиларни эса камданкам эсга оламиз, гўё улар кўнглимизга теккандек.

Қизик, қандай қилиб бирпасда ўзингдан жуда узоқ, сен билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган шунча одамларни эслаш мумкин. Уларни кўрган бўлсанг ҳам узоқдан кўргансан, агар имкони бўлиб улар билан учрашган бўлсанг ҳам оғиз очишга нймангансан... Уларнинг бари бошқа бир дунё. Кийимлари европача, бошыланг, гаплари ҳам кўпинча французча...

— Кирмайсанми, сенга нима бўлди ўзи, — дея си Ал-Фарҳий унинг елкасидан туртди.

Қаддур бир оз иккиланган кўйи энгашиб, кичик эшикдан ичкарига бош суқди. Баҳайбат, кучли, қаттиқ қўл унинг қўлини қисди.

— Зайдон! Си Зайдон, бу сенмисан? — дея так-порлади донг қотиб қолган Қаддур.

Қаддур Зайдонга синчиклаб назар солди. Фақат кийими бошқа. Баланд бўй, шифтга боши тегиб қолмаслиги учун энгашиброқ турипти. Ҳа, у ўзгармаган. Буғдойранг юзи сал кўкиш тобланган, ияги узун, пешонаси кенг, ажин тушган. Қирра бурун, оғзи чўзиқ, гўё лаби йўқдек кўринади. Ич-ичига ботган кўзлари — қора, қарашлари жиддий ва қаттиқ, ҳатто даҳшатли ҳам. Бу кўзлар асрлар оша мағрур турган қадимги римликлар қўрғони ёки қамоғини эслатади.

— Яхши келдингми, ваҳш! — дея Зайдон уни ўзига тортди ва қаттиқ қучди. Сўнгра уни қолган кишиларга таништирди.

— Ҳаму қалай? — сўради Қаддур ҳали ўтиришга улгурмай.

— Яхши, бугун тунда уни кўрасан.

— У қандай кийимда ёки сизларга ўхшаб ҳарбийча...

— Биродар, биз тўйда эмасмиз. Шахсий гапларга берилишнинг ўрни эмас, — гапини бўлди Зайдон. Унинг лабларида майин табассум ялт этди-ю, бир зумда ўчди. Аммо улуғвор кўзлари ҳамон жиддий, хийла даҳшатли порлар эди.

Қаддур хижолат тортди. Бошини қуйи солганча кўзларини юмиб пичирлади:

— Ҳаму мен учун дўстан ортиқ. Ҳаму — оғам менинг!

Қаддур ҳаяжонли ҳаракат билан қўйнидаги халтачани чиқарди. Уни очиб қандайдир рақам ва белгилар ёзилган, ёғимланган эски қоғоз ва бир пачка пулни олиб, Зайдонга қаради.

Савдо аҳлининг фикру зикри олди-берди-ю фойда-зарар, ҳисоб-китобдан нарига ўтмас экан-да. Савияни қара, сиққон савиясининг ўзи-я. Бўлмаса у аввал қишлоқда деҳқончилик қилган. Уф, деҳқон-

¹ Қўрқинчли, ваҳший маъносида яқин, тенгқур кишилар орасида ишлатилади.



нинг зеҳнига ҳам қулф урилган. Ер саховат кўрсатиб даромади катта бўлса борми, топганини тўю томошага ённки даъво важдани қозию маҳкама йўлида совурниши билали.

Зайдон шулар ҳақида ўйлар экан, Қаддурга раҳми келди ва ўзинча дели:

«Инқилоб инсонни ўзгартиради, тоблайди. Инқилоб қанчалик ҳаққоний бўлса, инсондаги ўзгариш ҳам шунчалик тез содир бўлади. Қаддур ўзгариши, ўтмиш сарқитларидан холи, инқилобий курашчига айлангани керак. У ўсиши, инқилобчи даражасига кўтарилиши лозим.»

Шу аснода молния ишлари бўйича масъул Қаддурнинг хисоботини тинглаганича қоғоздаги аломат ва рақамларни ҳал қилмоқда эди. Ун миллион нақд пул билан... бир миллионга кийим-бош, пойабзал... беш юз минги урушда ҳалок бўлган шахидларнинг онлаларига ҳамда ёрдамга муҳтож аскарларга, юз мингга дори-дармон юборилган. Охирги ойнинг хисоботи...

— Ҳаммаси тўғри, — деди масъул.

Ахборот бўйича масъул Қаддурга яқинлаша туриб сўради:

— Сиесий вазият-чи? Сиесий вазият қандай?

— Маънавий руҳ кўтаринки, олий. Айниқса охирги жангдан кейин, хонин Ас-Сабтий қатл қилингандан кейин. Мансабдор хизматчиларнинг барчаси огоҳлантирилди. Уларнинг кўпчилиги коллектив равишда истеъфога чиқиш учун ариза берганлар, лекин ҳокимият тепасидагилар ҳозиргача истеъфоларни қабул қилмай, ҳаммаларига ойлик тўлаб турибди. Солдатлар ва миллий гвардиячиларнинг қочиши душман сафида парокандалик ва низо туғдирмоқда. Айтишларича, фақат ажнабийлардан иборат катта ҳарбий куч қишлоққа қараб йўлга чиққан эмнш. Умуман ҳамма иш жойида, фақат мана шу бугунги ҳодиса... Бечора Ал-Лаз!

— Бечора Ал-Лаз... — такрорлади Зайдон ҳам. Сўнг елкасини деворга суяганича қўлини пешонасига қўйди, пинакка кетган кишидек кўзларини юмди. У хаёл дарёсига ғарқ бўлган эди.

Эсида... Осмон мусаффо эди. Фақат бир неча булутларгина гоҳ ўнгга, гоҳ чапга сузиб ҳар хил шакллар ҳосил қиларди. Дам шерга ўхшаб кўринса, дам бошига салла ўраб, чордона қуриб ўтирган, соқоллари селкиллаган чолга ўхшаб кетарди. Яна бир оздан кейин боши узилган хўроздек чўзилиб қоларди. Занф қуёш нурлари эса муз босган қоялар сатҳини эритмоққа қасд қилган.

Зайдон соат тўртда тўхтаб ўтадиган поездни кутиб станциядаги тош ўриндиқда ўтирар экан, ҳар хил ўй-фикрлар хаёлидан ўтарди. Аввалига узоқ вақт булутларнинг узлуксиз ҳаракатини кузатди. Сўнгра чўнтагидан тамаки чиқарди. Шошмасдан, зўр ихлос билан махорка ўраб, лабларига қисди. Унинг чеккиси йўқ, лекин поезд келадиган пайт яқинлашгани сари шу кетганича қишлоғига бошқа қайтиб келмаслиги мумкинлигини ўйлаб шу ишга тутинган эди.

У гугурт қидириб ҳамма чўнтакларини пайпаслаб чиқди. Топа олмагач, ёндирилмаган сигаретани бир-икки тортганича кўзларини юмди. Кўзини очса ногоҳон бир қўл лаблари олдига ёқилган сигарета тутиб турибди.

Юраги уриб кетди. Аста ўша томонга ўгирилди. Қараса, орқасида Ал-Лаз турипти. У ўзида йўқ хурсанд.

- Охири қўлга тушдингми, Зайдон амаки?
- Нима, сен мени қидираётган эдингми?
- Ҳа, кечадан бери.
- Тинчликми?
- Йўқ, аввал сен менга айт-чи.
- Нимани?
- Менга шаҳарга бориб келишим учун поездга билет олиб берасанми ё бу гал ҳам ўғриларга ўхшаб, қисиниб-қимтиниб кетаманми?
- Ўзингга маълум-ку, беишман.
- Яхши биламан, сени ҳозир пул қизиқтирмайди.
- Нимага?
- Поездга чиққанимиздан кейин айтиб бераман. Сенга айтадиган яна бошқа гапларим ҳам бор. Барibir шаҳарга кетаялсан-ку, а?
- Бўпти.

У чўнтагини кавлаб, Ал-Лаз хоҳлаган ерига бориб қайтиши учун билет олишига пул чиқариб берди ўшанда.

Ўтган гал ҳам кутилмаганда у менга шу ерда, худди шу ерда дуч келган эди, — эслади Зайдон. — Мени қачон ва қаердан топишни билди. Ўз ўлжасини искагандек искайдими, чатоқ. У куни билетга пул сўрамаган, казармага тезроқ қайтишга шошилиб турганди. Лекин поезд тўхташи билан менинг олдимга етиб келиб, шоша-пиша бундай деганди:

— Зайдон амаки, сендан бир нарсани сўрамоқчиман.

— Тинчликми?

— Фалақ¹ нималигини биласанми?

— Нимага сўраяпсан?

— Ҳатто сен ҳам менга ишонмайсан-а.

Ал-Лаз хижолат тортиб, бошини эгди. Уни бу аҳволда биринчи бор кўришим эди. Мени ҳайратга солган яна бир нарса, у нега бундай савол бераётгани эди. Виждонини нима қийнаяпти экан? Дарвоқе, унда виждон борми ўзи? Нега бўлмасин? Бор ҳақиқатни очикчасига айтсаммикан, деб кўп иккиландим. Йўқ, фалақ тўғрисидаги ҳақиқатни эмас, бошқасини, буюк, аччиқ ҳақиқатни. Оғир ботса-чи? Бу қандай қабул қилишига боғлиқ. Мен бир қарорга келгунимча, у аста бошини кўтариб, кўнглидагини тўкиб солди:

— Агар уларни танисанг сўраб кўр-чи, капитанинг ўлдирилишини хоҳлашармикан? Мабодо уни ўлдирсам, мени ўз сафларига олишармикан?

— Бу нима деганинг, Ал-Лаз?

— Бас, Ал-Лаз бўлиш ҳам, Марянаннинг ўғли бўлиш ҳам жонга тегди. Бу номдан қутулмоқчиман.

— Шундай дегин.

— Ҳа, шундай.

— Улардан сенинг саволигини сўрашдан олдин бир нарсани билмоқчиман. Мабодо улар сен капитани ўлдирганингдан кўра бошқа бир ишни бажарганингни афзал кўришса-чи? Унда нима дейсан?

— Қандай ишни?

¹ Жазолаш воситаси. Гуноҳкорнинг оёқлари илигига кийри-тиб боглаб жазолайдиган махсус тахтакач, исканжа.

— Шошма, олдин мен уларни кўрай, сўраб билай...

— Биламан, сен ҳам уларнинг шеригисан.

Мен жавоб қилишга улгурмай у шундай деган эди:

— Контролёр келяпти. Кўришгунча хайр. Сени ўзим топиб оламан, Зайдон амаки.

Сўнг у мени топди. Қишлоққа борганимда бирор марта кўчада кўринмаган эдим, лекин келганимдан хабар топибди. Қизиқ, у мендан нима истайди?

Ал-Лаз билет кассасидан қайтганида паровоз хазин, чўзиқ гудок бериб, қўзғолишга шайланганди. Паровознинг бу узук-юлуқ овозини қишлоқнинг ҳар бир кишиси: «Хайр, мен жўнаб кетдим, энди сенга навбат, кут!» деб тушунар эди.

Ал-Лаз билан Зайдон учинчи даражали вагоннинг зинасига сакраб чиқиб олишгач, ёғоч ўриндиқлардан бирига ўзларини ташлашди, ўшанда. Гапни биринчи бўлиб Зайдон бошлади:

— Ойингнинг аҳволлари яхшими?

— Бизга сенинг раҳминг келади-а, Зайдон амаки?

Нима, унга буюк ҳақиқатни очсаммикан? Очикчасига гапириш пайти келди, менимча. Агар онаси мендан олдин бу ҳақда унга оғиз очмаган бўлса. Йўқ, менимча ундай бўлмаса керак. У ҳали ҳеч нарсани билмайдди. Эҳ, қандай бошласам экан? Шунча йиллардан бери нега айтмаганимни сўраса, нима жавоб қиламан? Мени тушунарымикан? У билан хайрлашишдан, сўнгги бор хайрлашишдан олдин бор гапни айтаман. Албатта айтаман. Унинг диққат-этиборини тортиш пайти келди. Ҳа, келди. Кун кеча капитанни ўлдиришга қарор қилганидаёқ қулай пайт келганди, каби хаёлларга борди Зайдон. Сўнг ўзи сезмаган ҳолда бенхтиёр ғулдурай бошлади:

— Ҳа, ҳа, жуда ҳам раҳмин келади, ўғилгинам...

— Ўғилгинам?!

— Ҳа, ҳа, — Зайдон аламли ғудранди, кейин кўзларини юмганича босиқ овозда ҳикоя қила кетди. — Мана, ўшанга ҳам йигирма беш йил бўлибди, ўғлим... У пайтда биз қишлоқда яшар эдик. Каттагина ҳовлимиз бор эди. Еримиз ҳам талайгина, серҳосил эди. Нима бўлди-ю, қишлоғимизда бир ҳарбийни ўлдириб қўйишди. Сабаби сиёсатмиди, аниқ эсимда

йўқ. Солдатлар келиб ҳамма ёқни остин-устин, ўзининг қувғин қилишди. Ҳаммамиз бошпанасиз, сарсон-саргардон бўлиб қолдик. Мен ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Амакимнинг қизи, бечора Марям, яъни сенинг онанг мендан бир неча ёш катта эди. Мен у билан ўрмонга қочдим. У ерда бир ойгина яшадик. Сўнг мени тутиб, ҳарбий хизматга олишди. Сен Ал-Лаз... сен... Онанг Марям — амакимнинг қизи, сен эса... — дея ўпкаси тўлиб ҳикоясини тугатди Зайдон.

— Зайдон амаки! Сен менинг отаммисан?! Сен, сен-а?!.. Демак, менинг отам бор! У — сен!

Ал-Лаз ўзини тутат олмай, антикар, Зайдон эса кенг елкасини эгганича бақувват қўллари билан ўғлини бағрига маҳкам босган, ота-бола кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

— Мана, мен ҳам ота бўлиб ўз ўғлимни биринчи марта бағримга босаяпман. Ал-Лаз, ўғлим... Биз кўрган азобларни итнинг ҳам бошига солмасин. — дея олди ўшанда.

— Сен?!.. Зайдон амаки, сен?!.. Менинг ҳам отам бор. отам!.. Сен, Зайдон амаки, сен?!..

Зайдоннинг пинжигга кириб юз-кўзларидан ўпа кетган Ал-Лаз кутилмаганда унинг қучоғидан чиқиб, бирдан қаҳқаҳа ура бошлаган бўлса ҳам кўзларида ҳамон ёш йилтирарди.

— Ал-Лазнинг отаси бор, ҳа-ҳа-ҳа... Мен, Ал-Лазнинг... Менинг онам Марьянани Марям деб аташарди... ҳа-ҳа-ҳа...

Ал-Лаз телбаларча қалтирар, отаси Зайдон эса, унсиз бўзлар эди. Бора-бора Зайдоннинг кўз ёшлари қуриди, Ал-Лазнинг қаҳқаҳаси тинди, орага жимлик чўкди. Иккиси ҳам бошини қуйи солганича гўё ўйга толган кишилардек жим ўтириб қолишди.

-- Шундай қилиб, мени нега қилдирган эдинг? — охири сўради Зайдон.

— Олдин ўзинг менга айт-чи, сени нега «қизил» дейишади? Ахир сен оддий буғдойрангсан-ку!

— Ким мени қизил дейди?

— Офицер. Кеча у сен ҳақингда гапираётганида эшитдим. Номингни рўйхатнинг бошига ёзиб қўйди. Нима қилиб бўлса-да, шу ҳафта ичида сени қўлга туширишмоқчийди улар. Сени шунинг учун қидиргандим. Мен сени бошида ҳам яхши кўрар эдим,

Зайдон амаки, йўқ, отажоним! Биргина сен менга азоб бермас, онамни ҳақорат қилмас эдинг. Бойларни кўргани кўзи йўқ, уларни доимо сўккани-сўккан ҳам фақатгина сен эдинг. Албатта, мендан кейин.

— Раҳмат, Ал-Лаз. Мен сенга доим катта умид боғлаб келгандим. Ҳеч хиёнат қилмаслигингга ишонардим. Чунки сен ҳеч нарсани тама қилмайдиган, ҳеч нарсани йўқотишдан қўрқмайдиган йигитсан. Биламан, шу кунги ҳаётдан норозисан, унга қарши шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ билан курашасан. Бугунги ҳаёт мени ҳам қаноатлантирмайди, лекин мен жим, махфий равишда ҳаракат қиламан. Бу ҳаётни ўзгартиришимиз лозим, Ал-Лаз, ўғлим! Энди сен кўзланган муайян мақсад йўлида аниқ режа билан иш кўришинг керак. Қани, кел яна бир бағримга босай, мен кейинги бекатда тушиб қоламан. Тоққа чиқиб кетишим керак. Онангга салом айт. Ҳаму амакингга учраш, унинг айтганларини қил! У сенга ишониши учун мана бу паролни ёдингда тут: «Жилга тубида тошларгина қолади». Буни унга уч маротаба қайтаришинг керак... Кел, энди хайрлашайлик, эндиги тўхташида тушаман.

— Аввал менга сени нега қизил дейишларини тушунтириб кет,— дея уни қистаганди Ал-Лаз.

— Биз яна учрашамиз. Унгача сен анча катта бўлиб қоласан. Кўп нарсага ўзингнинг ҳам ақлинг етадиган бўлади. Мабодо шунда ҳам тушунмасанг, айтиб бераман,— ваъда қилганди Зайдон ўшанда.

— Сен қатори хатга олинганларни нима қиламиз? Қўлга тушиб қолишади-ку! — деди куюниб Ал-Лаз.

— Ҳамуга айт, керак-керак одамларни огоҳлантирсин, ҳеч қандай сирдан хабари йўқларни безовта қилмасин. Одамлар, Франция фақат тоғдаги партизанлар учунгина эмас, балки барча учун хатарли эканини тушуниб қўйишлари керак. Уруш қурбонсиз бўлмайди, Ал-Лаз. Тушундингми?

— Тушундим.

Ал-Лаз аллақандай фарзандлик туйғуси билан отасини маҳкам қучоқлаб, икки юзидан қаттиқ ўпганди. У узатган арзмаган қоғоз пулни оларкан, хижолатдан довдираб қолган, кўзларида ғилтилла-

ган ёшини зўрға қайтарганди. Паровоз узуқ-юлуқ қилиб: «Ҳайр, мен жўнаб кетдим. Энди сенга навбат, кут!» дея қичқирарди.

— Бечора Ал-Лаз... — такрорлади деворга суянганча Зайдон. Сўнг қаддини ростлаб ўтирди. Атрофидагиларга бир-бир кўз югуртираркан, қайта-қайта чўнтакларини пайпаслади.

«Эҳ, ҳеч ҳам бўлмаяти-ку. Бевақт ман этишди-да. Ўзим ҳам йигирма беш йилдан бери чекардим».

Кейин паст овоз билан оҳиста, лекин қатъий равишда деди: — Хўш, ҳамма ўз ишини тугатдимиз?

— Ҳа.

— Яхши. Сизлар нима дейсизлар? Қаддур биз билан кетгани яхшими ёки Ал-Лазни сўроқ қилишлари қандай натижа беришини билгунимизга қадар ўша ерда кўрсатмамизни кутиб тургани маъқулми?

— Ал-Лазни сотган хоин, бахтимизга, кўп сирларимиздан воқиф эмас эди. У тўғри бу ерга келган, йўл бошловчидан бошқа ҳеч кимни танимасди. Йўл бошловчи ҳам ҳозир ишончли жойга яширинган. Уни қисқа вақт ичида топишлари қийин. Унгача балки хоиннинг ўзини гумдон қилишга улгурармиз. Шундай экан, вазият ойдинлашгунича Қаддур шу ерда бирор кун қолгани афзал... Ишқилиб Ал-Лаз бўйнига олмаса бас, — деди молиявий масъул.

Ахборот ишлари бўйича масъул эътироз билдирди. Ал-Лаз оғзидан илиниб қолиши мумкин. Офицер эса лом-мим демаслиги, Ал-Лаз билан ҳамкорлик қилганлардан иложи борица кўпчиликни қўлга тушириш ниятида арқонни узун ташлаб қўйиши мумкин. Демак, Қаддурнинг қишлоқда қолиши хатарли. Бунинг фойдасидан зарари кўпроқ. Унинг ўрнига французларда шубҳа туғдирмайдиган бошқа бировни тайинлаш кераклигини айтди.

«Ўрнимга Ҳамуни тайинлашади, чоғи. Мен ҳам уларда шубҳа туғдирмаган эдим», хаёлидан ўтказди Қаддур. Сўнг ўтирганларга юзланиб деди:

— Ҳа, мен қишлоққа қайтмаслигим керак. Сизлар билан тоққа чиқиб кетишни, жангчи бўлишни истайман. Милтиғим билан душман солдатларни

ўлдирсам, ҳарбий ҳаракатларда қатнашсам, ўзимни ўзим ҳимоя қилсам, дейман. Қишлоққа бўлган умидларим пучга чиқди. У ерга қайтмаслигим керак.

У ўзига хос бўлмаган оҳангда тез ва ҳаяжонланиб гапирар эди. Ана у бирдан жим бўлиб қолди, кўзларини юмди.

«Орзу-умидларим йўққа чиқди... Йўққа чиқди. Кимга нисбатан?»

Қадди-қомати келишган, оппоқ, дўмбоқ, мулойим, меҳрибон Зийнат-чи?.. Ёки дўкони, олди-сотти, савдо ишларининг кўламини кенгайтириш, катта юк машинаси сотиб олиш, кўтара-улгуржи савдо дўкони очиш нияти-чи? Ёки бунда... аъзолик бадали, пона тўплаш, варақа тарқатиш, дори-дармон, кийим-бош, озиқ-овқат харид қилиш, жазоирлик аскарларни казармандан қочирish, ёшларни сафарбар қилиш... ёки — нима?»

Кўзини очиб ўзича истеҳзоли кулиб турган, қарашлари жиддий, салобатли Зайдонни кўрди. Назарида Зайдон уни таҳқирлаб, эй, ҳақир савдогар, кўр деҳқон, сени тезроқ ўзгартириш — одам қилиш керак, деётгандек эди. У ўзини енгилган ҳис қилди-ю, қўшиб қўйди:

— Яна ўзингиз биласиз. Сиз нима десангиз шу. Ихтиёрингиз, си Зайдон.

Зайдон унинг елкасига қўлини қўйди ва тинчлантиришга уриниб деди:

— Ваҳш, сен биз билан қоласан. Ҳа, биз билан...

Шу пайт эшик очилиб, устида қора қашабийя¹ юз-кўзи аралаш рўмол ўраган, елкасига кичик автомат осган паст бўйли бир йигит ичкарига кирди.

— Ҳаму!

Зайдон шундай дейиши билан Ҳаму ҳали юзидagi рўмолини ечишга улгурмасидан Қаддур унга ташланди ва завқ-шавқ билан қаттиқ қуча туриб деди:

— Ҳозиргина сени йўқлагандим.

— Сени доим яхшилик йўқласин, Қаддур. Аҳволлар қалай? — деди Ҳаму ва нафасини ростлаб чуқур тин олди. Сўнгра худди телеграмма ўқиётган кишидек қисқа-қисқа гапирди: — Солдатлар қишлоқни ўрашмоқда. Прожекторлар ёриғи кечани кундузга

¹ Қашабийя — барбарийлар ёпинадиган кенг устки кийим.

айлантирган. Беш дақиқа олдин ҳарбий бўлмаган машина қишлоқдан жуда катта тезликда чиқиб кетганини кўришган. Аҳмазийнинг отхонасида бир дона от қолипти.

— Ал-Лаз валдираб қўймадимикан, сенинг фикринг қандай? Ҳарбий бўлмаган машина кимники бўлди?

— Ал-Лаз жинни... У ҳақда ҳам ўйлаб кўрдим. Ёлғиз ўзи бунчалик тез қоча олиши эҳтимолдан йироқроқ, назаримда. Балки казармадаги одамларимиздан баъзилари охириги лаҳзаларда Буатушни ўлдириб қочишгандир. Бир нарса аниқ: қишлоқни кимнидир қўлга тушириш учун ўрашаяпти. Балки Қаддурнидир, балки яна бошқа бир кишинидир. Агар Ал-Лаз Қаддур қочиб улгуриши учун вақтдан ютмоқчи бўлиб, атайлаб биронта кишининг номини айтган бўлса, ўшани ахтараётгандирлар. Балки Ал-Лаз бардош бера олмай, бор гапни айтиб қўйгандир...

Гапга Қаддур аралашди.

— Бечора Ал-Лаз патруль қўлига тушса ҳам мени огоҳлантирди. Ўз навбатида мен Аҳмазийдан қишлоқдан қочганим ҳақида гап тарқатишини сўраган эдим.

— Нега шу пайтгача чурқ этмай ўтирибсан, бўлмаса?! — ловуллаб кетди Зайдон. — Қандай қилиб шунини ўзингга эп кўрдинг-а! Эҳ!.. У ерда нима бўлганида ҳам вазият ўзгарди. — Ўзини бир оз босиб олгач қўшимча қилди: — Вазият равшанлашгунича янги режа тузишимиз керак. Ҳозир энг муҳими бу ердан тезроқ кетиш. Шунда ҳам кечикдик.

Зайдон ўрнидан турди, унга барча эргашди. Ичкарида фақат си Ал-Фарҳий қолди. У эртага қилажак ишлари ҳақида берилган кўрсатмаларни яна бир бор миясидан ўтказарди.

Темир стол орқасида ўтирган офицер қаддини ростлади. Патруль бошлиғига Ал-Лазнинг қўлидаги кишанин сениш, ўтириши учун стул қўйиб, чиқиб кетишга буйруқ берди. Сўнг бирор ишдан пушаймон кишидек бошини қуйи солганича бир неча бор хўрсинди, кейин Ал-Лазнинг кўзларига бир муддат

жим тикилиб тургач, мулойим, дўстона оҳангда гап бошлади:

— Ал-Лаз, мана бир неча ойдирки, биз дўст-миз. Менга қолса, бу дўстлигимиз давом этаверса. Шунн тан олишим керакки, бу кичик қишлоқдаги ҳаётни сенсиз тасаввур қила олмайман. Сенинг кўп сифатларинг менга ёқади. Биринчидан, қанча ичсанг ҳам маст бўлмайсан, иккинчидан соққа ва қарта ўйинида сендан зўри йўқ, қолаверса, сўкинишни-ю французчасига ҳам, арабчасига ҳам қийиб қўясан. Бунинг устига... Йўқ, йўқ, Ал-Лаз, мен сендек дўстдан воз кеча олмайман. — Гап шу ерга келганида офицернинг икки чеккаси қизарди. Нафс балоси қўймади. Бир лаҳза жим қолгач, олдида турган қадаҳга титраб-қақшаганича вино тўлдирди-да, нафас олмасдан охиригача сипқорди. Сўнг яна давом этди: — Мен касалман, олдин ҳам сенга бу ҳақда гапирган эдим. Йўқ, мен айёрлик қилаётганим йўқ. Доктор маслаҳат берган. Бу менинг яшашим учун зарур. Бу мен учун доридан ўзга нарса эмас... Ал-Лаз, мен учун зарур бўлган барча хислат сенда мужассамлигини биласан. Шунинг учун ҳам сендан воз кеча олмайман. Менга ёрдам беришинг керак. Шундай қилсанг сенга ҳам, менга ҳам яхши бўлади. Мавжуд далил ва ҳужжатлар шунн кўрсатадигки, бўлинмадаги солдатларнинг душман томонига ўтиб кетишида сенинг қўлинг бор. Биламан, сен бир воситачисан, холос. Дўст бўлганимиз учун исёнчилар ўлдириб қўйишидан қўрққанингдан бунишни қилгансан. Тушунаман, сенга қийин. Шунинг учун ҳам сени кечираман. Фақат ким билан ишлаётганингни айтсанг бас. Сенга ваъда бериб айтаманки, ҳамма сенинг холи эмаслигингга ишонамагунча шерингга тегишмайди. Мен сени қутқармоқчиман. Қандай қилиб бўлса ҳам қутқармоқчиман, Ал-Лаз. Мен сени чин қалбимдан яхши кўраман, Ал-Лаз!.. Эҳ, Ал-Лаз, Ал-Лаз! Қани гапирсанг-чи, сенга нима бўлди ўзи?!

Қора қонга беланган Ал-Лазнинг бурнидан, ёрилган юзларидан ҳамон қон сизар, қўллари кпшан ечилганида қандай турган бўлса, шу ҳолда қотиб қолган, асаблари ниҳоятда таранг, ғалати бир қиёфада бошини осилтирганича ўйга чўмганди.

«Бу ҳез мен қилаётган ишларни қаердан билдир-кан? Балки алдаётгандир. Ҳа, ўсмоқчилаяпти, бу-ниси аниқ. Қаддур... Қочиб улгурдимикан? У мени тушундимикан? Ҳа, тушунди, тушунгани аниқ... Оббо тўнғиз-е! Беҳаё, фоҳиша қизлардек дўстлик ва му-ҳаббатдан лоф уради-я!

Ҳа, у ҳамма сингари мен нима иш қилмай, шунча-ки аҳамиятсиз бир нарса деб билади. Бошқалар ҳам шу-да. Фақат Зайдон амакимдан бўлак ҳеч ким мен ҳаётда жиддий бирор иш қилишим мумкинлиги-га ишонмайди. Уларнинг назарида мен инсон ҳаё-тини хавф-хатар остида қолдиришдан бўлак иши йўқ ортинча кўричакман гўё. Ия, бу офицер хунаса йиғлаб юборай деяптими? Вой, бу шармандаликни қаранг!»

— Мен ҳеч кимни қочинишга ундаган эмасман, ҳеч ким билан ишламайман ҳам, — деди Ал-Лаз охири кўрслик билан. У бор кучини тўплаб бошини кўтар-ган, овозида ҳамон қатъият сезилиб турарди.

Ал-Лазнинг нигоҳи лабларида заҳарханда кулги пайдо бўлган офицернинг кўзларига тушди. Унинг бу хилдаги кулгисидан Ал-Лазнинг қони қайнарди. Қани энди қўлида болға бўлса-ю, капитаннинг лаблари ора-сидан мўралаб турган оқ тишларига боплаб туширса.

Улар бир-бирига туманли қараш билан тикилган-ларича бир лаҳза жим қолишди. Офицер охири кўзи-ни олиб қочди ва қўлини столнинг четига ўрнатилган қўнғироқ тугмасига узата туриб деди:

— Вашибек сенинг ёрдамингда казармадан қочиб кетиб, қайтиб келмагунича унинг гапларига ишонма-ган эдим. Ҳозир сени у билан юзлаштираман. Кўрамиз, унда нима дер экансан...

Соқчилар отрядининг лейтенанти кирди, этиклари-ни тўқиллатиб капитанга салом берди. Сўнг бир неча кун олдин тоққа қочган Ал-Ҳаракийни олиб киргани чиқиб кетди. Аҳа! У— Буатуш, Қаддурнинг амакивач-часи.

Ал-Лаз аввалига Буатушга яхшилаб тикилди, сўн-гра қўлларини ҳали ҳам кишанлангандек тутганича аста ўрнидан туриб унга яқинлашди. Ҳаними орқа-сига тисланиб улгурмасиданоқ ғазаб билан бетига шундай тупурдики, унинг бутун юз-кўзи қон аралаш тупук билан булғанди. Бу ҳам камлик қилгандек бир

калла қўйиб уни ер парчин қилди. Кейин қўллари-
нинг ҳолатини ўзгартирмаган кўйи офицерга ўгири-
либ жон-жаҳди билан бақира кетди:

— Инқилобчи! Инқилобчи! Йўлбошчи, жангчи!
Жаллод! Мен сени бопладим, ифлос, ҳез!!..

Ал-Лаз тишларини кўрсатиб қаҳқаҳа урди.

Буатуш шоша-пиша ўрнидан турди. Лейтенант эса
тўппончасини қўлда тутганича капитаннинг буйруғи-
ни кутарди.

Капитан ҳам оёққа қалққан, лекин ёзув столининг
орқасида қолганди. У тик турганича ўзини босишга
уринар эди.

«Ит! Ана шу кенг пешонасига бир ўқ узилса-ку,
ўжарлигидан абадул-абад ном-нишон колмайди. Қай-
си кўрсатган кароматига кеккаяди бу ҳароми. Бу таги
ласт ҳаддидан ошаяпти. Мени писанд қилмай, ҳақо-
ратлашгача етиб борди! Бу подон билмайдики, мен ун-
га жонини сақлаши учун охирги имкониятни яратиб
бераяпман. Йўқ, у ўзини қандай хавф-хатар кутаёт-
ганини билмаяпти, чоғи. Мени менсимасликни кўрса-
тиб қўйсаммикан?!» ҳаёлидан ўтказарди капитан. У
тўппончасини чиқариб, Ал-Лазнинг пешонасига қада-
ганича тепкинни босиб юбормоқчи ҳам бўлди. Йўқ, ун-
га ўқ увол!

Капитан ўрнига чўкди, қўли билан пешонасини
ишқалаганича ўтирган ерида бир неча бор қимирлаб
олди. Сўнг Ал-Лазга шунчаки бир қараб қўйиб, чўн-
тагидан сгарета чиқариб тутатди.

« Қаҳқаҳа уриш тўхтади... Кута бошлади. Балки
бирор нарсага тушуниб етгандир. Кўзларида ҳали
ҳам ёш. Қовоғи солиқ, жаҳлдан тушмаган. Қийналяп-
ти, ичиди ит тирнаяпти, ҳойнаҳой. Аблаҳ! Олдимда
ҳеч ким йўғида айбига иқрор бўлгани яхши эди. Унда
қутқариб қолишим мумкин эди. Лекин у жинни, тен-
так, тўнғиздек ўзини у ёқ-бу ёққа ташлайди. Ҳали
таъзирини ейди. Кўп пушаймон бўлади...»

—Шеригинг ким? Қим билан ишлайсан? Гапир,
лаънати гапир!

Бирдан тутакиб кетган офицер стол устида турган
мис кулдонни ола солиб, пўлат сандиққа қараб от-
ди. Қулоқлар қоматга келди. Сўнгги лаҳзаларда орага
чўккан жимликдан асар ҳам қолмади.

Офицер Ал-Лазнинг жавобини кутарди. Агар яна

қаққаха уриш ёки Буатушни дўппослашдан бўлак ҳеч нарсa ўйлаб топмаса, бирор нарсa дейиши керак эди. Лекин Ал-Лаз пинагини бузмай ўтирар, кўзларидан тирқираб ёш оқар, лабларида сўниқ қаққаха қотиб қолган эди. Қўллари ҳали ҳам ўша-ўша, худди кишанлангандек эди.

— Олиб чиқинг!

Ал-Лаз соқчилар уни куч билан олиб чиқишларини кутиб ўтирмади. Бефарво, қўлларини чалиштирганича эшик томон юрди. Қийноқхона томон бурилганида қадамнинг бир оз тезлаштирди ҳам. Буни кўрган офицер унинг устидан кулиб, пичинг қилди:

— Ҳа, ҳа, тезроқ юр. Ўз насибангдан қуруқ қолма, тагин!

Ал-Лаз камерага қадам қўйиши билан кутилмаганда қоронғилик уни ўз қаърига ютди. «Шундай ҳам қўлга тушганимдан бери ўзимни шу ердадек ҳис қилардим. Энди нима бўлса шу ерда бўлади», ўйлади ўзича.

Чироқ ёнди. Ал-Лазнинг кийимларини ечиб, қўлоёқларини мис сим билан боғладилар. Сўнг учли михлар сочилган стол устида савалашга тушдилар.

«Бу ҳали қийноқнинг бошланиши. Агар айбимга иқрор бўлмасам, бошқачасига ўтишади. Мени электр токи уланган сувга солишади. Шунда ҳам иқрор бўлмасам-чи, унда энг даҳшатлиси — тирноқларимни бирма-бир юлиш бошланади.»

Ў аламли тўлғонди, ич-ичидан ингради:

— Оҳ!.. Вой!

Энг қийини олдинда. Ваҳшиёна тирноқ юлиш азобини кўз олдига келтирган Ал-Лаз тишини тишига қўйишга, оғриққа бардош беришга уринди. Кўзларини юмганича бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга ўзини мажбур қилди. Бошқа нарсани...

«Бизнинг қўрғонда бир ҳарбий ўлдирилганида Зайдон амаким, йўқ, отам Зайдон онам билан ўрмонга қочишган экан. Унда бувим қаерга қочган? Қизиқ. Ҳаму амаким ким билан қочган экан?»

Агар сувга ботирилган хивич устма-уст тушмаганида у ўз ўйини давом эттириши мумкин эди. Нега ҳадеб бир жойга уришади, газандалар? У бир оз сурилмоқчи бўлди, лекин остидаги учи ўткир михлар устухонига бориб қадалди назарида.

Оҳ, лаънати михлар агар шу михлар бўлмаганда ҳам чидаса бўларди. Хипчин тушаверганидан, қамчи еяверганидан этим калтак зарбини деярли сезмайдиган бўлиб қотиб кетган чамаси.

— Оҳ!.. Оҳ!..

«Йўқ, войвойлаган билан оғриқ камаярмиди. Қайтанга уларга қўл келади бу. Ҳа, чидайман, чидашим керак. Фақат бошқа нарсалар ҳақида ўйлаш керак.

Қизиқ, ҳарбийни қўрғонимизда ким ўлдирган экан?»

— Вой!.. Оҳ!..

«Қаддур қочиб улгурган бўлса керак. У чамаси, мени тушунганди. Биринчи қийноққа бардош берсам ҳам анча вақт ютаман, у қишлоқдан узоқлашишга улгуради.»

— Оҳ!.. Вой!..

«Чидаш беришим қийин кўринади, қийин! Йўқ, мендан олдин кўпчилик чидаган-ку...»

— Оҳ!.. Оҳ!..

— Ким билан ишлайсан? Гапирасанми ёки давом эттираверайликми? — деди лейтенант.

«Бақирганим уларга умид бағишлади. Ортиқ чурқ этмайман. Фақат бошқа нарсалар ҳақида ўйлашим керак. Мендан олдин бу хонада қийналганларга қарши буларда ҳеч қандай далил бўлмаган. Улар фақат ўзларини эмас, ҳаммани ҳимоя қилганлари учун ҳам чидаганлар. Аммо мен бор нарсани бой бериб қўйдим...»

— Оҳ!.. Оҳ!..

— Ким билан ишлайсан? Гапирасанми ёки давом эттираверайликми?

«Давом эттираверишсин. Бари бир ҳеч нарса айтмайман. Агар қимирламасам мих ҳам кирмас. Бақирмасам, улар ҳам саволга тутишмас. Мияни бирор нарса билан банд қилишим, у ҳақида ўйлашим керак.

Бу хонада азобланганлар бу қийноқ усулларида беҳабар эдилар. Шунинг учун ҳам уларга осон бўлгандир. Мен эса...»

— Оҳ!.. Оҳ!..

— Ким билан ишлайсан? Гапирасанми ёки давом эттираверайликми?

«Қилмишимни бўйнимга олсам ҳам, олмасам ҳам бари бир адои тамом бўламан. Уларда менга қар-

ши жуда жиддий далиллар бор. Лаънати Ҳаракий. Бу михлар! Тузли сувни ҳали сепишгани йўқми? Қани эди, уларнинг қийнаш усулларини икир-чикирларига-ча билмасам. Бу михлар... Бўлди, бошқа чидаёлмайман.»

— Оҳ!.. Оҳ!..

— Шеригинг ким? Ким билан ишлайсан? Гапир!

«Онамга Зайдон амакимдан поездда эшитган гапларни айтганимда у бошини эгганча, кимки ота-онасининг қарғишига қолса, унга фарзандидан қайтар экан-да», деб шивирлаганди.

Оҳ, тузли сувни сепишди-я».

— Оҳ!.. Оҳ!..

— Бўйинингга оласанми? Гапир!

— Бас қилинг! Бас! Гапираман. Ҳаммасини айтман.

— Гапир! Ким билан ҳамкорлик қиласан?

Сержант шоша-пиша стол олдига бориб, қўлига қоғоз, қалам олди ва Ал-Лазнинг оғзини пойлай бошлади. Айни вақтда Ал-Лазнинг узоқ чидай олмаслигини бошидаёқ сезганини хаёлидан ўтказди: «У калтак зарбига имкони борича чидашга уриниб кўрди, холос. Мен унинг ўрнида бўлсам, бунча ишончли далиллар қаршисида ҳеч иккиланмай бор гапни бўйинига олган бўлардим. Йўқ, унда спортчиларга хос жасорат, руҳ йўқ. Лекин кеч бўлса ҳам тушунди-ку!»

— Бўл, гапир.

— Мен фақат катта офицер олдида гапираман.

Сержант шошганича капитанни чақиргани чиқиб кетди. Бир оздан сўнг уни бошлаб кирди ва ўзи стол олдига бориб ёзишга шайланди.

— Қани, гапир, — деди голиблик нашъасини сураётган капитан. Унинг қасосли илжайиши кўзойнаги ортидан ҳам кўриниб турар, қип-қизил нозик лаблари орасидаги америка сигаретаси дам у ёққа-дам бу ёққа липиллаб ўтарди.

«Шу лаънати қишлоққа келганимнинг иккинчи куни шу ҳароми билан танишган эдим. Бирга қарта ўйнаб ўтириб, тўрт соат ичибмиз. Ушанда ҳам мен биринчи маст бўлиб қолган эдим. Эшикни қулфлаб, тўппончамни чиқардим ва унга кийимларини ечишини буюрдим. У мақсадимни тушунмай ҳайрон бўлди. У

опасидан туғилган ҳолига тушгач, яна бир шишани ичишга мажбур қилдим. Ечиниб ундан олдин ўринга кирдим... Аввалига ҳар гал ўз ишини бажариб бўлгач, мени муштлаб ташларди, кейин ўрганиб кетди.

Агар Ал-Лаз ўзлигича қолса, ҳеч қандай таҳқирлашишга ўрин ҳам қолмас эди. Аммо бу ярамас мени касалим ва унга фоҳиша қиздек бўйин эгишимдан фойдаланиб, ҳамюртларига ёрдам қилиб юрган экан. Мана шуниси алам қилади одамга. Мана шуниси таҳқирлашнинг айна ўзи!»

Капитаннинг қовоғи солинди, пешонаси тиришиб бақирди:

— Гапир! Қим билан ишлайсан?

Ал-Лаз уйқудан уйғонган кишидек ёшли кўзларини аста очиб, қаҳр-ғазаб билан капитанга тикилди ва тўнғиллади:

— Бу ҳолда эмас, бу ҳолда гапирмайман.

— Туширинглар уни,— ҳеч иккиланмай буйруқ қилди офицер, сўнг олдинга қараб икки-уч қадам ташлади, шартта тўхтаб, ҳарбийларча шахдам ҳаракат билан орқага бурилди. Шу зайлда бир неча бор у ёқ-бу ёққа юрди. У гўё қандайдир ўй-фикрлар гирдобида эди.

«Лаънатини нима қилсам экан? Ўзимни ўйлай десам, унинг бундай қилмишлари учун ўйламай-нетмай қатл қилиш керак. Сотқиннинг ўзи казармада! Ҳа, ҳа, казарманинг ўзида! Жинояти оғир. Отиб ўлдириш керак, тамом. Итвачча ўлади. Битта каламуш камаяди ҳисобдан.

Лекин бунда ким ютқизади? Мен?!.. Нима ютқизаман? Бошқаси тўлиб ётипти. Авомда: «Ит вазифасини ит бажарар», деган гап бор. Унинг вазифасини солдатлардан бирига буюраман, қўяман! Лекин лаънати ўз ишининг устаси фаранги-да. Ўлгудек ичади, заррача уятни билмайди. Йўқ, бошлиғини ўлдираман. Ўзини эса қамайман. Хонамнинг ёнидаги камерага тапшлайман уни. Икки-уч ойдан кейин уни ёруғликка чиқараман. Вино, овқат билан таъминлайман. Лекин казармасдан ташқарига чиқишига йўл қўймайман. Бу ярамасни қишлоқдан кетишим муқаррар бўлган куни ўлдиртираман, вассалом. Қандай ажойиб фикр!

...Лаънати нега шу пайтдан бери мени ўлдириш пайига тушмади экан? Унда шундай режа бўлгани

аниқ. Бундай таклиф билан бошлиғига бир неча бор учраган ҳамдир. Улар мендек бемулоҳаза офицерни ўлдиргандан кўра қўлида қуроли бор бир солдатни қочирган афзал, дейишган. Ақл-заковатни ишга солиб пухта ўйлашгани кўриниб турипти. Мақсадлари аниқ ва равшан. Бунда ўша лаънати «қизил»нинг қўли бор. Унинг режаси билан иш тутишади булар. Ўзи ҳам бизнинг армия сафларида машқдан ўтган, ўқув юртларимизда малакасини оширган, бунинг устига Москва уни йўлдан урган...»

— Ким билан ишлайсан, шеригинг ким? — кутилмаганда у томон ўгирилиб офицер ер тепиниб сўради.

Ал-Лаз туз теккан яралари ловуллашига қарамай совуққонлик билан сўз қотди:

— Буларнинг олдида эмас...

«Аҳа, демак бу ёғи мен ўйлагандек бўлади. Лекин кечга қолди. Бошида менинг кабинетимда экайда унга ёрдам қилиш ниятида эдим. Лекин у бутун умидимни пучга чиқарди. Энди кеч... Ақлли бўлса ҳам кўп нарсани вақт ўтганидан кейин англайди, бу тўғри!»

Капитан яна бир оз ўйлашиб турди. Сўнг сержант ва унинг ёнидаги солдатларга қараб, бош имоси билан хонадан чиқиб кетишларига буйруқ қилди. Ўзи эса стулга қулайроқ ўтириб, Ал-Лазнинг оғзини пойлашга тушди.

Ал-Лаз бўлса офицернинг кўз ўнгида ярим ҳушидан кетгандек ҳамон бош эгиб, жим ўтирар, аслида Қаддурни ўйларди:

«Қани энди Қаддур ҳақида бирор хабар билсам. У қишлоқдан чиқиб кетдими, йўқми? Ё Ал-Лаз ҳалибери бўш келмайди, эртага кетарман, деб бамайлихотир ўтириптими? Балки у мени ҳаммасига чидайди, ҳеч нарсани бўйнига олмайди, деб ўйлаётгандир. Ҳа, чидашим, чурқэтмаслигим керак. Буйруқда ҳам худди шундай дейилган. Революция сирни фош қилганларга хоин сифатида ҳукм чиқаради. Лом-мим демаслигим керак. Лекин бу қийноқ азоблари... Ҳали биринчи босқинчи тугамади. Бунисига оғиз очмай чидамасам бўлади. Иккинчисига ҳам шундай бардош берарман. Лекин тирноқларни юлишга ўтишганда-чи?.. Оҳ! Унисига чидай олмайман. Мен иродаси суст кишиман.

Қўлга тушганимдан бери ўзимни шу хонада турли-туман қийноқ усуллари остида ҳис қиламан. Барибир дош бера олмайман деган ўй билан яшайман...

Қаддурни огоҳлантирдим. Буниси яхши бўлди, кўнглим ҳам бир қадар таскин топди. Агар шундай қила олмаганимда-чи? Йўқ, мен ўз бурчимни адо этдим. Ҳозир, сўнгги дақиқаларгача ҳам уни адо этмоқдаман.

Биламан, бу ерда ҳаммани ҳам бир хил қийнаша беришмайди. Қўлларидаги шунчаки шак-шубҳали киши бўлса, қийноқнинг уч босқичи давомида бирор нарса чиқаришга уринишадди. Йўқса, шу билан чекланишди. Агар менга ўхшаш, барча қилмишидан хабардор кишиларни ёки жанг майдонида қўлга олинган асирларни қийнашга тушишса борми, айбига иқроф бўлмагунича тинч қўйишмайди. Ё айтиб қутуладди, ё ўлиб. Қўпчилик жон талвасасида бўлса ҳам сир бойи бериб қўяди. Фақат жуда кам кишиларгина охиригача чидайди.

Ёлғон-яшиқ гап билан бўлса-да, вақтдан ютишим керак. Ҳеч бўлмаса бугун туни билан, эрталабгача... Шунинг ўзи Қаддурга етарли, сўнгра...

Мен кераклигича чидайман. У ёғи Қаддурнинг ўзинга боғлиқ. Демак, кимдан бошласам экан? Сотқин, хонлардан бошлашим керак, токи бу ердаги азоб-уқубатларни ўзлари ҳам тотиб кўришсин, лаънатилар».

— Аз-Лаз! — деди капитан. — Мана биз ёлғизмиз, ўзинг шуни истаган эдинг. Қани гапира қол. Сен бу ерда, казармада, аниқроқ қилиб айтсак, қўмондонлик ўрнашган жойда яшайсан. Армия хизматига ўтган мусулмон солдатлар билан алоқада бўласан. Уларга «қонунга бўйсунмайдиган» у томондагилардан хат-хабар етказасан ёки ўзинг уларни қочишга ундайсан. Шундайлардан уч-тўрттаси билан келишгач, маълум жой ва вақтни тайинлайсан. Олдин қандайдир бир шахс билан маслаҳатлашиб оласан. У киши солдатларни олиб ўтишни ёки қочпиришни, қандай атасанг атайвер, ўз зиммасига олади. Буларнинг ҳаммасини ўзингга маълум махсус воситалар ёрдамида билиб олди. Ал-Лаз, сен фақат ўзинг алоқа қиладиган ўша киши ёки кишиларни, ёки уларнинг бошлиқлари ким эканини айтсанг бас. Мен сендан билмоқчи бўл-

ган нарса шунинг ўзи. Агар айтсанг, сенинг хавфсизлигингни ўзим таъминлайман.

Ал-Лаз ўйланиб қолди:

«Қимдан бошласам экан? А-ҳа! Ажойиб фикр! Қишлоқ оқсоқоли! Чўчқа! Мени қамчиси билан савалагани савалаган эди. Хоин! Хоинларнинг хоини у. Ҳаммани ўша сотади. Тўрт марта унга қарши уюштирилган суиқасддан омон қолган аблаҳ!

Бу ҳам менга қўл келади. Уни ўлдирмоқчи бўлишгани фақат кўзбўямачилик, сени алдаш учун қилинган эди, капитан, дейман...

Ҳали кўрамиз, ҳўкиздек қўпол танаси мана шу стол устида ялангоч чўзилиб ётади. Остидаги ўткир учли михлар суяк-суягига санчилади. Бунинг устига сувга солинган қамчи билан савалашади. Билқиллаган баданлари қонталаш, моматалоқ бўлиб кетгач, яра устига туз сепишади... Уни шу аҳволда кўриш учун ҳам...»

Ал-Лазнинг калтак зарбидан шишиб кетган лаблунжлари кулгига ёйилди, сарғайиб, ҳатто қорайиб кетган тишлари кўзга ташланди.

— Ал-Лаз, нимага кулаяпсан?

— Хаёлимда... сен менга... бир қадаҳ вино келтиришга буйруқ берган эмишсан.

— Нега буйруқ бермас эканман? Аввал саволимга жавоб бер, кейин менга деса бир шишасини ич.

— Йўқ, олдин қуйиб бер. Ўзимни бир оз босиб олай, шунда охири яхши бўлади.

— Сен вақтдан ютмоқчисан, чамаси. Эҳтиёт бўл, бола, сен билан ўйнашаётганим йўқ.

— Асло, мен негадир жуда ҳаяжонланаяпман. Бор гапни биратўла тўкиб сола қолсам дегандим.

...Оббо, ҳароми-ей, топган гапини қара! Худди урушдан кейинги давр адибларининг ўзи-я!

Капитан адабиёт факультетида ўқиб юрган кезларидаги Сартр, Лотин кварталларини ва уни бошига кўтариб юрадиган ёшларни эслаб, ўзига-ўзи, мен ҳам армия хизматига киришдан олдин очиқ мозорда яшамаганман-ку, ахир, деди.

Офицер бошини кўтариб олдида ярим энгашган ҳолда турган Ал-Лазга нигоҳ ташлади.

— Яхши, бир қадаҳ вино бераман.

У қўнғироқ тугмачасини босди. Эшик очилиб ич-

карига кирган сержант қўлини чеккасига қўйиб капитанга ҳарбий салом берди.

— Кабинетимдан бир қадаҳ вино келтир.

— Хўп бўлади, жаноб капитан. Сизга бир нарсани айтишга рухсат этинг.

— Хўш.

— Қишлоқ оқсоқоли олдингизга киришга ижозат сўраяпти.

— Кутиб турсин.

— Муҳим, кечиктириб бўлмайдиган гапи бор эмиш.

— Ундай бўлса кирсин. Ўзинг винони тез келтир.

«Лаънати оқсоқол шошилинич хабар билан шу ергача кириб келипти. Нима гапи бор экан? Ҳамма ўйлаганларимни йўққа чиқариши, мени зўр томошадан маҳрум қилиши мумкин! Кечиктириб бўлмайдиган гапи нима экан? Нима бўлганда ҳам уни айбдор қилиб кўрсатиш қўлимдан келади, токи қаттиқ қийноқ азобини бир тотиб кўрсин. Кейин... Уф, мен у аблаҳни камиди бир неча кун айблаб туришим мумкин. Унгача тирноқларини юлиб, ўзини ногирон қилишга улгуришади. Узоқ муддат ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолга келади. Қалтак азобига чидай олмай инқилобчилар билан ишлаётганини тан олишга мажбур бўлади. Ўз навбатида яна бошқа бир ярамаснинг номини тилга олади. Ҳеч бўлмаганда охири шундай тугайди...»

Ичкарига қўлида бир қадаҳ вино билан сержант, унинг кетидан нафаси оғзига тикилган оқсоқол кирди. Капитан сержантга қадаҳни Ал-Лазга узатишга ишора қилди. Ўзи эса оқсоқол томон ўгирилди.

— Хўш, яна нима гап топиб келдинг?

Оқсоқол винога суқланиб тикилганича уни маза қилиб шимираётган Ал-Лазга қаради. У яп-ялангоч, авратини олдинда турган тўқима ифлос курси беркитди турарди. Оқсоқол ҳанг-манг бўлиб қолди ва офицерга мўлтираб тикилди. Гўё ундан муҳим сирни мана шу бадбахт ташланди олдида гапирарсам бўладими, деб сўрамоқчи эди. Лекин дарғазаб офицер ундан олдин дағдаға қилди.

— Менга нима қилишим кераклигини ўргатмаган энди сен қолувдинг. Сени бу ерга ўзим чақирдим. Қани, нима гапинг бор!

Ал-Лаз бирдан қишлоқ оқсоқолга ташланди, ёқасидан бўғиб олиб бақира кетди.

— У, у! Бу ўша! Мен у билан ишлайман. У мени қўрқитган эди, жаноби офицер! Солдатларни қочишга ҳам мана шу ундайди.

Оқсоқол ҳам бўш келмадди. Телеграф апаратидек олган маълумотини эгасига етказишга шошилди.

— Ал-Лаз ҳибсга олинган, менга баққол Қаддур ибн Ар-Рубейъи Ал-Баракотий ғойиб бўлганини хабар қилишди.

Ал-Лаз чуқур нафас олди, гўё елкасини эзиб турган оғир юк ағдарилди.

Қаддини кўтарди. Ўзича шундай хулосага келди: «Биз қилган ҳар бир ҳаракат зое кетмайди, ўзининг мевасини беради. Патруль мени ўз кулбамизда қўлга туширганида фақат Қаддур ҳақида ўйлаган эдим. Мана, уни қутқардим. Мен шунчаки ролга киргандим, томоша кўрсатган эдим. У сизга жуда ёққан эди. Энди сизга навбат, чўчқалар! Ҳамма нарса кўнгилдагидек кетаяпти».

Ал-Лаз кулди. Офицер қайрилиб қараганида у ҳамон кулганича бош иргитди: «У... ҳа-ҳа, у, Қаддур ибн Ар-Рубейъи Ал-Баракотий».

— У қишлоқдан чиқиб кетибдими?— сўради умидсизланган ҳолда капитан.

— Бунисини билмадим. Шубҳам бор. Ал-Лаз қўлга олинганига атиги бир соат бўлди. Бу хабарни менга ҳозиргина етказишди. Шу заҳотиёқ бир неча дўкон ва маҳаллаларни айланиб чиқдим, лекин...— ўзини оқлади оқсоқол.

— Қишлоқни ўраб олиб, уйма-уй қидириш керак. Сержант Стефан! Сержант Стефан! — чақирди капитан. Эшикда сержант кўриниши билан буюрди: — Тезда менинг кабинетимга унтер офицерни чақир. Мана буни эса қўриқлаб туринг, қийнаманг. Вино сўраса қўйиб беринг. Тушунарлими?

— Худди шундай, жаноб капитан.

Олдин сержант, унинг кетидан капитан ва оқсоқол чиқиб кетишди.

«Бечора Қаддур! Мени азоблашганига раҳми келиб, ўзининг қочгани ҳақида оқсоқолга хабар қилишни кимдандир илтимос қилган. Бечора Қаддур, мени унутмапти. Мана бу — бурч, мана бу — яқинлик, бир-

лик. Ҳа, мени фавқулодда патруль босганидаёқ уни қутқариш йўлини ўйлаган эдим».

Хона бўшаб қолганидан бери Ал-Лаз алланималар деб ғулдураб қўяди. Дам-бадам кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олади. Ярасини ҳам, оғриқини ҳам унутаёзган. Ўзини ганимларга бемалол бас кела оладиган ҳис қилади.

«Ҳамма нарса, ҳаётдан менга нима насиб қилган бўлса, бари шу ерда, шу лаҳзалардан бошланади. Бечора Қаддур! Ип йигириб, арқон эшиб, бир учини менга етказипти. Мени қутқариш йўлини топибди. Мен ёлғиз эмасман. Мана шуниси муҳим».

Ал-Лаз энгашиб ерга сочилиб ётган уст-бошларини кўтарди. Ярасини аяб-авайлаб аста кийинди. Шу пайт кўзи ҳозиргина офицер чордона қуриб ўтирган қаршисидаги тўқима креслога тушди. Ўзини унга ташлаган эди, баданидаги оғриқнинг зўридан инграб юборди. Сўнгра уни қўриқлаш учун солдат билан қайтиб кирган сержантга буйруқ оҳангида деди:

— Жаноб капитан нима дегани ёдингда бўлсин! Вино келтир, вино! Тонг отгунича винонинг кети узилмасин! Тушундингми? Менга бир шишаси камлик қилади. Бўл, оёғингни қўлингга ол, лаънати. Қамчиларнинг зарбидан бутун вужудим ёнаяпти.

— Жаноб капитан ҳатто мана шундай вазиятда ҳам сени мунча талтайтиради? Ақлим бовар қилмайди, — дея сержант ташқарига йўналди.

Ал-Лаз уни масхаралаб деди:

— Юқори савиядаги «сиёсий» ишларга бурнингни суқишни сенга ким қўйипти. Унинг ўрнига менинг айтганларимни тезроқ бажар! Вино келтир, вино! Тозасидан бўлсин. Виски, коньяк, ром. Тушундингми? Акс ҳолда устингдан арз қиламан-а. Газакка бирор шўр нарса, ейишга ул-бул келтиришни ҳам унутма. Қорним оч.

— Нима, нима? У менга фақат ичкиликни айтган, овқат тўғрисида ҳеч нарса демаган.

— Ичкиликни овқатсиз ичадими, галварс? Балки у қадаҳ келтиришни ҳам буюрмагандир. Демак, мен шишаси билан кўтаришим керакдир.

Кичик офицер чиқиб кетаркан, эшитган мантиқий гапи хуш ёқди шекилли ишшайиб қўйди. Ал-Лаз эса бошини орқага ташлаганича ўйга толди...

«Капитан ҳали ҳам менн ушлаб турмоқчи, буниси аниқ. Ҳар ҳолда ўлдирмаса керак. Бу ҳақда яна жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Мен боши берк кўчага кириб қолдим. Йўқ, мен икки йўл ўртасида, тўғрироғи йўл иккига ажраладиган ердаман.. Ё униси, ё буниси... Иккисининг ораси ҳеч қанча эмас, бир қадам, холос. Мана шу бир қадам ҳамма нарсани ҳал қилади. Мен жуда эҳтиёт бўлишим керак. Бошқа иложи йўқ. Шамол қайси томонга эсса, ўша томонга эгиламан. Бунинингкор этмаслигим, балки тан олишим керак. Мен ҳозирнинг ўзида адоғи тамом бўлдим. Мендан нима қолган бўлса ёки қолгудек бўлса, бу фақат тасодифан. Ўзим ҳам роса миррамга тақалдим. Тўлиқ гардиш шаклига кирган тўлин ой бир кун йўқолади. У тамом бўлгач, қайтадан янги ой чиқади. Онам бу ҳақда деярли ҳар тун гапирар, мендан тўлишинингми ёки тамом бўлдинингми, деб сўраб қўярди.

Ҳа, оғи мен тамом бўлдим. Ҳаёт мен учун янгитдан бошлангудек бўлса, турган гапки, мен бошқа, янги Ал-Лаз бўламан. Унда ўзимни на ўзим, на ўзгалар, на мана бу аҳмоқ капитан танийди.

Эҳ, бечора Қаддур. Менинг қарталаримни қўлимга тутқазиб, ўзинг ғойиб бўлипсан-да.

Капитан мен Қаддурдан бўлак ҳеч кимни танимаслигимга ишонармикан? У шу билан қаноатланармикан ёки мендан янги-янги номларни билиб олишга уринармикан? Ҳали у мени минг куйга солади. Айниқса энди, менинг заиф томонимни билиб олганидан кейин. Яхшиямки, мен Қаддурдан бошқа ҳеч кимни танимайман.

...Нега бор айбни аблаҳ оқсоқолга ағдармадим? Ҳамма нарса мен ўйлагандан анча тез содир бўлди-да. Ҳечқиси йўқ, биринчи сўроқдаёқ уни айблашим мумкин. Мен билан Қаддур ўртасида у воситачи бўлган. Қаддурни қочирган ҳам ўша, қилғилиқни қилиб қўйиб, сенинг олдингда лабларини ялашини, ҳеч нарса бўлмагандек хизматингга ҳозир нозир туришини қара, дейман. Қандай ажойиб фикр!

Ҳали кўрадиганини кўради. Тўнғиздек гавдасига яраша жазосини олади. Стол устидаги чақир михлар уни ўз қонига белади...

Жуда ҳам зўр-да!

Шошма, шошма, бундай шараф уни улуғламайди-

ми? Қишлоқ аҳолиси ва инқилобчилар ичида ўзига муҳаббат уйғотмайдими? Мен бўлсам бор ҳақиқатни халққа еткази олмай ўлиб кетарман.

Йўқ... Йўқ!

Бунда у ютқизмайди, ютади. Кўп ютади. У ярамас бундай бахтга муяссар бўлишга лойиқ эмас. Йўқ уни айбламайман.

Бу ердаги хилма-хил қамчилар, қийноқ столи, миҳлар бари муқаддас. Чунки улар эркин, инқилобий курашчиларнигина қийнаган, азоблаган. Шундай экан бу аблаҳ хоиннинг ифлос жасади унга тегишига йўл қўймайман!..

Ҳа, барча мушкулотлар ечилди. Фақат ўзга Ал-Лазнинг янги ҳаётга қадам қўйиши қолди».

Ал-Лаз шу қарорга келди. Виждони тинчланди шекилли, ўрнашиброқ ўтирди. Вино бу гал одатдан тез бошини айлантирди. Кўзини очиб камерани тўлдирган ёруғликка қаради-ю, кучли ток ургандек сакраб тушди.

«Янги «товарлар»... уларнинг тақдири нима бўлади. Мен билан қочишга келишган ўртоқлар энди нима қилишади? Ўз фикрларидан қайтишадими ёки таслим бўлишадими? Ёки улар билан мендан бошқа киши алоқа ўрнатармикан?

Турган гапки, улар мени сўроқ қилишларини кутишади. Назарларида мен уларнинг номларини сотаману улар қўлга тушишади. Оҳ, қани эди уларни эсламасам, номларини бутунлай унутсам. Мени эътироф этишга мажбур қилишса борми: яна янги қурбонлар бўлади, қон устига яна қон тўкилади.

Йўқ, мен ҳали ҳам ўша ҳақиқий Ал-Лазман. Олдинги Ал-Лаз ўлганича йўқ. У ҳеч қачон ўлмайди.

Йўқ, йўқ. Мен ҳеч қандай сирни фош этмайман. Ўлгунимча қийнашса ҳам. Нима бўлганида ҳам таслим бўлмайман. Ҳаққим йўқ.

Ўлсам ўламан-у, ҳеч кимни сотмайман. Қарорим қатъий.

Мен йигитларни огоҳлантиришим, айбимга иқроф бўлмаслигимни билдириб, хотирларини жам қилиб қўйишим керак. Токи яна аҳмоқона ишларга қўл уриб юришмасин. Мабодо қўққисдан бирор кори ҳол бошлашса борми, ҳаммамизга ёмон жабр бўлади.

Сержант вино олиб келганида уни гапга солишга

уриниб кўраман. Балки йигитларни бир амаллаб огоҳлантиришнинг йўли топилиб қолар. Ҳа, топилади, албатта, топаман уни».

Ал-Лаз бир оз тинчланмоқчи, айқаш-уйқаш фикрлардан холи бўлмоқчи, аъзон баданидаги кучли оғриқни унутмоқчи бўлди. Лекин бошини стол қиррасига қўйганича ғайриихтиёрий хўрсиниб юборди.

«Эҳ, бечора Ал-Лаз, сен умр бўйи ёлғизлик ва ночорликка қарши баралла курашиб келар эдинг, мана сенга оқибат..

Қани энди, ҳозир қўлингда автомат тутганингча тоғда бўлиб қолсанг. Сени ўзинг турган ердан силжитиш учун бекорга овора бўлаётган душманларинг устига тик қоя ортидан ўқ ёғдирсанг, уларни қириб ташласанг. Тепкини босаверсанг, босаверсанг, автомат қизариб чўғ бўлиб кетса ҳам қўлингни тепкидан олмасанг. Мабодо олдингда снаряд портласа ёки устингга самолёт шўнғиса ҳам зўр мамнуният билан, мен ўз ҳаққимни, қасдимни олдим, тўла-тўқис олдим. Сенларни ўзим ва ўзим сингари эзилган, хўрланган биродарларимнинг бор қаҳр-ғазабларига дучор қилдим, дейсан. Зайдон сени ўз бағрига босиб, сўнгги бор ўпади, силаб-сийпайди, таскин-тасалли беради, алвидо, азиз фарзандим. Сен ўз бурчингни бажардинг. Энди сенинг ўрнингни, укаларинг эгаллайди. Бу ёқда мана мен борман, Ҳаму амакинг, жами бевабечоралар бор, дейди.

Оҳ, Зайдон отагинам, мен сенга қанчалар муштоқлигимни билсанг эдинг! Ҳаёт мени ундан, уни мандан маҳрум қилган отамни қўмсайман. Дунёга келганимдан бери у бечора мени узоқдан кузатади, яқинлашгани журъат эта олмайди.

Балки, мен отамдан чақнаб чиққан, унинг қурбн етмайдиган ишни бажариши лозим бўлган учқундирман?

Отам, азиз отажоним менинг!»

Ал-Лаз хаёлида поездда, отасининг бағрида унинг гапларидан таъсирланганича жим борарди: «Мана, мен ҳам ота бўлиб, ўз ўғлимни биринчи бор ўпаяпман, Ал-Лаз, болагинам. Биз кўрган азобни ит ҳам кўрмасин. Мен сенга доим катта умид боғлаб келгандим. Ҳеч қачон хиёнат қилмаслигингга ишонардим. Чунки сен ҳеч нарсани тама қилмайдиган, ҳеч нар-

сани йўқотишдан қўрқмайдиган йигитсан... Сен шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ билан қаршилик кўрсатасан. Мен ҳам ўз навбатида қаршилик кўрсатаман, лекин жим, махфий ҳолда. Биз бу ҳаётни ўзгартиришимиз керак, Ал-Лаз, ўғлим! Энди сен муайян мақсад йўлида, аниқ режа билан иш кўришинг керак... Қани кел, бағримга бир босай, кейинги бекатда тушиб қоламан».

Паровоз узун гудок берди: «Хайр, мен жўнаб кетдим. Энди сенга навбат, кут».

Ал-Лаз ногаҳон қимирлаган эди, туз сепилган яралар оғриғидан юрагигача зирқираб кетди.

«Унга биздан ҳам қийин, деганди онам. Оиладаги ўнта жон Ҳаму амакингининг ҳаммом гўлаҳхонасидан топадиган қирқ дирҳамига қараб қолган. Бунинг устига у менга ҳам ҳар байрамда янги кўйлак ва икки ратл¹ гўшт олиб беради.

Отам бечора... Қизил!

Қизик, унинг нимаси қизил? Агар сиёсат билан шуғуллангани, текинхўр бойлардан нафратлангани учун бўлса, унда мен ҳам қизил эканман-да. Сиёсат билан таниш бўлмасам ҳам, бойларни, уларнинг аҳмоқ ўғиллари-ю бузуқ қизларини кўргани кўзим йўқ. Эҳ, отам сингари ўқишни яхши билганимда эди, мен ҳам ҳақиқий қизил бўлар эдим».

Эшик томонда қадам товуши эшитилиши билан Ал-Лазнинг фикри бўлинди. Камерани синчиклаб кўздан кечиран экан, нигоҳи уни қўриқлаб турган солдатга тушди. Ал-Лаз ҳайрон бўлиб қолди. Соқчилик қилаётган йигит у билан қочишга розилик берган жазоирлик солдатларнинг бири эди.

Солдат унга ҳамдардона кулиб, аста пичирлади:

— Сен учун нима қилишимиз мумкинлигини ўйлаб қўйдик.

Солдат кўрсатгич бармоғини лаблари устига секинроқ гапир маъносида тик қўйди.

Ал-Лаз бош силкиди.

— «Бўрон» тинчлик билан тинган кўришади. Дўстимиз қочиб улгурди. Бу хабарни эшитганимдан кейин уни тан олдим. Лекин офицер ҳали-бери мени

¹ Ратл — оғирлик ўлчов бирлиги, салкам 450 граммга тенг.

тинч қўядиганга ўхшамайди. Ўзинг биласан-ку, буларни... Сизлар хотиржам бўлинглар ва кутинглар.

— Бу ифлос, маразларни биламан, — қўшимча қилди солдат кулиб. — Умуман, ўртоқлар ҳозир бир нарса устида бош қотиришаяпти, чора излашаяпти. Балки бугун тунда иложи топилар.

— Ниманинг иложин...

Эшик очилиб ширакайф сержант кирди. У офицер хонасидан Ал-Лазга вино келтиришдан олдин бир неча қадахни заҳрига ютиб олганди, чамаси.

— Дин-дин... Франция Изиддан гўзал... Дин-дин... Уруш тифдек касал... Дин-дин... Мен сен билан ҳам ичаман, Ал-Лаз. Дин-дин... Керак бўлса, терингни ҳам шиламан... Дин-дин... Чунки се-е-н барибир осила-а-а-сан!

Сержант қўлидаги бир шиша коньякни Ал-Лазга бериб улгурмаган ҳам эдики, камера бўйлаб тўқиллаган оёқ шарпасидан чўчиб, донг қотди. Сўнг жон ҳолатда орқасига ўгирилди. Капрал¹ бошлиқ тўрт жазонрлик солдат унга қурол ўқталиб туришарди.

— Қўлингни кўтар! Баландроқ! Уринишинг бефойда, қани бўл! — буйруқ қилди улардан бири.

— Унинг кийимини ечиб ол, — деди иккинчиси шеригига. — Тез, тез!

Солдат сержантнинг кийимини шиддат билан ечиб, Ал-Лаз томонга улоқтира бошлади.

— Қани, Ал-Лаз, тез кийин! Вақт зиқ, — қўшимча қилди учинчи солдат.

— Нима қилаяписизлар?!

— Кейин биласан, кейин. Ҳозир тезроқ кийин. Бўл тез! — жавоб қилди капрал Рамазон ва кескин бир ҳаракат билан сержант Стефан кўксига ханжар санчди. Француз ҳеч қандай шовқин-суронсиз, шилқ этиб ерга йиқилди.

Зайдон ўз отрядини си Ал-Фарҳий кулбасидан бир неча юз метр нарида тўплади ва уни тўрт кичик группага бўлди. Улардан учтасининг ҳар бирида етти-тадан партизан бор эди.

¹ Капрал — баъзи чет эл армияларидаги кичик командирлар ёки солдатлар унвони.

Биринчи группа шимолга қараб юради. Унга электр станциясини, сув омбори ва ўн еттинчи рақамли кўприкни портлатиш топширилганди. Иккинчи группа шимоли-шарқий йўналишдаги уч фермада жон сақлаб келаётган ўндан ортиқ хоинлар устидан чиқарилган ҳукми ижро этишни ўз зиммасига олганди. Учинчи группа ғарбий йўналишдаги телефон симёғочларини ишдан чиқариши, тоғ йўлларини миналаштириши, қишлоқ муниципалитетининг бошлиғи Муаммарнинг ерларига ўт қўйиши керак эди.

Йигирма кишидан иборат тўртинчи группага Зайдоннинг ўзи бошчилик қиладиган бўлди. Улар шарқий йўналишда жойлашган темир йўл станциясидаги ҳарбий горнизонга ҳужум қилишади. Чегарадан келаётган қурол-аслаҳа ортилган карвон душман қўлига тушмасдан кўзланган манзил томон ўтиб кетишини таъминлашади.

— Ишларингизга муваффақият, ўзингизга омонлик тилайман, — деди Зайдон, сўнг қўшиб қўйди: — Разведкачилар группасининг бошлиғи Ҳаму мен билан қолади. Биз таянч марказини қўлга олишга уриниб кўрамиз. Ўқ-дорини ташиш учун бизга хачирлар керак бўлади. Биронтамиз яралансак ҳам хачирларга муҳтож бўламиз...

У бир дам ўйга чўмди.

«Биронтамиз яралансак... Балки анчагина одам яраланар. Ҳатто қурбон ҳам бўлар. Ҳар қалай буни ўзлари ҳам тушунишади. Ишимиз қанақа иш эканини билишади-ку».

Сўнг гапида давом этди:

— Қаддурнинг иши бир ёқлик бўлгунича у молиявий масъулга қарашиб туради. Учинки группага ўт, Қаддур!

Зайдон сўнгги йўл-йўриқларни кўрсатгач, учта еттилик группа билан хайрлашди. Сўнг группа бошлиқларига уқтирди:

— Қуёш чиқишидан олдин «Етти фидойи» лагерида учрашамиз. Иложи борича узоқроқ кетишимиз керак. Бу тунги муваффақиятимиздан кейин эртага кун бўйи бу ерларнинг тит-питини чиқариб, тинтув қилишлари турган гап.

У хачирга минди. Орқасига Ҳамуни миндириб

олиб йўлга тушди. Группанинг бошқа аъзолари уларга эргашишди.

«Бугун ҳар икки кишига биттадан хачиримиз бор,— ўйлади Зайдон.— Эрта-индин ўн кишига бир хачир ҳам топилмаса керак. Кундан-кунга бу жониворлар камайиб кетаяпти. Душман буни тушунади. Одамлар жон деб бу ҳайвонларни боқишар эди, лекин ҳозирча бундай қилишга ожизлар. Кўчманчилар ташлаб кетган чўл-биёбонлар ҳам кимсасиз бўлиб қолди. Асаблар таранглашган бу урушда шўрлик хачирларга ҳам кун йўқ. Нима қилиб бўлса-да, бу жониворларимизни сақлаб қолишимиз керак. Улар барча сўқмоқ, ёлғизоёқ йўлларни яхши билишади, урушга ҳам кўникиб қолишган. Ўқ овозини эшитишлари билан ер бағирлаб юрадилар. Одамлар кетидан аста ўрмонга кириб яширинишлари-чи... Чиндан ҳам улар бизнинг бир қисмимиз...»

— Ал-Лаз бечоранинг қўлга тушгани ёмон бўлибди-да,— деди қишлоқдаги осуда кунлар ҳақида ўй суриб келаётган Ҳаму. У дамлар шунчалик тез ўтиб кетади, деб ҳаёлига келтирмаган эди. Айни шундай сокин кунлар яқин келажакда ёки умуман келгусида яна қайтиб келишига ҳам кўзи етмасди. Йўқ, уруш қачон тугашини ҳеч ким билматгани учун эмас, балки ўтган кунлар ўзининг сокинлиги, ҳамиша бир хил, оддий ва зерикарлилиги, чексиз оғирлиги билан тубсиз, сассиз ботқоқликка ўхшагани учун ҳам шундай ўйларга борганди.

Хаёлчан бораётган Зайдон ич-ичидан уҳ тортди ва сўз қотди:

— Бечора Ал-Лаз!.. Чатоқ бўлди-да.. Эй Ҳаму, Ҳаму. Ал-Лаз аканг учун, умуман биз учун ким эканини билсанг эдинг...

— Мен яхши биламан. Ал-Лаз, Ал-Лаз-да. Ал-Лаз — қурашчи.

— Йўқ, Ҳаму, бу ҳали ҳаммаси эмас. У сенинг акангга ўғил, сенга жиян эканини биласанми?

— Нима, нима? Акамнинг ўғли? Қайси акамнинг?

— У менинг ўғлим. Ҳа, Ҳаму, у менинг ўғлим.

Зайдон бўлиб ўтган воқеа: қўрғонда ҳарбий кишининг ўлдирилиши, одамлар ўзларини қўйишга жой топа олмай ўрмонларда жон сақлагани, сарсон-саргардонлик азоб-уқубатлари, Ал-Лазнинг дунёга кел-

ганидаги вазият ҳақида куйиниб гапирди. Сўнггида худди ўзини оқлаётгандек деди:

— Шаръий бўлмаса ҳам... шаръий бўлмаса ҳам менинг ўғлим, ўз ўғлим. Қолаверса бизнинг қўрғончага ўғил, барча инсонларга ўғил. Ўша замондан, бутун ўтмишимиздан хотира у, эшитаяпсанми, Ҳаму, укагинам.

Зайдон жим бўлиб қолди. Унинг юраги гуп-гуп ураётганини, кўзлари чўғдек ёнаётганини Ҳаму сездди. Лекин ҳеч бўлмаса, орага тушган оғир, ноқулай сукунатни нима деб, қай йўсинда бузишни билолмай боши қотди. У ўзи сезмаган ҳолда бирдан тилга кирди:

— Ё тавба! Ал-Лаз ўзимиздан?!.. Ал-Лаз бизга авлод?!.. Ё қудратингдан! Шунинг учун ҳам бошидан биз билан экан. Ўзи ҳам қўлига тушган ҳар бир франк пулни бизнинг хонадонга харжларди. Мени суюб амаки, дер эди. Уни бу сирдан хабардор қилганмисиз?!

— Ҳа, мени кузатиб поездга чиққан кун, — жавоб қилди Зайдон.

Ҳаму акаси Ал-Лазнинг тақдирини ҳақида қаттиқ қайғураётганини сездди. Унинг юрак уриши янада тезлашганди.

— Мен уни қанчалик яхши кўришимни сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан, укам. Қора кунларда туғилган муҳаббат нишонаси у. Ўғлим борлигини билган кунимдан буён унинг шарпаси бўйнимга қўл солади, ҳаётни янада чуқурроқ идрок этишга ундайди. Гўё унинг ўзи менинг ҳақиқий руҳим эканини англаб етади, қалбимда бор қаҳр ва ғазаб, туғён ва исённи ифодалашга уринади. Ақлимни таниб ҳақиқат йўлини танлаганимдан бери у менинг қайнаётган қоним, виждонимда ижро этаётган мусиқий куйим бўлиб келди.

Зайдон кутилмаганда яна жим бўлиб қолди. Ҳаму нима деярини билмай акасини аста бағрига босди ва самога тикилди. Чексиз осмон гумбазида сон-саноксиз юлдузлар милтирар эди...

«Ҳамма ҳақиқий, ҳайратбахш ва таъсирли нарсалар узоқда, жуда узоқларда бўлади. Уларга етишиш ҳам осон эмас. Орзу-умид, ой-юлдуз... Уларни тутишга қўл қисқалик қилади. Ҳатто ҳақиқий ғам-қайғу

ҳам таъсирли, ҳайратланарли... Азизам Хуха туғиб берган чиройли, жажжи чақалоқ печка ўтида... Ҳали унга ном ҳам қўйилмаган эди. У ана шу узоқ самода йилтиллаётган юлдузлар ортида, унинг ҳеч қачон исми бўлмайди. Ерқин, таъсирчан ҳақиқатнинг ҳам исми йўқ-ку».

Ҳамунинг кўзларида ёш айланди. У киприкларини жуфтлаб, бошини акасининг елкасига қўйди. Бу пайт акаси Зайдон бутунлай бошқа ўйлар қуршовида эди.

«Дард-аламларимиз тезда енгиллашмайди. Қалбларимиз жароҳатини ювиш учун океанлар суви ҳам камлик қилади. Кўксимизни тўлдириш учун самовот ожиз. Агар юксалишимиз шу зайлда давом этса, советларга ўхшаб улканларнинг улканига, буюкларнинг буюкига айланамиз. Албатта бунинг уддасидан чиқамиз. Чунки бизлар кўпчиликмиз. Дард-аламларимиз унут бўлгунича курашамиз, ишлаймиз. Э, улар ҳеч қачон унутилмаса керак. Бизга парламент ҳам камлик қилади, республика ҳам, социализм, ҳатто коммунизм ҳам чегара эмас.

Оҳ!..»

Ҳаму бошини акасининг курагига қўяркан, Зайдон сергакланди, укасининг йиғисига бир оз қулоқ солди. Сўнгра ўзига ўзи гапираётгандек баланд овозда сўзлай бошлади:

— Бир катта бошлиқ ўтган гал мендан: «Ҳали ҳам қизил, коммунистмисан?» деб сўради. Мен унга коммунистлик бу хоҳлаган пайтимизда ечиб ташлайдиган ёпинчиқ, ёмғирпўш эмас, балки у авваламбор ҳаётни онгли равишда идрок этишга асосланган ақида эканини тушунтирдим. Унга асосий принципларнинг баъзиларини баён қилишга тушганимда менга еб қўйгудек нафрат билан ўқраяётганини кўрдим. Жим бўлишдан ўзга чорам қолмади... Орадан бир неча лаҳза ўтгач, менинг устимдан чет элдаги бошлиқларга рапорт ёзажагини, уларнинг фикрига асосланиб иш тутажагини ошкора айтди. Мен тутган йўл ўзгача эмиш. Агар менинг ўрнимда бошқа бир коммунист бўлганида ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмасдан ҳам уни бир ёқли қилиб қўя қолган бўлар эмиш. Бунга у бир неча бор шама қилди, мени қўрқитмоқчи бўлдим, билмайман. Уни ишонтирдими йўқми, ҳозир олдимизда турган энг муҳим, энг қисталанг ва-

зифа чет эллик босқинчиларни таг-туғи билан йўқ қилиш, шундан кейингина ўз ички ишларимизга навбат келади, деб жавоб қилдим...

— Модомики, душман билан бошқалар каби, ҳатто улардан яхшироқ курашаётган экансан, оқмисан, қизилмисан сенга нима фарқи бор? — сўради Ҳаму.

Зайдон жавоб бермади. Иккиси ҳам узоқ жим қолди. Уларнинг ҳар бири ўз чалкаш ўйлари, нотинч хаёллари билан банд эди.

Ҳаму узоқ самода йилтираётган юлдузларга тикилганича ўзи ва акаси орасидаги фарқ нимада экани ҳақида бош қотирарди.

«Ҳеч қанақа фарқ йўқ. Ёнма-ён жанг қиламиз, бир хил машаққат чекамиз. Душманга қаҳримиз ҳам бир хил. Фақат Зайдон мендан, бошқалардан кўра чуқур фикрлайди. Доимо ўйлаганлари асосли, мулоҳазалари ўринли, тахминлари тўғри. Балки у ўқимшли, мен эса, саводсиз бўлганим учун шундайдир. Ундай десам, ичимизда яна унга ўхшаш бир неча саводлилар бор. Лекин акам улардан ҳам яхшироқ фикрлайди. Агар у қизиллиги учун шундай бўлса, ҳаммамиз қизаришимиз керак. Революциянинг турган-битгани қизил бўлиши керак, токи тўғри фикрласин, тўғри ҳукм чиқарсин.

Нима, коммунист бўлиш ҳам вино ичиш, ёрга хиёнат қилиш, ўғрилик ва хоинлик сингари гуноҳ, ҳаром нарсами? Катта бошлиқ шундай деган бўлса, у ҳаромларнинг ҳароми экан-да. Бун қандай тушуниш керак? Улар коммунист, коммунизм ҳақида гапирганда худди одамларни миниб олган шайтон, ажиналарга ўхшатиб гапиришади. Жинларнинг ҳам имонлиси, имонсизи бўлади-ку. Коммунизм камбағал-қашшоқлар, мискин, бечораҳоллар томонидан, бойлар, катта ер эгаларига қарши, дейди Зайдон. Инқилобчиларнинг бари ночор, қашшоқлар. Биз ҳар тун неча-неча бойларни гумдон қиламиз, чулки улар бизга, революцияга қарши... Улар бизга ёрдам қўлини чўзиш у ёқда турсин, бизни душманларга сотадилар.

Буниси қанақа бўлди?

Мен билан акам орасида ҳеч қандай фарқни билмайман. Фақат у «ака» сўзини деярли ишлатмайди. Бирор кимсага мурожаат қилмоқчи бўлса, «ўртоқ» сўзини ишлатади, уни ҳам ҳаммага эмас, балки кўнг-

лига яқин кишиларгагина ишлатади. Савдогар ёки бойваччани асло «ўртоқ» деб атамайди. Ҳатто менга ҳам кўпинча «ойимларнинг кенжаси», «кенжатой» дея мурожаат қилади.

Бир марта бу ҳақда сўраганимда бу сўзнинг талаффузи мен учун қийин, деб жавоб берган, сўнг қошларини чимириб, биз салиб юришида эмасмиз-ку, деб илова қилганди.

Бу умуман олганда мантикий гап эмас. Аслида ҳам бундай муайян сўзни ҳар кимга ишлата беришнинг ҳожати йўқ.

Унда гап нимада?

Зайдон одамларнинг фарқига боради. Уларнинг ҳар бирига ўзгача кўз билан қарайди, ўзига яраша муомала қилади. Ҳеч кимнинг дилини оғритиб, кўнглини вайрон қилмайди. Ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмасликка бошқалардан кўра кўпроқ ҳаракат қилади.

Бир марта менга куюниб тушунтирган эди: «Одамлар ҳаётда икки тоифага бўлинади. Биринчиси бамисоли мен, сен ва бошқа ишчилар ёки бева-бечоралар каби тинмай меҳнат қилади, тер тўкади. Иккинчиси эса, ўзгалар меҳнатидан — пешона теридан фойдаланади, бойийди. Мана шу иккинчи тоифадаги текин-хўрлар тугатилмас экан, инсоният беҳудага тер тўка беради. Бу тоифанинг манфаати иккинчисининг манфаатига зид. Шунинг учун ҳам улар бир-бирига ёв, душман. Бу ҳақда ўзинг ҳам ўйлаб кўр, агар бу гапларнинг маъносига етсанг яна бошқа нарсаларни тушунтираман».

Акам шундай деганида ичимда кулиб қўйгандим. Чунки у менга янги гап айтмаган, буларнинг барини олдин ҳам, туғилиб ёруғ дунёга қадам қўйганимдан бери билардим.

Ҳечқиси йўқ, четдаги бошлиқлар ҳам нима дейишарди. У қизилми, оқми, кўкми фарқи йўқ, энг муҳими қора хоин бўлмаса бас, деб жавоб қилишади. Балки бошлиқларнинг ўзлари қизилдирлар. Зайдон бизнинг ҳаммамиздан олдин сиёсат билан шуғуллана-бошлаган, душманга қарши оёққа турган. Бошлиқлар ҳам шак-шубҳасиз шундай қилишган. Демак, улар ҳам қизил.

Агар улар бойлардан бўлсалар-чи? Йўқ, йўқ!
Бойларнинг бу ишга нима дахли бор?

Мабодо шундай бўлса-чи?.. Йўғ-е. Наҳотки улар шу даражага етиб боришса? Бунини Зайдондан сўраш керак».

Йўқ, у сўрамади. Осмонда юлдуз учди. Юлдуз учса шайтон қувилади, ой тутилса, буюк киши: бошлиқми, машҳур бойми ўлади, деб эшитганини эслади.

Ҳамма ҳақиқий ҳайратбахш ва таъсирли нарсалар фақат узоқда, жуда узоқ-узоқларда бўлади, ўзинча ўйлади Ҳаму. У ҳамон қаёқдаги бемаъни нарсалар ҳақида бош қотирарди.

Зайдоннинг ўйлари бутунлай бошқача. У ўз қалби даъватига қулоқ солаётганини ёки уни беҳуда қийнаётгани билди олмасди:

«Йўқ, бизнинг замонамиз ҳали келганича йўқ. Биз ўз замонамиздан ўзиб кетдик. Жуда ўзиб кетдик. Камиди икки-уч авлодга ўзиб кетдик. Мана, юз эллик йил чамаси халқ мустабидлар қўли остида эзилиб келади. Жамиятимиз ўта қолоқ, ўрта асрдаги жамиятларни эслатади. Беқарор кўчманчилик унга хос. Чорвачиликдан ўзаро савдо-сотиққа энди ўтган, ташқи муҳитдан узилган, ўз қобиғига ўзи ўралган жамият.

Ҳали гўдак, мурғак бизнинг Ҳазоир. У ҳамон бешикда. Йўқ, у тарих қорнидаги пушт, уруғ. У ўсиши, дунёга келиши, кўкрак сўриши, эмаклаши керак. У ҳали неча бор йиқилади, яна оёққа туради, деворни ушлаб тетапоя қадам қўяди. Бир оз ғоз-ғоз тургач, яна йиқилади, яна туради. Пешонасини ғурра қилади, бурнини қонатади, лабларини ёради. Шу зайлда кучга тўлади. Дикир-дикир сакрайдиган, елиб югурадиган бўлади. Ҳали неча йил ёш, ғўр боладек мантиқ билан ҳисоблашмай ўйинқароқ юради. Ким билади, баалоғатга етгунча бошига яна не азоблар тушади...

Биз ана ўшанда дунёга келишимиз керак эди.

Аммо ҳозир-чи... Ҳозирча у кутилмаганда эрта баҳор, шўрхок ерда бош кўтарган ниҳолнинг ўзи. Кўз юмиб очгунча ёз келади, сувсизликдан ер оппоқ туз билан қопланади. Кейин лой тупроққа қўшилиб сарғиш тус олади. Ниҳол эса қовжирайди, қуриydi.

У бамисоли тупроқ — аввалига ўзи тузни кўтариб туради, кейин эса туз унга ошиқча юк бўлиб қолади.

У худди шўрхок ердаги навниҳол. Олдиниға тузни ўзига тортса, кейинчалик тузлар уни ўз комиға тартади.

Бизнинг замонамиз келганича йўқ. Биз бу дунёга эртароқ келибмиз.

Йўқ, йўқ, шўрхок ерни ҳам ўзлаштирса бўлади. Қуму тупроқни четга суриб, ерни тузга бўшатиб берилмайди-ку.

Бу уруғ, бу пушт ўзиди барча ҳужайраларни: оқ, қизил, ҳатто қора, ҳа, ҳа, ҳамма ҳужайраларни, ҳатто қора ҳужайрани ҳам мужассам қилиши керак. У сунъий сут билан эмас, табиий сут, она-сутини эмиб катта бўлиши керак. У олдиндан бирон нарса тўшалмаган, ҳатто супурилмаган оддий заминустиди эмаклаши, атак-чечак қилиши, йиқилиши, ўрнидан азод туриб юриб кетиши керак. Чунки у доясиз туғилади ва мураббийсиз, энагасиз ўсади.

Йил фасллари бир-бирини қувиб келаверади. Шўрхок ердан сув ва кўкатлар туз ажрата беради. Охири пировардида у ҳосилдор, кучли ерга айланади. Унда кўчатлар ва гуллар баҳорда ҳам, ёзда ҳам барқ уриб ўсаверади. Чунки у энди шўр сўрадиган текинхўр эмас, туз тугаб битган. Уни гўдак ёшлигидан ялаб тугатган. Вояга етиб, кучга тўлишганидан кейингина тузларни қопга солиб ғамлаб қўйипти. У ерга ошиқ, ер унинг қувончи, фахри. Унинг севгани гул, кўчат. Шунинг учун ҳам унга соф тупроқ, ҳосилдор, сахий ер керак. Энди унинг ақли ҳамма нарсага етади...

— Нималарни ўйлаяпсан, Зайдон, — акасининг қулоғига пичирлади Ҳаму, унга раҳми келиб. Назарида акаси ҳамон казармада шафқатсиз қийналаётган ўғли Ал-Лаз ҳақида ўйларди.

Зайдон чўчиб тушди. Нигоҳини қоп-қоронғи зулматга тикканича чуқур тин олди ва оҳиста:

— Ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ, Ҳаму, — дея яна жимиб қолди.

— У ерда нима бўлди экан? — деб сўради Ҳаму хаёлга чўмиб кетган акасидан.

Бирдан таққа тўхтаб, ерга ётишга шайланган хачир устидан биринчи бўлиб Ҳаму сакраб тушди. Сергакланган Зайдон ҳам худди шундай қилди. У вазиятни тушуниб етганди. Ерга ётиб олишгач, Ҳамуга пичирлади:

— Биз қопқонга тушиб қолдик. Бу хачир қурол-яроғ ҳидини сезсагина шундай қилади.

Зайдон орқа томонга қаради. Жангчилар ҳам

хачирлардан шоша-пиша сакраб, ербағирлаб, эмаклаб қулай мавқени эгаллай бошлаган эдилар.

— Жангга тайёрланинг! Тез!— паст овозда буйруқ берди командир.

Жангчилар буйруқни оғизма-оғиз шерикларига етказишди ва тезда бир-бирларидан ўттиз қадамча ўзоқлашган ҳолда ярим ой шаклида жойлашишди. Улардан биттаси эса хачирларни яшириш учун четроққа етаклаб кетди.

— Наҳотки қуршовда қолган бўлсак?— сўради Ҳаму.

Зайдон қоп-қоронғи атрофни синчиклаб кузатар экан, жавоб қилди:

— Бу хачирни яхши биламан. Арзимас шубҳали ҳаракатни сезди дегунча жойида қотади, қурол-аслаҳа исини туйса, ерга ётади.

— Унда ўт очишга нега шошилишмаяпти экан?

— Балки ўраб олмоқчидирлар.

— Нима қиламиз? Орқага қайтамизми?

— Тишш... Тишш...

— Нима? Бирор нарса кўрдингми?

— Эшитмаяпсанми? Оёқ товуши. Борган сари аниқроқ эшитилаяпти.

— А... эшитаяпман.

— Биз томонга келаётгани йўқ. Унча кўпчилик ҳам эмас. Умуман жуда шошиб кетишмаяпти.

— Разведкага бораёми?

— Бирга борамиз, — деди Зайдон буйруқ оҳангиди. Сўнгра орқасига бир неча қадам қўйиб шивирлади: — Ҳамма ўз жойида қолсин!..

Зайдон Ҳамунинг олдига қайтар экан деди:

— Кетдик.

Зулмат ичида: «Ҳамма ўз жойида қолсин...» деган пичир-пичир сўзлар неча бор такрорланди.

Бу сўзларни ўз шеригига етказган ҳар бир киши чуқур хўрсинганича: «Эҳ, қани энди, бизда ҳам радиоузаткич бўлса» деб кўнглидан ўтказарди. Улар Зайдоннинг: «Бизнинг энг заиф томонимиз қўлимизда замонавий алоқа воситалари йўқлиги», деган гапини яхши эслашарди.

Зайдон билан Ҳаму дам энгашган, дам эмаклаганларича бир-биридан анча олисда икки йўналиш бўйича олға кетишар эди. Улар душманни икки томони-

дан ўраш ниягида эдилар. Катта харсангтошга дуч келган Зайдон ўзини унинг орқасига олиб қаттиқ ва қатъий овозда бақирди: — Тўхта!

Унинг овози ўз автоматидан узлуксиз чиқаётган ўқ товушига уланиб кетди. Сўнг нариги томоннинг жавобини кутиб, отишни бир лаҳзага тўхтатди ва яна ўша йўсинда сўради: — Кимсизлар!

Ал-Лаз сержантдан ечиб олинган кийимларни бирпасда кийиб олди. Ташқарига чиқишдан олдин стол устидаги бир шиша ичимликка кўзи тушиб, бир оз иккиланди. Сўнг чаққон ва илдам ҳаракат билан уни олиб шимининг чўнтагига урди. Назоратчи патруллар сингари сафга тизилган йигитлар унинг олдига тушиб кетишди. Уларнинг қадам ташлашлари одатдагидан хийла тез ва бир қадар асабий кўринарди.

Уларнинг бахтига қийноқ камераси билан казарманинг ёрдамчи эшиги орасида ҳеч қанча масофа йўқ эди. Бунинг устига казарманинг ўзида тўс-тўполон авжига чиққан: автомашиналарнинг бирининг мотори ўт олса, иккинчисиники ўчиб қолар, бронемашиналар бурилиш ниятида дам олдинга, дам орқага шиддат билан ҳаракат қилар эди. Ҳарбий машиналар, ётоқхона ва қурол-аслаҳа омбори орасида солдатлар у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришади. Катта ва кичик офицерларнинг турли-туман буйруқларидан қулоқ қоматга келади: «Тез, тез!.. Қўл гранаталари, кўпроқ ўқ-дори, кўпроқ... Танкларнинг устини оч, чўчқа!.. Бензин борми, текширдингми, итвачча?!»

Ҳақиқий фавқулодда ва пароканда ҳолат. Гўё радар қурилмаси душмanning яқинлашиб келаётган кучли қирувчи самолётлар эскадрилясини кўрсатиб қолган ёки казармани штурм билан олишга тайёргарлик қилинаётгани ҳақида аниқ маълумот етиб келган.

Ал-Лаз ёнидаги «патрулга» чиққан аскарлар ўзларини бирмунча хотиржам ҳис қилишди. Чунки бундай вазиятда ҳеч ким уларга аҳамият бермаслиги, қадам қўйишлари қанчалик тез, қанчалик асабий, ташқи кўринишлари қанчалик шубҳали бўлмасин, пайқамасликлари мумкин эди. Айниқса Ал-Лаз бутун вужудидаги қаттиқ оғриққа қарамасдан жон-жаҳди билан ўзини тик тутишга уринар эди.

Ал-Лаз барча нохуш фикрларни калласидан чиқа-

риб ташлаш ниятида ўзининг бутун диққат-эътиборини ҳар қадам қўйгани сари яқинлашаётган казарманинг ёрдамчи эшигига қаратган эди.

«Патруль» эшикка яқинлашиб қолганида қадамлар ўз-ўзидан вазмин туша бошлади. Улар қоровулхона олдидан иложи борича табиий ҳарбий одим билан ўтишга уринишарди. Аввалига уларга кўз қирини ташлаган соқчи зум ўтмай ўз тепасида ёниб турган неон лампа ёруғида ўйнаётган парвоналарни кузата бошладди.

«Патруль» бошлиғи қадамини бир оз секинлатиб орқароқда қолди. Биринчи солдат қоровулхонадан ўтди. Иккинчиси ҳам... Навбат Ал-Лазга келди. У соқчин таниб қолмаслиги учун бошини ўнгга бир оз бурганича икки-уч қадам қўйди ва ўзини казармадан ташқарида кўрди.

Сержант кийимидаги Ал-Лаз шерикларига етиб олганди. Буни у бутун вужуди билан ҳис қилди. Энг муҳими, унинг учун энг муҳими, у — Ал-Лаз, Маряанинг ўғли Ал-Лаз казармадан ташқарида эди.

Ал-Лаз кўксини тўлдириб чуқур нафас олди. Бу тун менга катта бахт ёр бўлди. Шунинг айтсалар керакда: насиб этса, келар Шому Ироқдан, насиб йитса, кетар қошу қабоқдан, ўйларди у.

Қоровулхонадаги соқчи Ал-Лазнинг кийимига разм солар экан, унинг устидан кулганича ўзидан-ўзи сўради: «Бу паҳлавон ким бўлди экан? Агар француз солдати шунақа бўлса, бу казармани қўриқлаётган менинг шўрим қурипти».

Сержантнинг костюми Ал-Лазнинг устида қанор қопдек ҳалпиллаб турар, унинг ичидаги чўпдек озғин йиғит чиндан ҳам жуда кулгили кўринарди. Тағин у патрулга чиққан солдат эмиш.

Соқчин чиқиб кетаётганларнинг барига тикилиб, диққат бериб қарай бошлади. Уларни жазонрлик бошлаб кетаётгани уни яна ҳайратга солди. Ҳақиқий командир эса негандир жуда орқада қолиб келаяпти. У бирдан буйруқ қилди: — Тўх-та!

Соқчининг оғзидаги оғзида қолди. Орқада қолган командир унинг қўлидан милтигини олиб, курагига ханжар тиради ва секин буюрди:

— Қани жимгина сафга бориб тур-чи, йўқса нариги дунёга жўнайсан!

Солдатлардан бири тезда соқчининг ўрнини эгаллади, яна бошқаси командирликни ўз зиммасига олди. Соқчи капрал Рамазоннинг тўғрисиغا сафга турди. Капрал соқчи қўлидаги милтиқнинг ўқ солинадиган қисмининг ажратиб олгач, уни эгасига қайтариб берди. Сўнг жиддий қиёфада илдам қадам ташлаганича йўлда давом этди.

Ал-Лаз аниқ бир нарсга ҳақида ўйламас, ҳатто орқасида ким кетаётгани билан ҳам қизиқмасди. У ўз атрофида жой алмашиш каби ҳаракатни сезар. Лекин бунинг сабабини сўрамас эди. У мана шу илдам одамлар билан олдинга, чексизликка томон кетаётганлар сафида йўлда давом этишга тайёрдек кўринарди... Энди уни фақат бир ҳис, шавқу завқ ҳисси қамраб олган, ўзини ширин уйқуда ажойиб туш кўраётгандек сезарди.

Сафи бузилган «патруль» олдин ўнгга, бир оздан кейин чапга бурилди. Бир неча қадам юрилгач қоронғилик ичида бир неча автомашина кўзга ташланди. Улар яланглик ўртасига қантариб қўйилган эди. «Патруль» солдатлари шоша-пиша машиналар эшигини бирма-бир тортиб кўра бошладилар. Бу орада капрал Рамазон соқчига ханжар санчди. Ал-Лаз эса атрофида содир бўлаётган воқеаларни бамайлихотир кузатиб турарди.

— Ҳаммаси қулфланган.

— Сизнингча қандай бўлиши керак эди?— тўнғиллади капрал Рамазон Ал-Лазни қони ҳамон отилиб чиқаётган соқчи ёнидан нарироқ сурганича.

«Демак қочиншга машина керак. Шу ҳам мушкул бўлди-ю? Бу ёғини менга қўйиб беришсин», кўнглидан ўтказди Ал-Лаз. Гўё унинг эси ўзига келгандек эди:

— Энди менга навбат. Михми, учли темирми ё тиг топиладими? Шунга ўхшаш бошқа бирор нарсга бўлса ҳам бўлаверади. Бу ёғини мен ўзим... Сизлар машинага ўтиришга шай бўлиб туринг.

Кимдир Ал-Лазга писка узатди. У қўй бозоридаги харидор сингари қантариб қўйилган машиналарни синчиклаб кўздан кечири бошлади. Сўнг улардан бирига яқинлашди. «Ҳожининг машинаси... Тўққиз марта ҳаж қилган. Ҳар сафар у ердан келтирган дурру маржонлар ҳисобига озмунча бойлик орттирди-

ми?.. Бай-бай-бай, ҳали бокира қиздек, минилмаган, шундай ёниб турипти-я!..»

Шу ўйлар билан у машинанинг эшигини очишга тутинди. Ҳеч қанча вақт ўтмаган ҳам эдики, у қаддини ростлаб донғи кетган қаҳвахона хизматчисидек виқор билан деди:

— Қани, ичкарига марҳамат! Айтмовмидим бу ёғини бизга қўйиб беринг деб.

Тўртталаси маст-аласт кишилардек ўзларини машинага урдилар. Ҳайдовчининг ўрнини эгаллаган Ал-Лаз машинани ўт олдириш учун симларни писка билан бир-бирига туташтиришга тушди.

— Бизнинг қўлдаи келадигани шу — машина олиб қочиш, эшикни очиш, симларни туташтириш... Бу нарсаларга ёшликдан ўрганганмиз... Машина ўғирлаш менимча, энг осон ўғирлик.

Ал-Лаз шундай деб ғулдирад экан, бу кеча бошқа кечалардан тубдан фарқ қилиштини хаёлига келтирмас ҳам эди. Бу оқшом у чанқоғини ҳаддан зиёда қондирган, эс-ҳушини билмас даражада маст бўлиш, кўз ўнгидаги нарсаларни кўрмаслик, виждонини қийнайидиган нарсаларни эсламаслик ниятида атайин роса ичган эди. Қамчи тушган ери борки, ловуллар, миҳ кирган еридан ҳамон сизаётган қон кийимларига ёпишиб қолган... буларнинг бари ҳаракат қилишга ҳалақит берар, фикрларини бир ерга тўплашига монелик қиларди... У ҳали тушуниб етмаган бу хатти-ҳаракатлар, уни қамраб олган кучли, ғалати ҳиссиёт ҳар қандай ўғирлик, ҳар қандай жинойатдан оғир эди. Олдиндан ўйланмаган, тайёргарлик кўрилмаган, оқибати нима билан тугаши гумон бўлган бу уриниш ниҳоятда жиддий тус олмоқда эди. У сувда ивитилган қамчи зарбидан миҳ устида чўзилиб қолганида ҳам, электр токи билан қийнаш, тирноқларни юлиш азобини кўз олдига келтирганида ҳам вазият бунчалик жиддий эканини тўла идрок етмаган эди.

Бўлиб ўтган воқеа арзимас, унча аҳамиятга молик ҳам эмасдек кўринган эди. У қўлга тушиб қолди — бўлган гап шу. Кейин урдилар, тептилар, милтиқларнинг қўндоғини ишга солдилар. Ар-Рубейъининг дўкони олдидан олиб ўтаётганларида у Қаддурни огоҳлантирди, ундан иложи борича тезроқ қочишни, олисроқ кетишни илтимос қилди. Чунки у қийноқ азобларига

дучор бўлгунича унинг номини пинҳон тутиб турса ҳам кейинчалик у билан бирга ишлашини эътироф этиб қўйиши мумкин эди. У худди ёш боладек бутун масъулиятни ўзга кишининг — қишлоқнинг хоин оқсоқоли елкасига ағдариш ўйига ҳам борди. У айбига иқрор бўлишидан олдин капитандан вино, виски қуйиб беришини сўради. Кўз ўнгида Қаддурнинг номи тилга олиниши билан гуноҳкор қиздек бошини қуйи солди. Қаддур қишлоқдан чиқиб кетганми-йўқми билмай туриб, сирни бой бериб қўйди... Қанчалик пасткашлик! Қилмиш — қидирмиш.., гўё у қишлоқ оқсоқолининг қамоқхонасида-ю унинг эшиги ғирч этмай очилади, ғирч этмай ёпилади. Бунинг учун на куч, на шижоат керак. Ўзи эса одатига кўра қишлоқдан ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини олишини қўймас эди.

Авваллари у ўз қилмишининг аянчли оқибатларини билар эди. Нар и борса, рақиблари олдида ёки оқсоқол қамчиси остида шарманда-ю шармисор бўлар эди. Сўнгра кўз ёши, дод-фарёд, итваччадек судралиб қолиш, чор атрофдаги ғазабнок одамларнинг дўқ-пўниси, нафрату лаънатларига чидаши керак эди, холос.

Энди-чи... Эҳ, бўлаётган воқеалар олдида эсанкираш, ўзни ожиз сезиш инсон учун нақадар хунук!..

Бу фикрлар Ал-Лазнинг хаёлини бузмаса ҳам унинг тиф тутган бетоқат қўл ҳаракатлари қандайдир яширин, билинар-билинмас, мубҳам ҳис-ҳаяжонни ифодалаб турарди.

Ниҳоят унинг кўз ўнгида электр токи уланганидан далолат берувчи қизил лампочка ёнди. У қалтираётган қўлини кичик кнопкага узатди ва босди. У тугмачани иккинчи бор босди. Ишга тушган мотор Ал-Лазга тан бергани, энди унинг барча истакларини сўзсиз бажаришга тайёр эканлигини изҳор қилгандек бир маромда тарилларди. Ал-Лаз ўнг оёғи билан газни босганича чап оёғини сцепление педалидан аста кўтарди.

Енгил тортган кишининг чуқур нафас олиши эшитилди.

— Мен сизга айтмовмидим, бу ёғини бизга қўйиб беринг деб.

— Фараларни ёқ, — деди капрал Рамазон. Сўнг бошқаларга қараб каскаларини кийишга ва автоматларини ўт очишга шай ҳолатда тутишга буйруқ берди.

— Хўп бўлади, жаноб капрал. Мана ҳозир, — жавоб қилди машинани бошқа машиналар орасидан эҳтиётлаб, бешикаст олиб чиқишга ҳаракат қилаётган Ал-Лаз.

У барча ғов-тўсиқларни ортда қолдириб, кенг кўча бўйлаб кета бошлаганида тезликни яна оширди. Ғувиллаганича кетаётган машина сакраб-сакраб тушар, бамисоли у ножўя иш қилиб қўйган бир қизу ўзини қийнаётган виждон азобидан қутулмоқчи эди. Ал-Лаз ўртоқларидан қайси томонга юришни сўраб ҳам ўтирмади, уларнинг буйруғини ҳам кутмади. Машинани шартта чапга бурди.

Бу тарафга юрилса қуюқ ўрмон, баланд тоғ ва катта шаҳарга чиқиларди. Қишлоқ аҳолиси бозор-ўчарга шу ерга келарди. Амакисн, йўқ, отаси Зайдон инқилобчилар сафига қўшилган биринчи кунларда ана шу томонларда йўқ бўлиб кетарди.

Ал-Лазнинг қалби орзиқиб кетди. «Уни яна бир бор кўрармиканман? У томонларга етиб бора олармиканмиз?» каби саволлар билан ўзини ўзи чалғитмоқчи бўлди.

Соатга қаради: олтидан йигирма беш минут ўтипти. Ҳали вақт ҳеч қанча бўлмапти. Лекин қишлоқ кўчалари кимсасиз, хувиллаб ётар, унда туклари чала туллаган итларгина дайдиб юрарди. Қишлоқ аҳли комендантлик соати бошланишига оз қолиши билан ўз кулбаларига яширинишга одатланиб қолган. Лекин бу оқшом улар ҳаддан ташқари шошилишган кўринади. Одатда рамазон ойида шундай бўларди. Кечки азон айтилишидан бир оз олдин кўчалар тирик жондан холи бўлиб қоларди. Бугун ҳам улар бирор нарса ўйидадирлар, балки муҳим воқеа ёки катта фожиа рўй беришидан хавотирдадирлар.

Балки улар мендек нобакорни одамларга озор бериш, ўч олиш, ит азобига солишдан бўлак ҳеч нарса қизиқтирмайди, деб ўйласалар керак. Ҳа, улар худди шундай ўйлашган. Шунинг учун ҳам ўзларини панага олишга шошилишган.

Ҳа, ҳа, уларнинг назарида мен офицер, оқсоқол ва аскарлар ҳамроҳлигида кўчаларни кезаман, кимга кўзим тушса: «Ушланг! У партизанларга хизмат қилади!» деб қўлимни бигиз қилиб кўрсатаман. Бугун ҳаддан ташқари эрта беркиниб олишганининг асо-

сий сабаби, шак-шубҳасиз, шу. Мана йигирма уч йилдан бери, онам шу қишлоқда истиқомат қила бошлаганидан бери, мен уларнинг бошига битган баломан.

Уларнинг деярли ҳар бирнинг жонига текканман. Урганман, қувганман. Мени четлаб ўтгудек бўлсалар, сўкканман. Ўзлари қолиб ўғил-қизларини йиғлатганман. Ҳаммомга кетаётган ёки келаётган хотин-халажларга ҳам менинг дастимдан кун бўлмаган. Уларнинг йўлини тўсганим-тўсган эди. Бечора одамлар қайси кўчадан юрмасинлар, бари бир менга дуч келар эдилар. Ўзим ҳам қаерга бормай, уларнинг оёқлари остидан чиқардим.

Мен соқчи чангалида нола қилиб, фарёд чекканимда, оғзимдан боди кириб, шоди чиққанида улар ўзларидан қўрқардилар, бошларига мен солишим мумкин бўлган кулфатни ўйлардилар. Ҳеч қайсиси, ҳеч қачон мен бир кун эмас бир кун уларнинг умумий манфаати йўлида бирор нарса қилишим мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган.

Улар учун мен бир ҳароми, ташланди, бадбахт Ал-Лазман, холос. Агар менинг аскарлар ўқидан илматешик жасадимни кўчада кўриб қолишса ҳам ҳеч кимнинг раҳми келмаган, мурдам ўша ерда сасиб кетган, ҳатто шунда ҳам баъзилар устимга тупуриб ўтган бўларди...

Ал-Лаз машина соатига кўз қирини ташлагач, қишлоқ кўчаларини кузата туриб, ана шулар ҳақида ўйларди.

Ал-Лаз газ педалини босди. Машина бир силкинганича янада катта тезликда ела кетди. Ал-Лаз яраларини унутгани кўйи ўриндиққа суяниб қолди.

— Комендантлик соати бошланмасдан чиқиб кетишга улгурамизми?

— Улгуришимиз керак.

— Агар қишлоққа кираверишдаги назорат пунктида тўхтатишса-чи? У ердагиларни ҳам оёққа турғизишган бўлса керак.

Бани Мизаб мақбараси ёнидаги муюлишнинг нариги томонида назорат пункти кўринди. Ал-Лазнинг юрак уриши тезлашди, ўнг оёғи қалтирагандек бўлди. Аста-секин оёғини газдан ола борди. Бу орада соатга ҳам бир қараб олди.

— Яна уч дақиқа бор, — деди у босиқ овозда ҳаяжонланаётган ўртоқларига.

Шериклари қўлларидаги қуроллари яна бир бор кўздан кечиришгач, капрал Рамазонга қараб қўйишди.

— Гап дақиқалардами, бола? — деди капрал Рамазон масхараомуз.

Қишлоқни ўраб олиш ва Қаддурни қўлга тушириш бўйича тузилган режа батафсил ўйлаб кўрилиб, вазифалар ўзаро келишиб олингач, казарма ичидаги тайёргарликлар ўз ниҳоясига етди. Ўзига ишонган, мағрур танклар бирин-кетин ҳаракатга кела бошлади. Аскарлар тўла автомашиналар шитоб билан ташқарига отилди. Қазармада соқчилар, капитан, қишлоқ оқсоқоли, Буатуш ва баъзи ёрдамчи офицерлардан бўлак ҳеч ким қолмади. Ана шунда капитан баланд, айни вақтда безовта овоз билан Стефанны чақира бошлади:

— Сержант Стефан! Сержант Стефан!

Унинг овози казарма деворларига урилиб акс садо берарди:

— Стефан... сержант...

Тоқати тоқ бўлган капитан ғазаблана бошлади. Яна бир-икки бор жон-жаҳди билан чақиргач, машинада ўз ёрдамчилари ичида уни пойлаб ўтирган Буатушга бақирди.

— Буатуш! Югуриб бешинчи камерага киргин-да, сержант Стефанга мен чақираётганимни айт. Тезроқ бўл!

Буатуш машинадан сакраб тушиб, бешинчи камера томон югуриб кетди. Бошқалар қолиб унга кўрсатилган бу илтифотдан унинг боши кўкка етган эди.

— Сержант Стефан!.. Сержант Стефан!!

У Стефаннынг жавоб беришини кутди. Ичкаридан овоз чиқавермагач, олдинга бир қадам қўйиб, эшикни оҳиста тақиллатди.

На сержант, на бошқаси жавоб берди. Нима бўлди экан? Ҳайрон бўлди у ва эшикни очмоқчи бўлиб қўлини чўзди.

«Ия, ичидан берк-ку», деди ўзинча Буатуш ва қаттиқроқ чақиринишга тушди.

— Сержант Стефан, сержант!

Капитандан олган буйруғи борган сари уни шижо-атлантирарди. Нима бўлганда ҳам буйруқни бажариши керакда, ахир! У эшикни бор кучи билан тақиллатишга тушди. Лекин бу гал ҳам сукунатдан бўлак жавоб бўлмади.

Унинг юраги орқасига тортиб кетди ва югурганича капитаннинг олдига қайтди.

— Бешинчи камера қулф, сержант Стефан жавоб бермаяпти, жаноб капитан.

— Балки менинг кабинетимдадир. Ҳозироқ айтиб кел уни.

«Оҳ, Буатуш, бузоқбоқар эдинг, сайид бўлдинг, эътиборли жанобга айландинг!.. Бундай дамларингни дариг тутмагайсан, ё раб!» Шу гапларни кўнглидан бир неча бор ўтказганича кабинетга сўроқсиз бостириб жириб борди. Уни ҳеч ким қарши олмади. Секин-секин сержант Стефаннинг отини айтиб чақирди. Лекин тезда кабинетда ҳеч зог йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳарсиллаганича орқага қайтди. Қидирув натижасини қўрқа-писа, синиқ овозда капитанга етказди.

Казармада яна фавқулудда ҳолат эълон қилинди. Соқчилар бошлиғи олтинчи назорат пунктида турган соқчи жойида йўқлиги ҳақидаги хабарни қабул қилгач, шоша-пиша бир даста калит келтириб, бешинчи камера эшигини очиш учун бирма-бир суқиб кўра бошлади.

Капитан тинмай ириллар, гўё унинг жазаваси тут-ран, қутурган эди. Бамисоли оёқлари остида ер ларзага келган, кўз олдидаги деворлар чайқалар эди. Назарида аввал пешонасига, кейин журагига гурзи тушгандек бўлди. Ҳамма ёғи шол-шол бўлиб кетаётган бир пайтда эшик очилиб қолди. Ичкарида Стефаннинг яланғоч, қонга беланган мурдаси чўзилиб ётарди. Кутилмаган бу ҳолдан капитан ҳайкалдек қотиб қолди. Бу орада олдинга бир-икки қадам қўйган оқсоқол виқор билан костюмини ечиб яланғоч мурданинг устига ёппоқчи бўлган эди ҳамки, капитан ўзинга келди ва бақира кетди:

— Қўлингни теккизма! Қўлингни урма, ифлос! Сассиқ костюмингни нари торт! Ҳа, барингиз газандасиз! Барингиз душман! Унга қўлингни урма-а! — капитан тўппончасини чиқариб оқсоқолга ўқталди ва

кекирдагини чўзганича бақирешда давом этди: — Унга тегма! Унга қўлингни урма-а! — Кейин Буатуш-га ўгирилиб ўшқирди: — Оқсоқолнинг олдига ўт!

Унинг тишлари ҳамон такиллар, тўппонча тутган қўли қалтирар, қорачиғи кенгайиб, қинидан чиқиб кетай деётган мовий кўзлари кўзойнак шишаси ортидан янада даҳшатли, янада ваҳимали кўринарди.

Оқсоқол қўрқиб кетганидан қўлини кўтарди. Саросимага тушган Буатуш у томон юрди.

— Жаноб капитан!.. — Оқсоқол ёлворган ҳолда илтижо қилди. Лекин капитан гапиришга қўймади:

— Овозингни ўчир! Кўп асабимни кўзғатма! Йўқ-са, отиб ташлайман, аблаҳ!

У бирдан қаҳ-қаҳа отиб кула бошлади. Дам мурдага, дам Буатушга, дам оқсоқолга, дам тўппончага тикилганича телбалардек кулар эди.

Бардош бериш қийин бу оғир дақиқалар анча узоққа чўзилди.

Оқсоқол фақат бир нарсаса — ўз ўйларини сўзлар ёрдамида ифода қилишга уринар, лекин томоғи унинг раъйига юрмас, борган сари қуриб қолмоқда эди. «...Армия сафида йигирма йил хизмат қилдим.... Уч рангли байроқ остида ўн етти йил... яна сенга нима керак, жаноби капитан...», демоқчи эди у.

Буатуш ўз ҳолатидан ўзи уяларди. Қани энди яширинишнинг, юзларини қўли билан беркитишнинг, жилла бўлмаса кўзларини юмишнинг иложи бўлса... «Эртага эрталаб сенинг унвонингни оширишга, улкан хизматларинг эвазига капрал унвонини беришга ваъда қилишганди. Энди бўлса... Ҳаётингнинг энг бахтли, энг азиз дамларида шу аҳволга тушиб ўтирибсан. Эҳ, Буатуш, бузоқбоқар, мана энди сенинг кимлигинг-ни тахтачага ёзиб, бўйнингга илиб қўйишади. Сени адойи тамом қилган мана шу кўккўз малла. Эҳ, Буатуш, Буатуш, нега бу бадбахт ватанда араб бўлиб туғилдинг?!»

Капитан умуман ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ, калласида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган, қалбидаги ҳис-туйғулари эса гўё музлаб қолганди. Сержант Стефаннынг яп-яланғоч жасади ҳамон ўртада чўзилиб ётар, устида қотиб қолган қоп-қора қон ўрта ер денгизи харитаси шаклида тобланарди.

«Мана бу шарти кетиб парти қолган чол, — кўнг-

лидан ўтказди капитан, — кўксига бир қанча фахрий нишонларни осиб олибди. Унинг қорни мунча бесўнақай бўлмаса, лабларининг қўполлигини қара, бунинг устига кўзи биткўз!.. Шон-шухратга бурканган, француз ҳарбий кийимига ўралган мана бу қишлоқчи? Кеча у менинг ватанимга мислсиз хизмат кўрсатди, бугун унинг унвонини ошириш ҳақидаги буйруққа имзо чеккандим. Оббо, ифлос-е! Ақли бўлганида ўртоқлари билан қочиб қолган бўларди. Исқирт оп-портунист, ўзини француз эмаслигини ҳали ҳам тўла тушуниб етмайди, энг содиқ французларга хос ишларни қилади. Разил хоин!.. Бир кун келиб, бунинг ҳам виждони уйғонар, мени чавақлаб ёки кабинетимга бомба қўйиб, ўзи ўрмонга қочиб қолар...

Эҳ, лаънати Ал-Лаз! Чайир тўнка. Қўлимга тушсанг, нақ терингни шилардим! Йўқ, олдин бочкадаги қиздирилган ёғга ботириб олардим, сен зиндонини!

Ал-Лаз... Ҳатто исми ҳам бемаъни! Қадимги энг майда пулни ал-лаз деб аташган. Ҳозир эса қарта варақчаларидан бири ал-лаз дейилади. Соққа ташлаб ўйнашда оқ томоннинг ёнидаги энг кичик рақам — бир — ал-лаз. Бийлутда¹ эса барча қарталарни боса оладиган ягона катта рақам — ал-лаз. Ал-Лазнинг мажозий маъноси ботир, қаҳрамон, лекин бу уларнинг тилида эмас. Уларда ал-лаз — ҳароми, ғилай, шумқадам демак.

Эҳ, ифлос! Сен ким бўлибсан! Сен ҳеч ким эмасан. Сен тарихнинг бир бурчагидан жой олган мана шу гофил бандаларнинг биттасисан.

От, Хамлет! Тепкини бос, адабиёт факультетининг толиби! Франция нишонлари порлаб турган мана шу чол кўксини тилкапора қил, эй, энг хатарли участкада жон олиб-жон бераётган шонли француз капитани! Мана бу қишлоқчи араб йигитининг шўр пешонасидан дарча оч, эй, алданган француз офицери! Қани бўл, Хамлет! Бўла қол!»

Соқчилар командири икки аскар билан қайтиб келди. Улар замбил ва оқ чойшаб келтиришган эди. Капитаннинг аҳволини кўриб, бир зум ҳанг-манг бўлиб қолишди. Командирнинг тўппонча тутган қўли тинмай титрар, юзидан қора тер қуйилиб келар, ваҳи-

¹ Бийлут—қарта ўйинларидан бирининг номи.

мали қих-қихларди. Охири соқчилар командири капитанга яқинлашди ва товонини қарсиллатиб ғоз турди:

— Буйруғингизга мунтазирмиз!

Офицер сергакланди, бир оз ўзига келди. Тўппончасини қинига солди. Ўнтагидан рўмолча чиқариб пешонасини артди. Жасадни авайлаб замбилга ётқизиб бўлган аскарлар ўтиб кетиши учун бир оз четланди. Қўлини салиб шаклида ҳаракатлантириб, чўқинди.

— Дадил бўлинг, жаноб капитан, у уч рангли байроқ шон-шарафи йўлида қурбон бўлди... — деди оқсоқол унга яқинлашиб. Оқсоқол шу билан ўзи йўл қўйган катта хатоси учун гўё афв сўрар эди. Балки у шу лаҳзаларда ўз бурчини бир кун олдин бажариб, ҳаётни лаънати Ал-Лаз — Маряна ўғлидан кечаёқ озод қила қолмагани учун афсусланаётгандир...

Офицер оқсоқолга ҳайратомуз қараб тургач, буйруқ берди:

— Менга Қаддурнинг уйини кўрсатасан, кейин у ерга Ал-Лазнинг онасини келтирасан. — Бир оз жимликдан сўнг қўшиб қўйди: — Қочиб қутулиб бўпти. Онанинг қорнида бўлса ҳам топиб оламан уни. Қишлоқ ўраб олинган, узоққа кета олмайди.

Сўнгра Буатуш томон ўгирилиб, унга тикилди ва аста деди:

— Капрал нимаси, шу дақиқадан эътиборан сен сержантсан. Қани, кетдик.

Улар усти очиқ ҳарбий машинага ўтиришгач, капитан радиоузатгич трубкасини олиб, бақира бошладди:

— Алло! Алло! Ҳамма бўлинмалар, ҳамма постлар диққатига! Барча аҳолини: эркак, аёл ёки ёш болалигидан қатъи назар, ҳамма, ҳаммани қишлоқ стадионига йиғинг! Барча кучлар Қаддур Бен Ар-Рубейъи Ал-Баракотийни ва Ал-Лазни — Маряна ўғли Ал-Лазни қидиришга қаратилсин. Эҳтиёт бўлинг, у иккиси ҳам қуролланган. Ҳозир соат олтидан йиғирма етти минут ўтди. Бир соатдан кейин барча аҳоли стадионда бўлиши керак.

Машина ўнқир-чўнқир йўлларни босиб жуда катта тезликда қишлоқ марказидаги бош чорраҳага яқинлашганида оқсоқол қўли билан ишора қилганича деди:

— Тепага, ҳаммом олдиға. Кейин чапга буриламиз... Кейин яна чапга юрамиз. Ана шу кўчанинг ўнг томонидаги охирги уй.

Оқсоқол хириллаган, титроқ товушда ҳайдовчига йўлни қайта-қайта тушунтирар, чакаги бир лаҳза ҳам тинмасди. У офицер олдида ё жим қолишдан қўрқарди ё қишлоқни ва ундаги аҳволни беш қўлдай билишини кўрсатмоқчи бўларди... Энг муҳими у ўзида ғалати сархушлик сезарди.

Машина Қаддурнинг отаси Ар-Рубейъи ва Зийнатнинг отаси кекса Ас-Сабтий истиқомат қиладиган кўчага бурилганда сўнгги ишора кўрсатилди:

— Муюлишнинг охиридаги ўнг қўлдаги уй.

Ҳамма машинадан сакраб тушди. Офицер уй томон юришдан олдин радио орқали хабар қилди:

— Мен ўттизинчи кўчадаги еттинчи уйдаман, эс-эс-ка.

У пистолетини чиқариб муштуми билан эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллата бошлади. Шу пайт қишлоқ оқсоқоли лапанлаганича унинг ёнига бориб, қўлогига шивирлади:

— Ар-Рубойъи Ал-Баракотий сержантнинг амакиси бўлади, ҳазрати офицер. Ар-Рубейъининг хотини эса — холаси. Улар бир-бирига яқин қариндош, жаноб капитан.

— Жуда яхши! — жавоб қилди у ва Буатушга қараб деди: — Сержант, эшикни буз!

Бу орада ичкаридан қалтироқ товуш эшитилди:

— Ким?

— Аскарлар, оч! — жавоб қайтарди Буатуш.

— Оллоҳнинг лаънатиға дучор бўлгин, сен безбет, — тўнғиллади амакиси. Чолни бўйсундириб қийин бўлмади. У худди намоз ўқиётгандек қўлини тепага кўтарганича қўрқа-писа орқага тислана-тислана деворга бориб урилди. Унинг шундай ёнгинасида хотини Ҳайзия ҳам нима қиларини билмай қотиб турарди. Ҳарбийлар иккига бўлинишди. Офицернинг икки ёрдамчиси уйни тинтув қилишга тушди. Буатуш ва оқсоқол капитаннинг олдида қолишди.

Ар-Рубейъининг уйи цемент ётқизилган ҳовли ва уч ёнма-ён хонадан иборат бўлиб, ҳар бирига алоҳида эшикдан кирилар эди. Ар-Рубейъи ётоқхонасининг

қаршисидаги чап бурчакда ҳожатхона, ўнг томонида ошхона ва кичик омбор бор эди.

— Буатуш, жиян, нима қилаяпсизлар?

— Хола, сен қўлингни кўтар-да, чакагингни ўчир, — силтаб ташлади Буатуш ҳовлининг чироғини ёқишга қўлини чўза туриб.

Бу пайтда капитан жўзини лўқ қилиб Ар-Рубейъига қараганича, у томон аста-секин одим ташлар эди. Энди етай деганида бирдан орқасига ўгирилди.

Тўлғоқ тутаётган бўғоз сигир шоҳлари билан деворни сузаётган, қийналиб, типирчилаётган эди. Аскарлар бостириб кирганда Ҳайзия хола туғилажак бузоқни сабрсизлик билан кутаётган пайти эди. Соғин сигирга ҳазилакам умид боғлаганин, у шўрлик хстин.

Капитан сигирга жирканиб қаради. Сўнг Буатуш-ни бош имоси билан чақириб, буюрди:

— Сержант, бунн азобдан қутқар!

Буатуш холасига қараб олгач, кўзларини юмганича, автомат тепкисини бир зум босиб турди. Сигир жон аччиғида бўкирганича ўзини осмонга отди ва гурсиллаб ерга йиқилди, бир пишқириб жим бўлиб қолди. Сигирга қараб турган капитан нигоҳини аввал Ар-Рубейъи, кейин Ҳайзия хола томон бурди. Аёл тишини тишига қўйганича кўзларини юмиб олган эди.

Устма-уст отилган ўқ капитаннинг хаёлида Ал-Лазнинг кўксига қадалган эди. У чуқур нафас олди, бир оз жилмайди ҳам. Бўйнидан бўғиб турган ғазаб арқони бирдан бўшагандек бўлди. Сигарета олиш учун қўлини чўнтагига солди.

— Офарин, сержант!

Буатуш илжайди. Офицер бепарво орқага бурилиб бир-икки қадам қўйди-да тинтув ўтқазишни тугатган аскарларга диққат билан қаради. Уларнинг ҳайронликдан анграйиб турган башараларига кўзи тушгач оқсоқолга юзланиб, деди:

— Булардан бирини ол-да, тезда бу ерга Маряна-ни келтир, — сўнг шофёрга буюрди: — Уларни олиб бориб кел!

Сўнг Ар-Рубейъи ва унинг хотинига, уларнинг чеҳраларида яширинган қандайдир ёзувни ўқимоқчи бўлгандек, синчковлик билан тикила бошлади.

«Аёл қирқларга борган, лекин ҳали ҳам таранг,

ёш кўринади. Юзлари думалоқ, татуировка қилинганга қарамай чиройли. Тинимсиз ёш оқаётган кўзлари катта-катта, шаҳло. У сигирига ачиниб йиғлаяпти, албатта. Яхши... яхши бўлди... Аммо эрининг бад-башаралигини қара, қоққуруқ суяк, тиббий лугатнинг ўзгичаси, ҳамма ёғи ажин, зилзила бўлган ерга ўхшайди... Борган бўлса элликка борган, лекин афтидан саксон ёшларда кўринади. Қани энди яккам-дуккам тишларини мана шу қўлларим билан битта-битта суғуриб олсам-да, ўзининг устига бензин сепиб, ўт қўйиб юборсам... Кўзларини қара, ўлгудек нурсиз, худди ўликнинг кўзига ўхшайди.

Капитан бехосдан Ар-Рубейъининг башарасига тупуриб юборди. Сўнг совуқ нигоҳини чолнинг кўзларига қадаганича уни таъқиб остига олди.

— Буларни ечинтиринг! — буйруқ қилди бир оздан кейин у, қарияларга ишора қилиб. Чол-кампирининг ҳатто қимирлашга мажоли қолмаганди.

Капитан бир-икки қадам орқага тисланиб, аскарларга «илдам» дегандек имо қилди.

Буатуш бир аскар билан амакисига, қолган икки аскар эса Ҳайзияга яқинлашди. Аёлнинг бошидан ҳуши учган, кўзлари катта-катта очилганича, худди ёмон туш асоратида қолгандек қотиб турарди.

Эру хотиннинг ҳамма кийими ечиб бўлинган ҳам эдики, эшикда Марягани олдига солиб келаётган оқсоқол кўринди. У ичкарига кирибоқ аёлни офицер оёқлари остига улоқтирди.

— Сержант Буатуш, отиб ташла бун!

Буатуш ҳеч иккиланмай буйруқни бажарди. Автоматдан бир йўла бир эмас, бир неча ўқ узилди. Маряна бир сўз дея олмай, ер тишлади. Ар-Рубейъи қалтираган ҳолда, аста тиловат қила бошлади. Хотини Ҳайзия эса ҳали ҳам жонсиз ҳайкалдек қотиб турар, ҳатто нафас олаяптими-йўқми, билинмас эди.

— Сержант Буатуш! Бир мана бу хотиннинг қорнига бола солиб қўймайсанми?! Шу ерда менинг олдимда. Қани, бўла қол, уялма! — буюрди капитан.

Буатуш ҳам, унинг амакиси Ар-Рубейъи ва оқсоқол ҳам қулоқларига ишонмай безрайиб қолдилар.

— Буатуш, у сенинг холанг-а? — қалтиради Ар-Рубейъи.

— Ўз холам, — такрорлади Буатуш.

Оқсоқол томоқ қириб, бошини эгди, нигоҳини четга олиб қочди. Капитан аввалига бир оз қих-қихлади, сўнг бўкирди.

— Сержант Буатуш! Билиб қўй, бу буйруқ. Мен сенга буюраяпман!

Буатуш капитан томон ўгирилганича меровлардек унга ҳайратланиб қараб турарди.

Ал-Лаз машинани назорат пунктининг чангал симлари олдида беихтиёр таққа тўхтатди-да, олдинга силкиниб тушган бошини четга олиб қочди. У кўз олдида намоён бўлган даҳшатли воқеликдан яширинмоқчи эди, чамаси. Ана кўзи соат стрелкаларига тушди. «Ҳали икки дақиқа бор», кўнглидан ўтказди у. Шу заҳотиёқ ҳаёлига капрал Рамазоннинг, гап дақиқалардами, деган истеҳзоли саволи келди.

«Тўғри, гап ҳозир дақиқаларда ёки соатларда эмас. Одам деган ҳам шунчалик содда бўладими? — ўздан ранжиди Ал-Лаз. — Комендантлик соати бошланишига ҳали бир неча дақиқалар бўлса, дарвозалар ланг очиқ туради, биз бошимизда каска, елкамизда милтиқ, эгнимизда ҳарбий кийим билан мана шу ўғирланган маданий машинада қишлоқдан бемалол чиқиб кетаверамиз, деган ўйга борибман-а... Ҳеч қандай фавқулодда ҳолат йўқ, деб фараз қилган тақдирда ҳам бизга кўзи тушган ҳар бир французнинг ҳаёлига биринчи бўлиб, биз исёнкор эканимиз келади-ку ахир».

— Сизларга нима бўлди? — чангал симлар олдида турган солдат машинани ва унда ўтирганларни кузата туриб сўради. Ҳеч ким жавоб бермагач, улардан кўзини узмаган ҳолда шу ёққа келаверди.

— Поль, нима гап? — деган овоз келди минора томондан. Фавқулодда ҳолат эълон қилинганидан бери янги буйруқни кутиб, кузатиш минорасида турган бир неча солдат энди овқатланишга тутинган эди, чоғи.

— Мана бу келаётгани ўлдириб, кўтарма тўсиқни оча қочиб қолмаймизми? Қолганлари ўзи билан ўзи овора бўлса, — деди орқа ўриндиқда ўтирган кимдир.

— Йўқ, бу ақлдан эмас, — пичирлади капрал Ра-

мазон секингина. Сўнг машинадан сакраб тушиб, сохта кулганича Поль томон тез юра кетди.

— Сизга ёрдамга келдик. Назоратни кучайтириш керак экан.

— Шундайми? Унда мен командирни чақирай.

— Ҳожати йўқ. Мен ўзим унинг олдига кўтариламан.

Рамазон шериклари томон ўгирилди. Ўнг кўзини қисиб қўйгач, буюрди:

— Қани тушинглар, шунча ялпайиб ўтирганларинг етар!

«Менчи... мен ҳам тушайми?» ўздан ўзи сўради Ал-Лаз ҳамон бошини яширган ҳолда.

Тўрт аскар машинадан енгил сакраб тушди. Иккитаси Поль ўзини ўраб олинганини сезсин учун унинг икки ёнига кирди. Қолган икки аскар Рамазонга эргашганича кузатиш минораси томон кетди.

— Автоматни чўз, қаршилиқ қилишинг бефойда, — деди оҳиста Полнинг ёнига кирганлардан бири.

Поль ҳеч нарса эшитмагандек, буйруққа парво қилмади. Ёнидагиларни кўздан кечирди. «Исёнкорлар... қишлоқ ичиди!» ўйлади у. Юраги безовталанди. Қўрқувдан баданини қалтироқ босди. Бўғимлари, мушаклари бўшашди, нафаси оғзига тикилаётганини сизди... Таслим бўлиш керак, деган қарорда тўхтади. Лекин шу пайт миясига ялт этиб бошқа бир фикр келди: ҳозир унинг ўлиши муқаррар! Шундай экан ўлиmidан олдин битта исёнкорни бўлса ҳам ўлдириш нақадар соз! Мабодо уларга бас келса, ютиб чиқса, жони ўлжага қолади.

Худди қуршовда қолган бўри сингари Полни галати туғма ҳис-туйғу қамраб олди. Қараса, икки ёнидаги аскар ўта бамайлихотир, жуда ўзига ишонган ҳолда. Бу Полга ўз ниятини амалга оширишга қўл келар эди. «Ҳа, ўлдиришим керак, ўлдиришим... Ўз ўлимим муқаррар бўлгач...»

У икки қадам орқага тисарилди-ю, энгашганича тепкини босди. Автомат товуши қулоқни қоматга келтирди.

Иккинчи аскарни ҳам нишонга олмоқчи бўлганида ўзи гуп этиб йиқилди, жони чиқар олдидан хириллади:

— Ўлимимдан олдин бир исёнкорни...

— Нима қилаяпсан, Поль?

— Қўлингизни жўтаринг!— буйруқ қилди тепага кўтарилган Рамазон ва қўлидаги гранатаниулар томон улоқтирди. Даҳшатли портлаш соқчилар командири отаётган автомат товушини босиб кетди. Бақир, инграш овозлари эшитилди... Рациядан, капитанининг аҳолини стадионга йиғиш ҳақидаги буйруғи тарқалди. Рамазон соқчилар нечта эканини билмас, лекин бўлажак қаршилиқ эҳтимолининг олдини олиш учун шай эди. Шунинг учун у иккинчи гранатадан кейин учинчисини ҳам иргитди.

Поль билан отишувда омон қолган аскар бир-бирига уланиб кетган портлаш овози остида йўл устидаги кўтарма тўсиқни очиб, ҳар қандай кутилмаган вазиятга тайёр турарди.

Умуман олганда бу арзимаган жанг эди. Лекин ҳақиқий, шовқин-суронли, қон тўкилган жанг эди. Шундай бўлса-да, Ал-Лаз унда иштироқ этмади. У ҳали ҳам боши солиқ, жўзлари бақрайган ҳолда миқ этмай машинада ўтирарди.

Унинг хаёли паришон, жўзлари очиқ бўлгани билан ўзи ғалати туш оғушида сингари хаёл сурарди. Ер ёрилиб, ҳосил бўлган тубсиз чуқурликдан кулранг қуюқ буғ буралиб-буралиб чиқаётган эмиш. У ўзини ўша ерга отган, шошмай-нетмай, бепарво пастга қараб тушиб келаётган эмиш. У қуш каби, ҳа, ҳа, худди қуш каби учиб тушгани сари ажиб ҳис уни қамраб олаётган эмиш... Энг пастда бу дунёда у учратмаган, лекин доим ўзи интилган ажойиб-ғаройиб нарсалар яширингани шак-шубҳасиз эмиш. Ана шуларга иложи борица тезроқ етиш учун ҳам у ўзини шу ерга отган эмиш. Қандай фусункор нарсалар жутаяпти экан уни у ерда! Балки унда кўм-кўк шарпалар бўлар, улар енгил рақсга тушар, бир-биридан бўса олиб, мафтункор кулар... Балки жаннат ҳурлари уни ўз қучоғига олар, у ҳам шунда абадул-абад қолар... Балки онасининг бағрига толпинганича бошини чексизлик ичра яширар, она кўксига ёпишганича уни мириқиб эмар, энди у ўзга оламда қайта ўсаётган ёш гўдак бўлиб қолар... Оҳ!.. У ажойиб секинлик билан пастга тушиб борарди.

Ана, ниҳоят чуқурлик туби ҳам кўрина бошлади. У бирдан чинқириб юборди. Қуйида юзларча, минг-

ларча ҳатто миллионларча баҳайбат илонлар оғзиларини очганча уни кутиб турарди.

— Ал-Лаз, сенга нима бўлди? — сўради капрал Рамазон унинг елкасидан босиб. Сўнг қўрққанидан чўчиб тушди ва деди:— Қўлингни кўтар, ярангни қара, вой-бў... қўлингни бир оз кўтар.

Ўзига келган Ал-Лаз ўртоқларига тикилди. Уларнинг ранглари қув ўчган: юзларидан тинмай тер қуйилар, қисқа-қисқа, тез-тез нафас олишарди.

— Яна битта шеригимиз қани?

— Уни худо раҳмат қилсин, шаҳид бўлди.

Ал-Лаз улардан кўзини узмасди.

Ўртоқлари барибир хурсанд, яшаш бахтидан сармаст эдилар. Бопладик, мана ўтиб ҳам олдиқ! У боши билан осма тўсиқ томонга ишора қилди. Улар кетаётган йўл тепаликка кўтарилгач, ўнгга бурилди.

Ал-Лаз тезликни алмаштирадиган дастани зарб билан тепага урди ва газни босди. Сўнг ўтирган ерида ярим қўзғолди. Кўзини уфққа тикди.

— Назорат пунктини яксон қилдиқ, олти комплект ўқ-дори ва рацияни қўлга туширдик, — деди Рамазон Ал-Лазга мамнуният билан ва капитаннинг овозини эшитиш учун қўлини чўзиб радио аппарат қулоғини буради. «Мен ўттизинчи кўчадаги еттинчи уйдаман, эс-эс-ка», деди капитан.

— Бу Қаддурнинг уйи-жу! — гулдуради Ал-Лаз. Сўнгга бир оз жим қолди. Бу ҳақда Қаддурни кўриши билан айтиши кераклигини ўйларди.

У машинанинг тезлик кўрсаткичига кўз қирини ташлади. Қизил стрелканинг учи бир юз ўттиз рақами устида ликиллаб турарди. Ўнг оёғини бир оз бўшатди Хавфли бурилишга етишганда руль устига энгашганича уни чапга бурди.

— Ал-Лаз, мана сени шофёр деса бўлади!

— Худди кинолардагидек ҳайдайди-я!

Ҳамма кулди. Ал-Лаз жавоб ўрнига ҳамон руль устига энгашганича энди машинани ўнгга, сўнгга тўғри йўлга бурди. Филдиракларнинг ўткир чийиллаши эшитилди. Бу товуш аёлларнинг қувноқ чинқириқларига ўхшаб кетди.

Юз метрча олдиндаги йўл ҳаракати белгиси машина чироқлари ёруғида ялтираб кўринди. У тезликни камайтира бориб, машинани йўл четида тўхтатди.

Кўрсатгичда кейинги қишлоқнинг номи ва беш рақами ёзилган эди.

— Бу ёғига бориб бўлмайди, уч километрдан кейин яна назорат пункти келади.

Эшиклар очилиб, беш йигит ташқарига чиқди. Қурол-аслаҳаларни бўлашиб олишди. Рацияни капрал Рамазон орқалаб олди. Йигитлар қоронғилик бағрига сингиб кетишди.

— Шу ўртада бир қўрғон бор, улар бизга йўл кўрсатиб юборишади, — тушунтирди Ал-Лаз.

— Ўрмонни кесиб тўғри кетаверганимиз яхши эмасми?

— Йўқ, сўраб-суриштирамай ўзимизникиларни топиб бўлмайди.

Ал-Лаз Зайдон ҳақида ўйлар эди: «Ҳали ҳам шу ердამикан ёки бошқа ёққа кетиб қолдимикан, балки чет элга ўтиб кетгандир... Негадир кўнглим ғаш, ҳозиргина кўрган лаънати туш... Ухламаган, киприк қоқмаган эдим. Ер қаъри... илонлар... Қора, баҳайбат илонлар, оғизлари худди тимсоҳ оғзининг ўзи, йўқ, йўқ, оғизлари ҳам, бошлари ҳам туяникига ўхшайди».

Сесканиб кетди. Эти жунжикиб, яраларининг оғриғи янада кучайди. Лекин юришда давом этди. У дам олдинда, дам капрал Рамазондан бир оз кейинда борарди.

Шу тариқа чамаси бир соат йўл босишди. Бирдан қоронғи зулмат ва сукунат ичра кучли, кескин товуш эшитилди:

— Тўхта!

Ҳамма бир зум тек туриб қолди. Ким уларни тўхтатиши мумкин, билишмасди. Йўлдан адашиб яна қишлоққа яқинлашиб қолдикми, ўйлади улардан бири. Иккинчисининг миясига, капитан бизни тутуш учун шу ерга пистирма қўйгандир, деган фикр келди. Учинчиси, буйруқ соф араб тилида берилди-ку, деб ўзига-ўзи тасалли берди... Капрал Рамазон бўлса, ерга ётганича автоматини ҳозирлашга тушганди. Ал-Лаз бу овозни кунни кеча қаерда эшитганини эслай олмай гаранг эди.

— Ким, қаерда бўлди экан? — қизиқди Ал-Лаз.

— Ана у ерда. Ҳозир шу ердан туриб калласини танасидан жудо қиламан, — пичирлади капрал.

Рамазон. Сўнг ўртоқларига ерга ётишга буйруқ берди.

Ал-Лаз жуда қаттиқ ички безовталаниш, кучли ҳаяжон сезар, юраги қинидан чиқиб кетай дерди. У овозни таниганди. У адашиб қолган боладек, овозининг борица:

— Зайдон амаки, Зайдон дада. Бу мен, Ал-Лазман! Ал-Лаз! — деб бақриб юборди. Сўнг қулочларини очганича овоз келган томонга отилди. Ҳозир унга баданидаги сон-саноқсиз жароҳат оғриқлари ҳам писанд эмас эди.

Зайдон ўғлини бағрига босганича қучиб турар, иккисининг кўзларидан оқаётган меҳр ва муҳаббат ёшини қоронғи тунда ҳеч ким пайқамасди.

Тонготар пайтида иккинчи группа келишилган жойга етиб қолганди. Бир неча соат ичида улар ўттиз километрга яқин йўл юришди. Даралар, водий ва ўрмонлар орқада қолди. У чўққидан бу чўққига ўтишга ҳам тўғри келди.

— Агар мана шу хачирлар бўлмаганда, бу ерларга бунчалик тез чиқа олмаган бўлардик. Инсон боласи узоқ масофани босиб ўтишга қодир. Қадам олиши илдам, кўзлаган манзилга тезда етиб олиши ҳам мумкин. Лекин бир шарти шуки, йўл текис ё борингки, қия бўлса. Аммо тепага кўтарилиш, кўтарилганда ҳам тўхтамай кўтарилиш, бу ҳазил гап эмас, — деди партизан бола ўзи билан бир хачирга мингашиб келаётган шеригига.

— Албатта, — деди шериги, — тўрт оёқда юриш қаёқда-ю, икки оёқда юриш қаёқда!

— Тўғри, — таъкидлади биринчиси ва қўшиб қўйди: — Қўкрак кериб юргандан, бир оз ҳам қилиб юрган осон-да.

— Билмадим, билмадим. Балки сен ҳақдирсан... Лекин хачирларсиз биз жуда қийналган бўлардик.

— Эҳ, мустақил бўлиб олсак машиналарда, ҳатто танкларда юрар эдик.

— Самолётларда ҳам учардик, дея қол.

— Нима учун учмас эканмиз?

Ниҳоят группа қароргоҳга етиб келди. Командир соқчиларни тайинлади, паролдан уларни хабардор

қилди. Сўнг ҳамма қатори ерга чўзилди. У ўзига ҳар томонга тарвақайлаган, кўп қиррали катта қоя остини танлаганди. Ерга ётиши билан ўйга толди: «Нега бу қояга ўзим сезмаган ҳолда шошилдим?.. Тўғри, эртага барчамиз учун оғир кун бўлади. Бомбардирмончи самолётлар, миномётлар, нафаси оғзига тикилган автоматлар, жанг майдонидаги ҳар бир қарич ерни қўлга киритиш учун юқорига қараб тирмашган махсус батальонлар... Зайдоннинг тили билан айтганда, бу тунда гап кўп, унга кўп нарса боғлиқ, у ҳар қадамда рўй бериши мумкин бўлган ҳамма тасодиқларни олдиндан ўйлаб қўйишни талаб қилади... Бундай ҳоллар кўп бўлган, лекин бу баландлик уйдимчуқур, унинг қамали бир неча кун давом этиши мумкин...»

Иккинчи группа командирининг хаёлидан ҳам кўп нарса кечди. Охири бошқалар етиб келгунига қадар пича мизғиб олмоқчи бўлди. Автоматини кўксига қўйганича бош кийимини кўзи устига тортди, лекин хаёллари уйқуга таслим бўлмоқчи эмас эди, чоғи.

Гоҳида уруш кетаётган, жангу жадал қизиган пайтда ҳам одамнинг кўзи илинади, ҳатто яхшигина ухлайди. Бўлмасам у самолётдан ташланган бомба ёки тўпдан отилган снаряд ҳар бир лаҳзада унинг оёғи остида портлаши мумкинлигини, натижада унда нон-нишон қолмаслигини яхши билади. Шунга қарамай нима бўлса бўлар қабилида иш тутади. Шайтон ақлдан оздиргандек уйқуга асир бўлади. Гоҳида эса тамомила акси — уруш, хавф-хатардан олс, осойишта ерда, киши қанча ҳаракат қилмасин, қанча уринмасин бари бир уйқуси келмайди, ухлаб бўлмайди. Оҳ, қани энди уйқу келса.

Бўлмади. У автомати ва бош кийимини тўғрилаб ёнбошига ўгирилди. Миясига қаёқдаги ўйлар келади. Баъзилари — бамаъни, жиддий, қолганлари — бемаъни, оддий.

«Ҳозир икки томонни: олдин ва орқани кўрсатадиган кўзойнаклар мавжуд. Агар биратўла тўрт томонни кўрсатадиган кўзойнак ихтиро қилинса, зўр мўъжиза бўлар эди-да. Унда одам бошини жуда зарурат туғилгандагина қимирлатмаса, бошқа пайт бунга ҳожат қолмасди. Қизиқ, нега биз фақат икки кўзли бўлиб яратилганмиз. Орқага юрмоқчи бўлсак

нима қилишимиз керак? Нима, пешонамизга факат олдинга қараб юрасан, деб ёзилганми? Мана хачирлар, умуман ҳайвонларни олайлик, уларнинг кўзлари ҳам иккита, орқага юрмайди эмас, юради, лекин олдинга қараб туриб, орқага юради.

Ўз таъми ва ҳидини узоқ сақлаб турадиган сақич оғизга солишинг билан бир бўлак резинага айланиб қоладиган хилидан минг бор афзал. Агар ҳар бир оғизга биттадан сақич солиш керак бўлса, қанча сақич сотилиши керак, одамларга у қанчага тушади. Бу сақичнинг одам умрига ёки гапириш қобилиятига зарари борми? Унинг орқасидан ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар қанча фойда, инсоният қанча зиён кўради. Агар сақични қим узоқ чайнаш бўйича бутун дунё миқёсида мусобақа ўтказилса, қизиқ бўлар эди. Мен унда, шак-шубҳасиз, биринчи ўринни эгаллаган бўлар эдим».

У ётган ерида яна бир бор ағдарилди, автомати ва бош кийимини яна бир бор тўғрилашга мажбур бўлди.

«Агар поезд йўли ҳеч қачон тугамаса, чексиз сафар қилишни хоҳловчилар топилармикан? Абадий саёҳат учун билет сотиб олишга қим журъат қилар экан? Мен биринчи бўлар эдим. Барча миллат ва элатлар билан танишиб чиққан бўлар эдим. Бор бумини сотсам ҳам майли эди. Яна олган, яна сотган, шу тариқа ишимни давом эттирган бўлар эдим. Чунки мен абадий билетни сотиб олишга мажбурман. Билет сотувчилар ва билет текширувчилар ҳар станцияда, ҳеч бўлмаса, ҳар ҳафтада бир алмашиб турар эди. Йўл иккита — ёнма-ён бўлса-да, поездлар қарама-қарши томонга ҳаракат қилса, бир-бири билан ҳар станцияда учрашса. Поездда биргина мен абадий йўловчи, қолганлар чиқишади, тушишади. Бир марта кўрган одамни иккинчи бор кўрмайман. Қандай ажойиб! Мен ҳеч кимга қўшилмайман, ичимдагини топ дегандек дамдуз ўтира бераман, бошқаларни бирма-бир, бошдан-оёқ кузатаман. Улар мени эслаб қолишади, лекин бошқа кўришмайди. Гўё мен пайғамбарлардан бириман. Йўловчиларнинг энг муҳим-муҳимларини эслаб қоламан, ҳар гал ўхшашларини учратганимда уларни солиштираман. Бу саёҳат қонун-қондаси ана шундай бўлиши керак. Турар-тур-

мушда ҳам худди ана шундай бўлиши керак. Америка сақичи, сут қўшилган карамель, турли-туман ширинликлар! Келиб қолинг, жаноблар! Олиб қолинг, жаноблар! Мен кейинги станцияда тушаман! Ўзим эса тушмайман, кетавераман, кетавераман, ҳеч тўхтамай кетавераман. Олло таоло ҳам мангу сафарда юради, жон олиб, жон сотади... Ё парвардигор, ўзинг кечир! Ҳар қалай оллоҳ ҳаммани кўради, уни ҳеч ким кўрмайди. Эҳ, нега шу фикрлар миямга бир кун олдин — кенг дунёни айланиш имкони бўлишидан олдин келмади? Йўқ, келган эди, лекин ростини айтганда, бошқачароқ тарзда келган эди. Неча бор Вухрон¹ шаҳрига бориш учун билет олишга қасд қилдим. Лекин Аннабага етдим деганимда қандайдир куч мени орқага — қишлоқ томон тортаётганини сезаман-да, яна орқамга қайтаман. Мени ҳеч ким, ҳеч нарса кутмаётган ерга қайтаман. Менинг на уйим, на ота-онам бор бу ерда. Тўғри ҳаммомга йўл оламан, боришни сотаману ухлайман. Турар-турмушимнинг бари олди-сотди ва ҳикоя тўқишдан иборат. Менга фақат ўз қишлоғим аҳлигина қулоқ солади. Юзларча саргузаштни ҳикоя қилсам ҳам ҳеч ким мени алдаяпти демайди. Мени шу қадар яхши кўришадими, гапларимга ишонмасликнинг иложи йўқ. Қайтганимдан кейин ўлгунимча ҳикоя айтаман уларга. Бу сафар ҳақиқатдан ҳам сўзлайман. Бир кечанинг ўзида, йўқ, ярим кечанинг ўзида еттитасини бошидан жудо қилганимни айтаман».

У бошқа ёнбошига ўгирилди, автомати ва бош кийимини ўнглаб қўйди. Қани энди уйқуси келса...

«...Биринчи қўлга тушган хоинни олиб келишди. Қўл-оёғи арқон билан боғланган. Қоронғида юз тузилишини англаб бўлмас эди. Уни ерга чўзилтириб ётқизишди. Биттаси оёғидан, иккинчиси кўксидан оёғи билан босиб турди. Мен эса унга:

— Неча марта солдатларга бизни сотдинг? Агар ёлғон гапирсанг бошингдан айрилсан, — дедим.

— Қуръони азим ва қиблани ўртага қўйиб онтичаманки, фақат бир мартагина шундай қилишга мажбур бўлдим. Ўшанда ҳам ёмон қўрқиб кетганимдан, пулга ўта муҳтожлигимдан қилдим.

¹ Вухрон—Оран шаҳрининг арабча ном.

Қўлимдаги ўткир ханжар тиғи ялтирарди... Бандининг қорнини ерга қилиб ўгирдим-да, бор кучим билан гарданига тортиб юбордим Боши бир сапчиб тушди. Уни кафтим билан босиб қўйдим. У ҳамон гапирар эди: «Биродарлар, менинг еттита норастам бор». Овоз қорнидан чиқаяптими ёки бошиданми била олмай қолдим... Агар шу пайтда оғзида сақич бўлганида уни чайнай берармиди?

Жасаднинг устига варақа қоғозини ёпиб, иккинчи хоин томон кетдик...

Оҳ, бир оз мизғиб олсам, қани эди!»

У яна бир ағдарилди. Автоматни ва бош кийимини тўғрилаб қўйди.

«Иккинчи хоиндан нима сўрасак: «Байтуллоҳилҳарам¹ ҳаққи...» дея жавоб берарди. Бизнинг ҳақимизда хабар етказиб турганини бўйнига олди. Чунки биз ялангоёқ чувриндилар эмишмиз, қиёмат-қойимни яқинлаштиришга уринаётган эмишмиз. Яна нима дейди денг. Орангизда на биронта бой, на биронта ҳожи бор. Сизга қолса, мен ўз подачиларимнинг буйруғига итоат қилиб, уларга ўзим патнисда чой ё қаҳва келтирай ёки шойидан салла, ёки юнгдан тўқилган бурнус олиб берай-а! Йў-ў-қ! Яхшиси сиз мени сўйинг! Тезроқ бўлинг, тез.

Унинг гапи чала қолди. Жон-жаҳдим билан шундай урдимки, боши учиб кетди. Чуваланган салласи қоронғида бир зум оқариб кўринди. Нимадир деб ғулдуллагандек бўлди. Аввалига калиман шаҳодатни айтар деб бир оз кутгандим. Лаънати ўлиmidан олдин ҳам, ундан кейин ҳам калима келтирмади...

Устига варақа қоғозини ёпиб, учинчи хоиннинг изига тушдик.

Лаънати ўлим шарпасини узоқдан сезган шекилли, уни тополмадик. Уйини яхшилаб қидирдик, топилмади. Қариб-қартайиб қолган бўлса ҳам сезгир кўринади. Хотини йигирма ёшларда, жуда келишган жувон экан. Ақллилиги кўзларидан сезилиб турарди. Бизни кўрганда негадир кўрқмади ҳам.

Умидимиз пучга чиқиб, кетишга қарор қилдик.

¹ Байтуллоҳилҳарам—сўзма сўз таржимаси: Оллоҳнинг муқаддас уйи. Маккадаги энёратгоҳ, қибла назарда тутилади.

Шу пайт аёл менинг қўлимдан тутиб, хона бурчагига бошлади.

— Сизлар инқилобчиларми?

— Бўлмаса ким биз?

— Гапингга жуда ишона қолдим.

— Нега ишонмайсан?

— Ҳаракатчилар¹ ҳам худди сизнинг кийимингизда келишади, лекин доимо тонготар пайтида...

— Қўрмаяпсанми, биз кеч кириши билан келдик.

— Қўраяпман... Эрим нега керак?

— Сўйишга.

— Унда чиндан ҳам инқилобчи экансизлар. Нега олдинроқ уни сўйишингизни айтмадингиз?

— У қаерда?

— Мўрконнинг орқасида кул босган темир эшик бор. У ўтинхонага олиб чиқади. Эрим ўша ерда. Кечга яқин, негадир юрагим ёмон ўйнаяпти, деганича кириб кетганди. Қаёқдаги ҳидларни ҳидлаб ўтирипти.

...Лаънати қуролланган экан. Отишмасак ҳам уни чиқаришнинг ўзи бўлмади. У ёмон қўрқиб кетган, ўтакаси ёрилганидан қўлида турган автоматдан биронта ҳам ўқ уза олмади. Қалтираганича ўтинхона ичида гир айланади, гоҳида бошини биз томонга кўтариб-кўтариб қўяди. Ана ўшанда унинг кўзи худди қутурган итнинг кўзидек ялтираб кетади.

— Яхши, — дедик, — агар чиқмасанг устингдан бензин қуйиб, ўт қўйиб юборамиз-да, ўтинхона эшигини беркитиб кетамиз.

— Йўқ, йўқ! Ундай қилманглар. Мана мен чиқаяпман.

— Унда аввал автоматингни ташла бу ёққа.

У ҳамон қалтирар, хотинига нафрат билан қарганича алланималар дерди. Унинг ҳам бошқалар сингари оёқ-қўлини боғладик. Хотинига қарасам, ҳамон хотиржам, атрофида бўлаётган нарсаларга ҳеч парво қилмай турарди. Энди олиб чиқиб кетмоқчи эдим, чол хотинидан кўзини уза олмай деди:

— Шошманглар.

— Нима дейсан?

¹ Ҳаракат—колоннал режимни сақлаш учун француз ҳуқуқонларини тузган жазоирлик ватан хоинларидан иборат миллатчи гвардия.

— Сизларга ишласам мени афв этасизларми? Рози бўлсангиз, даставвал мен сизга ўз шерикларимнинг номларини айтиб берган бўлардим. Хамир учидан патир сифатида, албатта.

Рўйхатни оққа туширгач, енгил тортиб тиржайди ва гапира кетди:

— Иккинчи жаҳон урушида мен немисларга хизмат қилар эдим. Бир кун Де Голл аскарларининг қўлига тушиб қолдим, гуноҳимдан ўтишди, чунки уларга ҳам хизмат қиладиган бўлгандим-да. Америкаликлар ватанимни ишғол қилганида мана шу ертўлага икки немис аскарини яширдим. Америкаликлар бу ердан чиқиб кетгунларича улар шу ерда жон сақладилар.

Сўқмоқ бошида у ўлаётиб овозининг борича: «Хайль Гитлер!» деб қичқирди.

...Тўртинчи хоинни қидиришга тушишдан олдин яна бояги хотинниқига кириб ундан сўрадим:

— Сен нега эринг яширинган ерни айтиб бердинг? Нега шундай қилдинг?

Аёл нима дейишни билмай, бир оз ўйланиб қолди. Сўнг момикдек юмшоқ ва тафтли қўлини қўлларимга қўйди-да, бошини қуйи солганча личирлади:

— У жиянимни, амакимни ҳам сотган... — Аёл ҳамон қўлимдан тупганича менга синчиклаб разм солди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган, ҳўнграб юборай деб турарди. Бир оз жимликдан сўнг ўзини зўрға тутиб олиб деди: — Ҳар гал ҳаракатчилар келганида... эрим мени уларнинг сержанти билан холи қолдириб, ўзи чиқиб кетарди... Эрталаб қайтиб келиб... қачон унга ўғил ёки қиз туғиб беришимни сўрарди... Ифлос!

Бечора аёл ўзимиз билан олиб кетишимизни ўтганиб сўради. Биз, албатта, қайтиб келамиз деб юпатганимдан кейин деворнинг қайси бир қавагидан қоғозга ўралган бир даста пулни олиб менга узатди.

— Худо йўлига. Биродарларим учун берайпман. Олло таоло сизни ғалабага етказишига ишонаман!

Уни хурсанд ҳолда, пок виждон билан қолдириб бошқаларниқига йўлга тушдик.

Оҳ, қани эди уйқу кела қолса».

У ағдарилди, қўлларини ишқалади, автомат ва бош кийимини тўғрилади.

«...Қолган хоинлар бизни кўп ҳам овора қилишмади. Ҳаммаси бир ерда яшар экан. Учаласини бир чуқурликка келтирдик-да, жаҳаннамга йўллай бошладик. Навбат учинчисига келганида, у нимадир демоқчи бўлди, шекилли, оғзини очди. Мен болалик йилларимни эслаб кетдим. Ешлигимизда биз жарбуани¹ тутиб олиб ўлдиришдан олдин оғзига тиғ тутардик-да: «Тишла, тишла, сен тишламасанг у тишлайди», дер эдик унга ҳаммамиз қий-чув кўтариб, қўшоёқ худди бизни тушунгандек тиғни ростдан ҳам тишларди ўшанда... Хоин ҳам бор куч-қуввати, жонжаҳди билан жағидаги ханжарни тишлаб олган, эрталабгача шундай туришга ҳам рози эди, ҳойнаҳой. Жонидан охирги умиди шу — ханжарни қўйиб юбормаслик эди... Икки қўлим билан ханжарни бўғизи томон итардим, жағи иккига бўлиниб кетди. Ўрнимдан туриб қарасам ёнимдаги шеригим ҳушидан кетиб қолипти.

Қишлоққа қайтсак, гапириб берадиган гап кўп. Ҳеч ким ёлғончиликда айблай олмайди мени. Эҳ, қачон қайтар эканмиз ўзи? Ғурбатда юриш ҳам чўзилиб кетди. Ҳеч қачон қишлоқдан бунча узоқ вақтгача чиқиб кетмаган эдим. Тўғри, улар бизни унутишга унутишмайди. Ҳар гал паровознинг: «Алвидо, мен йўлга чиқдим. Энди сенга навбат, кут!» деб чинқирганида бизни, албатта, эслашади. Агар бир марта ўтган поезд бениҳоя чексизликка қараб кетаверса, унда нима қилишади? Умрбод кутишаверадимиз уни?..

Оҳ, қани эди бир оз ухлаб олсам».

У ағдарилмоқчи бўлди, лекин чор атрофда алланималар шитирлагандек туюлди. Кўзини очди. Бошини кўтариб, автоматини шайлаб олди. Туман ва дарахтларнинг чирмашиб кетган шохлари орасида мўралаётган эрта тонг нурида уч киши кўринди. У Зайдон, Ал-Лаз ва Ҳаму эди...

Уларга кўзи тушган иккинчи группа командири беҳосдан қичқириб юборди:

— Ал-Лаз? Ал-Лаз келди! Ал-Лаз шу ерда!

Хурсандлигидан юраги ёрилгудек бўлиб, Ал-Лазни қуча кетди. У Ал-Лазни унчалик яхши кўрмаса

¹ Жарбуа—африка қўшоғи.

ҳам, ёмон кўрмасди. У Ал-Лаз унинг ҳикояларини тинглашга асло тоқат қилолмаслигини олдиндан биларди. Чунки Ал-Лаз ҳам у сингари поездда кўп юрар, шаҳарни балкиундан яхшироқ биларди. Йўқ, гап фақат бунда эмас эди. У бир марта муҳтарам жамоат ичида айтадиган ўз ҳикоясини тугатгунича Ал-Лаз жим ўтириши учун уни бир пачка хушбўй махоркага сотиб олган эди. Ўшанда Ал-Лаз «Йўқ, ҳар ҳафтада бир пачкадан махорка бериб турасан», деб солиғ солган эди, акс ҳолда боши таъқиб остидан чиқмаслигини писанда қилган эди... Унинг Ал-Лазни кўрганидан боши осмонга етиши, юз-кўзидан ўпиши сохта эмас эди. Чунки у, биринчидан, қишлоқдан эсон-омон чиққан охирги одам, иккинчидан, ярим тунда етти хоинни ер тишлатгани ҳақидаги ҳикоясини эшитувчи биринчи тингловчи эди. Қолаверса, унга милтиқни бўлакларга ажратиб, қайта йиғишни ўргатса ҳам бўлар эди.

Мана кеча, Қаддурни кўрганида бунчалик хурсанд бўлмади. Қаддур — бадавий, ҳикояларидан биттаси ҳам унга тўғри келмайди. Бадавийлар эҳтиёткор халқ, ҳар нарсадан шубҳа қиладилар, доимо ўзларини юқори тутиб, ўзгаларни ерга урадилар.

— Бу сенмисан, Носир? Ҳали ҳам ҳаётмисан? Қишлоқ сен кетганингдан бери ҳувиллаб, ҳатто қўрқинчли бўлиб қолди. Аҳволларинг қалай? Ай-й, секинроқ, бутун баданим яраланган, — деди Ал-Лаз Носирни қуча туриб. Сўнг қоя остига, Носирнинг ёнига ўтирди.

— Кеча еттита хоинни сўйдим. Мана шу қўлларим билан, қара.

— Ҳали ҳам ёлғон гапиришни ташламадингми?

— Йўқ, Ал-Лаз, у ёлғон гапираётгани йўқ. Уларни қатл қилишни мен унга топширган эдим. Бу ерда биз бир-биримизни асло алдамаймиз, — Носир ўрнига жавоб берди улар ёнига ўтираётган Зайдон. Сўнг учала командирга ўз одамларини тўплашга буйруқ қилди. Ҳар бир группа ўз олдига қўйилган вазифани қай тарзда адо этганини билиш зарурлигини айтди.

— Шу йиғилишни бир оз кечиктирсак бўлармиди? Ҳамма ҳолдан тойган, — деди командирлардан бири.

— Йўқ, — деди Зайдон. — Бу кун нималар бўлмаслиги мумкин, шуларга ҳам тайёрланиб қўйишни-

миз керак. Тушунарлими? Ахир, бу тун ҳар кунги оддий тунлардан бўлмади. Соқчиларни биздан олдин келган группа йигитларидан тайинланг. Пароль — «Туз». Тезроқ бўлинглар.

Нега энди пароль учун «туз»ни танлади, ўзи билмасди. Кеча тун қоронғисида дуч келишган шўрхок ер ҳали эсига ҳам тушмаган эди. У бошини кўтарди. Қошларини чимириб, лабларини тишлаганича ўзини ярим ҳалқа шаклида ўраб олган партизанларни кузата бошлади. Командирлари олдиларида... Ҳамма шу ердамикан? Талафот йўқмикан? Биринчи группанинг ҳамма одамлари шу ерда, иккинчисиники ҳам, учинчисиники ҳам... Фақат менинг группамда битта қурбон бор.

Ҳаммани бир-бир кузатаётган Зайдоннинг нигоҳи Қаддурда, унинг покиза маданий кийимида бир оз тўхтади. Кийимини тезда алмаштириш керак... Шарқдан бизга кийим-кечак келган. Командирнинг назари Ал-Лаз билан қочган тўрт солдатга тушди. Биринчиси самимий, ўта шижоатли кўринади. Лекин ҳарбий унвони ҳам, нишони ҳам йўқ. Демак: саводсиз. Иккинчиси — ўйчан, оғир, вазмин. Ҳукумат хизматчисининг ўғли эканлиги муқаррар. Учинчиси — у ҳам қаттиққўл, мард кўринади. Ҳаммасининг ичида энг жиддийси шу бўлса керак. Ниҳоят, мана бу қапрал. Ўзига жуда ишонган. Кечаги жангда кўп иш кўрсатди. Автоматдан фақат битта-битта ўқ узади. Бекорга отмайди, ўқни зое кетказмайди. Қачон ўз жойини ўзгартиришни, қачон олға силжишни яхши билади. Ҳарбий тайёргарлиги кучли. Жангда доим энг қулай мавқени эгаллашга ҳаракат қилади. Ўзини йўқотиб қўймайди, ёнидагилардан бохабар бўлиб туради, гўё ўзига ишончни улардан олади, бирор киши яраланмадими деб жонсарак ҳам бўлиб қўяди. Ниҳоятда босиқ, асабларини шундай ушлайдики, киши ҳайрон қолади. Бундайлар ё инқилобга жуда кўп фойда келтиради ё унинг катта бўлагини ўпириб кетади...

— Қаерда хизмат қилгансан, Рамазон?

— Биринчи тайёргарликни Теллегамада, кейин уч йил Германияда, бир йил Францияда, икки йил Ҳиндихитойда, тўққиз ой Оран шаҳрида. Уч ой олдин эса бу ерга ўтказишди.

— Асирга тушган ёки вьетнамликлар томонига қочиб ўтганмисан?

— Йўқ.

— Омадли йигит экансан. Ҳиндихитой ҳақида нима дея оласан? У ердаги урушни назарда тутаяпман.

— Улар ҳам биз сингари миллий мустақиллик йўлида жанг қилишарди.

«Ўҳў, «инқилобчилар» ёки «партизанлар» сўзининг ўрнига «миллий» сўзини ишлатишини қара. Бу сўзнинг вазнини билармикан?» ўйлади Зайдон.

— Нега улар томонига қочиб ўтмадинг?

— Мен қўмондонликни қўриқловчи махсус соқчилар қисмида эдим.

— Демак, сен Дьен Бьен Фуа бўлгансан.

— Йўқ, у воқеадан бир ҳафта олдин госпиталга тушиб қолдим. Қўлимдан яраланган эдим.

— Ўқиш, ёзишни биласанми?

— Бошланғич мактабни тугатганман.

— Отанг хизматчими ёки савдогарми?

— Биринчи жаҳон урушидан кейин пенсияга чиққан.

— Унвонни қачон олгансан?

— Ҳарбий хизматга қайтиб, Ҳиндихитойга боришга розилик берганимдан кейин.

«Беш йил бир унвонда! Унинг ўрнида европалик бўлганида ҳозир камида катта лейтенант унвонида юрган бўларди... Отаси биринчи жаҳон урушидан бери пенсияда. Бу ирқий камситишни у тўла-тўқис идрок қилиши керак, токи ҳукумат армияси билан алоқани бутунлай узсин, уни қўмсамайдиган бўлсин. Унга кўпроқ эътибор беришим, синфий онгини ўстиришим керак. Эҳ, буларнинг бари ҳали барг ёзмаган куртак, очилмаган гунча, улар соф ҳавода, зеҳни ошиб барг ёзиши, очилиши керак. Уларнинг бари ўзларининг қоронғи ўтмишидан холи бўлишлари керак.»

— Яхши, Рамазон. Бизда, бу ерда ҳеч қандай ҳарбий унвон йўқ, уларни ишлатмаймиз ҳам. Лекин ҳамманинг ўзига яраша вазифаси, масъулияти бор. Мен шахсан инқилобий армияда унвон берилишига қаршиман. Чунки биз баримиз ватанни озод қилиш, ҳаётни яхшилашга бўлган муштарак имон ва ишонч

олдида тенгмиз, шу мақсад йўлида жанг қиламиз. Ана шу ягона имон бизларни бир-биримизга яқинлаштиради, жипслаштиради. Ҳарбий унвонлар эса одамлар орасида тафовут ва фарқ бўлишига олиб келади. Тушуняпсанми, Рамазон? Сен кийимингни алмаштиришинг, биз каби бўлиб олишинг керак. Сен энг аввал бизнинг ҳаётга ўрганишинг, кўникишинг керак. Бу олдиндаги биринчи вазифа. Қолган ҳаммаси ўз маромида кетаверади. Тушунарлими?

— Ҳа, ҳа. Тушунаяпман. Тушунарли, — такрорлади Рамазон, бошини қуйи солиб ўйга толган Зайдонга ажабланиб қарар экан.

«Агар қўл остимдагиларнинг ҳаммаси ёки кўпчилиги, лоақал ярми ишчилардан бўлганида ҳам бир оз осон бўларди. Улар билан қандай гаплашгани, қалбларига, ақл ва онгларига қандай йўл топишни ўзим билардим. Аммо улар кечаги савдогар, ишсиз, деҳқон, ҳатто Франция армиясига хизматга ёлланиб, ўзига яраша унвон ва нишонлар орттирган кишилардан иборат. Мен уқтирмоқчи бўлган нарсаларни улар икки дунёда ҳам каллаларига келтирмаганлар, келтирмасалар ҳам керак... «Сен ёлғон гапиряпсан, ўзингни ўзинг алдаяпсан!»— деди қандайдир ички бир индо.— Ҳа, мен ҳақиқат билан юзма-юз келишдан қочаяпман. Ҳиндихитойда ҳам ишчилар кўпчилик эмас эдику. Улар худди шуларга ўхшаш турли тоифадаги одамлар эди. Фақат у ерда раҳбарлар ишчилар идеологияси — пролетариат мафкураси билан қуролланган эди. Бу ерда-чи... Эҳ! Бу ерда раҳбарлар ҳам турли-туман. Балки мен бир шахс сифатида ниманидир қўлга киритарман. Баъзиларнинг онгини ўзгартирарман, ўзимга эргаштирарман. Лекин улар бари бир қайта туғилишлари керак. Ҳозирги вақтда энг муҳими уларнинг ўз ватанларига бўлган садоқатлари, ватан озодлигига бўлган имон ва ишончларини мустаҳкамлаш. Бойлар эса худди колонизаторлар сингари уларнинг душмани эканини ўзлари вақт ўтиши билан тушуниб оладилар. Чунки бойларнинг бир балога дучор қилиб, бошларида тегирмон тоши юргизилса ҳам, тез орада ўз аслига қайтиб, ҳамма нарсани яна қўлга киритадилар ва ўз тазйиқларини ўтказаверадилар.

Ал-Лаз, сенда барча инсоний хислату бутун олам пушти бор. Сен — денгизсан гўё, йўқ, йўқ, сен — халқнинг ўзи. Мутлақ халқсан, қандай тушунсанг ҳам уни.

Биламан, Ал-Лаз, сен на бойсан, на ақлан фақир, на инқилобчи, на мустаслам ҳақир. Саводсизсан, лекин ўзгалардан фарқинг бор. Ёш бўлсанг ҳам Ал-Лаз — мен учун жумбоқнинг ўзисан. Унинг қалбига қандай йўл топсам экан? Балки меҳр-муҳаббат билангина вужудига кирарман...

Энг муҳими Ал-Лазнинг идроки ёмон эмас, ғайришуурий сезиш, ҳис қилиш қобилияти кучли унда. Бу жиҳат ит, мушук ёинки бошқа ҳайвонларда ҳам учрайди. У борлиқни фасод босганини англаб етади, идрок қилади, уни ўзига хос усулда ҳал этмоқчи, ситиб ташламоқчи бўлади. У — денгизнинг ўзи. У — халқ...»

— Ҳамма йиғилди, — деди сабри тугаган Ҳаму.

Зайдон чўчиб тушди. Атрофдагиларга кўз югуртирар экан, ўнғайсизланиб кулди.

— Узр.

Ўйларни бир четга суриб, асосий ишга ўтишга қарор қилди. Олдин жангчиларга янги келган ўртоқларни таништирди. Улар бизга мустаҳкам таянч бўлишади, деб умид билдирди. Янги ўртоқларга командир ва бошқа масъул кишиларни таништирди. Улар каби ботир, диловар, сабр-бардош ва намунали ахлоқ эгалари бўлишга чақирди. Ҳақиқат йўлида, душманларга қарши курашда жангчининг янги келгани ёки эскилиги, мансаби юқори ёки пастлиги ҳеч қандай роль ўйнамаслиги кераклигини тушунтирди. Жангчилар душманга қарши курашга доим тайёр туриши, жангчининг қадр-қиймати душман билан мардона жанг қилиши билан баҳоланиши, бу жангчи учун асосий ва ёлғиз мезон эканини таъкидлади. Сўнг ўз ҳисоботига ўтди.

Командирнинг ҳисоботи одатдан ташқари қисқа бўлди. У на ҳужум тафсилотлари, на ўзи амал қилган режа ҳақида гапирди. Энг муҳим нарсалар тўғрисидагина тўхталди.

— Ҳужум муваффақиятли утди. Шарқдан келатган карвон бемалол ўтиб кетиши учун назорат пунктига ўт қўйиш ўрнига уни ер билан яксон қил-

дик. Соқчилар ўлдирилди, ярадор қилинди. Саксон беш миллиметр калибрли оғир тўп қўлга киритилди. Бундай қурол биринчи бор қўлимизга тушиши. Рация ҳам ўлжа олинди. Энди бизда иккита рация бор. Булардан ташқари бир мунча ўқ-дори қўлга киритилди. Фақат биродаримиз Бсн Абдулла қурбон бўлди... Йигитларимиздан Рамазон моҳир жангчи эканини намойиш қилди. У граната билан душманининг таянч нуқтасини портлатиб, катта ёнғин чиқарди. Унинг сафимизга қўшилганидан хурсандман. Сизнинг номингиздан Рамазонни ва унинг ўртоқларини қизғин қутлайман. Уларнинг бизга ҳали ёрдами тегади деган умиддаман...

Охирида иккинчи группа командири Носир ҳисобот берди. Зайдон унинг сўзини бир неча бор бўлишга мажбур бўлди.

— Тафсилотларга берилма. Ҳаммаси қатл қилинганми?

— Ҳа.

— Операция давомида қандай муҳим нарсасодир бўлди?

— Танасидан жудо бўлган каллалар гапирди.

— Эҳ, қатл тафсилотини эмас, бутун операция давомида содир бўлган муҳим нарсаларни сўраяпман.

— Хотин эрини сотди. У яширинган жойини кўрсатиб берди. Унинг ўлимидан таъсирланмади ҳам.

— Сен бундан қандай хулоса чиқардинг?

— Мен эмас, у аёл хулоса чиқарди. Эри амакисининг ва жиянининг ўлимига зомин бўлган экан, ҳаракатчилар сержантига хотинини қўшиб қўйиб, қачон ўғилми, қизми туғиб берасан, деб сўрар экан?

— Яна нима?

— У ўзимиз билан олиб кетишимизни илтимос қилди. Борган бўлса йигирмага борган. Ҳали қиз боладек. Келишган... Менга юз минг франк берди, иона сифатида.

— У аёлнинг ҳол-аҳволи ҳақида кейин гаплашамиз. Яна нима?

— Эри ўзи билан ишлайдиган барча хоинлар рўйхатини ёзиб берди. Мен ўлдирганлар ичида улардан фақат биттасигина бор.

Ал-Лаз, сенда барча инсоний хислату бутун олам пушти бор. Сен — денгизсан гўё, йўқ, йўқ, сен — халқнинг ўзи. Мутлақ халқсан, қандай тушунсанг ҳам уни.

Биламан, Ал-Лаз, сен на бойсан, на ақлан фақир, на инқилобчи, на мустаслам ҳақир. Саводсизсан, лекин ўзгалардан фарқинг бор. Ёш бўлсанг ҳам Ал-Лаз — мен учун жумбоқнинг ўзисан. Унинг қалбига қандай йўл топсам экан? Балки меҳр-муҳаббат билангина вужудига кирарман...

Энг муҳими Ал-Лазнинг идроки ёмон эмас, ғайришуурий сезиш, ҳис қилиш қобилияти кучли унда. Бу жиҳат ит, мушук ёинки бошқа ҳайвонларда ҳам учрайди. У борлиқни фасод босганини англаб етади, идрок қилади, уни ўзига хос усулда ҳал этмоқчи, ситиб ташламоқчи бўлади. У — денгизнинг ўзи. У — халқ...»

— Ҳамма йиғилди, — деди сабри тугаган Ҳаму.

Зайдон чўчиб тушди. Атрофдагиларга кўз югуртирар экан, ўнғайсизланиб кулди.

— Узр.

Ўйларни бир четга суриб, асосий ишга ўтишга қарор қилди. Олдин жангчиларга янги келган ўртоқларни таништирди. Улар бизга мустаҳкам таянч бўлишади, деб умид билдирди. Янги ўртоқларга командир ва бошқа масъул кишиларни таништирди. Улар каби ботир, диловар, сабр-бардош ва намунали ахлоқ эгалари бўлишга чақирди. Ҳақиқат йўлида, душманларга қарши курашда жангчининг янги келгани ёки эскилиги, мансаби юқори ёки пастлиги ҳеч қандай роль ўйнамаслиги кераклигини тушунтирди. Жангчилар душманга қарши курашга доим тайёр туриши, жангчининг қадр-қиймати душман билан мардона жанг қилиши билан баҳоланиши, бу жангчи учун асосий ва ёлғиз мезон эканини таъкидлади. Сўнг ўз ҳисоботига ўтди.

Командирнинг ҳисоботи одатдан ташқари қисқа бўлди. У на ҳужум тафсилотлари, на ўзи амал қилган режа ҳақида гапирди. Энг муҳим нарсалар тўғрисидагина тўхталди.

— Ҳужум муваффақиятли утди. Шарқдан келатган карвон бемалол ўтиб кетиши учун назорат пунктига ўт қўйиш ўрнига уни ер билан яксон қил-

дик. Соқчилар ўлдирилди, ярадор қилинди. Саксон беш миллиметр калибрли оғир тўп қўлга киритилди. Бундай қурол биринчи бор қўлимизга тушиши. Рация ҳам ўлжа олинди. Энди бизда иккита рация бор. Булардан ташқари бир мунча ўқ-дори қўлга киритилди. Фақат биродаримиз Бен Абдулла қурбон бўлди... Йигитларимиздан Рамазон моҳир жангчи эканини намоён қилди. У граната билан душманининг таянч нуқтасини портлатиб, катта ёнғин чиқарди. Унинг сафимизга қўшилганидан хурсандман. Сизнинг номингиздан Рамазонни ва унинг ўртоқларини қизғин қутлайман. Уларнинг бизга ҳали ёрдами тегади деган умиддаман...

Охирида иккинчи группа командири Носир ҳисобот берди. Зайдон унинг сўзини бир неча бор бўлишга мажбур бўлди.

— Тафсилотларга берилма. Ҳаммаси қатл қилиндингми?

— Ҳа.

— Операция давомида қандай муҳим нарса содир бўлди?

— Танасидан жудо бўлган каллалар гапирди.

— Эҳ, қатл тафсилотини эмас, бутун операция давомида содир бўлган муҳим нарсаларни сўраялман.

— Хотин эрини сотди. У яширинган жойини кўрсатиб берди. Унинг ўлиmidан таъсирланмади ҳам.

— Сен бундан қандай хулоса чиқардинг?

— Мен эмас, у аёл хулоса чиқарди. Эри амакисининг ва жиянининг ўлимига зомин бўлган экан, ҳаракатчилар сержантига хотинини қўшиб қўйиб, қачон ўғилми, қизми туғиб берасан, деб сўраб экан?

— Яна нима?

— У ўзимиз билан олиб кетишимизни илтимос қилди. Борган бўлса йигирмага борган. Ҳали қиз боладек. Келишган... Менга юз минг франк берди, иона сифатида.

— У аёлнинг ҳол-аҳволи ҳақида кейин гаплашамиз. Яна нима?

— Эри ўзи билан ишлайдиган барча хоинлар рўйхатини ёзиб берди. Мен ўлдирганлар ичида улардан фақат биттасигина бор.

— «Мен ўлдирган» дема. Балки «Биз ўлдирган, биз қатл қилган» де. Чунки уларни биз ўлимга ҳукм қилдик. Сен фақат ҳукми ижро этувчи, бажарувчисан, холос. Биз ўлдирдик, тушундингми? Аслида бу ишни адо этишда сендан бошқалар ҳам, ҳамма иштирок этиши керак эди.

— Мана, рўйхат.

Ҳисобот тугаши билан Зайдон операциянинг снёсий таҳлилига ўтмоқчи бўлиб турганда бир соқчи югурганича келиб, маданий кийим кийган қандайдир киши тоғ томонга кўтарилаётганини, ҳаракатидан кўзлаган муайян йўналиши йўқдек кўринганини хабар қилди.

— Яхши. Уни тўхтатиб бу ерга олиб келинглар, — деди Зайдон боши билан Ҳаму ва икки партизанига имо қилиб. Қолганларга шу яқин ўртада дам олишга ижозат берди. Ўзи бўлса, қояга суянганича номаълум шахсни кутиб қолди. У ким, уни бу ерларга қандай савдо олиб келганини Зайдон билмасди.

Зайдоннинг ўнг қўли беихтиёр нимадир излаб чўнтагига тушди. Кейин чап қўли ҳам шундай қилди. «Эҳ, лаънати тамаки! Ҳеч унутиб бўлмапти-я! Чекишни ман қилишганига уч ой бўлипти-ку, ҳали ҳам кўника олмайман. Чекишни ман этилиши — демагогиянинг ўзи. Нима, фақат тамаки Франция маҳсулотими? Бизда ўстириладиган буғдой ҳам Франция моли, гўшт ҳам, ёғ ҳам Францияники. Лекин колонизаторлар хазинаси ўз фойдасининг етмиш беш фоизини тамакидан олади.» «Ҳозир сен ўз ҳиссиётингга берилиб гапираяпсан, бу қўлбола қилиб ўралган яхши тамакини қўмсаб турган лабларинг гапи...» — дер эди ички нидо. — Бизнинг бутадбирдан сўнг Франция хазинаси ҳар куни ўн миллионларча маблағдан маҳрум бўлмоқда, халқнинг бир шиори остидаги жипслиги ошмоқда. Бу ҳеч бўлмаганда инқилобий кўрсатмаларнинг қанчалик самаралилигини кўрсатадиган тажриба. Мен бунга тўла ишонаман, лекин ман этилган нарсга ёмон хумор қилаяпти, унга дош бера олмаяпман. Ахир мен ўн беш ёшимдан бери чекаман. Агар қора, кучли тамакидан ўралган сигарета қўлимга тушса, тутатиб юборсам керак... Менга нима бўлди, валдирай бош-

ладим. Эҳ, бу ерда мен билан Франсуа Морнак ва унинг юраксиз, қўрқоқ қаҳрамони «Тереза Декейру»¹ ҳақида гаплашишга ҳам ҳеч ким тополмайди. Тўғри, Тереза Декейру бир рамз. У орқали муаллиф ўзи хоҳласа-хоҳламаса ҳам халқини, қандай қилиб бу халқ буржуа ҳаёт тарзи қурбони бўлганини кўрсатади. Лекин халқнинг норозилиги, қаҳр-ғазаб сабабларини тўла-тўкис очиб бера олмайди, уни ҳаддан ташқари мағлуб ва мазлум, итоаткор ва муте қилиб кўрсатади. Буржуа ҳаёт тарзи уни Парижга улоқтиради. Тереза Парижда пардоз-андоз, упа-элик қилиб қаҳвахонама-қаҳвахона изғиб юради, ёш-яланглар билан сигарета тутатади. Тереза Декейру... Унинг ҳаёти Коммуна мағлубиятга учрагандан кейин янгитдан бошланади. Лекин бу ҳаёт энди беҳаё, беномус, на виждони, на қалби бор фоҳиша аёлнинг ҳаёти эди. Ор-номуси оёқости қилинган, топталган бир суюқоёқнинг ҳаёти эди. Унда ажойиб, ёрқин бадий услуб ва бўёқлар бўлгани билан у объективлик ва гражданлик руҳидан холидир. Миллатнинг қаддини букиб, иродасини синдириб бўлмайди. Мабодо шундай бўлганида ҳам, Тереза каби тубанликка, пасткашликка бормайди, Тереза ўзига эп кўрган ишларни миллат асло қилмайди. Балки у китоб ниҳоясида бизни Франциядаги инқилоб — коммуна воқеалари билан рўбарў қилар, унинг рамзини яратар... Йўқ, шу нарса аниқки, Франсуа Морнак ўз атрофида бўлган, бўлаётган воқеаларга ўзи мансуб синф кўзи билан қарайди, ўзининг руҳий ҳолатини ўз синфи рамзида талқин этади, холос. Франсуа Морнак экзистенциалист² ёзувчи. Тереза Декейру эса ўзига жонбозлик, фидойилик ёт инқилобчи, исёнкор, лекин унинг исёни зоҳирида эмас, ботинида, ҳа, ҳа, ботинида унинг... Йўқ, уни инқилобчи деб ҳам бўлмайди. У ҳеч ҳам инқилобчи эмас. Йўқса, нега ҳеч

¹ Тереза Декейру — Франция ёзувчиси Франсуа Морнак қаламига мансуб роман.

² Экзистенциалист — ҳозирги замон буржуа философияси ва адабиётида жаҳолатпарастликнинг энг реакцион формасини тарғибот қилувчилар; улар меҳнаткашларнинг реакция кучларига қарши курашнинг фойдасиздир, деб ишонтиришга ҳаракат қиладилар.

нарсадан ҳеч нарса йўқ ўз эрини заҳарлади. Жўжаларини ажратган товўқдек ўз қизининг кўкрагидан итарди, уни тарк этди. Айни вақтда на алам чекди, на изтироб... Фақат сокин қишлоқдаги зерикарли, ҳамиша бир хил ҳаёт ич-ичини ўртади, уни Парижга томон ундайди. Франсуа Мориака ёқадими-йўқми барибир Тереза Декейру қишлоқда яшаш лаззатини, шавқу завқини йўқотиб, Парижга кетишга уринган буржуа аёлининг ўзгинаси, унинг типик образи. Гап мана шу ерда... »

— У катта бошлиқдан хат олиб келган эмиш. — деди Ҳаму кулранг қашабийяга ўралган, баланд бўйли, кенг елкали, сочлари сийрак кишини кўрсатиб. У оқ танли бўлиб, кўзлари катта-катта, бурни бургутнинг бурнини эслатар, ияги олдинга чиққан, бет суяклари бўртган, пешонаси тор, сочлари малларанг, оғзи катта, лаблари бесўнақай эди. Қарашларида ҳорғинлик сезилиб турса-да, бошини мағрур кўтарганича оёқда мустаҳкам турарди.

Зайдон у билан сўрашгани ўрнидан турди. «Чет элдаги бошлиқлар бу ердаги «катта бошлиқнинг» рапортига жавоб қилгандирлар. Масала кескин, жиддий тус олиши турган гап» хаёлидан ўтказди у.

— Салом, ўтир.

— Икки кундан бери шу тоғда адашиб юраман.

— Қалаванинг учини йўқотибсанда бўлмасам.

— Ҳа, чиндан ҳам шундай. У ўртадаги ихтилофлар туфайли шарқий жабҳадаёқ узилганди. Бундан хабарингиз йўқдир, ҳойнаҳой?

— Қисман эшитдик. Штабдан қачон чиққан эдинг?

— Йигирма кунча бўлди. Ўзинг биласан, ихтилофлар туфайли... Биз тўрт киши эдик, уч киши ҳалок бўлди. Келишмовчилик сабабли, ўзинг биласан...

— Сен ихтилофлар боисидан келдингми? — сўради Зайдон ва Ҳаму билан турганларга кетишга рухсат беришдан олдин уларга бир қараб олди. Ҳаму бошини сарак-сарак қилганича «меҳмонни» тинтиб чиқди.

— Йўқ, гап бошқа ёқда, — деди бояги одам. — Мен сенга келдим.

— Нимага?

— Катта бошлиқ сен билан муҳим бир масалада гаплашмоқчи.

Сариқ самолётлар разведкага учиб келмади. Де-мак, тоғни қуршаб олиш, қамал-қилиш эҳтимолдан узоқ. Отряд душман қўққисдан ҳужум қилиб қолиши мумкин бўлган ерлардан анча узоқлашиб кетган эди. Ҳақиқатдан ҳам қуршов ёки қамал одатда эрта тонгда бошланади. Унгача танк ва бронетранспортерлар чироқларини ўчирган ҳолда қурол-аслаҳа ва солдатларни жой-жойига тушириб, ўзи стратегик қулай мавқени эгаллаб олади. Аскарлар эрта тонгда учиб келадиغان бомбардимончи самолётларни кутишганича аста-секин қоялар сари тирмашиб кетишади. Артиллерия тўпларининг ваҳимаси остида осмондан бомба ёғилади. Унда-мунда фронтнинг у ер-бу ерида бўладиган қисқа отишмалар, айрим тўқнашувлар ҳисобга олинмаса, қуёш ғарб томонга оғиб, уфққа бош қўйгунича жанг бир тарафдагина давом этади. Кун ботгандан кейин партизанлар атайин кичик-кичик группаларга бўлиниб, қуршовни ҳар ер, ҳар еридан турли йўллар билан ёриб ўтиш пайига тушади. Бунинг уддасидан чиққанлар эса мудофаа учун қулайроқ яна бошқа жойга кўчишади. Бундай қамал бир неча кун давом этади ва бир қатор раёнларни ўз ичига қамраб олади. Пировардида у ҳал қилувчи тўқнашувга айланади ва партизанлар фойдасига ҳал бўлади. Чунки душман ўз олдига инқилоб жангчиларини таг-туғи билан йўқ қилишдек ғайритабиий мақсадни қўяди. У жангчиларнинг кичик бир группалари билан олишаётганини англамай, ўзининг бесўнақай гавдасини бор кучи билан улар устига ташлайди. Партизанлар бўлса, бу беўхшов, қўпол гавданинг дуч келган еридан бўлак-бўлак қилиб узиб ола бердилар...

Зайдон дам олмоқда эди. Унинг гоҳ кўзи илинса, гоҳ уйқуси ўчиб, хаёл суриб кетар ёки меҳмонга унибуни гапирган бўларди. Шу зайлда соатни тўрт қилишди. Кейин ўрнидан туриб ўзининг ёрдамчилари: спёсий ишлар бўйича масъул, молня ишлари бўйича масъул, кеча ташкил қилган уч группанинг командирларини ва разведка бўлимининг бошлиғи — Ҳамунни йиғилишга чақиртирди.

Зайдон бирор ерда қўним топмай, узоқ вақт у ёқдан-бу ёққа юрди. У ҳозирги вазиятдан қандай қу-

тулиб чиқиш ҳақида бош қотирар, ҳар хил хаёл ва ўйларга борарди. .

«Ҳа, вазият жуда жиддий, катта аҳамиятга молик. Биз токи ҳаёт эканмиз, ўқиймиз, ўрганамиз, инқилобий ишлар билан шуғулланганимиз сари тажрибамиз ошади, ўзимиз учун янгиликлар ихтиро қиламиз. Бу ҳақда аввалроқ ўйлашим, ҳеч бўлмаганда шу пайтгача, кеча ўйлашим керак эди. Бошлиқ учун ўз ўринбосари ҳақида охириги лаҳзаларгача ўйламаслик катта хато, аҳмоқлик, ҳатто ғўрликдир. Бу худбинлик, манманлик, фиръавнларча¹ фикр юритиш. Мен йўл қўйган энг катта хато бир пайтнинг ўзида уларнинг ҳаммаси ҳақида ўйлаганим. Уларнинг барини бошлиқ, масъул кишилар сифатида кўришни истаганим. Улар орасида на ўринбосарларим, на ёрдамчиларим бор. Чиндан ҳам ўзимдан бошқа ҳеч кимга ишонмабман, уларга оталарча насиҳат қилишнигина ўзимга фарз деб билибман. Худбинлик, фақат ўзигагина ишониш, жанг моҳиятига енгил-елпи қараш. Буржуа ўзбошимчалигининг ўзгинаси эмасми бу?!

Нима бўлганида ҳам масала жуда жиддий қўйилган. Унинг оғирлиги менга тушади, уни мен ҳал қилишим керак. Қимни тайинласам экан?

Укам Ҳамуними? Унда бошқа томондан ютқазамиз. Ҳозир у энг керак, энг аҳамиятли ишни бажараяпти. Фидойилик инқилоб руҳидир.

Сиёсий ишлар бўйича масъул-чи? Чиндан ҳам унинг синфий онгини ошириш учун бор кучимни ишга солдим. Натижада ундаги бу сифат қирқ фоизларга ошди. У олдин оддий бир қуръон ўқитувчиси эди. Ўзи тушунмаган ҳолда оятлар ўқир, оддий гапларни ҳам пайғамбар ёки унинг саҳобаларига олиб бориб тақар, ўрни бўлса ҳам, бўлмаса ҳам саждага бош қўярди. Инсон боласи нимаки қилмасин азалда пешонасига ёзилган қисматнинг у ёки бу кўринишини кўргилик деб биларди. Икки гапнинг бирида ўз пири Али ибн ал-Ҳафасий сўзларини келтирар эди: «Франция қўли лой ҳолда чиқиб кетади...» У доимо Франция «ўз бино» сини қура бошладим, деб сўраб қўярди. Чунки бу «унинг ҳалокатидан дарак» деб

¹ Фиръавн—қадимги Миср подшоҳи.

ишонарди. «Франция қўли лой ҳолда чиқиб кетади!» Бир марта унга кимдир: «Франция ўз биносини лойдан эмас, цементдан қуриб кўтаради» деб ҳамманинг ичагини узган эди. Қариянинг жаҳли чиққан ва ҳазрат Али ибн ал-Ҳафасий нима дейишни билади, бунинг кулгили жойи йўқ, чунки цемент ҳам ердан олинади, модомики ҳазрат Али ибн ал-Ҳафасий шундай деган экан, демак тўғри», деган эди. Унинг қулоғига жаранглаган товуш кириши билан: «Салавот!» деб ғулдураб қўяр ва ҳазрати Абдуллоҳнинг қиличлари, отларининг юган-жилови, эгари, узангинининг овозини эшитганмисиз, деб сўраб қўярди. Ҳозиргина унинг жаранги эшитилди. Мана неча юз йиллардан бери у кишим самода у ёқдан-бу ёққа от қўйиб юрадилар... Бир куни кимдир ундан сўраб қолди. «Жаноб Абдуллоҳ нега шундай қилади?» У бир оз жим турди, сўнг жавоб қилди: «Оллоҳнинг аскарларини топиб, ўз амакисининг ўғли ҳазраги Алининг ғалабаларини таъминлаш учун-да, албатта» «Демак, бир куни у бизнинг олдимизга тушар экан-да», қўшиб қўйди яна бир киши. У шоша-пиша таъкидлади: «Биз оллоҳнинг аскарлари даражасига етсак, ажаб эмаски, жаноб Абдуллоҳнинг ўзлари олдимизга тушсалар. Оллоҳнинг мухлис аскарларининг бари азиз раббимизнинг сўзлари — Қуръони каримни ёддан билишади».

У отрядга мендан икки ой олдин келган, сиёсий ишлар бўйича масъул вазифасида экан. Одамлар содда эмасми, уни авлиё билиб, нима деса ҳаммасига мутлақ ишонишар экан. Уни ўзгартиришга унча шошилмадим, ўз ҳолига қўйиб қўйдим. Кўп ўтмай у ўзи айтаётган гапларидан ўзи хижолат тортадиган бўлиб қолди... Зеҳни ўткир, ҳозиржавоб бўлгани билан умр бўйи ночор, фақир яшаган, кўп хўрликлар кўрган. Йўқ, у ҳарбий бошлиқликка ярамайди. Яхши раҳбар халқ учун ҳам, аскарлар учун ҳам кўп нарсаси, ҳамма нарсаси демакдир. Сиёсий ишлар бўйича масъул бақувватроқ ҳам эмас, бўш, бунинг устига тилёғламаликка ўрганиб қолган, аскарлар билан муомалада масъул кишиларга хос қатъийлик етишмайди унда.

Молиявий ишлар бўйича масъул-чи? Ақлли, ўқимишли йигит, фикрлаш қобилияти ўткир, лекин ҳали

ҳам атрофидагиларга нисбатан бепарво, лоқайдлик иллатидан қутулганича йўқ, гўё улардан нафратланади, дейсан, киши. Устига устак ўлгудек одамови, писмиқ. Биринчи галда уодамларичида бўлиши керак, фақат одамларгина унинг ўзини четга тортиш одатидан халос қилишга қодирдирлар.

Бўлмаса, кимни танласам экан? Қапрал Рамазонними? У бизнинг сафимизга кечагина қўшилди. Юрагига қўл солиб кўрганимча йўқ. Умуман олганда, у бошлиқликка ярайди. Лекин олдин асаблар урушида синалиши, онгига буржуа ҳукумат армиясининг тарбияси сингдирган кўнгилли бўлиш ёки ёлланиш ўйидан бутунлай қутулиши зарур. Уни сафарга ўзим билан олиб кетаман.

Қизиқ, кимни тайинласам экан? Ўзи бор куч-қудратимни бир йўла буларнинг ҳаммасини тарбиясига сарфламай, олдин бўлажак раҳбарлар ҳақида ўйлашим, сараланган авангард отряд яратишим керак эди. Мен эса бир кун келиб армиямиз, албатта, улғаяди, унғача мана шу олдимдаги кишиларнинг бари бошқариш санъатини пухта эгаллаган раҳбарлар бўлиб етишади, деган умидда эдим... Ўрнимга ким қолади? Бу муҳим тарихий вазифани кимга топшираман?

Биринчи группа командири-чи? Бақувват, довюррак, сабр-тоқатли, фаҳм-фаросати ҳам чакки эмас. Саводсизлигига қарамай, командирликка — бошлиқ бўлишга лойиқ. Лекин кечагина уни группага бошлиқ қилиб тайинладим. Ҳар қалай, олдида қўйилган вазифанинг уддасидан чиқди. Инқилобий ишда юқори мансаб ёки мавқе деган нарса бўлмайди. Лекин командирлик муайян малака ва тажрибани талаб қилади.

Иккинчи группа командири... Мана сизга «уста» қон тўкувчи! Қўйиб берсанг, бир зумда портлаб кетади.

Учинчи группа командири-чи? Ҳаракатчанг, ҳозиржавоб, икки тилда бемалол ёзади. Ҳали йиғирма бешга ҳам кирмаган, лекин бўлар-бўлмас сабаблар билан ўртоқларига нафрат кўзи билан қарайди. Оиладаги аҳволи ҳамон мураккаб. Уйда эркак зотининг ўзидан йиғирма олтита. У эса отасининг бир тўда хотинларидан биттасининг ўғли, холос. Гина-

кудурат ва худбинлик уни эзди. Уйлагани ўзини кўрсатиш. Ҳозирча у командирликка, бошлиқ бўлишга лойиқ эмас.

Биринчи группа командирини тайинлайман, васалом».

Узоқ ўйдан сўнг Зайдон ўзини сабрсизлик билан кутиб турган одамлар олдига ўтирди. Ингилганларнинг ҳар бири юқоридаги раҳбарлардан қандай буйруқ ёки кўрсатма келиши мумкинлигини ўйларди. Элчи келгани ҳақидаги хабар тезда жангчилар орасига ёйилган ва бу эса ўз навбатида уларда ўзларига зўр ишонч ва қатъият уйғотганди. Улар кундуз кунлари ўрмонда яшириниб, кечалари ялағликка чиқадиган, гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб кетадиган айрим бир отряд эмас, йўқ, улар бу ердан улкан ватаннинг энг чекка нуқтасигача тарқалган катта, бутун бир отряднинг бир бўлагиди. Йўқ, улар ёлғиз эмаслар...

Ҳаму акасининг юзига тикилди. «Унинг чеҳрасида интиқлик аломати. Одатда Зайдон хоҳ хурсанд бўлсин, хоҳ хафа ташқи қиёфаси ўзгармасди. Мияси инҳоятда муҳим бир масала билан банд бўлсагина, юзи ўзгача тус олиши мумкин эди. Бу малла қўмондонликдан қандай хабар келтирди экан? Эсимда, бир марта Зайдон менга: «Ота-боболаримиз малла, кулранг ёки сарғиш сочили одам ёки шу рангли ҳайвонларни ҳосиятсиз бўлади, деб билганлар. агар бозоргани ёки бошқа ерга кетаётганларинда шундайларга дуч келишса, шартта ўғирлиб орқаларига қайтганлар. Шу бондан ҳозиргача ҳам келишни фақат қора хачирда олиб келишадилар», деган эди. Бу гапларга маҳаллий аҳоли билан римлик келгиндилар ўртасидаги адоватни сабаб қилиб кўрсатганди. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг барча афсоналаримизда роҳиб ёки римликлар малла ва мовий кўзли қилиб тасвирланган. Авлод-аждодаларимиз римликлар тилини асло ўрганмаганлар, бунга уринмаганлар ҳам, лекин араб тилини жуда тез ўзлаштириб олганлар, деб айтарди».

— Азиз биродарлар, мен кетяпман. Сафарим узоққа чўзилиши турган гап. Раҳматли биринчи командиримиз вафотидан кейин унинг ўрнига мени

сайлаган эдингиз. Ана шундан бери сизларни биринчи бор тарк этишим. Қайтиб келгунимга қадар, менинг вазифамни бажариб туришни сизлардан бирингизга топширмоқчиман.

Зайдон ўйланиб қолди. «Агар қайтсам, яна ким билади!.. Олдинда узоқ ва машаққатли йўл, бунинг устига шошилиш равишида чақиртиришган.»

— Ҳа, биродарлар, мен кетаяпман. Тезда қайтмасам керак. Шунинг учун ўрнимга кимндир тайинлашим керак. Мен узоқ ўйлаб ўрнимга...

— Бу гап ҳам сайлов ўтказсак бўлмайdimи? — унинг гапини бўлди сиёсий ишлар бўйича масъул.

Зайдон мийиғида кулиб бир зум савол берувчига қараб турди. «Яхшилик уруғи уна бошлабди. У минг бор ҳақ. Бу уруғ ҳозирдан бошлаб демократиядан озикча олиши керак. Бугун шундай қилинса, эртага унинг қўлами янада ортади, уни ҳар бир ишда қўллаш мумкин бўлади. Унда Наполеон ҳам, Франко ҳам, Бисмарк ҳам Ричард Ш га «Яхши, сен арши аълога шоҳ бўлиб кўтариладинг. Лекин барибир сайлов ўтказишга тўғри келади», дея олади.»

— Тайинлаш масаласи ниҳоясига етгач, албатта, сайлов ўтказамиз. Аммо мен ўзимга ўринбосар тайинлашга ҳақлиман, — деди командир ўз мавқеига муносиб виқорли товушда.

— Сен жўнаб кетаяпсан, йўлинг олис. Биз эса шу ерда қолаяпмиз. Ўйлайманки, бу масала ҳаммамиз учун муҳим, — гапга қўшилди Ҳаму.

— Гап деган бундай бўпти-да, — деди аллаким яна.

— Мен си Зайдоннинг ўзига ўринбосар тайинлаш фикрига қўшиламан, — гап қистирди иккинчи группа командир.

— Мен ҳам, — қўшилди учинчи группа командир.

Зайдон яна ўйга толди: «Чолнинг кўп сонли хотинларидан бирининг ўғли» демократиядан чўчиса ажаб эмас, лекин «уста санъаткор» нега ундан қўрқадди. У қанақасига санъаткор бўлсин. Ўзинча ишбилармон, аслида уддабурон чайқовчи, оппортунист, ҳанузгача бир кечада етти кишининг калласини олти маънисига етмайди.

— Агар сайлов ўтказиш шарт бўлса, мен ўртоқ биринчи группа командир номзодини кўрсатаман.

Ҳаму акаси одатдаги «биродар» сўзи ўрнига «ўртоқ» сўзини ишлатганини сезди, демак таклифи қатъий, бажарилиши лозим. Шундай экан, ҳар қандай сайлов расмиятчилик юзасидангина ўтказилди.

Номзоди кўрсатилган командирни Зайдонга нима шунчалик яқинлаштирганини билиш учун унга қаради. Лекин унинг чақмоқтошдек қаттиқ қотган юзидан ўзга нарсани кўрмади. Шундай бўлса ҳам, унга овоз бериш учун қўлини кўтаражагини ўйлаб қўйди.

Ҳаммининг кўзи биринчи группа командирда эди. Ингилланларнинг одами тешиб юборгудек синчков қарашлари олдида номзод ўзини йўқотмади, юзида ҳам ҳеч қандай ўзгартириш сезилмади. Зайдон ўзи танлаган кишидан мамнун бўлди. Мана бу — командир, саводсиз бўлса ҳам буни командир деса бўлади, деди ичиди. Ўз ихтиёрининг сабабини тушунтириб, биродарларида қаноат, қониқиб ҳосил қилсамкан ёки жумбоқ жумбоқлигича қолавергани, номзодидаги ҳар бир янги қирра очилгани сари уларнинг ҳайратларига ҳайрат қўшилгани яхшими? Лекин ҳали бир қарорга келишгани йўқ. Ўйлашяпти. Ҳатто қон тўқувчи — «санъаткор» ҳам ўйлашяпти, уйда-бурон — ишбилармон ҳам. Улар демократия мева-сини тотиб кўришяпти. Қандай ажойиб! Мен бошқариш бахтига муяссар бўлган мана шу кичик отряд демократия микробин билан заҳарланган. Тағин ўз ҳаётининг энг долзарб лаҳзаларида-я. Йўқ, бу куртак қуримайди, униб ўсади.

— Модомики сайлов ўтказар эканмиз, мен бир эмас, бир неча номзод кўрсатишни таклиф қиламан. Лоақал иккита бўлсин, — деган фикрни ўртага ташлади молиявий ишлар бўйича масъул. Ҳамма у томон ўгирилди.

«Ҳа, — деди ўзича Зайдон, пешонасини ишқалаб, — молли аҳлига демократик централизм ёқмайди, бу аниқ. Ҳали ўз ўрнини топмаган бу йигит тез ўқингани билан секин уқади».

— У ҳолда, биринчи группа командирин билан бир қаторда ўртоқ Ҳамунинг номзодини кўрсатсак, — таклиф киритди сиёсий ишлар бўйича масъул.

Зайдон масалага энди қандай ёндошиши ҳақида ўйлай бошлади. «Франко. Наполеон, Бисмарк ва Ричард III ҳам ўзларига берилган овоз сонини

эълон қиллишга пложлари бўлганида демократик централизмдан фойдаланишган бўлар эдилар. Шу зумда моллиявий масъулнинг нуқтаи назари жуда тўғри. Чунки у мен томонимдан тазйиқ бўлаётганини сезаяпти. Бошқалар ҳам шундай. Уларни ўз ҳолига қўйсаммикан ёки аралашганим яхшиммикан? Нега энди Ҳамуни? Нега сиёсий ишлар бўйича масъул унинг номзодини кўрсатди? Нима, меннинг олдимда ялтоқланаяптими ёки бу билан у ўз номзодини кўрсатишга шама қилаяптими, балки мен ўз укамнинг номзодини кўрсата олмаслигимни ҳисобга олаётгандир. Нега укамнинг номзодини кўрсата олмаслигим керак? Ҳаму ажойиб инсон, дойурак жангчи. Унинг бу фазилатларини ҳамма яхши билади. Номзоди кўрсатиладиган бўлса, бир овоздан сайланади. Укам бундай ишончга лойиқ. Лекин у ҳозир эгаллаб турган муҳим бир участкада бўшлик ҳосил бўлади. У ҳолда биз олиб бораётган жанг фидойилар жангига айланиб қолади. Ҳарбий операцияларнинг характери ўзгаради. Барчамиз партизан бўлиб қоламиз. Йўқ, Ҳамуни кўтариш керак эмас. Раҳбарлик мерос эмаслигини улар тушуниб етишлари керак.»

— Бир эмас бир неча номзод кўрсатиш жуда маъқул гап, — деди Зайдон. — Бундай ҳолларда командир вазифасига бир неча номзод кўрсатиш демократик нуқтаи назардан ҳам тўғри. Лекин сизнинг ишончингизни оқлаб келаётган командир бир номзодни таклиф қилган экан, аввал ўша номзод учун овоз беришимиз керакми? Мени тушунаяпсизларми? Сизнинг ҳар бирингиз командирликка номзодсизлар. Ҳар бир жангчи командир бўлмоғи керак. Сиз токи кимдир энг кўп овоз олгунича бирма-бир номзод кўрсата беришингиз мумкин. Ҳақиқий демократия озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, акси эмас. Бу аниқ. Биз етти кишимиз. Шу жумладан мен ҳам овоз бераман. Бизга керак бўлган кўпчилик овоз — тўртта. Қолган озчилик кўпчилик фикрига қўшилмоғи шарт. Шу гапимга розимисизлар? Олдин биринчи группа командирини учун овоз берамиз, колганини кейин кўрамиз. Нима дейсиз, сайловни очиқ овоз бериш йўли билан ўтказамизми ёки ёпиқ овоз бериш йўли биланми?

— Ёпиқ, — жавоб берди шоша-пиша сиёсий иш-

лар бўйича масъул. Қолганлар ҳам бош ҳаракати билан тасдиқ ишорасини қилишди.

Зайдон қоғоз олиб уни етти бўлакка бўлди ва эълон қилди:

— Бир рақами «ҳа», икки рақами «йўқ» маъносини англатади. Ҳаммангиз рақамларни ёзишни биласиз. Фақат жавобсиз ёки бетараф бўлмасин. Бу ерда гап ҳар биримиз тўғримизда кетаётгани йўқ, гап бутун мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган буюк иш ҳақида бораяпти. Мана сизларга варақчалар... Ёзиб бўлганлар бу ерга қўяди.

Улар ўзларини бир-бирларидан пана қилганларича икки рақамдан бирини ёзишга тушишди. Шу йўсинда ўзларининг «ҳа» ёки «йўқ» ларини эълон қилишмоқда эди. Зайдон эса, жимгина уларни бирма-бир кузата бошлади.

«Ҳаму «ҳа» деб овоз беради, чунки биринчидан ўзининг номзоди кўрсатилган, иккинчидан мен «ҳа» деб овоз беришимни билади. «Уста» қон тўкувчи, уddaбурон — ишбилармон иккаласи ҳам «ҳа» деб ёзади. Нега деганда уларнинг номзоди кўрсатилса ҳам кўп овоз олишолмайди, қолаверса бу иш улар учун арзимас бир нарса, холос. Молиявий масъул — банкимиз мудирин «ҳа» деб овоз беради. Чунки раҳбарлик шуни истаётганини сезиб турипти. Бошқатдан сайлов ўтказиш бекорга вақтни кетказиш демакдир. Бундан унга фойда йўқ. Учта овоз бўлди, меники билан тўртта. Демак кўпчилик овоз бўлади. Бу ёқда яна номзоди кўрсатилган ўртоқнинг ўзи бор. У ҳеч бўлмаганда номзодини кўрсатган кишига ихлос ва миннатдорчилик юзасидан бўлса-да, «ҳа» деб овоз бериши турган гап. Ҳозирча у кутилмаганда тушган бу таклифдан ўзига келганича йўқ. Унинг қалби шу дамларда дунёдаги энг пок, энг самимий қалб. Спёсий ишлар бўйича масъул «йўқ» деб овоз беради, қоғозчага икки рақамини ёзади. Чунки унинг ўзи иккита: ўзи ва Ҳамунинг номзодини кўрсатган. Бу табиий, инсон сифатида ҳам тушуниш мумкин уни. Учинчи группа командирини «йўқ» деб овоз беради. Ўзининг номзодига ҳам «йўқ» овозини берган бўлар эди. Йўқ, у ўртоқларини ёмон кўрганидан эмас, балки ўз овози бирор нарсани ҳал қилишига ишонмагани учун шундай қилади. Эҳ, йигирма олти ака-уканинг бири...»

— Энди овозлар сонини санаймиз. Яқинроқ келинглар. Бир — ҳа, икки — ҳа, тўрт — ҳа, беш — ҳа, олти.., етти — ҳа. Мутлақ кўпчилиқ, ҳамма бир овоздан, юз фоз. Табриклаймиз, ўртоқ... Миннатдорман, биродарлар.

Ўтирганлар қарсак чалиб юборишди. Зайдоннинг юраги уриб, кўз олди бир зум қоронғилашди. У ўта ҳаяжонли, аynи вақтда жиддий товушда давом этди:

— Сизлар мана шу руҳни сақлашингиз, кейинчалиқ ҳам шу тарзда ишлашингиз керак. Бу — кураш билан қўлга киритмоқчи бўлган мақсадларимиздан бири, бизнинг ғалабамизни таъминлайдиган омиллардан бири. Энди ўртоқ Ас-Сабти, сен бир нарса дейишнинг керак.

Ас-Сабти ўрнидан турди. Бундан Зайдон хурсанд бўлди, қолганлар бунинг маънисига боришмади. «У вазиятнинг муҳимлиги, шу лаҳзаларнинг қадр-қиймати, аҳамиятини сезмоқда, шунинг учун ҳам ўтирган еридан турди», ўйлади Зайдон унга ҳайрат кўзи билан боқаркан.

Янги командир ўтирганларнинг юз-кўзлари ва лабларига бир қараб олгач, деди:

— Мана шу ниҳоятда масъулиятли вазифага мени лойиқ топгани учун биродаримиз Зайдонга ўз миннатдорчилигини билдираман. Менга кўрсатган ишончингиз учун ҳаммангизга катта раҳмат. Бу ишончини оқлаш, мен ҳақимда яхши фикрда қолшингиз учун бор куч-қудратимни аямайман. Барака топинглар! Яшасин бизнинг революция! Оллоҳу акбар!

Янги командир бирдан жим бўлиб қолди. Чеҳраси аста-секин ўзининг оддий ҳолига кела бошлади. Гулдурос қарсаклар остида ўрнига ўтирди. Ҳамма қатори қарсак чалаётган Зайдон ўзига ўзи: «Мана, командир ҳам тайинланди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз одамларга тушунарли. Энг кераги ҳам шу!» деди.

— Энди ўртоқлар, ишга, — овозини чиқариб давом этди Зайдон. — Сизга берадиган маслаҳатим шуки, ҳар бир ишни, операцияни бошлашдан олдин пухта ўйланг, бажариб бўлганингиздан кейин эса таҳлил қилинг. Ҳаму! Хоин Буатуш қатл этилиши керак. Агар рози бўлсангиз Қаддур молиявий ишлар бўйича масъул билан қолсин, йўқса ўзингиз биласиз. Янги келганларни қурол билан таъминлай олсангиз-

гина сафингизга қабул қилинг. Иложи борича душман билан юзма-юз жанг қилманг. Унга пистирмалар қўйинг, лекин олдидан чиқа кўрманг. Тез қўлга киритилган ғалабалардан ҳаволаниб кетманг. Тинч аҳолига ҳурмат кўзи билан қаранг, уларни ранжитманг. Агар орада ёки ўз ичингизда ихтилоф содир бўлса, душманга қарши кураш барча масалалардан устун туриши, озчилик кўпчилик фикрига бўйсунishi принципига амал қилинг.

Зайдон ўзининг қисқа нутқини куюнчак, титроқ товушда, бўлиб-бўлиб гапирди. Сўнгида ҳамма жангчиларни тўплашни сўради. Йиғилганларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашишдан олдин янги командирни уларга таништирди. Капрал Рамазонга қўмондонлик элчисининг орқасига мингашишини буюрди. Ҳаму элчига «мовий кўз, малла сочга нишонса бўладими?» деган ўй билан тикилганича қолди.

Улар йўлга чиқишди. Қоронғи тун пардаси атрофга секин-аста ёйилмоқда эди.

Аср пайти. Буатуш пошналарини тақ-тақ қилиб капитан олдида тик қотди. Капитан бошини кўтариб Буатушга қаради. Ранги заҳил тортган, қонсиз, қуруқ қовжираган кўзларининг атрофида кўкиш халтасимон ҳалқалар... Буатушнинг кийимида янги унвони белгиларини кўрмаган капитан оёғи билан қўнғироқ тугмасини босди. Эшик очилиб ичкарига кирган аскар салом беришга улгурмасиданоқ, капитан буйруқ қилди:

— Сержант унвони нишонларини келтир.

— Хўп бўлади, капитан жаноблари.

— Кеча сен менинг энг шижоатли солдатим, йўқ, офицерим бўлдинг. Буйруқларимнинг барини энг содиқ солдат, мухлис офицер каби бениқсон бажардинг.

— Жаноб капитан!

— Сен ўз унвонингга яраша нишонларни ва янги пистолет тақиб, қишлоқдагиларнинг кўзини бир ўйнатмайсанми?! Менга деса, уларни тўс-тўполонини чиқар, бир жонон қизни топиб олиб, уникида маишат қилиб юр.

— Жаноб капитан!..

— Хавотир бўлма, атрофингга кучли соқчилар қўяман.

— Жаноб капитан...

— Унвон олганингни яхшилаб байрам қилишинг-ни хоҳлардим.

Буатушнинг кўз олдига сарвқомат, гўзал Зийнат келди. Кеча халойиқни қишлоқ стадионига йиғишган пайтда унга кўзи тушган эди. Кейин у ерда ўлдирилган сержант Стефан қасоси тариқасида ўн киши қатл қилинганди. Буатуш аъзон баданида қалтироқ турганини, нимадир юрагини қаттиқ эзаётганини сизди.

— Шўрлик холагинам, эй, худо! — гудранди йигит. Унинг юзи сап-сарғайиб кетганди.

— Сенга нима бўлди, сержант Буатуш? Бир нарса дедингми?

Бояги аскар қўлида кичкина қутича билан қайтиб келди, салом бергач, уни стол устига қўйди ва хонадан чиқиб кетди. Капитан ўрнидан туриб, Буатушга яқинлашди.

— Нишонларни ўз қўлим билан тақиб қўйганим бўлсин. Кечқурун унвонни юваниз-а?

— Жаноб капитан...

— Сен чиндан ҳам бизнинг сиёсатбозларнинг ваҳималари пуч гап эканини исботладинг. Фақат сен каби кишилар Франция учун яратилган. Унвонни ярашиб туришини қара! Ҳали сени яна юқори кўтараман. Лаънати қизилнинг бошини ва анови пасткаш Ал-Лазни жишанлаб келтирган куннинг лейтенант бўлдим, деявер! Мен уни бичаман ҳали... Ҳа, ҳа, ахта қиламан!

Буатуш капитаннинг сўзларини эшитмас, ўз ўйи билан банд эди. Мингларча зирапча, йўқ, ўткир учли нина бутун баданига, қалбидан ўпкасига, ҳатто ошқозонигача санчилмоқда эди...

Эс-ҳушини йўқотган холасининг яланғоч гавдаси, ҳали ҳам унинг қучоғида питирлаётгандек эди. Бу қабиҳ манзара кўз олдидан сира кетмас эди.

— Сен қишлоқнинг ҳамма жинкўчаларигача бемалол кириб айланиб юравер. Кўнглинг тусаган эшикни тақиллат, бостириб кир. Кечаси атрофинга қоровул бераман. Бу қишлоқдаги ваҳшийлар қанчалик тубанликка боришларини кўрмоқчиман. Тушунаяпсанми?

— Жаноб капитан!..

— Нима?

— Ўзимни ёмон ҳис қилаяпман, худди касалга ўхшайман.

— Кечаги ишдан кейин толиқишинг табиий, бугун эрталаб тоққа қилган ҳужумимиз ҳам чарчатган сени.

— Лекин... Жаноб капитан...

— Яна нима?

— Мен ақлдан озаётганга ўхшайман.

— Уф! Ҳаммаси чарчашдан. Айланишга чиқишдан олдин Морис қовоқхонасига кир-да, бир-икки қадаҳ отиб ол. Эҳ, кел мен ҳам сен билан бир ичай. Юр кетдик.

Морис қовоқхонасида ўтирган Буатуш нохушлик аста-секин тарқалаётганини сезди. У энди қадаҳни капитан ёки унга ўхшашлардан олдин бўшатар, елкасидаги погонларига зимдан кўз қирини ташлаб қўярди. Мана, унинг лабларида табассум пайдо бўлди. Аҳ, Буатуш, бузоқбоқар, энди сен катта одамсан, ҳурмат-эътиборли жанобсан. Оллоҳнинг марҳамати кенг. Бугун — сержант, эртага — лейтенант, эртадан кейин қарабсанки катта офицер. Эҳ, Буатуш, Буатуш, бузоқбоқар!

У ўзини қалтироқ босаётганини яна бир бор ҳис қилди. Мингларча нина санчилаётганга ўхшарди баданига... бадан... холасининг яланғоч бадани қучоғида типирчилаётгани кўриниб кетди кўзига. Бир қадаҳни бир кўтаришда бўшатди, яна бирини оқ қилди, яна ва яна ичди.

— Сержант Буатуш, энди ўз байрамингни бошлайвер.

— Ҳа, ҳа, жаноб капитан, ўзим ҳам бўғилиб кет-япман, мана бу ерим бўғаяпти. Менга соқчилар берсангиз, билиб бўлади дейсизми, бу ерлик ваҳшийлар нималарга қодир.

— Ҳаммаси жойида бўлади. Капрал бошлиқ уч аскар сени қаерга борсанг кузатиб боради. Уларга шундай буйруқ берганман. Хотиржам бўл, қаҳрамон! — дея капитан ёнидагиларга ўғирилди ва Буатушнинг ўз холаси билан қилган ишини сўзлаб беришга тушди: «Тўғри-да, номаҳрамлар билан ётишдан лаззатли нарса бор эканми дунёда?!» Хонани жаранглатиб қаҳқаҳа кўтарилди. «Бу ҳикоя уларнинг ҳирсини қўзғатган кўринади, батафсил айтиб бериш керак», ўйлади капитан ўз наздидагиларнинг шимларига ўғринча кўз қирини ташлар экан.

Буатушнинг юз-кўзи бирдан музлай бошлади,

Ўзини телбалардек ҳис қилди. Гўё уни сомон тутуни рангидаги қуюқ туман ўраб олган, кўзларига тумандан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Оёқ остида ҳам туман ўралашадди. Кўкси ҳам туман билан нафас оладди. Қуюқ кулранг туман бутунлай қамраб олган уни. Ҳатто боши ҳам, қорни ҳам туманга тўла.

У сакраб-сакраб борар, назарида бу туманининг охири бўлиши керак эди. Айни чоғда ўзи юраяптими, сузаяптими, учаяптими ёки ҳеч нарса қилмаяптими, билмас эди. Энг муҳими, у туман ниҳоясига етиши керак эди. Ҳозирча ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нарсани эшитмас, гўё бу дунёда эмасдек эди. Ундай деса, бундан бир оз олдин кўзига болалар, катталар ча-линганди. Улар Буатушга тикилишган, ҳатто унинг бетига тупуришган эди. У бўлса, ичида капитанининг: «Ваҳшийлар! Ваҳшийлар!» деган сўзини такрорлагандек эди.

«Ҳайзия холам... Минг лаънат унга! Қим менга хола бўлсин депти унга? Ўзим ҳам умрим бино бўлиб бундай мазза қилмаган эдим! Оббо, лаънати-ей! Нега мен хижолат тортаяпман, ақлдан озаяпман? У ҳали ҳам шунчалар лаззатбахш, деб ҳеч ўйламаган эдим. Аввалига мурдадек совуқ эди, кейин бирдан ғалати илиқлик пайдо бўлди. Лаънатлар бўлсин унга! Инграганича менга ёпишиб олди, қарасам... Оббо, лаънати Ҳайзия холам! У тўрва қоқдилнк бўлади, хойнаҳой. Ҳа, ҳа! Ўзим ҳам ваҳший бўлиб кетдим, чоғи. Йўқ, йўқ, мен эшак эдим, эшак! Йўқ-са... Менга ҳам минг лаънат!»

Кўзи олдидаги туман тарқалгунича, шу алпозда ғудраниб борди. Мана ниҳоят ўттизинчи кўчага кириб келди. Бир оз юргач, Ас-Сабтий қариянинг уйи олдида тўхтади.

— Гўзал Зийнат шу ерда туради. Дилбарларнинг дилбари экан-да ўзи ҳам! Бу тун унга уйланаман. Ҳозир, шу ерда! Мана шу уйда унинг ота-онаси билан бирга яшайман. Унга совчи ҳам қўймайман, унаштириш ҳам, маҳр ҳам, фотиҳа ҳам бўлмайди, шундай уйланавераман. Мен, кимсан — сержантман. Сержант Буатуш!

Эшик томон юрди. Борлиқ бирдан яна кулранг, қуюқ туман ичида қолди. На девор, на эшик кўри-нади кўзига. Зийнат ҳам йўқ, тўй ҳам. Ўнг томонига ўгирилди. У ерда туман йўқдек. Бир неча қадам қў-

җиб зинадан кўтарилди. Эшикни итармоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди, у очиқ экан. Ичкарига кирди. Ҳовли ўртасида холаси чордана қуриб ўтирар, унинг яланг боши эгилган, сочлари тўзғиган, бетартиб эди. Эғнида чит ички кўйлак, кўкрагининг ярми очиқ, қовуштирилган билаклари уни эзиб турарди. Кўзлари бир нуқтага тикилган, хаёли паришон эди. Ҳайзния хола кечадан бери шу ҳолда — паришон, телбасимон ўтирар эди.

— Ҳайзния хола, Ҳайзния хола.

Аёл бошини аста кўтарди, кўзлари Буатушга тушиб билан сапчиб тушди, чинқириб юборди, ўрнидан тура, орқасига тисарила-тисарила деворга бориб урилди. Ранги қув ўчган, дағ-дағ титраганича қўлини кўтариб турарди хола.

Буатуш эшикни қулфлади. Сўнг аёлниң олдига келиб, унга суқланиб қаради. Бутун вужудида яна ўша қалтироқ турди, мингларча нина санчилаётгандек бўлди... Уни титроқ босди.

— Лаънати Ҳайзния хола... Нима қилипти? Ким унга мени холам бўлсин депти? Кеча аввалига мурдадек совуқ эди, кейин бирдан ғалати илиқлик пайдо бўлди, қарасам инграганича менга ёпишиб ҳам олди...

Буатуш шундай деб ғудранганича шоша-пиша ечинишга тушди. Тўппонча тақилган камарини бир ёққа, кўйлак-шимини иккинчи ёққа улоқтирди.

Шу аҳволда зинғиллаганича ошхонага кириб чиқди, сўнгра ҳожатхонага югурди Ҳайзния хола ҳамон қўлини кўтарганича қалт-қалт титраб турар эди. Буатуш яна ошхонага қайтиб кирди, у ердан ўтаётиб ўтин уюми олдида ётган болтага қоқилиб кетди. Бу орада омборхонага ҳам, Қаддурнинг хонасига ҳам шабохун уриб чиқди. Сўнг холасига ташланди. Бақувват қўлларига шилқ этиб тушган шўрлик Ҳайзния холани амакисининг хонасига олиб кириб каравотга улоқтирди-да, ҳўкиздек гавдасини ваҳшийларча унинг устига отди. Аёл тинмай инграр, чинқирар эди...

Орадан кўп вақт ўтмади.

Буатуш чалажон чўзилиб ётган холасини ташлаб ҳовлига чиқди ва ҳанспраганича ошхона томон югурди. Сўнг боя қоқилган болтани олиб орқасига қайтди. Ичкарига кириб, ҳушсиз холасининг бошига ту-

ширди. Хола на бақирди, на чақирди, лом-мим де-май узилди. Аблах жиян шундай ҳам уни қийма-қий-ма қиларди... Ҳамма ёқ қон. Эшик берк, чироқ ўчиқ эди.

Кейин ташқарига чиққанида олиб келган тўппон-часидан кетма-кет ўқ узингга тушди. Охири ўзи ҳуши-дан кетиб, каравот ёнига йиқилди.

Уй эшигини бузиб ичкарига кирган соқчилар уни казармага олиб кетишди. У бир неча кун кўзга кў-ринмай қолди.

Бу орада Ҳаму юборган икки партизан Буатуш-нинг пайига тушган, нима қилиб бўлса-да, сержант-ни қўлга тушириш ҳаракатида эдилар.

Ал-Лаз йўл бўйи ўйчан, хомуш келарди. Унинг бу ҳолатидан Зайдон хавотирга туша бошлади. Бир неча бор: «У ер-бу еринг оғримаяптими?» деб сўра-ди. Биринчи сўраганида ўғли бошини ўнг-сўлга чай-қатиб «йўқ» ишорасини қилди. Иккинчи гал мийини-да кулиб қўя қолди, учинчи, тўртинчи марта сўрал-ганда жавоб қилмади, кўзини чақчайтирганича ота-сига қараб тураверди.

Зайдон икки кундан бери ўғлига зимдан назар солади, ҳар бир ҳаракатини кузатади. Олдиниға ўғ-лидаги бутун ўзгаришни ичиш ва чекишни бирдан ташлагани учун бўлса керак, деб ўйлади. Кейинча-лик эса, атрофида содир бўлаётган нарсаларни ўзига сингдирмоқда, фаҳмига етмоқда, умуман, яшамоқ-да... Балки ҳаётида бундай лаҳзаларни биринчи мар-та туюётгандир, деб ўзига ўзи тасалли берди.

Хачир устида бораётган Зайдон курагини орқага ташлаб, меҳр билан Ал-Лазнинг пешонасидан аста итарди ва ўзинча ўйлади: «Нега энди уни ўзимга ҳам-роҳ қилиб олдим?.. Уни қолдиришим ҳам қийин эди-да... Эҳ, бу сафар натижасидан кўнглим тўқ бўлса қани эди!..»

Зайдон ўзини чалғитишга ўтди. У дам Рамазон билан Ҳиндихитойдаги уруш ҳақида гаплашиб борса, дам қўмондонлик юборган элчига сўз қотар эди. Борган сари элчи Зайдонга ёқиб борар, у болалиги-дан бери бошига тушган азоб-уқубатларни ичак уз-илди ҳангомаларга айлантира оладиган фавқулодда қувноқ одам чиқиб қолганди.

— Олдин нима иш қилар эдинг, маллавой?



— Мен сенга айтсам, қизил, бир боғ лақабим бор. Кепак йилдан ¹ бери менга лақаб тўқишади.

— Оббо, сен-е! Менинг қизиллигимни ҳам биласанми?

— Қўмондонликда сени фақат шундай деб аташади.

— Яхши. Армия хизматига киришдан олдин нима иш қилардинг?

— Шамол сотиб, ҳақиқат олардим.

— Демак, қуръон ўқитувчиси, қори ёки толиб.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Толиб билан калб ² ҳеч қачон дўст бўлган эмас, — кулди Рамазон. Зайдон ҳам кула туриб Ал-Лаз томонга қаради. Ҳазил Ал-Лазга таъсир қилмаган, ҳали ҳам нохуш ўтирар эди.

— Нега?

— Суяк туфайли... Ҳа-ҳа-ҳа! — кулишда давом этди Рамазон, — қўйиб берсанг суякни ҳам талашадн у иккиси.

— Шундай қилиб нима иш қилардинг? — сўради Зайдон сиқилаётган юрагини ёзмоқчи бўлиб.

— Нима иш, нима иш... Нима дуч келса шунини қилганман. Олдин чўпонлик, кейин ўғрилик қилдим. Ундан кейин... очарчилик ва иккинчи жаҳон уруши йилларида контрабанда, олди-сотди билан шуғулландим, ўша пайтлардан бошлаб қаерда тўй бўлса най чалиб юрдим. «Эй, рус музикаси...» деб бошланган ашулани биласанми? Сўзини ҳам, музикасини ҳам мен ёзганман... Эҳ, биз кўрган кунлар...

Элчининг кўзлари ёшланди, томонига бир нарса тикилгандек бўлди. Гапирмоқчи бўлган гапи бўғзида қотиб қолганди. Бошини қуйи солганича узоқ жим қолди, сўнгга негадир: «Бўри очми-тўқми, барибир кўзи тушганга ҳамла қиларкан», деди.

— Ана, кўрдингларми, айтганимдек тонг отмасдан етиб келдик. Кечгача шу тоғда қоламиз. У ёғи, худо хоҳласа, бир гап бўлар, — дея Зайдон хачирдан ерга сакради. Қолган уч киши ҳам шундай қилди.

Улар кеча қош қорайганидан бери йўлда эдилар. Зайдон керишди, эснади, устидан эгарни олиш учун хачирга яқинлашди.

¹ Кепак йили—қаҳатчилик бўлган йилни баъзи ерларда шундай деб аташади (муаллиф).

² Калб — ит, кучук.

— Йўқ, йўқ. Зайдон амаки! Мен ўзим оламан. Сиз, худо ҳақи, дамингизни олаверинг, — деди Ал-Лаз бирдан сизлаб. Сўнг чаққонлик билан эгарни ечиб ола бошлади.

Ал-Лазнинг ҳаракатларини кузатиб турган Зайдоннинг чеҳрасида майин табассум ўйнади. Қоронғуда уни ҳеч ким пайқамади. Бу пайт Рамазон гимнастика машқлари билан машғул эди. Қўмондонлик юборган одам эса: «Сизнинг ижозатингиз билан», деб шивирлаганича четга қараб кетган эди.

Зайдон ерга чўзилди. Ёнига аввал Рамазон, бир оздан сўнг Ал-Лаз келиб ётди ва сўради:

— Кундуз кунни самолётдан бизни кўриб қолшмайдими?

— Йўқ, бизни кўришмайди, чунки бу ерда дарахтлар зич, қуюқ. Ундан кейин уйдум-чуқур жойлар. Бундай ерда бир аскар душмanning бир неча группасига кун бўйи бас келиши мумкин, — деди Зайдон қатъий оҳангда.

— Қани эди мана шу тоғда жанг қилсанг, — хоҳиш билдирди Ал-Лаз.

— Бу эҳтимолдан узоқ эмас. Қуrol ишлатишни яхши биласанми, Ал-Лаз?

— Казармада Италия ва Америка автоматларида машқ қилган эдим. Бешотар ва ўнотарлардан ҳам отганман, уларни бемалол бўлакларга бўлиб, йиғишим мумкин.

— Ўзим ўргатган эдим. У моҳир мерган, — тасдиқлади Рамазон.

— Нима ҳақда гаплашаяпсизлар? — сўради уларга яқинлашиб келаётган элчи. — Қорнингиз ғулдурамаяптими?

— Ҳа, қайтдингми, — деб милтиғини ушлаганича ўрнидан турди Зайдон. Сўнг соат стрелкаларини яққоқроқ кўриш учун уни кўзига яқинроқ тутди.

— Қаёққа? — сўради ҳайратланган Ал-Лаз. У энди отасининг кўксига бош қўймоқчи бўлиб турган экан, шекилли.

— Ҳозир соат уч ярим. Еттигача мен соқчилик қиламан, кейин Рамазоннинг гали, ундан навбатни Ал-Лаз олади. Маллавой эса, охирида бу ердан жўнағунимизгача соқчилик қилади, — деди Зайдон ҳамон соатига тикилганича.

— Йўқ, мен биринчи! — эътироз билдирди Ал-Лаз.

— Йўқ, ўғлим, тунда соқчилик қилиш учун анча малака ва тажриба керак. Бунинг устига сен бетоброқсан.

Шу пайт Рамазон ўрнидан дик этиб турди-да, Зайдонни дам олишга кўндирмоқчи, ўрнига ўзи соқчилик қилмоқчи бўлди. Ҳиндихитой ўрмонларида эшитиш қобилияти ошгани, соқчиликнинг туб моҳиятини ўшанда англаганини дастак қилди.

— Бурним бир километр наридаги душман қуролининг ҳидини сезади. Қўрқув одамни югуртишга ўртади, Зайдон амаки, — деб кетишга ўғирилди Рамазон.

Зайдон уни тўхтатди ва навбати тугагандан кейин ҳам Ал-Лазни уйғотмаслигини, иккала хачирга қўзқулоқ бўлиб туришни, уларнинг ҳар бир ҳаракатига бефарқ бўлмаслигини, улар ҳам хавф-хатар нималиги маънисига етадиган икки жангчидек эканини уқтирди.

— Тунингиз хайрли ўтсин. Оллоҳ ўз паноҳида асрагур, қизил, кўнглимдаги ғам-ғуссани қўзғатдинг. Ёлғизликда мен найимни қўмсайман. Эҳ, итвачча-ей, авжи пайти эди-да! Ҳа, майли, яхши ётиб туринглар. Омонлик бўлса, сенга аввал айтганимдек, эрта тонг билан жўнаб кетаман, Зайдон, — қўмондонлик элчиси шундай деди-ю, Ал-Лаз ва Зайдондан нарироқдаги дароҳт остига чўзилди ва «Эй, рус музикаси...» ашуласини хиргойи қила бошлади.

Ал-Лаз паст товушда чакаги тинмай жаврарди. Зайдон унга қулоқ солар экан, ўғлидаги бундай руҳий кўтаринкилик ва яхши кайфият сабабини била олмай ҳайрон бўларди. Зайдонлар етти ака-ука эди. Ал-Лазни улар билан қиёслади. Нега ҳаммани тушунганидек уни тушуна олмайди? Зайдон шу ҳақида ўйлаб кетди... У ўғли экани учунми? Шунинг учун уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қиладими? Ёки ҳар сафар у ҳақда ўйлаганида ҳиссиёти ақлидан устун келадими? Рамазонга нисбатан ўзидаги меҳр-муҳаббат, унга бўлган яқинлик ва миннатдорчилик ҳисси балки ноўриндир. Буларнинг бари балки у Ал-Лазни қутқаргани учундир.

«...Мен Ал-Лазни анчадан бери, шундай ўғлим борлигини билганимдан бери яхши кўраман. Неча бор унга эргашиб юрдим. Ёлғиз учратарман, бағ-

римга босиб пешонасидан ўпарман, деган ниятда юрдим...»

— Ал-Лаз, қўй ухлайлик. Шу гапим қулоғингда бўлсинки, уруш пайтида дам олиш имкони бўлган ҳар бир фурсатдан фойдаланиш керак. Бой берилган имконият қайтмайди, унда афсусланасан, лекин бе-фойда.

— Хачирда сенга мингашиб келаётиб икки соатдан кўпроқ ухлагандим.

— Ўзинг ҳам чўчқа боласидек хуррак отдинг.

Ал-Лаз овозининг борица жулди. Зайдон уни туртди.

— Жим бўл. Ёки ўзингни тўйдаминг деб ҳисобла-япсанми?

Лекин Ал-Лаз анча вақтгача кулгидан ўзини тўхта олмади. Жуда бўлмагач, енг учи билан оғзини беркитиб гўнғиллади:

— Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да, эй худо!— бир оздан сўнг сўради: — Нега одамлар кўп жулиш оқибатини ёмонликка йўйишади?

— Мана, ўғлим, эзма кампирларнинг чўпчагига ҳам қайтдик.

— Худо ҳаққи, ўзим синаб кўрганман, қачон кўп кулсам охири ёмон бўлган.

— Қўйсанг-чи, қачон сенга яхши бўлган ўзи.

Бу гаплардан отасининг юраги сиқилганини Ал-Лаз сезд ва ўзича деди: «Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да, эй худо! Ўзинг паноҳингда асра, илойим!»

Уйқу элита бошлаган эди ҳамки. Ал-Лазнинг елкасида оғриқ турди, мушаклари тортишди, асаби тараंगлашди, баданини титроқ босди, томоғи қуриб, боши чўяндек оғирлашди, совуқ еган одамдек қалтирай бошлади. Кетма-кет эснади... Қишлоқдан чиққан кундан бери энди биринчи марта ичкилик ёмон хумор қиляётган эди. Мана шу сўнгги ойлар ичида жуда кўп ичадиган бўлиб қолганди ўзи. Энди бўлса сира чидаб бўлмаяпти...

Ал-Лазнинг тишлари ҳам такиллай бошлади.

— Сенга нима бўлди, Ал-Лаз? Совуқ еяпсанми? Бугун тун иссиқ-ку.

— Чўнтагимда бир шиша конъяк бор эди. Нима қилсам экан уни?

— Ҳа, бундай бўлиши табиий. Бизнинг ишимизга берилиб урушларда қатнашсанг, ичкиликни ўз-ўзидан

унутиб юборасан. Ҳозир бир ҳўпла-да, шишани менга бер. Уйқум келяпти. Бизда, ўғлим, ичиш у ёқда турсин чекиш ман қилинган, бунн уддасидан чиқмаганларни ўлим жазоси кутади. Лекин шунга қарамасдан иложи бўлса, ўзим ҳам бир ҳўплаган бўлардим. Ўзи катта шишами?

— Чораги кам бир литрли.

— Ҳўпла-да, менга узат. Имкони бўлганда ўзимизга бир оз эркинлик ҳам беришимиз керак, йўқса, бирдан портлаб кетиш мумкин. Ҳаддан ташқари ўзини тийиш ҳам яхши эмас, одамни жисмонан ўстирмайди. Ҳатто уни занфлаштиради, емиради. Мана икки йилдирки, оғзимга вино олмайман, ўғлим. Интизом — бир нарса, диний мажбурият — бошқа нарса. Баъзи чингалликлар шундан келиб чиқади. Қани шишани бу ёққа ол, Ал-Лаз.

Ал-Лаз илиқлик секин-аста миясига кўтарилаётганини сездн ва кулиб қўйди. Сўнгра ўзини бир оз лоҳас сезганича зимзиё тунда бирдан кўздан гойиб бўлаётган юлдузларни жузатди, ҳаётда ўзи билган нарсалар ичида уларга ташбеҳ топишга уринди. Уни уйқу ёлитмоқда эди.

Зайдон шишадаги коньякдан бир қултум ичиши билан бутун танаси яйрагандек ҳузур қилди. Ётган ерида яна бир ҳўплагач, шишанинг оғзини беркитди, сўнг уни кўксига қўйиб устига билакларини чалиштирди ва хаёл денгизида суза кетди.

«... Катта бошлиқ, Шайх мен тўғримда ёзган рапортига чет элдан жавоб олган, шунинг учун ҳам менга одам юборган. Агар жавоб менинг фойдамга бўлганида ёки лоақал масалага унча аҳамият берилмаганида у бундай қилмаган, ҳеч кимни юбормай қўя қолган бўларди. Тўрт киши йўлга чиққан эдик дейди, малла. Нега энди тўрт киши? Демак мени ҳибсга олишмоқчи бўлган. Партиянинг фронтга қиринш масаласидаги позицияси уларни ташвишга солган. Партиялардан эмас, балки алоҳида шахслардан иборат миллий фронт тузиш масаласи тарихда биринчи марта ўртага ташланмоқда. Бу — янги партия тузиш демак. Агар миллий озодлик ҳаракати ичида ихтилоф ва зиддиятлар туфайли ундаги баъзи аъзолар мана шундай партия тузишга даъват қилишса, бу бошқа партиялар ўз-ўзларини тарқатиб юборишлари керак, деган гап

эмас. Айниқса бизда, чунки биз ҳали йўл бошидамиз. Жазоирда у ёки бу партия ёки ташкилотга кирганлардан кўра, партиясизлар—ҳеч қандай ташкилотга кирмаганлар кўп. Ана шулар бу янги партияга аъзо бўлишлари мумкин. Қизиқ, қуроли кураш ватанни озод қилиш учун эълон қилинганми ёки партия тузиш учунми? Бир ўқ билан икки қаргани уришмоқчи. Лекин йўл олиш ва машаққатли. Масалан, Қоҳирани олайлик, у мана шу дунёнинг онаси, йўқ, ҳатто бувиши. У ердаги ҳаракат йўналиши, характери ҳанузгача аниқ эмас. У ерда ҳам элдан бурун партияларни тарқатиб юборишга шошилган эдилар. Кўпгина жазоирлик ватанпарварлар Қоҳирада юз бераётган воқеалар борки, ҳаммасини кўнгилларига яқин оладилар, ундан тез таъсирланадилар. Араб олами ёки ислом олами, деб аталмиш бу қолипдаги коммунистларнинг аҳволи доим ёмон бўлган, мана сизга чириб бораётган Миср ёки дунёнинг онаси, бувиши...

Ҳар бир муайян мафкурага эга партиянинг принципиал позицияси партия сафини мустаҳкамлаш, унинг тарқалиб кетишига йўл қўймасликдир. Ҳозирги шароитда энг муҳими, аниқ асосга эга бўлиш, керакли шарт-шароитларни кўра билиш, энг асосийси миллий-озодлик курашида жуда қўл келадиган ватанпарварлик руҳидаги ҳаракат низомини тузиш.

Миллий мустақиллик асосларигина низом ўрнида ўтмайдими, унга ярамайдими?

Э, ўтади, ярайдир. Лекин армияда, раҳбар органларда ярайдир, партияда эмас, бошқа партиялар ҳисобига тузилган партияда эмас. Бу масаланинг шаклий томони, холос. Фронт алоҳида одамлардан тузиладими ёки партиялардан тузиладими, масаланинг туб моҳияти бунда эмас. Менимча, партиялар орасидаги адоват, зиддият бу масалада катта роль ўйнайдир. Бу ҳолда буржуа оппортунистик партиялари алоҳида шахслардан тузилган фронтга ўзларининг қўшилганларини эълон қилишадир, шу билан бирга ўзларидан ўзлари нафасларини ростлайдилар, ҳордиқ чиқарадилар. Чунки у фронтга аъзо бўлиш низоми ҳам, шартлари ҳам йўқ, кейинчалик ҳам қайси партия революцияга раҳбарлик қилажанин ҳеч ким билмайди. Бу партия тепасида турганларнинг бошига ҳали қандай хусумат, можаро, тўқнашув ва фитналар тушар экан. Ундан вақти-вақти билан совун кўпиги сингари қанчадан-

анча кетте-кичи ячейкалар, грушчалар ҳосил бўлар экан.

Хўш, бизнинг партизмизнинг позицияси қандай бўлсин керак? Бу саволга фақат съезд жавоб беришга ҳақли. Агар масалага шаклан, қотиб қолган классик услубда ёндашадиган бўлсак, сиёсий бюро масъулиятини ўз зиммасига олиши керак.

Муайян мафкурага эга партия ўзининг тарқатилганини эълон қилса, унинг фаоллари ва аъзолари бу партиядан чиқиб, ўзларини янги фронтга урадилар, лекин жидда бўлмаса, фронтга раҳбарлик қилишда ҳам иштирак этмайдилар. Бу ҳар қандай партиявийликдан холилик демакдир. Масала умуман бундай қўйилмаслиги керак. Афсуски шундай бўлмоқда.

Ниқилобий ҳаракатга ўзимни бағишлар эканман ҳеч ким билан, на партия билан, на ўзга билан, маслаҳатлашдим. Бўлмасам, мени Марказий Комитет аъзоси эдим ўшанда. Атрофимдаги муҳит шуни тақозо қилди, мен бажардим. Агар мендан ўз партиядан чиқасанми деб сўрашса, шу заҳотиёқ ҳеч иккиланмай «йўқ» деб жавоб қилар эдим. Агар шундай қилишимни талаб қилишса, бунинг бонси нималигини билишга уринган бўлар эдим. Лекин партиядан чиқмаган, янги ячейка тузишга ҳаракат ҳам қилмаган, миллий мустақиллик йўлидаги журашимни давом эттираверган бўлардим.»

Зайдон безовталаниб ағдарилди. Шишанинг оғзини очиб яна бир қултум ҳўплади. Лабларини ялади. Бир неча дақиқа ҳеч нарсани ўйламай ётди.

Тун қоронғисиди кўз олдиға Сўзанна келди. Гоҳ унинг мовий кўзлари порлаб кўринса, гоҳ ўзига хос пешонаси намоён бўла бошлади, ёки қирра бурни кўрингандек бўлди. Фақат бир мартагина унинг юз-кўзини тўлиқ кўрди. Одатдагидек упа-эликдан холи, ҳатто иягидаги тукиға қўл теккизмаган ҳолда кўринди.

«Ғарбда, ғурбатда мен топган биринчи чин инсон у. Ҳарбий хизматдан қайтганимдан кейин кўпгина қишлоқларни кезиб чиқишға тўғри келди. Лекин на Марям топилди, на иш. Шундан сўнг Парижға кетдим. У ерда ҳеч кимни билмас, ҳеч кимни танимас эдим. Кунларни кўчаларни кезиб ўтказардим. Бу орада пулнинг тағи ҳам кўриниб қолди. Сўзаннани илк бор меҳнат биржасида учратгандим. У ўша ерда ишлар

экан. Чиройли ҳам эмас, хунук ҳам эмас, оддий, аллақаери роҳибага ўхшаб кетадиган қиз эди. Афтидан ёши йигирмалардан ошмаган кўринарди. Бурни ва пешонаси эса худди Марямнинг бурни ва пешонасини эслатарди. Тўрт кун унга кўз ташлаб, кузатиб юрдим, лекин бир сўз демадим. Атрофимдагиларнинг гапларини тушунсам ҳам ўзим французча гаплаша олмас эдим. Ҳар кун унга ўз ҳужжатимни кўрсатаман, у «ҳозирча ҳеч қандай янгилик йўқ» маъносида бошини чайқайди. Бошқалар унга учраганларидан кейин кўп ўтмай кетиб қоладилар. Мен эса деворга суянганимча идора ёпилаётганида ҳам ўша ерда турган бўлар эдим. Бир ҳафта ўтмай, у менинг бундай туришимга ўрганиб қолди. Қандай мулойим кулги билан кутиб олса, шундай кулги билан кузатиб қўядиган бўлди. Нигоҳларимиз тўқнашганда ёноқлари ёниб кетарди. Меҳнат биржасига қатнашимнинг еттинчи куни мен билан биринчи марта қўл бериб сўрашди ва бир қоғоз узатиб, унда ишга таклиф қилган жойнинг адреси ёзилганини тушунтирди. Сўнг кўчанинг нариги томонидаги эшикни кўрсата туриб деди,

— Ҳов анави ерда, тўғридаги идора.

Мен у пайтда энди йигирма бирга кирган эдим.

Етарли маблағ тўплаб, турар жой топган жунимоқ юртимга қайтиб Марямни излашга, уни бу ерга олиб келишга аҳд қилдим. Мен биржа қаршисидаги ишхонада машинадан яшиқлар тушириш ёки ортиш, буюртмаларни ўраб боғлаш каби ишларни бажарар эдим. Бора-бора Сўзанна билан ўртамизда қандайдир яқинлик пайдо бўла бошлади. Ишга келганимда у билан саломлашаман, кетаётганимда хайрлашаман, камтарона кулги билан ҳол-аҳвол сўраган, унга миннатдорчилик изҳор қилган бўламан. У қисқа жумлалар билан ишлари жойидалигини айтади, сўнг ишлаётган жойим ўзимга ёқиш-ёқмаслигини билмоқчи бўлади. Мен эса бор-йўғи иккитагина сўз: яхши, раҳмат билан жавоб қиламан, французча бошқа сўзни билмайман ҳам. Бундан ўзим хижолат тортиб, дам олиш ёки нафасни ростлаш пайтларида унинг ёнига бориб машқ қила бошладим. Сўз ва ибораларни бузиб, абжағини чиқариб талаффуз қилсам керакки, у қотиб-қотиб куларди. Ҳали ёш бўла туриб ўқиш ва ёзишни ўрганишга нега жиддий ҳафсала қилмаслигимга ҳайрон бўлар, агар ҳаракат қилсам, ўн йил ичида ду-

рустгина шаҳодатнома ҳам олишим мумкинлигини кўп таъкидлар эди.

— Кечқурун ишдан чиққанингдан кейин менга учрашиб ўт, — деди бир куни у менга.

— Яхши, раҳмат, — дедим мен бутун сўз бойлигимни ишга солиб.

Кечқурун унинг олдига келганимда кузатиб қўйишимни сўради. Рози бўлдим. Сўзанна ёнимда бемалол, ҳеч уялмай-нетмай борар, гўё у менинг синглим эди. Биз анчагина йўл юрдик. Охири у менга жигаррангсимон бинони кўрсатиб:

— Мана шу ерда ўқиш ва ёзишни ўргатишади. Уч ой ҳам ўтмай ўзингни бутунлай бошқа одам ҳис қиласан. Ўшанда мен сенга ўзингга лойиқ дурустроқ иш топишга уриниб кўраман, — деди.

— Яхши, — дедим мен.

Сўзаннинг башорати тўғри чиқди. Мен унинг учун ҳам, ўзим учун ҳам берилиб ўқир эдим. Яна бир куни у мени уйига таклиф қилди. Ўша кундан бошлаб мен унинг оила аъзоларидан бирига айландим. Менга бир хона ажратиб беришди. Ижара ҳақини унинг онасига тўлайдиган бўлдим, овқатни эса улар билан бирга ер эдим. Кечқурунлари ишдан қайтишим билан қиз мени олдига ўтқазиб олар, ўқиган нарсаларимни такрорлатар, бирор текстни шарҳлаб, тушунтириб берар, ёки китобнинг бир бетини кўчириб ёзишни ёки ҳисоб ишлашни талаб қиларди. Эрталаб ишга кетишдан олдин эса, ёдлаган нарсаларимни текшириб кўрарди.

— Бу мактабни тугатганингдан кейин халқ университетига кирасан, — таъкидларди у ҳар оқшом. Бир куни мени қўлтиқлаб шаҳар муниципалитетига етаклади. У ерда никоҳимизни қайд қилдик. Кечалари уйқуга кетишидан олдин мени қучганича қулоғимга шивирларди,

— Халқ университетига кирасан.

Чиндан ҳам кунлардан бир куни халқ университетида снёсий иқтисод фанини ўргана бошладим. Кейин ўзимдан-ўзим марксистик тўғаракка қатнашга тушдим, коммунистик ячейкага аъзо бўлдим. Ўқишни тугатиш арафасида мени партия мактабига юборишди. У ерда умумий ва маҳаллий партия раҳбарлиги асосларини ўргандим. Халқ университетини тугатишимни байрам қилаётганимизда Сўзанна яна қулоғимга пичирлади:

— Энди миллий раҳбар кадрлар тайёрлаш мактабига кириш учун Москвага борамиз.

Воқеалар жуда тез ривожланар, болаларимиз йўқлиги бунга бир қадар сабаб бўларди. Лекин фарзандимиз йўқлиги туфайли биз эр-хотиндан кўра ўртоқларга кўпроқ ўхшаб кетардик.

Бир йил ўтгач, Сўзанна онаси бетоблиги ҳақида телеграмма олди ва мени Москвада ёлғиз қолдириб, ўзи жўнаб кетди. Шу жетганича қайтиб келмади.

Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Уруш уни мендан, мени ўқишдан маҳрум қилди. Шошилиш тарзда Ҳазонга қайтдим. Мана ўн олти йилдирки, мен Коммунистик партиянинг доимий аъзосиман.»

— Си Зайдон, Зайдон оға! Хачирлар безовта бўлишаяпти. Жануб томондаги дарахт шохлари силкингандек бўлди.

Зайдон кўзини очиб атрофга қарай бошлади. У ухлаб қолиб туш кўрмаган, балки хаёлларга берилиб кетганига ишонди. Шишадаги конъякка кўзи тушиб хижолат тортди. Чунки Рамазон шишага ҳайратланиб қараб турарди.

— Ал-Лазнинг чўнтагида экан, хабаринг бордир...

— Хачирлар безовталаниб ерга ётиб олишди. Ўнг томондаги тепалик устидаги дарахтларнинг шохи силкинаётгандек бўлаяпти, тахминан бир километр нарида.

— Демак, қуршовдамиз ёки ҳужумга ўтишмоқчи улар.

— Лекин на самолётлар, на транспортёр, на танклар овози бор. Французлар бундай ҳужум қилмайди. Уларни яхши биламан. Агар пастда тунаганлар бўлса, энди балки тепага кўтарилишаётгандир.

— Яна нима гап? — сўради Зайдон томонга шошилган қўмондонлик элчиси.

— Уйғоқмидинг? — сўради Зайдон.

— Номозни тушунган одамлар учун чиқаришган. Мен кетдим, хайр, — деди у мазах қилган кишидек.

Зайдон Ал-Лазни уйғотди ва ўзлари ётган қоя орқасидан қулай позицияни эгаллашни буюрди. Буйруқсиз биронта ҳам ўқ узмаслигини тайинлади. Ўзи пулемётни ўрнатди ва Рамазонга шимолий шарқий томонни тезда жўздан жечириб келишни буюрди. Агар чиндан ҳам улар бизни қуршаб олган бўлса, қуршов

тўрт тарафданми, йўқми, эътибор беришини сўради. Кейин ўзи Рамазон боя соқчилик қилаётган ерга бориб, у томонда чиндан ҳам душман бор-йўқлигини билмоқчи бўлди.

— Кечаги кулгу ўзимга ҳам ёқмаган эди, — пичирлади Ал-Лаз.

Ал-Лаз қоя орқасига ўтиб жангга шайланди. Милтигини кўздан кечирди. Уни суюб, ардоқлаб, кафти билан силади, лаблари олдига олиб келиб ўпди. Сўнг ич-ичидан чуқур хўрсиниқ келди. Унинг юраги нотинч, така-пука эди.

— Эҳ, бундай бўлишини ким ўйлаган эди?

Аста бошини кўтариб теварак-атрофга кўз югуртира бошлади. Кеча тун қоронғусида ҳеч нарсани англаб бўлмаган эди.

«... Бу ер чўққига ўхшайди. Ҳа, ҳа, шак-шубҳасиз, чўққи. Тўрт томонни бемалол кузатса бўлади. Қизиқ, қандай қилиб кўтарилдик шундай баландликка?

Мана бу туманни қара, паға-паға булутлар сингари тез сузиб кетмоқда. Нега у тўда-тўда, остин-устун? Баъзи ерларда қуюқ, баъзи ерларда умуман йўқ...

Азамат қора қайин дарахтларининг шохлари виқор ва тавозелик билан бир-бирига чирмашган, меҳр-муҳаббати жўшиб бир-бирини қучишган. Сув ўпирган ерлар бир нуқтадан бошланса ҳам пастга, қияга тушган сари кенгайиб, чуқурлашиб, ҳатто тармоқланиб кетади. Тепадан у худди тамаки баргига ўхшайди-я...

Ана, қуёшнинг гардиши қип-қизил олмадек бўлиб кўрина бошлади. Ҳа, ҳа, катта, ажойиб олмадек. У ўз нурларини севиб, эркалаб шохи ипакка ўраган гўё. Атрофидаги ингичка тилла камаригина ўзидан нур таратади, мунчалар гўзал бўлмаса бу манзара!

Тумандан пастда, қуйида тўртбурчак, чўзинчоқ шаклдаги далалар ястаниб ётипти. Ундаги турли-туман экинлар ўзига хос ажойиб манзара кашф этган. Арпа майдони қорамол сути сингари оқ-сарик рангда. Бугдойзорлар эса... Йўқ, унга мос ранг топиш қийин... У узоқдангина янги олинган асалга ўхшаб кўринади, холос. Ҳар ер-ҳар ерда ям-яшил маккажўхори жўяклари элас-элас кўзга ташланади. У гўё оппоқ юздаги яшил татуировканинг худди ўзгинаси...

Тўғри, мен шу кунгача кўр эканман, кўр! Фақат

одамларнинг афт-ангоринигина, ундаги макр ва кибру ҳаво ёки очлик ва дарди бедавони кўрар эканман...»

Ал-Лаз яна милтиғини артди, суюб, силаб-сийпади, ўпди, сўнгра уни яхшилаб ўрнаштиришга тушди. Унинг лабидан ҳамон кулги аримасди. Ҳатто олдидан энгашганича ўтиб кетган Рамазонга аҳамият ҳам қилмади.

Рамазон сўқмоқ, ёлғизоёқ йўлларни дурбин билан синчиклаб кўраётган Зайдонга яқинлашди.

— У томонлар тинч.

— Э, бу сенмисан?

— Бирон нарса кўринадими?

— Ҳаракат шарпасини эшитаяпман, лекин ҳеч нарса кўринмаяпти. Сен дарахт шоҳлари силкинаётганини қандай сезасан?

— Дарахт шоҳларини ғайритабиий қимирлашини сезиш учун унга узоқ қараб туриш керак эмас. Эман ва қайин дарахти шоҳлари эгилиб ётган ҳов анави сўқмоққа қара. Тоққа кўтарилаётган ҳар бир киши бу шоҳларни кўтариб ўтишга мажбур, бир шоҳни қўйиб юборса, иккинчисини тутати. Кўраяпсанми? Тўхтамасдан, аста кузатиб боқ.

— Тўғри, бунини яхши айтдинг менга, — деди Зайдон Рамазон кўрсатган томонга қарар экан. Сўнг давом этди: — Қандайдир отряд топшириғини бажариб қайтаяпти. Буниси аниқ.

— Пистирма қўямизми ё кетамизми?

— Шундай жойдан кетамизми?

— Ҳар қалай, биз учаламиз бир километрча кенгликда узоқ жанг қила олмаймиз.

— Бир неча соат жанг қилиб турамиз, самолётлар келиб қолса, кетамиз. Бу жойни тушгача қўлдан бермаслик керак, — деди Зайдон. Бир оз индамай тургач, ўйчан тарзда қўшиб қўйди. — Сен бир нарсага аҳамият берганмисан?

— Нимага?

— Аскарлар бундай жойларни самолёт бомбардирмон қилганидан кейингина ишғол қилишга ўтишади. Биз олдин самолётлар келишини кутиб турамиз. Лекин бу ерда эмас, бир оз пастга тушамиз. Хачирлар ишончли жойга яширилганми?

— Ҳа, шунинг учун пистирма қўямизми деб сўраган эдим, — деди Рамазон.

— Рамазон, сен зўр жангчисан. Қетдик, бу жойни

ҳимоя қилишимиз, сақлаб туришимиз керак. Шундай экан, ҳозир бунда ўралашишнинг ҳожати йўқ. Кетдик. Сезгирлигинг ва тажрибанг чакки эмас. Бу яхши...

— Қаёқда, шунчаки ўйлаган эдим-да.

— Йў-ўқ... Шошма, шошма. Қандайдир шарпаларни пайқаяпман, шекилли. Ана биттаси, унинг орқасида иккинчиси, учинчи ва тўртинчиси бир неча метр ўнгроқда.

— Аниқ кўринаяптими?

— Ҳа, улар бизникилар.

— Қаёқдан билдинг?

— Бошларида каска йўқ, кийимлари ҳам ҳар хил. Ўзларига ишонганларича, хотиржам кўтарилишаяпти. Демак, олдинда разведкачилари бор. Уларни кутиш керак.

Зайдон ўз фикрини айтиб тугатмаган эди ҳамки, юз метрларча нарида бир неча киши гоҳ ер бағирлаб судралганича, гоҳ энгашиб атрофни кузатаётганини кўриб қолди.

— Ана улар, ёт, ёт, тезроқ!

— Чиндан ҳам улар атрофни кузатишаяпти.

Зайдон билан Рамазон ерга ётишди. Қуролларини шай тутганларича кута бошлашди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Пастда ерга қорин бериб судралаётганлардан бири ўрнидан туриб, ўта эҳтиёткорлик билан олдинга юра бошлади. У атрофидаги ҳар бир қарич ерни синчиклаб кузатар эди.

— Қўявер, яқинроқ желаверсин. Бу ўзимизнинг одам, — шивирлади. Зайдон. Кейин бир неча дақиқа кутиб тургач, бақирди: — Тўхта!

Келаётган одам ерга ётишга улгурмасданоқ сўради.

— Қимсизлар?

— Ўзингиз-чи?

Орқада қолган разведкачилар ўз командирларининг ҳимоясига тайёрланишди. Бу манзарани кузатиб турган Рамазон уларни тинчитиб учун фақат тўрттагина ўқ кифоя эканини чамалаб қўйган эди. Чунки разведкачилар яширинган жой ноқулай бўлиб, улар бошларини дарахт панасига олишгани билан жуссалари аниқ кўриниб турар эди. Рамазон Зайдонга пи-чирлади:

— Уни ҳимоя қилмоқчи бўлганларни ўйлама, иш-лари пачава.

— Нима бўлганда ҳам улар ўзимизники. Лекин яна ким билади. Бу лаънати келишмовчилик, зиддиятлар туфайли... Дўстни душмандан ажратиш қийин бўлиб қолди, — секин жавоб берди Зайдон, сўнг разведкачилар командирига муражаат қилди: — Аввал ким эканингизни айтинг. Билиб қўйинг, сиз, сизни ҳимоя қилмоқчи бўлганлар ва сизнинг кетингиздан келаётган стрядингиз қуршовда, чор атрофдан бошлаб ўралган-сизлар. Биз эса инқилобчилармиз.

— Аҳ, инқилобчиларми?... Биз кўнгиллилармиз. Шайх бошлиқ отряд вилоят маъмуриятидан қайтмоқда, — деганича ўрнидан турди у ва Зайдон билан Рамазон ётган ерга қараб юрди.

— Мунча оғзини кўпиртирмаса, — шивирлади Зайдон. — Бундай сирни очишга унинг ҳаққи йўқ...

Қоя орқасидаги Ал-Лаз ҳамма воқеани яққол кўриб турарди. У ўша ердан туриб душман устига мингларча ўқ ёғдиришга қодир. Ҳар қалай шундай деб ўйлар, бунга жуда ишонарди. Неча бор тепкини босмоқчи ҳам бўлди, лекин қаерни нишонга олишга келганда иккиланди. Пешонаси кенг экан, уни мўлжалга олса, албатта тегади. Ёки кўксининг чап томонини пойласами экан, у ахир душманининг энг нозик жойику. Лекин киноларда биринчи ўқни қўлга отишади, қўлидаги қуролни тушириш мақсадида, албатта.

Энг муҳими Зайдон буйруқ берса бас.

Лекин Зайдон ундай қилмади, балки ғулдураганича яширинган еридан чиқди.

— Си Масъуд, бешинчи район комиссари... Дозорга¹ ўзи бошчилик қилаяпти! — у юзига табассум юрганича олдинга юрди. — Салом, салом си Масъуд. Мен Зайдонман...

Айни чоғда қуйидагиларни кўнглидан ўтказди: «Масала жиддий кўринади. Шундай. Катта бошлиқларни ҳозир Шайх деб юритишади. Демак Шайх ўз отряди билан шу ерда».

Зайдон аввал си Масъуднинг икки елкасига қўлини қўйди, сўнг уни самимий қучиб гапга тушиб кетди. Гуё мана шундай қизиққонлик билан қарши олгани учун ўзини-ўзи оқламоқчи эди.

¹ Дозор — асосий қисмлардан олдинга юборилган кичик қисм, группа.

Жангчиларнинг кўпчилиги аниқ фикр юритишдан йироқ бўлгани билан жасорат, матонат ва фидойилик бобида ўрнатилган даражада. Асосий жангларда эса бу — энг муҳим фазилат, чинакам онгли революцияни поёнига етказишда зарур бўлган омиллардан бири, ўйлади Зайдон.

Қанчалар илиқ кутиб олинганига қарамай, си Масъуд Зайдонни бир қадар совуқ қаршилади.

«...У мен билан кутилмаган вазиятда учрашиб қолгани учун ҳам саломлашди, чамаси. Унинг чийирилган бурни ички нафрат ҳиссини яшира олмади. Ҳа, тахминларим тўғри кўринади. Фақат Тереза Декейру... Туф! Нега мен донм ўша беномус аёлни эслайман?»

Зайдон Рамазон ва Ал-Лазга «ҳеч қандай хавфхатар йўқ» ишорасини қилди. Си Масъуд ҳам ўз дозорига худди шу маънода шартли ишора кўрсатди. Узоқдан Шайх ўз ҳамроҳлари билан савлат тўкканича, ҳатто тантанавор руҳда бу томон кела бошлади.

Шайх Зайдон билан қўл учигагина сўрашди. Буни ҳам мажбур бўлганидан қилди. Сўнгра ўз соқчилари ва ҳамроҳларига ўзига хос услубда келиштириб бўйруқ берди:

— Ҳозирча сизга бу милтиқлар керак бўлмайди. Уни четроққа қўйиб туринг.

— Бу Ал-Лаз, бу эса капрал Рамазон. Улар бизнинг сафимизга яқиндагина қўшилишган, — таништира бошлади Зайдон. — Улар амалга оширган сўнгги қаҳрамонона операция душманни ларзага солди.

Шайхдаги кибру ҳаво ва кекни кўрган Зайдон операциядан атайин сўз очган, товушида норозилик оҳанги сезилиб турарди. Буни Шайх ҳам, унинг ҳамроҳлари ҳам тушунишмади, ҳатто шунчаки аҳамият ҳам беришмади. Фақат Ал-Лаз ва капрал Рамазонгина ўз командирларига меҳрлари товланган ҳолда очиқ чехра билан кулиб турар эдилар. Гўё унга: «Биз чўққиларнинг чўққисиди Шайх ҳазратлари олдида эканимизни тушуниб турибмиз. Сен бизни ўйлама, маънавий ҳолатимиз сени чўчитмасин. Бу оддий нарсалар. Революция масаласига келсак, биз барибир кўп нарсани тушунмаймиз. Бу сизнинг ишингиз. Нима қилаётганингизни ўзингиз яхши билсангиз бас. Шундай экан, сенга ишонамиз, айтганингни кўнглингдагидек бажарамиз», демоқчи эдилар.

Зайдон ҳам ўз қадрдонларига кўзи қувнаб қаради. Шайх ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан «ўтир» ишорасини қилди. Зайдон бўйруққа бўйсунди.

У ерга чўкиши билан кўзи қўллари орқасига боғланган соқчилар назорати остида булар томон келаётган беш европалikka тушди.

Зайдон уларга синчиклаб тикилди. Нигоҳи бирдан бешинчи кишида тўхтади. Уми... ёки бошқами? Наҳотки у бўлса? Ўша... Капитан Сантос. Она юртини бундан бир неча йил олдин тарк этган испаниялик дўсти. У ўз кемасидаги тўплардан ажал ўқи ёғдира бериб, қонхўр душманни бир неча ой давомида даҳшатга солган. Охири немис самолётлари ярим кун узлуксиз ҳужум қилиб, кемасини шикастлаган, Ўрта ер денгизи қаърига чўктириб юборган. Ана шундан кейин капитан ўз юртига қайтмаган эди.

Ҳа, ҳамма нарса равшан.

Зайдон ижозат ҳам сўраб ўтирмади. Дўстини қучишга ўрнидан турди. Назарида унинг қонига қон, кучига куч, ишончига ишонч қўшилган эди.

— Эҳ, си Зайдон, шахсан мен сени анчадан бери биламан, — тилга кирди Шайх. — Бир неча йилдан бери танишмиз. Агар гап фақат менда бўлса, ҳеч иккиланмай сени орамиздаги энг софдил киши деб топган бўлардим. Лекин, ўтган гал айтганимдек рапорт жўнатганман.

— Албатта. Рапортга жавоб бўлса, келди. Энди масалани ўзингдан соқит қилмоқчисан. Буни тушуниб турибман.

— Ҳа, бу жуда арзимаган иш. Бир-икки оғиз сўз айтсанг, бир-икки калима ёзиб берсанг бас.

— Шунақа дегин.

— Ҳа, лекин сендан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат.

— Менинг элчим олдинга қачон етиб борди?

— Бугун бўлса... Ҳа, тўрт кун олдин. У борган заҳоти биз йўлга тушдик.

— Бунга ишонаман. Сен ундан нега шунчалик кечикканини сўрамадингми?

— Қелишмовчилик туфайли деди. Йўлни яхши билмас экан. Қолган шериклари тўқнашувларда ҳалок бўлипти.

— А-ҳа, шундай бўлишини ўзим ҳам ўйлагандим. Районингизда аҳвол қалай?

— Бундан яхши бўлиши мумкин эмас. Ҳамма ёқ пистирма, кетма-кет ҳужум, жазога маҳкумларни жазолаймиз, қурол-аслаҳа ўлжа қиламиз. Аҳоли биз томонда.

— Буларни айтаётганим йўқ. Ихтилоф, келишмовчиликларни назарда тутаяпман.

— Ундай нарсалар йўқ. Бизга ҳали етиб боргани йўқ. Бошқача қилиб айтганда, уларни четга суриб қўйганмиз. Биринчи галда душман билан олишув, уни енгиш. Биз мана шу принцип асосида иш юрита-япмиз.

— Лекин, анави хато йўлга кирганлар-чи?.. Нега ўзингизга эрк берасиз, исёнгача етиб борибсиз. Биз ҳеч қачон исён қилган эмасмиз, ўзимизни қози деб ҳам билмаймиз. Буйруқни кутаяпмиз, холос.

— Ке, бу гапларни қўяйлик. Яхшиси сен ҳақинг-даги гапга ўтайлик.

Зайдон яна Сантосни кузатишга ўтди. Бу гал негадир Тереза Декейру ҳақида унинг фикрини сўрагиси келди. Лекин шу заҳоти яна ўзини-ўзи койишга тушди. Миясини шундай арзимас фикрлар чулғаб олгани унга ёқмади. Сўнгра келишмовчиликлар ҳақида Шайх сўраган баъзи саволларни эслаб, алоҳида одамлардан тузиладиган фронт ва буржуа реакцион партиялари ҳақида ўйлай бошлади. Бир оздан кейин яна ўздан: «Агар Франсуа Морнак Тереза Декейру ҳақида ёзмаганида унинг ўрнида француз адабиёти-да нима пайдо бўлиши мумкин эди?» деб сўради. Яна ўзини койиди.

— Ҳа, элчи етиб бориши билан йўлга чиқдик. Яхшиямки бу ерда учрашдик. Ярим масофани ютдик.

— Мен ўзим келишга мажбур бўлдим. Биринчидан, сен учун, иккинчидан келишмовчиликлар туфайли. Ҳар қалай пича кеч қолдим.

— Элчи кечикди.

— Сен исёнчиларга қўшилпб кетасан, деб қўрқ-дим.

— Нима қилсам ҳам буни қилмасдим. Фақат буни эмас!

Зайдон яна бир неча бор охирги иборани қайтарди: фақат буни эмас, фақат буни эмас... Шайх Зайдонни синчиклаб кўздан кечири бошлади. Унинг бўй-

нига бир оз тикилди... «Ҳа, агар у 1947 йил сайло-
вида мени сиқиб чиқармаганда, ютган бўлардим... Ҳа,
майли, бўлар иш бўлган, буни ҳозирги революция
ишларига аралаштиришнинг ҳожати йўқ. Ҳа, унинг
софдил ва пок виждонлилиги ёрдам беради». Шайх
негадир Зайдоннинг бўйнига яна бошқатдан қаради.
У эса қуёш нурда тобланиб ўтирган ўғли Ал-Лаздан
кўзини узмас эди.

Зайдон ўғлига суқланиб қарар, гўё уни кўрмага-
нига анча бўлган, ўшандан бери биринчи бор кўриб
туриши эди.

«Ияги бир оз чўзиқ демаса, юзи тухумсимон юма-
лоқ, бурни керикроқ, калта лаблари қалин, кўзлари
йирик-йирик, узун-узун қора киприклари уни безаб
турипти, қошининг ўртаси туташ. Худди онасининг
ўзи. Ҳеч қаери менга ўхшамайди, фақат қонидан
бошқа. Юзида кесилган, тилинган чандиқ излари.
Уларнинг баъзилари ҳали яхши битмаган, азоб бер-
са керак, албатта. Бечора... қийналгани қийналган.»

Ал-Лаз отасининг қарашларига парво қилмади.
Ичкиликка бўлган ташналик уни яна ўз исканжасига
ола бошлаганди. У мушаклари тортишаётганини сез-
ди. Устидан муздек сув қуйилгандек курак ва умурт-
қа поғоналаридан тортиб, бутун баданида совуқ нар-
са ўрмалагандай бўлди, асаблари таранг тортилиб,
оғзи сув очди.

У аста-секин қалтирай бошлади, ҳатто тишлари
такиллашга тушди. Бунни пайқаган Зайдон кўнглидан
ўтказди: «Бечора. Ҳали кўп қийналади. Бундай ху-
ружларга бардош беришнинг ўзи бўлмас». Ал-Лаз-
нинг ёнида турган соқчи ундан сўради:

— Сенга нима бўлди, касалмисан?

Ал-Лаз соқчига бир қараб қўйди-ю, лекин инда-
мади. У ҳозир отасининг чўнтагидаги шиша, унинг
бир томчиси ҳақида ўйлар, кучли қора тамакидан
ўралган қўлбола сигаретани қўмсарди.

Шайх ёрдамчиларидан бирига кўз қисди. Шу за-
ҳоти Ал-Лаз билан капрал Рамазонни бир четга олиб
ўтишди, соқчи аскарлар ярим ой шаклида тизил-
лишиб, уларнинг ўрнини эгаллашди. Зайдон ва
беш нафар европаликнинг тақдирини таҳдид остида
қолгандек эди.

Шайх бир муддат жим тургач, жиддий ва босиқ
товушда француз тилида гапира бошлади:

— Сизларнинг ишингиз юзасидан муайян қарор қабул қилинган. Зайдон ўз эътиқодидан воз кечиши, партиядан чиқиб, фронтга қўшилганини эълон қилиши керак. Сизлар ҳам ўз маслагингиздан қайтиб, ислом динини қабул қилишингиз керак.

Шайхнинг қисқача нутқи европаликларнинг қалбига кучли бўрон найзаларидек санчилди. Лекин Зайдоннинг юпқа лабларида негадир кулги аломатлари пайдо бўлди. У қошларини чимириб, кўзларини Шайхга тикди. Шайх эса:

— Ҳозироқ жавоб берасизми ё ўйлаб кўрасизми, ўзингизга ҳавола, — деб сўзини хулосалади.

— Бу бемаънилик!

— Нима демоқчи бу одамлар?

— Унда сизнинг курашингиз қанақа кураш бўлди? — Уч европаликнинг жавоби ана шу тахлитда бўлди. Тўртинчиси жим қолишни афзал кўрди. Испан капитани Сантос Зайдонга қаради. У эса чалиштирилган бармоқларини қаттиқ сиққанича француз тилида сўради:

— Агар бу шартларингизга кўнмасак-чи? Унда нима бўлади?

— Ўлим! — бепарво жавоб қайтарди Шайх.

Испаниялик бошини кўтариб деди:

— Айтганингизни қиламиз, деб шартингизга кўнганимиз билан бизга осонликча ишонмасангиз керак?

— Сиз партиянгиз тутган позицияни қоралаб ёзма баёнот берасиз. Уни биз матбуот орқали жаҳон афкор оммасига маълум қиламиз. Шундан кейин нега сизга ишонмайлик, осонгина ишонамиз.

— Шундай денг, — қўшиб қўйди Сантос. Гапга Зайдон қўшилди.

— Одатда хоинлар, революция душманлари қатл қилинади. Лекин биз... Биз қайси айбимиз учун ўлимга маҳкум этиламиз?!

— Зайдон, биз бу ерга мунозара қилиш учун йиғилмадик. Шундай буйруқ бор, уни барчамиз бажаришимиз керак, — деди қатъият билан Шайх.

— Биз — кўнгиллилармиз, сизга ёрдам беришга келганмиз, — деди урушгача деҳқончилик билан шуғулланган француз. — Агар бизнинг холис ният ва самимий ёрдамимиздан юз ўгирмоқчи бўлсангиз, бизнинг ҳаёт ва эътиқодимиз ҳақида сафсата сотишнинг нима ҳожати бор.

— Биз тортишиб ўтириш учун йиғилмаганмиз, дедим-ку, — такрорлади Шайх.

Орага бир неча дақиқа жимлик чўкди.

— Мен тоққа партия топшириғи билан эмас, шахсан ўзим келганман, — сукутни бузди Зайдон.

— Мен ҳам, мен ҳам... — дейишди қолганлар ҳам бирин-кетин.

— Мунозарага ҳожат бўлмаса ҳам мен сизлардан, биринчи галда Зайдондан бир нарсани сўрамоқчиман, — деди ҳамон босиқ оҳангда Шайх. — Бундан олдин ҳам партиядан четлаштирилганмисизлар?

— Мени кечирасан-у, бундай савол бизга келиб қўшилаётган ҳар бир кимсага бериладими ё... Мана масалан, сен, ўз партиянгдан чиққанингни эълон қилдингми ёки шундай ўзингча тоққа чиқиб кетавердингми? — деди Зайдон ўзига масхараомуз қараб турган Шайхнинг саволига савол билан жавоб бериб.

Испан капитани ҳам бўш келмади:

— Нега биз партиядан чиқишимиз керак экан?! Бунинг кимга кераги бор?

— Мана бу бошқа гап. Ўринли, жиддий савол. Биз ҳамма партияларни тарқатиб юборишга ва бирлашган фронт ташкил этишга қарор қилдик.

— Испания Коммунистик партиясини фақат Франко таъқиқлаши ёки тарқатиб юбориши мумкин, аммо сизлар эмас, — деди заҳархандалик билан Сантос.

— Балки Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ҳам тарқатиб юборишга қарор қилгандирсиз? — қўшимча қилди бир француз.

Ҳамма кулиб юборди. Шайх ўтирган срида қадини сал ростлаб, уларга юзланди:

— Сизлар иккинчи даражали гаплар билан машғул бўлиб, асосий масаладан четлашиб кетаяпсиз. Тўғриси айтганда Жазоир Коммунистик партияси ўз аъзоларини тарқатиб юборишни рад этмоқда. Бу билан революцияга қарши чиқмоқда.

— Йўқ, у революцияга қарши эмас, аксинча унда фаол иштирок этмоқда, — гапни бўлди Зайдон.

— Хўп, шундай ҳам дейлик, — сўзида давом этди Шайх. — Лекин бу партия шу ҳал қилувчи даврда сафларимизни бирлаштириш ғоясига тўғаноқ бўлмоқда. Буни инкор этмассиз?!

— Мен икки йилдан бери партия фаолиятдан

узоқда бўлсам ҳам шуни аниқ айта оламанки, партиялардан эмас, балки шахслардан иборат фронт тузиш фикри менга тушунарли эмас. Ўз партиянгиз раҳбарлари ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликлар сизни янги партия тузишга мажбур этди. Сиз бу партияни ўзга партиялар ҳисобига тузмоқчисиз. Унга инқирозга юз тутган партиянгиз қолдиқларини ҳам қўшмоқчисиз. Аслини олганда ҳамма керакли шарт-шароит вужудга келганда кўтарилган қуролли қўзғолон — бир нарса бўлса, бу қўзғолонни барча партияларни тарқатиб юбориб, унинг ўрнида янги партия тузиш учун ишлатиш — бутунлай бошқа нарса.

— Сен аъзо бўлган партиянинг позицияси ҳам худди шундай,— деди Шайх Зайдонга жавоб тариқасида.

Сўнгра у савол беришга шайланган фанцузлардан брига қаради.

— Яхши, — деди француз. — Унда бошқа Коммунистик ва Ишчи партияларининг айби нимада?

— Гап шундаки,— ўйланиб деди Шайх,— Франция Коммунистик партияси ва Жазоир Коммунистик партияси бир нарса.

— Йўқ, бир нарса эмас,— эътироз билдирди Зайдон.

Испаниялик капитан савол ташлади:

— Испания Коммунистик партияси-чи, у ҳақда нима дейсан?

— Барингиз коммунист, ҳаммангиз бир гўрсиз, революциямизни ичидан қўпоришга келгансиз, — тутақиб деди Шайх.— Гапни чўзманг! Жавобга ўтинг! Қандай қарорга келдингиз?

— Шахсан мен суд қилишларини сўрайман. Суд қилишганда ҳам революция қатнашчиси сифатида, унга ёт унсур сифатида эмас. Чунки мана икки йилдан бери... — гапини тугатолмади Зайдон.

— Бизни ҳам, қўшилишди европаликлар.

— Бундан чиқадики, сен, Зайдон, ўз эътиқодингдан воз кечмоқчи ва партиядан чиқмоқчи эмассан?!

— Ундай деганим йўқ.

— Унда нима деб жавоб берасан?

— Мени революция аъзоси сифатида суд қилишларини талаб қиламан.

— Сени ҳеч ким революцияга қабул қилгани йўқ. Бу сенинг жавобингга боғлиқ.

Шайх тортишувдан ўзини қанчалик олиб қочмасин, мунозара қизигандан қизир, лекин масала Зайдон ва унинг ўртоқлари фойдасига ҳал бўлаётгани йўқ эди. Шайх бошида қанчалик холис, бегараз кўринишга уринган бўлмасин, энди унинг ҳар бир имо-ишораси ва важоҳатидан адоватли қиёфаси кўрина бошлаганди. Шунинг учун ҳам Зайдон бу тортишув ўзи билан Шайх ўртасидаги шахсий низога айланмаслигининг олдини олиб, араб тилида гапира бошлади:

— Биз 1945 йилдан бери бир-биримиз билан танишимиз. Кўп масалаларда партияларимизнинг тутган позициялари ҳар хил бўлганига қарамай, биз бир-биримизга ҳайрихоҳ бўлиб келганмиз, ораминдан ўзаро ҳурмат кўтарилган эмас. Шундай экан, бугун, мана шундай шароитда, шу даражада тортишиб ўтиришимизнинг нима кераги бор? Ўзинг яхши биласанки, мабодо мен талаб қилинган шаклда баёнот берсам, сени ҳам, бошқаларни ҳам алдаган бўламан. Мени ёлғон гапиришга мажбур қилишдан не фойда?!

Зайдон ўзини босиб, хотиржам сўзлашга уринаётган бир пайтда Шайх унинг кекирдагини мўлжалга олганча, бутунлай бошқа нарсга ҳақида ўйлаб ўтирарди... Балки у 1947 йилги сайлов натижаларини хотирасида тиклаётгандир. Ёки қўзғолончилар орасида уларни қуролли тўқнашувга олиб борган ихтилоф ва низо ҳақида ўйлаётгандир. Балки, яна бошқа бир нарсани эслаб қолгандир. Ҳар ҳолда Зайдоннинг сўзларини тинглаётгани йўқ эди. Охири Шайх ўрнидан турди, бешинчи район комиссари си Масъудни ва ўзининг ёрдамчиларини чақиртирди. Улар билан бир оз кенгашгач, жойинга қайтди.

У олдида ўтирганларга бирма-бир кўз югуртирар экан, Зайдонга бир зум тикилиб қолди, сўнг деди:

— Сизларга йигирма тўрт соат муҳлат бераман. Масалани ҳар томонлама, истаганингизча ўйлаб кўринг. Эртага шу пайтда нима фикрга келсангиз, айта-сиз. Агар революция тарафдори бўлсангиз, биллиб қўйингки, фронт Жазоир Коммунистик партиясини қоралайди. Сенга келсак, Зайдон, ўзингни қўлга олиб, жиддий ўйлаб кўрасан, деган умиддаман. Акс

ҳолда аянчли аҳволга тушиб қолишинг мумкин. Мен сенга жуда ачинаман.

Шайх ўғирилиб шериклари ёнига кетди. Энди бирор сўз айтишга ёки жавоб қилишга имкон ҳам қолмаганди. Си Масъуд уларга милтигини ўқталганича олдинга тушишга буйруқ қилди.

— Қаерга? — сўради Зайдон.

— Сиз бемалол ўйлашингиз учун ҳеч ким халал бермайдиган жойга, — жавоб қилди Масъуд. — Шу яқин ўртада катта ғоримиз бор. Унда озик-овқат ва асбоб анжом сақлаймиз. Сўнгги соатларингизни ўша ерда ўтказасиз.

— Сўнгги?! — сўради Зайдон.

Си Масъуд жавоб бермади. Бир неча қуроллиларни имлаб ёрдамга чақирди. Унча узоқ бўлмаган йўл давомида Зайдон ўз шерикларидан бири ёш курашчи бўлиб, қишлоқда қаҳрамонлик кўрсатгани, душман қўлига тушганда ҳам ўлим чангалидан қочиб қутулганини айтди. Ўша шеригига нисбатан яхши муомалада бўлишини илтимос, ҳатто илтижо қила туриб деди:

— Унинг исми Ал-Лаз. Унга отаиғ муҳим иш билан кетди, эртага келади, десанг. Ал-Лаз менинг ўғлим. Ўтиниб сўрайман сендан, си Масъуд.

Баланд қоя олдида тўхташди. Си Масъуд жангчиларга ҳар хил катталикдаги бир неча тошни кўрсатиб, уларни суришни буюрди. Шундай қилишгач, ғорга кириладиган торгина йўлак очилди.

— Марҳамат, — деди Масъуд Зайдон ва унинг шерикларига. — Бу бутун бир районнинг омбори. Ичи ҳам кенг, ҳам узун. Агар чироқ керак бўладиган бўлса, ичкарида, ўнг томонда шам бор.

Ғорга биринчи бўлиб Зайдон, ундан кейин испан капитани кирди. Охири кириш учун четланиб турган франциялик деҳқон тикка кўтарилаётган қуёшга суқланиб қараб қўйди.

Ғорнинг өзини беркитиб атрофига кучайтирилган соқчилар қўйилди.

Буатуш казармада тўрт кун жуда ёмон аҳволда ётди. У дам-бадам ҳушини йўқотар эди. Ўзига келса ўнгида, ухласа тушида кўзига даҳшатли нарсалар кўринар, тинмай босинқираб, алахларди. У ҳеч нарса-

нинг фарқига бормасди: на туни билди, на кунни, на тонг отганини сезади, на кун ботганини. Атроф бамисоли ташландиқ кўлмак, ботқоқ, одамлар ва нарсалар бўлса, қотиб қолган қора доғлар эди. Назарида ичи жуда ўпирилиб кетган, кўкси ва бошида катта ўпқон ҳосил бўлганки, у ўзини напалм бомбаси остида қолиб, дув тўкилиб тушай деб турган бинога ўхшатарди.

У нима бўлганини аниқ билмайдди, эслай олмайдди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг лоақал энг арзимасини эслашга ҳам журъат қилолмайдди, кучи етмайдди. Ўзини ниҳоятда оғир сезади, гўё энг улкан, энг даҳшатли ва энг жирканч нарса уни эзаётгандай эди. Бу ҳолатдан қутилмоқчи, ўзини четга олмоқчи бўлади. Яна бирдан ваҳимага тушади, асаби бузилади, мушаклари таранглашиб, баданида қалтироқ туради, оғзи қурпиди. У қочишга ҳам, эриб кетиб ғойиб бўлишга ҳам тайёр.

Буатуш ҳақиқатан ҳам ақлдан озгандек эди. Ҳа деб оҳ урар, инграр, ўз биқинига ўзи мушт туширар, жазаваси тутиб ер тепинар, икки қўлини шартта бўйнига олиб бориб ўзини бўғмоқчи бўлар, оғзи етган ерини тишлаб ташларди. Бир қарасанг ёстиқ остига бошини суққанича узоқ жим қолар, сўнг ёстиқни тишлаб-тишлаб тепага кўтарар, атрофга отар эди. Яна бир қарасанг, аянчли товушлар чиқарар, бирдан нафаси ичига тушиб кетар, ҳушидан кетгандек бўларди. Бундай ҳолларда у ўзини самода—қуюқ туман ичида учаётгандек ҳис қилар эди. Парвоз хуш ёққани сари тезлигига тезлик қўшмоқчи бўлар, туман тарқаб, атрофи тезроқ бўм-бўш бўлиб қолишини истар эди. Лекин бир зумда пастга шўнғир, яна бақиринишга тушарди.

Капитан вақти-вақти билан уни йўқлаб, ҳолидан хабар олиб қўярди. Баъзан дераза ортидан қараш билан чекланса, баъзида ичкарига, ўзи унга ажратиб берган хонага кирар эди. У-бу сўз айтиб таскин-тасалли берган бўларди, кейин унга бир қадаҳ спиртли ичимлик узатиб, ичишга зўрлар, бундай ҳолатларда бирдан-бир даво—ҳамма нарсани унутиш, руҳий азобни унутиш учун эса ичкиликдан, маст бўлишдан яхши нарса йўқ, деб таъкидларди. Буатуш капитанга тикилиб туриб, қўллари қалтираганича қадаҳдагини юзларига тўкса ҳамки ичар, кейин тишларини ғижир-

латар ёки бошини бирон нарса панасига олар, гоҳи-да кўзларини чирт юмганича қўлини қўлига ура бошларди. Охири ўзини каравотга отарди. Шунда капитан қадаҳни яна тўлдириб қўйиб, чиқиб кетарди.

Тўртинчи кун кечга бориб Буатуш ўзини эзиб турган оғирлик камайгандек, руҳи ҳам хийла енгил тортгандек ҳис қилди. Асабий хуружлар ҳам энди кўпда қийнамай қўйгандай эди. Ҳатто гоҳида ўзини қушдек енгил сезар, бундай чоғларда кулар, қўшиқ айтар, тинмай гапирарди. Лекин дам ўтмай бошидан ҳуши учар, ўзини яна туман ичида кўрар, туман унинг ич-ичигача сизиб жирар, нафасини қисарди. Шундай кезларда у бошини қуйи солганича узоқ вақт ўйчан ва маъюс ўтириб қоларди.

Капитан буни пайқади ва ичкиликка зўр берди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир неча шиша бўшатилди. Буатуш ҳушидан кетса кетарди-ю, маст бўлмасди. Гўё ичкилик унга ақл бовар қилмайдиган даражада таъсир қилмайдиган бўлиб қолганди. Энди унда-мунда ялт этиб тушаётган чироқ нурларигина йигитни ҳушига келтирмоқда эди. Шунда ҳам у ўз атрофидаги нарсаларни кўз ўнгига ушлаб туришга қанча уринмасин, улар тезда хиралашиб, йўқолиб кетарди.

Буатуш ўзи ётган каравотига бир оз тикилиб турди, унга яраша ташбеҳ изламоқчи бўлди, лекин лаънати каравот қандай ғойиб бўлганини билмай қолди. Офицерга қаради, унинг кўксидаги нишонларини санамоқчи, қачон ва қаерда олганини сўрамоқчи бўлди, лекин бирпасда офицер жўринмай қолди. Стулга тикилган эди, уни кўз ўнгига бир оз ушлаб тура олди. Агар стулнинг оёғи иккита бўлса, одам велосипедда ўтиргандек унда ҳам ўтира олармиди, деб ўйлаши билан кўз олдигаги стул ўрнида қанотли велосипед пайдо бўлди. Шу пайт капитан уни саволга тутиб қолди. У ўз навбатида жавоб қайтаришга аҳд қилди. Лабларини чўзиб бир неча бор ғалати ишшайди ҳам, сўнг негадир яна шумшайиб олганича жим қолди. Кўз олдини яна туман қоплаган эди.

Уша кеча Буатуш бир нарсадан ҳайратда эди. У энди ўтган уч кундаги сингари қаттиқ қийналмаётган эди. Буни капитан ҳам, унинг ўзи ҳам сезди.

Буатуш энди шу қадар хотиржам эдики, ҳатто ўзини уйқуда деб тасаввур қиларди. Чиндан ҳам у

тушни ўнгдан ажрата олмай қолган, бўлиб ўтган ва бўлиб ўтаётган ҳамма воқеаларни тушида кўраётгандек эди.

Капитан уни ўрнидан турғизмоқчи бўлиб қўлини узатаркан деди:

— Ҳа деб бу хонада ётаверма, яхшиси ташқарига чиқ, казармани айлан, тоза ҳаводан нафас ол, мовий осмонни томоша қил. Кел, бу машъум қабрни тарк эт!

Буатуш кўнди. У бошини кўкка кўтарганича қўрғошиндек оғир оёқларини зўр-базўр судраб аста борарди. Кўзлари чиндан ҳам самонинг мовий гумбазини томоша қиляптими, у ер-бу ерда турли шаклда кўринаётган тўп-тўп оқ булутларни кузатаяптими, ёки нигоҳи кўкда рақсга тушаётган қушлар тўдасидами, ким билади? Балки у капитаннинг сўзини икки қилмай деб шунчаки бурнини кўтариб кетаётгандир?

Шу зайлда узоқ айланиб юрди. Қоронғилик пардаси аста-секин казарма устига туша бошлаганда Буатуш анча ўзига келиб қолган, атрофидаги нарсаларни ҳам фарқлай бошлаганди. Ҳатто уларни аниқ тасаввур қила оладиган, улар ҳақида фикр юрита оладиган бўлиб қолганди.

Авваламбор узоқдан келаётган гурсиллаган қадам товушини пайқади, шу йўсинда ўзи қаердалигини фаҳмлади. У казармада экан, ҳа казармадалиги аниқ. Демак, у ўз навбатида шу ердаги аскарларнинг биттаси. У Буатуш, бир пайтлар бузоқ боққан, бундан бир неча ой илгари миллий гвардия сафига қўшилган ва шу ерда хизмат қилиши керак эди. Капитан бир неча йигитлар қатори уни ҳам ўз қўли остида ишлашга лойиқ топган эди. Бундан мақсад у муҳим бир топшириқни — жазонрлик аскарлар казармадан ким томонидан ва қай йўсинда қочирилаётганини фош қилиши керак эди.

Ҳа, у Буатуш. Елкасига сержант погони тақилган Буатуш.

У шунга ишонч ҳосил қилгач, қадам товуши келаётган томонга қаради. Аввалига солдатлар кўзига жуда кичкина, ёш болалардек, пакана одамлардек кўринишди. Лекин бир оздан сўнг ўзларининг табиий бўй ва энларида бўлиб қолишди. Улардан баъзиларини таниди, саломларига енгил табассум билан жавоб қилди. Яқинидан капитан ўтиб қолганида

хатто қўлини чеккасига кўтара олди ҳам. Капитан бўлса унинг елкасига қоқиб, қўлоғига пичирлади:

— Сайр этишда давом эт. Қара, жуда ҳам яхшисан. Кечқурун бир ўтиришамиз.

У оёқларини секин-секин судраганича казарманинг у ёғидан бу ёғига юришда давом этди. Айни чоқда атрофидаги нарсаларни кузатиб борарди.

«Анави ердаги бензинли бочкалар ўз жойини топмапти. Улар катта махсус омборда сақланиши керак. Бу ҳолда устига чодир тутиб қўйиб бўладими? Мабо-до граната тушса нима бўлади? Агар ёнғин чиқса борми, казарманинг кули кўкка совурилади-я. Қани энди шундай бўлса!

Мана бу бесўнақай юк машиналари зич қилиб сафланган. Гўё уларнинг боши охурда, ер искашаяпти. Булар ҳозир парча-парча бўлиб, гир атрофга сочилса нима бўлади?

Йўқ, агар мина қўйилмаса ундай бўлмайди, албатта.

Эҳ, жўкимтир рангдаги мана бу танкларни қара! Худди илондек писиб ётипти. Буларнинг портлаши юк машиналарига қараганда ваҳималироқ бўлиши керак.

Мана бу деворлар-чи? Улар бирин-кетин, бирининг устига иккинчиси қуласа борми? Фақат мионалар ёки қучли зилзилагина бундай қилишга қодир».

Бир зум тўхтади. Нима учун шулар ҳақида ўйлаётганига, нега калласига бундай қора фикрлардан ўзга ҳеч нарса келмаётганига ҳайрон бўлди. У бочкалар, машиналар ва танкларга ўткинчи бир назар ташлаб, йўлида давом этди. Ўйининг ниҳоясига етолмади.

«...Агар қўл гранатасининг катталиги бош оғриганда ичиладиган таблеткадек бўлса эди, инсон боласи ундан бир-иккитасини ютиб олиб, кўксида портлагунча кутиб турган бўларди.

Бум... бум...

Шунда қалбингда бори бир йўла чиқиб кета қоларди».

У пича юришдан тўхтаб бу гапларнинг нима кераги бор, деб ўйлаб турди, сўнг қошларини чимирганича йўлида давом этди. Виждонини қандайдир оғир, тасаввур этиш қийин даражада жирканчли, бемаъни нарса қийнаётганини сезгач, қадамини тезлатди...

Шу орада бир жазоирлик аскар честь бериб, уни тўхтатди.

— Тузалиб кетдингми, сержант Буатуш?

— Худога шукр. Худога шукр. Нима эди, Алава?

— Нега нима эди?! Биз ҳаммамиз хавотир олдик сендан. Агар тузалган бўлсанг, бизга бугун кечқурун-га рухсатнома олиб бер. Биласанми, нимага?.. Шахсан мен мана шу тўрт кун ичида дарвоза ҳатлаб казармадан чиқмадим.

— Анави бочкаларни қара.

— Нима қилипти.

— Жойига қўйилган эмас. Анави юк машиналарини кўр.

— Уларга нима бўпти?

— Улар ер искашаяпти. Кўрмаяпсанми зилзилани жутиб туришипти.

— Балки.

— Мана бу танклар-чи? Улар илондек сапчишга тайёр турипти.

— Бугун кечқурун бир айланиб келмаймизми-а? Ё бўлмаса эртага эрталаб, сержант Буатуш? — сўради аскар Алава.

— Анави бочкаларга граната улоқтирилса ёки гургут чақиб юборилса, мана бу машиналар ва танкларга миная қўйилса, нима бўлишини тасаввур қила оласанми?

— Қийин эмас, сержант Буатуш. Ҳа, майли, хайрли кеч, яхши ётиб тур.

Жазоирлик аскар кетди. Буатуш ундан бош оғриғи таблеткаси ҳажмидаги қўл гранатасини кўз олдига келтира оладими, йўқми, сўраб кўришга улгурмади. Бир неча қадам қўяр-қўймас яна тўхтади. Миясига келган шундай фикрларни қандайдир бир аскар бола билан ўртоқлашгандан ажабланди...

Буларнинг ҳаммасини шу заҳотиёқ унутгандек йўлида давом этди. Энди қулоғини динг қилиб борар, гўё атрофидаги нарсалар мана-мана портлаши керагу, у шунини кутмоқда эди.

Йўқ, портлаш товуши эшитилмади. Ўрнига горнинг байроқ туширилиши тантанасига чорловчи овози янгради. Офицер ва аскарлар казарма ўртасидаги майдонга шошилишди, сафга тизилиб, тиж қотиб туришди. Бир неча аскарлардан иборат эскорт кўринди. Ҳамма ҳарбий саломни адо этгач, эскорт ко-

мандири шахдам одим ташлаб байроқ остига келиб уни тушира бошлади.

Буатуш ҳам байроққа честь берди. Уни негадир ўзига ёт ҳаяжон қамраб олган эди. Балки унвони кўтарилганидан бери биринчи бор Франция байроғига салом бераётгани учун бундай ҳаяжондадир. Айни чоғда унинг калласига яна бошқа бир нарса келганди. У ҳозир мана шу байроқни бензинга ботириб олиб, ёқиб юборилса, байроқнинг оқшомда қандай ҳилпирашини ўйларди...

Бу фикр ҳаёлидан кўтарилмасиданоқ капитан ва унинг ёнида турган аскарларнинг оёқ остидаги ер, Буатуш назарида бирдан тарс ёрилиб, уларни ўз қаърига тортиб кетди... Аммо Буатушнинг ўзи эса таблеткасимон гранаталардан бир нечтасини ютганича чалқанча тушиб ётиб олди ва портлашни кута бошлади. Даҳшатли, айна вақтда ёқимли портлашни кутар эди у.

— Эҳ, бу нимаси? — у ўз-ўзидан норози ҳолда сўради ва секин юра кетди. Байроқ тушириш маросими ниҳоясига етганди.

Буатушни зимдан кузатаётган капитан ўзича деди: «Ал-Лаздан ҳам баланд, ҳам бақувват, демак... Бу тун уни олиб қоламан, мен билан ётади. Секин-секин ўргангани яхши. Ал-Лазнинг ўрнига барибир бундан дурустини топа олмасам керак».

Кейин йигитга яқинлашиб, ёнида бир-икки қадам юрган бўлди ва буйруқсимон товушда деди:

— Кечки овқатни мен билан ейсан. Ҳозирча айлаиб юра тур. Бир оздан кейин ўзим чақиртираман.

Капитан орқасига ўгирилиб кетди.

Аскарларнинг бари: кўпчиликни ташкил қилувчи французлар ҳам, армия хизматига мажбурий чақиртирилган ва кўнгилли жазоирликлар ҳам, миллий гвардия аскарлари ҳам ошхонага, кечки овқатга шошилишарди.

Бу бўлиниш ошхона ичкарисида жуда яққол кўринарди: офицерлар ва унтер-офицерлар бир тарафда. Французлар бир томонда бўлса, жазоирликлар иккинчи томонда, армияга чақирилганлар — бир бурчакда, кўнгиллилар — иккинчи бурчакда эди. Миллий гвардия аскарлари бор-йўғи ўттиз киши бўлиб, муайян сабабларга кўра, казармада яшардилар. Улар ошхона

ўртасидаги столни эгаллашар, ёнларига ҳеч ким ўтирмас эди.

Армия хизматига чақирилганлардан кимдир салфеткани, кимдир бўш идиш-товоқни, бошқаси стакани, яна бошқаси қошиқ ва вилкани ўйнаганича жим ўтиришар, бир-бирларига маъноли қараб қўйишарди. Улар ўзларини бир қадар мамнун ва хотиржам кўрсатишга уринишар, лекин бу уринишнинг сохталиги аниқ сезилиб турарди. Қазармадаги муҳит ҳам, бир-бирларига муносабат ҳам улар учун бегона, ёт эди, албатта. Лекин бу жой ва вазият, айниқса ҳарбий кийимлари, бошларидаги чўзинчоқ, тепа томони букланиб ичига кирган тор пилоткалари шуни тақозо қилар, бунга ҳеч ким инкор эта олмасди.

Офицерлар ўтирган бурчакдан кимдир «Яшасак, кўрармиз...» деб бошланадиган машҳур инглиз ашуласи куйида ҳуштак чала бошлади. Уларга яқин жойда ўтирган бир аскар Эдит Пиафнинг ҳазин қўшиқларидан бир бандини хиргойи қилишга тушди. Миллий гвардия вакили эса, билибми-билмайми иккинчи жаҳон уруши охирларида пайдо бўлган бир қўшиқ оҳангида фингиллай бошлади. Унда Америка, европаликлар қанча кўкларга кўтарилса, араблар шунча масхара қилинар, ерга урилар эди.

— Буатуш бу оқшом соппа-соғдай. Сержант Буатуш,— деди хизматга мажбурий чақирилганлардан бири.

— Ундан бизга рухсатнома олиб беришини сўрамадингми? — қизиқди иккинчиси.

— Сўрагандим, у бўлса, менга бензин тўла бочкаларнинг алангалаши, танк ва машиналарнинг портлаши ҳақидаги тасаввурини сўзлаб кетди.

— Сержант Буатуш!

— Ҳа, сержант Буатуш машина ва танклар ер покаяпти, зилзила бўлишини кутаяпти дейди.

— Унинг гапини қўйсанг-чи, у жинни-ю,— деди аскарлардан яна бошқа бири ва суҳбат мавзусини ўзгартмоқчи бўлди: — Сизларга мана бу латифани айтиб берганмидим?

— Йўқ.

— Қайси латифани?

— Йўқ, де, бас. Сўраб нима қиласан? Унинг латифалари доим ўз тароватини ўзгартириб туради. Сен бўлсанг...

— Бўлмасам эшитинглар. Шайх Машъуз илми ғоибдан хабарим бор, ҳар қандай сир-асрорни фош этишим, башорат қилишим мумкин, деявериб қишлоқ аҳлининг жонига тегипти, охири ишонтирипти ҳам. Айтишларича унинг хотини жодугар, бунинг устига яҳудий шайтонлардан бир неча дўсти ҳам бор экан. Бир куни қишлоқдаги ёшлардан баъзилари уни си-наб кўришмоқчи бўлишипти...

— Нима, сен ҳам улар билан бирга эдингми?

— Гапнинг белига тепмай, аввал эшит!

— Хуллас, бир боғ ўтиннинг остига апельсин яши-риб, Шайхнинг олдига олиб келишипти-да, илми ғоибдан хабари борлигини сўнгги бор исботлаши учун ўтин остида нима борлигини топишни сўрашипти. Ў қизарипти, бўзарипти, қора терга ботишти, алла-нималар деб ғулдураб самога узоқ тикилипти, анча-дан кейин: «куррасимон, думалоқ» депти.

— Вой тўнғиз-ей!

— «Ҳа, ҳа, ҳазрати Шайх, яна, яна» дейишипти ёшлар. У яна қизарипти, сарғайипти, икки чеккаси-дан тер чиқипти, осмонга кўз тикканича ўйлаб туриб: «қизғиш, сарғиш», депти. «Яна, яна ҳазрати Шайх, яна бир оз, деярли топдинг», дейишипти йиғилганлар. Шайх қўлини кўкка кўтариб дуо ва афсун ўқипти, сўнгга ғулдураб-ғулдураб «ўртаси сувли» депти. «Эй, ҳазрати Шайх, айтнинг, айтнинг, унинг номини айтнинг», қисталанг қилишипти ёшлар.

— Нима, айтиптими у шайтон?

— Йўқ, айтмапти бари бир. Яна дуо ўқипти, куф-суф қилипти, қизарипти, сарғайипти, олдикига роса терга тушипти, бир оздан кейин совипти, бошини ўн-га ва чапга чайқаб: «Йўқ, билганим шу», депти. «Эҳ, ҳазрати Шайх! Куррасимон, думалоқ, ўртаси сувли. Сен деярли топдинг. Яна бир оз зўр бериб фикрингни йиғсанг, номини ҳам айтар эдинг. Ҳа, ҳа, ҳазрати Шайх яна бир оз! Яна бир оз!.. Одамларинг ёрдам-га келиб, ўз ишини қилди, энди ўзинг салгина ҳара-кат қилсанг бас». Шайх фикрини бир ерга тўплапти, бутун ақлини ишга солипти, атрофига қизиқсаниб, тикилиб қарапти, ҳатто ҳидлаб ҳам кўрипти, ёшлар бўлса, ҳа деб бўл-бўл қилишармиш: «Ҳа, ҳа Курра-симон, думалоқ, қизғиш, сарғиш, ўртаси сувли бу ёғини айт, бу ёғини!.. Ейиш ҳам мумкин», деб юбо-рипти бир йиғит ўзини тута олмай. Қолганлар унга

ёлишиб кетишилти. Шайх бўлса, охири топдим, ҳа, ҳа, уни топдим! Олло таоло кўз ўнгимни мунаввар этди, саҳобалар мадад қўлини чўзди, мен эса ақлан зўр бердим ва топдим!» депти. Нима, топипти деб ўйлайсизми? Қани, у нима деганини топинг-чи?

— Апельсин, албатта.

— Қовоқдир, балки.

— Олма ёки анор.

— Йўқ, Шайх ўйлаб-ўйлаб: «Тегирмон тоши!» депти.

Аскарларнинг бирдан чақнаб кетган қаҳқаҳаси бир неча лаҳза ошхона залини тўлдириб турди. Ҳамма уларга қаради, ҳатто баъзи бировлар уларга қўшилиб кулиб ҳам қўйиншди.

— Эй худо, бундай кулгидан ўзинг асра! — деди суҳбатдошлардан бири.

— Анчадан бери бунчалик мириқиб кулмаган эдик, — қўшимча қилди яна бири.

— Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да!

— Нима, сержант айтган зилзиладан чўчияпсанми?

— У олдин эсини йиғиб олсин.

Стол атрофида кўтарилган такрорий кулги энди ташқарига ҳам эшитилиб, айланиб юриб ошхона олдига келиб қолган Буатушнинг диққатини ўзига тортди ва у бенхтнёр тўхтади.

«Ҳали ҳам дунёда мана шундай қаҳқаҳа отишга қодир одамлар бор экан-а?» хаёлидан ўтказди Буатуш.

Сўнг бензин бочкаларига, юк машиналарига ва танкларга, рўнарасидаги деворга тикилиб қараб қўйгач, нигоҳини ошхона томон кўчирди. Қулогини беркитмоқчи бўлиб, қўлларини кўтарди.

— Сержант Буатуш! Капитан сени кечки овқатга чақираяпти! — деган овоз эшитилди орқадан. Буатуш яна бир бор атрофига назар ташлади. Қоронғулик борган сари қуюқлаша борар эди.

«...Ичкарида, ўнгда шам бор, деганди... «Ўнг»и қай гўрда бўлди экан?.. Шу ердир, ҳойнаҳой? Ҳа, ҳа, шу ерда бўлиши керак. Уларда ҳамма нарса ўнгда, ҳатто чироқ ёқмоқчи бўлсанг ҳам ўнгга оғишинг керак. Ўнгга, ўнгга... ва яна ўнгга. Аҳа, мана улар. Ўнг томон жуда саҳий чиқиб қолди-ю, охири...»

Зайдон ғорнинг чанг босган деворига суркалганича, тимирскилаб шамни ахтарар экан, ўзинча ғулдуради. Аксига олиб унинг панжаларига тупроқ ва тош парчаларидан бўлак ҳеч нарса илинмас эди. Европаликлар эса турган ерларида қотиб қолишган, улардан баъзилари ўзлари учун бегона бу зим-зиё ғорда, ҳатто бир қадам қўйиш мушкуллигини дилларидан ўтказишар эди.

Зайдон шамни ёқди, уни боши узра тутганича энгашгани ҳолда атрофни кузата бошлади. Ғор чўзинчоқ бўлиб, ўртаси бўм-бўш эди. Икки ёнидаги қопларда ун ва хурмо, яшикларда анжир қоқиси, сал нарида қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кийим-бош, дори-дармон, унинг ёнида кўрпа-тўшак, палос ва шолчалар бетартиб ётарди.

Бешовлон ичкари томон юрдилар. Зайдоннинг бурнига зах ҳиди урилди. Бу қўланса ҳид унга ёқмади шекилли, бир нима деб тўнғиллаб қўйди. Европаликларни ғорга ҳаво кирадиган ер бормикан, деган хаёл қизиқтирарди. Зайдон эса бу жойга бир эмас, бир неча ҳаво йўли бўлиши кераклиги, акс ҳолда бу ерда яшаш амри маҳоллигини тушунарди. Улар кўрпа-тўшак ва палослар уюми олдига етишгач, биринкетин ёнбошладилар. Зайдон бундай қараса, ихчам давра ҳосил бўлибди. У анжир қоқи солинган яшиклардан бирини суриб устига шамни ўрнатди. Кейин иккинчи шамни олиб, ўтга туташтирди ва бошқалар сингари чўзилмоқчи бўлган ҳам эдики, уни испан капитани тўхтатди.

— Шунча ёруғнинг нима кераги бор? Туғилган кунмидики... Яхшиси бир оз дам олайлик...

Зайдон зумда иккинчи шамни ўчирди. Кафтини боши остига қўйиб чалқанча чўзилар экан, нигоҳи яна ёнаётган шамга тушди. Аланганинг тили қимирламас, ҳатто қилт этмасди. Демак алангани ўнгу сўлга тортқилайдиган ҳаво ҳаракати йўқ. Ҳаракат йўқ ерда ажал бор... Ўлим — ҳақ. Шамнинг қазоси етган, у аста-секин сўнади, ёна-ёна ўлади. Ҳаво ҳаракати бўлганида ҳам бари бир у тугаб битарди. Шамнинг қисмати — ёниб ўчмоқ. У эриб тугайди. Шамнинг бурчи ёритиш. Ёритиш... сўниш ва ўлиш. Фидойиликнинг ёрқин рамзи бу! Ибратли ўлим бу!

Ширин осуда дамлар бир неча дақиқа давом этди. Фақат сўнаётган шамгина хаёлни олиб қочарди.

Зайдон ёнига ағдарилди. Чўнтагидаги коньяк шишасини чиқариб, ёруққа солиб кўрди. Ярмидан кўп. Учдан иккиси тахминан. Ҳаммага етади. Шишанинг оғзини очди, ундан бир қултум ҳўплаб, қолганини испаниялик капитанга узатди. У ҳам шиша ичидагига бир қараб олгач, бир ҳўплаб ичди-да, шеригига узатди. Шиша жимликда қўлдан-қўлга ўтиб, яна Зайдонга қайтиб келганда, ичкиликнинг ярмидан озроғи қолганди. Зайдон уни ардоқлаб ёнига қўйди.

Ҳамон жимлик ҳукм сураб, ҳамма ўз ўйи билан банд эди.

Тўрт франциялик кеча ўртоқларидан бири ўртага ташлаган: бўлиб ўтган шунча гаплардан кейин биз коммунист сифатида бу урушга нисбатан ўз нуқтаи назаримизни ўзгартиришимиз, унга қарши чиқишимиз мумкинми? Ким ҳозир ўз фойдасини билмаяпти? Бизми ёки урушми, деган саволга жавоб ахтаришарди.

Испанияликни яна ўша, бир неча йилдан бери унга тинчлик бермаётган нарсаси — Эрнест Хемингуэй ўзининг «Мотам қўнғироғи» романида испан халқининг мағлубияти учун чиндан ҳам кўз ёши тўкадими? У бутун дунёдаги тараққийпарвар инсоният номидан гапирадими ёки биргина Америка тараққийпарварлари намояндасими? деган масала қийнарди.

Асарда Паблога¹ халқ ҳокимияти рамзи сифатида зиён етган.

Зайдон ўз ўғли Ал-Лаз ҳақида ўйламоқчи, лекин шу чоғда унинг миясини бир-бирига зид икки фикр чулғаб олганди. Улардан бири — шўр тупроқ, ёзилаётган куртак, очиладиган гул ва унинг келажакдаги меваси ҳақида ҳаёлига анави туни қуюлиб келган шоирона тафаккур бўлса, иккинчиси Тереза Декейру эди. Бу образ унинг калласига нима учун бунчалар ўрнашиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон эди.

Унга нима керак? Тереза Декейру мендан нима истайди?

...Йўқ, нима бўлса ҳам бутун бир халқнинг миллий курашига қарши чиқмайман, кўнглидан ўтказди французлардан бири. Шу заҳотиёқ унинг олдида бошқа: мабодо мени қўйиб юборишса, Жазоирда ёки

¹ Пабло—Э. Хемингуэйнинг «Мотам қўнғироғи» романидаги қаҳрамон, испан коммунисти.

унинг ташқарисида оддий, тинч ҳаёт кечирадиган бўлсам унда, Шайх ва у қабилидаги одамларга, умуман бу ҳаракатга нисбатан қандай позицияда турган бўлар эдим, деган савол кўндаланг бўлди.

...Принципиал позиция, ҳаёлидан ўтказди унинг ватандоши — иккинчи француз, бу ҳаракатни ҳар қандай шароитда ҳам, ниманинг эвазига бўлса ҳам қўллаб-қувватлаш зарур. Бу ҳаракатга таъриф бериладиган бўлса, уни — антикоммунистик ғоялардан холи бўлмаган озодлик ҳаракати, деб шарҳламоқ керак.

...Бўғзимга ханжар тиралган чоғда қандай позиция ҳақида гап бўлиши мумкин? — ҳаёлан ўйлади учинчи француз.

...Ҳа, биз тазйиқ остидаги шахс сифатида ўз позициямизни ўзгартиришимиз, шароит нимани талаб этса, шуни қилишимиз мумкин. Лекин коммунистлар сифатида, бир ташкилот аъзоси сифатида эса шуни таъкидлашим мумкинки, биз бир пайтнинг ўзида уларни қоралашимиз ҳам, қўллаб-қувватлашимиз ҳам мумкин. Қизиқ, Шайх каби раҳбарлар кўнглидаги колониализмга нисбатан нафрат ва адоват шу мустаҳкамлигича қолармикан?.. — деди ўзига-ўзи тўртинчи француз.

...Хемингуэй тараққийпарвар армия қўмондонлигини қоралашга, уни бюрократизмда айблашга ҳақли эдими? — яна ўздан-ўзи сўради испаниялик капитан. Унинг олдинги: «Мотам қўнғироғи» асари ҳақиқатан ҳам чин тараққийпарварнинг мунгли кўз ёшими? деган саволи жавобсиз қолганди... Сўнгра у романда акс эттирилган воқеаларнинг икир-чикирларигача ҳаёлида тиклай бошлади. Нима учун америкалик кўнглили Роберт асар охиригача ғайрат-шижоатли қилиб тасвирланган, кўпгина испаниялик қаҳрамонлар образи эса умидсиз, руҳан тушқунликка тушган шахслар сифатида талқин этилади?..

...Шўрхоқ, шўр тупроқ чиндан ҳам романтик образ, хулоса қила бошлади Зайдон. Жазоирдаги ҳозирги вазиятни яна бошқа нимага ўхшатиш мумкин? Лекин Тереза Декейру... бу ерда нима қилиб юрипти, унинг бу масалага нима дахли бор? Уни унутганимга ўн етти йил бўлган эди, нега яна эсимга тушиб қолди? У беъматиликдан кўнглида қўрқув ва даҳшат васвасаси ғалаён қилган, нажот излашга тушган

буржуа вакили. Франсуа Мориак бу билан бирон нарса демоқчи эмас, бирор муайян мақсадни назарда тутуши мумкин ҳам эмас эди.

Йўқ, ҳар ҳолда у ўз авлодининг кўнглида ҳукмрон бўлган умидсизлик, нотинчлик ва изтироб ҳисларини кўрсатган бўлиши керак. У ҳам ўз авлоди фожиасини бошдан кечирган-ку ахир.

Эҳ, бечора Ал-Лаз! Жигарбандим. Сенинг қисматинг нима бўлади.

Инқилоб... Ал-Лаз инқилобга халқ сингари жуда тез ишонди. Унга жуда тез қўшилди. Йўқ, уни қаршилади, бағрига босди, халқ уни қандай кучган бўлса, Ал-Лаз ҳам шундай қучди. Мана бугун унинг гирдобиди, энг юқори нуқтасида. Балки инқилоб нималигини охиригача ағналасданоқ, лоақал унда тобланишга улгурмасиданоқ ҳалок бўлар.

Ҳаму ўғлимга амаки бўлади. Ҳозир бу ерда бўлганида нима қилишини биларди. Лекин у... Мендан кейин Ал-Лаз билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Шўр тупроқ — тўғри талқин. Тереза Декейру — нима бўлганда ҳам фожиа. Ал-Лаз ва халқ — бир бутун нарса.

Зайдон қўлини коньякка чўзди, кўзларини юмганича ундан бир катта ютум ҳўплаб, шишани капитанга узатди. Шиша яна бир марта қўлма-қўл ўтиб, бўш қайтди. Зайдон шишанинг бўшлигига ишонч ҳосил қилгач, уни қулочкашлаб қоронғилик ичра улоқтирди. Ҳаво ҳаракатга келиб, шам липиллади. Шиша қоя тошга урилиб чил-чил бўлди, ғор ичида ажойиб жаранглаш акс-садо берди. Ҳаммага у ҳарбий мусиқа нағмасидек туюлди.

Коньяк қултуми оз бўлгани билан киши кайфиятини бир қадар кўтара олди.

«Шиша жуда асқатди, чанқов босди қилиб олди, — хаёлидан ўтказди Зайдон. — Йўқса, ташналик бизни жуда қалтис шароитда гирибонимиздан олганди».

— Қани энди қора тамаки ўралган сигарета бўлса, — деди испаниялик капитан Зайдоннинг фикрини бўлиб.

— Ҳа, «Голуаз» ёки «Житан»¹ — қўшимча қилди яна бир француз.

¹ «Голуаз», «Житан» — Жазонр тамакисидан тайёрланадиган француз сигареталари.

Ҳамма чўнтақларини пайпаслай бошлади, лекин ҳеч вақо топилмади. Зайдон ўрнидан туриб иккинчи шамни ёқди. Уни кўтариб олиб, ғорнинг бурчак-бурчаклари, пана жойларидан сигарета қидира бошлади. Бу ерда сигарета бўлмай иложи йўқ. Ошкора ёки яширин йўл билан бўлсин олиб келишган бўлиши керак. Улардан биронтаси чекар, ахир.

Бир оз олдинга юрган эди, тор йўлакка кўзи тушди. Уша томон шошилди, индамай ичкарига кирди.

Бошида жуда тор кўринган йўлак борган сари кенгая бошлади, у гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилар, бир пастга қараб тушса, кейин кўтариларди. Тепаси ҳам баланд-паст. Зайдон йўл-йўлакай одамнинг чанг босган бош суягидан тортиб хилма-хил сигареталар уюмигача бўлган турли-туман нарсаларга дуч келди. Энгашиб уюмдан бир неча хил сигарета танлади ва қаддини ростлагач, бир муддат иккиланиб турди: Яна ичкарироққа кирсамикан ёки қайта қолгани яхшими? Бу ер ости йўли қаергадир олиб чиқиши керак, балки водийдан чиқар.

«...Нариги томондаги тешик биз кирган ердан узоқ бўлиши керак. У томонга бунчалик кучли соқчилар қўйишмагандир.

Бу ер ости йўли ташқарига олиб чиқиши керак. Мабодо қочишни ихтиёр қилсак, олдимизда бундан бошқа йўл йўқ...»

У ўртоқларини сигарета билан суюнтириш ниятида орқасига қайтди. Кела туриб тасодифан кўзи тепада осилиб турган дарахт илдизларига тушди. Синчиклаб қараса илдизлар орасидан қуриб қолган ўтлар, ғира-шира ёруғлик ҳам тушаётгандек туюлди.

«Ғорга ҳаво шу ердан кирса ажаб эмас. Табиат биз ҳақимизда қайғуриб ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйган.

Балки аждодларимиз қадимий тош даврида шу ерда истиқомат қилишгандир.

Балки Юғурта¹ Қоҳинлар ёки яна бошқа исёнкорлару қўзғолончилар ўз озиқ-овқат, қурол-яроғларини шу ерга яширгандирлар?...»

¹ Юғурта—эрампиздан олдинги II асрда ҳукмронлик қилган Нумидийлар шоҳи.

— О! «Голуаз»!

— Наҳотки, «Житан!»

Зайдон сигареталарни ўртоқлари олдига сочиб ташлагач, ҳамма чекишга тушди. Бир зумда атрофни тутун қоплади. Энди шам алангаси ҳам ўнгу сўлга тебранарди. Улар анчагача шундай, индамай ўтирганларича чекишди. Охири Зайдон гап бошлади:

— Орангизда ким «Тереза Декейру»ни ўқиган?

— Ҳаммамиз ўқиганмиз. Нима эди?

— Мен эса «Мотам қўнғироғи» романи ҳақида ўйлаб ўтиргандим. Бу романни барчангиз яхши биласиз-а?

— Нима қилипти?

— Мен, — деди Зайдон, — «Тереза Декейру» романини бундан ўн етти йил олдин ўқиган эдим. Шу пайтгача у ҳақда жиддийроқ ўйламаган эканман. Лекин сўнгги кунларда...

— Воқеалар тафсилоти тезда ёддан чиқиб кетади, — Зайдоннинг гапини илиб кетди кимдир. — Лекин асарнинг ёлғиз хотима қисмигина мияга ўтириб қолади. Мен шу ерда, шу ғорда туриб, мингларча километр олисдаги Терезани Парижнинг хира ёритилган кафеларининг бирида кўраман, чорраҳаларнинг бирида кетидан эргашиб келаётган йигитдан сигарета ёндираётган ҳолда ҳам намоён бўлади, у кўз олдимда.

— «Мотам қўнғироғи» романи эса бошдан-оёқ эсда қолади, — деди суҳбатдошлардан бири. — У чиндан ҳам инқилоб ҳақида ёзилган ажойиб асар.

— Сўнгги мағлубият учун Хемингуэй испан халқи ва унинг тараққийпарвар иттифоқдошлари зиммасига ҳаддан ташқари катта айбни юклаб қўймаганми, деб ўйлаб қоламан, — гап қотди испаниялик капитан.

— Йўқ, асло! Хемингуэйнинг санъаткор сифатида бундай қилишга ҳаққи бор, — эътироз билдирди французлардан бири. — Унинг фикр доираси кенг, ўзи ҳам катта реалист.

— Шуни айтиш керакки, у бутун диққат-эътиборини фақат империалистларнинг ваҳшийликларини кўрсатишга қаратган, лекин ўша вақтда кучлар мувозанати қандай бўлганини етарли даражада очиб бермаган. У ҳатто тараққийпарвар армия қўмондонлиги сафидаги тартибсизликлар, қаршилиқ кўрсатув-

чиларнинг руҳий тушкунликка тушиб қолиш сабабларини қидиришгача етиб борган. Ўзинг ҳам бир ўйлаб кўр-а! — деди қизишиб кетган капитан.

— Сен бир оз муболаға қилдинг, чамаси, — капитаннинг фикрига қўшилмади Зайдон. — У империалистларнинг куч-қудратини аслида қандай бўлса шундай ёритган, уларнинг авиацияда устунлиги ҳам ёзувчининг диққатидан четда қолмаган. У Паблода сўна бошлаган қатъиятни тиклашга уринган, заифликни танқид остига олишини эса, ўз-ўзини танқид деб қараш керак.

— Ҳар ҳолда бу ҳақда янада жиддийроқ, холисона ўйлаб кўриш керак. Назаримда бу роман таҳлилга ҳаддан зиёда берилиб кетдик, — дея капитан ўз сўзини тугатди.

— У иродасизлик, шахсиятнинг инқирозга юз тутиш намунаси, менимча, — деди суҳбатдошлардан бири «Тереза Декейру» ҳақида сўз юритиб.

— Йўқ, тамомила акси, — эътироз билдирди Зайдон. — Мен уни Коммунадан кейинги Франция тарихининг бир парчаси, деб ўйлайман.

Испаниялик кулиб туриб деди:

— Ҳа, мақсадингни тушуниб турибман, дўстим. Лекин жуда ошириб юбординг. Бунчалик тушкунликка тушиш ярамайди. Франция бу ердан осонликча чиқиб кетмайди, озодлик курашини ҳам, менимча осонликча бостириб бўлмайди. Бу кураш давомида ҳали шундай ўзгаришлар рўй берадики, улар ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган бўлади. Ҳозирги одамларнинг кўпчилиги бунга кўрмайди. Уларнинг ўрнига кураш давомида янгидан-янги авлод, янгидан-янги раҳбарлар келаверади. Мени тушунаёпсанми? Тереза Декейруга нима керак эди? У ўз мақсадини бошида аниқ билиши керак эди. Бу ердаги халқ оммаси эса, ўзига нима кераклигини билади, билганида ҳам аниқ билади. Ўз мақсадига эртами, кечми, албатта етади. Раҳбарлик масаласи уларда шунчаки бир расмийатчилик, менимча.

— У демак, шўрхок... — ғудранди Зайдон.

— Нима дединг? — сўради испаниялик.

— Йўқ, ҳеч нарса, ўртоқ Сантос.

— Нима қиламиз, нуқтаи назаримизни ҳар биримиз алоҳида баён қиламизми ёки биргаликдами?

Қандайдир бир уюшма сифатида, демоқчи эдим, — сўради француз деҳқони.

Ҳамма бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Бизга бир гуруҳ, тили бир маслакдош сифатида қарашмоқда. Ҳа, чиндан ҳам биз бир маслак кишинимиз. Тутажак мавқеимиз ҳам бир хил бўлиши керак. Уюшма... яъни мен тўғри тушунган бўлсам ташкилот масаласига келсак... у қандай бўлиши кераклигини тасаввур қила олаяпман, — деди бир оздан сўнг Зайдон.

— Биз фавқулодда коалицион раҳбарлик тузамиз, — таклиф киритди француз.

— Қайси партия номидан? — ажабланиб сўради Зайдон. — Француз партияси номиданми? Жазоир партияси номиданми ёки Испания партияси номидан?..

— Унда ячейка ташкил этамиз... — деди яна бир француз.

— Йўқ, нуқтаи назаримизни келишиб оламиз-да, уни эълон қилишни бир кишига топширамиз, вассалом.

— Яхши фикр, — деди Зайдон.

Ҳамма яна жим бўлиб қолди. Бир неча дақиқа-лардан кейин испаниялик капитан бошини кўтариб қатъий ва вазмин оҳангда деди:

— Биз интернационал ташкилот тузамиз, унда ҳар биримиз ўз партиямизнинг вакили сифатида қатнашамиз. Ташкилотнинг вазифаси вазиятни ўрганиш ва умумий қарорни эълон қилишдан иборат бўлади. Комитетнинг муваққат низомини тузиб, унинг биринчи бандига комитет муваққат экани, умумий қарор эълон қилиниши билан у ўз фаолиятини тугатишини қайд қилиш мумкин. Ўртоқлар! Жазоир Коммунистик партияси таъқиб қилинмоқда. Биз ҳам таъқиб остидамыз, чунки биринчидан, биз бу партияга нисбатан аниқ бир позицияда турмадик, иккинчидан, биз ҳам коммунистлармиз. Бизда вазиятни ўрганишимизга ва ўзимизнинг қатъий, узил-кесил қароримизни эълон қилишга имконият бор. Жазоир Коммунистик партияси тутган позиция принципиал позициями ёки йўқми? Уни қўллаб-қувватлаймизми, йўқми? Биз ўз принципларимиздан қайтамызми ёки ўзимизни қурбон қиламызми? Комитет олдида турган масала мана шу.

— Розиман, — деди Зайдон. Ундан кейин тўртта-

ла француз ҳам ўзларининг мувофиқликларини билдиришди.

Испаниялик капитан давом этди.

— Мен ўртоқ Зайдонни комитетнинг Бош секретарлигига таклиф қиламан.

— Розимиз, — дейишди французлар.

Зайдон жавоб қилишдан олдин узоқ ўйлади. Ўтирганларни бирма-бир кузатиб чиқди.

«...Бу ўртоқлар ўз тақдирларини менинг қўлимга топширишди. Вазиятни қанчалик ўрганмайлик, қанчалик таҳлил қилмайлик, қандай қарорга желмайлик, ҳаммамизни бир нарса кутади, барчамиз бир ҳукмга маҳкумимиз. У — ўлим. Ўзга йўл йўқ. Ё партиявий курашчи сифатида ўлиш, ё жисмоний ўлиш.

Мана шу капитан ўз кемаси билан бирга гарқ бўлиб кетмаган, ўлимга ҳам, душманга ҳам тик қараган, уларни даф қила олган одам узоқ оворан жаҳон бўлиб юргач, бу ерга келиб ўз тақдирини менинг қўлимга топширса. Йўқ, у ўлимни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ, ундан чўчиётгани ҳам йўқ, бу унинг афтидан кўриниб турибди. Уни худди мен сингари ўз ўлими оқибати безовта қилаяпти. У ўзини бундан бир неча йил олдин, Испания инқилоби бостирилган, ўзи эса она юртидан бадарга қилинган пайтидаёқ ўлган ҳисоблаётгандир. У Пабло, Роберт, Хемингуэй ҳақида ўйлайди, ҳамон ўша мағлубият — ўз ўлими сабабларини ахтаради.

Ўлим... Мана бу европалик фермернинг кўз олдига ўз хурмозорлари келаётган бўлса ажаб эмас, чунки ҳозир хурмо гарқ пишган пайт. У билан олдиндан таниш эмасман, лекин юз-кўзи, боқишларидан шоир-табиатлиги кўриниб турипти. Йўқса, у қандай қилиб ўзини ўзи енгган, мустабид ҳамтовоқлари, қўшни фермерлардан юз ўгирган, барча воситалар билан ўз тазйиқини ўтказишга уринган ҳокимларга бас келган? Қанча курашган, қанча қаршилиқ кўрсата олган бу инсоннинг паймонаси мана шундай тўлса?!

Ўлим — қазо... Мана бу йигит сигаретасини ҳузур қилиб тортаяпти. Кенг елкаси, қадди-қомати ҳарбий кишилигини кўрсатиб турипти. У қаерда сабоқ олган, жисмоний машқ қилган? Университет қучогидами? Ёки Ҳиндихитойдами? Қўллари қадоқ, бақувват, ишчи бўлган ёки артиллерия қисмида хизмат қилган. Унинг

кўзларига ўлим соя солгандек... Ҳа, у ўлим ҳақида ўйлаяпти, чамаси. Қизиқ, бу нечанчи бор ўлимга рўбарў келиши экан?

Ўлим... Мана бу бошида бир туки йўқ, кўзлари ўйнаб турган ўрта яшар кишининг афти таниш кўринади. Қасаба союз ходими эканлиги аниқ. Уни қайсибир конференцияда кўрган бўлсам керак. У ўлса Франция монополистлари тинчиб қолиши турган гап. Наҳотки менга шундай қилишни топширишди?!

Ўлим... Нега биз олдинроқ ўлмадик? Нега ўзимиз олиб борган жангу жадалларда ҳалок бўлмадик? Нега энди кунимиз шу тахлитда битиши керак?!

Ўлим... Озиб-тўзган, териси устихонига ёпишган, ранглари заъфарон мана бу киши ўз ёшидан анча катта кўринади. У ярим умрини ер ости конларида ўтказган, чоғи. Пешонасидаги бўртган кўжиш томирлари шахтёр эканидан далолат беради. У ўйчан ўтиргани билан мутлақо ҳеч нарса ҳақида ўйлаётгани йўқ. Бундан олдин ҳам ўлим нималигини тотиб кўрган. Бир эмас, бир неча бор тотиган. Ўлим... Одам ўзини ўтга, ўлимга чорловчи принциpidан куни етганида қутулади. Ёки шундай ўлади. Куни битади ва ўлади.

Ўлим... Мен ҳам ўламан. Қишлоқда оналари билан қолган етти жигаргўшам ҳар ҳолда мени қўмсаб ичкиб қолмаса керак. Чунки мана бир неча йилдирки, улардан йироқдаман. Улар тақдирга тан беришганига анча бўлган. Унда мен бугун нимадан ғам-ташвишдаман?

Ўлим... эслашга арзигулик бирон нарса қилишга улгурмасдан ўлиш... Сув тошқини қирғоққа чиқариб ташлаган балиқ типирчилаб-типирчилаб охири жим бўлиб қолади

Коммунист ва шамчироқ — уларнинг қисмати фақат ёниб-эриб тугаш. Шундай.

Омадимиз йўқ экан Ал-Лаз. Энди бирга бўлдик деганда яна айрилиқ, жудолик... Сен ўсмайсан энди, йўқ. Сен тажрибасиз, хом эдинг, шундайлигингча қоласан. Мендан кейин сени ҳеч ким тушунмайди, ҳатто ўзинг ҳам. Сен инқилобга ўзинг тушуниб етмаган ҳолда кириб келдинг. Йўқ, инқилобнинг ўзи кириб келди сенинг қалбингга. Сен уни, у сени эътироф этди. Сен унга амалда тан бердинг, у сени руҳан

тан олди. У сенинг фикр-зикрингни, ақл-хушингни та-
моман чулғаб оладиган пайт келганида, ўртанглар-
даги кўприк қулади. Энди орада жарлик, ўлим
бор».

Зайдон чуқур тин олди. Қаддини ростлади. Бирор
киши ундан фикрини сўраб қолар, деб жим турди.
Лекин беҳуда кутган экан, ҳамманинг боши осилган,
ҳеч ким лом-мим демасди. «Балки улар ҳам ўлим
ҳақида ўйлашаётгандир. Шундай экан овоз чиқариб
фикрлашсак нима қилади?» — хаёлидан ўтказди Зай-
дон ва деди:

— Мажлисни очиқ деб эълон қиламан. Ўртоқлар!
Келинг овоз чиқариб бир ўйлаб кўрамиз...

...Эртасига эрталаб олти маҳбус ўз қарорини
эълон қилмоқчи эканини Шайхга етказишди. У соат-
га қараб қўйгач, илжайди. Бундай шошма-шошарлик
қўйилган шартни қабул қилганларидан далолат
эмасми, бу эса қувончли хабар, хаёлидан кечирди
Шайх ва уларни келтиришни буюрди.

— Хўш, қандай қарорга келдинглар? Мана, ма-
салан, сен Зайдон, оллоҳ сенинг кўнглингга нима
солди? — тиржайганича сўради Шайх.

Улардан биронтаси ҳам оғиз очишмади, уларда бу
хусусда тайёрланган лойиҳа борлиги, уни ўқиб эшит-
тириш Зайдонга топширилганини маълум қилишди,
холос.

Буатушни капитан эшик олдида, у билан сўра-
шишга қўлини чўзган ҳолда кутиб олди. Унинг ҳар-
бий саломига эътиборсиз қўл силкиб, ичкарига, стол-
га таклиф қилди.

— Бугундан бошлаб орамизда ортиқча такаллуф
бўлмаса, иккимиз яхши дўст бўлиб қолсак дейман.
Қишлоғингизда қанчалик диққинафас бўлиб кети-
шимни билсанг эди, ҳатто ундан нафратланадиган
ҳам бўлиб қолдим. Худди ёш болалар журналига
ўхшайди, одам бир зумда ичидагини ёдлаб олади-да,
бўшлиққа қарагандек тикилиб ўтираверади. Йўқ,
умуман қишлоғингиз чиройли, одамлари яхши, сахий,
раҳмдил, қизлари жуда зебо, лекин уруш шароитида
эркакларга тўғри келмайдиган жой. Мана бу тева-
рак-атрофдаги тоғлар эса шум тадбир каби қачон

қарасанг одамни эзади, юрагини сиқади, асабларини қўзғатади... Эҳ!..

— Қани дўстлигимиз учун! Ич!

Буатуш ясама жилмайди. Қадаҳни қўлига олиб лабларига яқинлаштирар экан, кўзи ичкиликка тушиб бир зум қотиб қолди. Унинг хаёлига яна таблеткасимон гранаталар келган эди... Ҳозир бир неча донаси бўлганда, секин шу ичкилик билан ичиб юборган бўларди. Кейин... кейин кўкрагини олдинга керганича портлашни кутиб ўтирармиди..:

Капитан Буатушнинг қошлари чимирилганини кўриб, унга далда бера бошлади:

— Ол, олавер. Тоғларга сажда қилиб турган бу қишлоқда сен билан бизга бундан бошқа эрмак йўқ. Овқатланиб бўлгач, дам оласан. Эрта тонгда ҳужумга ўтишимиз керак. Олий қўмондонликдан самолёт ва огир артиллерия иштирокида шимолий тоғ тизмаларига ҳужум бошлаш ҳақида кўрсатма олганмиз. Шарқдан қурол-аслаҳа қарвони келаётганга ўхшайди... Сен, сержант Буатуш, мен билан штабда бўласан. Эртанги ғалабалар ғамхона қишлоғингизни унутишимизга ёрдам беради.

— Қачон йўлга чиқишимиз керак?

— Соат тунги иккида. Ҳали бир оз мизғиб ҳам олишимиз керак. Бўл, ича қол.

Буатуш тўртинчи қадаҳни бир кўтаришда бўшатди. Энди унинг чиройи очилиб кетган, дилидагини капитанга тушунтириш учун сўз тополмаса, қўл ва юз ҳаракатлари билан имо-ишора қилишга ўтар эди. Французча сўзлар ҳа деганда миясига келавермас, бир амаллаб эслаганида ҳам жумла тузиши, талаффуз қилиши амримаҳол бўлиб қолганди.

Кечки овқатни еб бўлишгач, капитан уни ўз ётоқхонасига бошлади. Хона анча катта бўлиб, бир томонда пўлат сандиқ, кенг каравот ва бир неча стуллар, иккинчи томонда эса, кичик ёғоч стол устида рация, бир неча китоб ва журналлар, сал нарида чўзинчоқ диван, устида ичимликлар ва қадаҳлар қўйилган кичик хонтахта турар эди.

«Нега мени бу хонага бошлаб келди», ҳайрон бўларди Буатуш. У капитаннинг Ал-Лаз билан алоқаси тўғрисида тарқалган хунук шов-шувларни эслашга уриниб кўрди.

«...Йўқ, бўлмаган гап, уйдирма. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам... Офицер билан бундай алоқада бўлиш «бахти» ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Бу ҳам бўлса менинг фойдамга...»

Бейхтиёр унинг мясига, бундай хонани портлатиш учун бир-икки катта миња етарли, фақат ана у ерга— ўртага қўйиш керак, деган фикр келди.

Шу заҳотиёқ бу хаёлни калласидан қувишга ури-наркан ўзига узун сигарета тутиб турган капитанга қараб сохта илжайди.

— Мана, қаҳва ҳам келди. Биласанми, қаҳва ичмасам сира ухлай олмайман.

Солдат қаҳва келтирган патниси кичик хонтахта устига қўйиб, чиқиб кетди. Буатуш капитанга синчиклаб разм солди... Ёши қирқларда... Ўрта бўйли... Қадди-қомати келишган... Юзлари оппоқ... Мовий кўзларига олтин гардишли чиройли кўзойнак таққан. Чеҳрасидан умуман хотинчалиш жўринади. Бўйнида нафис тилла занжирга илинган тилла салиб ялтирайди. Бармоғининг тирноқлари ҳаддан ташқари қисқа.

Қандай қилиб бу ҳарбий унвонни олишга муваффақ бўлди экан.

— Ҳиндихитойда яраланганимдан кейин уйқу ол-дидан қаҳва ичишга одатланиб қолганман. Эҳ, энди ухлаш керак.

Буатуш сапчиб ўрнидан турди. Товонини тарс-тарс уриб, қўлини чеккасига қўйди ва жетишга рухсат сўрашга ҳозирланди. Боши хумдек оғир, бутун вужуди лоҳасликдан шалвираб қолгандек туюларди унга.

Лекин капитан жилмайганича ўрнидан туриб каравоти томон юрар экан буйруқ тарзида деди:

— Бугун меникида ётиб қоласан, шу ерда ухлайсан, ҳа, ҳа, шу ерда. Расмийчиликни йиғиштириб қўйишга келишдик-ку. Ҳазми таом учун яна оз-оз ичамиз, менда яхши виски бор.

— Йўқ, ега-етар-ли. Раҳ-м-а-т, жаноб-и капитан.

— Ундай бўлса ётдик. Ечин.

Буатуш оғир солдат ботинкасининг ипини ечиш учун зўр-базўр энгашди. Кечгача терлаган оёғининг қўланса ҳиди ҳозир бутун хонага тарқалишини ўйлаб хижолат тортди.

У оёқ қийимини қанча вақт ечганини билмайди.

Бошини кўтариб кўзи каравотга тушганида, бор кийимини ечиб ташлаганича, яланғоч чўзилиб ётган капитанни кўрди.

Буатушнинг боши айланиб, атрофини қуюқ туман ўраб олди. Хонага кўз югуртириб кўрдн — ҳамма ёқ туман. Ўзини бўғилиб кетаётгандек ҳис қилиб чуқур нафас олди.

— Оҳ, мени қуршаб олган бу туман қаердан келди экан? — пичирлади у.

Нигоҳи яна каравотга тушди. Унда кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ, тоза нарса, нафис бадан ётарди...

— Ҳайзия холам... Холагинам, ё раббий! — ух тортганича гўлдуради Буатуш.

— Нималар деясан, Буатуш? Ечиндингми? Тезроқ бўл, кела қол.

Кўзига нур тушмасин учун газета ёпиб олган капитан, қўлини чўзганича чироқни ўчиришга шошилар эди.

Буатуш жавоб бермади. У капитаннинг гапини эшитмаган ҳам эди.

Сўнг каравотга яқинлашди, бир лаҳза ҳанг-манг қотиб тургач, яна гудранди:

— Ҳайзия холам... Холагинам, эй худойим!

Бирдан ўзини капитаннинг устига ташлади, ғазабдан қалтпраётган қўллари билан унинг бўйнига ёпишиб, кекирдагидан бўға бошлади. Бор кучи, жонжаҳди билан бўғди. Кейин ханжарини чиқариб дуч келган ерига санча кетди, дуч келган ерига, дуч келган ерига...

Буатуш оғир, энтикиб нафас олар экан, ўнгида чўзилиб ётган мурдага қаради. Унинг кўз олдига холасининг осмонга бир сапчиб, ерга ағанаган сигири, Ал-Лазининг «инг» дея олмай ер тишлаган онаси — Маряна, оёқлари остида ҳаракатсиз қотиб қолган Ҳайзия холаси келди. Мана охири капитаннинг ўзи унинг қўлида бўғилди, ўнларча еридан ханжар сди.

Буатуш яна бир бор кўксини тўлдириб нафас олди. Пешонасидан қуйилиб келаётган совуқ тер томчиларини кафтининг орқаси билан артгач, ботинкасини кийишга шошилди.

Хонадан чиқиш олдидан капитаннинг токчада ётган автомати ва бир неча гранаталарга кўзи тушди.

Уларни шипириб олди, сўнг чироқни ўчириб ташқарига отилди.

Атроф зим-зиё. Эрта саҳарда ҳужумга ўтилиши муносабати билан барвақт ётишга буйруқ берилган эди. Қазармада тиқ этган товуш йўқ. Ҳамма уйқуда. Буатуш девор остидан оёқ учида юриб, бензин бочкалари томон борарди.

Бир бочканинг оғзини очиб ичига гугурт чақиб ташласинми? Ёки барини граната ташлаб портлатгани яхшими? Кейин нима бўлса бўлар.

Ҳа.

Барини граната билан портлатади.

Хўп даҳшатли портлаш бўлади. Аланга тили кўкка кўтарилиб, қоронғи тунни ёп-ёруғ кунга айлантиради. Ҳамма нарсани ўт олади. Ҳатто уни ҳам, ҳа.

Ғазабига чидолмай граната чекасини тишлаб юлди ва бор кучи билан бензин бочкалари устига улоқтирди.

Жуда кучли портлашдан ҳамма ёқ ларзага келди. Чиндан ҳам кечқурун ўзи ўйлаганидек заб ваҳимали портлаш бўлди.

Буатушнинг қулоғи битиб, кўзлари қамашди, жароҳатландими, омонми билолмай қолди, ҳатто гум-гум ёрилаётган бочкалар ундан узоқми, йўқми пайқамас, лекин негадир жуда завқланар, роҳатланарди.

Портлашнинг кети узилмас, бири-иккинчисига уланиб кетар, оловнинг тили борган сари кўкка бўй чўзарди. Ташқарига отилиб чиққан солдатлар у ёқдан-бу ёққа югуришар, ёнғиннинг ваҳимасидан эс-ҳушларини йўқотаёзгандилар. Портлаган бочка парчалари тегса керакки, кимдир чинқириб қолар ёки ерпарчин бўлар, баъзилар эса дуч келган нарса панасига ўзини урарди.

Буатуш энди бир танкнинг люкини очиб ичига граната улоқтиришга шайланаётган ҳам эдики, кимдир:

— Чиқ, Буатуш! Тезроқ чиқ, — деб қолди.

У овоз келган томонга ўгирилди. Орқасида армия хизматиға мажбурий чақирилганлардан бири — бундан атиги бирор соат илгари рухсатнома олиб беришни сўраган жазоирлик турарди. Унинг ёнидаги бир неча солдатлар эса шоша-пиша танклар ичига сакрашмоқда эди. Буатуш ҳам уларга эргашди. Танк

ичига тушиши билан кимдир унга бақирди:

— Пулемётга ўтир! Пулемётга! Уларнинг бариини қириш керак.

Танк дарвоза томон йўрғалаши билан пулемётнинг тариллаши қулоқни батанг қилди, қимирлаган жон борки қирила бошлади. Бақирёқ-чақирёқ, дод-фарёд яна авжига чиқди.

Солдатлар саккиз киши. Буатуш эса тўққизинчиси эди. Улар тўртта танкка бўлинишган эди. Бири ҳайдовчи ўрнини эгалласа, иккинчиси пулемётчи эди. Ҳаммаси гўё олдиндан пухта ўйлаб қўйилган план бўйича кетарди. Қазармадан бир неча ўн метр нарида жойлашган кузатув минорасига яқинлашган биринчи танк аввалига минорани ўққа тутди, бир оздан кейин эса уни ағдариб, пўлат занжири билан эзиб ўтди. Иккинчи танк казарма тўғрисидаги бош чорраҳани эгаллаганича, кўчада қўққисдан содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олишга шай бўлиб турди. Учинчи танк катта тезликда миллий гвардия жойлашган, қишлоқ марказидаги эски дўкон томон йўл олди. Бу дўконнинг эгаси уни у ёздан-бу ёзгача бир-икки бор, бой-зодагонларга буғдой сотиш учунгина очарди.

Буатуш ва яна икки солдат ўтирган тўртинчи танк казармага қирадиган бош дарвоза олдида тўхтади. Пулемётга ёпишиб олган дарғазаб Буатуш тинмай ўқ узарди.

Қазармани қўлга олиш учун қандай пухта операция тайёрланмасин, қандай кучлар сафарбар қилинмасин, бу ишни ташқаридан туриб амалга ошириш эҳтимолдан жуда йироқ эди. Шундай бўлса ҳам қишлоқ аҳолиснинг хаёлида ватанпарварларнинг йирик отряди қишлоққа бостириб кирган эди. Албатта, бу отрядга Зайдон бошчилик қилар, ундан бошқа ҳеч ким бунга журъат эта олмаган бўларди.

Қишлоқ оёққа турган, ҳамма шод-хуррам, деярли ҳар бир уйдан шодиёна қичқирёқлар эшитиларди. Катта байрамларда бўлганидек масжид минорасида ҳам чироқ ёнди. Бевақт бўлса ҳам сўфи азон айта бошладди. Муаззиннинг чақирёғи отишма овози аста-секин сўна бошлагунча давом этди.

Танклар бундан тўрт кун олдин Ал-Лаз ўтган назорат пунктини яксон қилиб, қишлоқнинг жанубий дарвозаси олдида тўпланди.

Ҳамунинг Буатушни ўлдиришга топшириқ олган икки одами шу яқин ўртадаги хилватгоҳларини тарк этиб, йўл чеккасида ағанаб ётган эски юз машинаси қолдиқлари орқасига ўзларини урдилар. Кейин тўлланаётган танкларини қизиқсиниб кузата бошладилар.

Солдатлар танклардан пастга тушиб, уларни миналаштира бошладилар.

— Тезроқ бўл, қўшни горнизонлардан мадад кўчи етиб келгунинча улгуринишимиз керак,— шоширарди Буатуш.

— Шунча қурол-аслаҳани қандай олиб кетамиз? — сўради ундан кимдир.

— Биттасини миниб кета қолсак нима бўлади? — деди яна бошқаси танкларга ишора қилиб.

Кулги кўтарилди.

— Ундан кўра ҳаммасини олиб кета қолганимиз яхши эмасми, нодон?

Шу лаҳзада партизанлардан бири яширинган жойидан чиқиб баралла гап қўшди:

— Тезроқ бўлинглар! Қаҳрамонларга саломлар.

Солдатлар чўчиб тушишди, айниқса Буатуш, у ҳатто автоматини ишга солишига оз қолди. Агар солдатлардан бири партизанлар томон юрмаганида ким биладди нима бўларди.

— Э, сен ҳам шу ердამисан... Овозингдан танидим.

— А, Алава.

— Осмондан тушдингми? Биз бўлса на йўлни биламиз, на мана бу ўқ-дори, қурол-аслаҳаларни қандай олиб кетишни... Ҳаммаси мана бу биродаримизнинг ғояси, амалга оширган ҳам унинг ўзи,— деди у Буатушни кўрсатиб.— Ҳаммаси адойи тамом бўлди. Икки юз тўқсонга солдат, ўттизга гвардиячи, барча ҳарбий машиналар, танклар, назорат пунктлари ер билан яксон қилинди. Ишнинг Буатуш капитани ўлдириб, бензин бочкаларини портлатишдан бошлади... бу ёғини эса биз тугатдик.

Партизан Буатушга қаради, сўнг нигоҳини унинг кўксига кўчириб ўйга чўмди.

«...Ҳа, бугун кечқурун казармадан чиққанида борми, мана шу кўксидан дарча очган бўлардим. Биттадан ошнқ ўқ увол эди бу сержантга. Энди эса...»

Эшитганларидан ҳайратланган партизан икки қа-

дам олға юриб, Буатушни елкасидан тутиб бағрига босди, ҳатто кўзлари намланди ҳам.

Тепалик ортидаги жинкўчадан туёқ товушлари эшитилди. Бир оздан кейин эшак ва хачирларнинг бошлари ва таналари кўринди. Уларни Аҳмазий билан иккинчи партизан ҳайдаб келар эди. Ўқ-дори, қурол-аслаҳаларни тезда юклаб, қоронғилик ичра кўздан ғойиб бўлишди. Минна қўйилган тўрт танкнинг кетмакет портлаш товуши уларни орқасидан кузатиб қолди.

Бу пайт қишлоқ аҳолиси казармага ҳужум қилган отряднинг катта-кичиклиги, қанча қурбон бўлгани, умуман операция натижаси ҳақида ҳар хил тахминлар қилишарди.

Атрофдаги барча нарса, айниқса қишлоққа чўккан сокин сукунат операция юз фоиз муваффақиятли ўтганидан далолат беради.

Зайдон чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқарди, сўнг қаддини ростлаб уни ўқишга тайёрланди. Бироқ Шайх бу ҳужжат дебочасини ҳам, унда ифода этилган фикр ва хулосаларни ҳам, ҳатто қабул қилинган қарор қисминини ҳам эшитишни истамади. У Зайдондан фақат ўзининг шахсий муносабатини баён қилишини талаб этиш билан чекланди.

— Бизни инқилобга ёт унсурлар сифатида эмас, балки унинг актив иштирокчиси сифатида суд қилишларини талаб қиламиз.

— Мана бу сизлар йўл қўйган яна бир катта хато. Зайдон. Ўзинг яхши биласанки, инқилобда гуруҳбозлик, группавий аризалар ёзиш, хатлар битиш қатъий ман этилади,— таъкидлади Шайх Зайдоннинг бўйин томirlлари ҳаракатидан кўзини узмай.

— Қомитетимиз асосий низомининг биринчи бандида,— давом этди Зайдон,— комитет фаолияти муваққат экани қайд этилган. Бу ерда ҳеч қандай гуруҳбозлик йўқ. Ўзингиз шуни хоҳладингиз, чамаси. Йўқса, нега ҳаммамизни бир «қозонда» қайнатдингиз?!

— Демак, ўз позициянгизни ўзгартирмадингиз?— сўради Шайх ғазаб билан.

— Яхшиси сен гапга қулоқ бер, қароримизни эшит.

— Ҳечқиси йўқ! Бу ёққа ол, кейин ўқирман. Ҳозир эса мен Қоҳиранинг қарорини амалга оширишим керак. Агар тўғри тушунган бўлсам, сиз ҳамон қатъий суратда ўз...

— Биз бу ерда ўз партиямиз номидан гапираётганимиз йўқ, лекин айти чоғда ундан юз ўгирмоқчи ҳам эмасмиз, демак, ўз маслак ва эътиқодимизга содиқ қоламиз.

— Тушунарли.— деди Шайх Зайдонга қисқа қилиб, сўнг калласи билан ўз соқчиларига «бошлап» маъносида ишора қилди — улар олти коммунистнинг оёқ-қўлларини боғлашга тушишди. Ҳа демай жаллод ҳам пайдо бўлди.

— Менинг шахсий бир илтимосим бор, шунинг ба-
жарсанг,— араб тилида сўради Зайдон.

— Нима экан у?

— Ал-Лаз бу ишнинг гувоҳи бўлмаса, илтимос уни бу ерга чақирмасангиз, унга ҳеч нарса демасангиз. Ал-Лаз — менинг ўғлим, си Шайх. У қуроли курашга қўшилганига, умуман қўлига қурол олганига беш кунгина бўлди, холос.

— Бор илтимосинг шуми... яхши, ўйлаб кўрармиз,— деди Шайх ва жаллоднинг шоширди.

Тиз чўктирилган биринчи француз ҳамон ўйлаб, ўйига етмагандек ўздан-ўзи сўради: «Бу ҳаракатга қандай ёндошмоқ керак? Душманлик кўзи биланми? Мана бу Шайх ҳам, Қоҳиранинг барча шайхлари ҳам — бир, ҳаракатнинг ўзи — бутунлай бошқа нарса», деган қарорга келиб улгурмаган ҳам эдик, пичоқ бориб бўғзига тақалди...

Навбат иккинчи французга келди. У эса ўз ўйи билан банд эди: «Ҳар ҳолда комитет муайян тактик йўл тутиши, бу вазиятдан қутулиш чорасини топиши керак эди. Кеча мен шундай таклиф киритсам, испаниялик капитан тактика принципга зид бўлиши керак эмас деди...»

Тиф ўз қилмишини қилди, ҳамма ёққа қон сачради.

Шу пайт испаниялик капитан интернационални куйлай бошлади, унга Зайдон ва яна икки француз жўр бўлди:

Қўзғал лаънат-ла тамғаланган
Қуллар ва очлар дунёси!
Ғазабланган онгимиз қайнаб,
Бошлар кескин жанглар сари.

Шу ерга етганида Зайдоннинг миясига негацир кейинги сатрлар сўзи келди. У кўзларини юмганича шу банднинг мазмунини ўйлай бошлади: «Бизга ҳеч ким озодлик бермас — На шоҳ, на оллоҳ, на ботир»¹

— Нима қилишаяпти? Нима қилишаяпти улар? — кўзлари олайиб ўшқирди Шайх, сўнгга қўлини сил-китганича тезроқ бўлишга буйруқ берди.

Бу бизнинг энг охириги,
Энг кескин зўр кураш.

Испаниялик капитан Сантос куйламоқчи бўлган бу банд охирига етмай, ўзи қора қонга беланди.

Ундан кейин француз деҳқонининг гали эди. У чўқиниб олгач, қўлини силтаб пастга туширди...

— Йўқолсин империализм! Йўқолсин колонич-лизм! Йўқолсин реакция — хитоб қилди тўртинчи француз ўлими олдида.

Энди навбат Зайдонга келганди.

— Зайдон, сенга сўнгги бор имкон бераяпман. Сўзимга кириб, икки оғиз бир нарсга десанг бас, йўқ-са... — деди асабий тарзда Шайх.

У энтикиб қисқа-қисқа нафас олар, кўзларидан ғалати бир ўт чақнарди.

Шайхнинг кўз олдида узоқ 1948 йил сайловлари келди:

«Нима бўлганда ҳам жазонирлик, қонимиз бир, ака-укадекмиз», хаёлидан ўтказди у.

Зайдон тигдек нигоҳини Шайхга қадади. Ўлим қўрқинчли ва мудҳиш нарсга. У ҳатто қонхўр Шайх-нинг рангини ҳам жуда тез ўзгартирган эди. Зайдон беихтиёр иккинчи группа командири, бир кечада етти нафар одамни гум қилган устаси фаранг қонхўрини эслади. Унинг хаёлига Москва, Сўзанна, иккинчи жаҳон уруши, Мисрдаги давлат тўнтарниши ва унинг оқибатлари келди. У Ал-Лазни, Марягани, Ҳамуни эслади. Эрта тонгда Буатуш ҳақида узоқ ўйлаб, хиёнат нима — у асло кечириб бўлмайдиган мутлақ бало, ёвузликми ёки ўта тубанликми, деб ўй сурганди. У ҳозир яна шунини дилидан ўтказди.

Охири кўз олдида шўрхок ер келди. Ал-Лаз, ўт-

¹ Араб тилидаги асл нусхада «ботир» сўзи ўрнига «имом» сўзи ишлатилган.

Ўлан, куртак. Буларнинг барини ўзига сингдирган самара кўринди кўзига.

— Бутун партияга тааллуқли масалаларда менинг шахсий нуқтаи назарим бўлиши мумкин эмас. Коммунистлар ҳақида буни сен билишинг керак эди, Шайх...— демоқчи бўлди Зайдон, лекин сўзлар унинг лабидан унсиз чиқди. Киприклари беҳол юмилганча кўз олди ҳувиллаб, бўшаб қолди, борлиқ қоронғулик ичра йўқолди, у юзтубан йиқилди.

— Буни ҳам кофирлар ёнига...— ириллади Шайх. Зум ўтмай қўлларини ёйганича яна бақирди:— Тўхтанг! Тўх-та-анг.

Шайх пешонасини башмалдоқ ва ўрта бармоғи орасига олиб, бир оз ўйга толди ва буюрди:

— Унинг ўғлини келтиринг! Оғирликка чидашни шу пайтдан ўргансин. Агар бизга ихлос билан қўшилган бўлса, бу унинг қатъияти ва ишончини оширади.

Ал-Лаз ўз кўзларига ишонмай, серрайиб туриб қолди. Отасининг бўғзидан тирқираб қон отилиши билан жон ҳолатда бақириб юборди:

— Жилға тубида тошларгина қолади!

Унинг боши айланди, оёқ-қўли бўшашди, бирон нарсани ушлаб қолмоқчи бўлиб, қўлини чўзди, лекин ҳолсизланиб ер парчин бўлди.

ХОТИМА

— Варақангизни беринг, Ар-Рубейъи амаки!

Нафақа идорасининг ойнали туйнуги ортида ўтирган ходимнинг овози Ар-Рубейъининг хаёлини бўлди. У ўз гувоҳномасини узатди. Пулни оларкан ғудранди:

— Бошида бу хоин йигитни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ эди. Энди бўлса, секин-секин кўникаяпман, чамаси. Вақт тошни ҳам емиради, деб бежиз айтишмас экан...

Эшикдан чиқа туриб кўзи Ал-Лазга тушди. Унинг эғнида яғири чиқиб кетган жулдур ҳарбий кийим, бошини мағрур тутганича тик турар, ўзича: «Жилға тубида тошларгина қолади», деб қўярди.

Айтишларича сўнгги йиллар ичида у мана шу аҳволда бир ҳарбий базадан иккинчисига ўтиб, қочоқлар колониясида тунаб, дарбадар тентираб юрар, ҳадеб «Жилға тубида тошларгина қолади», деб қўяр экан. Одамлар эса, бунинг маънисига сира тушуна олмас эдилар.

Ар-Рубейъи лабини бир оз ямлаб туриб Ал-Лазга яқинлашди. Уни қўлтиғидан тутиб, қаҳвахона томон етаклади ва одатига кўра, ўз ўғли ҳақида сурништира кетди:

— Ўғлим, Ал-Лаз, айтчи менинг Қаддурим қандай қилиб ўлган эди, а? Эшитишимча, у сен билан чегара томон кетаётганида ҳалок бўлган эмиш. У қандай қилиб ўлган эди, Ал-Лаз ўғлим? У сенга Зийнат тўғрисида гапирганмиди? Зийнат анави лаънати миллий гвардиячи дастидан ўзини қудуққа ташлаганни ўғлим эшитганмиди?

— Жилға тубида тошларгина қолади!

— Унинг онаси қандай ўлганидан хабари бормиди? Сенинг онанг — Маряна менинг кўз олдимда жон берди, ўзим кўмганман уни, ўғлим Ал-Лаз.

— Жилға тубида тошларгина қолади.

Қаҳвахонада уларга Ҳаму келиб қўшилди. Улар четдаги бир стол атрофига ўтиришди.

— Иш топдингми, Ҳаму?

— Айтишларича си Буатуш мана шу ҳафта ичида пойтахтдан қайтармиш. Ўғлининг хатна тўйини шу ерда ўтказишга қарор қилипти. Бутун умидим ундан ва оллодан!

Ҳаму сўзлашда давом этар, шайх Ар-Рубейи эса танглайини такиллатганича бош чайқарди.

«...Ҳа, ёмонга ўлим йўқ, у лаънати ҳаётни сотиб олди, Зайдондан кейин даб-дурустдан командир бўлиб қолди, шунча урушдан омон чиқди. Мана қарабсанки, бообрў одам, «си!» Ҳа, вақт тошни ҳам емиради. Худо раҳмат қилсин сени, Қаддур, ўғилгинам, ўлим — ҳалоскор...»

Шайх Ар-Рубейи битта қоғоз пулни Ҳамунинг қўлига, иккинчисини Ал-Лазнинг қўлига тутқазди ва яна Ал-Лазга юзланди:

— Сенинг онанг менинг уйимда жон берган, Ал-Лаз. Мен мана шу қўлларим билан уни дафн этганман. Сен ҳам Қаддурни дафн қилганмисан?

— Жилға тубида тошларгина қолади.


— Эҳ, Ал-Лаз, Ал-Лаз. Майли, ўзингга келганингда барини батафсил сўзлаб бераман. Сен эса менга Қаддур қандай ўлганини бирма-бир айтиб берасан, бўптими? Сен яхши йигитсан, Ал-Лаз, сен бизнинг ҳаммамиздан яхшисан, сен ҳеч нарсани сезмайсан. Сен ҳамон инқилоб учун яшаяпсан. Сенинг ўзинг инқилобсан, ўғлим!

— Жилға тубида тошларгина қолади...

Жилға тубида тошларгина қолади... Жилға тубида тошларгина қолади...



ЗИЛЗИЛА







БОБУ-Л-ҚАНТАРА

Константинада¹ ҳар қарич ердан, ҳар муюлишдан, ҳар бир жонзотдан келаётган ўзига хос ҳид ва бақир-чақирдан кишининг асаби бузилиб, кўнгли айниydi. Бобу-л-Қантара кўприги қаршисидаги майдончадан аранг жой топиб, машинаси эшигини очаётган шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ нимчасини тўғрилар экан, чуқур хўрсинди, соатига тикилиб, ўзича гулдуради:

— Ўн беш минут кам... Бунақа иссиқда пойтахтдан тўққиз соатда етиб келиш табиий ҳол. Константина Қаъбадек муқаддас. Бу ерга жума куни келган маъқул.

Шайх машина эшикларини беркитиб, Ал-Маҳидий кўчаси томон озгина юриб, яна тўхтади. Бир дам ўрнида туриб қолди. Сўнг машинаси томон қайтиб, эшиклар берклигига ишонч ҳосил қилиш учун уларни бир-бир тортиб кўрди. Шу пайт поезднинг чинқирган ово-

¹ Константина — Жазирнинг шимолий қисмидаги шаҳар, муҳим савдо марказларидан бири. 650—700 метр баландликдаги тошлоққа жойлашган. Ар-Руммол дарёси бу шаҳарда чуқур дара ҳосил қилган ва бу дарага Бобу-л-Қантара, Сиди Рошид, Сиди Масид каби бир неча кўприклар қурилган (изоҳлар таржимонники).

зи эшитилди. Бу овоздан у қандайдир нохушлик сезди.» Хавф ҳақида кечиккан огоҳлантириш... Йўқ, йўқ. Шаҳардан чиқиб кетаётган йўловчилар изтироби...»

Атрофни кўздан кечирар экан, нигоҳи кўприкка тушди. Машина ва пиёдаларнинг бетартиб ҳаракати унга ёқмаса-да, кўнглида бир оз таскинлик сезди.

«Мана бу одамларнинг, манави машиналарнинг ҳаракати янгича. Константинодаги ҳаёт хотирамдан кўтарилай депти. — Юқорилаб кетган кўчани кўздан кечираркан, қўшиб қўйди. — Константинодаги етти кўприк нинда энг кўркамн шу. Кенг ва қисқа. Устидан ўтаётганингда пастда тубсиз жарлик борлиги хаёлингга ҳам келмайди».

Шайх атрофга назар ташлаб, хаёл сура бошлади: «Бу тарафдаги ҳамма нарса илгари қандай бўлса, ўшандай: кўм-кўк дарахтлар, турли иморатлар, нарироқда ўрта мактаб ва касалхона, у ёқда бўлса, бостирма шаклидаги ғалла омборлари. Шунга қарамай, бу шаҳар асосан фаллоҳлар пойтахти, шаҳарликлар назарида эса, ғалати ва арпа омборларининг маркази. Уларда қамал ҳолатида ҳам очликдан ўлиш хавфи йўқ. Ундан нарироқда бўлса, анча замонлардан бери амалга ошмаган парвозга қанотларини шайлаб турган авлиё Жанна Д'Арк¹ ҳайкали, унинг ортида Константинонинг фахри бўлмиш осма кўприк...».

Кўзи осма кўприкка тушган шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳнинг юраги ўйнаб кетди. Нигоҳини касалхона, дон омбори, ўрта мактаб, виллалар ва дарахтлар томон олиб қочар экан, ўзича пичирлади:

— Илгаригидан кўра тозароққа ўхшайдими? Ёр тушса ялагудай-а! Шаҳарда ҳар хил ранглар кўпайиб қолибдими? Европага хос шукуҳли оқ ранг эса, камайган. Боз устига шаҳар мана бу жарлик тубига мўраламоқчидай у томонга тақа шаклида эгилганга ўхшайди. Ар-Руммол дараси шундай катта шаҳарнинг қоқ ўртасини танлаганига ҳеч ақлим етмайди.

Азон товушидан Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ сергак-

¹ Жанна Д'Арк — француз халқининг миллий қаҳрамони. Юз йиллик уруш (1337—1453) даврида инглиз босқинчиларига қарши умумхалқ курашига раҳбарлик қилган. Католик черкови 1920 йилда уни «авлиё» деб эълон қилган.

ланди ва орқасига қайтди. Кўчанинг икки юзидаги ошхона, баққоллик ва атторлик дўконларидан турли кўкат, овқат, атир-упаларнинг ҳиди анқирди. Бетўхтов машиналар, турли томонга сел каби оқаётган йўловчилар билан кўча тўла.

«Ё қудратингдан... Бу шаҳарда одамларни тинимсиз ҳаракатга солган нарса нимайки?! Бир марта бу ерга машинада келиб-ку, адабимни егандим. Худди қиёмат-қойим-а... Одамлар бунча уринишиб-суриниш-маса-а?! Бири тушади, бири чиқади, ҳали олдинга, ҳали орқага. Бири ориқ, бири семиз. Шундай иссиқда бало борми?!.. Чиндан ҳам шаҳарни уиутаёзибман. Йўқ..., ростини айтсам, бу ерда ўзгариш катта. Французлар замонида бу жойлар анча осуда эди. Кун чиқиши билан шаҳар уйғонар, секин-аста жонланиб, чошгоҳдан пешингача бунда ҳаёт қайнар, сўнг тўсатдан тўхтар эди. Яна ҳаракат аста-аста бошланиб, соат бешдан кеч тўққизларгача авжига чиқар, бу пайтда ўқувчи ва талабалар уйларига шошилишарди. Кун ботгач, чироқлар ёқилар, жаннат ҳурларидек гўзал европалик ва яҳудий қизлар сайрга чиқишиб, хандон отиб кулишар, улардан келган нафис атир исидимоққа уриларди... Ҳамма нарса ўзгариб кетипти. Ибн Халдун¹ рост айтган экан... Йўқ, йўқ, биз Жазир арабларники бўлиши учун курашганмиз ва бундан ҳеч қачон афсусланмаймиз. Биз мустақилликнинг дастлабки йилларида Ибн Халдуннинг бу фикрига қарши чиққан эдик, бироқ кимлардир асосий йўлдан оға бошладилар. У ер-бу ерда эшитган фикрларини ўртага ташлай бошладилар. Рост гап, ошириб юборишди... Бизни алдашди, ҳа, алдашди. Улар социализмни ҳарф-ма-ҳарф ўрганиб, сўнг унга руҳ бериб, мавҳум маъно билдирадиган сўзга айлантирмоқчи бўлишди. Шундан кейин қарабсизки, тўсатдан улар... Йўқ, йўқ, эркинлик ҳам, мустақиллик ҳам, идора ҳам, ҳокимият ҳам ўз йўлига. Аммо ҳаётнинг ўзи остин-устун бўлиши мумкин-ку! Бундан расво иш бўлмаса керак!.. Йўқ,

¹ Абдурахмон ибн Халдун (1332—1406) — йиринк олим, ёзувчи ва тарихнавис. Асарлари ичида энг машҳури «Араб, форс, барбарий ва уларга қўшилиб яшовчи элатлар тарихига онд мисоллар китоби» ва унга ёзилган «Муқаддима»дир. Бу асарида олим давлат ва элатларнинг ривожига тарихий алмашиниш борасидаги ўз фалсафий қарашларини олға сурган.

ундай эмас... Биз илоҳиётни ўқиганмиз, уламолар билан ҳамсуҳбат бўлганмиз, раҳматлик шайх Ибн Бодис¹ билан биргаликда курашганмиз. Лекин бундай муртадни учратмаган эдик... Йўқ... ҳар нарсанинг эгаси бор, эгалик эса қуръонда ҳам битилган... Аммо... Одамлар турмушидан, худо раво кўрган тирикчилигу берган ризқ-рўзидан мамнун кўринади. Акс ҳолда улар исён кўтаришарди».

Шу пайт уни кимдир елкаси билан туртиб юборди. Шайх тор йўлқадан машиналар йўлига чиқиб кетди. Унинг қулоғига шундоқ олдига келиб тўхтаган машина ғилдиракларининг кескин ғийқиллаши ва норози ҳолда чалинган сигнал эшитилди. Ундан сўнг орқадаги машиналарнинг чийиллаган тормоз товушлари билан уларнинг кетма-кет урилган овози бир-бирига улашиб кетди. Оломон йиғилди. Болаларнинг чинқирган йиғинси эшитилди. У атрофга аланглаб оломон орасидан сирғалиб чиқар экан, чўнтак соатини олиб, бепарвогина қаради ва ўзича деди: «Вақт бўлиб қолипти».

Сўнг жоме масжидига етиб олиш учун энди қадамини тезлатган эдики, дўриллаган овоз тўхташга мажбур этди. Овоз эгаси бўғилиб бақирарди:

— Чидаб бўлмайди-ку! Ё раббим, чидаб бўлмайди. Беш юз минг-а! Мустамлака давридаги бир юз эллик минг ўрнига ярим миллион одам-а. Худойим-эй, ярим миллион одам кўч-кўрони билан шу харсанг тош устида. Қишлоқларию саҳроларини ташлаб, шаҳарга келиб олишди. Ҳамма ёқ лиқ одам. Ҳатто нафас олишга имкон қолмади, ҳавони ҳам сўриб олишяпти. Ҳавода биз учун қўланса ҳидларидан бошқа ҳеч нарса қолмади. Ҳазратим Сиди Рошид², мўъжиза кўрсат! Ўзини ҳам, муртадини ҳам, фисқ-фужурини ҳам даф қил! Вақт келди, ҳазратим, бўлди, керагидан ҳам ортиқ бардош бердим, ўргилай ҳазратим!

¹ Абдулҳамид Ибн Бодис (1889—1940) — 1931 йилда тузилган Жазоир Уламолари Ассоциациясининг биринчи президенти. Бу Ассоциация Жазоир халқининг миллий маданиятини ҳимоя қилган, маорифнинг араб тилида бўлишини ёқлаб чиққан.

² Сиди Рошид — Константинодаги қадамжо мақбаралардан бири. Уша жойдаги маҳалла ва кўприк ҳам шу ном билан аталади.

Бу-л-Арвоҳ товуш келган томонга қараб, бошига қизил тарбуш¹ кийган, «Ан-Нажма» қаҳвахонасига кираверишда қўлларини илтижоли кўтариб турган шайх Ҳазарийга рўпара бўлди. У ўзини кўрмаганга солиб, аввал кираверишдаги узун супага, ундан кейин тор осма кўприкка, сўнг дарё қирғоқларига, ундан кейин шаҳарни иккига бўлган жарликка ҳамда шу жарликнинг қирғоқларига ётқизилган силлиқ тошларга ўғринча назар ташлади. Бу эгри-бугри қирғоқда онда-сонда дарахтлар кўзга чалинар, унинг атрофида учиб юрган оқ-қора каптарлар эса, узоқдан шабадада тўзғиган патдек кўринар эди. Бу-л-Арвоҳ вужудида қандайдир бир исёнона туйғу ҳис этиб, юраги ғашлана бошлади. Сўнг чидай олмай баланд овозда ўзича гапира бошлади:

— Қишлоқлари-ю саҳроларини ташлаб, шаҳарга келиб олишди эмиш. Унингча, нима қилишлари керак экан ўша қишлоғу саҳрода... Зўрлик қилиб заминдорларнинг ерларини тортиб олишсин-ми?! Ерда ишлашга у дангасалар рози бўлишмаса-чи?! Шунинг учун ҳам иш топиш мақсадида шаҳарга қочиб келишган. Заводлар қуриб, уларга иш топиб бериш эса, ҳукуматнинг вазифаси. Жилла бўлмаса, ишлаш учун уларни чет элга юбориш чорасини қидириш керак. Бу эса кундан-кунга қийинлашиб кетяпти. Қарангки, уларнинг кўзи худонинг ерига меросхўр бўлган солиҳ бандаларнигина кўради. Лаънатилар. Шаҳарликларнинг одати шунақа, шаҳарга ўзлари ҳоким бўлишса. Шунинг учун мусофирларни яқин йўлатмайдилар.

Жоме масжидига кираверишда Бу-л-Арвоҳнинг диққатини ранги ўчган яшил девор ёнида узундан-узун саф тортган эркак-аёл тиланчилар жалб қилди.

«...Константинада одамларнинг афт-ангори ҳам бир-биридан ажралиб туради. Бириники иккинчисиникига ўхшамайди. Қадди-қоматлари ҳам ҳар хил. Мустамлака замонида бор-йўғи икки хил башара учрарди. У ҳам бўлса, европалик ва араб. Ҳозир-чи? Йўқ... Айну-л-Байзолик ёки малилалик, ботналик, ханшалалик ёки Шалғуму-л-Ийддан келганларнинг башараси

¹ Тарбуш — эркаклар бош кийими.

аниқ бир хил, Фажж Маззола, Мила, Ал-Қалл, Сакикададан келганлар, занотийлар, узобийлар¹ ҳам юзларидан танилиб турипти. Бу шаҳарда одамларнинг башараси ҳам ҳидга ўхшаб кўп нарсани билдиради...»

Бу-л-Арвоҳ ўзинча шуларни ўйлар экан, йўлида турган тиланчи аёлнинг илтижоли қўлини силтаб ташлади. Сўнг туфлисни қўлга олиб, ўзини одамлар тўдасига урар экан деди:

— Қўлингни ол, ҳой хотин! Бу қандай мусибат?! Ё қудратингдан кетай!.. Булар қаердан келишган ўзи?! Ҳой, нимага қишлоқларнингга, юртларнингга қайтиб кетмайсанлар?

— Мусибат, худо хоҳласа, сенинг бошингга ҳам тушади. Нима, бизни сен елкангда кўтариб турипсанми ёки сенга оғирлигимиз тушяптими?

Тиланчи аёл шарқийликларга хос лаҳжада шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳга яна бир-иккита уятсиз гап билан жавоб қайтарди. Орқасига ўгирилиб, хўмрайиб қараб турган Бу-л-Арвоҳ аёлга айтмоқчи бўлган гапини ичига ютди. Унинг на фақат аёлга, балки барчага айтмоқчи бўлган гапи бор эди.

«Бизни, сизларни — ҳаммамизни мана шу харсангтош кўтариб турипти. Унинг замиридаги сув эса, ўз ишини қилмоқда. Худо биладиганининг ичидаги бўшлиқни-ю, эриб ётган оҳактошларни. Улар оғирлигимизга бардош беролмай, хоҳлаган пайтда ва хоҳлаган йўсинда кучини кўрсатиши мумкин».

«Ан-Нажма» қаҳвахонасига кираверишда турган тарбушли Ҳазарийнинг муаллақ қўллари ва: «Ҳазратим Сиди Рошид, ўзини ҳам, муртадини ҳам, фисқ-фужурини ҳам даф қил!» деган овози Бу-л-Арвоҳнинг хаёлидан яна бир бор ўтди. У туфлисини қўлида тутганича намоз ўқиётганлар сафи томон йўлида давом этди. Юрагидаги ғашлик эса, ҳамон ичини тирнарди. Масжид ҳақи учун икки ракат намоз ўқишга киришар экан, унга минбарда шайх Ибн Бодис тургандек туюлди. Унинг юзидаги моҳир рассомлар акс эттирмоқчи бўлган босиқлик ўрнини ҳаракатчанлик эгаллаган. Ундан гўё илм-фан — келажакка боқиш ҳам, ҳаётининг ҳам, заковатга интилиш ҳам эмас, балки тентако-

¹ Айну-л-Байзо, Малила, Ботна, Ханшала, Шалғуму-л-Ийд, Фажж Маззола, Мила, Ал-Қалл, Сакикада — Жазoirнинг шимолий қисмидаги шаҳарлар.

на назар ва қуруқ гердайншдан иборат, деган ғояни уқиш мумкиндек эди. Ибн Бодиснинг бу ҳаёлий сура-ти вафотидан кейин ўтган йиллар ва юз берган воқеа-лар натижасида унга нисбатан пайдо бўлган фикрга мутлақо ўхшамасди.

«Қанчалик қўлма-қўл қилиб, эъзозлаган бўлмай-лик, у чиндан ҳам биздан узоқда эди... Ҳайқириб оқ-қан дарё эди. Биз бўлсак...»

Бу-л-Арвоҳ ўйини давом эттиргиси келмади. Гўё Ибн Бодиснинг бу қиёфасидаги ҳаракатчанлик орти-га яширинган ҳақиқат юзага чиқиб қоладигандек ту-юлди-да, қўшиб қўйди:

«Агар у тирик бўлганда, бизга дахли бўларди. Дин—дин-да... Диёнат—ўтмиш авлодга бўлган ҳур-мат, бидъат эса, кишини йўлдан оздириш, холос».

Ниҳоят, Ибн Бодис ҳақидаги ўйлардан қутулиб, намоз ўқишда давом этди. Шу пайтда ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи ғайритабиий ҳаракат қила бошла-ди: дастлаб кўндалангига у ёқ-бу ёққа бориб келди, сўнг бу ҳаракат секинлаша бориб тўхтади. Ундан ке-йин юқорига титраганнамо чиқиб тушди. Бир дам ўт-гач, бу ҳам тўхтади. Сўнг доира шаклида айлана бош-лади.

«Лаънат-э, ўша шайтонга! Бир ўқувчини дарсдан ҳайдаб чиқаришимга сабаб бўлган воқеани намоз пайтида яна эсимга солди... Қизиқ, у бола ҳозир нима билан шуғулланаркин?! Талабалар уни файласуф деб аташарди. Мен эса, даҳрий деб атардим. Хушмуома-лалигига қарамасдан, уни ёмон кўрардим. Гапга ара-лашишига тоқат қилолмасдим. Менга яқинлашса ёки бирор нарса демоқчи бўлса, рўпарамда ичимдагининг барчасидан хабардор одам тургандек, кейинроқ эса, душманим тургандек ҳис қилардим. Дилдаги гап ху-догагина маълум, лекин мана бу ёвуз даҳрий бўлса, одамнинг кўнглидагини кўзидан уқиб оларди. Бир куни дарс пайтида мендан сўраб қолди:

— Домла, борлиқдаги барча нарсага ва еру осмон, фалакиётга бевосита масъул бўлган олло таоло намоз ўқиётган одамнинг бармоқ ҳаракатини текширишга вақт топармикин?! Бу ҳаракатнинг ўнгдан сўлга ёки пастдан тепага бўлишидан унга бирор зарар етарми-кин?! Агар намозхоннинг кўрсаткич бармоғи ёки қўли кесилган бўлса, унда нима бўлади?

Мен саволи тугагунча индамай турдим, сўнг унга қараб бақирдим:

— Сен диндан қайтган кофирсан! Умматимизнинг шафоаткори бўлмиш пайгамбар номи билан қасам ичиб айтаманки, сен тузалмас даҳрийсан! Йўқол бу ердан, иблис!

У қаҳқаҳа отиб кулди. Сўнг жилдини қўлига олиб, шошилмасдан мағрурона қадам ташлаб, жомедан чиқиб кетди.¹ Худонинг лаънатига учрагур бу иблис, ўша ҳаракати билан яна олдимда пайдо бўлди-я. Мана, йигирма уч йилдан кейин бармоғимда яна ўзини кўрсатмоқда...»

Бу-л-Арвоҳ масжид деворига суянди, ўтириб қўллариини шишган қорни устидан чўзиб, туфлисини кия бошлади. Унинг юзларидан тер томар, чақнаб турган катта-катта кўзлари янада катталашган, гўштор лаблари дуо ўқиб ғулдулар, юзи салқиган эди.

— Йўқ, бу чақа мендан тушди.

— Йўқ, мендан.

— Ҳой, худонинг бандалари!

— Худо хайрингни бергурлар!

— Мен биринчиман.

— Йўқ, мен биринчи.

Шайх тиланчиларнинг бақир-чақирига қулоқ солар экан, қовурилавериб куйинди бўлай деган қуймоқ, жасмин атири, кактус мевасининг пўчоғи ҳиди устига тиланчилардан келаётган қўланса ҳид ҳам қўшилиб димоғига урила бошлади.

«Константинада товуш ҳам ҳид билан башарага ўхшаб такрорланмайди. Мустамлака даврида нима учун мен буларга эътибор бермаган эканман-а?! Йўқ, шаҳар ўзгариб, одамга тўлиб кетипти. Ярим миллион-а, шу харсанг устида! Ҳа, бу жуда кўп...»

Шайхни яна ваҳима чулғаб олди.

Масжид имоми жума хутбасини эътиқод масаласига эмас, қиёмат-қойим — зилзилани изоҳлашга бағишлади. Унинг даҳшати, у содир бўлганда оналар эмизикли болаларини ҳам унутишлари, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишлари, одамлар аслида маст бўлмаса-да, маст қиёфасига тушишлари ва ҳоказолар. Ҳа, паришонхотирлик, қўрқув, юракдаги

¹ Мусулмон мамлакатларида диний таълим масжид ва жомеларда ҳам олиб борилади.

ваҳима ва ҳоказолар тангри таърифлаган қиёмат-қойимнинг ўзи бўлиб, у зилзила деб аталармиш...

— Худо раззоқ,— чақа қидириб тополмагач, пулини чўнтагига қайта сола туриб жаҳл аралаш деди Бу-л-Арвоҳ. У масжиддан чиқар экан, оёқлари чалишар, бутун гавдаси чайқалар, боши гоҳ ярим доира шаклида қимирласа, гоҳ бутун доира чизар, қўллари қорни устидан осилиб турарди: — Озгина вақтим борга ўхшайди. Худо насиб этган бирор луқмани ютиб олсаммикин... Манави лаънатилардан нарироққа ўтиб олишим ҳам мумкин.

У тор кўчани кесиб ўтди-да, паст-баланд, бир қисми асфальтланиб, қолганига асфальт тегмаган йўлакларга олиб чиқувчи майдон олдида тўхтади:

— Ҳмм... Йўлка илгари қандоқ бўлса, ўшандоқ турибди. Кактусфурушлар ўринларидан жилишмабди. Дўконлар ҳам ўша моллари билан ўз ўрнида. У томондан Исо гармончининг ушбу нола овози келиб турарди: «...хабар бергил менга, эй яхшигинам...» Бу томонда эса, Ал-Фурфоний... Мевазор, қудуқ, унинг ёнида чархпалак. Нариги томонда курдистонлик шайх. Пичоқ чархловчи ҳам ўз ўрнида. Чаканафурушлар булутдек у ёқдан-бу ёққа кезиб юришибди. Мана бу ерда Ал-Қасантийнинг тоза маъдани. Унинг ишбоши-си ўзининг нозик касб-ҳунари билан бу ерга аллақачон мустаҳкам ўрнашиб олган. Бирор бегонани йўлатмайди ҳам. Ҳозир иши шундай тарақлаганки, ўзининг ипаги, миси, атир-упаси, исириқлари, тайёр тикилган қуфийялари,¹ шам ва янги нав қўғирчоқлари билан бутун Шарқни ҳатто саҳроларини ҳам ўзига ром қилиб олган... Мана бу яшил жоме, ундан нарида Маймун² жомеси, ўнг томонда яна бир кичкина масжид, унинг ёнида Албой жомеси, рўпарадаги кўчанинг охирида эса, Сиди Қаммуш жомеси... Ҳидлар жуда ўткир. Айниқса қўланса ҳид киши кўнглини беҳузур қилади...

Унинг қулоғи остида яна тарбуш кийган Ҳазарийнинг овози жаранглагандек бўлди: «...ҳатто ҳавони ҳам сўриб олишяпти, ҳавода қўланса ҳидларидан бошқа ҳеч нарса қолмади...»

Бу-л-Арвоҳ деворга қараб туриб, қўшиб қўйди:

— Рост, бу шаҳар учун ярим миллион аҳоли жуда

¹ Қуфийя— эркаклар бошига ўрайдиган рўмол.

² Маймун — арабча бахтли демакдир.

кўплик қилади. Деворларнинг баъзиси қийшайган кўринади. Қулаш хавфи кўриниб турипти. Ҳа, бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Унинг хаёли яна хутбага кўчди: «...оналар эмизикли болаларини ҳам унутишади, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади. Одамлар кўзингизга мастдек кўринишади. Улар аслида маст эмаслар, худонинг қаҳридан мастга ўхшаб қолганлар...»

Бу-л-Арвоҳни қандайдир номаълум туйғу чулғаб олди. Назарида кўнглидаги бўшлиқни суюқликками, газгами, қўргошингами ёки иссиқлик билан тез тил топишадиган бирор оғир модда тўлдираётгандек туюлди. У бир нафас иккиланиб тургач, машҳур Балбой ресторани жойлашган рўпарадаги кўча томон юришга қарор қилди. Рестораннинг эшигига қараб, кўзларига ишонмай қолди. Ресторан ўзининг эски ўрнида бўлса ҳам, жуда ўзгариб кетган эди. Ишонқирамай рўпарадаги қаҳвахонага ўгирилиб қаради. У ҳам ўз ўрнида, бироқ ташландиқ ҳолга келиб қолган. Бу-л-Арвоҳ кўздан кечиришда давом этди.

«Мана бу «Франция» меҳмонхонаси.— бир нарса демоқчидай оғзини очиб туриб қолди,— бу ўша вақтдагидек французлар меҳмонхонасимикин ёки ит-мушукларнинг маконига айландимикин?!»

Кўзлари яна ресторанга тушди:

— Бу ўша... Ҳа, тепасида «Тунис» меҳмонхонаси жойлашган бино. Меҳмонхонада савдо-сотиқ қиладиган сабзавотфуруш ҳам қаршимда турибди. Кўрайлик-чи, у энди нималарни пуллаётган экан!.. Тентак Ибн Халдун... Бечора Ибн Халдун... Ибн Халдун — шоир, аммо тарихчи эмас...

У ресторанга кириш учун ўнг томондаги зинадан пастга туша бошлади. «Деворларининг бўёғи ҳам ўчай депти. Илгариги ўриндиқлар йўқолиб, ўрнига майишган-сайишган ёғоч ўриндиқлар қўйилибди. Думалоқ столлар ўрини илгари деворга қоқилган тунукалар эгаллабди.

Ё тавба... Ростдан ҳам шу Балбой рестораними? Жаноблар, беклар, шайхлар, ер, мол-мулк эгалари лиқ тўла бўладиган ресторан ростдан ҳам шуми?!»

Унинг миясида яна хутба айлана бошлади: «...ўша кунди оналар эмизикли болаларини ҳам унутишади, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади.

Одамлар мастдек кўринишади, улар аслида маст эмаслар...»

Бу-л-Арвоҳ ўзида нохушлик сездн. Шайхнинг қовоқлари салқиди, кўзлари янада катталашиб, лаблари бенхтиёр очилди-да, тили осилиб тушди ва бўйни эгилди.

— Хуш келсинлар, марҳамат!

Зўрма-зўраки, лоқайдлик билан қилинган бу таклифдан шайх ўзига келди. Ёзги костюм, оёғига ялтироқ қора туфли кийган димоғдор киши темир стол олдидаги курсида ўлтирганича шайхни ичкарига таклиф қиларди. Номанум кишининг ёнида кактусфуруш, киракаш, кесавурлар, юк машиналарининг ҳайдовчилари сингари қаланғи-қасанғилар ўтириб, баъзиси пиширилганига икки кун бўлган гармдори, яна баъзиси сувда пиширилганига бир ҳафта бўлган тухум, айримлари қатиққа қўшиб нон тамадди қилиш билан овора эди. Овоз эгаси бир неча бор таклифини такрорлади ва шайхга тикилиб қолди. Балбойнинг олдида қалин соқолли, кичкина шаффоф кўзойнак таққан, бошига оқиш рангда кир ароқийя¹ кийган, эғнида йиртиқ кўйлак ва тўқима чолвор, оёғида узинлиб тушай деган шиппак, паст бўйли, калласи катта, торяғрин, лекин қориндор киши турарди.

Қопқора сочлар ўз ўрнини кумуш рангга бўшатиб, хомсемизлик қотмалик билан алмашган бўлса ҳам, худонинг қудратини қарангки, Балбой илгари қандай бўлса, шундай кўринарди.

— Келсинлар, келсинлар, бу жаноб Ҳифсийми?

— Йўқ!

— Жаноб Ибн Шаннуф бўлсалар керак-а?

— Йўқ, қани топ-чи?

— Топдим, ҳожи Муҳота.

— Сенга нима бўлган ўзи, жаноблару французларнинг гумаштасидан бошқа ҳеч ким эсингга келмайди?! Аҳли илм-чи, солиҳ бандалар, аслзодалар-чи?

— Э... шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ. Хуш келсинлар, хуш келсинлар, қадамларига ҳасанот! Овозлари ҳали-ҳали қулоғимиз остида жаранглайди.

Шайх қуллуқ қилди, сўнг ўзига номуносиб гердаиш билан қучоқлаб деди:

¹ Ароқийя — эркаклар бош кийими.

— Одамлар жуда илгарилаб кетган. Сен бўлсанг, ҳамон орқадасан!

— Дунёи бевафо, шайхим, қалбаки дунё! Худога шукур, унинг буюрган қисматиғаю раво кўрган кунига шукур... Муқаддас китобда шундай ёзилган: «Биз, шубҳасизки, улардаги эзгуликни ёмонлик билан алмаштиришга қодирмиз ва бунга биз кечикмаймиз ҳам... Омин.

— Омин,— шайх бошини қуйи солиб ўта берилган ҳолда ҳамсуҳбатининг тиловатини давом эттирди:

— «Қўйиб бер, улар ваъда қилинган муддатгача ўйнаб-кулишаверсин. Улар бир нарсани қора тортиб чиққандай тупроқ остидан бош кўтарган кунлари кўзларини ердан узолмайдилар. Уларга лаънат ёғилади. Ваъдадаги кун худди шу куннинг ўзгинасидир» — сўнг баланд овоз билан қўшиб қўйди: — Ҳамма гап саломатликда.

— Худога шукур, унинг буюрган қисматиғаю, кўрсатган кунига шукур. Қадамларига ҳасанот. Кўринмай кетдиларми?

— Анчадан бери Константинада эмасман. Етти йил Тунисда бўлдим, тўққиз йилдан бери пойтахтдаман.

— Ия, жаноблари пойтахтдадилар? У ерда нима иш қиладилар? Шубҳасиз, ҳукумат идораларидан бирида хизматчи бўлсангиз керак-а, шайхим?

— Худо кўтарсин ўша кофиру даҳрийларнинг ҳукуматини. Худо сақласин! Мен маориф ишидаман, мударман.

— Дуруст, дуруст.

— Ресторанинг жуда ўзгариб кетиптими?

— Хонамга кирайлик, қовурдоқми, калла гўшти-ми, кўнгиллари тусаган нарса ҳозир бўлади. Сув қўшилмаган тоза сут бор, сизга ўхшаганлар учун атайлаб олдириб қўйганман. Бу қандай ажойиб дамларки, ҳайру барака ёғилиб турипти.

Шайх Бу-л-Арвоҳнинг диққатини деворга осибдиқ сурат тортди. Суратдагиларни аниқроқ кўриш учун деворга яқинлашди. Қай кўз билан кўрсинки, шайх Табассий билан Иброҳимийлар¹ ўртасида шайх Ибн Бодис турарди.

¹ Башир Ал-Иброҳимий ва Ларбий Ат-Табассий—Уламолар Ассоциациясининг йирик вакиллари.

«Хоҳ сотқин бўлсин, хоҳ камхарж камбағал бўлсин, савдогар-савдогар-да, ота-боболаримизга ён босиб келган, бизга ҳам ён босади. Ҳа, ҳақиқий халқ мана шулар. Ишчилар ҳам эмас, чоракор ҳам. қўйчи-вонлар ҳам эмас, мана шуларнинг ўзи» — хаёлидан ўтказди шайх ва кулиб турган Балбойга ўгириларкан, хаёлидан мана шулар ўтарди: «Қимларга мансублигимни ниҳоят топдим, ҳа, солиҳ бандалар худди шулар». Бу вақтда Балбой ҳам ўзи билан ўзи овора эди:

— Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар.

— Раҳмат, — жавоб берди шайх ва у билан хонага кирди.

Балбой уни креслога ўтиришга таклиф қилди. Шайхни темир стол ва стуллар олдида ғоят бежамали кўринган ва илгариги ҳашамини ҳали йўқотмаган стол ёнида қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Шайх нигоҳини девор томонга қаратди. Қаршисида зарҳал рамка ичига жойлаштирилган каттакон сурат турарди. Шайх шошилиб суратга яқинлашди ва уни томоша қила бошлади. Рўпарада Константина вилоятининг бир гуруҳ киборлари: бош оғалар, оғалар¹, депутатлар, юқори мартабали хизматчилар ўртасида савлат тўкиб Балбой турар, каттакон қандилдан таралаётган нур кумуш қошиқларда, биллур қадаҳлар, мисдан ишланган гулдонларда жимир-жимир акс этар эди.

Қўлида иккита коса: бирида котлет, бошқасида пишиб етилмаган анжир кўтарган Балбой кириб келди ва ўтирди:

— Пойтахтда нима гаплар бор?

— Кўнгилдагидек гап йўқ. Вазият ҳамма жойда бир хил. Ибн Халдуннинг шундай гапи бўларди... Қўявер. Ҳали ҳам сен шу ердამисан?

— Кўриб туриптилар-ку. Одамлар бир-бирини ғажий деяпти.

— Бу дейман, ресторанингга нима бўлди? Аҳволини қара. Қайси жин урди?!

— Гапирмасинлар, тақсир, гапирмасинлар. Французлар кетиб, ўрнини мусулмонлар эгаллашгандан кейин, бир оила истиқомат қиладиган хонадонда бир неча оила яшай бошлади. Французларнинг оиласи

¹ Бош оға, оға — революциядан илгариги Жазонрда амалдорлик унвони.

кўпи билан уч-тўрт кишидан ошмас эди. Амакивачаларингизнинг оиласида эса камида тўққизта-ўнга одам. Саҳройилар қишлоқ ва шаҳарларга кўчиб келишган. Мана булар эса Константинага тиқилишди. Ҳозир бу ерда на ҳашаматли ресторанга, на оддий ошхонага кирадиган одам қолди. Ҳатто ўрта мактабда ўқиётган ўғлини кўриш учун ёки машинасига эҳтиёт қисм харид қилгани келганлар ҳам бирор танишини учратади-да, ўшаникида тунайди. Бас, шундай экан, замонга боқишга мажбур бўларкансан, киши. Мана, кўриб турганларидек... гармдоридан пиширилган овқат, тухум, сутли овқат ва шунга ўхшаган оби ёвгон. Ҳа, майли, буюрган қисматига шукур, кўрсатган кунига шукур.

— Бугун катта масжиднинг имоми «зилзила» борасида ваъз ўқиди.

— Э... Бу имомингиз кечикипти. Константинада зилзила аллақачон содир бўлган. Ҳамма нарса барбод бўлган бу шаҳарда.

— Нима?

— Ҳақиқий Константина тамом бўлган деяпман. Зилзила ўз ишини қилиб бўлган. Илгариги тагли-тахтли аслзодаларнинг биттаси ҳам қолмаган. Балбойлар, Болфафунлар, Ибн Жаллул¹, Ибн Чикун², Ибн Карро-раларнинг Константинаси қаерда қолди?! Ағдар-тўн-тар бўлди, ҳамма нарса остин-устун бўлди. Уларнинг ўрнини эскифуруш, арпафуруш, нўхатфурушлар, кўк-чилар эгаллашди.

— Лекин бу галги зилзила қаттиқ бўлади... Ҳа, жуда-жуда қаттиқ бўлади... У ҳамма ёқда баравар бўлади. Олло таоло таърифлаган зилзиланинг ўзи бўлади.

— Зилзила дегани бир марта бўлади, домла Бу-л-Арвоҳ. Лекин уни олдиндан сезадиганлар бор, зилзила пайтида сезадиганлар бор, зилзиладан озми-кўпми кейин сезадиганлар бор. Ҳақиқий зилзила ўша сезгитуйғудан иборат.

— Тўғри айтасан, олло таоло ҳам уни туйғу сифа-

¹ Ибн Жаллул — 30-йилларда Константинада ном чиқарган миллий буржуазия вакили.

² Ибн Чикун — Жазонда машҳур бўлган буржуа вакили, асли чех.

тида талқин этган: «...оналар эмизикли болаларини унутишади, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади. Одамлар кўзингизга мастдек кўринишади. Улар аслида маст эмаслар...» Омин.

— Менимча, домла Бу-л-Арвоҳ, ҳақиқий зилзила қўйчивонлару яллангоёқлар қишлоқларидан келиб одамларни ўлдиришган куни содир бўлган. Ҳақиқий зилзила ўша куни юз берган. Э... Мана шу рестораннинг олдида қанча оға, қанча бош оғалар, лашкар-боши-ю офицерлар ўлиб кетишмади. Яна қандай денг, қўйбоқарлар, чоракорлар, ўтинчи-ю кўмирчисининг қўлида жон беришди-я.

— Қиёматнинг бошланиш аломатларидан бири шулким, бева-бечора, камбағал, ялангоёқларнинг барчаси иморат қуришга ружу қилғай ва чўри ўз бекасига қарши исён кўтаргай, деганлар пайғамбариниз.

— Эҳ-е, нималарни кўрмадик бу ерда. Ҳаммаси барбод бўлди. Буюрган қисматига шукур, кўрсатган кунига шукур. Тани-жоннинг саломатлигига минг бор шукур.

Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ Балбойга тикилганича туриб қолди. У олдида қўйилган овқатни очкўзлик билан оғзига тикар, ўзига ўзи дерди: «Йўқ, бу одам ҳақиқий савдогар эмас кўринади. Ҳеч бўлмаганда, ҳозир савдогар эмас, унга бу ерда овқатланадиган қора халқнинг таъсири урибди. У ўшаларнинг бирига айланиб қолибди. Ё қудратингдан кетай, наҳотки оғалар, бош оғалар, ҳокимлару депутатларнинг дўсти бўлган машҳур Балбой шу ҳолга тушиб қолса?!»

— Хизматкорлар кетиб қолган кунданоқ энг шимариб ишга тушдим. Аввал бошқаларнинг қорнини тўйғазаман, шундан кейин бола-чақа, набираларга навбат етади. Шу тариқа зилзила туйғусини ўзимга йўлатмай турипман. Эҳ... Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ, энг зарури саломатлик,—суҳбатдошининг кўнглидагини сезганиданми, ўзига тасалли бериш ниятидами қўшиб қўйди Балбой.

Шайх ҳам бу пайтда ўзича гулдулар эди:

— Бунинг гапида жон бор. Демак, бирор савдогар, бирор бадавлат одам йўқки, ҳозирги вазиятдан хурсанд бўлсин. Замон нотинч. Халқ, ҳақиқий халқ бўғилиб ётибди, қалбида ғам-алам.

— Мен аллақачон адои тамом бўлганман. Менда ҳеч нарса қолмаган. Бир кун ундай, бир кун бундай. Худонинг буюрган қисматига...

Суҳбатдошининг хотиржамлигидан ва ўта итоаткорлигидан жаҳли чиққан Бу-л-Арвоҳнинг гапни охиригача эшитишга сабри чидамади:

— Биласанми шундай иссиқда мен нима учун келдим?

— Йўқ.

— Олдинроқ келай дедим.

— Кимдан олдинроқ?

— Ҳукуматдан.

— Ҳукуматдан?

— Ҳа, ҳукуматдан. Қулоғингни яқинроқ тут, гап бор. Бундан ҳали кўпчиликнинг хабари йўқ. Қулоқ сол. Одамларнинг ризқига чанг солишмоқчи.

— Нима? Одамларнинг ризқига?

— Хатарли бир куфр режа тузилмоқда.

— Нима деяпсиз?

— Худди шундай. Одамларнинг ерини тортиб олишмоқчи.

— Одамларнинг ерини тортиб олишмоқчи?

— Эшит. Ерни давлат мулкига айлантиришмоқчи.

— Давлат мулкига айлантириб нима қилишар экан?

— Французлардан тортиб олинган ерларни нима қилишган бўлса, шундай қилишади-да. Кўз олдинга келтир. Адоват, ҳасад косалари лим-лим тўлган.

— Лекин, айтдингиз-ку олдинроқ келай дедим, деб.

— Худди шундоқ. Гап шу ерда қолсин, майли, катта-кичик мулкдорларга хабар қилсанг ҳам бўлади. Ерни меросхўрларимга хатлаб берай деб келдим. Тагин ҳукуматдан келиб қолишса, қўлимда кўп ер чиқиб қолмасин.

— Лекин, Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ, жуда кечиккан кўринасиз. Бир неча йил бўлди, уддабуронлар бу масалани ҳал қилиб бўлишган. Ахир бу социализм ҳақида гап юра бошлаган пайтданоқ маълум-ку!

— Биз пойтахтда ҳукумат одамлари ичидаги гапни бошқалардан кўра кўпроқ биламиз, деб юрардик. Афсус алданибман. Бўри ҳеч қачон қўлга ўрганмас экан, Балбой.

— Тўғри, ҳақ гапни айтдингиз. Шундай қилиб, домла, ерларингизни фарзандларга бўлиб бериш учун келипсиз-да, шундай эмас-ми? Бу унчаллик оғир масала эмас, шекилли.

— Фарзандларга эмас, меросхўрларга. Афсуски, мен фарзанд кўрмаганман. Шунинг учун бу масала сен ўйлаганчалик осон эмас.

— Қанақасига?

— Биринчидан, мен қариндош-уруғларимни топшим керак. Уруш бошлангандан бери¹, балки ундан анча олдиндан бери бирортасини кўрганам йўқ. Ҳали улардан тирик қолгани борми, йўқми, билмайман. Иккинчидан, бу ишнинг зарурлигига уларни ишонтиришим керак. Учинчидан, энг зарури, бу ишни имкони борича тезроқ амалга оширишим керак. Айтишларига кўра, ҳукуматнинг бу чораси шошилишча бўлиб, яқин кунларда эълон қилинади.

— Битта-иккита қариндош топсангиз бўлади-да.

— Масаланинг яна бир чигал томони бор. Гал шундаки, мендаги ерлар уч минг гектардан ошиқроқ.

— Вой-бўй!

— Бир қисми отамерос ер, яна бир қисмини сотиб олганман, учинчи қисмидан меросхўрларимнинг ўзлари воз кечишган.

— Жуда кечикдингиз-да, шайх Бу-л-Арвоҳ!

— Бундай жумбоққа гирифтор бўламан, деб ким ўйлабди дейсан.

Балбой овқат ҳақини олишга иккиланди. Шайх ҳам уни тўлашни пайсалга солиб турган эди бирдан Балбойнинг ўғли орага кирди-да, шайхнинг қўлида турган қоғоз пулни тиржайганича юлиб олди:

— Худо марҳаматини аямасин, амакижон.

Шайх Бу-л-Арвоҳ ташқарига чиқиб, зинадан кўтарила бошлади. Этикдўз косибларнинг тақ-туқи, чарм ва терлаган оёқ ҳидига ўнг томондаги сартарошликдан келаётган атир ҳиди қўшилиб бурқсийди. Икки этикдўз ўзаро гаплашиб ўтиришпти. Бири дўкон ичида, иккинчиси ташқарида. Буларнинг айримлари туфли, шиппак ва шунга ўхшаш оёқ кийими тикишга, айримлари ямоқчиликка ихтисослашган бўлса ҳам,

¹ Бу ерда Жазоир миллий-озодлик уруши (1954—1962) назарда тутилмоқда.

кўпчилиги бир вақтнинг ўзida ҳар икки юмушни ба-
жаришади.

«Ия, радио-телевизор устахонаси-ку. Янги бўлса керак, ҳар қалай мен эътибор бермаган эканман. Этикдўзларнинг орасида электр асбоблари, транзистор, радиоприёмниклар, уларнинг ичида кактусфурушлар аралашиб юрибди. Одамлар шошилгани-шошилган, ҳали чиқишади, ҳали тушишади. Ҳидлар ҳам бурқсигандан-бурқсиди. Ҳар бир ҳиднинг ўзига хос «таровати» бор, бошқаси билан аралашмайдн. Қора чодирга бурканган аёлларга нисбатан очиқ юзлилар кўпроқ. Аёлларнинг, хусусан ёш жувонлар ва бўйига етган қизларнинг кўзлари суқланиб боқадн кишига. Қарашлари эҳтиросли. Менимча Константинода никоҳ тўхтатилган бўлиши керак. Ахир уй-жойлар тўлиб бўлган. «Бир оила истиқомат қиладиган хонадонда бир неча оила яшай бошлади», деяпти-ку. Кўп нарсалар бу ерда табиийдек. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган кўринади. Чаканафурушлар аралаш, савдогарлар билан ҳунармандлар аралаш, қўшнилар аралаш, оталар билан болалар аралаш, ака-укалар билан опа-сингиллар аралаш, пиёдалар билан машиналар аралаш, худди одамларнинг шеvasи, афт-ангори, тонфасига ўхшаб ҳидлар ҳам аралаш... Шу харсангтош устида ярим миллион жон-а... Мана бу деворлар қийшайиб турипти. Шифтлар ерга салом бераётгандек... Ҳа, мана бу Сиди Қаммуш масжиди... Вой, қудратингдан, масжидни юрак хасталиклари дўхтурига уй қилиб беришибди-ку! Эндиги зилзила жуда даҳшатли бўлади. «Оналар эмизикли болаларини унутишади, эғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади, одамлар кўзингизга мастдек кўринишади. Улар аслида маст эмаслар...». «Бизларни, сизларни — ҳаммамизни шу харсангтош кўтариб турипти. Худо билади бунинг ичидаги бўшлиқни-ю, эриб ётган оҳақтошларни. Улар оғирлигимизга бардош беролмай, хоҳлаган пайтда ва хоҳлаган йўсинда қулаши мумкин. Ҳазрати Сиди Рошид, қани айтадиганингни айтмайсанми? Ўзини ҳам, муртадини ҳам, фисқ-фужурини ҳам даф қил!.. Ҳақиқий зилзила туйғудир. Нима учун юрагимда илгари зилзила туйғуси уйғонмаган экан-а? Нима учун Балбойнинг юрагидаги зилзила туйғуси шундай шароитда даф бўла бошлади?»

Шайх зинанинг сўнгги поғонасидан «19-май» кўчасига кўтарилар экан, юзига иссиқ ҳаво урилди. Кўнглидаги ғашлик янада ортиб борар, юраги тобора сиқилиб, боши қақшаб оғрир, ўзи ҳолсизланиб борарди. Ниҳоят шайх юришдан тўхтаб, қўли ва тирсақлари билан деворга орқасини ўгиргани ҳолда суяниб қолди.

«Бу илгариги «Франция» кўчаси, «Умол» ўрта мактаби жойлашган «Киромо» кўчаси тугаган жойдан бошланади... Бу ер илгари ишқий кечинмаларга тўла эди. Европалик ва яҳудий қизларнинг кўзларида ишқ туйғуси, ҳазил-мутоиба, ўйин-кулгу акс этар, «Жасмин», «Ҳилму-з-заҳаб», «Ал-Лубон» каби атирларнинг муаттар бўйи узилмас эди...»

Шайх нафасини бир оз ростлаб олиш учун қаҳвахоналардан бирига киришга қарор қилди. Бироқ қутилмаганда юришдан тўхтади. Кўчадан чанг кўтарилар, йўл устидаги ювунди ва пешоблар офтобда аллақандай беўхшовлик билан ялтирарди. Одамлар иш юзасидан у ёқдан-бу ёққа чопишар, баъзилар курка хўроз қўлтиқлаб олган, баъзиларнинг қўлида сапатда тухум, баъзилар помидорми, пиёзми, кактусми юкланган аравани тортиб борарди. Бири буни, бири уни пуллаш билан овора, биттаси тортади, иккинчиси итаради, хуллас, ҳамма ўз иши билан шошгани-шошган.

Шайх кўча юзасидан тортиб, то оёқлари остигача кўз югуртиб чиқди. Қулоғига бир кампирнинг овози чалинди. У олдига тўпча қилиб ўраб олган каноп илларни ёйиб қўйгани ҳолда, жанубликларга хос лаҳжада ёнидаги аёлга гап уқдирарди:

— Мен Мағбунанинг олдида эдим. Ҳаво бугунгидек иссиқ бўлмаса ҳам, қуёш чарақлаб турарди. Бечора еттинчи боласини орқасига танғиб олиб ишлаётган эди. Ҳа, шу боласи тўрт ойлик бўлганида, эри Францияга кетган эди. Етиб бориши билан пул жўнатишга ваъда берган экан, ҳозиргача жўнатмапти. Балки ҳали ҳам иш тополмагандир. Мен сизга айтсам, ўша бечора гўдагини орқасига танғиб олиб, ҳали йўлга кирмаган олтинчи боласини менга опичтириб, қўлида ўроқ, биз билан ҳожи Бу-л-Абойиз даласида ишлаётган эди. Ҳожи бир соъ¹ буғдой, икки соъ арпа ва 200

¹ Соъ — дон-дун учун оғирлик ўлчови.

дуруга¹ келишиб, уни ёзги ишларга ёллаган эди. Болакай орқада тинч ухлар, онасининг вужудидан тер оқар, тинмай ҳансирар эди. Унг қўлидаги ўроқ бетўхтов ҳаракат қилар, чап қўли билан бугдой бошоқларини йиғиштирарди. Уроқчилар сафига етиб олишга бир неча қадам қолганда, у тўсатдан: «Вой, онажоним! Болаларим етим қоладиган бўлди!» деб чинқариб юборса бўладими.

Мен у томонга қараб югурдим. Ишлаётган бошқа хотину эркаклар ҳам орқамдан етиб келишди. Аввал тиззасига, сўнг белигача ва охири ҳамма бадани кўкариб кетди. Жин урди-я бечорани. У ёққа югурдик, бу ёққа югурдик. Қўлимиздан келган дори-дармонни қилдик. Фойдаси бўлмади. Кеч кирай деганда, бечора жон берди. Етти бола энди орқамдан ойшлаб эргашгани-эргашган.

СИДИ МАСИД

— Худо кўтарсин сени, қари қанжиқ. Қуёнга ўхшаб ой сайин туғасанлар. Дуч келган жойда биттадан итвачча орттирасанлар. Яна улардан шикоят қилганларинг ортиқча. Ер юзини шайтонга сенлар тўлдирдиларинг. Зизиланинг ҳам, вайронгарчилигининг ҳам сабабчиси ўзларинг.— Бу-л-Арвоҳ ўзаро дардлашяётган икки кампир ёнидан ўзича гулдураб, бир нафас дам олиш учун кўчанинг нариги бетидаги «Ал-Баҳжа» қаҳвахонаси томон кета бошлади. Граммофондан эса Ал-Фурфўнийнинг рубоб² билан айтаётган «Талабгорим, дардимга даво айла...» ашуласи таралмоқда эди.

«Мана бу шаҳарнинг «Тез ёрдам» маркази. Унинг олдида тахтача қоқилган. Рўпарада бўлса, бутун деворга катта ҳарфлар билан француз тилида «Машина қўйиш тақиқланади», деб ёзиб қўйилган. Шунга қарамай, бино қаршисида машиналар узундан-узуни саф тортиб турибди. Бу ёзув французлар замонидан қолган кўринади. Ун тўққизинчи май кўчаси шу ердан ўнгга бурилиб кетади. Фаластин кўчасига чиқиш учун тепага кўтарилиш керак... «Ал-Баҳжа» қаҳвахонаси илгари зиёдиларнинг қароргоҳи эди. Бирор бегона

¹ Дуру — пул бирлиги.

² Рубоб —ғижжакка ўхшаш бир торли музыка асбоби.

киши кирган заҳоти официант югуриб келар ва қулоғига шивирлар эди:

— Безовта бўлманг, ичадиган нарсангизнинг пули тўланган.

— Ким тўлади?

— Константинада бунинг аҳамияти йўқ.

Миллий гурур шу ерда кўринади. Майда буржуазия ўзини кўз-кўз қиладиган жой шу ер эди. Энди-чи? Ё тавба... Қаҳвахона пештоқидаги ёзувнинг ранги ўчган, ичкаридан Фариду-л-Атрашнинг¹ «Учар гилам соз ва гўзал...» деб айтиладиган ашуласи ўрнига нард тошларининг шақир-шуқури эшитилади. Илгариги ҳаётдан асар ҳам қолмаган кўринади. Уни тамоман йўқ қилиб, бошқасини қуришипти. Константина руҳи ер билан яксон бўлипти. На фақат қаҳвахонада ўтирганларнинг, ҳатто уни ёнлаб ўтаётган йўловчиларнинг юзлари ҳам барбарийларга ўхшаб кетипти. Бу дара, ундаги етти кўприк, тор кўчалар, йўлаклар, буларнинг ҳаммасини ялангоёқлар нопок оёқлари билан депсиб ташлашипти. Константиннинг чекка жойларига, қишлоқларига қандай кўтарилишдйкин? Қизиқ, бу одамлар нима мақсадда курашишган? Қишлоғу тоғ-тошларини тарк этиб, Константинада тиқилиб яшаш учунми?! Йўқ, миям ғовлаб кетяпти. Мана бу нард тошларининг шақир-шуқури асабларимнинг қолганини ҳам еб ташлаяпти. Шаҳарда нафасим қисилиб кетди. Бунинг устига одамларнинг югур-югури... Бирор дақиқа тўхтаб туришмайди-я. Агар зарур ишим бўлмаганда, бу қиёмат шаҳарни елкамнинг чуқури кўрсин эди. Шаҳарнинг ташқи кўриниши қолибди, холос. Ҳатто манави кўчалар, иморатлар, кўприклар, қаҳвахоналарнинг отлари қолиб, ўзлари юқоридан бўлаётган тазйиққа, вайронгарчиликка дучор бўлибди... ..Оналар эмизклик болаларигача унутишадди... Э худойим, ўзини ҳам, пала-партиш ҳаётини ҳам даф қил... Нафас олгани ҳаво йўқ... Зилзила деган нарса шу зилзила пайтидами, ундан олдинми, кейинми пайдо бўладиган туйғудан иборат... Оҳ, шаҳарни барбод қилиб, худонинг солиҳ бандаларига қарши фитна бошлаш учун энди қишлоқ томон йўл олишибди-да... Кўк-

¹ Фариду-л-Атраш — араб халқининг машҳур хонанда ва бастакори.

рагимдаги нарсa оғирлашиб бoряпти, асабларимдан, томирларимдан oқиб, миямга, бўгим-бўгимларимга сингмоқда. Шу харсанг тошдан бир оз чеккага чиқай, Сиди Масид кўпригидаги йўлкаларнинг бирида ўтириб, салгина шабададан баҳра олай...»

Шайх бошини кўтарди. Қаршинида «Хуроб Сонд кўчаси» деб ёзиб қўйилган лавҳача турарди. У лавҳачадаги иборани маъқуллагандек бошини қимирлатди ва қўшиб қўйди:

— Гапирган гапи учун Ибн Халдун дўзахда куйсин! Ислom динини олиб келган араблар ҳеч қачон вайронгарчилик шиори билан келган эмаслар. Бироқ мана сизга ҳақиқат. Улар турмушнинг бузиб қолмасдан, дину диёнатга ҳам ҳужум қилибдилар. «Араб бир қўли билан қурса, иккинчиси билан бузади» эмиш. Йўқ, Ибн Халдун ёлғончи, жойи жаҳаннамда бўлгур. Булар араблар эмас, барбарийлар ҳам, вандалар ҳам, татарлар ҳам, мўғуллар ҳам, қибтийлар ҳам эмас. Булар мамлакатнинг илди-илдизини қирқиш учун оллоҳ томонидан юборилган на насл-насаби, на зоти, на диёнати, на миллати маълум бўлган кишилардир. Ибн Бодиснинг аҳли илм ва фозил кишилар ичидан етишган шогирд ва тарафдорлари қаторида туриб арабий наслимизни, динимизни, эркин араб виждонини ўртага қўйиб фаолият кўрсатган кунларимизда биз ҳеч нарсани бузмаган эдик, балки қурган эдик. Тилимизни қуръони карим тили бўлган арабий тил билан, дилимизни дин билан, ҳадиси шариф билан, пайғамбаримизнинг суннатлари ва ота-боболаримизнинг анъаналари билан пайваста қилган эдик. Аммо биз вазифамизни ниҳояламай туриб, борлиққа ўт қўйишди. Мана уларнинг Франция мустамлакасидан кейинги аҳволи. Шаҳарларнинг энг зўрларини вайрон қилишмоқда. Қолган-қутган яхши ниятли фозил кишиларни йўқ қилиш учун қишлоқма-қишлоқ кезишмоқда...»

Шайх юришдан тўхтади. Ўнг қўлининг кафтини деворга қўйиб, чап тиззасини букиб, оёғини осилтирди. Пешонасидан оққан терни артар экан, ичидан хўрсинди.

«Астағфируллоҳ... Лаънати иблис... Яна ичимни ваҳима босаяпти. Қураш ҳам, мустақиллик ҳам, мустақиллачилик ҳам, ҳокимият ҳам ўз йўлига. Буларнинг бузғунчиликлари ҳам, кофирликлари ҳам, динсизлик-

ка ҳам алоқаси йўқ! Худо бу халққа яна ғайрат ато қилса, яна бошқа Ибн Бодис, яна бошқа фозил кишилар дунёга келишар. Ушанда минг бор зилзила бўлганда ҳам, уни қутқариб қолишар. Ота-боболари бошлаган, аммо замон зайли билан улар қилолмаган ишларни давом эттиришар...»

Шайх бошини кўтариб, қаршисидаги тор кўчага назар ташлади.

«Пакет дўкони илгари қандай бўлса, ўшандай. Герман радиотоварлари магазини молини ўзгартирган кўринади. Мана бу сартарош кейин келипти... Қатиқфуруш бўлса ўшандоқ... Ҳаттоки бошидаги қалпоғи ҳам ўша-ўша. Мана бу ерда Моми Исмоил яшар эди. Кўча бошида унинг идораси ва вилоят бошқармасининг органи бўлган «Ан-Нажоҳ» газетасининг босма-хонаси жойлашган эди. Одамларнинг сараси эди у. Ўлиб кетмаган бўлса, ҳозир пенсияда бўлиши керак. Депутатлар, оғалар, бош оғалар, ҳарбий амалдорлар унинг мана шу идорасида ишга тайин қилинарди. Катта-катта ишлар шу жойда ҳал бўларди. Энди бўлса, идоранинг биноси эски мебеллар билан савдо қилувчи магазинга айланипти. Босмахонадаги ҳарфлар чириб ҳам кетгандир. Аллақачон ахлатга ташлаб юборилган бўлиши ҳам мумкин...»

Шайх юришда давом этди.

«Бу шаҳар одамларининг кўпчилиги ростдан ҳам офтобда куйганми дейман. Ҳа, мана бу шаҳардаги Қасба казармаси. Девоклари бир оз қийшайган кўринади. Мана бу кўча вилоят идорасига олиб чиқади... Манави шаҳар бошқармасининг биноси, шаҳар маркази. Бу районда илгари яҳудийлар ҳукмронлик қилишарди. Биноларнинг кўпчилик қисмини меҳмонхоналар ташкил қилар, у ерда офицерларнинг гўзал хонимлар билан биргаликдаги қийқириқлари-ю ўлдим-қуйдим» ашулалари тинмасди. Энди бўлса, йўловчиларнинг кўплигига қарамай, бу район тинч. Қизиқ, нима учун магазинлар бунчалик серфайз экан-а?! Нима бўлганда ҳам савдо-сотиқ ривожланган кўринади. Афтидан, одамлар зилзила ҳақида ўйлаганлари сари қўлларидаги бор пулни тезроқ сарфлашга, савдога тушган молни тезроқ илиб кетишга уринсалар керак. Ҳа, улар жуда ҳушёр туришипти. Ўлимини кутаётган маҳбусдек ҳар дақиқадан фойдаланиб қолиш

учун ким ўзарга чопишмоқда. Одамлар кеча-кундуз зилзиладан бошқа нарсани ўйламай қўйганлар, шекилли».

Шайх Югославия кўчасига олиб чиқувчи Зирват Юсуф кўчасига ўтиб, орқасига ўтирилди ва казармага тикилиб қолди:

«Бу ердан деворларнинг қийшиқлиги аниқроқ кўринар экан. Шубҳасиз, у ўртасидан ёрилган бўлиши керак. Чунки иморат иккала томонга барабар оғиб турипти».

Шайх кўчани кесиб ўтиб, бутун гавдаси билан деворга суянди ва чуқур нафас олди:

«Оҳ, оҳ... Тупроқ ҳиди... Худога шукр, ниҳоят ер исини ҳидлайдиган бўлдим. Бай-бай-бай. Шаҳар катта океан ичидаги кемага ўхшайди. Кемага гўё дунёдан узилиш, йўқ бўлиш хавфи ҳар қадамда даҳшат солиб тургандек. Бу ерда бўлса, тўла осойишталик. Ҳа, улар бу ерда келажакларига пешвоз чиқишдан қочибгина қолмай, балки тўхтаб туришга ҳам, юришга ҳам ботинолмайдилар. Агар сал қимирласалар, бу бечора харсангтош ўз мувозанатини йўқотиб ағдарилиши мумкиндек».

Шайх юришда яна бир оз давом этди ва Югославия кўчасига чиқа туриб, ўзига-ўзи деди:

«Улар қайси ақл билан кўчаларга ном қўйишдйкин?! Кўчанинг ярми ҳалок бўлган қаҳрамонлар номи билан аталади, қолган ярмига коммунистик давлат номи берилибди. Пойтахтда ҳам Зерват ва Шай Фифора номларида кўчалар бор эди. Илгари бундай масалаларга аҳамият бермасдик. Энди бўлса, ҳар бир майда-чуйдага ҳам эътибор катта».

Шайх кўприк остидаги сояга ўзини урди ва уфққа тикилиб қолди...

«Узоқ-узоқда гоҳ оппоқ паға-паға булутлар, гоҳ кулранг дарахтлар оғушида бурканган осмонўпар чўққилар, пастроқда эса қир ва адирлар кўзга ташланади. Уларнинг баъзиси кўм-кўк, баъзисида онда-сонда яшил ранг дарахтзор учраса-да, асосан яланғоч. Тоғ тизмаси этагидан бошланган майсазор сайхонлик илон каби буралиб ётган дарани, ундаги кумушдек ялтироқ сувни, қордек оппоқ тошларни айланиб ўтиб, ўнг томонга чўзилган. Қуйида эса тоғдан бошланиб, дара бўйлаб чўзилган тилга ўхшаган чўзиқ нарса кў-

риниб турибди. Мана шу тилсимон нарса Сиди Масид кўприги бўлади. Чап томонда ахлат уюмлари тўла бир ташландиқ корхона жойлашган. У илгари электростанция бўлган. Ўртасидан йўл ўтган. Корхона узоқда бўлса ҳам, унинг ташландиқ ҳолда эканлиги шундоқ кўриниб турипти. Нарироқда гуваладан урилган, черепица томли, учбурчак шаклида жойлашган тахминан икки юзтача уй. Бу — Сиди Масид маҳалласи. У ёзувчи Нажиб Маҳфузнинг «Кўчамиз болалари»даги Ал-Жаробий маҳалласига ўхшаб кетади. Ҳа, қилган куфриншлари, даҳрийлиги, пайгамбарлар ва фаришталарни мазаҳ қилгани учун Нажиб Маҳфуз қатл қилишга муносиб деб топилганда, мисрликлар унга раҳм қилишган эди... Узоқда йўлнинг айрилиш жойи кўзга ташланади. Биридан Константинага, яна биридан Сатиф шаҳрига борилади. Тоғ тизмаси устидан кўкимтир буғ кўтарилмоқда. Гўё у каттагина майдондаги вулқонлардан аста-аста кўтарилаётган тутунга ўхшайди. Бу эса ўша пркит Бу-л-Фароис ахлатхонаси. Тутун ичидаги бу оралиқ жойда гоҳ чўзилиб, гоҳ қисқариб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бориб келаётган қора шарпалар кўринади. Константиннинг бу «Босфор»и олдида таптақир адирлик ястаниб ётибди. Унинг орқасида Ал-Қадийя маҳалласининг харобаси бўлган кичик-кичик уйчалар, ундан орқароқда эса ям-яшил дарахтларга бурканган қошоналар. Боғлар пастга тушилган сари кичкиналашиб боради. Ундан кейин учбурчак шаклидаги маҳаллагача яна яланглик. Шаҳар пастки қисмининг ўнг ва сўл томонларида фул дарахтлари барқ уриб турипти. Э-воҳ, йўллар, осма кўприклар билан эзғилаб ташланган шу харсангтош устида ярим миллион аҳолилик шаҳар жойлашган бўлса. Кўчаларида турли енгил автомобиллар, ҳар хил моллар ортилган юк машиналари ҳаракатда. Омборларида миллион тонналаб озиқ-овқат, юз минглаб газ баллонлари, миллион-миллион тонналаб қўрғошин ва цемент сақланмоқда. Канал ва анҳорларида гоҳ-гоҳида газ баллонлари портлаб, иморатларнинг кули кўкка совурилмоқда. Мана шу ердан, сув ўзанидан чиқиб, яйқалиб оқадиган жойдан, харсангтошнинг қатламлари майдаланиб қулаб тушадиган пастликдан, мана шу пастликдаги ўзига хос дунёдан, Сиди Масиддан шаҳарнинг харобалиги бошланади. Унча аҳамияти бўлмаган

бир тош, бир неча жойнга цемент ямоқ тушган шу тош девордан кўчиб, оз-оздан силжий бошлайди, унинг орқасидан бошқалари қулайди. Тикка қоялар ва майда бўшлиқлар ҳам қараб турмайди, қарабсизки, қиргоқ тўлиб боради. Шу ердан, мана шу ғарбий қиргоқдан пастлик бошланади. Константиanning бошига тушадиган мусибат илгари шу ердан тушар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Чиндан ҳам Ғарб араблар учун, мусулмонлар учун, уларнинг шаҳарлари, ҳаётлари, дин ва диёнати учун хатар манбаи эди ва шундай бўлиб қолмоқда... Вой, бошим айланиб кетяпти, юрагимнинг уришини қаранг, оёқларим қалтирамоқда. Тепага чиқиб пастга қарасанг, одамнинг боши айланиб кетади. Вой, меининг мазам қочяпти, юрагим қинидан чиқай деяпти... Ҳа, у зилзила жуда даҳшатли, оналар эмизикли болаларини унутадилар. оғироеқ аёллар ҳамидаларини ташлаб юборадилар. Одамлар шароб ичмасдан маст ҳолга тушадилар. Э Сиди Рошид, йўқ, йўқ, ҳазратим Сиди Масид, ўзинг ярлақгин! У ердаги бегуноҳларга, худонинг солиҳ бандаларига, унда истиқомат қилаётган аҳли фозилларга раҳминг келсин! Нопок ишлари, ҳаром қўллари билан булғаётган авомдан ўзинг асра шу шаҳарини! Уларнинг бошига бало тошини ёғдиргин. Анави ердан, одамлар қайнаб-тошган ана шу пастликдан бошлагин. Кейин шаҳар ўртасига кўтарилиб, у ерни тозаларсан. Эй Сиди Масид, шаҳарларни вайрон қилишларига имкон берма. Саҳро томонга ҳам улар асло чиқа кўришмасин! Йигитларига ахталик, аёлларига бепуштлики ато этгинки, уларнинг насллари қирилсин! Яхши одамлар насли қолса бўлгани».

Шайх пастликдан кўзини олди ва тепага қараб, шаҳар ўртасидаги Қасбани яна кўздан кечириб бошлади.

«Тошни кавлаб йўл очишипти... Казарма шу катта харсанг тошдан ва шаҳардан ҳам баландда... Тошнинг бир неча жойини цемент билан сувашипти... Ўртадаги бўшлиқни гранит билан тўлғизишипти... Зилзила туйғуси казармани, мана шу йўлни, мана бу тўсиқларни қурган қурувчиларни ҳам четда қолдирмаган кўринади. Битта гранитми, бетон бўлагими, бир бўлак тошми сурилса бас, қолганлари ҳам унинг кетидан қулайди. Бундай хавф устида яшай бошлаган биринчи

одам нимага асосланди экан?! Шубҳасизки, буилан ҳам кучлироқ хавфдан қочиб учун бўлса керак. Константинни ватан қилган биринчи одам, албатта, ё одил ҳукмдан қочган жиноятчи, ё туллари йўл босиб, кундузи яшириниб юрган дарбадар бўлса керак... Мен чарчабман, аъзон баданим зирқираб оғрийпти.

Шайх Зирват кўчаси томон юришда давом этди ва у ерга етганда яна хаёлга чўмди: «Мана бу ерга Берлин деворига ўхшаш ҳамма жойдан кўриниб турадиган девор ўрнатиб керак».

Шайх иккинчи қаватига қаҳвахона жойлашган бино олдидан чиқиб қолди. У ердан қиморбозларнинг шовқин-сурони ва нард тошларининг тарақ-туруқи эшитилиб туради. «Шодлик қаҳвахонаси» деб ёзилган лавҳани ўқиб, ўзича гўнғиллади:

— Худо сенларга ҳеч ҳам шодликни раво кўрмасин!

У юришда давом этди. Режасини амалга ошириш чорасини излаб, у ёқ-бу ёққа аланглар, оқ рангга бўялган иморатларга, катта идоралар жойлашган биноларга тикилиб туриб қоларди...

«Агар зилзила бошланса, биринчи бўлиб шу қулайди. Ундаги қоғозлар чанг-ғуборга аравлашиб, Сали Масид тепасида пирпирак бўлиб уча бешлайти...»

— Бунақасини ҳеч кўрганмисан ё эшитганмисан?

— Қанақасини?

— Қарагин.

— Қарадим. Пастда «Темир тўп» клуби. Манови эшиги. Нима қипти?

— Қара, бўм-бўш. На бир ўйинчи, на бир ўқинчи, на бирор аъзоси бор.

— Кўринмаса нима қипти?

— Эшитдингми? «Темир тўп» клубида ичканик сотилмас эмиш. Ажабо! Қаҳвахонага ҳам ичканик сотиш ман этиладими? Шунинг учун кўра эмиш на, мижозлари ҳам кетиб қолдинг. Қанақа даража сотаяпти, халқ ўзи ичяпти. Халқда ичканик ҳали ҳам экан, ичаверсин. Бу билан масбури кимларга ҳаққини дин ва ахлоқ ҳимоячиси қилиб кўрсатиш керак-да!

— Хоҳлаганини қилмайдими?! Неҳаёти ҳаққини ча ичилаверади-да.

— Заҳарин ичларини! — ёнидан ўтди марказий

икки суҳбатдошнинг гапига ўзича қўшиб қўйди шайх ва уларга эътибор бермагандек йўлида давом этди.

Назарида пастликка тушиб кетаётгандек бўлди. Тепага бир қараб қўйди. Олдида кичкина тепалик, ундан кейин текислик бошланади.

— Мана бу «Ла Бриш» кафеси. Озгина морожний еб, қариндошларим рўйхатини тузсамкин. Улар билан учрашганимда фойдаси тегиб қолар. Бу ваҳимали шаҳарда санғиб, вақтимни кеткизиб нима қилман, — ўзича мингиллади шайх.

Шайхнинг бурнига икки хил ҳид келиб урилди. Ўнг томонга қаради, у ердан тутун келяпти. Шабада ҳам ғалати. Нарироқда Бу-л-Фароис ахлатхонаси тутамоқда. Ўртасида ҳар хил шарпалар. Иккинчиси эса пўпанак ҳиди. Ҳа, пастда, майдон остида сабзавот ва ғалла бозори жойлашган. У ерда юк машиналари юкларини тушириш ёки ортишларини турна қатор бўлиб кутишмоқда. Бу эса ўз навбатида Константи-нанинг бошқа шаҳарлар билан бевосита алоқада эканлигидан нишона. Бозорнинг юқори қисмида катта майдон жойлашган. Унда товланиб турган соябонлар, турли рангдаги ўриндиқлар, бири иккинчисига ўхшамаган ҳар хил шаклдаги ранго-ранг столлар кўзни қамаштиради.

«Майдон одамлар билан лиқ тўла. У ерда ўтириб ҳордиқ чиқараётганларга нисбатан келиб-кетувчилар кўп. Яхна нарсалар билан савдо қиладиган дўкончалар шунчалик кўпки, ҳайрон қоласан, киши. Дўконларнинг отини қаранг. Уларнинг эгалари саводсизлигини эмас, мурсою мадора учун ном қўйганликларини шундоқ кўрсатиб турипти: «Шарнат морожнийлар»... Пойтахтдан ташқаридаги аҳолининг миллиондан биригина бу сўзнинг маъносини чақа олади. Ҳеч бўлмаганда «шариат» сўзи тоғнинг номи эканлигини тушунади. Ҳатто «Табасса¹ шарияти» ҳам яхна нарсага ном бўлмайди... «Ҷазирату-л-жалид»²... Эҳтимол орол эмас, кўл назарда тутилгандир. Лекин икки сўз ўртасига тиқиштирилган японлар худоси суратининг музга нима алоқаси бор?! «Сибирия музи» ...Буниси дуруст. Агар Сибирь коммунистлар

¹ Табасса — шаҳар номи.

² Ҷазирату-л-жалид — арабча «муз ороли» демакдир.

ҳукмронлиги остида бўлмаганида эди... «Мои Говани», бу исм, шубҳасизки, эски нақддан мерос бўлиб қолган. «Ал-Қаллийя» сўзи Ал-Қалл қишлоғи номидан олинган. Бу ном Сориҳ Али Ал-Жаҳонийнинг ўлими тоғган нарсаси бўлса керак. Бўлмаса, деҳқон қирғиғидаги қишлоқнинг музга нима алоқаси бўларди. Шундан кўра бирорта шаҳар бошқармасининг иси билан атаса ҳам ёмон бўлмасди. «Тамалот», «Ал-Тайтуна»... «Марҳабан бикум». Қизиқ, бунинг ўрнига «Таолав» деб аташса яхшироқ бўларди. «Бикум» бу ерда ҳеч нимани билдирмайди.¹ «Муз қадри» — бемаъни сўз! Дўкончаларига от қўйинмаган дўкондорлар эса, эҳтимол қор ёки муз билан ўралган қолиб, қиш келганда савдонинг бошқа турига ўтмаслиқдан кўрқингандир.

Майдон ортида устига «Адолат қасри» деб қўйилган бино қаққайиб турипти. Бу бино ўша шаҳар ўзига-ўзи хўжайин бўлса ҳам, унинг устида ҳукм юритадиганлар борлигини ва, энг зарури, бу бинонинг мавжудлигини барча сезиши кераклигини яна бир бор таъкидламоқчидек. «Қоронғи тушганга туннинг, тонг отганда куннинг балосига учраса бўлар! Қошкийди «адолат» сўзининг маъносига етсалар. Одамларнинг ерларини тортиб олишни режалаштираётган шуларнинг ўзи-ку! Чап томонда почта биноси. Демак, бу шаҳарнинг ташқи дунё билан алоқаси мустаҳкам. Агар бу харсангтош ер остидан ҳаракатга келиб, силкина бошласа, бутун дунё бундан хабардор бўлар ва константиналикларга ёрдамга шошилар экан-да. Бекор гап. Бирор тирик жон топишолмайди. Бу ердаги зилзила одамзот бошига тушган зилзилаларнинг энг даҳшатлиси бўлади... Даҳшат!.. Оналар эмизикли болаларини унутадилар. Оғирроқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборадилар. Одамлар ичкиликсиз ҳам маст бўладилар, бинолар чуқурликка қулай бошлайди, газ баллонлари портлайди, ёнғин алангаси осмонга кўтарилади... Вой, худо-ей, вужудимни нимадир эзипти! Нима деяпман ўзи, йўқ... Хаёлимда содир бўлаётган зилзила даҳшатига таслим бўлиш менга ярашмас... Ҳамма нарса тақдирга боғлиқ. Оллоҳнинг қудратига ҳеч ким қарши бормай-

¹ Марҳабан бикум — арабча «хуш келибсан», таолав — «келинглар» демакдир.

ди. Кимнинг қанча умр кўриши оллоҳнинг қўлида. Оллоҳ — меҳрибон. У одилларнинг одили... Яхшиси озгина морожний оламан-да, ишонса бўладиган қариндошларимнинг рўйхатини тузаман. Ҳа, ишга киришганим маъқул... Ҳамма ёқ қайнаб-тошади, тошиб-қайнайди. Тўрттала катта кўча одамларни ўз домига тартади, яна пуфлагандай чиқаради. Майдон ҳам худди шундай. Машиналар тинмай чопгани-чопган. Юк кутиб навбатда турган машиналарнинг кети кўринмайди. Сабзавот ва ғалла яшиклари ортилган ортма аравалар пастга қараб оқмоқда. Чоллар, кампирлар, болалар Сиди Масид ёки Ал-Ҳома томон тушиб келишмоқда...

Қиёмат бошланганда махлуқ етаклаган одам пайдо бўлади. Махлуқнинг боши машириқда бўлса, думи мағрибда. Унинг тепасига ердан етти баравар катта қозон осилган, унинг ичида сув қайнаб туради. Махлуқ эгаси қўлини чўзиб, осий бандаларни тутиб қозонга ташлайди. Ҳой махлуқ етаклаган одам, сен бу ишни Константинанинг ҳозирги аҳолисидан бошла, чунки улар бу харсангнинг оғирлигига яна оғирлик қўшиб, зилзилага сабаб бўлганлар. Эй махлуқ эгаси, ишингни ҳар бир бидъатчидан бошла... Астаффируллоҳ... Нималарни ўйлаяпман ўзи-а? Бу эскилардан қолган хурфот-ку! Менга ўзи нима бўлди?!»

— Амаки, мана буни олинг!

Шайх ўгирилиб қаради. Қаршисида ўн олти ёшлардаги эғнида увадаси чиққан кўкимтир костюм, қўлида ичига бешта найза ўқ солинган қамиш найни ушлаган бир бола турарди. Шайх унга тикилиб қаради, лекин индамади.

— Биродар, мана шундан олиб кетинг! — деди шайхга юзланиб картон қути кўтарган чол. Қути ичига мева қоқи шарбати қуйилган целлофан халтачалар териб қўйилган эди.

«Тавба, шундай иссиқ ёз кунда қоқи шарбати сотишади-я! Бу шаҳарда ҳамма нарса тескари-я!»

— Келинг, биродар! Мана шу шарбатни олиб кетинг. Ўзимга ва кампиримга кечликка яратай. Агар бугун уч динор орттириб қололсам, янги писка сотиб олай, деб аҳд қилгандим. Эскисини бугун ташлаб юбордим. Олти ойдан бери ўшанда соқол оламан. Охири сувга ҳам ўтмайдиган бўлиб қолди.

— Бугун табаррук жума... Худо йўлига садақа қилинглар, мўминлар! — бошига бўз ранг сочиқ чирмаб олган эллик ёшлар чамасидаги ожиза аёлнинг овози эшитилди.

«Шубҳасиз, бу аёл — яҳудий. Унинг шериклари кетиб қолган. Бу эса уларнинг қайси тўмонга кетганлигини билолмай қолган...»

— Ия, хуш келибсиз шаҳримизга, хуш келибсиз!

Шайх бу овозни эшитар-эшитмас, эғнида халат ва чолвор, бошяланг, ияклари яхшилаб қиртишланган, оёқлари кир ўрта ёшлардаги бир киши унга яқинлашиб, қўл бериб сўрашиш билан қаноатланмай, қучоғини очиб кўришди:

— Танимаяпганга ўхшайсизми? Таниёлмаяпсиз-а? Сиз ўшасиз! Пойтахтдан келяпсиз, шундаймасми! Мен Аммору-л-Банноман. Бу Зариада, Ал-Аносирда, Болокурда, Хусайндойда¹ бўлганман. Мен сизни танидим. У ёқларда кўрганман. Ҳозир шу ерда — Константинадаман. Кўриб турибсиз, аҳволимиз яхши эмас. Амир Абдулқодир масжидида хизматда эдим. Кейин бошимизга фалокат тушди, денг. Бизни қамоққа ташладилар... Айланай, энди мен қаҳвага қарздорман-да. Қўл калта бўлса ҳам, кўз ўзоқни кўзлайди. Бу ёғини айтсам... Бизники шу атрофда. Мен, аёлим, қизларим, қайинсинглим ҳаммамиз бирга турамиз. Ростини айтсам, ҳозир ишсизман. Шу десангиз, ярим килогина ёғ зарур бўлиб қолувди. Юринг қаҳвани уйда ича қолайлик. Уйдагилар сизни кўриб хурсанд бўлишади. Қизларимнинг биттаси йигирма ёшда, иккинчиси ўн тўққизда, яна бири ўн еттига кирди. Қайинсинглим эса, йигирма иккида. Биродар, нима ҳам қила олардик?! Ҳаммаси ҳам яшаш учун керакли нарсалар. Дўхтирга пул тўлаш керакми, керак. Дорига пул керакми, керак. Мана бу дафтарга, буниси туфлига, бу электр ҳақиға, манави бўлса газ баллонига. Бу ёқда нон, туз, ёғ ва ҳоказо. Бечорачилик ҳамма нарсага мажбур қилар экан. Айланай, қаҳвага қарздорман-да.

Шайх Бу-л-Арвоҳ индамай гапга қулоқ солар, Аммору-л-Банно тинмай гапирарди. Ниҳоят унинг

¹ Бу Зарна, Ал-Аносир, Болокур, Хусайндоё—аҳоли пунктлари.

қўлидан ушлаб судраркан, шайх бир оз эгилиб сўради:

— Нималар деяпсиз? Ўзингиз ким бўласиз?

— Қаҳвага қарздорман, айланай. Қани юринг, уйга борайлик. Аёлларим сизни кўриб бир хурсанд бўлишсин!

— Нима? Сизни кўриб хурсанд бўлишсин? Бор-е, лаънати! Итнинг боласи экансан-ку, қўшмачи! Шу гапларни менга айтаяпсанми? Менга-я? Олтмишга кирган одамга-я? Худонинг каломини ёд олган кишига-я? «Аз-Зайтуна»да¹ таҳсил кўрган одамга-я?! Наҳотки шунақа гаплар Ибн Бодиснинг шаҳрида оғизга олинса, яна жума куни-я! Қўлларинг синиб ёнингга тушмайдими?! Эй ҳазратим Сиди Масид, бу бузуқларни даф қилсанг-чи!

Шайх Бу-л-Арвоҳни ҳар томондан одамлар ўрай бошлади. Аммору-л-Банно тўпланганлар орасидан сурғилиб чиқди-да, қўлларини халатининг чўнтагига солганича бир чеккада ҳайрон бўлиб уларга қараб турарди.

«У пайтдаги зилзила жуда даҳшатли бўлади. Оналар эмизикли болаларини унутадилар, одамлар қаттиқ маст киши ҳолатига тушиб қоладилар... Тупроқдан шоша-пиша бош кўтариб, шармандаликка гирифтор бўладилар... Махлуқнинг боши машриқда бўлса, думи мағрибда... Қозонда сув қайнаб туради. Ундан тинмай буғ кўтарилади... Махлуқ эгаси гуноҳкорларни даст кўтариб, қозонга ота бошлайди... Саралаб ўтирмайди ҳам. Саралайдиган одамнинг ўзи йўқ... Ҳамма гуноҳкор... Қилгиликни қилиб қўйиб, лом-мим дея олишмайди... Вой, юрагим!.. Ҳалқумим қуриб бормоқда... Ер ҳам чирпирак бўлиб айлангандай...»

Шайх жимиб қолди. Атрофдаги оломон ҳам тарқала бошлади. Сўнг шайхнинг оёқлари ерда узук-юлуқ из қолдириб, гавдаси ҳорғинликдан эгилиб-букилиб, боши гўё ярим доира шаклида айланар, қўллари осилиб тушган, юзлари қаро терда, жаҳлдан бутун вужуди титрар эди. У майдоннинг нариги томонига зўрға ўтди-да, жимжимадор соябон остига

¹ Аз-Зайтуна — IX асрда асос солинган Тунисдаги диний университет.

Ўзини урди. У кунботар томонга ўгирилиб, Бу-л-Фа-роис ахлатхонаси орқасидаги тепаликларга тикилиб қолди. Шайх ахлатхона тутуни ҳидидан кўнгли беҳузур бўлса, бозор томондан келаётган пўпанак ҳидидан безор эди. У атрофидаги нарсаларнинг барчасидан — шаҳардан ҳам, ундаги машиналардан ҳам, ҳукумат ва унинг келтираётган мусибатларидан ҳам, зилзиладан ва махлуқ эгасидан ҳам қутулишга уриниб кўрди.

«Сал нарироқда Ал-Матижа саҳросининг бошланишида Ал-Атлас тизма тоғи. Ҳукумат халқни ер билан таъминламоқчи экан, шу тоғни текислаб, уларга тақсимлаб бермайдими?! Агар тоғларни текислаб, уларни ихота қилиб бермаса, урус оғайнилардан нима фойда?! Тоғларни олло таоло ерга пасанги учун яратган... Франция, Европага йўл очилсин. Эркак-хотинлар ҳаммасининг пушти қирқилсин! Қилмишимизнинг ҳаммаси бадкорлик ва ҳаромликнинг ўзгинаси!»

— Амаки, сизга нима келтирай?

Официантнинг овозидан шайх ўзига келди. Зўрма-зўраки унга қарар экан, бир оз ўйланиб турди-да, гулдуради:

— Шоколадли морожнийингдан бер.

— Бизда муздан бошқа ҳеч нарса йўқ! Ҳатто ичгулк яхна ҳам қолмади.

— Майли, муз берақол, бир стакан совуқ сув ҳам. Худо хайрингни берсин!

Шайхнинг эътиборини ниманингдир тиқирлаган овози тортди. У товуш келган томонга қаради. «Э-ҳа, нард ўйини бу ерга ҳам етиб келган экан-да... Лаънат сенга, Ибн Халдун, минг лаънат сенга!.. Бу ер асабларга дам берадиган, шабадада маза қилиб муздек нарсалардан тановул қиладиган жой. Аммо қимор ўйнайдиган жой эмас-ку, ахир! Харсангтош ҳаракатга келиб, силкина бошланганда ҳам бу қиморбозлар тошларидан ажралишмайди, шекилли. Бу ерга қандай қилиб етиб келди экан?! Бу ерда кимлар ўтирипти ўзи?! Балбойнинг ҳашаматли ресторанини шундай аҳволга солган нарса нима?.. Сахро-ю қишлоқлардаги удумларини шаҳарга опкелиб бўлишибди. Константиннинг ҳар бир бурчагида ўз қишлоқларини барпо қилишипти, деяверинг. Олди-сотдини ҳисобга олма-

ганда, бири иккинчиси билан иши йўқ. Қишлоқилар у ерда яшайдими, бу ерда яшайдими, бари бир ўз удумини қилаверади. Константиннинг обрў-эътибори-ю қадр қиймати улар учун бир пул. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар келгиндиларни ёмон кўришади-да. Бу эса жуда муҳим масала. Пўкак харсанг устидаги бу шаҳарда зарур ишим бўлмаганда, менга ҳам барибир эди... Ҳм, ҳали тирик қолган ёки ишонсам бўладиган қариндошларимнинг рўйхатини тузишим керак».

У чўнтагидан ён дафтарча ва қалам олди. Аста-аста дафтарчанинг учдан икки қисмини варақлаб чиқди. Бу варақлар ердан келадиган йиллик даромад, кейинги тўрт йил давомида сарф бўлган йиллик ва ойлик уруғлик дон ва ижара ҳақиға қилинган чиқимларни ифодаловчи рақамлар эди. Ниҳоят ярим бети бўш саҳифага келиб тўхтади. Қариндошларининг исмини эслашга уриниб, бир муддат жим қолди. Сўнг бу ишдан воз кечди-да, шу бетнинг юқори қисмидаги майда ҳарф ва рақамларни ўқиб, хаёлга чўмди: «Радио учун олинадиган тўртта думалоқ батареянинг пулини июль ойидаги харажатга қўшсак, июнь ойиникидан ошиб кетар экан... Ҳозиргача учратган қариндошларимнинг биринчиси қайининим — хотинимнинг ягона укаси. Иسمи нима эди-я?! Э... Эсим қурсин Ўзиям кўришганимизга ўн тўққиз йил бўлибди-я. Сўнгги бор кўришганимизда бизникига қарз сўраб келганди. Сартарошлик асбоб-ускуналари сотиб олгани эски пул ҳисобида ўн минг франк сўраганди. Субботда сартарошлик қилмоқчи бўлган экан. У ёқ-бу ёқдаги қаҳвахоналар ўртасига битта стол ва бир кресло қўйиб, ўзига ўхшаган одамлар қатори таваккал қилиб иш бошлармиш. Мен қўлимга ҳассани олдим-да, унга қараб бақирдим:

— Мен сенга гапираяпман. Опангни хотин қилиб боқиб турганим етар. Иккинчи сени бу ерда кўрмайин. Кўзимдан йўқол, ярамас!

Ўшанда у йигирма ёшлардаги йигит эди. Юзлари хижолатдан қизариб, боши эгик уйимдан чиқар экан, опаси ўпкалагандек деди:

— Ота-онамдан қолган яккаю ёлғиз ёдгорлик. Айб бўлади-я!..

— Ўғрилиқ айб, бошқаларнинг молиға тамагир-



лик айб. Французлар армиясига аскарликка ёллансин, агар пул керак бўлса!

Ҳа, ҳа, эсимга тушди, эсладим. Аммор, ҳа, унинг исми Аммор эди. Кейинчалик унинг сартарошлик қилаётгани қулоғимга чалинган эди. Уруш бошлангандан кейин ҳоли нима кечганлигини билмайман.

Аммор — Субботдаги сартарош, — ўзича ғулдураб ёза бошлади шайх — шундай қилиб, у рўхатнинг бошида бўлади».

Шайх ўтмишни яна хотирлай бошлади. «Ўша арзимас воқеани унутган бўлса керак. Менга нисбатан кеки йўқдир. Лекин орадан шунча вақт ўтди, нимага биз билан борди-келди қилмадийкин?! Опаси ҳам уни унутиб юборди. Агар яна қарз сўраб келса, унга эллик динор қарз берай. Йўқ, йўқ, қарзга эмас, еб кетарга бераман. Совға. Эҳсон. Илгариги можарони ювиш учун. Баъзи ишлар мен ўйлаганчалик осон эмаслиги кўриниб турибди».

Шайх энди кўзларини чақчайтириб яна хаёлга чўмди: «Бир кун амакимнинг ўғлини учратиб қолдим. Отинг қургур нимаиди? Ҳаҳ, тилимнинг учиди турипти... Мени амаки деб чақирарди. Қўлимдан ушлади-да, Бардодаги қаҳвахонага етаклади. Мени у ерга ўтқазиб, чой чақирди. Шунга ҳам ўттиз йил бўлибди...

— Амаки, — деб гап бошлагани эсимда, — қулоқ солинг, мен сиздан ҳам маслаҳат, ҳам ёрдам сўрамоқчиман.

— Албатта пул масаласида, шундай эмасми? Шу масалага ўтмасак бўларди.

— Аввало эшитинг, рўпарангиздаги дўконга бир қаранг.

— Қарадим. Ғалвир сотиладиган дўкон. Эгасини ҳам танийман. Нима қипти?

— Шу дўкон сотиляпти...

— Сотилса менга нима?

— Бир юз эллик минг сўраяпти.

— Бутунлай сотар эканми?

— Йўқ, вақтинчаликка. Ойига тўрт юздан.

— Ғалвир дўконини мен нима қиламан?

— Шу миқдор пулни келаси ёзгача қарз бериб турсангиз... Ярмини келаси йил ҳосилидан қайтара-

ман. Қолганини ҳар ой, ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлай-ман.

— Пулларимга нима билан кафолат берасан?

— Ахир биз бир одамнинг фарзандларимиз-ку. Бундай нарсаларга эҳтиёж бўлмаса керак.

— Тўғри, лекин ажал деган нарса ҳамма ерда бор. Қим билади, эртага тирикмизми, йўқми?

— Ундай бўлса, ҳужжатлаштирамиз.

— Бўлмайди. Агар касодга учрасанг, сенинг қамоққа тушишинг билан пулим қайтиб келмайди-ку!

— Амакижон, сиз бир нарсани унутманг. Менда ҳам каттагина ер бор. Агар қишлоқда иморатларим сарфи бўлмаганда эди, бу маблағга мен муҳтож бўлмаган бўлар эдим.

— Ерингни гаровга қўясан.

— Ҳали шу даражага етдикми, амакижон?

— Одам бор жойда қазо бор, даромад бор жойда касодлик.

— Унақа бўлса, ярим ерим гаровга.

— Сўраганингдан икки барабар кўп қарз бераман. Уч юз минг.

У бир оз ўйлаиб турди-да, мени нотариусга етаклади... Келаси йили шундай қурғоқчилик бўлдики, ҳеч ким бирор дона ҳосил ололмади. Бирор кишига ғалвир керак ҳам бўлмади. Мен, албатта, қараб турмадим. Қўлимдаги қонуний ҳужжатларни ишга солдим. Масала мен учун фойдали бўлиб чиқди. Ишга полиция аралашди ва амакиваччам ўз еридан ҳайдалди. Юз гектар ҳосилдор ер-а, ярми сувга се-роб. Келаси йили у ерларини қайтариб олишга ури-ниб кўрди. Аммо масала у ўйлагандек осон эмас эди. Ғалвирфурушликдан даромад қилган бўлса ҳам, оч-ликдан ўлиб кетмаганига шукр қилсин у... Ҳар ҳолда менга нисбатан кеки бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ахир, қонимиз бир-ку. Ер уники бўлди нима-ю, мени-ки бўлди нима?! Қўйнидан тўкилгани қўнжига дейи-шади-ку. Исми нима ҳам эди... Ҳа, Абдулқодир. Ҳар ҳолда исми олдиға «хатарли» деб ёзиб қўйишим ке-рак, чунки эҳтимол ҳали ҳам кеки бордир, балки мендан қасдини олмоқчи бўлиб юргандир?! Йўқ, бу дунёда ҳеч кимга шафқат йўқ. Мендан ерни қайта-риб беришни талаб қилса-чи? Йўқ, бўлмаган гап! Бу ҳал қилинган масала. Мен қоғозда унга бир қисм

еримни ўтказаман, шарт шуки, биринчидан, унга вафотимдан кейингина эгалик қилади. Иккинчидан, ҳеч кимга сотмайди. Учинчидан, бегона одамга гаровга қўймайди. Ахир, «Хотинингни қўйдингни, кимга тегиши билан ишинг бўлмасин», деган мақол бор-ку. Лекин ҳар ҳолда эҳтиёткорлик лозим. Олдингидек иккинчи марта ҳам қўлдан чиқариши мумкин. Қолаверса, ер менга тегишли. Демак ўлганимда ҳам унга мен эгалик қиламан... Астафинуллоҳ... Ер оллоҳники, унга солиҳ бандаларгина меросхўр бўла олади...»

— Отахон, келинг, туфлингизни мойлаб қўяй.

— Керак эмас, нари тур! Тинч қўй мени, — жеркиб берди шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ ўн уч ёшларга кирган, ялангоёқ, эгнига йиртиқ чолвор ва орқа-олдига расм туширилган оқиш футболка кийган болани. Унинг кўзлари кўкиш, сариқ ялтироқ сочлари елкасига тушиб турар, ўзи хушрўйгина эди.

«Менинг ҳам ўғлим бўлганда эди, шоҳию зарбофга буркар эдим. Кошона уйлар қуриб берардим. Еттита қизга уйлантирардим, йигирмата чўри хизматида бўларди. Ҳукумат аралашмайдиган, жойдан ер ажратиб берардим... Мен қиламан ўттиз, тангрим қилар тўққиз, деб шунга айтишса керак-да».

— Амакижон, бир динор, холос. Жуда яхшилаб мойлаб қўяман, — бола яна ялиниб кўрди. Абдулмажид зўрғағина илжайди. Бироқ бола унга яқинлашар экан, шайхнинг қовоғи солинди ва болага қараб бобиллай кетди:

— Бор, бор, кўзимга кўринма, ҳаромвачча! Қирон келсин сенларга!..

Бола ундан узоқлашар экан, шайхнинг юзи аввал сарғайди, кейин қизил тус олди, сўнг кўкара бошлади. Бадани қалтираб, кўзларидан учқун сачрарди. Бола бир неча қадам юриб тўхтади. Шайхнинг қилаётган ишига яна бир қарагиси келди. «Туфлингизни мойлаб қўяй, деганимга шунчалик қаҳру ғазабми?! Агар ҳамма туфли кийганлар бу одамга ўхшаса, очимиздан ўлар эканмиз». Шайх ҳам болага тикилиб туриб ўзича ғулдуради:

— Астафинуллоҳ... Бу бола менга нима ёмонлик қилдики, унга шунчалик ғазабимни тўкиб сочдим. Ўзи хушрўйгина бола экан. Ёқимтойлигини қаранг!

Шайх ўзича кулиб қўйди. Унинг кулгиси бир лаҳ-

залик бўлса ҳам, самимий эди. Бир лаҳзагина болани янги кийимда, бошига қизил шошийя¹ кийган, оёғида ялтироқ қизил туфли, қўлида чарм жилд ушлаган, бўйнида чиройли галстук, билагига олтин соат таққан ҳолда тасаввур қилди. Фарзанд қандай ширин!.. Шайх қанчалар кутган эди?! Қанчалар уни орзу қилган эди?! Мана у рўпарасида турипти! «Худодан келган инъом у, ҳеч бир камчиликсиз, мукамал инъом... Шоҳона уйлар, ипак либослар соҳиби, етти хотинлик, бунинг устига йигирмата канизак... Маза қилиб яшайверади. Ҳукумат ерларимга кўз олайтирмайди ҳам».

Шайхнинг кулгиси болани яна ўзига жалб қилди. Бола орқасига қайтиб, шайхнинг олдида тўхтади ва ҳеч нарса демасдан, сандиқчасини олдинга сурди. Шайх унга бир оз тикилиб турди-да, ярим хўрсиниш, ярим шивирлаш билан сўради:

— Отанг нима иш қилади, болакай?

— Отам ўрмонда ҳалок бўлган. Бир самолётни уриб тушириб, бир генерални ўлдиргандан кейин ўзи ўрмонда ўлган. Самолётдан туриб отишган экан, у самолётга ўқ узган ва солдатларни қира бошлаган. Шунда бошига снаряд парчаси тегиб, ўша ерда ҳалок бўлган. Ойим бир кўмирчига эрга теккан эди, ўрмонда олов ёқаётганида қоровуллар ушлаб олиб, қамаиб қўйишибди. Қамоқдан бўшатишмаётган эмиш. Мен бўлсам бувимларникида аммамлар билан яшайман. Аммам ҳар кун кечқурун биттадан эркак етаклаб келади. Аммамга уларнинг берадиган беш динор пули керак. Эрталаб чиқиб кетиб, қайтиб келишмайди. Туфлингизни яхшилаб мойлайман, амакижон, бир динорга, холос.

— Қўзимдан йўқол, шайтонвачча! Минг лаънат сенга ҳам, онангга ҳам, бувингга ҳам, аммангга ҳам, ҳукуматингга ҳам!..

Бола қўшни стол ёнида чанг босган туфли кўриб, ўзини урди. Туфли эгаси ундан қочишга улгурмай қолди. Шайх Бу-л-Арвоҳ бўлса, яна ён дафтарини қўлига олиб, қариндошлар рўйхатини тузишда давом этди.

«Ия, унутай дебман. Ун тўрт ёшида ўттиз пора

¹ Шошийя — эркакларнинг саллага ўхшаш бош кийими.

қуръонни ёд олган, масжидда ўтириб сарфу наҳви,¹ пайгамбар ҳадисларини ўрганган, шундан кейин тарки дунё қилиб, шозилийя² оқимига қўшилган ва узлатга чекинган холамнинг ўғлини унутай дебман. Ҳозир ҳам қуръон тиловат қилади. Одамларга тумор ёзиб беради, ўзига яраша муридлари бор деб эшитардим... Оти нима эди-я? Ҳа, топдим. Исо. У мени танимайди. Илгари таниса ҳам, эслай олмаса керак. Уни сўнгги бор ўн саккиз ёшимда кўрганман. Ушанда ёш бола эди. У ишончли одам. Қариндошларим ичида энг ишончлиси шу. Художўй. Художўйликдан яхши нима бор?! Ингирманчи асрдаги турмушимизда етишмайдиган нарсанинг ўзи шу-да! Унга еримнинг учдан бирини хат қилиб бераман. Холам менга қўшиб берган ерни унга билдирмай номимга ўтказиб олганимни ҳисобга олмасак, орамизда ҳеч қандай гап ўтмаган. Холам аллақачон дунёдан кўз юмган бўлиши керак, доим касалманд юарди. Иккинчидан, узлатга чекиниб, мадрасаю мақбараларни ўзига макон қилган турли оқим ва маслакдаги кишилар билан орамизда бўлиб турадиган зиддиятларни ҳисобга олмасам ҳам бўлади. Гумоним тўғри экан. Бир вақтлар Ибн Бодис уларга қарши ҳужум бошлаганда, мен ўзимга-ўзим «қалблари тош қотган кофир даҳрийлар эмас, анавилар», деб айтган эдим. Демак, Исо».

Шайх дафтарига бу исмни ёзиб, унинг ёнига «ишончли одам» деган иборани қўшиб қўйди ва хотирлашда давом этди: «Ризқий Бародий... У ҳам қариндош. Отамнинг амакиваччаси. Яхши одам. Ҳаддидан ошганини кўрган эмасман. Ичкиликка бир оз ружу қилиб, ўспиринлар билан гоҳида ҳазиллашиб турса-да, орамизда эслагулик гинахонлик бўлмаган. Мен унинг синглисига уйланган эдим. Уч йилдан кейин қўйиб юборганман. Бу арзимас воқеани унутиб юборганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Агар синглиси ҳаёт бўлса ва бошқа турмушга чиқмаган бўлса, еримнинг бир қисмини унга хатлаб берардим, лекин қайтиб турмуш қурмаслик шарти билан. Агар меникига қайтиш кўнгли бўлса, қайтса ҳам майли.

¹ Араб тили грамматикаси.

² Шозилийя — ислом дини оқимларидан бири.

Икки кишига етган овқат уч кишига ҳам етади. Эҳтимол Ризқийнинг ўғиллари бордир. Уларни ҳам рўйхатга қўшаман. Меросхўрлар қанчалик кўпайса, ҳукуматнинг кўзи шунчалик хиралашади...»

— Худо йўлига ҳайр қилинглар, мўминлар.

— Ризқингни худонинг ўзи берсин, — бошини кўтармай жавоб қилди тиланиб келган одамга ва хотирасини варақлашда давом этди шайх.

— Ҳой, ўғрини ушланглар. Портфелимни олиб кетди. Ушланглар ўғрини. — Шайх Абдулмажиднинг ёнгинасидан эшитилган бу овозга темир ўриндиқларнинг ағанаган овози ва оёқ товушлари қўшилди. Дарров одамлар тўпланиб, тўполон бошланди. Улар бақириб-чақириб, ўғрини ушлашга ҳаракат қилишар, портфель эгаси эса, юзига уриб дод соларди:

— Беш юз динор-а, бир ойлик маошим. Болаларимнинг ризқи эди-я, биродарингизман ахир, ўғрини ушлаб беринглар.

— Полиция бўлинмасига борсангиз, ўғрини ўшалар қидиришади, ёнида турган киши маслаҳат берди. Унга иккинчиси қўшиб қўйди:

— Тушингизни сувга айтинг.

Кўп ўтмай шовқин босилди. Шайх бошини қуйи солди... «Акамнинг ўғли... Лаънати Тоҳирни ҳам рўйхатга киритиб қўяй. Отаси ўлган бўлса, саргардон бўлиб юриптимикин?! Тўрт йил французлар армиясида хизмат қилган эди. Ундан кейин уч йил қамоқда ўтириб чиқди. Сўнг эса Раҳабату-л-Жимолда кесавурлик қилиб кун кўрди. Отасига тегишли ерни ҳеч иккиланмай менга сотган эди. Шундан кейин унинг иши хотинбозлик, ичкилик ичиш, ўғирлик ва ниҳоят қамоққа тушиш, хуллас, қилмаган иши қолмаган эди. Агар уни гумдон қилишмаган бўлса, ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинмаган бўлса, уни яна Раҳабату-л-Жимолдан топиш мумкин бўлар...»

Шайх дафтарига «Тоҳир» деб ёзди-да, қаршисига доирача чизиб, доира ичига сўроқ белгиси қўйди. Сўнг ён дафтарчасини чўнтагига солиб, соатига қаради:

— Икки ярим бўлибди. Ишни бошлаш керак. Бунинг устига манави пўпанак ҳиди бирам одамни беҳаловат қилди-ей.

У ўрнидан туришга чоғланди. Аммо ёнидагиларнинг ўзаро суҳбати уни яна ўтиришга ва алоҳида диққат билан тинглашга чорлади. Ёнидаги одам шеригига ҳикоя қиларди:

— Бу-л-Фароис ахлатхонасидаги воқеадан хабаринг борми? Ахлатхонани кўраяпсанми? Ана, қара, рўпарамизда тутаб ётипти.

— Ҳа, кўраяпман. Чиндан ҳам у тутаб ётипти.

— Биз кечроқ эшитиб қолдик, шунга қарамай иложи борларини қутқаришга улгурдик.

— Нима бўлган экан ўзи?

— Шаҳар бошқармасига қарашли бир юк машинаси дўконлардан қайтариб олинган консерваларни юклаб кетаётган экан. Консервалар бузилиб қолганлиги учун ахлатхонага ташлаб келиш буюрилган экан. Машина юкни бўшатиши билан «Яъжуж-маъжуж»лар унга ҳужум бошлашипти.

— «Яъжуж-маъжуж»нинг нимаси ўзи?

— Ташландиқ кулбаларда кун кўрувчи одамларда. Чоллар, ўрта ёшлилар, болалар, эркеклар, хотинлар йил бўйи Бу-л-Фароис ахлатхонаси атрофида изғиб юриб, одамлар ташлаган чиқинди, суяк ва бошқаларни териб олиб, сувда қайтадан қайнатишади. Бу эса уларга бирор егулик ўрнига ўтади. Шу билан кун кўрадилар. У ерда бошқа бир дунё мавжуд. Уларнинг савдогари бор, даллоллари, бошлиқлари, судхўрлари, ўзига яраша тартиб-қоидалари, хавфсизликни таъминловчи одамлари мавжуд.

— Шу Бу-л-Фароисда-я?

— Ҳа-да, Бу-л-Фароисда. Шу ердан тўрт километр нарида. Қарагин, ҳозир ҳам тутун ичида шарпалар ивирсиб юрипти.

— Кеча нима бўлган экан ўзи?

— Эҳ... «Яъжуж-маъжуж»лар консерва банкаларини қўлга киритиш учун ҳужум уюштиришган ва улар бир-бирларини роса дўппослаб муштлашишган. Бошлиқлар ва даллоллар уларни тўхтатишмоқчи бўлишган, лекин фойдаси бўлмаган. Бу нарса кучайиб, охири ҳақиқий жангга айланиб кетган. Аввал тош ишга тушган, кейин калтакка ўтилган, ундан ҳанжарга ўтилган ва охири порохга.

— Порох ҳам аралашиптими?

— Ҳа, яна нима балолар бор эди. Биз у ерга етиб борганимизда, йигирма киши ўлган, етмиш киши ярадор эди.

— Кўргилик-да.

— Ҳа-да, кўргилик.

СИДИ РОШИД

— Уларингни ҳам, уларга қўшиб сенларни ҳам худо Бу-л-Фароис ахлатхонасидан миллион карра каттароқ ахлатхонанинг кулига айлантирсин... Жаҳаннамда абадий қолиб кетишсин, — деди ўзига-ўзи шайх Бу-л-Арвоҳ ахлатхона воқеаси ҳақида суҳбатлашаётганлардан узоқлашар экан.

У ўриндиқ ва столлар орасидан чиқиб қараса, кўчалар туташган жойнинг ёнгинасида турипти. Чапда Зирват Юсуф кўчаси, унинг орқасида номи номаълум бир кўча, ундан кейин 19-май кўчаси. У илгари Франция кўчаси деб аталарди. Унинг орқасида Ал-Арабий Ибн Ал-Маҳидий кўчаси, ундан кейин эса Сиди Рошидга олиб борадиган йўл бошланади. Унг томонда эса «Аш-Шуҳадо» майдонига ўтиладиган пастлик. Ундан кейин қинғир-қийшиқ, паст-баланд тор кўчалар.

«Константинада йўллар биноларга нисбатан каттароқ аҳамиятга эга. Одамлар бу ерда «юриш» касалига мубтало бўлишган. Гўёки улар эндигина қамоқдан чиқишган ёки бу ерда мажбуран истиқомат қилишмоқда. Агар шаҳарда бунақа йўллар бўлмаганда ёки бўлганда ҳам кўпи қинғир-қийшиқ ва тор бўлганида нима қилишар экан бу одамлар?!.. Зилзила содир бўлса, мана бу йўллар, майдонлар жарликка айланиб, катта-катта ёриқлар пайдо бўлади... Э, қўйсанг-чи, шу зилзилани хаёлимдан чиқарай...»

Бурнига ҳидлар «карвони» келиб урилди: аввал қовурилган калла гўштининг ҳиди, ундан кейин кактус пўчоғи, сўнг пешоб ҳиди, кимёвий моддалар, атир ҳиди, одамлардан келаётган тер ҳиди, оёқлардан келаётган сассиқ ҳид... Кимдир ўнг

томондан келиб, елкаси билан туртиб юборган эди, шайх чап томонга оғиб кетди. Яна бошқаси чап томондан туртиб, уни ростлаб қўйди. Туртиниб-суртиниб ўтиб кетмоқчи бўлган эди, қараса, йўл тўсилган экан.

— Отахон, менга йўл беринг, — қора чодирга бурканган аёл тирсаги билан шайхнинг қорнига туртиб мурожаат қилди. Аёлнинг журъатига ва ширин тиллигига қизиқсиниб, унга қараш учун ёнига ўгирилган эди, кимдир оёғини босиб олди. У шошиб оёғини тортиб олди. Оёғида қаттиқ оғриқ сезиб, ўзини четга олди.

«Космонавтлар Ойда юришни олдиндан машқ қилишгани каби, Константинода юришни ҳам олдиндан машқ қилиш керакка ўхшайди. Сиди Рошидга боришдан олдин Субботга қайинининг Аммор олдига ўтаман. Эҳтимол кўчадаги креслоси сартарошлик дўконига айлангандир. Даромади яхши бўлиб, сартарошлик салони сотиб олгандир. Балки мустақиллик арафасидаги тўс-тўполонда бирор ҳашаматли салонни қўлга киритгандир... Мана бу ёқларнинг ҳаммаси Сиди Рошидга қарайди. Ҳа, ҳақиқий Константино дегани мана шу... Оҳҳо, «Париж» меҳмонхонаси... Муҳташам меҳмонхона. Майдонга қаратиб қурилган учта данғиллама қаҳвахона. Мусулмон хизматчилар, мулкдор ва йирик ер эгалари, оғалар, бош оғалар, катта-катта ишбилармон савдогарлар шу ерда тўпланишарди. Авом халқ бу ерга киришга ботинолмасди. Ундаги ҳашаматнинг ўзидан ҳайиқиб-боқ кирмасдилар. Ипак дарпардалар шабадада ҳилпирар, Париждан келтирилган атир-упаларнинг хушбўй ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетар, форма кийиб олган официантлар улуғворликда ўша давр офицерларидан қолишмасди».

— Мана шуни олиб кетинг, амаки!

Унга таклиф этилган нарсаларни кузатар экан, йўловчилар ичида курка кўтарган қўл пайдо бўлди. Шайх кийимини ифлос қилмаслик учун тиззасини олиб қочди ва куркадан ҳазар қилгандек эгасини четлаб олдинга интилди.

— Арзон нархда, келиб қолинг, жуда арзон!

Шайх қизиқсиниб назар ташлади: ҳар хил супур-

гилар сотилмоқда. Унинг бутун бадани қизиб, бўғи-ла бошлади.

«Зилзила бўлган тақдирда бу майдонни сел олади. Ғарб ва шимол томондан Сиди Масидга, шарқ ва жанубдан Сиди Рошидга қараб сув уриб боради. Оҳ, у даҳшатли бўлади: оналар эмизикли болаларини унутадилар, оғироёқлар ҳомидаларини ташлаб юборадилар, одамлар ўзларини йўқотадилар. Махлуқ етаклаган одам бу шаҳардан ўтар экан, аҳолини ажратиб ўтирмасдан, барчасини, ҳатто эмизикли болаларни ҳам йиғиштириб қозонга ташлашга мажбур бўлади. Бугина эмас, бинолар, иморатлар, виллалар, кулбаларни ҳам қозонга улоқтиради. Константинани бир чангалида кўтариб ташлайди».

Шайх Ал-Маҳидий кўчасига яқинлашганида, қандайдир қўланса ҳидга ўнг томондан келаётган овқатлар ҳиди келиб қўшилди. Қовурилган калла гўшти, қайнатма гармдори, сувда пиширилган тухум, кабоб, мулухийя¹, қайнатилган картошка, куфта... Бунинг устига узайиб оқиб келган пешоб...

«Бундай ифлосликдан юракда санчиқ бошланади-я. Қаҳвахоналар турли одамлар, уларнинг касбкорини, олди-бердисини намойиш қиладиган жой. Бу районда ўзгармаган нарсa туфли мойловчиларнинг ва газетфурушларнинг кўплиги. Ярим миллион аҳоли шу шаҳарда, шу харсангтош устида. Уларни бу ерга нима олиб келган ўзи? Бу саноат марказими? Йўқ. Ибн Бодиснинг вафоти ва биз тарқалиб кетганимиздан кейин Константинода на илм, на маданият қолган. Агар одамлар Анобагами, Сакикадагами, пойтахтгами, Ваҳронгами, Марселгами, Белъғиягами йўл олишганда, маъқул бўлармидийкин?! Лекин бу ерга келишларининг ҳеч қандай маъноси йўқ. Фақат улар фисқ-фужурлари билан, ифлосликлари билан шаҳарда қиёматни тезлаштирадилар холос...»

Шайх Бу-л-Арвоҳ машина ва пиёдаларни кесиб ўтиб, Ал-Маҳидий кўчасига чиқиб олди-да, оёғи тортган томонга кетаверди.

«Агар уни тополмасам, бир танишини топарман. Марказий кўчаларнинг одамлари ҳам, у ерда савдо-

¹ Мулухийя — ўсимлик барги қўшиб тайёрланган суюқ овқат.

сотик ҳам ўзгариб кетган бўлиши мумкин. Аммо ма-
нави жин кўчалар, ғори фано уйларнинг ўзгарадиган
аҳволи йўқ. Ўзгарганда ҳам таниб бўлмайдиган да-
ражада ўзгариши мумкин эмас. Ахир бунга Балбой
далил-ку! Қачонлардир оғиз тўла тишлардан ёдгор-
лик бўлиб қолган ягона озиқ тишга ўхшаб юрибди-
ку у! Илгарилари қандай эди-я, Балбой?! Қарага-
нинг сари қарагинг келарди-я!»

Миёсида кечаётган хаёл ва Балбойга нисбатан
пайдо бўлаётган меҳрни сезар экан, ўзича ғулдура-
ди шайх.

«Агар шу харсангтош устидаги одамлари билан
ҳаракатга келса... Ҳукумат ер бўлиб бергани одам
тополмай қоларди. Жуда ҳам яхши иш бўларди.
Йўқ, йўқ, уларда гуноҳ йўқ. Улар қишлоқлардан қо-
чиб келиб, тўғри иш қилишган. Сахро ва қишлоқлар-
да ерга кўз тикадиган одам қолмаган. Аммо ҳуку-
мат уларни тоғларнинг тепасигами, бирор жарлик-
нинг ичига тўпламасдан, шаҳарга тўплайптики, улар
ўзларининг мавжудликларини эрта-кеч ҳукуматга
билдириб туришипти. Ҳа, бу гуноҳи азим. Бу гуноҳ-
ни даҳшатли зилзила билангина ювиш мумкин. Бари-
бир, айб ҳукуматда. Завод, фабрикалар қуриб бер-
ишга кучи етмас экан, нимага Европанинг дарвоза-
сига қулф солади. У ёққа бормоқчи бўлганларга
тўсқинлик қилади?! Олло таолонинг қудратини кў-
ринг. Улим, уруш, сел, зилзила; вабо каби офатлар-
ни бекорга яратмаган. Яратгандан ҳеч нарсани яши-
риб бўлмайди. Агар шаҳардаги харсангтош силкин-
мас экан, у бутунлай Бу-л-Фароис ахлатхонасига
айланади. У ерда одамлар ит, мушук, сичқонлар
билан мушт кетди ўйнайдилар... Одамлар кўпайиб
кетди, кўпайганда ҳам жуда бемаъни кўпайди. Ҳар
бир бурчакдан чиқиб келишади-я! Ахир бу қиёмат-
нинг ўзи-ку! Рост-да, кўпайиб кетяпти одамлар. Боз
устига ҳукумат врачлардан аҳоли даволана оладиган
нархда ишлашни талаб қилипти, даволашни бепул
қилиш борасида фикр юритмоқда. Ижтимоий таъми-
нот борасида имтиёзлар бермоқда. Нимага одамлар
бундан ҳам кўпайиб кетмайди-а?! Ахир еса, ичса,
бирор иш билан шуғулланмаса! Қасал бўлса, арзи-
маган пул билан даволанса! Бойлардан тортиб ол-

ганларини ялангоёқларга, чўпонларга бўлиб бериш-
япти. Ҳамма нарсa эви билан-да. Худонинг раҳматин
ҳаром бўлсин сенга, Ибн Халдун!»

Шайх Бу-л-Арвоҳ Субботга кираверишда тўхта-
ди, кўзларининг жаланглагани ва бошининг силкин-
гани сезилди. Назарида вақт орқага юра бошлаб,
хотирага уланиб кетди.

«...Қўй, мол ва от савдоси билан шуғулланувчи
савдогарлар ўзларига хос қора узун кўйлак, катта
ер эгалари, бадавлат деҳқонлар оқ, қора жун ятак
кийиб, узун-узун тукли иплар билан безатилган са-
риқ ипак салла ўраб олишган эди. Катта-катта дал-
лол ва ишбилармон корчалонларнинг эғнида эса,
кул ранг ғуборийя¹ ва қизил тарбуш. Жуда катта ер,
чорва, пул эгаси Константинадаги усмонийлар импе-
ратори Айдир чол тахтда ўтиргандек оёғини чалиш-
тириб ўртада ўтирарди.

— Тунингиз хайрли бўлсин, Айдир амаки.

— Сеники ҳам хайрли бўлсин, қабоҳат билимдонин.

— Нимага қабоҳат билимдони дейсиз?

— Илм билан бойлик ҳеч қачон келишолмайди.

Тушликка нима тановул қилдинг?

— Чоракта калла гўшти.

— Чоракта калла гўшти еб, қарз сўрагани кел-
дингми? Мана мен, Константина ва усмонийларнинг
императори, тушликда сут билан чекландим. Ҳа, май-
ли, бир бутун каллани туширмабсан-ку, демак сенга
ёрдам қўлини чўзсам бўлади.

— Олдингизга келганни хафа қилмаслигингизни
билардим.

— Бу кундалик ишимнинг бир қисми-да. Қарз
бераман, лекин ўн фоиз фойдаси билан. Еринг гаров-
га қолади. Пулни нимага ишлатмоқчисан?

— Мол-мулкка қанчалик ишқибоз бўлмайин, Ай-
дир амаки, бу илми шариф ёлғон гапиришга йўл
бермайди. Майли, жуда билишни истасангиз, айта-
қолай.

— Сенга ва ерларингнинг гаровга қолишга иш-
онганимдан сўраяпман. Пулларимни нимага ишлат-
моқчисан?

¹ Ғуборийя — эркакларнинг ёзги кийими.

— Очиғини айтсам, Айдир амаки, сиздан олган пулларни йигирма фоиз фойдаси билан қарзга бераман.

— Ҳм... Уғрини қароқчи урипти, дегани шу эмасмикин?! Ҳа майли, берсам бера қолай. Бир оз туриб келгин, сен сўраган маблағ тайёр бўлади.

— Мен сиздан жуда ҳам миннатдорман, Айдир амаки.

— Миннатдорликка арзимаиди, Бу-л-Арвоҳ. Сотилмайдигану олинмайдиган нарса ҳаром. Шеригинг қалай?

— Қуръони каримнинг тафсирига муккасидан кетган.

— Айтиб қўй, Айдир «Бил-Ҳамловийдан¹ воз кечсин деяпти» дегин, «акс ҳолда сени Қофи Шикорага² улоқтирар экан», дегин хўпми?»

Шайх Абдулмажид «хўп» дегандек калласини лиқиллатди, кўзини очиб, атрофини кўздан кечири бошлади. «Қаранг-а, шу воқеага йигирма саккиз йил бўлипти. Худо раҳмат қилсин шайх Айдирни. Утакетган омилкор одам эди. У билан муомала қилган ҳар қандай одам унга давлат ва обрў тиламасдан иложи йўқ эди... Тавба, Субботда ҳозир кимлар қолди экан?! Кўзимга нималар кўриняпти? Мана бу одамлар ким бўлди экан?! Ҳаммаларининг бошларида сариқ салла, соқоллари олинган, оппоқ кийинишган, ҳаммалари, жумладан, бообрў оқсоқолларигача оғзи қулоғида. Суббот Милами, Жайжалла ёки Тоҳирдаги³ бирор қишлоққа айланганлиги аниқ. Балки шаҳар улуғларидан бирортаси тўй қилиб, меҳмонларга бир хил кийимда келиш шартини қўйгандир... Сафсата-бозлик кўпайиб кетди-да... Аҳмоқ Ибн Халдун адиб, ундан ҳам кўпроқ тарихчи... Ҳаммом кўчанинг охирида... Дўкон ичида бир сартарош турипти. Наригиси эшик яқинидаги стол ёнида. Иккалови ҳам берилиб, бири иккинчисига эътиборсиз ишляпти. Учта қаҳвахона шунчалик муроса билан ишляптики, худ-

¹ Бил-Ҳамловий — мустамлака даврида узлатга чекинган шайх.

² Қофи Шикора — Константина яқинидаги жарлик.

³ Мила, Жайжалла, Тоҳир — Жазонининг шарқий-шимолидаги вилоятлар.

ди битта қаҳвахона дейсиз. Ҳатто стол, стуллари ҳам аралашиб кетган. Мана бу ерда ўртада икки киши билагига жуббаларини¹ ташлаб қаҳва ҳўплаб ўтиришипти... Қиёмат куни, қиёмат зилзиласи бўлган пайтда оналар эмизикли болаларини унутадилар, оғироеқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборадилар, одамлар маст киши ҳолатига тушадилар, лекин улар маст эмаслар. Бўри билан қўзичоқ, мушук билан сичқон, арслон билан инсон дўст тутунишади. Ҳар бир нарса ўз душмани билан, ўз зидди билан ёнма-ён... Қизик, афт-ангори, ёши, қадди-қомати бир хил бўлмаса ҳам, уст-боши бир хил бу одамлар ким бўлди экан?!»

— Шу оқшомга бирорта труппа керак эди, — му-рожаат қилиб деди чиройли европача костюм кийган ўрта ёшлардаги одам. Серҳаракат кўринган кекса киши ундан сўради:— Қандай муносабат билан?

— Тўй.

— Тўйлигини билиб турипман. Қолаверса, биз келин-куёвнинг ота-онасиникига борамиз, холос.

— Бизники хатна тўй эди.

— Тўйингиз муборак бўлсин. Лекин, афсуски, соат олтигача ҳеч кимнинг боришга имкони йўқ.

— Наҳотки?!

— Ҳа, касаба союзларга сайловимиз бор. Соат олтидан кейин ёки эртага...

— Тўғри-ку, лекин...

— Худо ёр бўлсин. Ҳар нарсанинг ўз вақт-соати бор.

Шайх Бу-л-Арвоҳ вужудида қалтироқ сезди. Аъзон бадани қизий бошлади, тишлари такиллади, беихтиёр қўлларини ишқалади-да, кўзлари тиниб ҳолсизланди. Қаршисида бўш ўриндиқ кўрди-ю, ўзини унга отди. Бу қилган ишига таажжубланиб қараган кўзларга эътибор ҳам бермади. Аммо бошида ҳамон ўша фикрлар: «Биз, шубҳасизки, улардаги эзгуликни ёмонлик билан алмаштиришга қодирмиз ва бунга биз кечикмаймиз ҳам... Константинода зилзила аллақачон бўлиб ўтган. Зилзила қўрқинч, унутиш ва мастлик ҳиссидан иборат... Қиёматнинг бошланиш аломатларидан бири шулким, бева-бечора, камбағал,

¹ Жубба — эркакларнинг устки кийими.

ялангоёқларнинг барчаси иморат қуришга ружу қилгай... Махлуқ етаклаган киши одамларни қозонга иргитиб ўтирмайди. Константиннинг ўзини қозонга айлантиришни олло таолодан илтижо қилиб қўя қолади. Етти қуёш унинг учун олов, етти денгиз — унинг қозонидаги сув. Бу сув шундай қайнаб тошадими, буғи етти осмонга кўтарилади. Шундан кейин қилган катта гуноҳларини ювиш учун Константина аҳолиси ўзларини шу қозонда кўрадилар. Ҳа, улар пайғамбаримиз ишларига барака тилаган ҳунармандларни йўқ қилдилар, уларнинг ўрнини сурнайчи-ю ноғорачиларга бўшатиб беришди. Э жаҳаннам, эшикларингги катта очгин-да, мана шу одамларни биратўла қаърингга торт, улар сенинг учун абадий ўтин бўлишсин... Шунчалик бўлмағур ишларни қилиб, яна ҳадларидан ошишяпти — коммунизмга интилиб, касаба союзларини ташкил этишди. Бу касаба союзлари кимга қарши ўзи, агар ҳаётнинг ўзинга қарши бўлмаса?!.. Худоё худовандо, лутфу карамингни, раҳм-шафқатингни дариг тутма! Айдир амаки, сиз қаердасиз ўзи? Олтин-кумуш пуллар солинган халтангиз, тушликда сут ичиб, хурмо билан кечлик қилишларингиз, топиш, орттириш борасидаги келтирган масал-маталларингиз? Сурув-сурув қўйларни бу ердан — Константиннинг Субботидан етаклаб олиб чиқиб кетадиган аҳли савдо, сизлар қаердасизлар?! Ҳазратим Сиди Рошид, «Ан-Нажма» қаҳвахонасидаги Ҳазарийнинг дуоларини инобатга ол! Уларнинг ўзини ҳам, муртадларини ҳам, фисқ-фужурларини ҳам, касаба союзларини ҳам даф қил! Иsobотингни келтир, эй исбот соҳиби, ёмонликни яхшилик билан, гуноҳни савоб билан алмаштир!..»

Шу пайт соғинч ва ташналикни кўкка изҳор қилмоқчи бўлган ноладек сурнай овози эшитилди. Бу овоз шайх Бу-л-Арвоҳнинг назарида қиёматнинг даракчисига ўхшаб кетади. У кўзларини юмганича шивирлади:

— Худоё худовандо, гуноҳларимизни ўзинг кечиргайсан. Улар вақтимизда бизни пайғамбаринг динида тутгайсан.

Шайх ўрнидан туриб кетишга чоғланган эдики, ёзнинг шундай иссиғида қадам-бақадам тўққиз соат йўл босиб келишдан кўзлаган мақсади эсига тушиб,

ўрнига ўтирди. Қайининим Аммор, шубҳасиз, мана шу сартарошлик дўконининг эгаси бўлиши керак. Яхшиси борай-да, ўша ерда ўтирай. Албатта, менинг учун муздеккина бирор нарса келтирса керак, юрагимдаги аланга бир оз пасаяди. Йўқ, йўқ, яхшиси аввал уни бир суриштириб кўрай-чи...»

— Амаки, пойтахтдан келдингизми?

— Ҳа, нима эди?

— Сиз бирлашмадан эмасмисиз?

— Қандай бирлашмадан?

— Музика санъати бирлашмасидан. Биз бўлим сайловини ўтказиш учун вакил кутаётган эдик.

— Йўқ, — пўнғиллади Бу-л-Арвоҳ. — Худоё бирлашмаларинг бошингда қолсин! Овозларингни эшитгани одам тополмай қолларинг! Қўй-қўзини ташлаб, чоракорликни ташлаб, боғ ишини ташлаб, шайтонларнинг ишини ўргандиларинг. Шаҳарма-шаҳар кезиб, ҳаммани фисқу фужур ишларга етакладиларинг.

— Сув-пув олиб келмайми, отахон, — официантнинг саволидан ўзига келди шайх ва нигоҳини кўтарди.

— Майли, муздекроғидан бўлсин. Ҳозирча анави сувингдан бир стакан бер, жуда чанқадим.

— Бемалол.

Стакандаги сувни бир ҳўплашда бўшатди ва ўтиргани ҳолда қаддини ростлади. Ўзини бир оз енгил ҳис қилгач атрофига қарай бошлади.

«Худди Суббот улар учун қурилгандек. Ёнма-ён турган уч қаҳвахона, икки сартарошхона, ҳаммом. Чоллар мана бу ёшларга нисбатан серташвишроқ кўринади. Ёшлар қиёфасида эса хотиржамлик ва ўзларига ишонч ҳисси акс этиб турибди. — Мана бу рўпарадаги йигитга қаранг. Ўзини обрўли, давлатманд, юқори мартабали амалдор қилиб кўрсатишини кўринг. Падарингга лаънат! Илоннинг боласи—илон. Бунақалар билан гаплашиб ўтиришдан нима фойда?! Қани, бир гапга солай-чи, нима гап чиқаркин:

— Ўғлим, мумкинми?

— Менми?

— Ҳа, ҳа. Сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

— Марҳамат, — кулиб жавоб берди йигит ва

Ўриндигини Бу-л-Арвоҳга яқинроқ сурди. Шайх ўзини хайрихоҳ кўрсатишга уриниб, ясама кулги билан сўради:

— Қаерликсиз?

— Жазоирликман.

— Жазоирда жуда кўп элатлар, қабилалар бор: араблар, барбарийлар, турклар ва ҳоказо.

— Отахон, Жазоирда битта халқ бор. Қонимиз танимизни бирлаштирмаган бўлса ҳам, еримизни бирлаштиролган.

— Жуда яхши, касбингиз нима?

— Санъаткорман.

— Кандай яхши-я! Санъатнинг қайси туридасиз?

— Созандаман. Сурнай ва най чаламан.

— Чалишни қаерда ўргангансиз?

— Қишлоқда.

— Қишлоғингиз қаерда?

Йигит қўйилган тузоқни фаҳмладими, шайх саволига жавоб бериб, тинчитмоқчи бўлди, кулиб деди:

— Мен Унсур қишлоғиданман. Қаердалигини биласизми?

— Биламан. Мила яқинида. Илгари у ерда нима иш қилардингиз?

— Нима иш қилсам сизга маъкул келарди Унсурда ё Милада? Отам пойтахтда ишлайдиган бир врачнинг ерида чоракор. Бир йиллик ҳосилдан йигирма қинтор¹ ўзига олади. Кейин беш йил бекорга ишлаб беради. Мен бўлсам, у ёздан бу ёзга ёлланиб ишлардим. Бир йилда қирқ кун ишлайман, ўн бир ой бекорчиман. Ўғирлик қилайми? Ё Европага борайми? Менга ўхшаганларнинг куй ёдлаш ва соз чалишдан бошқа қўлидан яна нима келади?! Шундай қилиб битта тўйдан йигирма минг франк, бундан ташқари у ёқ-бу ёқдан чойчақа тушиб туради. Уни ноғорачи ва ўйинчи қиз билан бўлишиб оламиз. Худо баракасини берсин!

— Агар сизга Унсурдан ёки Миладан ер таклиф қилишса, олармидингиз?

— Шахсан мен олмасдим. Лекин отам ва қолган тўққиз ака-укам далада ишлаб ўрганишган. Шу-

¹ Қинтор — оғирлик ўлчов бирлиги, 45 кг. га тенг.

нинг учун Унсурми, Айну-л-Байзоми, Вахронданми, қаердан бўлмасин ер чиқиб қолса, албатта, олишадди. Сиз ҳукумат томонидан келганмисиз, отахон?

— Ҳа ҳам, йўқ ҳам. Мен пойтахтдаги ўрта мактаблардан бирида мудирман.

— Қанақасига йўқ. Сиз ҳукуматсиз, сиз ҳукуматнинг ўзисиз. Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман, отахон! Ўтган йили пойтахтга боргандим. Гувоҳномага мени курашчи деб ёзиб қўйишган экан. Мен эса аслида мусобилман.¹ Бир илож қилиб бу хатони тузаттириб олдим.

— Сизда гувоҳнома ҳам борми?

— Бўлмасамчи?! Фахрланиб айтишим мумкинки, мен мусобилман. Ҳақиқий солдатман. Солдат формасини кийган бўлмасам ҳам, солдатлар билан барча операцияларда қатнашганман. Катта тўқнашувларда иштирок этганман. Граждан аҳоли билан доимий алоқада бўлганлигим, шаҳар-қишлоқлар ичинда бажарган ишларимни инobatга олиб, гувоҳномамга мусобил, деб ёзишга қарор қилишган.

— Нимага ҳукумат идорасида ишламайсиз?

— Ўн тўрт миллион жазоирликнинг барчаси ҳукумат идорасида ишлай оладими?! Тўнғич ўғлим шу йил ўрта мактабга қатнай бошлади. Жуда ёш уйланган эдим. Ўн беш ёшимда.

Шайх Бу-л-Арвоҳ бир оз жим қолди. Бармоқларини қирсиллатиб, тупугини ютди. Рўпарасида турган созандани «хонавайрон» бўлгин, бундан кейин тирноққа зор бўлгин!» деб қарғагиси, «агар сенга, ёки ака-укаларингга бир қарич ер насиб қиладиган бўлса, гўримда тик турай», деб қасам ичгиси келди. Аммо ичилган сув ҳақини ўрта мактаб мудирига тўлатмай, ўзи тўламоқчи эканлигини айтганда, у ўз фикридан қайтди. «Ҳа, ўрта мактаб мудирига, умуман, барча ўрта мактаб мудирларига сийлов бу. Ахир, бу йил ўғли ўрта мактабга қатнапти. Эҳтимол у келажакда ҳукумат одами бўлиб етишар, балки инженер, балки музика соҳасида олим бўлиб ети-

¹ Мусобил — Жазоир миллий-озодлик армиясида курашчи. Мусобилнинг мунтазам армиядаги солдат (мушоҳид)лардан фарқи шуки, у ҳарбий операциялардагина қатнашади. Қолган вақтида тинч меҳнат билан шуғулланади.

шар... Агар ўғлинг шунақа қилмаганда, давлатманд бўлмасди, врач ёки инженер бўлиб етишмасди... Ҳм.. Ўлаҳиликни энди ким қилади? Қўй-қўзиларга энди ким қарайди? Шундай қилиб бир лаҳзада чуқурликдан, асфаласофилиндан осмони фалакка. Тавба... Қандай сурбетлик-а! Сенларнинг кўзларингни мана шу ярамас давлат очди», оғиз жуфтлаб бир нима демоқчи бўлди шайх Бу-л-Арвоҳ суҳбатдошига. Лекин тўлаб қўйилган сув пулими ёки бу ерда ўзининг яккалигини сездими, фикридан қайтди. Йигит ундан қандайдир мулоҳаза кутгандек қараб турди. Шайх унинг мактабга қатнайдиган ўғлига узоқ умр, муваффақият тилаб дуо қилмаган бўлса-да ўз хайрихоҳлигини билдириш мақсадида кулимсираб деди:

— Агар мактабингиз Константинода бўлганда, ўғлимни, албатта, сизнинг мактабингизга берган бўлардим, домла.

— Йўқ, йўқ, — ҳурмат юзасидан айтилган бу гапга жавоб беришга шошилди Бу-л-Арвоҳ. Сўнг айтмоқчи бўлган гапидан қайтгандек тўсатдан тўхтаб қолди. «Олиб берган сувининг таъми ҳали оғзимдан кетгани йўқ. Ундан кейин мен ҳали сўраганим йўқ-ку!», ўзича ўйлади шайх ва гапида давом этди. — Айтмоқчиманки, мактабимдаги домлаларнинг барчаси мисрлик, суриялик, ироқлик, ливанлик, тунислик. Улар жуда кўп дарс қолдиришади. Фарзандларимизнинг тақдири уларни қизиқтирмайди ҳам...

— Шундайку-я, домла, лекин...

— Келинг, яхшиси бу масалани қўйиб турайлик. Мана бу сартарошлик дўконигаги сартарошни танийсизми?

— Бир оз танийман. Гоҳ-гоҳ унда соч-соқолимни олдириб тураман.

— Аммор исмли сартарошни топиб беролмайсизми?! Илгари шу ерда ишларди.

— Манавининг оти ҳар ҳолда Иброҳим бўлса керак. Қелган кунимдан бошлаб уни шу ерда ишлашини биламан.

— Аммор исмли сартарошни ҳеч кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман. Яхшиси, сартарошнинг ўзидан сўранг-чи!

— Яхши фикр, — маъқуллади шайх Абдулмажид. Сўнг шошилмай ўрнидан турди. Стол-стуллар ора-

сидан ўтар экан, сурнай нолаши шайхнинг эътиборини жалб қилди. Бу оҳанглар гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаяр эди. Шайх кўзларини ярим қисган ҳолда сартарошларни кўздан кечири бoшлади: ташқаридаги сартарош торгина дўконнинг остонасида турар эди.

«Тавба, биттаси ишлайди, тўрттаси кутиб туради. Дўконни бутунлай эгаллаб олишибди. Шу ердан сўраб қўя қоламан». Шайх баланд овоз билан сўради:

— Худо ёрлақагур, бир нарсани сўрасам бўлади-ми?

— Сўранг, отахон.

— Илгари шу ерда Аммор деган сартарош ишларди. Ҳозир қаердалигини билмайсанми?

— Йўқ, отахон. Бу ерга келганимдан бери бунақа сартарошни эшитмаганман.

— Қачон келгансан бу ерга?

— Эҳе... Даллол Нинуни ҳисобга олмаганда, Субботда энг қадимги одам менман. Дўконда иш бошлаганимга тўққиз йил бўлди. Субботга келганимга ўнинчи йил.

«Тўққиз йил... Демак мустақилликка эришилган тонгдан бошлаб. Балки ўша кечасиёқ келгандир. Унгача бу одам, эҳтимол, шу шаҳарда ёки бирор қишлоқда кўчама-кўча санғиб одамларни яшиқ устига ўтқазиб соқолини олиб юргандир. Европаликми, яҳудийлардан бирими дўконни ташлаб қочган. Қараб-сизки, кўз очиб юмгунча, мебеллар билан жиҳозланган сартарошлик дўконига эга бўлиб турибди. Энди бўлса ўзини на фақат Субботдаги ёки Расифдаги, балки Константинадаги аҳолининг энг қадимгиларидан бири қилиб кўрсатмоқда. Турклардан ҳам олдинроқ келганмиш. Ҳў, менга тикиб турган укки кўзларингни қарғалар чўқисин!»

— Айтгандай, Нину қаердайкин ҳозир? Тўғри, Аммор сартарош урушдан илгари шу ерда ишлар эди.

— Эҳ, отахон! Қулоқ солинг. Умр — оқар сув. Мана шу Субботни олинг. Озодлик учун бошланган жангу жадалдан то ҳозиргача қанча ўзгаришлар бўлмади, дейсиз. Аввал уни афсунгарлар олишди, лекин бир ҳафта ҳам бу ерда туришолмади. Кейин чаканафурушлар тортиб олишди. Аммо улар ҳам кўп туришмади. Кейин олтин бозоридаги даллолларга навбат

келди. Уларнинг ҳам ҳаракати зое кетди. Ундан кейин бир гуруҳ этикдўзлар ҳужумга ўтишди. Уларга ҳам омад кулмади. Хулласи калом, ҳамма косиб ва ҳунаремандлар бу жойни эгаллашга уриниб кўришди. Бироқ омад мана шуларга кулиб боққан экан, холос. Қахвахона ўриндиқлари кўндаланг турган анави йўлакдан Субботга осонгина кирилган эмас. Бирор мақсадни кўзлаб жон-жаҳди билан қасд қилган кишигина унга етади. Мана, ниҳоят, оллоҳ уни мана шуларга насиб этган экан. Қарабсизки, бошдаёқ шуларга атаб қурилгандек.

Иброҳим сартарош Суббот тарихи ҳақида биланларини вайсар экан, шайх Абдулмажид тирсақлари билан деворга суялганча бир нарсани эслаб хаёлга чўмгандек боши эгилди: «Уларда ҳамма нараса бошдан бошланади. Тарих ҳам улар бошлаган кундан бошланиб, улар билан интиҳо топади. Эҳтимол шаҳарнинг пайдо бўлиш тарихи шудир. Барбарийлар тугаши билан шаҳар тугади. Римликлар келиши билан яна янгидан бошланди. Барбарийлар, римликлар ва бошқа элатлар орасида бир бошланиб, бир тугаб турди. Араблар қадами теккандан кейин шаҳар тарихи яна тикланди ва бу турклар келгунга қадар давом этди. Ҳа, ҳаёт шундай экан, гоҳ бошланиб, гоҳ тугаб турар экан, французлар кириб келди. Энди бўлса, яна янгидан тугаб, янгидан бошланиб турибди. Ҳа, бу наҳс шаҳардаги ҳаётга чек қўядиган зилзила ҳали содир бўлгани йўқ. Зилзилагина унинг чиркин қора ўтмишидан қасос олиши мумкин».

— Нину! Нину амаки! — Иброҳим сартарошнинг овози эшитилди. Шайх Абдулмажид Субботдан бошланган кўчага ўгирилиб қаради. Жуббафурушлар девор тагидаги ўриндиқларда турнақатор тизилиб ўтиришар, улардан кейин китоблар растаси бошланарди. Узоқдан ранги ўчган қора ғуборийя кийган, бошида тепа ярми қизил, пастки ярми қора ва қизғиш тарбуш, билагига жундан тўқилган бурнус¹ билан сариқ рангли жубба осиб олган, чап қўлида радио, ўнг қўлида нафис ишланган олтин занжирни ўйнаб бир чол кела бошлади.

¹ Бурнус — эркакларнинг устки кийими.

«Ҳа, чиндан ҳам Нину, уни унутаёзган эканман. Ҳеч ҳам ўзгармапти. Фақат турмуши илгаригидан ёмон кўринади. Илгари жуда уддабурон эди. Маҳкамадаги жиноий ишлар билан «олди-сотди» қиларди. Жиноий иш кўрилаётган вақтда даъвогарлардан бирининг олдига яқинлашарди-да, ўртадаги жанжалнинг катта-кичиклигига қараб, маълум миқдор пулга ўз хизматини таклиф этарди. Адвокат ёллашдан тортиб, то иш бажарувчини топиш, ҳатто ҳукм чиқартириш каби барча ишларни ўз гарданига оларди. Нинунинг таклифини рад этган даъвогар, албатта, ютқазарди. У сотиб олган жиноий иш қандай йўл билан бўлмасин, оқланиб, фойда келтирарди... Эндичи, бечора, Субботда эски бурнус, кийилган жубба, битта радио, қолаверса шу олтин занжирга даллолик қилишга кун қилибди. Кўриниб турибдики, ўтган кунларини қўмсашига уни бу ерга етаклаб келади... Ҳа, ўтмишга, илгариги уддабуронлигига, ишбилармонлигига бўлган ташналик етаклаб келади».

— Аҳволлар қалай, Нину!

— Ия, бу ким, шайх Бу-л-Арвоҳми? Бугун қандай қутлуг кун экан! Яқинда сенинг ҳақингда биттаси сўраган эди. Ҳаҳ, қургур, оти эсимдан чиқипти. Аҳволлар қалай?

Иккала чол қучоқлашиб кўришишди ва эндигина бўшаган стол томон юришди.

— Ўша даврдагиларнинг кўпчилигини кўриб турман. Фақат сени учратмадим, холос. Бирор киши ҳам изингни тополмади. «Қабоҳат» билимдонининг аҳволи қалай? Раҳматли шайх Айдирни эслайсанми? «Жуда кўп одамларда молларим бор, лекин улар шайх Бу-л-Арвоҳнинг қўлида турса, яна ҳам яшнаб, яна ҳам гуркураб кетади, дер эди.

Нину у ёқ-бу ёқдан сўраб жағи тинмас, шайх Абдулмажид бўлса, истар-истамас жавоб қайтарарди:

— Яхши, худога шукур... Алҳамдулиллоҳ... Сизлар бу ердасизлар... Яхши, яхши.

— Сен билан Тунисда танишган эдик, эсингдами?

— Лекин менга айт-чи, нима учун мунақа ёмон аҳволга тушиб қолдинг?

— Худога минг бор шукур, шайх Бу-л-Арвоҳ. Берган умригаю кўзимизнинг очиқлигига минг шукур.

Нима бўлганда ҳам, биз ўтмишдан нолимаслигимиз керак. Одамларнинг ҳаммаси ҳозирги ҳаётдан мамнун, фарзандларининг келажагидан хотиржам. Нимага ўтмишдан нолишимиз керак?! Утган нарса ўтиб кетди. Тўғри, кўп хатога йўл қўйганмиз. Одамларнинг олдида, ўз виждонимиз олдида гуноҳимиз кўп. Бироқ ҳамма нарса ўтиб кетди. Қайтиб келмайди. Мунақа бўлади деб ким ўйлапти, дейсан?! Франция иродаси оллоҳ иродасидан кучли эканлигига шахсан менинг имоним комил эди. Мана шундай кучли ирода ахир бир кун синади, деб ҳеч қачон ҳаёлимга келмаганди. Франция қўли паст келиб, майдондан чиқиб кетади ва биз ўзимиз қоламиз, деб ҳеч ўйламагандим.

— Ҳа, мана булар қоладилар деб.

— Биз, ҳар биримиз, мен ҳам, ҳа, ҳаттоки мен ҳам, — Нинунинг кўзлари намланди. Пастки жағи қалтиради, лаблари осилиб, ўзича ғулдуради: — Катта ўғлим қамалиб, кичкинаси тоққа чиқиб кетганда, мен бўлсам...

У гапини тугатолмади. Кўзларидан ёш думалаб тушди, томоғига бир нарса тиқилгандай бўлиб, боши эгилди.

— Ҳа, сен бўлсанг, француз айғоқчилари билан алоқа қилардинг, — улаб кетди Абдулмажид ва «ростми» дегандек чолга қаради. Нину «тўғри» маъносида бошини қимирлатди ва бир оз сукутдан кейин қўшиб қўйди:

— Худони ўзи кечирсин, бўлмаса...

Абдулмажид ўзига-ўзи савол берди: «Нима учун кўпчилик хоинлар ўзларини ҳозирги ҳаётдан мамнун кўрсатишаркин? Ёки хушомадгўйлик қилишармикин? Балки мурувватга мурувват қайтади деган умиддадирлар?! Франциянинг қўли баланд келганида, Нинунинг тақдири нима бўларди? Шубҳасиз, оға ёки бош оға бўларди, балки саркарда бўларди. Қаршилик кўрсатиш фронтидаги ўғиллари-чи? Тоққа кетган аскарлар билан ҳалок бўларди. Қамоқдагиси эса, отасининг ёрдами билан қутилиб чиқарди... Ҳа, Нинунинг келажаги барбод бўлган. На фақат Нинунинг, балки Франциянинг, Европанинг, Африканинг келажаги ер билан яксон бўлган. Катта бир империянинг келажаги барбод бўлган. Аммо унинг ўрни-

га келган ҳокимият-чи? Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ. Мустақиллик ҳам, ғалаба ҳам ўз йўлига. Социализм билан коммунизм эса бошқа нарса. Худойи таоло дини исломга куч-қувват бағишлайдиганларни, албатта юборажак. Фақат Ҳазоирга эмас балки мусулмон давлатларининг барчасига юборажак. Ҳозирча Мағрибда, Тунисда, Шомда, Мисрда у ер-бу ерда даҳрийлик, бединликнинг кўринишлари учраб турипти. Агар Франция шу ерда қолганида, хусусан унга қарши биз олиб борган урушдан кейин, бизни дини исломдан воз кечиб, христианликни қабул қилишга мажбур этган бўларди. Миллатимизнинг бойлари ва уламоларидан иборат аслзодалар бирлашиб, бу имонсизларнинг режасига қарши бир ёқадан бош чиқариб, уларни енгмагунларича, миллат озодликка чиқмайди, дини ислом қарор топмайди».

Нину индамас, кўзларини бир нуқтага қадаганича, хаёл сурарди: «Ўшанда у ўзини танитмасликка шунча тиришса ҳам, уни таниб қолдим. Ҳанодан Сувайфага, ундан Бобу-л-Жобийягача изидан борди. У исловотхоналар жойлашган кўчадаги учинчи уйга кирди, кетидан Наъноа эшикни беркитди. Вақт пешин эди. Қор ёққан эди. Нима қилсам экан? Қайтиб бориб, офицерга телефон қилсаммикин? Ё шу ерда пойлаб турганим маъқулмикин? Ажаб эмас, уни шу ернинг ўзида гумдон қилсам. Исловотхоналар жойлашган кўчада шу алпозда туришимдан маъно чиқмас, бунинг устига дуч келган таниш-билишларим олдида ёмон отлиқ бўлишим турган гап эди. Мен орқага қайтсам-у, у чиқиб кетса-чи?! Унда мен офицер олдида ёлғончи бўлиб қолмайманми? Эшикка яқинлашдим. Ўзимни туфлимнинг ипини боғлаётганга солиб турсам-да, фикр-хаёлим ичкарида эди.

— Мен айтган ишларни бажардингми, Наъноа?

— Ҳа, айтганингиздан ҳам зиёда қилиб бажардим.

— Энди кетсанг бўларди.

— Нима десангиз шу.

— Мана бу ўн мингги хотинимга олиб бориб бер. Ўғлимизни врачга кўрсатиб, дори-дармонга сарф қилсин. Бу эсадорилар рўйхати, бизга сотиб оларсан.

— Сиз-чи?

— Мен аввало унинг келишини кутишим керак.

Сен қайтганингдан кейин чиқишга уриниб кўрамиз.

Мен почтахонага қараб чопдим. Офицерга эшитганларим тўғрисида хабар бердим ва буюрганларидек исловотхона эшиги тагида кутиб турдим. Сал ўтмай, ҳарбий юк машиналари кириб кела бошлади. Орқадан ҳарбий бўлмаган машиналар ҳам кўриниб қолди. Константина қуршовга олинди. Сиди Рошидга кирадиган йўллар тўсилди. Битта патруль Бобул-Жобийя кўчасининг пастига, иккинчиси шу кўчага кираверишга қўйилди. Мен билан гаплашган офицер эшикка яқин келиб, бор кучи билан тақиллата бошлади. Аскарлар уйни нишонга олдилар.

— Аммор! Шу ердалигингни биламиз. Шаҳар қуршовда. Сиди Рошид ҳам, Бобул-Жобийя ҳам ўраб олинган. Сен турган уй қуршовда. Қаршилиқ кўрса-тишдан фойда йўқ. Яхшиси таслим бўл! Акс ҳолда уйни портлатамиз. Ҳой Аммор, бўла қол.

Офицер эшик олдида тинмай бақирарди. Аскарлар дуч келган одамни — хоҳ эркак, хоҳ аёл ушлаб машинага тик бошлашди. Навбат менга келди. Одамлар шубҳаланмаслиги учун мени ҳам ҳибсга олишди.

— Манави ярамас чолни бу ёққа келтиринглар. Қилаётган ишини ўз кўзим билан кўриб турай. Уни бу ерга, шубҳасиз, шу чол олиб келган. У ўзи келмас эди.

Аммор чиқмади. Офицер яна бақира бошлади:

— Қўлга тушгансан, Аммор! Сени ҳеч ким қутқариб қололмайди. Яхшиси, таслим бўл!

Аммор кўринмасди.

— Сўнгги бор огоҳлантираман, Аммор. Сен қўлга тушиб бўлгансан. Қайсарликдан фойда йўқ. Чиқ бу ёққа, деяпман! Бўлмаса хонага бостириб кирамиз. Учгача санайман. Ундан кейин билганингни қил!

...
— Бир!

...
— Икки!

...
— Икки! — ғазаб билан қайтарди офицер. Ичкаридан товуш келди:

— Чиқаман, чиқаяпман, мана ҳозир, таслим бўламан!

Бу овоз қулоғимга жуда таниш туюлди. Қимнинг овози бўлиши мумкин-а?! Юрагим шиддатли ура бошлади. Бу овоз қулоғимга жуда-жуда таниш. Қимнинг овози экан-а?! Э воҳ...

— Мана бу ишинг яхши. Аввал қуролингни ташла!

— Эшикни очай, сўнг қуролимни ташлайманда, чиқаман.

— Э воҳ... Бу ўғлим-ку, ўғлим Сулаймон-ку! Даҳшат, даҳшат. Э худо!

Милтиқ қўндоғи билан оғзимга туширишди. Оғзим қонга бўялди. Кўзларим шишиб чиқди. Эшик очилди-да, биринчи граната, кейин иккинчиси портлади. Қий-чув бошланди. Ҳамма ёқ тутунга тўлиб кетди. Одамлар ерга қулай бошладилар. Шунга қарамай, улар шиддат билан у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Мени ҳеч ким ушлаб турмагани учун орқамга қараб чопдим. Ўқ товуши эшитилди. Аввал ўша уйнинг эшигидан, кейин кўчанинг юқори ва қуйи қисмидан. Бошқа гранаталар ҳам бирин-кетин портлар экан, жуда-жуда таниш бўлган ўша товуш яна қулоғимга чалинди:

— Ойижоним!..

Ҳамма нарса тинчиди. Бир оздан кейин ҳалок бўлганларнинг кимлигини аниқлаш учун мени хонага судрашди. Не кўз билан кўрайки, у ерда иккита жасад ётарди: бири Аммор, иккинчиси ўғлим Сулаймон».

— Ҳалок бўлганларни худо раҳмат қилсин, — ўзича пичирлади Нину ва нигоҳини шайх томонга ўгирди. Шайх шошилиб ундан сўради:

— Шу ерда бир сартарош бўларди, оти Аммор, сен яхши танийсан уни. Билмайсанми, ҳозир қаерда?

— Худо раҳмат қилсин ҳалок бўлганларни, — хўрсиниб жавоб берди Нину.

Амморнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги, ундан бир ўғил қолганлиги ва ҳозир ўн олти ёшга кирганлигини Нинудан эшитгандан кейин шайх Бул-Арвоҳ жойидан қўзғалди.

«Қайининим шаҳид бўлибди. Бу нарсадан ҳар ҳолда фахрлансам арзийди. Ахир у хотинимнинг укаси-ку! Эшитса, опаси ҳам хурсанд бўлар. Ўғлини кўр-

гани бормайман. Балки бунинг учун оз-моз харажат қилишга тўғри келар...»

Шайхнинг бурнига ҳар хил ҳид келиб урилди: қовурилган илик, шўрва, зираворлар, кактус меваси. Бунинг орқасидан унга одамлар тўлқини келиб урилди. Шовқин-сурон кўтарилди. Кўтарилганда ҳам жуда бемаъни шовқин кўтарилди. Машиналар тинмай сигнал чала бошлади. Одамлар қулоғи кар кишилардек бақириб-бақириб гапиришар, битта гапни бир неча бор такрорлашарди.

«Юрагим яна сиқила бошляпти. Ҳароратим кўтариляпти, тиззаларим қалтирай бошлади. Худди тош босиб тургандек. Қўлларим ҳам осилиб тушган».

— Одамлар қанд деб бир-бирларини бўғиб ётишпти. Биттаси йигирма кило олиб, яна қанд излаб юрипти.

— Ҳа, биродар. Улар қанднинг ғамини ейишмоқда. Рўза бошланишидан олдин ҳар доим шунақа бўлади. Ҳозир дўконларда бир томчи ёғ йўқ. Ҳаммасини уйларига ташиб кетишган.

— Ун ҳам, совун ҳам топилмайди. Э, уйлар омборхонага айланиб кетди.

— Шунақа денг, биродар.

Абдулмажиднинг қулоғига йўл юзида гаплашиб турган икки кишининг суҳбати чалинди. Шайх хаёлга чўмди: «Бу бечора харсанг устига ўзларининг оғирликлари етмагандек, озиқ-овқатни ҳам ғамлай бошлашпти. Демак, оғирлик икки баравар ошипти, деявер. Ҳа... Бу ёғи тезлашар экан-да... Харсанг силкина бошлаши биланоқ, бошқалари ҳам силкина бошлайди. Майда-майда бўлиб кетади. Жарликларнинг оғзи очилиб, одамлар борми, ёғ борми, қандми, унми ҳаммасини ютади-да, оғзи ёпилади. Шундан кейин ҳамма нарса теп-текис бўлади. Лекин бу ҳодиса жуда-жуда даҳшатли бўлади. Оналар эмизикли болаларигача унутадилар, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборадилар. Одамлар маст-аласт ҳолга тушадилар. Улар аслида маст эмаслар... Йўқ, йўқ, ундай эмас. Ҳар бир эҳтиёткор ғамлаб босиб қўйган ёғини, қандини, унини унутади. Хуржун кўтарган хуржунини, мол кўтарган молини ташлаб қочади. Одамлар бир лаҳза гаплашишдан тўхтайдилар. Константинада бўладиган зилзиланинг асл

моҳияти мана шу. Оналар эмизиб турган болаларини унутиб, кўчаларда озиқ-овқат орқасидан чопишади, ҳомилалар иблисга қарашли махлуқнинг қорнида. Улардан беш кило ёғ билан, беш кило қанд афзал... Мана булар-чи? Буларнинг аҳволи қайси мастникидан кам?! Улар, кўриниб турибдики, шу аҳволда бошлари оққан томонга қараб кетишмоқда».

Шайх тор кўчани бир амаллаб кесиб ўтди. У одамлар орасида туртина-суртина охири деворга суяниб қолди.

— Энди кимни қидирсам экан?! Раҳабату-л-Жимолдаги кисавур Тоҳирними ё Сиди Абдулмўъмин масжидини ўзига макон қилган Исоними? Яхшиси, ишни Раҳабату-л-Жимолдан бошлай қолай. Ундан нари масжидга ўтаман. Ундан Сиди Рошид мақбарасига кириб, пирим руҳига икки ракат намоз ўқийман, — ўзига-ўзи гапирди Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ ва Раҳабату-л-Жимол томонга ўтиш учун катта майдонга секилик билан кўтарила бошлади. Бу ерда Ал-Фурқоний овози, унинг ёнида Умм Гулсум¹ хониш қилади, уларнинг қаршисида радиодан диний мавзуда суҳбат эшиттирилмоқда. Унинг ёнида Исо гармончи, орқасида Фариду-л-Атраш ашуласи. Ўртасидаги радио «Лондондан гапирамиз» деган иборани тинмай такрорлайди. Бунинг устига турли ҳидлар димоққа урилади.

— Паспорт учун ғилоф бор! Шоферлик гувоҳномаси учун ғилофлар жуда тез ва соз тайёрлаб берилади. Қелиб қолинг, нархи ҳам арзон!

Охирги жумла шайхнинг диққатини тортди. «Нархи арзон». У ўгирилиб қаради. Ун етти ёшлар чамаси бир ўспирин, эғнида титилиб кетган хитойи кўк костюм, оёғида қамишдан тўқилган шиппак, сочлари ўсиқ, юзлари қизғиш, қирғийбурун, лаблари истеҳзо аралаш кулгига чоғланиб тургандай, кўзлари чақмоқдек, қўллари аста-секин ҳаракат қилади. Олдига кичкина стол қўйилган, устида қизил рангли пресслаш станогги. Ёнида бир неча ўрам қоғоз ва оқ рангдаги ҳужжат.

«Ёшлар кишининг асабига тегадиган даражада совуққон ва мағрур. Қилаётган ишига ишончлари

¹ Ал-Фурқоний ва Умм Гулсум — араб дунёсида машҳур бўлган хонапалар.

мустаҳкам. Лекин уларни тушуниш қийин. Бу шаҳардаги ҳар бир ёш узоқ вақтдан бери ўлим тўшагида ётган беморни кўриб қайтаётгандек. Хурсанд-хафалигини билиб бўлмайди. Сўрашсангиз, саломатлигини шу даражада қийинлик билан изҳор қиладики, ҳаётини тескаридан — қариликдан бошлаб, ёшликка томон қайтаётганлигига бенихтиёр ишонганингиз келади».

- Соат сотаман, соат...
- Радио, радио деган борми?
- Магнитофонга келиб қолинг...
- Туфлиларнинг сараси шу едда.
- Чемодан..., чемодан...
- Шалвор, шалвор.
- Сотиладиган пальто бор.
- Соатларни бир кўриб қўйинг.
- Янги радио. Сўраган борми янги радиони?
- Янги фотоаппарат...

Чаканафурушлар қўлларида ушлаган нарсаларини мақтаб, тинмай сайрашар, ўрниларидан қимирламасалар ҳам, гавдалари бетўхтов ҳаракат қиларди. Шайх Бу-л-Арвоҳ аввалига сотилаётган нарсага рад жавоб қилган бўлса, секин-аста бу сотиладиган молларга нафратомуз қарай бошлади. «Энг тўғриси шуки, константиналиклар ё ўғри бўлади, ё ўғри урган. Одамлар бир-бирларидан ўғирлайдилар ва шу ўғирлаган молни яна бир-бирларига сотадилар. Уларнинг сотадиган моллари ҳам пулларига ўхшаб, кечқурун бир жойда бўлса, эрталаб иккинчи жойда. Четдан кириб келган нарса билан кўпаяди. Қишлоққами, саҳрогами кетган нарса туфайли камаяди. Тайинли бирор иш билан шуғулланишмайди. Ишлари у ёққа бориш, бу ёққа келиш, тинмай кезиш, молларини бир-бирларига мақтаб кўз-кўз қилиш. Ҳозир ёз фасли. Одамларнинг кўпчилиги оёқ кийим киймаслиги керак. Лекин шунга қарамай, ҳар қадамда болғасини тақиллатиб, ишга муккасидан кетган ямоқчиларни учратасиз... Бу одамларнинг у ёқдан-бу ёққа юришдан бошқа иши йўқ. Уларни бир жойда ушлаб турадиган ҳунарнинг ўзи йўқ. Эҳтимол, қишлоқ ва саҳролардан шаҳарга келиб қолишларининг сабаби шундир».

Калласига келган фикр Шайхни юришдан тўх-

татди: «Константинада одамларнинг бу даражада тўпланишига сабаб ишсизлик. Ҳамма шаҳарда, ҳамма қишлоқ марказларида аҳвол мана шу. Ишлайдиган битта қўл, ейдиган мингта оғиз. Биттаси ишлайди, мингтаси томоша қилади. Бир йилда олтмиш кун ишлаб, уч юз кун бекор юришади. Ҳа, бу дўзахий лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам шу бўлиши керак. Оллоҳнинг солиҳ бандаларига қарашли ерларни тортиб олиб, ҳаммага бўлиб бериш, бу билан ҳар бирини бир метр-икки метр жойда ёки бир-икки товуқ билан банд қилиш. Шаҳарларни бўшатиш, ҳеч бўлмаганда ундаги аҳоли сонини ошириб юбормаслик. Оҳ, миямга бир фикр келди. Уруслар электрон машина билан бу лаънати шайтонларга ҳар хил планлар чизиб беришмоқда. Шайтонлар эса уларнинг айтганини сўзсиз бажаришмоқда. Лекин жуда сустлик билан. Кошки уларнинг бу мантиқлари тўғри бўлиб, фалсафалари чуқурроқ бўлса. Шаҳардан ким чиқиб кетади, ким қолади?! Кўчама-кўча изғиб юрган анави бекорчиларнинг аёллари ҳаммомга ўрганди, касалхонага ўрганди, фарзандлари мактабга ўрганди, стадионга ўрганди. Булар ҳеч қачон шаҳарни ташлаб кетишмайди. Майда қишлоқларда қолган анавилар эса, пашша талаган ахлатхоналарга ўзларини урадилар... Мана бу ҳақиқий фикр. Ҳукумат қишлоқ аҳлининг шаҳар томон оқиб келишига барҳам бериш мақсадида уларга ерга боғлиқликнинг ўзи энг илғор ғоя эканлигини тушунтириши керак. Ҳақиқатда ҳам бу фикрнинг мағзи шундан иборат. Анави тағи-зоти қишлоқдан бўлган амалдорлар бўлса, шаҳарга келгач, бошқаларни ҳам судраб олиб кела бошлайдилар. Натижада аҳоли ҳаддан ошиқ кўпайиб кетмоқда. Ҳукумат кўчама-кўча санқийдиганларни ёқтирмайди. Бу нарса одамларнинг норозилиги ва Европага, Америкага йўл очиб беришни талаб қилиб ташкил этган намойиши эмас, балки шаҳар учун оддий ҳол эканлигини қаердан билсин?!»

Шайх Абдулмажиднинг кўнгли бир оз ёришгандек бўлди. Молини кўз-кўз қилиб чўзилган қўллар, бақириқ-чақириқ овозлар, атрофдаги одамлар орасидан ўтаётиб, кичик-кичик дўкончалар ва раста эгаларига қараркан, ўзича ғулдуради:

— Раҳабату-л-Жимол илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам шундоқ. Аммо тор-да, элликта туя ҳам сифмайди¹. Қизиқ, нимага қадимгилар бу ном билан аташган экан?! Илгари бу ер анча кенг бўлган кўринади. Кейинчалик аста-секин торая бошлаган. Туя қўлдан-қўлга ўтгани билан эгаси шу ерда қолаверган.

Шайх қаҳвахона томонга юрди ва дуч келган биринчи ўриндиққа чўкди. Кўз қири билан ичкари-ташқарини кузатиб чиқди. «Ҳм... Стол-стуллар металлдан, яқинда бўялипти. Деворлар ҳам топ-тоза. Яқинда оқланган кўринади. Қадимги ўчоқ ўрнида Италиядан келтирилган қаҳва пишириладиган асбоб. Аммо ҳеч ким йўқ. Қаҳвачи-ю мен икковимиз. Бошқалар, табиийки, у ёқдан-бу ёққа чопиб, оёқ кийимини йиртиш билан овора. Қаҳвачи элликлардан ўтган бўлса ҳам, бирор касалга чалинмаган кўринади. Оқ ранг, узун бўйли, салла ўрашидан асл константиналик эканлиги кўриниб турибди. Қиёфаси жиддий ва гавдаси басавлат. Худди ҳайкалга ўхшайди. У кисавур Тоҳирни таниши аниқ. Ҳеч бўлмаганда, унинг аҳволидан хабардор. Менга ўғринча қараб-қараб қўяпти-ю, қимирламаяпти. Илгари таниган бўлса ҳам, энди эсидан чиқарган бўлиши керак. Қанча сувлар оқиб ўтди-ю... Ростини айтсам, Раҳабату-л-Жимолда бўлишим менга унчалик зарур эмас. Ҳай, майли. Бўлганича бўлар. Ҳозир менга қаҳва олиб келади, ўшанда сўрайман. Йўқ, шу қаҳвани ичмай қўя қолай. Вақтим зиқ, вақтни бекорга ўтказишдан нима фойда?! Қоронғига қолмай Константинадан кетишим керак. Кечаси қишлоқда тунайман. Эрталабгача чоракорлар билан ҳисоб-ки-тобни тугатаман-да, ҳайдаб юбораман. Битта қолдирмай, ҳаммасини ҳайдайман. Бундан кейин еримда фақат трактор ё мардикор ишлайди. Бу чувриндиларни ким билади дейсиз?! Яхшиси, ўзим бориб сўрай-да, йўлга тушай.»

— Бир нарсани сўрасам майлими?

— Марҳамат, бемалол.

— Қариндошимни қидириб юрибман. Шу ерда

¹ Раҳабату-л-Жимол — арабча «туя бозори» ёки «туялар учун қўноқ» маъносини билдиради.

ишлар эди. Анча вақт бўлди. Энди изини йўқотдим
Оти Тоҳир эди.

— Константинадаги ярим аҳолининг исми Тоҳир.
Дўкони қаерда эди?

— Дўкони йўқ эди. У ер-бу ерда кўчиб юриб
ишларди. Лақаби меникига ўхшаб Бу-л-Арвоҳ. Тоҳир
Бу-л-Арвоҳ.

— Э... бўлди, бўлди. Си-т-Тоҳир демайсизми, би-
родар?

— Ҳа, ҳа, Си-т-Тоҳир.

— Сизни танимас эканмиз. Узоқдан келган кўри-
насиз-а?

— Мен унинг амакиси бўламан. Уруш йиллари
Тунисда эдим, озодлик учун кураш йилларида пой-
тахтда яшаганман. Ростини айтсам, ўзингиздан қо-
лар гап йўқ, илгари орамизда бир оз англашилмовчи-
лик бўлган эди.

— Илгари деб қайси вақтни айтаяпсиз, жаноб?
Си-т-Тоҳир пешқадам ватанпарварлардан. Бир неча
бор қамалиб чиқди. Бир неча бор ёлғон тухмат би-
лан судланган. Унга ўғри деб лақаб қўйишди. Асли-
да яширинча қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар билан
ватанпарварларни таъминлаб турарди. Ҳа, Си-т-То-
ҳир энг илғорлардан бири.

— Мен амакисиман. Ҳозир уни қаердан топсам
бўлади?

— Мен унинг қайнотасиман. Тоғдан қайтгани-
дан кейин қизимга уйланган. Биринчисини қўйиб
юбориб, менга куёв бўлган.

— Демак, биз қариндош эканмиз-да.

— Ҳа, шунақага ўхшайди. Марҳамат, қаҳвадан
ичсинлар.

— Раҳмат, жоним билан, — таклифни эшитибоқ,
Бу-л-Арвоҳ креслога ўрнашиб олди. Мезбон
қаҳва олиб келиш учун ўрнидан қўзғалар экан,
шайх ўйларди: «Ҳукумат ҳақида фикрини сўрасам,
микан ёки жияним ҳақида сўраймикин. Исмининг
олдига «Си» қўшилиб қолганини қаранг. Агар бу
одам савдогар бўлса, аниқки, ҳукуматни ёмон кўра-
ди. Мен суҳбатлашган савдогар борки, ҳозирги ҳу-
куматдан норози. Ҳақиқий савдогарлар, албатта,
йирик мол эгалари, анави Балбой, Нинуга ўхшаган
чўнтаги қуруқлар эмас. Агар бу одам ҳукуматни

ёқтирмаслигини билдирса, сирымни унга айтаман. Ишнинг кимларга алоқадор эканлигини ва бу ер тақсимлаш планини юзага чиқармаслик чорасини кўришлари лозимлигини ҳам уқдириб ўтаман. Ҳукуматдан рози бўлса ҳам, норози бўлса ҳам, бу жаҳаннамий план ҳақида унга бир оз гапиришим керак. Бундан келган-кетган кишилар ҳам хабардор бўлишлари керак. Хоҳ манфаатдор бўлсин, хоҳ манфаатдор бўлмасин, барча халқ унга қарши га-лаён кўтариши керак...»

— Марҳамат, қаҳвага қарасинлар. Ҳозирча қаҳва ичайлик. Кечликни албатта, бизникида қиламиз.

— Раҳмат, овора бўлманг. Кечқурун жўнаб кетиш ниятидаман.

— Кўёвимнинг амакиси Константинага келса-ю, тузимни тотимасдан кетса, айб бўлмайdimи?

— Мен Абдулмажид Бу-л-Арвоҳман. Кўёвингиз Тоҳирнинг амакисиман. Пойтахтда — Жазонрда ўрта мактаб мудириман. Ислон дини, араб тилининг сарфнаҳви бўйича олимман. Мен ҳақимда илгари эшитмаганмидингиз?

— Си-т-Тоҳир сиз ҳақингизда гапиргандай бўлувди. Ҳа, ҳа, сиз ҳақингизда эшитганман, — шайхга қараб деди қаҳвачи ва ўзича ўйлади: «шунча вақт ўтиб, бирер марта қидирмаган одам амакиси бўлман» деб турса-я! «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир», деганлари шу-да.

— Аввало у қилаётган ишлари, ўйлаган режалари ҳақида менга ҳеч гапирмас эди. Раҳабату-л-Жимолда кисавур ўғри эканлигини билардик, холос.

— Э... Бу империалистларнинг унга қилган туҳмати.

— У ўз ерини сотишга қарор қилган кун мен ит азобида қолдим, талвасага тушдим. Тасаввур қилинг-а, ер бегонага сотилиб кетса нима бўлади? Шунга денг бировлардан қарз-ҳавола қилиб, унинг ерини сотиб олдим.

— Ҳа, ер сотганлигини эшитганман. Пул етмай қурол-яроғ байи бузиладиган бўлиб қолганда ерини сотишга мажбур бўлганлигини айтган эди.

— Агар мендан пул-мул сўраганда, бахиллик қилмай унга берган бўлардим. Ахир, жияним-а. Қола-

верса, бу ерда ватан манфаати турипти,— деди шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ ва тўсатдан жимиб қолиб ўзинча ўйлай бошлади: «Унга ўхшаган кинсавурларнинг бўйнига ханжар қадашаётганини ўз кўзим билан кўрганман. Бир яҳудий кампирнинг эски пулдан тўрт юз франки билан сумкасини ўғирлагани фош бўлгани ва буни ўзи тап олганлиги ҳақидаги бутун тафсилот менга етиб борган... Энди ҳамма нарса улар бошлаган ғалаба кунидан бошланади. Булар гап тарқатишга қанчалик устакор-а. Ҳар нарса бўлганда ҳам, жияннинг обрўси—амакиники ҳам. У ҳозир катта савдогардир. Балки бирор фабрика эгасини ё шунга ўхшашдир. Балки унинг ҳам ўғиллари бордир. Уларга ҳам еримнинг бир қисминини хатлаб бераман. Бу билан мен бир кесак билан иккита эмас, йигирмата қарғани урган бўламан. Ўтмишдаги қилгиликларимни ювган бўламан, эндиликдаги қариндошлик бордикелдимни тиклаб оламан ва энг муҳим, еримга ҳукуматнинг қўлини тегдирмайман. Вафотимдан кейин ҳам еримнинг каттагина қисми оилам қўлида қолишига кафолат бўлади. Ҳа, шарият бўйича ҳам меннинг ягона меросхўрим ўша. Лекин маънави кофирлар..!»

— Мени араблар Саъдон дейишади. Ўттиз йилдан бери шу қаҳвахонадаман. Си-т-Тоҳирни болалигидан биламан. Донм аъави бурчакда ўлтиргани-ўлтирган эди. Бошини тик кўтариб, онда-сонда атрофни кузатгандай қараб қўярди. Биз аслида унинг нима билан шуғулланишини билгуниimizча, полиция айгоқчиси деб ўйлардик. Ҳаттоки уни яширинча гумдон қилмоқчи ҳам бўлганмиз.

— Полициядан шунчалик ҳам қўрқардиларингми? Ўйлашимча, сиз ҳам ўша ҳаракатга қўшилган бўлсангиз керак-да?

Саъдон бир оз иккиланиб турди. Дарров «ҳа» деб жавоб қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо нима сабабдандир, фикридан қайтди. Пастки лабини тишлаб, кўзларини юмиб, яна очди. Хаёли уни ўтмишга судради...

«Совун келтиришимиз керак эди. Икки юз бойлам. Оғирлиги тахминан 180 қинтор. Пулини олдиндан тўлаб қўйган эдик. Ҳаммамиз бор пулимизни тўплادик. Ўзимизга қарашли нарсаларнинг барчасини сотдим. Ҳатто қаҳвахонамни ҳам гаровга қўйдим. Улу-

шимнинг ярмидан кўлини сотиб, пулини белга тугдим. Ҳаммамиз учун ҳам бу ҳаёт-мамот масаласи эди. Элликта эшак юк билан Ботнадан ва Айн Малиладан жўнаб, Бардода кутиб туриши керак эди. Яна элликтаси Айну-л-Байзо ва Айн Киршадан чиқиб, Сиди Мабрукда, яна элликта эшак Қолмадан чиқиб, Водн-з-Занотийдан юриб, Жабалу-л-Ваҳшда, қолган элликтаси Анобадан чиқиб, Ал-Ҳомада¹ кутиб туриши керак эди. Совунни Тунисдан келтириш лозим эди. Мен олди-сотди битимини тузиб унинг сўнгги бандлари масаласида келишиш учун Табассага жўнадим. Ёнимдаги каттагина маблағни ҳам, ўзимни ҳам эҳтиёт қилишим бунинг устига бу сирни фош қилмаслигим, француз, немис ва бошқа иттифоқчиларининг айғоқчиларига чап беришим керак эди. Уша кунларда Тоҳир Раҳабату-л-Жимол билан қаҳвахона ўртасида бўзчининг моқиси эди. Мен уни шу шаҳарда қолдирган эдим. Айну-л-Байзога етиб, тунаш учун ҳаммомга кирсам², рўпарамда турипти. Мен ўзимни танитмасликка ҳаракат қилдим, лекин бўлмади. У ҳали ёш бўлса ҳам, ҳушёр бола эди. Бу ерда нима қилиб юрибсиз дегандек менга тикилди. Мен уни ўзимга эргаштиришга ҳам, ҳайдаб юборишга ҳам ҳайрон эдим. Бир оздан сўнг юзини ёпди-да, уйқуга кетди. Азонда ўрнимдан туриб қарасам, ўрнида йўқ. Раҳабату-л-Жимолда уни Қаддур деб атардик. Лекин ҳаммом эгасидан сўраганимда, боланинг оти Бу Жумъа эканлиги ва Сатифдан келганлигини айтди. Агар айғоқчи бўлмаса, демак қочоқ экан-да, деган хаёлга бордим-да, йўлимда давом этдим. Табассага келсам, яна рўпарамда турипти. Биз бир-биримизни танитмасликка олдик. Лекин ҳаммомда яна ёнма-ён келиб қолдик. Уша пайтда ҳеч ким уни кисавур демас эди. Шундай бўлса ҳам, ҳушёр турдим. Кўз юмганим йўқ. Бир қўлим пичоғининг сопида, иккинчи қўлим билан кўкрак аралаш белимга айлантириб ўраб олган пулни пайпаслайман. Худо мушкулимни осон қилди. Мен Табассада узоқ тўхтамадим, лекин шерикларимга берган биринчи

¹ Ботна, Айн Малила, Айну-л-Байзо, Айн Кирша, Сиди Мабрук, Қолма, Водн-з-Занотий, Жабалу-л-Ваҳш, Аноба, Ал-Ҳома — Жазирдаги жой номлари.

² Усмонийлар империяси даврида ҳаммом карвонсарой вазифасини ҳам ўтаган.

маслаҳатим, нима бўлса ҳам шу боладан қутулиш бўлди. Ўзи ҳам шундан кейин тўрт ярим йил йўқолиб кетди. Кейин билсак, немисларнинг армиясига қўшилиб кетипти. Асир тушиб, сўнг французлар армиясига ёлланипти¹. Бизнинг эшак қарвонимиз бўлса, бир неча жойда пистирмада турган патрулга рўпара келди. Олишувлардан омон чиқиб, етти ҳарбий командирга, етти айғоқчига ва етти ўрмон қоровулига пора беришга тўғри келди. Хулласи калом, қарвонимиз эсон-омон Константинога етиб келди ва бир неча кундан кейин шаҳар совунга қўмилиб кетди».

Саъдон узоқ ўтмиш хотираларини бирма-бир кўнглидан ўтказар экан, шайх Бу-л-Арвоҳ ҳам полицияни хотирлаш билан эсига тушган иарсани хаёлидан ўтказарди...

«Жамиятимиздаги энг масъул кишилардан бири қўлга тушиб қолганда, буни айғоқчиларга етказиш учун барча имкониятимни ишга солган эдим. Бир неча киши билан гаплашдим. Уларга дедимки: «Бизнинг жамиятимиз диний жамият. Сиёсат билан ёки ҳокимият билан ишимиз йўқ. Ҳокимиятга боғлиқ жойимиз динни давлатдан ажратиш ва ҳаракат эркинлигига кафолат, холос. «Ан-Нажма» қаҳвахонасида унга бирорта ҳам хат ёзмасликка, агар бирор яхши ёки ёмон нарсa тўғрисида ёзсам, хотиним уч талоқ бўлсин, деб қасам ичдим. Чиндан ҳам мен унга ҳеч нарсa ёзмадим. Бошқа аъзоларимиз ҳам ёзишмади. Бу эса уни биз ҳақимизда бутун бир шеърӣ роман ёзишга ундади. Полиция ёмон, касаба союз ёмон, зўравонлик ёмон».

— Кеп қолинг, швейцария соати, йнгирма тўрт тошли!

— Магнитолага марҳамат. Ҳам радио, ҳам овоз ёзади, ҳам автомат равишда қайта эшиттиради.

— Зажигалка гази сотилади. Зажигалкаларнинг энг яхши тури мана бу ерда!

— Шанхайда тикилган костюмларга келиб қолинг! — нимагадир қаҳвахона атрофига тўпланаётган

¹ Жазонрдаги кўпчилик ватанпарварлар иккинчи жаҳон уруши даврида французлар армиясида хизмат қилганлар ва кейинчалик колонизаторларга қарши кураш раҳбарлари даражасига кўтариллишган.

чаканафурушларнинг бақир-чақири уларнинг қулоғига чалинди. Шу пайт полиция автомашинасининг сиренаси эшитилди. Бир зумда қаҳвахона одамга тўлди. Жой етишмаганлар тикка туришар, нафас олишга имкон йўқ эди.

«Қиёматдаги зилзила жуда-жуда даҳшатли бўлади. Оналар эмизикли болаларини ҳам унутишади, огироеқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади. Одамлар худди мастга ўхшаб қолншади, лекин улар маст эмаслар... «Ла Бриш» майдони оғзини катта очади. Дўзахдан омон қолганлар бу ерга қочиб кела бошлайдилар. Бир лаҳза ўтгач, шаҳарнинг ғарбий қисми эрий бошлайди. Бунни кўрган оломон ўзини шарқий қисмга уради. Қарабсизки, мувозанат бузилади ва бу ер ҳам таг-туғи билан пастга қулай бошлайди. Тошлар бир-биринга урилиб, унинг устидаги суякми, гўштми, қонми, ёғ, қанд, совун, ҳаттоки ун — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Газ баллонлари портлагани эшитилади. Электр симлари аралашиб, аламининг узун-узун ёлқини чанг ва тутунга аралашиб осмонга кўтарилади. Шундай қилиб, одамлари ўғрилигу бузуқликдан бошқани билмайдиган бу қабих, гуноҳкор шаҳарнинг қиссаси ниҳоясига етади. Мен-чи?! Ё раббим, мен нима қилишим керак? Душманларим-чи?! Йўқ, йўқ, мен манави кофирларнинг келажакнинг, планларининг барбод бўлганлигини кўрсам дейман».

Оломон йиғилди. Майда савдогарлар, ўғрилар, даллоллар, йўловчилар ҳаммаси қаҳвахона билан унинг қаршисидаги дўконларни ўраб олишди. Баъзилари қаҳвахона тарафидаги деворнинг пастидан жой олишган бўлса, баъзилари девор тепасига чиқиб олишган.

— Сабтий, ҳой Сабтий! — чақирди Саъдон. Чап қўлининг бармоқларига бир неча соатни илиб олган, ўнг қўлида радио ва туфли тутган бир йиғит овоз келган томонга қараб, атрофидаги одамларни у ёқ-бу ёққа туртиб, шайх билан Саъдон турган ерга етиб келди.

— Ассалому алайкум, аҳволлар қалай, Саъдон амаки?

— Нима бўлаяпти ўзи?

— Маржона вафот этди.

— Ким ўзи Маржона?

— Бобу-л-Жобийяга яқинда Жалфадан келган қиз. У бу ерга йигити билан келган экан. Лекин бу ердаги бузуқилар у қизни ўзлариники қилиб олмақчи бўлишипти. Шунда йигит жон-жаҳди билан қизни ҳимоя қилипти. Бироқ кучли билаклар, ўткир тиг олдидан ожиз қолишга ақли етгач, қиз томонга ўгирилипти-да етти жойинга пичоқ тикипти. Қолган йигитлар қочиб кетишипти. Лекин кўрмайсизми, полиция Сиди Рошидни ўраб олган. Чиқаётган ҳар бир одамдан ҳужжат талаб қилапти. Ҳужжати йўқларни эса сўроққа олиб кетишяпти. Ўқини орада бу ерга ҳам етиб келишади. Бечора Маржона. Энди ун олтига кирган экан. Юзлари оппоқ, қомати желишган, чиройли. Худо раҳмат қилсин.

Эшигига синиқ тахтача ссилган ҳаммом. У тахтачага қизил рангда беўхшов ҳарфлар билан «Ҳаммом», пастрогига «Бугун аёллар куни» деб ёзиб қўйилган.

«Қайси аёл Раҳабату-л-Жимолни кесиб ўтиб, ҳаммомга келарди?! Лекин ҳар ҳолда аёл мижозлар бунчалик кўп бўлмаса, ҳаммом эгаси эшикка бунақа ёзувни олиб қўймасди. Бу ерда одамларнинг мутлақо бир-бири билан иши йўқ. Ҳар бир одам хоҳлаган ишини қилаверади. Гўё атрофида ҳеч ким йўқдек, ҳеч ким унга қарамаётандек ва ҳеч кимга таъсири йўқдек. Сотадиган нарсаларини қўлларида тутгани ҳолда кўз-кўз қилгани-қилган. Ҳеч бири ёнидаги билан чиқишолмайди ҳам, ҳеч бири ёнидаги билан тескари ҳам эмас. Ҳатто ёнида одам борлигини ҳам сезмайди. Бириниккинчисидан ажралмайди, ҳам. Агар элзиланинг нишонаси шу бўлмаса, яна нима бўлиши мумкин?! Нима бўлиши мумкин яна-а?!»

Шайх Абдулмажид унча узоққа чўзилмаган бу тўполондан чиқиб, Саъдон қаҳвахонасидан узоқлашаркан, шуларни хаёлидан ўтказар эди. У қаҳвахона эгасининг охириги сўзларини яна хаёлидан ўтказа бошлади:

— Тоҳир ҳозир жатта офицер. Эшитмаганмисиз ҳали? У уддабурон офицерлардан.

— Уивони қанақа?

— Қўлогингизга гапирай.

— Балки отипи ўзгартирган чиқар?

— Ҳа-да, шунақа. Бугун кечликни бизникида қиламиз. Шом намозиин катта масжидда бирга ўқиймиз-да, жўнаймиз.

— Раҳмат, ўзингизни койитманг.

— Йўқ, келишдик-а, шайх Абдулмажид? Ахир биз қариндошлармиз-а?

«Наҳотки кисавур Тоҳир Бу-л-Арвоҳ, ароқхўр, инжиқ акамнинг ўғли катта офицер бўлса?! Яна қанақа деиш? Удабурон офицер. Мана бу бошқа масала... Зилзила олдинми-кейинми ҳар ҳолда ҳис қиладиган туйғу. Балбой буни бошидан ўтказган. Нину ҳам шунақа. Саъдон энди ҳис қилмоқда. Мен-чи? Мен кутаяпман. Оҳ... Оналар эмизикли болаларини унутадилар, оғироёқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади. Одамлар мастлардек кўринишади. Лекин улар маст эмаслар. Одамлар ҳамма нарсани: ёғни ҳам, қандни ҳам, қаҳвани ҳам, совунни ҳам, унни ҳам, олди-сотдини ҳам, ҳатто ўғриликни ҳам унутишади. Харсангтош парчаланиб, ҳамма жойдан дарз кетади. Ёнғин осмону фалакка кўтарилади. Шундан сўнг ҳамма нарса тинчийди... Биз, шубҳасизки, улардаги эзгуликни ёмонлик билан алмаштиришга қодирмиз ва бунга кечикмаймиз ҳам... Негадир кўнглимдаги ғашлик тарқамаяпти... Бу қўланса ҳид, кактус меваси, мана бу пешоб ҳиди».

Шайх Абдулмажид Раҳабату-л-Жимол майдонидан чиқа туриб, кўзи кийимларни жулдур, ялангоёқ, кир-чир одамларнинг узундан-узон сафига тушди. Уларнинг қўлларида алламбалого ўралган қинғир-қийшиқ қалайи идиш. Девордаги тахтачага «Миллий таомлар» деб ёзиб қўйилган.

«Бу гадойваччаларнинг овқати ҳам давлат ҳисобидан эканда. Бу билан одамларини ўзларига янада кўпроқ қарам қилишни кўзда тутишса керак-да. Тўғриси ҳам шу... Кисавур Тоҳир катта офицер бўлиб кетипти. Аммор сартарош ҳалок бўлипти. Анави сотқин даллол Нину бир улуг зотнинг отаси. Чўнтагида ҳемири йўқ. Балбой ҳозирги аҳволдан минг-минг рози. Саъдон бўлса, яширин йўл билан совун, наша келтириб пуллаб юрипти. Юқори мартабали бир офицернинг қайнотаси... Э воҳ, расулуллоҳ... Э воҳ, ҳабибуллоҳ. Қиёматнинг бошланиш аломатларидан

бири шулким, бева-бечора, камбағал, ялангоёқларнинг барчаси иморат қуришга ружу қилғай ва чўри ўз бекасига қарши исён кўтаргай. Пастлик тепаликка алмашиб, на пастлик, на тепалик қолгай. деганингдз ҳақ экансан, парвардигор. Агар шулар ҳаммаси чиндан ҳам қиёматнинг бошланиш белгилари бўлса, мана ҳаммаси содир бўлаяпти... Қиёмат зилзиласи жуда даҳшатли», шайх ўзича беихтиёр шивирлаб тор кўчадан борар экан, атрофдан келаётган ҳидлар таъсирида у ён-бу ёндаги ошхона ва дўконларга тинмай ўғринча боқар, у ерлардаги ғимир-ғимир ҳаракатга ғаши келарди.

«Мана Сувайқа. Бу ерда ҳеч нарса ўзгармапти. Фақат одамлар кўпайибди, холос. Сартарош бекорчиликдан газета ўқиб ўлтирипти. Соч олдирадиган одам йўқ бўлса керак-да. Ҳидлар бир оз тарқадн шекилли. Бу ерда кўчалар жуда ҳам тор. Унг томонда «Арагон» мактаби. Илгарилари бошланғич таълимни шу ерда олмаган одам француз зиёлилари даврасида саводсиз ҳисобланарди. Қани кўрайликчи, бу мактабнинг ҳоли нима кечдийкин?! Юқориқда Сиди Бу Аноба. Кейин пастлик бошланади. Унинг орқасида Сиди Абулмўъмин масжиди. Ундан кейин яна пастлик бошланиб, дарё қирғоғидан кўприкча давом этади. Кўприк ёнида эса, Сиди Рошид мақбаси. Сиди Абулмўъмин масжидидан холаваччам Исони суриштираман-да, намози асрни Сиди Рошидда ўқийман. Исонинг ўша жойда бўлиши турган гап. У ҳали ҳам масжидда дуо ўқиб, қуръондан таълим бераётгандир. Тумор битиб, зиёратчиларни қабул қилаётгандир. У илгари тасаввуф, тақводорлик ва ҳудожўйликнинг рамзи эди. Ахир сарф-наҳви, нечалаб диний китобларни мутолаа қилган. Шубҳасизки, кейинчалик Сиди Халил китобларини ҳам ўқиб туширгандир. Чиндан ҳам холаваччам ҳозирги ҳаёт машаққатларидаи узоқдаги одам. Содир бўлаётган ҳодисалар уни четлаб ўтган бўлиши табиий. Бу ифлос шаҳарнинг аҳолиси дучор бўлган ўзгаришлардан у омон қолган бўлса керак... Қизик, бу ерда деворлар қийшайган кўринади. Зилзила бўлса, Руммол дарасига қуласа керак... Кўчалар тор бўлса ҳам, деразалар кўриниб турипти. Бунинг устига ҳар бир уй деразасида биттадан хотин кўчага қараб ўтирипти... Тав-

ба!.. Иблисининг ҳўкизлари... Ҳаҳ, нима деяётган эдим?.. Ҳа, бу хотинлар аслида тоғ-тошларга, горларга муносиб. Болаларнинг кўплигини қаранг! Худди чигирткага ўхшайди-я. Эҳ, насли бузуқлар, эҳ уруфинг қирилгурлар! Оллоҳ бошларингга офат ёғдирсин! Константина зилзила остида қолсин! Руммол дарасига ем бўлгин ҳаммаи! Ҳм... Бу ернинг йигитлари-чи?! Яшашдан умидини узиб, жон талвасасига тушган бемор ёнида ўлтиргандек кичкина эшикларининг тагида мунғайишиб ўлтиришгани-ўлтиришган. Уларни яшаш ҳам, ўлим ҳам қизиқтирмайди. Гўёки қалбларида ҳаётга муҳаббат аллақачонлар сўниб бўлган. Уларга кимдир самолёт бошқарадими, бир одамни бўғизлайдими барибир. Бу икки нарсанинг ҳеч қанақа фарқи йўқдек. Ўзларига бўлган нишончининг оқибати шу бўлса керак... Биноларнинг ҳаммаси янги оқланганини қаранг. Шу ҳам иш бўптими?! Ия. Сиди Абулмўъмин масжидими? Ҳа, ўша, ўзининг илгариги яшил рангида. Модомики шулар сақланиб келаётган экан, демак олам жойида. Мусулмон одамнинг юрагига ҳузур бахш этадиган нарса шу-да! Чиндан ҳам ҳаётга, барча яхши-ёмон ишлардан қутқарувчи халоскор оллоҳнинг ўзи эканлигига умид нишоналари мана шу. Фақат зилзила бундан мустасно. Мана шу чархи фалакнинг умрига умр қўшиб, ўзининг солиҳ бандалари учун эзгуликни кўпайтиришига, уларнинг кофирлар, гуноҳкор муртадларнинг ёвузлигидан ҳимоя қилишига умид нишоналари мана шу... Холаваччам Исо... Мени кўриб жуда хурсанд бўлади. Илгариги дамларни эслайди. Онаси меникида вафот этганлигини, марҳуманинг руҳи шод бўлсин учун катта мотам уюштирганимни, шу муносабат билан бир неча қўрбонлик, қанчадан-қанча қанд, ёғ ва ҳоказолар олганлигимни хотирлаб эсга олади. Мен ҳам уни соғинганлигимни ва шунинг учун йўлга тушганлигимни айтаман. Аввалги ерларини қайтиб бермоқчилигимни айтаман. Лекин шартимни ҳам билдириб қўяман. У ерларга вафотимдан кейингина эгалик қилади... Уфф. Ҳар ҳолда бирорта шарт қўймаса керак. Ер менинг номимда қоладими, унинг номига ўтадими, бу ҳақда сўраб ҳам ўтирмайди. Чиндан ҳам ҳозирги ҳаётимизда Исога ўхшаганлар кам. Худо-

жўйлар, бу беш кунлик фоний дунё ҳирсидан қўлни ювганлар кам».

— Ассалому алайкум. — масжид остонасидан ҳатлаб ўтар экан салом берди шайх Бу-л-Арвоҳ. Қарашлари ўткир, ўрта ёшлардаги одам ўгирилиб унга узоқ тикилиб қаради. Ясама кулги билан қарши олиб, ўзи ўтирган меҳроб томонга таклиф қилди.

— Қани, марҳамат!

«Бу ерлар ҳам ўзгариб кетган кўринади. Ҳечқиси йўқ. Модомики зиёратчиларни кутиб оладиган мутавалли бор экан, демак, вазият унчалик хавфли эмас», ўзинча ўйлади шайх ва сўрашиш учун биров мажбур қилгандай зўрға қўлини чўзди. Мутавалли ҳам ўз навбатида бу зиёратчининг менсимай узатган қўлларига ажабланиб қараб турарди. Чунки зиёратчи мутаваллининг пешонасидан ўпиши, икки букилиб салом бериши ёки индамай тик туриши керак эди.

— Раҳмат. Бир қариндошимни излаб келувдим. Кўришмаганимизга анча бўлди. Шу масжидда мутавалли эди. Бу урушдан олдинги гап. Тузи-насиб, деб мен Тунисга кетиб қолдим. Ёшим бир жойга борганда, ишим кўпайиб, энди пойтахтда қолиб кетдим. Мана бугун уни зиёрат қилай деб келувдим. Лекин бу ерда кўринмаяпти. Сизга ўхшаброқ кетарди, аммо сиз ундан анча катта кўринасиз.

— Сиди Бу-л-Арвоҳни сўраяпсиз шекилли?

— Худди шундай. Исо Бу-л-Арвоҳ. У менинг холаваччам бўлади.

— Отахон, кечикибсиз.

— Нима деяпсиз? Унга бирор кори ҳол бўлдими?

— Шундай ишлар бўлганки, ҳаёти бутунилай ўзгариб кетган.

— Қандай қилиб?

— У касаба союзга аъзо бўлиб кирган. Гап ораминда қолсин-у, у — коммунист.

— Нима? Шозилийя тариқатининг пешқадами бўлган Исо-я?! Исо — касаба союз аъзоси? Қоммунист?

— Бир куни унинг олдида ўнг қўли тирсагидан кесилган, кўк костюм кийган бир одам келди ва рўпарасига ўтириб деди: «Жаноб Бу-л-Арвоҳ, мен нима қилай? Машеникида ишлаётиб қўлимдан айрилдим.

Бунинг бадалига нафақа олишим керакмиди? Керак эди. Чунки бу фалокат иш пайтида юз берди. Лекин, ўзингиз яхши биласизки, Маше катталарнинг энг яқин дўсти. Ҳар гал биз касаба союз бўлимини ташкил қилсак, катталар суқулиб кириб олишади-да, бўлим раҳбарлигига ўз одамларини қўйишади. Машенинг бебаҳо совғаларини бошлиқларнинг юрагига жуда осонлик билан йўл топади. Маше — Жазоирдаги олдинги Франциянинг ўзи. Константинадаги катталар унинг чилдирмасига ўйнайдилар. Бошлиқлар барча шаҳиду ғозийларнинг курашини аллақачон унуттишган. Улар революцияга қарши иш кўрмаган. Машенинг яхшиликларидан бошқа нарсани тан олмайдилар... Сиз, оллоҳнинг яқин кишисиз. Курашларимиздан хабарингиз бор. Бу ерга қурол яширишда иштирок этгансиз. Партизанлар ва курашчиларга йўл кўрсатгансиз. Ўзингиз тоққа чиқиб, жанг қилгансиз. Лекин катталарнинг бирортаси сизни эслайдими? Уларнинг худоси Маше, ундан бошқаси эмас. Энди бўлса, уларнинг гапи бўйича мен қўлимни ишдан ташқари вақтда йўқотган эмишман. Бунинг устига ўғирлик қилмоқчи бўлганмишман. Шу асосда мени суд қилишди. Охирида Маше менга мурувват қилиб, шу қўлим сабабли олти кун ишламай турган дастгоҳ ҳақини мендан ундириб олмасликка ваъда берди. Ҳазратим, сиз менга маслаҳат беринг. Сизнингча, нима қилишим керак? Етти фарзандим, уларнинг онаси, устига устак ўзимнинг онамни боқиш гарданимда. Ҳазратим Бу-л-Арвоҳ, бунга сиз нима дейсиз?

— Ишни қайтадан кўриш керак, — жавоб берди Сиди Бу-л-Арвоҳ.

Қўли кесилган одам шошиб деди:

— Унда, ҳазратим, адвокат ёллаш лозим. У ёқ-бу ёқдан гувоҳ қидириш ва қонуний касаба союз билан алоқа боғлаш керак.

— Сен ишни қайта кўравер. Сарфи мендан бўлади, кескин жавоб берди Сиди Бу-л-Арвоҳ. Қўли кесилган ишчи хурсандликдан уни қучоқлаб олди. Кўзларидан ёш думалади...

— Аммо бу Исонинг касаба союз аъзоси бўлганлигини исботламайди-ку?

— Сиз шошилманг. Иш шу билан тугагани йўқ. Орадан бир ҳафта ўтгач, яна уч киши унинг олдида

пайдо бўлишди ва салом бериб, дейишди: «Ҳазрат Бу-л-Арвоҳ, келишимиздан мақсад табаррук пойқадмингизни энёрат қилиш эмас, ҳудо хоҳласа, бу ҳам ўз вақтида бўлади. Биз каттагина бир хусусий муассасанинг ишчиларимиз. Биз манфаатдор тарафларнинг иштирокида мажлис ўтказдик. Мажлисда касаба союз бўлимини сайладик ва шу билан масала ҳал бўлди. Орадан бир кун ўтгач, бошлиқлар касаба-союзни тарқатиб юбориш ҳақида буйруқ чиқаришди. Қарор эрталаб чиққан бўлса, кечқурунга бориб муассаса хўжайини бўлим ҳайъатини ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ берди. Мана биз, учовимиз бўлим ҳайъатимиз. Нима қилишга ҳайронмиз, ҳазратим. Ишчилар икки соат иш ташлашди. Бунга полиция аралашиб, бостирди. Натижа шу бўлдики, яна ортиқча қурбон берилди. Бошлиқлар билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Улар бизни қабул қилишмади. Бизни бузғунчиликда айблашмоқда. Уларнинг фикрича, биз чет давлатнинг айғоқчилари — коммунистлар эмишмиз. Ҳазратим, биз туғилганимиздан буён Константинадан ташқарига чиқмаганмиз. Ҳазратимнинг ташқарисидан бирорта хат олмаганмиз. Чет эл деган нарсани бирор марта ҳаёлимизга ҳам келмаган. Бизга айғоқчилари деб айб қўйишаётган ўша чет эллик биз нима қиламиз, у бизни нима қилади? Чиндан ҳам касаба союз аъзоларимиз, биринчи марта бизни сайлашгани рост.

— Курашишга шайландинглар. Ака-укаларингизни ҳам ишга солидинглар.

— Полиция-чи, ҳазратим? Биласиз-ку, у ҳали шаштидан тушмаган.

— Ундай бўлса, пойтахт билан боғландинглар. Орангиздан бирор кишини юборинглар, қолганлар ишчиларни шайлаб турсин.

— Уриниб кўрамиз, ҳазратим.

— Агар иш аризага қараб қолган бўлса, мен ёзиб бераман. Пул-мул керак бўлса, мендан оласизлар.

— Раҳмат, ҳазратим. Бизга пойтахтга бориш-келиш йўл кираси бўлса бас...»

— Нимага бу ярамаслар шу бечора Исонинг олдида келишади?

— Чунки у мана шунақаларнинг бузруги эди-да.

Дунёга келганларидан бери қатнайдиган масжидларининг мутаваллиси.

— Нима бўлса ҳам, бу нарсалар Исонинг касаба союз аъзоси бўлганлигини исботлай олмайди.

— Сиз кўп шошманг, отахон. Яна роппа-роса етти кун ўтгач, Бу-л-Арвоҳнинг ўзи менга айтиб бердики, тушида Абу Зар Ал-Ғаффорий деган одам, бу Абу Зарнинг кимлигини ўзим ҳам билмайман, уч марта боши тепасига келиб, ҳар келганида таъкидлаб шундай деган эмиш:

«Оллоҳнинг даргоҳига олиб борадиган йўл унинг бандаларига хизмат қилиш, бандаларининг душманларига қарши курашиш, таъқиб ва таҳқирлашга қарши жанг қилишдир».

Шундан кейин у таҳорат олиб, намоз ўқиди-да, масжиддан чиқиб кетди. Орадан бир неча соат ўтгач, полиция одамлари келиб уни қидиришди. Ўша кундан бошлаб у яширин иш олиб бораёпти. Иш ташлашлар ташкил қилаёпти, варақалар тарқатаёпти, айтганимдек ишчи ва талабалар билан алоқа боғлаяпти. Мен аминмапми, унга бу дард инқилоб кунларида, балки ундан ҳам илгарирасқ илашган. Ҳа, шундай тинчлик замонда тинчликнинг ўзи йўқ.

— Тун бўлганда туннинг, кун чиққанда куннинг балосига гирифтор бўлсин! — ғулдуради шайх Абдулмажид. Назарида оёқлари остида ер силкинар, атрофида деворлар силкинар, кўкраги борган сари оғирлашар ва нимадир уни эзарди. У кафтини пешонасига қўйиб, кўзларини юмиб шивирлади: — Қиёматдаги зилзила жуда даҳшатли. Оналар эмизикли болаларини унутадилар. Ҳазратим Сиди Рошид, бу шаҳарни даф қил! Ундаги одамларнинг куфр ишлари-ю фисқ-фужурларига ҳам қирон келсин!..

Шайх Абдулмажид Сиди Абдулмўъмин масжидидан чиқиб, Аҳмад Ҳилол кўчасидан коптокдек думалоқланиб, сакраб-сакраб юра бошлади. Унинг қаршисида ёнидаги уйга ёнбошлаб қолган бино кўринди. Бу икки бино ўртасида йўлак вазифасини ўтайдиган кичик бир оралиқ бор эди. Шайх тўхтаб, бир оз тараддудланди, бармоқларини пешонасига қўйиб, энгашди ва қадамини тезлатди. Кўп ўтмай, очиқ саҳн олдидан чиқиб қолди. Унг томонда вайрон бўлган бино, шайхнинг хаёлидан бир нарса ўтгандай бўлди:

«Бу ерда илгари кўп қаватли бир неча иморат бўларди. Унда ҳам одамлар яшар, улар ҳам бошқалар каби еб-ичишиб, ўйнаб-кулишардилар. тунлари ухлаб, эрталаб уйғонардилар, бир-бирларини севиб, бир-бирларидан нафратланардилар. Фахш ишлар ҳам бўлиб турарди. Эҳтимол ўша кечаси улар уйқуга кетиб, қайтиб уйғонишмагандир. Афтидан, тағларидан харсангтош ҳаракатга келган ва уйларнинг девори қулай бошлаган бўлса керак. Балки эрталаб зарурий эҳтиёж учунми, ўғирлаган нарсаларини сотиш учунми, туфлиларини ремонт қилдиришгами, балки кактус мевасидан хариб қилиш учунми, кўчага чиқишган бўлса, кечқурун қайтиб келиб аёллари ва болаларини босиб қолган тупроқ ва тош уюминини кўришгандир. Ҳар икки ҳолатда ҳам улар зилзилани кутишдан, қўрқув ва таҳлика туйғусидан бир оз халос бўлишгандир».

У шошилиб-шошилиб паст томонга юришда давом этди. Кўчанинг икки чети болалар билан тўла, ҳар бурчакда кактус мевасининг пўчоғи, ҳар бир деразда кўчага мўралаётган аёллар. Бинолар ташқаридач тоза кўринади. «Тавба, ўзларининг оғирликлари, сақлаётган озик-овқатларининг оғирлиги етмагандек, унга қанчадан-қанча бўёқни ҳам қўшишибди-я. Миллион тонна келар буларнинг оғирлиги! Бечора харсангтош! Қачонлардан бери бардош беради, чидайди, сабр қилади. Устидаги юкнинг оғирлигига чидолмай инграётган бўлиши аниқ. Кўп вақт ўтмайди. У ўзига хос тил билан норозилигини билдиради... Озгина тебраниш, кичкинагина силкиниш билан. Бу силкинишнинг нималигини кейин тушуниб етишади. Ҳа, конституционаликлар қилиб қўйган катта хатоларини кейин тушуниб етишади», исёнкор фикрлар шайхга типчлик бермасди.

Шайх қора чодирга ўралган аёл билан кўришиб турган одамга дуч келиб, ўзини чеккага олди:

— Европадан қайтган бирортасининг қаллиғи бўлиши керак, — ўзинча ғулдуради шайх. Эсига Мусайлимату-л-Қаззобнинг айтган қуйидаги гапи тушди: «Ҳой қурбақа авлоди, сувни тозалайвер. Ярминг сузда бўлса, ярминг ботқоқда. На сувни ифлослайсан, на сув ичишга йўл берасан». Шайх бу икки ёшнинг орқасидан тупурди-да, йўлида давом этди. «Ия, чап

томонда яна бир бўшлиқ бор экан-ку! Бу ердан дара бошланади шекилли. Шу ерни бир оз томоша қилай!» Шайх ёнига ўгирилди. Чап томонда узундан-узул тор кўча. Дарвоза олдида ўн ёшлар чамаси оппоққина, покиза, кўзига сурма қўйган бир қиз унга тикилиб турипти. «Биринчи хотиним раҳматли Ойша ман шу қиздек келар эди, унга ўхшарди ҳам. Лекин бу қизга ўхшаб пардоз қилишни билмас эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом тўққиз ёшли Ойшага уйланган эканлар. Бу билан у зот умматларига: «Аёл кишининг аёллик ҳирсияти туғилган кунидан бошланади», демоқчи бўлган эканлар... Жаннатда ҳар бир мусулмон банда узундан-узул кунни бокира қизларнинг қўйнида ўтказар экан. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар. Олло таоло сабр қилган бандаларига бу дунёда кўрмаганларини у дунёда беради. Мен эса, менга фарзанд ато этишини истардим. Мен билан бўлган ҳар бир бокира эгизак туғаверса. Оллоҳнинг ўзига осон... Жаннат, албатта, тептекисдир. Константинага ўхшаб тош устига жойлашмагандир... Мана бу сурбет қизнинг бокиралигини ким ҳам билади дейсиз?! Минг лаънат ўшанга ҳам, иблисга ҳам. Кўрамиз, у қанақасига келинликка етишар экан. Бирор йўлини қилиб, у турмушга чиқади-ган бўлса, сарсонликда қолиши аниқ».

Шайх атрофни кузатар экан, эскирган иморатлар билан дара ўртасидаги каттагина харобазорга кўзи тушди. Жарликнинг бошланиш жойидаги тўсиққача тушишга қарор қилди. Катта жарлик даҳшат солиб турипти, ичида қорамтир сув шошилмай оқмоқда. Баъзи тошлар қулай-қулай деб турипти. Жарлик харсангнинг кунчиқар тарафидаги биноларни ютиб юборадигандек. Шайх бошини кўтариб, узоқ-узоқларга тикилди: «У ёқда ўрмон, Ал-Мансура текислиги. Сиди Мабрук йўли. Қандай ям-яшил орол-а! Нимага одамлар шундай жой турганда, бу ерга тикилишдийкин?! Қуйида, жарлик ёқасида тамаки фабрикаси жойлашган. «Бин Чику» деб ёзилган лавҳа ҳали ҳам ўз ўрнида турипти. Унинг ёнида Ибн Бодис институти студентларининг ётоқхонаси. Унинг тантанали очилиб, студентлар билан тўлганига кўп ўтмасдан, уруш бошланиб қолди. Кейин у секин-аста бўшай бошлади ва ниҳоят бирорта талаба ҳам, бирор

ўқитувчи ҳам қолмади. Уруш бошланмай турганда, бинонинг тўртинчи қаватини ҳам битказиб олардик. Лекин ҳар доим ҳам одамнинг айтгани бўлавермас экан. Мана бу иморатларнинг нима учун қурилганлиги номаълум. Ундан кейин... Анави лаънати бино... Унинг устига йприк ҳарфлар билан араб ва француз тилларида «Чекиш ман этилади» деб ёзиб қўйилипти. Ҳа, катта бензин склади экан. Бобу-л-Қантарада дон омбори, Сиди Масидда электр станцияси, Сиди Рошидда нефтбаза. Демак, шаҳар ҳеч бўлмаганда бир неча ой ўзини-ўзи таъминлаш имкониятига эга... Харсангтош силкиниб, қўрқинчли зилзила бошланар экан, нефтбаза бензини Руммол дарасига ағдарилди. У ердан ёнғин кўтарилиб, Константинадаги озиқ-овқатларнинг барчасини ўзига тортади, аланга осмон-фалакка кўтарилади. У ёқ қанчалик паст бўлса, қанчалик қуйи жойлашган бўлса, шаҳарга хавф шунчалик катта бўлади. Сиди Масид шаҳарнинг юқори қисмини дамига тортса, Сиди Рошид унинг қуйи қисмини ўз дамига тортади. Шундан кейин қорғозга ёзилган тариху пешонага битилган гуноҳдан бошқа нарс қолмайди».

Шайх дарага назар ташлади. Боши айланди шекилли, кўзларини юмди. Сўнг яна очди. «Қаптарлар осуда парвоз қилишмоқда. Улар ернинг қувваи жозибасини енгиш учун тиришишмоқда. Қушлар парвоз пайтида жуда чиройли кўринади. Мана бу жарлик тубида учишганида ҳам шунақа кўринса керак. Узоқдан Сиди Рошид кўпригининг бир қисми кўриниб турипти. Ҳа, темир-бетон ва харсангтошлардан иборат икки қаватли ёй шаклида қурилган кўприк катта-катта юк машиналарига бардош берапти... Зилзила қанчалик даҳшатли бўлмасин, қанча кучли ва қудратли бўлмасин, бу кўприкни бузолмайди. Тагидаги устунлари қулаб тушса ҳам, остидаги жарлик йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам, бу кўприк кўприклигича қолади. Ҳа, у инсоннинг «сендан мен ўтай» қабилдаги манманлигининг меваси бўлиб қолмай, балки худонинг яратиш қудратига шерик бўлиш тамасининг рамзи ҳамдир. Харсангтош силкиниб, шаҳар эрий бошлаган пайтда, кимки шу кўприк тепасида бўлса, унинг нажот умиди кўпроқ бўлади. Ҳазратим Сиди Рошиднинг мадади билан худойи таоло ўзи-

нинг ҳамма солиқ бандаларини мана шу кўприк устида омон сақлайди. Йирик заминдорлар, завод-фабрика эгалари, дўкондорлар, масжид имомлари ўша пайтда, ўша даҳшатли воқеа пайтида ўзларини мана шу кўприк устида кўрадилар».

Шайх ўзида бир оз енгиллик сезди. Бир неча қадам орқага босди, сўнг яна олдинга юришда давом этди. Шу пайт олдидан чиройли кийинган, кўзларига сурма қўйган бир қиз чиқиб қолди. Шайх унга ўғринча тикилди: кўкраклари дўппайган, бели хипча бўлса ҳам ундан пастроғи лўмбиллаб, дуркун сонлари сезилиб турипти. Аммо тиззасидан пасти бир оз қийшиқ.

«Бир оила яшайдиган уйда ҳозир ўнта оила яшаяпти. Одамлар бир-бирининг устида ухлашади. Шаҳарда ҳамма нарса аралаш-қуралаш».

— Бу кўчанинг боши берк, отахон.

— Сиди Рошидга мен қайси йўл билан бораман?— пастликка тушаверишда огоҳлантирган боладан сўради шайх. У жавоб кутар экан, атрофга жавдираб қарарди: «Кўчаларнинг номи ўчиб кетган кўринади. Ҳидлар ҳам аралаш-қуралаш. Бу ерни бошқа ердан фарқлаб турадиган бир белгиси бўлиши керак. Қизиқ, ҳамма нарса бир хил».

— Озгина тепага юрасиз. Сўнг чапдаги биринчи кўчага буриласиз. У ердан Курнай кўчаси бўйлаб пастликка тушсангиз, харобазор келади. Уша ерда яна сўрайсиз.

«Сиди Рошид мақбараси кўприк устунлари ёнига, унинг остидаги кийим тозалаш дўконларининг орқасига яширинган. Ҳа, у шу тариқа ўзини одамлардан яширган. Қачонлардир мақбара тепаликда бўлган. Кейинчалик аста-секин пасайиб-пасайиб ер билан тенглашган. Олло таолонинг бирорта авлиёси пастлик жойга дафн этилган эмас».

— Мен бу ерга нима учун келдим?! Бу ерда нима қиламан?! Чиндан ҳам аҳволим ҳар кунгига ўхшамайди, — зангор ранги ўчинқираган пастқам эшик олдида келиб ўзича гўлдуради шайх ва яна хаёл қила бошлади: «Сиди Рошид мақбарасида икки ракат намоз ўқиш учун келдимми? Қачондан бери мақбара-ю қадамжо ерларга ишонадиган бўлиб қолдим?! Ахир,

Ибн Бодис томонида туриб, бундай хурофотга қарши курашмаганмидим. Одамларни ундан воз кечишга даъват этмаганмидим?! Ахир бу қабрга сиғинишнинг ўзи-ку! Саводи йўқ авом ўйлаб чиқарган бидъат-ку!.. Йўқ. Сен вужудга келганингдан бери унга ишониб келгансан. ҳаттоки сен минбардан туриб унга қарши хутба ўқиган пайтингда ҳам унга ишонгансан. Чунки у буюк ўтмишнинг бир қисми. У Константина харсангтошига жуда ўхшаб кетади. Агар ундан кичкина бир бўлак кўчирсанг, ҳаммаси зирқирайди. Урф-одат, анъаналарга, ҳаттоки хурофотга ҳам яна бир назар ташлаш ҳаётнинг асосига назар ташлашга олиб келади. Даҳрийлар уламо ва авлиёларнинг овозидан қўрқиб, узоқ-узоқларга қочадилар. Сен ҳатто Ибн Бодис билан ҳам келишолмас эдинг. Авомни оллоҳ билан боғлаб турган ҳар бир нарсa, ҳатто бутларга чўқиниш ҳам шариат бўйича ҳалол эканлигини кўргансан ва ҳозир ҳам кўриб турибсан. Сен очиқ-ойдин гапиролмасдинг, лекин бунга имоннинг комил эди. Уламо ва валийларнинг мақбарасини омма олдида инкор этиш оллоҳнинг иродасига, худо раво кўрган қашшоқликка қарши исён этиш билан баравар. Дин — бўлинмас бир бутун нарсa. Оммани оллоҳ билан, ўтмиш билан боғлайдиган нарсаларнинг барчаси диннинг ўзи. Динни ўтмишдан, кун, ой, йил, асрлардан, унда яратилиб, омманинг миясига ўрнашиб олган нарсалардан ажратишга уриниш шу диннинг ўзига қарши ўт очиш билан баравар».

— Сиди Рошид мақбарасини зиёрат қилай, — деди овоз чиқариб шайх Бу-л-Арвоҳ ва зангори эшикка ўзини урди: сатҳи цементланган хона, тўрда чап томонда масжид, масжид орқасида яна бир эшик. У одам яшайдиган уйнинг эшиги эканлиги кўриниб турипти. Унинг ёнида яна бир эшик. Унинг ҳам турар жой эканлиги аниқ. Нарироқдаги хонанинг эшиги ёнида икки кампир ивирсиб юрипти. Бири фарих¹ тайёрлаш учун бугдой тозаламоқда. Ёнида қозон ва бир неча пиёла. Одам кирганини сезган иккинчи кампир ўрнидан турди:

— Зиёратга келдингизми?

¹ Фарих — қовурилган бугдойдан тайёрланган овқат.

— Ҳа.

— Марҳамат. Сиди Рошид ҳузуридасиз.

Шайхнинг диққатини рўпарадаги сурат тортди. Унда отга миниб олган дев ва тепада ҳар иккаласини чопиб ташлашга шайланиб турган Ҳазрат Алининг қиличи тасвирланган эди. Шайх хуш кўрмагандек қошларини чимирди, сўнг юзи ёришгандай бўлди. «Диннинг тафсилоти бўлмайди. Қолаверса, бу суратнинг нимага зарари бор?! Иккинчидан, оллоҳнинг душманлари қалчалик куч-қувватга эга бўлмасинлар, барибир енгилажакларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Чиндан ҳам Ҳазрат Алини халифа сифатида тан олмаган кишилар қаҳрамон сифатида тан олганлар-ку! Халифаликдан туширган бўлсалар ҳам, унинг қаҳрамонлигига қасамёд қилганлар. Халқ ҳам ёш болага ўхшаб осон томонга ўтишга ҳаракат қилади. Ўзини талафотга учратган нарсани шу талафотни даф қиладиган бошқа нарсага алмаштиришга интилади. «Аз-Зайтуна» жомесида домла рўза очилишининг тўла ва жузъий шартларини тушунтириб, уни учга бўлганди: овқатнинг ҳалқумдан ўтиши, ошқозондан жой олиши ва ундан озиқа олиш. Шунда мен домлага савол берган эдим:

— Демак охириг икки шартга мувофиқ кашанда-нинг чекишдан рўзаси бузилмас экан-да?

— Ибн Моллик мазҳабига кўра ҳар учала шартдан бирортаси бузилмаса, рўза очилмайди.

— Нима учун биз буни халқдан яширамыз?

— Шунинг учунки, халқ буни тўла тасаввур қила олмайди. Иккинчидан, энг муҳими, чекишнинг ўзи билан чегараланиб тура олмайди».

Масжид торгина хонадан иборат. Ун квадрат метр чамасида. Чап томонда кўримсизгина минбар-ўнгда мақбара. Шифт ва деворларга мато осилган, ерга эса сунъий гилам тўшалган. У ер-бу ерга электр токига уланмаган мис қандиллар ўрнатиб қўйилган. Токка улаб қўйиш ҳали хаёлга келмаганлиги кўри-ниб турипти. Устига эски зангор латта ёпиб қўйилган қабр ёнига бир неча шам ўрнатилган. Қампир Сиди Рошид мулкини ўғрилардан қўриқлаётгандай шайх-нинг орқасида тек турипти. Шайх шу пайт минбар томон юриб, илтижо қила бошлади:

— Ҳазратим Сиди Рошид! Э оллоҳга яқин турган

авлиёйи бузрук! Ўзим учун, оллоҳнинг чексиз ерига меросхўр бўлган солиҳ бандалар учун зарур бўлган бир ишни деб шундай иссиқда пойтахтдан тўққиз соат йўл юриб келдим. Мен сендан яширмоқчи эмасман. Зотан кўнгилдагиларнинг барчаси сенга аён. Қўлимдаги ерларимга ҳукуматнинг қадамини қўйдирмаслик учун келганман. Мен ўлганимдан кейингина ҳосилига эгалик қилиш шарти билан ерларимни қариндошлар номига ўтказмоқчи эдим. Аммо, ҳазратим Сиди Рошид, уларнинг бирортасини ҳам учратолмадим. Биринчиси ҳалок бўлипти. Иккинчиси офицер эмиш, катта уддабурон офицер. Офицерлар эса, ҳазратим Сиди Рошид, ҳукуматнинг фикрини доим қўлламасалар ва сиёсатига тўла-тўқис ишонмасалар-да, негадир ҳукуматга садоқатли бўлишади. Агар уларнинг бирортаси мол-мулк жамлашга қизиққан тақдирда ҳам, буни деҳқончилик қилиш йўли билан эмас, балки бошқа усуллар ёрдамида қилишга интилишади, ҳазратим! Яна бошқа бири эса, эвоҳ, авлоду аждоди жаннатга мушарраф бўлиб турганда, Сиди Абдулмўмин масжидида мутаваल्लीлик қилиб турган художўй тақводор одам, коммунистликни қабул қилиб, ишчиларни иш ташлашга қўзғатмоқда, талабаларнинг миясини чалғитмоқда, ҳукуматни даҳрийларнинг дўзахий режа ва лойиҳаларини қабул қилишга ундамоқда. Ҳазратим Сиди Рошид, сен мана шу режани тўхтатгин, менга ва оллоҳнинг солиҳ бандаларига тегишли ерларнинг дахлсизлигини таъминлагин! Мен сенга битта шам, йўқ, йўқ, бир қути шам бахшида қилайин. Ҳазратим Сиди Рошид, мен сенга катта ваъда беряпман. Уларга тушунтириш қор қилмайди, уларнинг юраклари ғаламислик билан тўла, уларга насиҳатнинг фойдаси йўқ. Қаллаларида манманликдан бошқа ҳеч нарса қолмаган. Демак иккитагина йўл бор: ёки уларни ўз домига тортувчи исён алангаси, ёки ерларимизни олиш иштиёқида юрган авомнинг бошига тушажак даҳшатли зилзила. Ҳазратим Сиди Рошид, сенга берган ваъдам катта...

— Зиёрат қилиб бўлдингизми? — сўради кампир эшикни оча туриб.

— Мен ваъда бердим. Ҳазратим ҳожатимни чиқарган кун, албатта, яна келаман.

Шайх ташқарига шошилди. Кўприк томон зинадан

кўтарилар экан, кўнглида анчагина енгиллик сезди.

«Анави ўзига зеб берган сурмали қиз қаеримнидир қитиқлаяпти... Эсиз, ҳазратимдан ўзимга фарзанд тилашни унутибман... Майли, ҳали уйланишга қарор қилганим йўқ-ку. Энди уйлансам, ёш қизга уйланаман. Балки ўзига зеб берган анави қиз менга хотин бўлар, — ўзича уйларди шайх. — Ҳазратим Сиди Рошид, бўйида бўлган ҳар бир ҳомиласи учун ҳар йили бир қутидан шам ваъда қиламан».

Шайх бир муддат тўхтаб, атрофни кўздан кечирди: Темир зинапоя ҳам тугапти. Рамбуйе кўчаси, илгари қандай бўлса ҳозир ҳам ўшандай. Турфа хил майда-чуйда сотиладиган бозор. Ёшу қари, эркак ва аёл чаканафурушларни нонвойхонадан бурқсаётган тутун ўраб олган. Улар олдиларига нейлонми, қоғозми, латтами ёзиб олишган. Устида бузилган қулфлар, эгри-бугри михлар, синиқ жўмрақлар, увадаси чиққан кийим-бош, эски оёқ кийимлар, қотган нон, тупроқ аралашган ун ва ҳоказоларни ёйиб олишган. Ҳар қадамда кактус мевасининг пўчоғи учрайди. Раҳабатул-Жимол ва Сувайқа, қўйингчи, Жазоир вилояти тўнтариб қўйилгандек кўринади. Томлар ёпилган черепицалар Нуҳ замонидан қолгандек. Манави бўлса, емирилиб ётган эски қўра. Деворлари паст томонга чўкиб, нураб, ташландиқ ҳолида бир-бирларига суянишиб қолган уйлар. Томларда мушуклар кўриниб турипти. Уларнинг баъзилари уйқуда, баъзилари эса, у ёқдан бу ёққа сакрагани-сакраган. Уларнинг ёнида тўрт томонга қаратиб қўйилган телевизор антенналари. Деразаларга латта тўсилган. Унинг ортидан ташқарига мўралаётган аёлларнинг башараси кўзга ташланиб туради. Бундан ташқари оғзига латта тиқилган сувли бутилкалар, томат идишига солиб қўйилган жасмин гуллари, у ер-бу ерда яшил-қизил қалампир бойламлари кўринади. Сопол тувакчаларга гуллар ўтқазилган. Одатда қабрнинг бош томонига шу гулдан ўтқазишарди. Ҳа, мана шу иморатлар тик турган қабристон. Яқин орада Сиди Рошид унинг оёғини осмондан қилади. Ҳеч бўлмаганда, бу «қабристон»нинг ёнига яна бир қабристон қўшади. Уфф, бу ер намунча бадбўй бўлмаса. Машиналар визиллагани-визиллаган. Гўё эгаларининг бу кўприкка ишончлари йўқдай. Бу ерда ҳам одамлар қалин, уларнинг кўпчилиги чол-кампир-

лар. Олдинда катта майдон, театр биноси ва почта, унинг ёнида французларнинг собиқ кўчма соқчилик биноси. Чап томонда «Сирта» меҳмонхонаси орқасида ойнаванд қилиб қурилган, турли рангга бўялган катта-катта бинолар ярим ой шаклида осилиб турган дарахт шохлари орасидан кўзга ташланиб туради. Унинг ортида йиғиб қўйилган сап-сарик буғдой ғарамлари, яланғоч адирлар уфққача чўзилиб ётипти. Кўзинг далага тушганда, хоҳ ҳайдаб қўйилган бўлсин, хоҳ ҳосили йиғиб олинган бўлсин, солих бандаларга оллоҳнинг неъматини ҳали ҳам беҳисоб эканлигини, унинг раҳматини ҳали ҳам ёғилиб турганлигини янада чуқурроқ ҳис қиласан, киши... Ер унга эгалик қилган ва қилаётган одамники, ўзганики эмас. Ерга хўжайинлик қилиш истеъдод, заковат, даҳо каби нарса. У ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Ер — ер-да. Ерга эгалик қилиш бойлигу қашшоқлик, очлигу тўқлик, ундан олинадиган ҳосилу даромад билан ўлчанмайдиган бебаҳо нарса-дир. Ҳа, ер — ер. Бизнинг ерга эгалигимиз уларникидан кўра кўпроқ маънога эга. У — шон, у — шараф, у — мансаб. Ерга етишиш — унга эга бўлмаган одамлар учун пайғамбар ва анбиёлар даражасига етишдир. Аммо анавилар ерни авомчасига тушунмоқдалар. Ерни моддийчасига, коммунистчасига тушунмоқдалар. Бойлик билан қашшоқлик, мулкдор билан чоракорчасига тушунмоқдалар. Катта солиқлар солинадиган маҳсулот сифатида тушунмоқдалар. Ҳазратим Сиди Рошид, сенга берган ваъдам катта. Тезроқ бўлақол, шошилгин, шошилганга толе ёр! Иккидан бири: исён алангаси ёки даҳшатли зилзила. Ҳукумати ҳам, фуқароси ҳам, ишчилару талабалари ҳам, касаба союзлари ҳам қирилиб кетсин! Шундай бир янги жамият яратишга ваъда бергинки, унда аслзодалардан бошқа ҳеч ким бўлмасин».

Шайхнинг юраги сиқилиб, танаси оғирлашди. Базўр қадамини тезлатар экан, ўзига-ўзи дерди:

— Қидирмаганим Ғаробилий билан Бародийлар қолишди. Улардан офицер чиқмаслиги аниқ. Ҳалок ҳам бўлишмаган, коммунист ҳам бўлишмаган. Кошкийди шундай бўлса... Ким билади дейсиз, бу охир замонда?!

Бу-л-Арвоҳ кўприкнинг охирига етиб қолган эди. Чап томонда илгариги кўчма соқчилик биноси. Наридан

роқда бензоколонка, ундан кейин Анобага қатнайди-
ган таксиларнинг тўхташ жойи. Бурчакда Ал-Мустақ-
бал қаҳвахонаси. Ўнг томонда ширинликлар ва аттор-
лик расталари. Расталар Рамбуйе кўчасига туташган.
Майдонга олиб борадиган кўчалар тор.

— Қаранг-а, бу шаҳарнинг одамлари ҳали ҳам
атирни яхши кўришади.

Фир-фир ўтаётган машиналар оқими тўхтамайди.
Шайх ўнг томонга ўгирилди ва бошини кўтарди.

«Мана Бу Ноб Али кўчаси. Кинотеатр ҳали ҳам
ўша ўрнида. Сочилиб ётган товук патлари. Ҳмм, бу
ерда ошхона бор экан. Ҳидларни бир-биридан ажрат-
са бўлади».

Бир неча думалоқ нонни қўлида ушлаб девор та-
гида ўтирган хотин жимгадир баланд овоз билан га-
пирмоқда:

— Мен сизга айтувдим-ку, синглим, уларнинг нони
қаттиқ, шўрвага тўғрашдан бошқага ярамайди, деб.
Ҳар ҳолда таъминлаб туришинпти-ку, қул ўлмас, риз-
қи қийилмас. Худо раззоқ, ўзи хайрларини берсин.
Мен сизга айтсам, ўғли Бу-л-Фароис ахлатхонасида
ҳалок бўлипти. Ўзи ҳам билатидан ва кўкрагидан
яраланган эмиш. Бир дона консервани қўлтиғига қи-
сиб турган экан, қўлига пичоқ солиб юборишинпти.

Тротуар бўйлаб девор тагида кампирлар, чоллар,
тумор ёзиб берувчи дуохон, жотиблар, фолбинлар, аза-
йимхонлар ўтиришинпти. Бир кампир шундай дерди:

— Ўргилай тақсир, ёлғизгинам, кўзгинамнинг ну-
ри, бу дунёдаги бору бурдим Францияга боришга ёзи-
липти. Ҳозир жўнайдиган жунини кутиб ўтирипти.
Ўргилай тақсир, уни сафардан совутадиган тумор қи-
либ беринг. Ҳақини тўлайман. Чиндан ҳам бечоранинг
иши юришмади-да. Бўлмаса, ўртоқларига ўхшаб шу
ердан иш топилмасмиди?! Омади келадиган туморча
ҳам қилиб беринг, ўргилай!

— Ҳеч қаёққа бормағусидур. Теплоходга кечикгу-
сидур ва бағрингда қолғусидур, кампир!

Буларнинг орасига оқ чойшабга ўралиб олган яна
бир аёл қўшилди:

— Ўн икки киши қизимга оғиз солишиб, ҳаммала-
ри айниб кетишди. Қизим ахир чўлоқ эмас, бирор айби
бўлмаса, ўзи ҳам чиройликкина. Бичиш-тикишни ду-
рустгина эплайди. Қизимнинг қўли гул. Ҳамма айби-

миз шуки, биринчи бўлиб совчи юборган йигит қизимдан айниб, қўшнимнинг қизига оғиб кетди.

— Худо хоҳласа, ўн учинчиси албатта қизингни олиб кетгай.

— Агар қўлингиздан келса, ўн биринчисини бизга қайтариб беринг, онаси йўқ эди. Турар жойи маъқулгина кўринувди.

— Хўп бўлади, иншооллоҳ, ўн биринчиси қизингга қайтиб келгай.

Аёлнинг ёнида бир дуохон газета ўқиш билан овера. Ундан сал нарироқда мағрибликлар кийимидаги ўрта яшар бир одам рўмолчадаги қумга турли чизик ва доира чизар, навқирон қишлоқи йигитга гап уқтирарди:

— У яшил рангда. Рўпарангда яшил ранг турипти. Орқангда ҳам шу ранг. Ҳозир мен фол очаман: сен билан бахтинг ўртасида етти бошли илон турипти. Орқангдан етти арвоҳли яҳудий париси эргашиб юрипти. Мен ҳозир ўша каллаларни қирқиб, манави яҳудий парининг оёқларини чопиб ташлайман. Сен сафарингни қолдириб тургин. Атрофинг ҳаммаси яшил ранг бўлади. Сен ўрнингдан қимирлама. Ҳукуматдан, албатта, сен кутган қоғоз келади, хурсанд бўласан.

— Сиди Рошиднинг ҳаққи-ҳурмати, ҳеч қачон келмайди, — ғулдуради шайх Абдулмажид ва атрофида бўлаётган ишларга сайёҳ каби қизиқсиниб йўлида давом этди. Бир оз юргач, оқ матога яшил ва қизил ранглар билан «Миллий-озодлик fronti. Агитация ва ахборот бўлими» деб ёзилган лавҳага кўзи тушди. Қулоғига турли гаплар чалина бошлади:

— Ёзинг! Ёзинг! Бошлиқнинг ўзига ёзинг! Айтинг, сиз билан бирга жанг қилган Исо Бу-ш-Шаирга жабр бўлаяпти денг. Худонинг бошқа бандалари қатори у ҳам тўрт йил илгари уйланган. Кейин хотини билан чиқиша олмаган. Худонинг бошқа бандаларига ўхшаб, у ҳам хотини билан ажралишган, уни отасиникига олиб бориб қўйган-да, қайтиб хабар олмаган. У хотин ҳам тинч турмаган. Арз қилиб, беш юз динор тозон талаб қилган. Бу жуда катта маблағ эмас, лекин гап шундаки, Исо ишламасди. Бунинг устига Исо Бу-ш-Шаир ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. У мушоҳид бўлган, ўнг келган ишга кўниб, ўз қадрини ерга урадиганлардан эмас. Исо Бу-ш-Шаир оллоҳнинг бошқа

бандаларига ўхшаб, бу нарсани кейинчалик унутиб юборган. Мана энди орадан тўрт йил ўтгач, суддан чақирув қоғози олипти. Қоғозда ёзилишича, унга олти ой қамоқ жазоси ва икки минг беш юз динар жарима белгиланипти. Ёзинг, ёзинг, сиз уни танир экансиз, тоғда сиз билан курашган экан, деб ёзинг. Агар мени кўрсатилган адресдан тополмасангиз ёки кечиксангиз, мени қамоқдан топасиз, деб, ёзинг.

— Бародий Раҳабату-с-Суфда, Ғаробилий Бардода. Яхшиси Бардодан бошлай қолай. У ер яқинроқ, — ўзига-ўзи пичирлади шайх Абдулмажид ва Бу Ноб Али кўчасидаги йўловчиларнинг шовқинидан гўё ўзини олиб қочгандек чап томонга бурилди.

МАЖОЗУ-Л-ҒАНАМ

Шайх Бу-л-Арвоҳ почта биноси ёнидан ўтиб, Шитур Умар кўчаси томон юрди ва бирдан таажжубланиб тўхтаб қолди. Нима учун Бу Ноб Али кўчасини кесиб ўтди?.. Шайх кўчанинг ўнг томонида навбат кутиб турган ёшлар ва микрофон орқали ўқиладиган исм ва фамилияларни эшитиб, менсимаганнамо уларга қаради. Кўзларини лавҳага қадаб, ўқий бошлади: «Қасаба союзлар уйи». Йигитларнинг чеҳрасига тикилди. Бу чеҳралардан бирор маъно ўқмади: қарашлари вазмин, овозлари салобатли, ҳаракатлари босиқ.

«Ҳаммалари умри тугаётган бемор ёнида ўтиргандек. Ҳазратим Сиди Рошид, кароматингни шу ердан бошлай қол. Мана шу бинодан, мана шу қайсарлардан бошла!»

Бинодан бир офицер чиқиб зинадан пастга тушдида, кўчани юқорилаб кетди. Шайх Абдулмажид тўхтаб, уни кута бошлади:

«Шундан сўраб кўрай-чи. Тоҳир Бу-л-Арвоҳни танирмикин? Шубҳасиз, уни танийди. Умидим фақат шундан-ку! У битта мени эмас, барча ер эгаларини, аслзодаларни қутқариб қолади. Ерларимнинг ҳаммасини унга хатлаб бераман. Бошқа ер эгалари билан таништириб ҳам қўяман. Ҳазратим Сиди Рошиднинг янги бир ғалабасига янги бир бахшида ваъда қиламан. Ҳа, у зилзиладан ҳам, исёндан ҳам кучли бўлган режада ғолиб келиши керак. Йўқ, бу одамдан сўра-

майман. Яхшиси амакиваччам Абдулқодирдан сўрайман. Уларнинг алоқаси ўзаро мустаҳкам бўлса керак... Ҳа, маориф соҳасида ишлашим катта ер эгаси сифатида асосий роль ўйнашимга тўсқинлик қилган. Шайх Айдири айтганидек, илм аҳли билан мол-дунё аҳли ўртасидаги азалий желишмовчилик оқибатида оила аъзоларим ичидан бирор кучли таянч топа олмадим. Менга ёрдам берадиган халоскор пушти камаримдан чиқар, деб умид қилган эдим. Банданинг айтгани ҳар доим ҳам бўлавермас экан... Йўқ, энди мен қайтадан бошлайман. Чиндан ҳам жиддий иш бошлаш учун муносиб вақт энди желди. Бутун билимимни, барча амалдор дўстларимни, душманга қарши барча қуролларни ишга солиш керак. Мен ишлайдиган ўрта мактабда раҳбарликка лаёқатли деб топилган ёшлар ўртасида даҳрийликка қарши тинмай иш олиб борилмоқда. Бу иш университетга жирадиган ёшлар ўртасида коммунистларга қарши кураш олиб бориш учун амалга оширилмоқда... Қизиқ, манави йигитлар нима қилиб туришипти бу ерда?»

Шайх сўраш учун қаҳвахона деворига суяниб турган чолга яқинлашди:

— Бу ерда нима қилишяпти?

— Комиссиядан ўтишяпти. Булар кўнгилли ватан хизматчилари. Саҳронинг қоқ ўртасидан йўл очишмоқчи.

Шайх ҳеч нарса демай, юришда давом этди. Қаҳвахона тепасидаги «Намунали муассаса» деб ёзилган лавҳага тикилиб қараб турди ва олтин сувида ёзилган бу жумланинг маъносига етмагандай елкасини қисди. Сўнг ичкарига назар солди: турли ёшдаги одамлар. Чолларнинг рўпарасида қизларни белидан беҳаёларча қучоқлаб ўтирган йигитлар.

«Бу ерда одамларнинг на ёши, на касби, на ижтимоий мавқеи, на бозордаги ҳоли-қудрати ўртасида чегара бор. Ҳаммалари қилаётган ишларидан хижолатда, гўё улардан эндигина кўрган ваҳимали тушнинг таъсири кетмагандай. Гўёки улар гирдобга тушиб, унинг азобига ноилож бардош бераётгандай жўринадилар».

Шайх ўзини истироҳат боғига урди. Гуллар қийғос очилган. Йўлкаларнинг четига кўм-кўк чаман ётқизилган. Дов-дарахтларнинг шохлари водийдан эсаёт-

ган майин шабадада енгил тебранади. Кун ҳарорати бир оз пасайган. Одамларнинг ҳаракати авжида. Шу ерда ҳам савдо-сотиқ. Олдига ҳўл нўхат тўлдирилган челақ қўйиб бир бола турипти. Унинг қаршисида ёши катта бир киши «Ўт-ўланлар босилмасин» деб ёзилган тахтачанинг тагига ўтириб олган. Тиззалари орасида бир пақир хурмо. Оёқлари орасига бир челақ кактус мевасини қисганича бир ўспирин ўтирипти. Унинг қўлида катта пичоқ. Бу пичоқ билан атрофини ўраб олган болаларни қўрқитади. Тош супалар ёшу қари ва турли жўринишдаги одамлар билан тўла. Уларнинг ўртасида чойфуруш. Учоқда унинг катта чойгуми биқирлаб қайнаяпти. Биринчи сотувчи, иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси... Сотувчилар қишлоқча кир-чир кийим кийиб, чаққон ҳаракат қилишади. Ўтирган одамлар қўллари билан уларни имлаб, бирор нима оладилар ёки қўлларидаги стаканни қайтиб берадилар. Эски аппарат ушлаган расмчи бир бурчакни эгаллаган. Ёнида яна битта расмчи. Ундан кейин яна бошқаси. Болаларнинг катта-кичик велосипедлари...

«Шаҳарнинг ҳар бир қарич жойида савдо-сотиқ. Ҳар қадамда сотувчи билан харидор топилади. Ўғрилар билан товламачилар ҳам етарли. Ҳа, пайғамбаримизнинг савдога барака ато қилгани рост, лекин бу алпоздаги савдога эмас-да. Бу нарсa савдодан ҳам кўра тиланчилик-ку. Худоё худовандо, уларнинг савдосига ҳам, бошқасига ҳам барака ато этмагин, ҳам-маларини ер билан яксон қилгин! Тавба, қишлоқлари, саҳроларини ташлаб, ҳукумат олдида ўзларини камбағал-ночор кўрсатиш умидида шаҳарга кўчиб келишганини қаранг».

Шайх бир неча кўчани жесиб ўтиб, «Сирта» меҳмонхонаси томон йўл олди.

«Меҳмонхонанинг сиртдан кўриниши камтарона, — ўйлади шайх. — Кўрайлик-чи, ичкарида аҳвол қандай экан?! Жазоирликлардан ким истиқомат қилаётган экан? Тоҳир Бу-л-Арвоҳ шаҳарга тушганида шу ерда тунаса керак».

Бу-л-Арвоҳ меҳмонхона деворига суянгани ҳолда аланглаб «Деҳқонлар уйи»ни томоша қила бошлади. Деворига чизилган расмлар унга ёқмади шекилли, ўзича шивирлади:

— Тракторлар, отлар, тойчоқларнинг расмини чизиш ўрнига ўроқчилар, қўшчилар, ўтинчиларнинг суратини чизишганини қаранг. Аслзода оғалар, бош оғалар шундай мустаҳкам қалъага бунақа расмларни чизишга қандай рози бўлишдийкин?! Бу даргоҳ менга насиб қилмаган. Бу ердаги ишбошиларнинг олдида мен бир бечора камбағал одам эдим. Шундай бўлса ҳам, бунга аъзо бўлган аслзодалар билан яқиндан алоқада бўлганман. Жаҳаннамга тушгур Ибн Халдун! Ҳамма бидъатлар ўчоғи сен экансан. Сен тарихчи бўлмагансан. Утакетган даҳрий экансан! Шунчалар устакор экансанки, даҳрийлигинг ҳаммага ошкор бўлипти-ю, ўзингга ҳеч бир зарар тегмапти-я!

Шайх ўзича ғулдураб, юришда давом этди. Меҳмонхона биносидан кейин чап томонда гуваладан қурилган уйлар бошланади. Унг томонда эса Бардони Ал-Кадийядан ажратиб турувчи кўча бошланади. Унинг ёнида «Ал-Қавокибу-с-соқиб» қаҳвахонаси, юк машиналари учун тўхташ жойи, «Алф лайла ва лайла» қаҳвахонаси. Тошларнинг шиқир-шиқир товуши келиб турипти. Анави захм бурунли одам уялмай ёш болалар билан ўйнаб ўтирипти:

- Ҳой қаҳвачи!
- Лаббай!
- Қаҳвадан бўлсин!
- Чойдан ичайлик!
- Ибн Ҳорунга!
- Аввал мижозга-да.

— Йўқ, манави олдинги ўрнида қолсин, — деди бурни захм одам.

Шайх Абдулмажид ўзича пичирлади:

— Ҳазратим Сиди Рошид, буёғини тезлата қолгин-да!

Шу пайт нариги бурчакдан яна шовқин кўтарилди:

- Аралаштир тошларни!
- Худо ҳақи, аралаштирмайман!
- Очиқдан-очиқ ўйнайпсизлар-а. Ахир бу қонунга хилоф-ку!
- Қўлимдан битта тош тушиб кетди.
- Аралаштир. Бу сатифча ўйин дейилади.
- Сатифчами анобачами, хоҳлайсизларми, хоҳламайсизларми, манави сув сизларга.

Шайх аста-секин қаҳвахонадан узоқлашиб, қадамини тезлатди.

«Ҳазратим Сиди Рошид, бир қути шам сенинг ҳақингга! Жазоирнинг саҳролари бўш ётипти. Агар Тоҳир Бу-л-Арвоҳ менинг гапимга кирганида эди, дўконсиз, касб-корсиз ерсизларни, дангасаларнинг барчасини саҳрога ҳайдаб юборган бўларди. Мана бу ёпиқ турган дўконнинг эгаси «Ал-Жозийя кийим-кечаклари» деб ёзишдан бошқани билмапти. Бу дўконнинг эгаси аёл киши бўлса керак... Ҳа, шубҳасиз, у чиройли аёл бўлиши керак... Ия, мана бу катта масжид қайдан пайдо бўлиб қолди?!»

У тўхтаб томоша қила бошлади. Сал нарида кимдир шеригига шивирлай бошлади:

— Бу илгари кинотеатр эди. Эгаси бир француздан арзон-гаров нархга сотиб олувди. Ҳукумат кинотеатрларнинг ҳаммасини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин, иши орқага кетди. Томоша кўрсатишга бирор баҳона тополмагач, масжидга айлантириб қўйди.

— Жуда яхши қилипти, — қўшиб қўйди ичида шайх Абдулмажид.

Бояги киши гапида давом этарди:

— Падарлаънат. Жарақ-жарақ фойда пул чўнтагига туша бошлаганда, бир кун келиб масжидга айланишини тасаввур қилмаганмикин?! Аммо бу бионинг мактабми, касалхонами, фабрикага айланишига кўзи етган куниданоқ уни ёпти. Умумий миллийлаштириш ва социализмга қарши эканлигини кўрсатди-қўйди.

— Мана бунга қаҳрамонлик деса бўлади, — ўзича гулдурди шайх Бу-л-Арвоҳ.

Шайхнинг ёнида суҳбатлашаётган икки ёш йигит бир-бирига тушунтирарди:

— Арзимас ишларга ҳам ҳукумат ўралашиб юрипти-я. Худо ўзи тўғри йўлга солсин.

— Битта кинотеатр экан-ку, арзимаган нарса. Бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими шундаки, кинотеатрларнинг барчаси ҳозир давлат ихтиёрида. Демак фойдаси ҳам шаҳар қишлоқларимизнинг ўзига.

Шайх ўгирилиб, уларга еб қўйгудек ўқрайиб қаради. Йигитлар ундан узоқлаша бошладилар. Қандайдир кўчага олиб чиқадиган зинапоянинг рўпарасидаги



деворга ўрнатилган лавҳа шайхнинг диққатини жалб қилди: «1850 йилги Граммон фармони ҳайвонларга азоб беришни ман этади». Бу ёзувдан таажжубланган шайх мийиғида кулиб қўйди. Ахир, Граммон ким ўзи?!

У юришда давом этаркан кўзини девордаги ёзувдан узмасди: «Ака-ука Шантолелар. Константина — Айну-л-Байзо — Ханшала-Табассага пассажирлар ташитиш. Қайтиш жойлари — Константина вилояти», «Сув хўжалиги ва ислохотлар бош бошқармаси».

— Чапга бурилиб, яқин йўлдан юра қолай, — ўзича қарор қилди шайх ва: «Полиция, полиция» деган болаларнинг қичқириғини эшитиб бирдан тўхтади.

Қўлларида катта-кичик пичоқ, ичига гўшт солинган турли халта-хулталар кўтарган ўндан ортиқ бола ҳар томонга қоча бошлади. Полиция машинаси визиллаганича тўхтамай ўтиб кетди. Болалар ўз ўринларини эгаллаш учун югуриб қайтиб келишди. Шу пайт қаттиқ чинқирик эшитилди. Болалар тўпланишди. Катта ёшдаги бир неча киши ҳам шошилиб етиб келди. Ўртада бир бола чўзилиб ётар, қорнига катта пичоқ суқилган, қон оқмоқда эди.

— Пичоғининг устига йиқилиб тушди.

— Йўқ, уни итариб юборишди.

— Ҳеч ким итаргани йўқ.

— Энди ўлиб қолади!

— Вой, шўрим!

— Бирорта машина топинглар, касалхонага олиб бориш керак.

— Аммор оёғи билан чалиб юборди-да.

— Йўқ, Аммор эмас. Бу Жумъа.

— Бекор гап. У ўзи йиқилиб тушди.

— Еттита калла бор менда, оласизми?

— Йигирмата қоринни нима қилишни билмай турипман-у.

— Ўлиб қолди...

Болалар гўшт-пўшлари билан ғойиб бўлишди. Ерда чўзилиб ётган боланинг жароҳатланган еридан тинмай қон оқар эди. Уни бир неча чол-кампир ўраб олишди. Шайх Абдулмажид ерга тупураркан, кўнглида қандайдир енгиллик ва хотиржамлик ҳис қилди. Зиналари узун-узун тош йўлдан юришда давом этди. У пастликка тушаётганда қаттиқ қўланса ҳид димо-

ғига урилди. Ҳид келган томонга ўгирилиб, қишлоқ услубида қурилган бино яқинида туриб қолган кўлмак сувга кўзи тушди. Чап томонда тиканли симдан ўрнатилган тўсиқ. Тўсиқ ортида катта казарма бўлиб, унинг ярмини солдатлар эгаллашган. Иккинчи ярми эса, озىқ-овқат омборхонасига айлантирилган.

— Бу ер ҳам омборхонами?

Шу ерда кўча иккига бўлинади. Чап томонда гува-ладан қурилиб, тунока парчалари билан ёпилган ёки тунокадан ишланган лой томли кулбалар. Уларнинг ёнгинасида туппа-тузук бир неча турар-жой бинолари. Латта-путта, ёғоч, темир-терсак аралаш-қуралаш. Уларнинг тагидан қорамтир балчиқ сув ариқча-ариқча бўлиб оқмоқда. Бу ариқчалар йўлнинг четида бирлашиб кетадилар.

«Агар ҳазратим Сиди Рошид иккинчи йўлни тан-лаб, фисқ-фужури борми, кофири борми, силкитишни ихтиёр қиладиган бўлса, унга ҳеч бир қийинчилик бўлмайди. Ал-Қадийядаги бинодан бирини мана шу кулбаларнинг устига қулатса жифоя, теп-текис бўла-ди-қолади. Манави ариқчалар Руммол дарасига оқиб кетаверади».

Муюлишда юзлари очиқ учта аёл пайдо бўлди. Улар узоқ юриб чарчагандек вазмин-вазмин қадам ташлаб келишарди. Шайх уларга ўғринча қараб қўй-ди: «Роса етилган пайти экан-да, лекин жуда тинкаси қуриган кўринади. Юзларида қорамтир излар кўри-ниб турибди. Кўзлари шишган, биттаси чолвор кийиб олипти. Иккинчисининг эғнида кенг қилиб тикилган кўйлак, учинчисининг бўлса, сонлари кўриниб ту-рипти».

— Ваҳронга бориб бир ҳафта туриб келамиз де-япти.

— Йўқ, мен ҳеч қаёққа бормаيمان.

— Бу ғўристонга ким етаклаб келди сени. Бир стакан пиво оби замзамдан қиммат-а!

— Лекин ёнидаги иккита шериг'ини танимай-миз-ку...

— Нима қипти?

— Тўйлар қизиб турган бунақа вақтда Константи-надан ҳеч қаёққа кетмайман.

— Э... Арзимаган эллик динорни деб азонгача ўйин тушасан, яна уни эрталаб йигитнинг олиб қўяди.

Уч-тўрт кун биз билан Ваҳронга боргин. Мириқиб дам олайлик.

Шайхнинг ёнига яқинлашганларида улардан бири бор овози билан ашула айта бошлади: «Қўшни йигит Ҳаммуд, чора топ ўзинг бунга».

Шайхнинг бурнига нафис атир ҳиди урилди. У тўйиб-тўйиб нафас олди. Аёллар ўтиб кетишгач, атир ҳиди қандайдир сассиқ ҳид билан алмашди. Бошини кўтариб қараса қаршисидаги кенг майдонни ва қўчанинг иккала бетини майда-майда қора нарсалар қоплаб ётарди. Тикилиб қаради ва уларнинг эчки жуни эканлигини сизди. Қорнига пичоқ кириб, чўзилиб ётган бола ва катта-кичик пичоқ ва гўшт ушлаб қўлини силкитаётган болалар ёдига тушди. Ўхшатиб ерга ту-пурди-да, йўлида давом этди.

«Ишим зарур бўлмаганида эди, пойтахтдан ҳеч қаёққа қимирламас эдим. Келсам ҳам, эрталабгача бирор меҳмонхонада ётиб дам олган бўлардим. Лекин, йўқ. Бугунги ишни эртага қолдириб бўлмайди. Ҳукуматдан олдинроқ ишни тўғрилаш осон эмас. Балбой мени жуда кечикдингиз дейди. Рост, менинг кечикканим тўғри, лекин жуда эмас. Бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам мактаб мудир, ҳам аҳли илм бўлганимдан кейин, эҳтимол бу нарсага бепарволлик билан қарагандирман. Аммо бу бепарволлик эмас, балки тентаклик. Ҳа, биз алдандик. Бир кишини фош қиламан, деб бир неча кишини қўлдан чиқаришди. Энг муҳими шуки, мен ҳали шу ердаман. Эҳтимол амакиваччам Абдулқодир Ғаробилийни топарман. У етти-саккиз фарзанднинг отасидир. У билан келишаман-да, ерларини уларнинг номига хатлаб бераман. Албатта, жиянимга хатлаб беришим керак эди-я. Ҳа, ўша уддабурон катта офицер жияним Тоҳирга. Бироқ уни қаердан топарман? Абдулқодирни топсам, албатта, жиянимни топиб беради. Агар кисавур Тоҳир Бу-л-Арвоҳнинг бу мартабага кўтарилишини ўша вақтда билганимда сўраган пулини ҳеч йўқ демай берган бўлардим. Лекин нима қилай?! Пул жуда азиз нарса. Чўнтакдан чиққан тийин қайтиб чўнтакка жирмайди. Ундан кейин савдо иши оғир. Тоҳирнинг ўша вақтда тажрибаси йўқ эди. Унга ишонмасликка ҳаққим бор эди. Ахир унинг амакисиман. Мендан нафратланмаслигини сўрайман».

— Айтишларича, мотор заводи қурилиши жуда катта ютуқ эмиш, биродар.

— Ростдан ҳам у шарқий Жазоирдаги фаллоҳлар маркази бўлган Константинага жуда ярашиб тушади.

— Ҳамма соҳа тегишлича ўрганилаяпти. Мутахассислар, инженерлар, олимлар... Жазоир ривожланаяпти.

— Нима десам бўларкин. Ҳа ҳам, йўқ ҳам. Битта қўл қуради, ўнта қўл бузади. Давлат фабрика ва заводлар қуриб бераяпти. У ерда ишлайтган итваччалар тарафкашлик билан порахўрлик қилишмоқда.

— Мазза қилишипти, — ўзича деди шайх суҳбатлашаётган икки одамдан секин-аста узоқлаша туриб.

«Кун қиздираяпти. Кўнглимни яна ғашлик чулғаяпти. Зилзила бўлса, «Панорама» меҳмонхонаси мана шу ерга қулайди. Тагида қолган тупроқ бир оз силжийди-да, думалаб кетади. Анави иккаласи гапираётган завод харсангтош устидаги одамларга ўхшаб, овирлик қилса керак. Ҳеч бўлмаганда, мувозанати йўқолади... Тентаклар».

Шайх йўлида давом этар экан, рўпарасида бўғиқ рангда катта иморат пайдо бўлди. Бу иморатнинг қаватларини ажратиб бўлмас, деразаларидан бир-икки бойлам гармдори, турли латта-путталар, ҳеч нарсага ярамайдиган идишлар кўриниб турарди. Маҳалладаги бу осмонўпар иморат «Панорама» билан беллашишга тайёрдек эди.

«Бу бинода маҳалла аҳолиси навбатма-навбат яшаса керак. Қўшни маҳалла аҳолиснинг хоҳишини ҳисобга олиб, уни бўғиқ ранг ҳолича ташлаб қўйишган. Уни келгиндилар эгаллаб олмасликлари учун, мана бу улуғвор «Панорама»дан бошқа бино эътиборни жалб қилмаслиги учун шундай қилишган бўлса керак. Дуруст... Бундан ташқари бошқа бирор рангга бўялса, анави харобада яшаётганлар хафа бўлиб қолиши мумкин. Назаримда етай деб қолдим. Мана бу бинодан ўтиб, чапга бурилсам, эллик метрча масофадан кейин дўкони келади. Бечора Абдулқодир... Уша воқеадан кейин кўришганимиз йўқ эди. Кўрган заҳотиёқ таниса керак...»

Муюлишда унга икки мўйсафид илашди. Улар шайхнинг қишлоғи шевасида ўзаро гаплашиб келишарди:

— У билан ҳақиқатда фахрланса арзийди, азизим. Константинанинг фахри у.

— Фақат Константинанинг эмас, бутун Жазоирнинг фахри.

— Халқнинг қилган хайр-эҳсони ҳисобига қурилган.

— Шундай-ку, лекин халқни хайр-эҳсон қилишга ундаётган ҳукумат-да.

— Ҳа, дини ислом ҳали ҳам барқарор.

— Худога шукур.

— Фақат менга мана бу исм ёқмаяпти. Амир Абдулқодир масжиди. Нима учун Амир Абдулқодир?

— Рост. Бу ерда «Амир» ортиқча. Агар Сиди Абдулқодир бўлганда, маъқул бўлармиди...

— Баракалла. «Сиди» сўзисиз жомеу масжид бозордаги валақлашдек гап.

— Муҳими шуки, ҳукуматимиз динни маҳкам ушлаяпти. Ҳукумат тепасига ҳам художўйларни танлаб қўйишяпти.

— Йўлни бўшат-е! — уларга ўшқирди шайх Абдулмажид / ва ўзича тўнғиллади: «Бу маҳалланинг бирорта одами жаннатга тушмайди. На ўқиган намозларинг, на тутган рўзаларинг, на қилган тоат-ибодатларинг инобатга олинади! Сенларга ишониб ҳам бўлмайди. Дўзах ҳам сенлардан ҳазар қиладди! Ҳайвонларга, қурт-қумурсқаларга қилинадиган муомалага лойиқсанлар. Сенга ўхшаганлар ҳақида ўйлашга на худонинг вақти бор, на фаришталарнинг қўли тегади. Қиёматда баъзиларинг бўриларга қўшилсаларинг, қолганларинг итларга қўшиласанлар. Бола-чақаларинг эса мушук ва эчки болалари билан бўлади... Тур-е, йўлни бўшат! Ҳукуматингни мақтаб валақлайсан! Биттасига мотор заводи ёқиб қолипти, иккинчисининг бўлса Амир Абдулқодир масжидига меҳри тушипти, учинчиси бўлса, билмайман, яна нима балога. Эҳтимол, касаба союзгадир. Эҳтимол, коммунизмгадир. Эҳтимол қамоққагидир. «Айн Солиҳ»ми, «Адрор»ми, «Сухуру-л-Ҳаққор» саҳросига тушганингда биласан ҳукуматингни, бадбахтлар! Борлигинг билан, гапираётган гапларинг билан бойларнинг ғазабига дучор бўлгурлар!...»

— Ассалому алайкум, — қовурдоқ ҳиди анқиб тур-

ган дўкон олдида келди шайх Абдулмажид ва аланга срқасида тек турган йигитга танимаган кўйи қараб қўйди.

«Балки ўғлидир, аммо бирор жойи бизнинг авлодга ўхшамайди. Ким билади дейсиз, бу фитна-фасод охир замонда... Эҳтимол, ёлланма хизматкоридир».

— Абдулқодир қаерда?

— Қайси Абдулқодир?

— Мана шу дўконнинг эгаси.

— Бу дўконнинг эгаси менман.

— Қачондан буён?

— Мустақиллик бошланган кундан бери шу ердаман.

— Сиздан илгариги одамнинг қаердалигини билмайсизми?

— Э... отахон! Бир киши ҳам қолмаган. Мустақиллик эълон қилиниб, француз ва яҳудийлар чиқиб кетмай туриб, одамлар уларнинг турар жойларини-ю дўконларини тақсимлаб олишган. Ундан кейин қишлоқлардаги аҳоли келиб, ўзларининг қариндош-уруғ, таниш-билишларининг уйларини бўлиб олишди. Дунё ўзи шунақа. Бири чиқар экан, иккинчиси кирар экан.

— Анали дўконнинг эгаси қаерга кетган, билмайсизми?

— Отахон, бу ерни «Бардо» дейишади. Бу ер тинч турмайди. Бир қарасангиз, ундай, бир қарасангиз, бундай. Гоҳ ҳукумат йўқ қилиб ташлайди, гоҳ ёнғинга дучор бўлади.

— Энди унга оёқ ўрнатиб бўлмас экан-да.

— Нима дейсиз, отахон?

— Ҳеч нарсаси. Дўконнинг олдинги эгасини Абдулқодир Бу-л-Арвоҳ дейиларди. У ғалвир ясаб сотарди.

— Айтган нарсангиз маҳалла қайта қурилмасдан илгари бўлиши керак.

— Маҳалла қачон қайта қурилган?

— Бир марта қурилган бўлса экан. Ҳар сафар бузилганда қайта қурилади. Мен сотиб олмасимдан илгари бу дўкон бир тунислик одамники эди... Ҳм... Оти нима ҳам эди? Ҳа, топдим — Фатонрий. Ҳа, ҳа, мен дўконни ўша одамдан сотиб олганман.

— Ё қудратингдан... Бирорта ҳам савдогар ё шу маҳаллалик одам қолмаганмикин-а?

— Ким қолганикин? Ким? Ҳа, топдим. Ҳамона Ба-

родний қолган. Биттагина шу киши қолган. Унинг касби бу шаҳарга тўғри келмас эмиш. Лекин шу ерда туғилдим, шу ерда ўламан, дермиш.

— Қаерда унинг дўкони?

— Мана шу кўчанинг охирида. Ҳа, унинг исми Бародий.

Шайх Абдулмажид бу қовурдоқчининг тинмай вайсашига ва сурбетлигига гаши келиб ўрнидан турди.

«Менга қилган муомаласини қаранг. Нима, мен унинг мижозимидим?! Итвачча. Қовураётган нарсаси ҳам ўзига ўхшаган итваччаларнинг гўшти бўлса керак».

Шайх юришда давом этаркан кўркем бир бино олдидан чиқиб қолди. Унга ҳайратланиб боқаркан, хаёл сура кетди:

«Оқ ва кўк рангга бўяшипти. Деворига нима ёзилган экан? Дуруст, дуруст, шаҳар шифохонаси. Шаҳар катталари бу маҳалла аҳолисининг саломатлигига ҳам қайғурадилар. Жуда зўр, жуда аломат. Яна бошқа нарса. Шифохонанинг қаршисига мактаб ҳам қуришипти. Каттагина мактаб. Ё ҳазратим... Мана буни риёкорлик деса бўлади. Халқни бузиш дегани шу бўлади. Халққа иш беришмайди. Иш ўрнига дори беришади, таълим беришади. Бу маҳалладан чиқиб ўрта мактаб ёки университетга кирган бола нима қилиб беради. Динимизни бузади, жалажак авлодимизни бузади. Бойларнинг болалари билан камбағалларнинг боласини битта мактабда ё битта университетда ўқитишса, уларга бир хил таълим беришса, оллоҳнинг иродасига қарши чиқиш эмасми, унинг йўлига тўғаноқ бўлиш эмасми? Четдан келадиган бузуқ ғояларга кенг ўрин бўшатиб бериш эмасми?»

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз?

— Шу ердаги Ғаробийини қидириб юрувдим. Кўрганимга анча бўлувди. Ҳозир бўлса, унинг дўконида қовурдоқ сотишяпти экан.

— Ҳа, ҳа, тўғри. Бир-бирларингизга ўхшаб кетасизлар. Сиди Абдулқодир. Худо ундан яхшилигини дариғ тутмасин. Қани, марҳамат, ўтиринг.

— Шошиб турипман. Ишларим кўп. Тезда тугатишим керак.

— Мана шу сандиқ устида озгина дам олинг. Ҳамма ёгингиздан тер қуйилиб кетаяпти. Чой-пой келтирай.

— Йўқ-йўқ, раҳмат. Худо хайрингизни берсин.

— Мен сизга айтсам, отахон, мен сизга айтсам, Сиди Абдулқодир, худо ундан яхшилигини дариф тутмасин, қариндошингиз бўлса керак-а?

— Ҳа, амакимнинг ўғли.

— Ҳа... Тўғри, амакисининг ўғли ҳақида гапиргандай бўлувди. Олим ва бадавлат одам. Эҳтимол ўша сиздир.

— Илм жиҳатидан ҳа, лекин бойлик жиҳатидан бўлса, одамлар, хусусан қариндошлар, ўзингиз биласиз-ку, жуда ошириб юборишади. Шундай қилиб, амакиваччаннинг тақдири нима бўлди?

— Мен сизга айтсам, отахон, дунё дегани қизиқ-да. Бошга тушганини кўз кўрар экан.

— Нима, бирор фалокат рўй бердимми?

— Аксинча, отахон, амакиваччангиз Абдулқодир илгари на ўқишни, на ёзишни биларди.

— Тўғри.

— Уруш бошланган пайтларда Абдулқодир шу маҳалламиз устидан масъул одам эди. Аъзолик бадали, қурол-яроғ, дори-дармон ва шунга ўхшаш нарсаларни тўпларди. Бир йил ўтгач, уни ва мени қамоққа олишди. У ёқдан-бу ёққа, у қамоқдан бу қамоққа, у марказдан бу марказга ўтказишаверди ва ниҳоят Барвоқийяда туриб қолдик. Мен шашка ўйнаб, қамоқдагиларнинг кийим-кечагини ямаш билан шуғулланардим. У бўлса, ўқиш-ёзишни ўргана бошлади. Аввал ўқийдиган бўлди, сўнг ёзишга ўтди. Ундан кейин китоблардан чиройли ибораларни ёдлай бошлади. Амакиваччангиз Абдулқодир мустақилликдан кейин ким бўлганини тасаввур қиласизми?

Шайх Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ каловланиб қолди. Уни бу савол ҳайратга солиб қўйган эди.

«У қанчалик нафратимни қўзғатса, ундан қанчалик жиркана бошласам, шунчалик ўзимдан ғурурланиб кетаяпман. Абдулқодир ўқишни ўрганган эмиш. Бўлмаган гап. Одамларнинг унга саводхон сифатида муомала қилишига ишонмайман... Тавба... маҳбус ва то-

либи илм, эҳтимол у министрдир, балки элчидир, балки ўринбосардир... Нима қипти... Балки партия идораларидан бирида ишлар...»

— Отахон, отахон, амакиваччангиз Абдулқодир мударрис. Ўрта мактабда домла.

— Нима? Домла? Шундай осонликча-я?

— Йўқ, осонликча эмас. Амакиваччангиз Абдулқодир ишни меҳнатдан бошлади. Аввал бошланғич мактабни тугатди. Сўнг ундан каттароқ ўқишга қатнади. Абдулқодир курашдан чарчамади. Университетга кириб ўқиди. Ҳозир амакиваччангиз ўрта мактабда мударрис. Гоҳ-гоҳ олдимга келиб туради. Қизим унинг мактабида ўқийди. Абдулқодир оилали, бола-чақали. Мана шу уруш нималар қилмади, озодлик нималар бермади, дейсиз.

Шайхнинг кўнглидаги ғашлик яна кучайди. Бутун гавдаси оғирлашиб, уни ерга тортаётгандай бўлди, нафаси қисила бошлади. Гурзи билан кимдир бошига ураётгандай бўлди. Аъзон баданидан тер қуйила бошлади. Юзининг ранги дам-бадам ўзгариб, ич-ичидан хўрсинди:

— Ҳа, ҳа...

Бародний нима бўлганини билмоқчи бўлиб сўраган эди, шайх боши ва панжалари билан «ҳеч нарса» дегандек имо қилди.

«Эрталабдан бери бошим айланади. Жуда иссиқ. Шаҳар ҳавоси ифлос, шовқин-сурон жонга тегди».

— Абдулқодир Сиди Мабрукда домлалар учун ажратилган бинода яшайди. Сўрасангиз у ердагиларнинг ҳаммаси амакиваччангизни танийди.

— Раҳмат, раҳмат. Шаҳарга қайтсаммикин деб турибман. Автобусга қаердан ўтирсам бўлади?

— Шифохонадан пастга тушасиз. Уқба Ибн Нофиъ¹ мактаби бўйлаб кўча охиригача. Мажозу-л-Ға-нам кўпригига етганингизда, автобус бекати кўринадди. Автобус ўтиб кетган бўлса, пича кутишга тўғри келармикин.

Тегирмон ишлаб турипти. Унинг ёнида турган эшак пашшаларни думи билан ҳайдамоқда. Эски мебель билан савдо қилувчилар молларининг нархи борасида

¹ Уқба ибн Нофиъ — 681—683 йилларда Жазоирни забт этган араб қўмондони.

ўзаро гаплашиб ўтиришпти. Тор хоналарда уч-тўрт кампир кускусий¹ чўзиш билан овора. Уларнинг ёнида дурадгор ниманидир михлаяпти. Шериги бўлса унга кўмаклашаяпти. Дарахт соясида бир сартарош қотмадан келган чолнинг бўйнига иккита зулук солиб қўйган. Эшиги берк омборхонадан тамаки тутуни билан бирга хиргойи товуши келиб турипти:

Таъсприн йўқотиб жимжимадор сўз,
Чақмоқ ибора ҳам бўлди бешидат.

«Тавба, Абдулқодир, отасининг ерни бой берган Абдулқодир мактабда мударрис бўлса-я. Яна домлар учун ажратилган бинода яшаса. Ахир бу алам қилмайдими? — ўзича ўйларди шайх Бу-л-Арвоҳ. — Қиёматнинг бошланиш аломатларидан бири шулким, бева-бечора, камбағал, ялангоёқларнинг барчаси иморат қуриш ишига ружу қилғай ва чўри ўз бекасига қарши исён кўтаргай. Қиёмат бошланиб, бу дунё фалокатга юз тутса, оналар эмизликли болаларини унутишади, оғироеқ аёллар ҳомилаларини ташлаб юборишади. Одамлар ичкиликсиз ҳам маст-аласт бўлиб қоладилар... Ҳақиқий зилзила туйғудан иборат. У зилзиладан олдин ҳам, кейин ҳам, зилзила пайтида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Силкинишнинг зарбидан дарё тубидаги лойқа-ю тош-қумлар ҳам ларзага келади.

Ҳазратим Сиди Рошид, балки юбораётган офатларинг шудир. Аммо, ҳазратим Сиди Рошид, бу жазога ҳамма тенг гирифтор бўлаяпти-ку! Гуноҳлилар ҳам, гуноҳсизлар ҳам. Зилзилани ўйлаб, тасаввур қилиш унинг юз беришидан кўра ваҳималироқ. Бечора Балбой, бечора Нину, бечора Тоҳир Бу-л-Арвоҳ, бечора Абдулқодир, мен ҳам бечораман... Падар лаънати ҳукумат бошлиқларига бизнинг еримиз эмас, жонимиз керак. Бизнинг ғам-ташвишда, ваҳимада қолишимизни хоҳлайдилар. Улар анави бадбахт қашшоқлар ичидан чиққан ёвузларнинг хоҳишига қараб, зоти паст қурумсоқларнинг хоҳишига қараб иш тутмоқдалар. Мен уларнинг сиртмоғига илиндим. Сезиб турипман... Минг лаънат сенларга, зўравонлар, жиноятчилар... Бечоралар... Йўқ, йўқ, бечоралар эмас, лаънатилар...»

¹ Кускусий — хамирдан тайёрланадиган таом.

Шайхнинг вужуди чарчоқдан бўшашди. Қўз олди қоронғилашди. Қаёққа кетаётганини, нима қилаётганини билмас, чархи дунё вужудини ларзага солар, оёғи остида ер гўё силкинаётгандек эди. У мактаб қаршисидаги қандайдир бино деворига суялди. Бир қўлини пешонасига қўйиб, иккинчиси билан кўкрагини чангаллади. У зўрға-зўрға нафас олар эди. Бир оз ўтгач, кўзларини очиб рўпарасидаги нарсаларнинг хаёл эмаслигига ишонч ҳосил қила бошлади.

Ярим ой шаклидаги Сиди Рошид кўприги шаҳарнинг қоқ ўртасида икки қават тор йўлак шаклини олган. У Сиди Рошид мақбарасига етганда, улуғворлик касб этиб, дарадан юқорилашар, устунлари остидаги бинолар турли хил бўёқдек ранго-ранг кўринар эди. Баҳайбат жарликнинг қирғоқлари гўёки кўприк билан аразлашгану унга яна яқинлашмоқчидек, лекин кўприк ўзини юқори тутиб, бунга йўл қўймаётгандек эди. Жарлик кенгая бориб, сўнг тораяр, пастликда қорамтир рангда сув ялтирар, сал юқорида яна бир кўприк бўлиб, ҳаракат қайнар эди. У Бардо маҳалласининг бир қисми ҳисобланган Жинону-т-Ташния маҳалласининг аҳолиси учун қурилган эди. Бу маҳалла Бардодан айрим сабабларга кўра ажралиб қолган бўлиб, даранинг қуйи қисмидаги текисликдан Сиди Мабрук тепалиги бошланадиган жойгача чўзилган. Унинг ортида сўппайган «Румоний» маҳалласи кўзга ташланади. Унинг бир қисми Мажозу-л-Ғанам кўпригига бориб тақалади. Кўприкнинг узунлиги тахминан йигирма метр. Муҳими шундаки, кўприкни қурганлар уни вақтинчалик иншоот деб билишган ва шунинг учун у томонидан ҳам, бу томонидан ҳам пойдевор қўйишмаган.

«Ҳа, Константинага энг мос тушадиган кўприк шу, чунки константиналикларнинг яқин фурсат ичида асфаласофилинга кетишларини, бир неча дақиқа мобайнида ҳаётларининг барбод бўлишгани шу кўприккина эслатиб туради».

Мана бу қорамтир рангдаги дара тубидаги сувда болалар чўмилишмоқда, хотинлар эса кийим-кечак, халта-хулталарини чайиш билан овора.

«Сиди Рошид назиримни қабул қилиб, дуоларимни ижобатга олса ва иккинчи йўлни танласа, унда мана бу катта жарлик қўшилиб, сув оқимига кўндаланг бў-

либ, кўнгилдагидек тўсиқ бўларди-да. Сўнг бу ерга сув тўплана бошларди. У кўтарилиб-кўтарилиб, охири дарахтлар қуларди, гуваладан қурилган пастқам кулбалардан асар ҳам қолмасди. Сув мана бу қоятошга ҳам чиқиб, тўфон бошланарди. Эй худоё худовандо, ер юзида бирорта ҳам кофир зотини қолдирмагин. Акс ҳолда, улар бандаларингни йўлдан оздирадилар. Уларнинг уруғи ҳам қуриб битсин!»

Абдулмажид бекатга келиб тўхтаган автобусга ўзини урди. Чўнтагидан танга чиқариб, минғирлади:

— Бобу-л-Қантарага.

Уриндиққа чўкди. Лўқиллаб оғриётган бошини кафтлари орасига олиб, кўзларини юмди. Бир оз чўзилгиси келди. Кошки эди иложиси бўлса-ю, атрофдаги одамларнинг гўнғир-гўнғирини эшитмаса.

— Қонстантинада катта-катта бинолар қурилар эмнш.

— Яқинда ишга туширилган йирик панелли уйсозлик корхонаси ҳали юртимизни уйларга тўлғазиб юборади.

— Ҳа, Жазоир ривожланмоқда.

— Лекин Франция ҳали ҳам йўлимизга ғов бўлмоқчи.

— Э... Еб тўймаган, ялаб тўярмиди?!

— Мана, Вьетнамда Американинг чуви чиқди.

— Вьетнам Совет Иттифоқидан кунига вагон-вагон қурул-аслаҳа олаяпти.

— Исроил билан баъзи араб давлатлари ўртасидаги низога ақлим етмайди. Исроил капиталистик давлат бўлса, араб давлатларининг ҳам талай қисми шу йўлда. Исроил Американинг югурдаги бўлса, араб ҳукмронлари орасида ҳам америкаликлар югурдаги бор. Исроил фаластинликларни ўлдирмоқда, араб мамлакатларининг ҳам анчаси фаластинликларга қарши.

— Араблардаги муаммо фақат Исроил муаммоси эмас, шунга ўхшаш Фаластин проблемаси ҳам биринчи навбатдаги проблема эмас.

— Мен унга у йигитдан узоқроқда юргин десам, у майли, ҳали у азобини кўп тартади, дейди. Мен ўшани яхши кўрадим, ёмон кўрадим, тушунолмай қолдим. Иккинчи томондан, мени ҳам яхши кўради, лекин уни ташлаб, мен билан кетмоқчи ҳам эмас.

— Ундан узоқроқ юр. У ифлос аёл. Қувватингни сўриб-сўриб, унга хиёнат қилгани каби охирида сенга ҳам хиёнат қилади.

— Ўшанда икковимиз тўшакда ётувдик. Устимизга эри кириб қолиб, рангида ранг қолмаса. Сапчиб ўрнимдан турдим-да, кийинмасданоқ ёқасидан тутдим ва деворга қадаб, бўғиб сўрадим: «Ҳа, бунақаси сенга ёқмаяптими? Нимага уни талоқ қилмайсан?» Шунда хотини ўрнидан туриб нима қилди денг?

— Нима қилди?

— Қўлига катта пичоқни олди-да, шанғиллаб менга ўқтала жетди: «Қўйиб юбор, бўйнини бўшат дейман! Бўлмаса каллангни сапчадек олиб ташлайман!»

— Биласанми, терговчига уни дадам эди, деган эмиш. Дадаси унга белини уқалатган эмиш-да, ётқи-зиб, тўшига тортган эмиш. Суддагиларга эса акам эди депти. Гўёки акасини ўзи ишга солган эмиш. Кўп ўтмай, у бу фикридан ҳам қайтипти. Дадам ҳам, акам ҳам эмас эди. Кечаси мен ухлаб ётувдим, кимнингдир шарпаси кўринди. У балки отамдир, балки акамдир, балки қўшнилариимиздан биридир, депти.

— Суд нима қипти?

— Ҳаммасини қаматипти. Отасини ҳам, акасини ҳам, қўшнисини ҳам, ҳаммасини, қизнинг ўзини ҳам.

— Қўлида ёғ бутилкаси билан навбатда турган эди. Навбати жуда охирида ҳам эмасди. Бироқ одамлар олдинга силжимай қолди.

— Нима бўлган экан? Сотмай қўйишиптими?

— Йўқ, шошмагин. Ўша атрофда тартибни сақлаб турган дружиначилар бор экан.

— Ҳарбийларданми ёки аҳолиданми?

— Ҳарбийми, аҳолиданми, барибир эмасми?!

— Йўқ, барибир эмас. Ҳарбий — ҳарбий, аҳолидан бўлгани бошқа-да?!

— Фарқи йўқ. Қонстантинада анчадан бери шунақа, мен сизга айтсам. Бир вақт қарасам, дружиначиларнинг бошлиғи сотувчининг ўрнига ўтиб, ҳали у ўртоғининг идишини тўлғазиб бераяпти, ҳали бу танишиникини. Ҳали у қизнинг илтимосини бажараяпти, ҳали бу хотинникини. Одамлар таажжубланиб, бир-бирларига қарашади, маъноли иборалар билан ишора қилишади. Лекин анави бошлиқ бўлса, эътибор ҳам бермайди. Бирор киши чурқ этиб овоз чиқарса-чи!

Шунда ўғлим чидамай бақириб юборди: «Бу қандай бемаънилик?!». Улардан бири ўғлим томон ўгирилди-да, сўради:

— Нима дединг?

— Ҳеч нарса! — жавоб берди ўғлим. Шу пайт дружиначилардан бири «Биздан норозимисан?» деб сўради. Сўнг дружиначилар бошлиғи яна ўқрайиб бақирди:

— Нима дединг?

Шунда ўғлимнинг жаҳли чиқди:

— Сенлар бу ерда тартиб сақлаяпсанларми, йўқми ўзи? Тўрт соатдан бери жазирамада навбат кутиб турипмиз-ку, бир қадам олдинга силжияймиз.

Шу пайт улардан бири ўғлимнинг ёқасидан тартиб, иккинчи қўли билан бурнига туширди. Ўғлимнинг бурнидан қон оқа бошлади. Роса калтаклашди денг. Устига устак, машинага солиб, қаёққадир олиб кетишди. Мана икки ой бўлаяпти, ундан дарак йўқ.

— Бу қанақа бемаънилик?!

— Нима дейишга ҳам ҳайронмиз. Яхшиси ҳеч нарса демаган маъқул.

Автобус «Ан-Нажма» қаҳвахонаси олдига келиб тўхтади. Абдулмажид Бу-л-Арвоҳ ўрнидан турди ва автобусдан тушар экан, ўзига-ўзи гулдуради:

— Аср намози қазо бўлмай ўқиб олай. Ал-Масъад ҳаммомида таҳорат оламан-да, ўша жойда ўқиб ола қоламан. Сўнг Бародийдан хабар топиш учун Раҳабату-с-Суфга ўтаман. Уларнинг энди менга зарурлиги ҳам йўқ. Аммо тақдирлари қизиқтиради мени. Ҳазратим Сиди Рошидга, қолаверса жияним Тоҳир Бу-л-Арвоҳга таваккал қилавераман.

АЛ-МАСЪАД КЎПРИГИ

«Ғарб бизни қурол билан енгган бўлса, унинг илм ва фани бизни танг қолдирган эди.

Емирилиб ётган бечора харсангтош... Биз уни ўнлаб асрлар хавфсираб ва шу билан бирга таажжубланиб томоша қиламиз.

Ғарб бу ерлардаги ер ости йўллари-ю, ғорларни бузиб ташлаб, ўрнига кўприклар тиклади. Бобу-л-Қантара, Сиди Масид, Сиди Рошид кўприкларида це-

мент ишидаги маҳоратини намоён қилди. Бу ҳам етмагандек, пўлатдан арқон эшиб, темирдан кўприк ясаб, уни ҳавога муаллақ осиб қўйди.

Ҳой харсангтош устида бетиним таҳлика ва ҳайратда яшаётган одамлар, бу харсангни биз аллақачон ўзимизга бўйсундириб олганмиз. Унг келган жойдан хоҳланг пиёда, хоҳланг транспортда юраверинг.

Агар Ғарб яна у ёки бу кўринишда қайтиб келадиган бўлса, балки ҳаётимизга илгаригидан кўпроқ янгилик киритар. Эҳтимол ён қўшнисидан устун келиш учун ҳамма ёқни ўқ-дорига тўлғазиб ташлар. Агар шу харсангтошгина эмас, балки таг-туғи билан ер силкинадиган бўлса, эҳтимол, ернинг тагини кавлаб, унга яширинар-да, харсангтошни тик турган минг метрлик устунга боғлаб тушар эди. Эҳтимол, мана бу кўприкларни осгандек, уни ҳам пўлат арқонга осиб қўйиб, тагида янги шаҳар барпо этар, ҳамда бирор планетанинг тортиш кучи таъсирига киритиб, ер билан осмон ўртасида учиб юрувчи самовий мавжудотдек муаллақ қолдирарди.

Унда биз нима қилардик? Эриётган харсанг устига тўпланардик. Бунинг устига ёғ, қанд, совун, қаҳва, унларни ғамлаб олиб кўпаяверардик, кўпаяверардик! Сотилмайдиган нарсаларни сотардик, олинмайдиган нарсаларни олардик. Туни билан бир-биримизникидан ўғирлик қилардик ва ўша ўғирланган нарсани жундузи яна бир-биримизга сотардик. Домино ўйнардик, ибодат қилардик, азон айтар, масжидлар қуардик. Ўйнардик, куйлардик, кулардик...

Оҳ, мана бу жарлик жуда-жуда чуқур-а. Тубида тошлар ва ўтлар орасидан қорамтир сув оқади, тепа-сида каптарлар ғамгин учади. Қайси томондан қараманг, жарлик ўткир бурчакли учбурчакка ўхшаб кетадики, унинг бир бурчаги жарликнинг тубида бўлса, икки ёни учинчи ён билан кесишмагани ҳолда кўз илғаган жойгача давом этаверади...

Ҳа, мана бу жарлик жуда-жуда чуқур...

Қурайш қабиласининг насл-насаби Иброҳим Ҳалилulloҳга¹ бориб тақалади, аммо Иброҳимнинг тақаладиган зоти йўқ. Арабларнинг ўзи ҳам Журҳумга,

¹ Иброҳим — ислом ақидасича, арабларнинг насл-насаби бориб тақаладиган шахс.

Қаҳтонга ёки Адийга¹ бориб тақалади. Уларнинг барчаси Яманда, Хадрамавтда, Ҳийрада, Наждда, Тихомада ёки Ҳижозда яшашган ва уларнинг насаби ҳам аввал арабийлашган аҳолига, ёхуд соф арабларга бориб тақалади. Уларнинг ҳаммаси қачонлардир йўқ бўлиб кетган...

Ҳа, мана бу жарлик жуда-жуда чуқур.

Биз бу ерда на арабларга бориб тақаладиган арабмиз, на барбарийларга бориб тақаладиган барбарийлармиз, на финиқийларга бориб тақаладиган финиқийлармиз, на румликларга тақаладиган румликлармиз...

Ҳа, бу жарлик жуда-жуда чуқур.

Турли мазҳабларни вужудга келтирдик ва охири улардан юз ўғирдик. Пайғамбарларнинг суннатидан бошладик, лекин ниҳоясида бидъатга ботдик...

Ҳа, мана бу жарлик тубида тошлар ва ўтлар орасидан қорамтир сув оқиб туради, унинг тепасида каптарлар ғамгин учади...

Мисрдаги араблар, Мисрдаги фиръавнлар, Шомдаги, Ироқдаги араблар, финиқийлар, бобилийлар, ваҳсийлар, курдлар, дурузлар — ҳаммамиз мана шу харсангнинг оғирлигига оғирлик қўшаяпмиз ва мувоzanатнинг бузилишига сабабчи бўлаяпмиз, холос. Энг ёмони шуки, қалбимизда муттасил зилзилани ҳис қиламиз. Аммо бирор чора кўриш ўрнига, манави харсангтошни қўрқиб-қўрқиб, шу билан бирга таажжубланиб томоша қилишдан нарига ўтмаймиз. Астаффируллоҳ... астаффируллоҳ...»

Шайх зинапоя олдидаги деворга суянар экан, ўзича нималарнидир пичирлар, юрагида умидсизлик, оёғи остидаги кўприк билан жарликдан кўзини узмасди.

«Хаёлимда нимадир кучли туғёндан дарак беряпти. Астаффируллоҳ... Яхшиси таҳорат қилай. Аср намозини ўқиб олгач, Ризқий Бародийни қидираман. У шу жойда, яқинда, Раҳабату-с-Суфда. Ундан кейин кетаман. Кечасига бу шаҳарда қолмайман...»

У турган еридан силжиш ўрнига, кўприк ва жарликка тикилгани ҳолда яна хаёлга чўмди...

«Бобом шундай ҳикоя қилган эди: Отам жуда зўр

¹ Журҳум, Қаҳтон, Адий — араблар тарихидаги қабила номлари.

одам эди. Қабила оқсоқоли ва йўлбошчиси бўлган. Французлар темир болғалари билан ўлкамиз дарвозасини тақиллата бошлаганда, қабиламиз улар билан қаҳрамонона жанг қилишга, денгиздан бўладиган ҳужумни ҳам, қуруқликдан бўладиган босқинчиликни ҳам қайтаришга тайёр турган. Қабиламиз мустаҳкам қалъага айланган, курашчиларимиз жанговар руҳда эди. Ушанда французлар отамга яширин одам жўнатиштипти: «Бизга дарвозани очиб берсанг бас. Сени ер билан таъминлаймиз. Қабилангга оқсоқол бўлиб қоласан. Сенинг ва оилангнинг ҳаётига биз кафилмиз». Отам шунда қабиладош жангчиларни тўплаб депти: «Биз ўзимизни мудофаа қилмаймиз, ҳужумга ўтишимиз керак. Сизлар ҳужумни сигнал беришим биланоқ бошланглар». Сўнг отам французларга киши юбориб, хабар берипти: «Мен жангчиларни қўлларингга топшираман, сизлар ваъдаларинг устидан чиқасизлар». Шундай қилиб, отам ўз одамлари билан ҳужумга ўтипти ва жангчиларимиз душман тайёрлаб қўйган тузоққа илинишипти. Шунда отам қабиладош жангчиларга қарата депти: «Ўзларингни ўзинглар ҳалок қилманглар!» Шу тариқа улар таслим бўлишипти. Начора, оллоҳнинг иродаси шундай экан. Отам дарвозани очипти. Французлар мамлакатга кириб, қурол ушлашга кучи етганларнинг барчасини қиличдан ўтказипти, аёлларнинг номусига тажовуз қила бошлапти. Бунинг эвазига отамнинг кўксига медаллар тақиб, оқсоқол қилиб тайинлашипти, унга жуда катта ер инъом этишипти.

Отам эса бундай ҳикоя қилган эди:

— Бобонг зўр одам эди. Отасидан унга медаллар, оқсоқоллик ва жуда катта ер мерос бўлиб қолган эди. Номуси топталган аёллар бирин-сирин туға бошладилар ва мамлакатда қурол ушлай оладиган йигитлар янгидан кўпайди. Французлар Мағриб ва Тунисни босиб олиш учун улардан қўшин тўплашга қарор қилишганда йигитлар норозилик билдирганлар ва тоғларга қочиб кетганлар. Бобонг ёлланганларни қуроллантириб, уларга қарши юриш қилган. Ўлган ўлиб, қолганлари тум-тарақай қочишган. Бобонгнинг кўксига медаллар яна кўпайган, мартабаси ҳам ошган. Аммо ерни мустамлакачилар билан бўлишишга тўғри келиб қолган. Отам отаси ва бобоси етган буюкликка

етмаган бўлса ҳам, лекин зўр эди. Отасидан қолган ерни ва бир неча медалларни қўлида сақлаб қола олган. У Шом жангидан қайтиб келганда елкасига қизил бурнус ташлаб, қонд¹ мансабига кўтаришган эди. Бу пайтга келиб, маҳаллий аҳоли ичида ерга эга бўлган ягона одам шу қолган эди. У бир куни менга насихат қилди:

— Ўғлим, Бу-л-Арвоҳлар тагли-зотли одамлар. Ўзига яраша обрў ва мол-мулкка эга. Лекин битта нуқсони бор, у ҳам бўлса, бу оилада илмли кишининг йўқлиги. Илм билан қўшилган мол-мулк ва обрў бошга кийилган тож билан баравар, ўғлим. Оиламиз шуҳрати мана бу қандилдан ҳам юқори. Аммо бизнинг ичимизда том маънодаги тождор йўқ. Яхшиси, сен Тунисга боргин-да, бошингга тож кийиб қайт! Том маънодаги подшоҳ бўлиб қайтгин, мен сенга Константинода қози мансабини эгаллашингга кафиллик бераман. Кўриб турибман, француз дунёвий илмини ўрганганлар бошқалардан фарқ қилмайдилар. Ҳар нима бўлганда ҳам уларнинг французлардан устунлик жойи йўқ. Агар сен одамлар ўрганмаган ва билмаган, одамлар бўйсунадиган, французларга ҳокимият ишида қўл келадиган соҳани эгаллаб қайтсанг, менинг ҳам, ўзингнинг ҳам ошиғимиз олчи бўлади. Хулласи калом, аканг аскарликка жўнайди. Сен бўлсанг, Тунисга Аз-Зайтуна дорифунунига йўл оласан...

Уйланиш масаласига келсак, мен Тунисга жўнамасдан олдин уйланганман. У пайтда энди ўн беш ёшга кирган эдим. Келин эса тўққиз ёшда экан. Тўйга турли жойлардан чавандозлар, танобчилар, хонандалар келишган эди. Қўй-қўзилар сўйилди. Яхшигина зиёфат бўлди. Эгнимга ипак бурнус, оёғимга ялтираган туфли кийгизиб, кечаси келин ёнига олиб киришди. Бажаришим лозим бўлган ишни тушунтиришганида, мен рад этдим ва беихтиёр йиғлай бошладим. Бу ҳолни кўриб, келинчак ҳам йиғлай бошлади. Бизнинг йиғимизни эшитиб, отам кириб келди ва қўлидаги бамбук билан иккимизни савалай кетди. Хуллас, бизни бирга ётишга мажбур қилиб, чиқиб кетди. Ташқаридан аёлларнинг зағрудаси² эшитилди.

¹ Қонд — амалдор, француз администраторнинг ёрдамчиси.

² Зағруда — аёлларнинг ўткир ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи кийкириги.

Бир ҳафта ўтгач, отам мени ўқишга жўнатиш тараддудига тушди. Юклар таппа-тахт эди. Бир кеча Константинода, бир кеча Суқ Аҳросда тунадик-да, отам мени Тунисга кетаётган танишлари қўлига топшириб, ўзи қишлоққа қайтди.

Тунисдан ёзда қайтдим. Хотиним Ойша уйда кўринмасди. Сурштирсам, вафот этган экан. Хотинимга кўп йиғладим, чунки ҳали эрлик вазифамни бажармаган эди. Тунисга кетмасимдан илгари мен «хотин», «хотинлик» сўзларининг маъносига тўла ета билмасдим. У ёнимда ётар, мени қучоқлар, мен билан ўйнашар, гоҳо ота-онасини эслаб йиғлаб ҳам оларди. Ҳа, уни вафот этган дейишди. Ҳақиқий фожиани эса, отамнинг кичик хотини гапириб берди:

«Уни сенинг отанг ўлдирди. Ҳа, отанг бўғиб ўлдирди. Тўртта хотини бўла туриб, унга «оёғимни ювиб қўй» депти. Уйга киритиб, ичкаридан эшикни берки-тиб олипти. Эртасига эрталаб қарасак, хотининг ўлиб ётипти. Қўйлагининг этаги томонида қон кўрдик. Юз-кўзлари кўкариб кетган, бўйнида панжа излари қолган эди. Йиғи-сиғи қилдик, жасадни ювмасдан дафн этдик. Отанг «ёш эди, ҳали гуноҳли ишлардан фориг эди, деб унамади».

Отамнинг кичик хотини ўша пайтда эндигина ўн олтига кирган эди. Мени ўзига ром қилишга тиришар, йўлимни пойларди. Бора-бора унинг ноз-карашмалари қаршисида ўзимни тиёлмадим.

Кўп ўтмай, акамнинг вафоти хабарини эшитдик. Мен унчалик хафа бўлмадим. Орадан саноқли кунлар ўтиб, унинг хотини ҳам Ойшага теккан «дард»дан вафот этди.

Йиллар ҳам шамолдек ўтиб кетди. Тортган қийинчиликларимга қарамасдан Тунисда хотинимга ҳеч бир эҳтиёж сезмадим. Шундай қилиб, ўқишим тугади ва мен Жазоирга қайтиб келдим. Отам эгнимга оқ жубба, бошимга тунисча шошийя ва унинг устидан ипак салла ўратиб, Константинога олиб келди. Оқ отга қўшилган файтунда шаҳарни айландик. Марказий майдондаги қаҳвахонага кириб бир оз ҳордиқ чиқардик. Шунда отам: «Бизнинг буюк жазоирлик эканлигимиз оддий француз бўлиб туғилганимиздан афзал», деди менга.

Отам ўзининг жазоирлик эканлигидан жуда фахр-

ланар, шундай бўлса ҳам, бошқа жазоирликлар унинг назарида ё хизматкор, ё қул бўлиб кўринар, гўё улар отам наздида оёқ остидаги гард эди. Мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида уруш бошланганда,¹ отам ҳам ўзини яҳудийларга кўрсатиб қўймоқчи бўлипти. Қўшни яшайдиган яҳудийни арқон билан бўғиб ўлдирмоқчи бўлганда, чоракори отамнинг қўлидан ушлаб қолган экан. Отам яҳудийнинг уйидаги барча анжомларини ташқарига чиқариб, от ва ҳўкизларга ортипти-да, ўзининг кулбаси томон ҳайдапти. У чоракорларга шундай дебди: «Сизларнинг ишларинг камаядиган бўлди. Демак иш ҳақларинг ҳам камаяди. Илгари бешдан бирга ишлаган бўлсаларинг энди еттидан бирга ишлайсанлар: тўрт қисми менга, икки қисми олдинги ҳўжайинларингга ва бир қисми ўзингларга».

Унинг гапига ҳеч ким эътироз билдирмапти, чунки отам уларни оч қолдирмаслигини яхши билишар экан.

Кечқурун уйимизга бир гуруҳ яҳудийлар билан жандармерия келипти. Уларнинг барчаси қуроолланган экан. Уйни ўраб олиб, отамдан таслим бўлишни талаб қилишипти. Отам рад этипти. У таслим бўлса, иш ўлим билан тугашини билган экан-да. Жандармларга шундай дебди: «Яҳудийлар кетсин, сизларга таслим бўламан. Отам — Бу-л-Арвоҳ оға, бобом — Бу-л-Арвоҳ бош оға бўлган. Французларга мамлакат дарвозасини бобом очиб берган, қулларни отам эгиб берган, мен бўлсам, Мағрибда, Шомда, Ҳалабда, Ҳомсда, Тартусда жанг қилганман. Ҳаммамиз ҳам бообрў кишилармиз. Яҳудийлар кетсин, ихтиёрим сизларда. Қонун — менинг ўзим. Мен ҳам ҳокимиятнинг бир қисмиман. Бу хусумат биз билан французлар ўртасида эмас, биз билан яҳудийлар ўртасида».

Бироқ яҳудийлар жойларидан жилишмапти. Ташқарида ўқ овози эшитилипти.

Қоронғи тушгач, отам бир қора отга миниб, кўздан ғойиб бўлипти. Кейинчалик бу ишга Балбой, Ибн Жаллуд, Момиларнинг одамлари аралашипти. Отам пора бериш ва даволаниш мақсадида бор қўй-қўзила-

¹ Бу ерда 1948—1949 йиллардаги биринчи араб-исроил уруши назарда тутилган. Бу уруш араб мамлакатларидаги оммага кучли таъсир кўрсатган.

рини сотишга мажбур бўлипти. Уни отаси ва бобосининг ўтмишдаги хизматларини эътиборга олиб оқлашган бўлса-да, орадан уч ой ўтар-ўтмас Константинадан ўлиги топилди. Ўласи қилиб калтаклаб, жарликка улоқтиришган экан. Кўприк тепасидан улоқтиришган бўлса ажаб эмас.

Бу ҳодисадан кейин уч ой ўтгач, отамнинг кичик хотини Ҳанифа вафот этди. У ҳам Ойша ва янгам қандай вафот этишган бўлса, шундай йўл билан охиратга равона бўлди. Бечора Ҳанифа... Менга худди хотинимдек муомала қиларди. Хизматимни қиларди. Мени ҳимоя қиларди, гоҳо уялар, гоҳо ҳовлимизнинг у бурчак-бу бурчагида «тасодифан» менга рўпара келиб қоларди. Онам эса ҳеч нарса демас, бирор гап гапирсам, шундай дерди: «Мен сенинг сингилли бўлишингни қанчалар тилаган эдим, худо сенга сингил ўрнига бечора Ҳанифани раво кўрган бўлса нима қилай. Биз ўғилдан ҳам кўра қиз болага кўпроқ умид боғлар эдик. Отангнинг бошқа хотинлари туғишган бўлса ҳам, туққанлари бешикдалигидаёқ нобуд бўлишди. Мен бўлсам сендан кейин бошқоронғи бўлмадим. Раҳматли отанг умрининг охирида биз тўрт хотинини ташлаб, Константинода бир яҳудий аёлга уйланган эди».

Бечора Ҳанифа, ёш кетди. Сабр қила-қила адоий тамом бўлди, бечора Ҳанифа.

Отамнинг иккинчи хотини мени ёмон кўрарди. Қарғагани-қарғаган эди: «Бойўғлига ўхшамай ўл, наҳс! Дунёга келиптики, азобдамиз. Шу хонадонда туғилган бола борки, ўлиб қолади. Келин бўлиб тушган аёл ҳам худди шундай... Хотинининг бошини еди, ўгай акасининг бошини еди, янгасининг бошини еди. Мана энди дадасининг бошини еяпти. Ҳали бу хонадондагиларнинг ҳаммасининг бошига етади. На қўшниси, на қариндоши қолади. Сўппайиб бир ўзи қолади, бу мурдор! Бу-л-Арвоҳлар хонадонининг инқирози мана шу шумтаканинг қўлида!»

Отамнинг учинчи хотини қайнонам ролини бажарарди. Ҳанифанинг жаҳли чиқса, унинг ҳам жаҳли чиқарди. Унинг жаҳли чиққани сари, буниси меҳрибонлик қиларди. Ҳанифани ювинтирар, атир-упа септирар, менга рўпара бўлди дегунча Ҳанифадан оғиз очарди. Ўша кун кечаси онам эшикни тақиллатгани

эсимда. Ҳанифа ўрнидан турди-да, тунги либосида эшикни очган эди, онам деди: «Худодан бошқа паноҳим йўқ. Э худойим, ўзинг нажоткорсан! Лутфинг катта, раҳматинг улуг! Уғлимга айтиб қўй, кимдир уни чақираяпти».

Ҳанифа хабардор қилиш учун ёнимга қайтиб келди. Унга тикилиб қарадим. Баданим қизиб, қалтирай бошладим, кўзларим қонга тўлган эди. Панжа излари билиниб турган моматалоқ бўйни билан Ойша кўз олдимда гавдаланди. Унинг ёнига янгам ҳам келиб қўшилди. Кўзим ҳеч нарсани кўрмас, вужудимда қандайдир ғайритабиий куч ҳис қилдим... Ҳанифага ташландим. У ҳам осонликча таслим бўла қолди. Аввал юзи кўкара бошлади. Бўйнида панжаларимнинг изи қолди...

Дафн этдик. Етти кун ўтгач, онам қазо қилди... Яна етти кун ўтказиб, отамнинг иккинчи хотини уйимизни ташлаб жетди. Яна етти кун ўтгач, учинчи хотинини ҳам тупроққа қўйдик...

Қишлоқдан Константинога кўчиб келиб, ислоҳотчилар билан бирга ишлай бошладим.

Уйландим. Иккинчи хотиним фарзанд билан мени хурсанд қилишга ваъда берди. Фақат у эмас, онаси ҳам, онасидаги барча яқинлари ҳам ваъда қилишарди. Бир йил кутдим, иккинчи йил кутдим, учинчи, тўртинчи йил кутдим. Бешинчи йил бошланай деганда, қорнида нимадир қимирлаётганини айтиб қолди. Бошим осмонга етди. Бироқ бир ҳафта ўтмай, хотиним ғойиб бўлди. Кейин маълум бўлишича, фарзандининг ҳақиқий отаси — амакиваччаси билан ҳозир Францияда эмиш...

Мен яна қишлоққа қайтиб келдим. Бу ерда бир чоракорнинг кўҳликкина хотини диққатимни тортди. Мен у хотинни қизи билан ҳовлига олиб кирдим-да, устидан беркитдим. Эри бир неча кун нимадир демоқчидек уйим атрофидан кетолмади. Кунлардан бир кун кечқурун олдимга келди:

— Ассалому алайкум, шайхим.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуху.

— Сизга бир нарса демоқчийдим.

— Нима демоқчийдинг? Қорнинг очми?

— Йўқ.

— Бирор нарсага муҳтожлигинг борми?
— Йўқ.
— Сени хафа қилишаяптими?
— Йўқ.
— Бўлмаса нима демоқчийдинг?
— Айтмоқчийдимки, одамлар...
— Нима одамлар?
— Гапиришаяпти.
— Одамларга қандай қилиб гапирма дейман?!
— Айтмоқчи бўлган гапим шуки...
— Нима айтмоқчи бўлган гапинг? Бор, бор, кў-
зимдан нари тур!

Чоракор истар-истамас жойидан қўзғалди. Отхона орқасига ўтар экан, мен томонга ўгирилди-да, анча вақт тикилиб қолди.

Бир неча кун яна бошини ҳам қилганича ҳовлим атрофидан кетолмади ва ниҳоят олдимга келди:

— Ассалому алайкум, шайхим.
— Уфф... Сенмисан, яна келдингми?
— Ҳа, менман. Яна келдим.
— Нима демоқчисан?
— Одамлар гапиришаяпти.
— Нима дейишаяпти?
— Мени қўшмачисан дейишаяпти.
— Сенга нима?!

— Чиндан ҳам, шайхим, олдингизда хижолатдаман. Бобом бобонгизга хизмат қилиб ўтган. Отам отангизнинг хизматида бўлган. Мен бўлсам, аввал отангизга, энди бўлса, сизнинг хизматингиздаман. Марҳума онангиз мени яхши кўрардилар. Мени уйлантирган ҳам ўшалар.

— Иккидан бирини танла: ё Францияга жўнаб кетасан, ё бўлмасам, биласанми, қаерга жўнатаман?

— Қиз сизга бўлсин, лекин онасини ўзимга қайтариб беринг.

— Сен ё Францияга жўнашинг керак, ёки сургунда чиритаман.

— Хўп бўлади, шайхим.

Эртасига пороходда уни Марселга жўнатиб юбордим.

Бўйида бўлиб қолган деган гумон у хотиннинг ҳам, менинг ҳам хаёлимдан ўтар эди. Ойлар ўтди. Бир куни кечаси қизи дарвозани тақиллатиб, нимадир деди-

да, ғойиб бўлди. Вужудимдан қандайдир аланга кўтарилди. Кўзимга Ойша, сўнг янгам ва ниҳоят Ҳанифа кўрингандай бўлди. Бошим айланиб, кўз олдим қоронғилашди...

Эртасига эрталаб... у хотин моматалоқ бўлиб кўкариб кетган, бўйнида панжа излари кўриниб турарди. Дафн этдик.

Шундан кейин қизни олиб Константинага келдим. Бу пайтда у Ойша билан тенг эди. Тоби қочди дегунча, қорнини пайпаслашга тушардим.

Орадан икки йил ўтди. Қиз анча катта бўлиб, қорнини ушлашимнинг сабабини тушуна бошлади. Тез-тез уйдан ғойиб бўлиб қолар, бирор жойга кетиш-кетмаслигимни ўсмоқчилаб сўрарди.

Бир куни эртага узоқроқ сафарга жўнайман, дедим. Кўзлари хурсандликдан порлаб кетди. Эртасига чемоданни кўтардим-да, кўчага чиқиб, шаҳарни учтўрт соат айланиб уйга қайтдим. Қайтишимни кутмаган шекилли, аввал юзлари қизарди, лаблари титраб, оёқлари қалтирай бошлади. Мен кўзларимни қадаганим сари, у бошини қуйи солар, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди.

— Нима қилдинг?

— Ҳеч нарса.

— Нима қилмоқчи эдинг? — қўлим билан иягини кўтардим, — кўзларимга тикилиб қара-чи!

Қиз бошини кўтарса-да, нигоҳини олиб қочди. Шу пайтда кўзимга жуда чиройли кўриниб кетди. Икки бетидаги билинар-билинемас қизиллик, сурма тортилгандек сузук кўзлар, ёқутдек лаблар... Иягидан ушлаб ўзимга тортдим. У ҳам қаршилиқ қилмади. Лабларидан ўпиб, бағримга босдим. «Сенга фарзанд тортиқ қилмоқчиман. Билиб турибман, уни сен интизорлик билан кутаяпсан. Мен сеникиман, фақат сеники», у ўзича шивирлаб такрорлар, чиройли кўзларидан тинмай ёш оқар эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, уни ҳам тупроққа қўйиб, Константинага қайтдим. Бошқа уйланмасликка қарор қилдим. Аммо орадан етти ойлар чамаси ўтгач, негандир ёлғизлик жонимга тега бошлади. Кечалари вужудимдаги қоронғилик юрагимни эзар, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, алланималарни тимирскилайман, қўлимга ҳеч нарса уринмайди. Хизматкорларимнинг айти-

шича, уйқумда Ойшани кўп сўроқлармишман. Лекин эрталаблари биргина нарсани эслай олардим: борлиғимни қоронғилик қамраб олар, баданим қизир, панжаларим нимадир излай бошларди.

Баъзан биратўла еттига хотинга уйланмоқчи бўлардим ҳар бирига биттадан хизматкор белгиласам дердим. Йигирмата хотин олишни ўйлардим, ҳар бирининг мендан бўлақ еттигадан эри бўлишини хаёл қилардим. Гоҳида биратўла юзта болани боқиб олсам дердим. Назаримда, ўзим хотин кишига айланардимда, миллионта йигитга тегиб, миллион бола туғсам дердим. Баъзан Руммол дарасидек чуқур кавласам-да, юзта хотинни, юзта ота-онаси билан юзта гўдакни ташласаму устидан бутун дарани эгаллайдиган сут анҳорини қуйиб юборсам. Фикрларим айқаш-уйқаш, ҳеч нарса қилолмасдим. Бироқ бир вақтнинг ўзида иккита хотинга уйландим. Ўз-ўзимга баъзан: бири ҳожимият бўлса, униси шарият, баъзан: буниси арабийлик бўлса, униси барбарийлик, баъзан: буниси дини ислом бўлса, униси христианлик деб қўярдим. Ҳар сафар иккаловига кўзим тушганда, зиддият хаёлимга келар, ўзимни подшоҳлардек кучли ҳис қилар, отам айтганидек гўё бошимда тожим бордек эди. Қалтакласам ҳам, икковини тенг қалтаклар, эркалатишим ҳам иккалови учун тенг бўларди. Тўшакдаги муомала ҳам иккалови учун баробар бўлар, ҳатто бўйида бўлишни ҳам иккаловидан тенг сўрардим. Бир куни эрталаб уйқудан турсам, иккалови ҳам йўқ. Кўп ўтмай, маҳкамадан талоқ хати талаб қилинган қоғоз олдим.

Яна ёлғизлик бошланди. Ҳадсиз-ҳудудсиз ерга эга бўлдим, шарияту сарф-наҳви ўргандим. Хаёлим гоҳ туганмас тоғларга, гоҳ тубсиз жарликка қараб кетади. Ҳали юқори чўққиларга чиқаман, ҳали тубсизликка шўнғийман. Лекин ҳар сафар ўрнимнинг ўзгармаганини кўраман.

Бироқ вақт ўз ишини қилапти. Константинадаги харсангтош каби кексайиб бораёпман. Қорамтир сувнинг таъсирида жарлик ҳам қорайиб кўринапти.

Бир яҳудий аёл билан танишиб қолдим. Мен туғмас хотинман, сен ҳам менга ўхшаб бепушт экансан. Икковимиз қовушсак, бирорта болани асраб олсак ҳам бўлади, деб қолди. Хуллас, қовушдик. Хизматимни кўнгилдагидан аъло қилиб бажарарди. Ҳаётим ҳам,

туриш-турмушим ҳам анча яхшиланди. Францияга бордик. У бой хотин эди, мол-мулкни мендан аямасди. Рост гап, бекамикўст аёл эди. У билан ғоят бахтли эдим, ҳеч бўлмаганда ундан ғоят миннатдор эдим. Лекин асранди олиш масаласида орамиздан ола мушук ўтди:

— Биз яҳудий бола оламиз.

— Йўқ, биз оладиган бола мусулмон бўлиши керак.

— Яҳудий оламиз. Менинг ҳам мол-мулким бор!

— Мен сендан, молим молингдан афзалроқ. Мусулмон оламиз!

— Ундай бўлса, иккита оламиз — мусулмон қиз ва яҳудий ўғил.

— Йўқ, мусулмон ўғил ва яҳудий қиз.

— Иккита ўғил оламиз: бири мусулмон, бири яҳудий.

— Мен бор уйда яҳудий боланинг туриши мумкин эмас!

— Сен мутаассибсан!

— Мутаассиб сенсан!

— Мен эмас, сен, сен!..

Тарсаки солиб юбордим. У ҳам бўш келмади. Менга тарсаки билан жавоб қайтарди-да, уйни ташлаб чиқиб кетди. Мени талоқ қилган эди. Жинни эканман, у ҳам тентак экан. Шундай васвасага тушдимки, чеки йўқ. Фақат хотинимдан эмас, катта мол-мулкдан ҳам ажралган эдим. Эсиз кетдинг, Сора, мен сенга йиғи соламан, фақат сенга эмас, менинг хонадонимга кириб улгурмаган яҳудийми, насронийми, мусулмонми бўлган асрандига ҳам йиғи соламан. Ҳа, икковингларга йиғи соламан. Ҳа, икковингларга ич-ичимдан йиғи соламан. Мен билан сен, Сора, ҳеч қачон урушмаслигимиз керак эди. Икковимиз дунё тўплаган эдик, икковимиз бепушт эдик, икковимизни айрилиқ бирлаштирган эди. Нима учун биз мурсога келолмадик? Асрандимиз диндор бола бўладими, худосиз бўладими, бизга барибир эмасмиди?! Аҳмоқ экансан, Сора, мен ҳам аҳмоқликда сендан қолишмас эканман. Худо бизга нисбатан адолатсизлик қилди. Нима бўлса ҳам, Сора, биз биргамизми, бошқа-бошқа жойдамызми, руҳимиз бирга, биз эр-хотинимиз. Ҳатто бизни минглаб мил масофа ажратиб турса ҳам, ҳали на сендан, на

мендан туғилмаган ўша асранди фарзанд хоҳиши бирлаштириб туради. Ҳа, ёлғизлитим узоққа чўзилмади. Ёлғизликка бардошим ҳам тугаган эди. Энди менга ёш, бокира қиз тўғри келмас, илинжим жувон хотинларда эди. Бокиралардан ўзимни олиб қоча бошладим. Йигитлик ҳирсиятимдан бенасиб қолган хотиним Ойша, туғилиш бахтига муяссар бўлмаган синглим, қолаверса қизим...

Баскарага бораётиб, биттасига илиқиб қолдим. Сиди Ақабада мерос ери бор экан. Қовушиб қўя қолдик. Мерос ерини ўзимникига қўшиб олдим. Шундай қилиб ўртанган кўнгиллар бирлашди. У ҳам ўз навбатида юрагида қоронғулик сезар, ҳар сафар янги ой чиққанда, тутқаноқ касали хуруж қиларди. Касали бошланганда у йиғлай бошлар, кейин ўлганларни эслаб уввос солар, бетларини тирнаб, кўйлақларини юлиб солар, ёқа йиртиб, ерга ағанарди. Шу алпозда икки кечаю икки кундуз ҳеч нимани билмай ётар, кейин ўзига келиб, бўлган воқеани сўрай бошларди. Авваллари мен бундан жирканиб юрдим, аста-секин кўникдим. Кейинчалик шунчалик ўрганиб кетдимки, тутқаноқ бошланадиган пайтини айтиб берадиган бўлдим. Хотиним ўлиб кетган Ойшани, Ҳанифани, Сорани, отам, акам, янгамни, юраги қоронғиларнинг барчасини эслаб йиғи соларди. Дарди ўтиб кетгач, мен билан бир кеча бирга бўлар, шундан кейин у ҳайитдан бу ҳайитгача яқинимга йўламас эди. Гапимиз ҳам бир-бирига қовушмас, хусусан укаси Амморни ҳайдаб юборганимдан кейин фақат мерос ҳақида гаплашар эдик».

— Шу кўприкка қанча темир сарф бўлдийкин? — ёнида турган одамнинг ҳайратланиб шеригига берган саволи шайхнинг хаёлини бўлди.

— Гап сарф бўлган темирнинг миқдорида эмас, ишлатилган техникада, — жавоб берди суҳбатдоши.

Шайх икковига тикилиб қаради. Йигитлардаги синчковликни кўриб сўкинди. Уларнинг эғнида деярли бир хил ранг ва бир хил бичимда тикилган кўкиш жинси, қавариқ кўкраклари, дуркиллаб турган мускуллари айни кучга тўлганликларидан далолат беради.

«Студентлар бўлса керак», ўзича деди шайх. Сўнг жарликка ўгирилиб, ўзи билмагани ҳолда шивирлай бошлади:

— Ҳа, бу жарлик жуда-жуда чуқур. Тубида лойқа сув оқмоқда. Тепада каптарлар вазмин парвоз қилмоқда. Харсанг жуда бўш. Халойиқ бўлса, кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Эртами-кечми бу харсанг уларга торлик қилиб қолади, тошига тош қўшилади. Одамлар шу харсанг устида туриб, жарликка тааж-жуб ва даҳшат билан назар ташлайдилар. Ҳа, ўзлари сезмаган ҳолда зилзилани бошдан кечирмоқдалар. Уларнинг қўлидан на бу типда кўприк қуриш, на ер ости йўли очиш, на бу харсанг устида бирор бино барпо этиш келади. Ишлари фақат харсангнинг оғирлигига оғирлик қўшиш, холос. Йўқ, ҳазратим Сиди Рошид, йўқ! Яхшиси, сен биринчи йўлни — исён алангасини бошла, чунки ҳали давоси топилмаган қора вабо ўша! Ҳазратим Сиди Рошид, бу харсанг устидан отамнинг бобоси қадам босган, бобомнинг, отамнинг, қолаверса, ўзимнинг изларим бор. Бу харсанг устида гоҳ хурсандлик билан, гоҳ ғамгинликда, гоҳо фахрланиб, гоҳо ўкинч билан Бу-л-Арвоҳлар авлодининг юраги тепган. Шунинг учун, ҳазратим, бу харсангни омон сақла, ҳеч бўлмаса, хотирот учун омон сақлагин. Бу-л-Арвоҳлар сулоласининг Қаъбаси шу ер.

— Илмий маълумотларга асосланган аниқ текшириш ишлари олиб борилмас экан, катта ўпирилиш юз бериши турган гап.

— Қаранг, мана бунга қаранг. Зироат маркази шу-ку! Бутун Жазоир, бутун Африка шу-ку! Осиё дегани шу-ку! Зироатга асосланган дунёнинг ўзи шу-ку! Одамлар бунда ёзда қирқ кун, кузда қирқ кун ишласалар бас. Бошқа вақт улар саёҳат қилиш билан вақт ўтказадилар.

— Шошилинич равишда дадил ва муфассал текширув ўтказиш керак.

Шайх Бу-л-Арвоҳ қулоқ солиб турди. Сўнг суҳбатлашаётганлар томон ўгирилиб қаради. Бир йигит ва бир қиз. Студентлар бўлса керак, чунки бир неча қадам нарида университет биноси жўриниб турипти. Улар жарликка қараган ҳолда жиддий суҳбатлашишар эди. Шайх уларга бир дам тикилиб қолди ва нима учундир беихтиёр овозининг борица деди:

— Ҳазратим Сиди Рошид, эй оқилларнинг оқили!
Ё катта аланга, ё қора вабо, ё даҳшатли зилзила кел-
тиргин!

ШАЙТОН КЎПРИК

— Машинани Суқу-л-Асрда қолдираман-да, Раҳа-
бату-с-Суфгача пиёда бораман. Ризқийни топаману
йўлга отланаман. Бу ерда бир лаҳза ҳам қолишга
тоқатим йўқ, — шайтон кўприк устидан маши-
насини елдек учириб борар экан ўзига-ўзи деди
шайх.

У яҳудийлар маҳалласидан ўтиб, Тотош Бил-
Қосим кўчасидан кета бошлади. Кўча автомобил-
лардан ҳоли бўлса ҳам, у машинасини секин-
латди.

«Ким билади? Бу ерда болалар ини бузилган ари-
дек тўзигани тўзиган. Маҳалла деярли ўзгармапти.
Ия, Абдулҳамид Ибн Бодис институтини бу ерга кў-
чиришипти-да. Кўрайлик-чи, яҳудийларнинг майит
ювадиган жойи нима бўлдийким? Ҳа, дуруст, бошлан-
ғич мактаб ёки диний муассасага айланипти. Чакки
эмас. Яҳудийларнинг иморати дунёнинг қаерида бўл-
масин, бир хил бўлади. Бир қаватли, нақшлари бир
хил, деразасининг ойнаси деворга қўшилиб кетган.
Қизиқ, бунда қандай мантиқ бор экан? Бундан қан-
дай фалсафа чиқаришаркин? Шарқда ҳам, Ғарбда
ҳам, саҳрода ҳам, қир-адирда ҳам бир хил шакл, бир
хил кўриниш. Гўёки Тавротда бу ҳақда кўрсатма бор-
дек ёки бирор буюк олим бу ҳақда таълимот яратган-
микин?! Агар бундай бўлмаса, унда бу руҳиятни бил-
диради, яъни ҳушёрлик, бирга яшаётган халқларга
нисбатан ишончсизлик ва улар орасига писиб кириш
руҳи. Яҳудийлар истиқомат қиладиган уйнинг дераза-
лари ёпилгач, ташқи томондан жуда ҳам хунук кўри-
нади, гўё сеҳрли бир дунёнинг эшиклари ёпилгандай
бўлади. Улар давлатларини ҳам худди шу иморатла-
ри услубида қуришган: дераза ойналари деворларга
ёпишиб кетган, бутун оламни улар кўра оладилар.
Лекин оламнинг уларга назари тушмайди. Арабларни
чиқариб юборадилар, бу ҳам етмаганидек, уларни
узоқ-узоқларга ҳайдаб юборадилар...

Мана бу илгариги «Умол» ўрта мактаби. Лавҳада-
ги хатнинг расволигини қаранг! Ҳм, «Ризо Ҳуҳу»¹. Бу-
нинг устига уни қора рангга бўяб қўйиштипти. Гўё у
казарма ё қамоқхонадек. Ҳа, мана бу ердан хароба-
лик бошланар экан. Манави бинолар эски. Эҳтимол
французлар келмасидан анча илгари қурилгандир. У
гувала ва хом ғишдан қурилган, цемент ишлатилма-
ган кўринади. Балки у турклардан қолгандир. Йўқ,
ундан ҳам илгари қурилган. Тентак Ибн Халдуннинг
айтишича, араблар қурган иморатдан кўра бошқала-
ники пишиқроқ ва чидамлироқ эмиш. Чунки араблар
иморат учун тезда сув тўпланиб қоладиган ёки вабога
гирифтор бўладиган чуқурлик ерни танлашармиш.
Бошқалар эса, тупроғи пишиқ, ҳавоси мусаффо тепа-
ликка уй қуришар экан... Аҳмоқ Ибн Халдун тарихчи
эмас, адиб бўлган. Ибн Халдун ўзининг мулоҳазасини
ҳеч қаерга битмас эди, шунингдек у ўқиб ўрганар,
лекин ёдламас эди. Сафсатабоз, лекин шунга қара-
май, суннат тарафдори эди. Муътазилийларга², фай-
ласуфларга, раъй тарафдорларига қарши эди. Ибн
Халдун сиёсатчи эди, холос... Ҳазоирда масалани ҳал
қилишнинг йўллари жуда кўп. Ёки ундай, ёки бундай.
Униси бунисига тескари, буниси унисига... Французлар
ёки ерни тўғридан-тўғри босиб олиб, мустамлакага
айлантиришлари ва у ерда икки асрга яқин қолишла-
ри мумкин эди, ёки ҳаммалари, шу жумладан, уларни
қўллаб-қувватлаган ва уларга қўшилган кишилар
ҳам, ташлаб чиқиб кетишлари мумкин эди. Яҳудийлар
улар учун чекиниш чизигини ҳам қолдиришмади. Улар
Ҳазоирда бошқаларга алданишди. Ҳа, умид эшигини
ёпишган жойда алданишди. Чиндан ҳам улар тарихга
лаънат ўқидилар. Заковат уларга қўл келмади. Улар-
га гоҳида ўз шахсиятларини Францияда ҳимоя қи-
лишга тўғри келди, лекин унга Ҳазоирда муваффақ
бўлдилар. Бунинг учун улар француз шахсиятига, гер-
дайган мустамлакачилик шахсиятига тақлид қилди-
лар. Улар ўзларидан ҳам, атрофдаги бошқа халқлар-

¹ Шайх Аҳмад Ризо Ҳуҳу (1911—1956) — Ҳазоирдаги Ула-
молар Ассоциацияси ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг
кўзга кўринган намояндаси. Араб тилида ёзилган биринчи
Ҳазоир романининг («Мақкалик қиз») аuctори.

² Муътазилий — ислом дини оқимларидан бири.

дан ҳам умидларини уздилар ва тажовузкорликдан ҳайратга тушдилар. Улар Константиннинг ҳукмдори эдилар, фақат бу шаҳар аҳолисини эмас, қарамлик натижасида бутун Шарқнинг аҳолисини улар бошқарар эдилар. Қўйдириладиган тилла тишнинг сонини улар белгилардилар. Одамлар чурқ этмасдилар. Келинчакка бериладиган тилла буюмларнинг миқдори ҳам улар томонидан белгиланарди. Бу ҳақдаги қарорлари ҳам сўзсиз бажариларди. Ҳатто у ёки бу фаслда кийилиши лозим бўлган кийимликнинг турини ҳам улар аниқлаб берардилар. Савдо-сотиқ уларнинг манфаатига бўйсунарди. Шу билан бирга улар мустамлакачиларнинг малайи эдилар. Бироқ бу халқнинг келажагига алоқадор бирор қонун чиқара олмадилар ва тўсатдан улар юklarини йиғиштириб, бири оғир, бири енгил, таассуф билан, ҳалокатга учраб қоча бошладилар. Французларнинг куни уларнинг бошларига тушган эди. Шунда чор атрофдан ўраб турган халқдан ажралиш учун чуқур жарлик кавладилар, сўнг тепасидан одам ўта оладиган кўприк қуришди... Яҳудийлик ҳақида бир назария мавжуд: яҳудийлик савдо-сотиқ билан шуғулланиш ва унга яшаш воситаси деб қарашдан ҳосил бўладиган руҳиятдир. Ҳар қандай одам ҳам, ҳар қандай одамлар жамоаси ҳам савдо-сотиқ билан ва унга яшашнинг ягона воситаси деб қараш билан яҳудийга айланиши мумкин, шу билан бирга ҳар қандай одам ҳам, ҳар қандай одамлар жамоаси ҳам савдо-сотиқ иши билан у ёки бу даражада яҳудийга айлана олади. Бу назария ҳақиқатга анча яқин. Аммо жазоирлик яҳудийлар савдо-сотиқ чегарасидан чиқиб, ҳокимият ишига аралаша бошладилар: амалдорлик мансабларига ўтирдилар, ерларга кўз олайтира бошладилар, саноатни чангалларига олдилар. Қарабсизки, алданиб қолишди. Ҳа, уларда яҳудийлик етишмас эди. Шунинг учун ҳам тарихни лаънатладилар. Французлар енгилиб, мотамсаро чиқиб жетишар экан, орқаларидан қолган-қутганларини елкага осиб, яҳудийлар ҳам жўнаб қолишди.

Агар улар қолишганда нима бўларди. Агар Константина, пойтахт, Ваҳрон, Тилимсон яна яҳудийларнинг макони бўлса-да, савдо ва иқтисод улар қўлида бўлса-чи? Кескинлик, шубҳасиз, кам бўларди. Шаҳарга келиб ўлтириб олган қишлоқиларнинг кўпчили-

ги қишлоқларида қолишган бўларди. Сиёсатдаги кескинлик ва сўллик йўқоларди. Масалани енгиллатиш ва кескинликни юмшатиш унчалар мушкул бўлмас эди. Ишлар бу даражада аралаш-қуралаш бўлиб кетмасди: иккинчи ё учинчи даражали қаҳвахонаними ёки чойхонани олайлик. Бир ёнда йигит билан қиз бир-бирининг пинжига суқулиб ўтирса, бир ёнда мўйсафид қуръон тиловат қилади. Унинг ёнида яна бири тасбеҳ ўгириб, худога ҳамду сано ўқийди, нарироқда тухумфуруш ёки шунга ўхшаш бошқа бир баззоз. Орқароқда миллионер, унинг ёнида ҳеч вақосиз гадоивачча. Ҳар ҳолда одамлар бир-бирини фарқловчи чегарани сақлаган бўлардилар. Ахир худойи таоло одамларни турли табақада, турли мартабада яратган-ку! Ҳа, аслзодалар жуда оз қолишди. Қора халқнинг хужумини қайтаришолмади. Қаҳру ғазаб, дод-вой билан ўзлари якка ҳолда қаршилиқ кўрсатишди, аммо оқим уларни бари бир борадиган жойига обориб қўйди...

Агар яҳудийлар шаҳардан кетмаганда, Балбой ҳозиргидай чиркин аҳволга тушмаган бўларди. Суббот хонавайрон бўлмасди. «Ла Бриш» майдони қиморхона ва бозорга айланмасди. Анави парк ҳам манқалларини кўтариб, чой сотиб юрадиган чойфурушларнинг, пишмаган хурмо ё қўланса нўхат сотадиганларнинг макони эмас, ошиқу маҳбубаларнинг севган ошёнлигича қоларди... Жазоирлик яҳудийлар безаковат экан. Дунёдаги яҳудийларнинг энг анқови шулар экан. Уларни яҳудий демаса ҳам бўлаверади.

Ростини айтганда жазоирликлар ўртасидаги бу ҳолатга икки ёқлама қараб бўлмайди. Чунки қишлоқлардаги хушёрлик бир-бирига вабодек ўтади. Агар улар ўлишни истасалар, ҳаммалари ўлишади. Яшашни истасалар, ҳаммалари яшайди. Ҳаттоки биттасининг оёғи иккинчисининг бўйнида турса ҳам, бирининг дўкони остонасида иккинчисининг моли турса ҳам...

Шу ердан чапга буриламан-да мана бу харобазордан ўтиб тўхтайман. Ҳа, мана шу Каттонийя масжиди. У ҳали ҳам масжидмикин?!»

Шайх Абдулмажид машинасини буриб, Суқу-л-Аср томон йўл олди. Деразасидан газ баллонлари, уч-тўрт

қути совун, ёғ идишлари, қовурилган буғдой солинган халта кўриниб турган магазин ёнига келиб, машинасини тўхтатди. Қўланса ҳид дарров димоғига урилди. Шайх ўнгга қайрилди. Ибрий ва француз тилларида синагога эшигига ёзилган лавҳачани ўқиди: «Менинг бу уйим барча халқларга саждагоҳ бўлиб қолажак».

«Қизиқ, — ўзича ўйлади шайх, — бу оятмикин, ҳадисмикин ё ҳикматли сўзмикин? Нимага уни рўпарага илиб қўйишдийкин? Бу билан нима демоқчилар? Ўзларини бирлашишга даъват этиб, якка-ярим одамларга эмас, балки бут-бутун халқларга масжид эшикларини ёпганлар шулар, демоқчимикин? Еки мусулмон ва насронийлар ҳисобидан муқаддас уй бино қилиб, барча халқлар учун ёпганлар шулар, демоқчимикин?! Балки жазоирликлар орасида насроний динини тарқатишга интилаётган черковга қасддан қилинган ишдир?! Йўқ, ундай эмас! Бу нарса ўз она тиллари бўлган француз тилида сўзлашувчи Европа халқларига нисбатан ҳурмат ва илтифотларини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас. Гарчи улар француз миллати ниқоби остида ўз нуқсон ва камчиликларини яширмоқчи эрсалар-да, лекин уларни зодагонлар даражасига кўтарган нарсани ошкор этишга мажбурлар. Ҳаммаларига ҳам минг лаънат! Лекин, эҳтимол улар бу ерда қолганларида биз учун, бизга ўхшаган аслзодалар учун, боёнлар, ер эгалари, йирик савдогарлар, мулкдорлар, имому қозилар учун тузукроқ бўлармиди?! Ҳар доим ҳам одамнинг айтгани бўлавермас экан-да! Э... одамлар бўлганича бўлипти, на шарм-ҳаё қолипти ва на қаттиққўллик. Манави мўйсафид қуръон тиловат қилаяпти. Ёнидаги анави йигит бўлса, қизи билан ўпишиб ўтирипти.

Бу ерда «Панорама» меҳмонхонаси, унинг ёнида Бардо маҳалласи. Нарироқда Сиди Рошид, унинг ёнида Бобу-л-Жобийя фоҳишахонаси. Мана бу синагога, ёнида Каттонийя масжиди».

Шайх Бу-л-Арвоҳ машина эшикларини яна бир кўздан кечирди, сўнг Суқу-л-Аср томон йўлга тушаркан, ўзича яна хаёл қила бошлади. «Каттонийя масжиди ҳали ям-яшил. Ибн Бодис бу масжидга қарши эди. Энди бўлса бу тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилипти. Партизанлар унинг имомини аллақачон гум-

дон қилишган. Масжид мутаваллиси ўша мактабга мудир бўлганмиш. У аввал пойтахтга бориб, яна қайтиб келганмиш. Энг муҳими масжиднинг келажаги. Мана у тўлиқсиз миллий ўрта мактабга айланди. Энг муҳими мана шу. Манави бадбахт мактабга мудир бўладими, фаррош бўладими ёки қамоқхонага қорувул бўладими, бундан Жазоир ҳеч қандай зарар кўрмайди. Пойтахтдан уни қайтарган кишилар шундай фикр қилишган бўлса керак. Масжиднинг мутаваллиси ҳам, ўрта ё тўлиқсиз ўрта мактабнинг мудирлари ҳам коммунистдан ёки мисол учун амакимнинг ўғли Абдулқодир Фаробилийдан минг марта яхши-да. Тўлиқсиз ўрта мактабнинг ёнида Солиҳбей мактаби, ундан кейин яна масжид келади. Ўҳў, масжид ҳали ҳам масжидлигича қолипти-да. Ҳа, бу ерда оёқларимизнинг изи бор. Масжид мутаваллисининг пичоғи мой устида, маза қилиб зиёратчиларни қабул қилаётгандир. Вой бўй манави одамлар эркагу хотин, етиму есир ҳали сабзавот, ҳали ғалла, ҳали ташландиқ орасида ивирсигани-ивирсиган. Буларга нима бўлган ўзи? Қаерга бормай, орқамдан эргашиб юргандай. Ё шаҳардаги беш юз минг одам келганимни эшитганимкин?! Режамни амалга ошириш учун қариндошларимни топишга монелик қилиб, изимдан юришибдимкин?! Уфф, юрагим яна ғашланиб, ҳароратим кўтарилмоқда. Баданим бўшашиб, ичимда бир нарсга оқаётгандай... Асли бу шаҳар эмас, бу Сувайқа, Расиф, Бардо, Сиди Масид, Бу-л-Фароис ахлатхонасига ўхшаган улкан харобазор. Агар олло таоло шаҳар аҳолисини кўр қилиб яратмаганида, улар ўзларининг қоронғи келажакларига шошилиб, уй-жой қуришга интилмай, тупроқларни жарликка ағдаришганда эди, бу билан харсангтош юкни бир оз енгиллатишган бўларди. Бунинг ўрнига қиёматни кутиб чодир ва соябонларда яшаган бўлишарди. Улар яшашнинг йўл-йўриғини билишмаганидан кейин барибир эмасми? Ҳар бир маҳаллага биттадан катта чодир қуриб, бирга ётишсин, фисқ-фужур қилишсин. Олди-сотдилари ҳам шунинг ичида бўлсин. Овқатланишсин, ўғирлик қилишсин, оёқ кийим йиртишсин, уни ремонт қилишсин. Уларга оёқ кийими кийишга ҳам ҳожат қолмайди. Жуда кўп ишларни ёнбошлаб ўтириб қилишаверади. Қуриб берсин ўша худосиз давлатлари Константинода

тўртта-бешта шунақа чодирни. Ўшанда тушуниб оли-
шади кўр-кўрона эргашаётган ва ўзлари билмаган
ҳолда қўллашаётган социализм ва коммунизм деган
сўзнинг маъносини! Ўша чодирнинг ичига этикдўзи
ҳам кирсин, ҳаммомлари ҳам шу ерда бўлсин, кактус
меваси, ачиган-сасиган ҳидлар, қийшиқ деворлар ҳам
шунинг ичида бўлсин. Ҳазратим Сиди Рошид ўзлари
қўллаб, ўша фалокат содир бўлса, оналар эмизикли
болаларини унутиб, оғироёқлар ҳомилаларини ташлаб
юборади. Мана бу жой ҳам ўзидаги шайтонларни чор
атрофга улоқтиради. Жарлик устига чўзилган кўприк-
лар ҳам ҳар томонга пирпирак бўлиб учиб кетади.
Жарлик шайтон кўприкни ҳам, албатта, ўз қомига ют-
гай. Нима бало, пастлик жуда тик эканми?! Пиёда-
лар ҳам кўпая бошламоқда, юрагимдаги қоронғилик
тобора авж олмақда, гўёки қандайдир суюқлик бутун
вужудимда оқаётгандек. Қизиқ, отамнинг амакивачча-
си Ризқий Бародийнинг¹ тақдири нима бўлдийкин?!
Чамаси сўнгги бор учрашганимизда, у қирқларда эди.
Ҳа, у урушда қатнашолмаган. Демак, унинг ҳаётида
ўзгариш ҳам бўлмаган. Битта эгарчи нима ҳам қила
оларди, эшаклару хачирлар кундан-кунга камайиш
ўрнига кўпаявергандан кейин, атрофидаги одамлар
олдида эгарчи бўлиб қолишдан бошқа чора йўқ. Ҳа, у
ҳеч қачон офицер бўлмайди, ҳалок бўлган ҳам эмас,
муаллим ҳам, тўлиқсиз ўрта мактабга мудир ҳам, ми-
нистр ҳам, маслаҳатчи ҳам, амалдор ҳам, мамлакат
бошлиғи ҳам бўлмайди. Агар ҳамма нарса ўзгариб,
эгарчиликдан кунни ўтмай қолган тақдирда ҳам, у ё
этикдўз бўлади, ё тикувчи. Агар тараққиёт яна ҳам
юксалиб, унга ҳам таъсир қиладиган бўлса, ёнида
битта-иккита шогирд олиб юрадиган монтер бўлади, ё
сув жўмраklarини тузатувчи уста бўлади. Муҳими
шуки, Бародий ҳукумат хизматчиси бўлолмай-
ди. У ҳеч қачон ҳукуматнинг бир бўлаги бўлол-
майди...

Ия, мен қаерга келиб қолдим? Наҳот, Раҳабату-с-
Суфга шунча юриб ҳам етиб келмасам. У Суқул-
Асрдан унчалик узоқ эмас эди-ку?! Манави эшак мин-
ган одам Ризқий Бародийдан эгар олиб қайтаётган-
дир... Падарига лаънат!.. Ўзи оёқяланг, бўйнига галс-

¹ Бародий — арабча эгарчи демакдир.

тук таққанига куяман. Лабида сигарет. Ярми устарада қиртишланган ялтироқ бошида европача шляпа. Тавба! Туянинг «ўнгли ҳаммом истапти... Қиёматда пайдо бўладиган махлуқ эгасининг худди аксигинаси. Мен қаердаман? Вой-буй, ҳидлар жуда ҳам турфа хил-ку! Кун ҳам оғиб қолди, одамлар яна гавжумлаша бошлади. Мен бозор ёнида бўлсам керак-ов. Анави оёқ остидаги тентакнамо чолга қаранг. Олдида хинали халтача, унинг ёнида бешта папкача... Машиналар одамлар тўлқинини ёришга шайлангандек. Ҳа, мен адашдим».

Шайх Бу-л-Арвоҳ юришдан тўхтади. Атрсфга кўз югуртириб чиқди. Хусусий мактаб тепасига ёзилган лавҳачага кўзи тушди. Унинг қаршисидаги яна бир лавҳа диққатини тортди: «Ораста мусулмон ёшлар». Яқин бориб қарагач, хотинларнинг ички кийими магазини эканлигини кўрди.

«Тунда туннинг балосига, кундузи куннинг балосига гирифтор бўлларинг!» тўнғиллади Бу-л-Арвоҳ.

Шу пайт азон товуши эшитилди. Шайхнинг жуда ҳам силласи қуриди. Ўзини саволга тутди:

— Нимага бунақа?

— Граммафон дискини яхшироқ созлашса бўлмас-микин?! Граммпластинка овозининг чўзилишини қаранг, — масхараомуз деди бир йигит.

«Падарингга лаънат, ҳаммасининг ҳам падарига лаънат! Ҳазратим Сиди Рошид, э худойим, исён!.. Улардан ҳеч нарсани аямагин: исён, зилзила, вабо! Мени, Бу-л-Арвоҳлар авлодини кечирсанг бас!..»

— Амаки, мана бу куркани олиб кегинг. Семизгина.

— Рамазонга аталган фарик!

— Отахон, бир коробка Австриядан келтирилган пишлоғим бор.

— 18 қиротлик¹ олтин занжир сотилади.

— Яхши қиз, ҳой яхши қиз, машинамга ўтиринг, элтиб қўяман.

— Йўқол, шилқим!

— Э... Тухумни синдирдинг-ку, сенга нима бўлган ўзи?!

¹ Қирот — оғирлик ўлчов бирлиги, 0,195 г.га тенг.

Радио асбоблари ва граммпластинкалар магазини-
дан мағриб шевасида айтилган ҳазин ашула овози
эшитилди:

Таъсирин йўқотиб жимжимадор сўз,
Чақмоқ ибора ҳам бўлди бешиддат.

Шайх Бу-л-Арвоҳ назарида ҳамма нарса аралаш-
қуралаш бўлиб кетди.

«Бир нарсани сўрашим биланоқ бегоналигимни би-
либ, орқамдан эргашишади. Э, бу чурвақаларнинг ба-
ри ўғри, йўлтўсар. Яхшиси, бирор савдогардан сўрай
қолай. Эвоҳ, ҳақиқий савдогарлар қаерда қолди?! Бу-
лар савдогар эмас, тиланчилар-ку. Қўйчивонлик таё-
ғини иргитиб, шаҳарга қочиб келган. Магазинлару
уй-жойларни эгаллаб, бу ердаги қизларга уйланиб
олишган. Ўзларини кўнгиллари тусаган мартаба, ман-
саб соҳиби, деб эълон қилишган. Рўпарадан бир чол
келаяпти. Яхшиси, ўшандан сўрайман. Ҳаётдан эзил-
ган шу ерлик одам бўлса керак. Зилзила туйғуси уни
керагидан ҳам олдинроқ қаритипти. Қани, яқинлаша-
версин-чи...»

Шу пайт уни бир кампир туртиб кетди, эс-ҳушини
йиғиб улгурмасданоқ бир йигит оёғини босиб олди.
Бу ҳам етмагандек, товуқ кўтарган бола йўлини тўсиб
туриб олди. Шайх юришдан тўхтади. Юк машинаси
кетаётган йўлга кўндаланг туриб қолди. Оёқлари ора-
сидан бир бола сирғалиб ўтди. Буларнинг баридан
қутулгач, хаёлидан ўтказди: «Бундай тўс-тўполонда
юролган кишини чиндан ҳам Константина кўчалари-
нинг кузири деса бўлади».

— Умрингиз узоқ бўлгур, Раҳабату-с-Суф қаерда-
лигини айтиб беролмайсизми?

Ғапини тугатиб улгурмаган ҳам эдики, чол кўздан
ғойиб бўлди. Уни одамлар оқими ўзи билан олиб кет-
ди. Ўткинчи ўспирин яна туртиб юборди. Кампирлар
орасига тушиб қолиб, яна адашди.

«Мана шу мавжланиб турган тўлқин устига ўзим-
ни отаманда, улар билан суришиб-нуқишиб, бу гир-
добдан қутуладиган жойни топиб оламан. Пастга
тушсаммикин, ё тепага юраймикин?! Бу ерда ҳаракат
ҳамма томонга ҳам баравар экан. Тушишаяпти ҳам,
чиқишаяпти ҳам... Бу ерни дарёнинг, йўқ, океаннинг

туби деса бўлади. Чунки ҳар томондан келаётган турткига дучор бўласан, киши. Тепага чиқ, пастга туш, олдинга юр, орқага бос. Бири тупроқ кўтарган, бири қум, бири тош, яна бири ўт-ўлан. Яна бири сув ўти ташийди, яна бошқаси ўлган балиқларни кўтариб олган. Булар бир жойнинг ўзида айлангани-айланган. Шаҳарнинг ҳар бир қарич ерида ўша кўчалар, ўша ҳидлар, ўша моллар, ўша болалар. Константинода масжиду мақбара, ҳаммому жалла гўшти сотадиган ошхонадан бошқа ҳеч нарса қолмапти. Ҳатто улар ҳам илгариги салобатини йўқотган. Масжидларда азон электр ёрдамида чақириладиган бўпти. Унда ишлатиладиган граммпластинка маромида айланса ҳам майли-я! Масжидлар ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабларга айлантирилипти. Ҳаммомларнинг ҳожатхонадан фарқи йўқ. Ошхоналарда ким билади нималарнинг гўшти ишлатилади. Балки ит ва эшакларнинг гўшти-дир...

Пастлик томонга юра қолай, Раҳабату-с-Суф бозордан пастроқда жойлашган. Пастга кетаётган оқимга ўзимни тутиб бераман, оқимнинг ўзи мени этакка элтиб қўяди. У ерда бирор катта кўчадан чиқсам керак. Сўнг ё машинам турган жойга, ё Раҳабату-с-Суфга етиб оламан».

Шайх Абдулмажид ўзини кўчага, одамлар тўлқинига урди. Уни қўллар ва елкалар тинмай туртар, оёқларини босар, машиналар унга қараб сигнал чалар, чаканафурушлар йўлини тўсардилар.

«Ҳа, мен ҳозир ўзимни Сино саҳросида, сўнг чалкаш жин кўчада, гоҳ яҳудийлар маҳалласида фараз қиляпман. Оҳ, сен, Сора, қаердасан? Машриқдан қидираймикин, ё мағрибдан?! Икковимиз орзиқиб кутган нарса нима бўлди? ! Уфф, қулоқни кар қилгудай бу бақир-чақирлардан қандай қутулса бўлади?!»

— Аноба ва Сакикадага¹ ҳар бир соатда юзлаб юк машинаси қатнайди.

— Чиндан ҳам шаҳарни саноат маркази деса бўлади.

¹ Аноба, Сакикада — Жазонрдаги йирик порт ва саноат марказлари.

— Қаранг, устидаги юкнинг оғирлигидан мана бу йўл эзгиланиб, юришга мутлақо яроқсиз бўлиб қолпти.

— Йўқ, ҳукумат саноатни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

— Маориф ишига ҳам. Мактаблар қуриш иши қишлоқ оқсоқолларининг ўзига юклатилгандан бери мактаби йўқ бирорта қишлоқ қолмади. Бир-икки йил ичида муаллим келишига кўзи етмаган қишлоқларда ҳам мактабларни битқазиб қўйишди.

— Франция юртимиз учун биронта бинога пойдевор ҳам қўймаган эди.

— Йигирманчи асрда яшашимизга қарамасдан-а.

— Ўғри-ўғри, ўғрини ушланглар!

— Ўғрини ўшла!..

— 1947 йилдаги Қонстантинада бўлган зилзилада одамлар ҳамма нарсa тамом бўлди, деб ўйлашганди.

— Мен у пайтда ёш эдим. Одамларнинг ҳар томонга югуриб, ҳар хил тилларда ёрдам сўраб қичқиргани ёдимда, холос.

— Ўшанда мен йигирма ёш эдим. Кўчаларда юзлаб болаларнинг чўзилиб ётган жасадлари ҳали-ҳали кўз олдимда. Баъзиларини одамлар босиб кетишган, баъзилари ҳали тирик, баъзилари соппа-соғ бўлишига қарамай, ердан туролмасди. Одамлар қўрққанидан у ёқдан-бу ёққа чопишарди. Хотинлар ва болаларнинг дод-войи, одамларнинг тасир-тусури ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглайди.

— Бу харсангтошнинг ости карбиддан иборат, дейишади.

— Баъзилар эса туз бор, деб гумон қилишган.

— Ҳамма сиёсий маҳбуслар озодликка чиққан эмиш.

— Бу, албатта, биринчи қадам. Агар ундаги социалистлар қамоқда ётишса, қандай қилиб бу социализм йўлидан бораётган мамлакат ҳисобланишига ҳеч тушунолмасдим.

— Тўғри, ҳозирча мамлакатимизни бошқа мамлакатлардан ажратиб турган бир хусусияти бор. У ҳам бўлса, қон тўкмаслик. Олдиндан давом этиб келган, желгусида ҳам давом этиши керак. Тасаввур қилинг, озодлик учун олиб борилган журашлар жараёнида,

қандай ҳодисалар рўй бермади. Лекин бирорта сиёсий маҳбус, унинг гуноҳи қанчалик оғир бўлмасин, қанчалик нафратли бўлмасин қатл этилгани йўқ. Юртимизда қанузгача сиёсий қотиллик содир бўлмаган.

— Бу тўғри! Лекин реакционерлар ҳокимият тепасига келса ёки шунга яқинлашса, қон тўкилмайди, деб ўйлайсанми? Бу ерда синфий кескинлик пайдо бўлмайди, дейсанми?! Билиб қўй, бирор синф йўқки, ҳокимият тепасига келгач, куч ёки зўравонлик ишлатмаса.

— Амаки, ғозларим яқинда тухумга кирган, оласизми? Тухум бостирса ҳам бўлади.

— Ҳалиги, ўша машинани Франциядан олиб келган эди. Ҳали янги, тўрт йилгина юрган, холос. Уни сотгунча ё бирор иш топгунча, фойдаланиб турмоқчи бўлиб, яширин кира қила бошлапти. Ундан хабар топган полиция арзон нархда сотасан, деб мажбур қилипти. Акс ҳолда тортиб оламиз, деб пўписа ҳам қилипти. У сотишга ваъда берипти. Аммо нияти қайтариб Францияга олиб кетиш экан. Полиция уни қистайвергандан кейин, биласанми нима қипти?

— Йўқ. Нима қипти?

— Устига бензин сочипти-да, гугурт чақиб юборипти.

— Жинни!

— Ер ислоҳоти лойиҳаси яқин кунлар ичида муҳокама қилинарниш.

— Ҳа, шундай. Эшитдим.

— Жуда ҳам яқин кунлар ичида. Бунимен пойтахтда бўлган сўнгги йиғилишдан билдим. Шу йилнинг ўзидан кучга кирармиш.

— Бу жуда катта воқеа бўлади-да. Революция алангаланиб, мустақилликка эришилди, деган гап! Ростини айтганда, олдинроқ ўтказиш керак эди. Жуда-жуда кечиклди. Мустақилликка эришилганига тўққиз йил бўлса-ю¹, бу соҳада бирор иш қилинмаса. Одамларга қарагин! Улар қишлоқларидан қочиб кетишяпти. Чунки ишсизлик, очлик, касаллик, саводсизлик ҳаммаси ўша ерда. Худо ҳақи, улар Қалда

¹ Жазоир 1962 йил июль ойида мустақилликка эришган.

ҳам, Авросда ҳам, Суқ Аҳросда ҳам, Табассада ҳам бундан бир неча аср илгари қандай бўлса, ўша аҳволда кун кўришмоқда.

Шайх Бу-л-Арвоҳнинг ҳарорати кўтарилди. Назарида қандайдир суяқ модда оғзи-бурнидан, кўзларидан қайнаб чиқаётгандай. Гўё у бутун вужудини қамраб олди. Кўз олди қоронғулашиб, қаерда турганини билмасди. Бирор кишига гапираяптими, йўқми, ташқаридан бўлаётган туртки таъсирида олдинга юраяптими ёки бир жойнинг ўзида айланаяптими, билолмасди.

— Қайининим Аммор сартарош қаерда?
— Аммор сартарош ҳалок бўлган.
— Амакимнинг ўғли Абдулқодир Ғаробилий қаерда?

— Абдулқодир Ғаробилий — домла.
— Қисавур Тоҳир Бу-л-Арвоҳ қаерда?
— Қисавур Тоҳир Бу-л-Арвоҳ катта офицер.
— Холаваччам масжид мутаваллиси Исо Бу-л-Арвоҳ-чи?

— Масжид мутаваллиси Исо Бу-л-Арвоҳ — коммунист, махфий ишлар билан машғул.

— Дадамнинг амакиваччаси Ризқий Бародий қаерда?

— Ризқий Бародий масжидда имом.
— Худога шукур!
— Ҳукмдор эмас.
— Худога шукур!
— Министр ҳам эмас.
— Худога шукур!
— Ҳалок бўлган ҳам эмас, хоин ҳам, имом ҳам эмас, министр ҳам, президент ҳам эмас!
— Худога шукур, худога шукур!

Одамлар тўлқини суриб борар, у баланд овозда ўзича гапирар, болалар орқасидан эргашишар, оғзидан чиқаётган гапни қайтариб, қотиб-қотиб кулишарди. Шайх овози борица бақирарди:

— Қаердаман мен?! Мен қаердаман ўзи?!
— Шайтон кўприкда, сиз шайтон кўприкдасиз, — бир бўлиб жавоб беришди ҳамма болалар.

Шайх кўзини очди. Қаршисида ўрта мактаб, унинг ёнида парвозга ҳозирланган Жанна Д'Арк ҳайкали,

сўнг касалхона, ғалла омбори, станция. Чинқириб поезд ўтди. Бу-л-Арвоҳ безовталаниб, орқасига ўгнирилди.

«Ҳа, бу илгариги яҳудийлар маҳалласи. Мен чиндан ҳам шайтон кўприкда эканман».

У нимадандир чўчиди, вужудидаги суюқлик ҳаракати тобора тезлашар, кўнглидаги ғашлик кучаймоқда эди. Юқорига томон югуриб, овози борича яна бақира бошлади:

— Вой-дод, константиналиклар, зилзила, зилзила! Ҳой Бу-л-Арвоҳлар авлоди, зилзила, зилзила бошланмоқда!..

ОСМА КЎПРИК

Шайтон кўприк билан осма кўприк орасидаги масофани шайх шу алпозда югуриб босиб ўтди. Кўприкка етиб келганида бадани қизий бошлади. Олдин Сиди Масид, сўнг Бобу-л-Қантара томон ўгнирилиб, энтикиб-энтикиб нафас олди.

«Бефойда... Ҳавонинг ўзи дим. Иссиқ, жуда иссиқ. Эрталаб ҳам иссиқ, кечқурун ҳам», хаёлидан ўтказди шайх.

Кўприкдан машина ўтаётганда у лопиллаб силкина бошлади. Шайхнинг юраги дукиллаб урар, кўкрак қафаси паст-баланд чиқиб тушар, қулоғига болаларнинг қичқиргани эшитиларди:

— Бу-л-Арвоҳ, ҳой Бу-л-Арвоҳ!

Шайх кўзларини очиб, болаларга қаради. Улар орқада саф тортиб тизилиб туришарди. Бир одам болаларни ҳайдаб юборгач, улар орқаларига қараб қошишди ва кўприк олдида тўхтаб, яна чувиллаша бошлашди:

— Ҳой Аммор, ҳой Абдулқодир, ҳой Тоҳир, ҳой Исо, ҳой Ризқий, ҳой Бу-л-Арвоҳ!

— Тушимми ё ўнгимми?! — шайх улар томонга қаради. Кўприкнинг бошланишида турган болалар тўдасига кўзи тушди.

«Булар Ойшанинг болалари, Соранинг, Ҳанифанинг, чоракор хотинининг, унинг қизининг, миллионлаб аёл ва ўн миллионлаб эркакларнинг болалари. Манави бўлса махлуқ эгаси. Қаранг, ўша махлуққа

миниб олпти. Махлуқнинг калласи мадриқда бўлса, думи мағрибда. Константина унинг ҳаром ичагини ҳам тўлдирмайди».

У энгашиб, хаёлан болаларни қучоқлагандай бўлди-да, деди:

— Ҳой махлуқ эгаси, фисқ-фужурдан пайдо бўлган манави болаларни қабзингга ол!

Шайх кўзини очди. Кўприк бетартиб силкинар, даҳшатли жарлик оғзини очиб тургандай.

«Пастдан туриб бақирилса, эшитилмас экан. Демак, юқоридан туриб бақирган товуш ҳам эшитилмайди. Бир марта ҳам пастга тушиб кўрмаган эканман, юқори қандай кўринаркин?! Жарлик қанчалик чуқур бўлмасин, юқоридан теп-текис кўринади. Одамлар ҳам кичкина кўринишади, бошқа нарсалар ҳам зўрға кўринса керак. Ҳаммаси ўтмишга тегишли. Йўқ, барча халқларга, барча қора халққа тегишли. Бу харсангнинг қирғоғи қуйидан юқоригача бир-бирдан ажралиб турган қатламдан иборат. Пиёдалар учун торгина сўқмоқ. Устидан Сиди Масид кўпригига кетадиган текис йўл ўтган. Юқорида эса, қирғоқ бўйлаб тоннелдан кўтарилган айланма шаклдаги Сакикада йўли».

— Ойша! Менга хотин бўлишга улгурмаган хотиним Ойша! Онамдан туғилмаган сингилжоним, пуштимдан ажралиб чиқмаган қизалоқ! Нима учун отам панжаларининг изи бўйнингда қолди?

Шайхнинг юз-кўзи қорая бошлади. Шундоқ ёнидан тақиллаган товуш эшитилди. Энгашди. Хаёлида қўллари билан кимнидир бўйнидан ушлаб, бўға бошлади. Шундай қаттиқ бўғдики, у жон таслим қилди. Шунда ҳам қўйиб юбормай, бўйнидан ушлаганича юқорига жўтарди. Қўлларини чўзган эди, унинг оёқлари ҳавода муаллақ осилиб қолди. Бир зум шу ҳолатда турди-да, сўнг қўйиб юборди. Хаёлий мавжудот оппоқ кўйлагини ҳилпиратиб пастликка қулар экан, жарлик қаърига етай деганда шивирлай бошлади:

Панжаларинг отангнинг панжаларига ўхшайди. Қўлларингнинг ҳам уникидан фарқи йўқ.

Шайх кўзини очди. Хаёли экан. Кўприк эса ҳамон силкинар, болалар атрофида шивирлашарди:

— Бу-л-Арвоҳ, ҳой Бу-л-Арвоҳ.

— Улар касаба союз аъзолари. Талабалар эмас,

Бу-л-Фароис ахлатхонасидаги гадоїваччалар ҳам эмас. Мени мана шу жарликка, асфаласофилинга қулатишмоқчи. Йўқ, улар мени қулатмасдан туриб, мен уларни қулатаман.

Хаёлида болаларнинг бир нечтасини қучоқлади-да, аввал ўлдириб, кейин улоқтирмоқчи бўлди. Бўга бошлади. Лекин ўзида чарчоқ сезди шекилли, уларни тириклайини жарликка улоқтирмоқчи бўлиб, кафтини ёзди. Бироқ улар пастга қулаб кетмадилар, балки турган жойларида, юқорида, унинг шундоқ рўпарасида муаллақ туриб, қаҳқаҳлаб кулардилар:

— Биз Сиди Масидданмиз.

— Биз Бу-л-Фароис ахлатхонасидан келганмиз.

— Биз сувайқаликмиз.

— Бизники Суқу-л-Аср ёнида, Бардода, Жинону-т-Ташнида.

— Биз Қалл, Мила, Аврос, Жаржарада ҳалок бўлганларнинг фарзандларимиз.

— Биз Маше фабрикаси ишчиларининг, темир йўл ишчиларининг, амир Абдулқодир масжиди ишчиларининг болаларимиз...

— Ҳаммаларингга ҳам минг лаънат! Асфаласофилинга кетларинг!

Бироқ улар асфаласофилинга кетмадилар, балки рўпарасида қаҳқаҳа отиб кулишда давом этавердилар.

Шайх кўзини очди. Болаларнинг ярми кўприкнинг у томонида, ярми бу томонида эди. Шайх шошилиб, у ёқ-бу ёққа қаради. Назарида болалар бир дафъада олдига етиб келиб, уни чуқурга отадигандай туюлди. Ёрдам сўраб бақирмоқчи бўлди:

— Ҳазратим Сиди Рошид, ҳой константиналиклар!..

Бу-л-Арвоҳ кўзини катта-катта очди. Пастда қорамтир сув оқмоқда эди.

«Жарликкача бўлган масофа миллион мил келар, балки йигирма миллион милдир. Агар тушиб кетсам, ўлмайман, чунки тубига етиб бормайман-да. Йўқ, йўқ, мени улоқтиришларига йўл қўймайман. Мажбур бўлиб қолсам, ўзимни ташлайман. Ўзимни тутиб бериб бўлман. Улардан зўрман. Мен кимман?! Аммор сарта-рошнинг поччаси, кисавур Тоҳирнинг амакиси, Абдул-

қодир Фаробилийнинг амакиваччаси, Ризқий Бародийнинг қариндоши бўламан. Мен Бу-л-Арвоҳнинг ўғли, яна бир Бу-л-Арвоҳнинг қариндоши Бу-л-Арвоҳ бўламан».

Кўприк лопиллаб силкина бошлади. Машина ўтмоқда эди. Сўнг туёқларини тақиллатиб эшак ўта бошлади. Шайхнинг ичида олов алангаланар, назарида қоронғилик оламни қамраб олмоқда эди. Қулоғига овоз чалингандай бўлди:

— Ҳанифа! Ҳам отамнинг, ҳам менинг хотиним Ҳанифа! Сен ўша эдинг, ҳа, ҳамма нарсада сен Ойша эдинг. Нимага панжаларим бўйнингда кўкимтир из қолдирди? Ойшанинг бўйнида отамнинг панжалари қолдирган изга ўхшайди-ку!

Эшак туёқларининг тақ-туқи яқинлаша бошлади. Шайхнинг кўзлари юмилди. Мушти қисилган қўлларини чўзиб, Ҳанифанинг бўйнидан олди ва бўға бошлади. Ҳанифа жон берди. Шайх уни юқорига озод кўтарди-да, қўлларини чўзиб, панжаларини ёзиб юборди. Ҳанифа тунги шаффоф кийимда пастга шўнғий бошлади. Чуқурлик қаърига етай деганда, шайхга ўгирилиб шивирлади:

— Сен ҳам отангга ўхшар экансан.

Шайх кўзини очди. Кўприк боягидек силкинар, иссиқ ҳам ўшандоқ. Кўприкнинг икки томони болалар билан лиқ тўла.

«Улар мени қуршаб олишаяпти. Сиди Маспддан, Бу-л-Фароис ахлатхонасидан, Сувайқадан, Суқу-л-Аср томондан, Бардодан, Жинону-т-Ташниядан келиб мени ўраб олишаяпти. Қурбон бўлганларнинг фарзандлари, Маше ишчиларининг, темир йўлчиларнинг, амир Абдулқодир масжидида ишлаган ишчиларнинг фарзандлари мени қуршовга олишмоқда. Улардан қўрқадиган жойим йўқ. Ҳаммасидан ўзим кучлиман. Бир зарб билан уларни жарликка улоқтираман. Сиди Рошиддан ваъда олганман. Сиди Рошид сўзимни ерда қолдирмайди. Ерларимни тортиб олишолмайди. Мен солиҳ одамман. Оллоҳнинг солиҳ бандалариданман. Ер менга оллоҳдан мерос қолган. Ризқимни бошқаларникидан бир даража оширган ҳам ўша».

— Бу-л-Арвоҳ, ҳой Бу-л-Арвоҳ, — кўприкнинг ҳар икки томонидан болаларнинг овози келарди.

Шайх аввал ўннга, кейин сўлга ўгирилди.

«Ия, улар қуролланиб олишипти-ку! Уларнинг нчида Тоҳир Бу-л-Арвоҳ, Абдулқодир Бу-л-Арвоҳ, Амморлар ҳам борга ўхшайди. Исо бўлса уларнинг шнорларини кўтариб олипти. Ризқий Бародийга қаранг, намоз ўқияпти. Улар ҳужум қилишмоқчи. Ана, улар олдинлаб келишаяпти. Оҳ, ҳазратим Сиди Рошид, ҳой константиналиклар!»

— Ҳой Бу-л-Арвоҳ! — чуғурлашди болалар.

Шайх яна кўзини очди.

«Ҳа, чуқур, жуда-жуда чуқур бу жарлик. Иброҳим Халидуллоҳ ҳам шу жарликда Од ҳам, Самуд¹ ҳам, Журҳум ҳам, Қаҳтом ҳам Такфаринас² ҳам, Юғурта ҳам, Нейрон ҳам, Уқба ҳам, Қасила ҳам шу ерда, мана шу чуқурда. Ҳа, жуда-жуда чуқур бу жарлик. Қорни тўйиб овқат емаганлар, Сувайқа, Сиди Масид, Увайнату-л-Фул, Бу-л-Фаронс ахлатхонасида вояга етган болакайлар, барча ишчиларнинг ва бахти қароларнинг болалари мана шу жарлик нчида! Йўқ, йўқ, мен сизларнинг олдингизга тушмайман».

Шайх тортиб қўйилган пўлат арқонларини сийпа-лаб кўрди.

«Агар французлар бу ерда қолишганида эди ёки жазонрлик яҳудийлар тарихдаги энг катта хатога йўл қўймаганларида эди, Балбой ўзинга тарафдор топа олганида эди...»

Шайхнинг вужудидаги вулқон ларзага келди. Кўприк у ёқ-бу ёққа силкинар, шайхнинг борлигини қоронғилик эгаллаб олган эди.

«Бешинчи ойнинг бошланishi эди. Қорнида нима-нингдир қимирлаётганини айтиб қолди. Шодлигимиз беҳад эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, у ғойиб бўлди. Шу кетганича, бир неча йиллар қорасини кўрсатмади. Кейин хабар топишимча, у ўғлининг ҳақиқий отаси бўлмиш амакиваччаси билан Францияда эмиш... Қаёққа қочаяпсан, ҳой меннинг жуфти ҳалолим!

¹ Самуд — қилган гуноҳлари учун гўё оллоҳ томонидан йўқ қилиб юборилган афсонавий элат номи.

² Такфаринас — Рим ҳукмронлигига қарши чиққан жазонрлик қўзғолончиларнинг бошлиғи (эрамининг 17—24 йиллари).

Сен шу ердасан-ку! Шу ерда, ёнгинамда турипсан-ку!»

Шайх энгашди. Панжаларини унинг бўйнига қадади-да, кучи борича бўға бошлади. Лекин аёл ўлмади.

— Мен ҳеч қачон ўлмайман. Мени эмас, ўзингни бўғаяпсан. Сен ожизсан, сен бепуштсан!

Шайх уни даст кўтариб, жарликка улоқтирди. У пастликка томон узоқ учиб борди ва жарликнинг тубига етай деганда, қичқирди:

— Шошмай тур, ҳали ўғлим Франциядан келсин! У сендан онасининг қасосини олади.

Шайхнинг кўзлари очилди.

«Осма кўприк тепасида турсанг, турли-туман шовқини қулоғингга чалинади, киши. Кўприкка тикилиб турсанг, назарингда Константинода гапирилаётган гапнинг барчаси, ундаги ўрмалаётган нарсаларнинг товуши эшитилиб тургандай. Миллиардлаб тўлқинлар мавжланиб турли шовқинни қулоғингга элтади: ё бирор эркак кишининг, ё хотин кишининг овозини, ё чақалоқ йиғисини ё бирор чолнинг товушини, ё ҳайвонларнинг ўкиришини, ё бирор машина шовқинини. Чиндан ҳам товушларни бир-биридан ажратиш қийин. Бу товушлар бир-бири билан аралашиб киши қалбига ғулғула солади. Гўёки шаҳар бирон муҳим гап айтмоқчидек туюлади.

Шайхнинг юрагида ғалаён бошланди. Вужудини титроқ қамраб олди. Атрофини қоронғилик босди:

— Одамлар гапиришаяпти.

— Нима дейишаяпти?

— Мени қўшмачи дейишаяпти.

— Сенга нима?!

— Чиндан ҳам, шайхим, олдингизда хижолатдаман. Бобом бобонгизга хизмат қилиб ўтган, отам отангизнинг хизматида бўлган. Мен бўлсам, аввал отангизга хизмат қилдим. Энди бўлса, сизнинг хизматингиздаман. Марҳума онангиз мени яхши кўрардилар. Мени уйлантириб қўйган ҳам ўшалар.

— Иккидан бирини танла: ё Францияга жўнаб кетасан, ё бўлмасам, биласанми, қаерга жўнатаман?!

— Қиз сизга бўлсин, лекин онасини ўзимга қайтариб беринг.

— Сен ё Францияга жўнашинг керак, ёки сургунга жўнатаман!

— Хўп бўлади, шайхим.

Шайх титроқ қўллари билан бўға бошлади. Чоракорнинг хотини жон берди, сўнг чоракорнинг қизи ҳам жон таслим қилди. Чоракор нимадир демоқчи шекилли, хижолатомуз қараб турипти. Ана, у кўздан ғойиб бўлди. Шайх иккала мурдани пастликка улоқтирди. Улар пастга қараб шўнғиб боришар, қанчалик пастга тушмасин, шайхга худди олдида тургандай эди. Шовқин-сурон кўтарилди. Шайх овозлар қаердан келаётганини билмай, атрофга қулоқ сола бошлади:

— Чоракор ўлган эмас! Чоракор бепушт ҳам эмас! У албатта қайтиб келади. Мана, чоракор қайтиб келди. Ерларингни тортиб олиб, беҳисоб фарзандларга ота бўлгани қайтиб келди.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Йўқ! — шайх Бу-л-Арвоҳ овози борица бақирди. Одамлар унга эътибор бермай атрофидан ўтиб боришар, фақат болаларгина томоша қилишар, ўраб олмоқчи бўлишар ва унга яқин келиб бақирешарди:

— Ҳой Бу-л-Арвоҳ!..

Кўприк тинмай силжинади. Қуёш ғарбга оғганига қарамай, иссиқ ёндираман, дейди. Шайхнинг миясини алғов-далғов фикрлар пармалар эди:

«Пастдаги харсанг парчаланиб кетди. Буғ кўтарила бошлади. Константина карбит устида. Константина кўмир конининг устида. Йўқ, тузнинг устида. Бошқа харсангтошлар майдаланмоқда. Ана, чанг-тўзон кўтарилмоқда. Кўприк учмоқда. Мана у осмонга яқинлашиб қолди. Зилзила, ҳа, зилзила юз берди! Эвоҳ, ҳазратим Сиди Рошид... Одамлар югуришади, одамлар тошларга аралашиб дўмбалоқ ошишади. Болаларнинг жасадлари ер билан битта. Газ баллонлари портлай бошлади. Ғалла омбори ёниб битди. Бензин оқа бошлади. Ёнғин кўтарилди. Аланга осмонга чиқди. Кўприк тобора узоқлашиб бормоқда. У ердан ҳам бақир-чақир эшитилиб турипти. Қовурдоқ ҳиди анқийди. Ҳамма нарса қовурдоққа айланмоқда. Ҳа, шаҳардаги ҳамма нарса. Жарлик тўлиб бораёпти. Сиди Масид кўмилиб кетди. Бардо кўздан ғойиб бўлди. Бу-л-Фароис ахлатхонаси ҳамма жойни босиб олди.

Ер теп-текис бўлиб қолди. Константина эриб тугади. Гўёки умуман Константина шахри бўлмагандек. Фақатгина ҳов тепаликда зодагонлару бойваччалар билан Сиди Рошид кўприги қолди, холос. Мана ҳозир осма кўприк мени кўтарганича у кўприк билан туташади. О... Ҳазратим Сиди Рошид, сен чиндан ҳам бир қути шамга арзийсан!»

Шайх кўзини очди. Ҳамма нарса илгаригидай. Жарлик яна ҳам чуқурга ўхшаб кўринади. Кўприкнинг иккала томони болалар билан тўла. Улар ҳали ҳам «Бу-л-Арвоҳ, Бу-л-Арвоҳ» деб қичқиршмоқда.

«Мен зилзила тарафдориманми ё унга қаршиманми? Мен зилзила тўғрисидаги бу бемаъни туйғуни йўқ қилиш тарафдориман. Буни эса фақат ҳақиқий зилзилагина йўқ қила олади. Бироқ Сиди Рошид дуоларимни ижобатга олиб, ваъдамни қабул қилган. На ғир этган шабада, на гўдак пуфидай шамол бўлса. Ҳарорат тобора кўтарилиб борапти. Суюқлик тошмоқда, қоронғилик тарқамоқда...»

Шайх хаёлида куёв қиёфасида атрофига муаттар ҳид таратиб кириб келмоқда. Истагига кўра икки келинчак уни тўшакда кутишяпти. Шайх иккаласига тўшакдан тушишни буюрди. Улар буйруқни бажардилар.

— Сен, ўнг оёғимдагини еч! Сен, чап оёғимдагини! Қани, бўлақол! — қўполлик билан деди шайх.

Улар айтганини энди бажариб бўлишувдики, иккала келинни тепиб киборди.

— Мени шайх Бу-л-Арвоҳ дейишади. Бу бешинчи уйланишим. Олий мартабадаги хожаларингизман. Мен ҳалол деган нарса ҳалол, макруҳ деганим макруҳ. Туширларинг кийимларингни!

Улар сўзсиз бўйсунди.

— Сенлар менинг учун битта истаксанлар. Мен эса ўша мутлақ истак эгасиман. Тўшакка ётинглар!

Улар айтганимни қилишди.

— Мен Бу-л-Арвоҳман. Сенлар менинг хоҳишимга кўра бир-бирига уйғуллашиб кетган икки қарама-қарши матоҳсанлар. Сен — мол-дунёсан, сен эса, илмсан. Сен — суннат, сен — бўлсанг, бидъатсан. Сен — Бодис тарафдори, сен бўлсанг — Каттон тарафдорисан.

Ҳар икки келин ғойиб бўлишди. Мана улар паст-ликдан қўлларини силкишмоқда:

— Эшитиб қўй, Бу-л-Арвоҳ, хоҳишингга бепуштлиқ кўндаланг чиқди. Сен — бепуштсан.

— Сен наслингни давом эттиришни хоҳлаганинг билан истагинг амалга ошмайди. Сен бепушт одамсан.

Жарлик тубида икковлари келинчакдек кўринишмоқда. Бир тўшакда ўтириб олиб, ноз-карашма қилишмоқда. Битта нарсани хаёл қилишмоқда. Икки қарама-қарши томон бир-бирини йўқ қилолмайди, балки учинчи томонни яратиш учун имкон яратди.

— Бу-л-Арвоҳ, ҳой Бу-л-Арвоҳ!..

Шайх кўзини очди. Шаҳардаги болаларнинг барчаси кўприк олдига йиғилишгандай.

«Ия, Ибн Бодис ҳам шу ерда-ку. Ҳа, улар еримни деб келишган. Ерларимни тортиб олишмоқчи. Йўқ, бекорларни айтибсанлар. Европага кетларинг, бу шаҳарни бўшатиб қўйларинг! Анобагами, Сакикадагами, Ваҳронгами жўналаринг! У ерда катта-катта фабрикалар бор, катта-катта ерлар эгасиз ётипти. Бу ерда бўлса, зилзила бошланади. Ҳазратим Сиди Рошид бошлайдилар! Мен улар билан келишиб қўйганман. Боринглар, жўнанглар, мен ҳеч қачон еримни сизларга бериб қўймайман. Уни Амморга, Тоҳирга, Абдулқодирга, Ризқийга хатлаб бераман. Фақат вафотимдан кейингина эгалик қилиш ёки Бу-л-Арвоҳлардан бошқасига сотмаслик шарти билан... Оҳ, бўғилиб кетяпман, димлик, қоронғилик, кўприк устидаги тақир-туқурлар, эшик ёнидаги... Ким бор у ерда, у ерда яна ким қолди?

Сора? Ҳа, Сора, сен ҳеч қачон ўлмайсан, чунки сен бепушт хотинсан. Сен ўлган кунни тамом бўласан ва сен билан бирга хоҳиш, соғинч, қоронғилик — ҳаммаси кўмилиб кетади. Кел, уни асраб олмай туриб ўлдира қолайлик. Мусулмонми, яҳудийми, насронийми, ўлдира қолайлик. Сора, унинг биринчи жонини сен ол, қолганларини мен оламан. Сора, уруғ-аймоқларинг қилган гуноҳни сен қила кўрма. Черков худоники. Худонинг барча халқларга саждагоҳ бўлишини истайди... Деразаларни очиб юбор орқасида беркиниб турма. Ҳамма нарса оллоҳники. Оллоҳ ўзининг солиҳ

бандаларига ато қилади... Қайт, ҳой Сора, қайт! Оҳ... Сен жарликда эмассан. Кўприк устида ҳам эмассан. Сен зилзиладан ташқаридасан, чунки сен ва уруғ-аймоқларинг хатога йўл қўйдиларинг. Тарихни менсимай қўйдиларинг. Аслзодаларни ёлғиз қолдириб қочиб қолдиларинг. Ҳозир ҳам шундай қилаётибсанлар. Сенларга бўлган хоҳиш ўлган куни ўзларинг ҳам ўласанлар. Ўша хоҳиш пайдо бўлган куни зилзилада ҳалок бўласанлар. Сенинг устингдан, уруғларинг устидан, зодагонлар устидан, капитализм устидан аллақачон ҳужм чиқарилган.

— Бу-л-Арвоҳ, ҳой Бу-л-Арвоҳ.

Ана улар яқинлашиб келишаяпти.

Улар чиндан ҳам яқинлашмоқда эдилар. Осма кўприкнинг иккала томони одамга тўлган эди. Болалар, катталар, баъзилар ҳарбий форма кийган, баъзилар оддий граждан кийимида. Назарида Ибн Бодис ҳам, Исо Бу-л-Арвоҳ ҳам, Тоҳир Бу-л-Арвоҳ ҳам улар билан биргадй туюлди. Улар олға юришар, узоқ-узоқдан шамол ашула овозини келтирарди:

Таъсирин йўқотиб жимжимадор сўз,
Чақмоқ ибора ҳам бўлди бешиддат.

Аланга борган сайин кучаяр, суюқ модда тинмай қуйилар, қоронғилик кучаяр эди:

— Эй Бискирийя, эй Уқба Ибн Нофиънинг қизи, жиловни аввал менга бер, кейин қайтиб ол! Ўзимни кўприкдан ташламай туриб, менга йиғлаб ол, фақат менга эмас, Бу-л-Арвоҳлар авлодининг барчасига йиғлагин! Мана мен камзулимни отдим, кўйлагимни отдим, туфлим, шалворимни улоқтирдим. Улар мен ўзимни отмасимданоқ, пастга тушиб бўлди. Энди навбат ўзимга. Ҳазратим Сиди Рошид, ҳой константиналиклар!

— Бу-л-Арвоҳ... — чуғурлашди болалар.

Шайх жарликка сакрашга чоғланар экан, бунга йўл қўймаслик учун етиб келган полиция ўни ушлаб қолди... Полиция машинаси касалхона томон йўлга тушганда, шайхнинг қулоғида уч хил сас жарангларди:

Тарбуш жийган Ҳазарийнинг «Ҳой Сиди Рошид, ҳой мўъжизакор халоскорим» деган овози.

Рубоб жүрлигида айтилаётган қўшиқ:

Талабгорим дардимга даво айла...


Мағрибий шевада ғамгин таралаётган ашула:

Таъсирин йўқотиб жимжимадор сўз,
Чақмоқ ибора ҳам бўлди бешинддат.



МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Оловли сўқмоқлар — Б. Иброҳимов таржимаси . . .	9
Зилзила — М. Юсупов таржимаси	197



Ат-Тоҳир Ваттор.

Оловли сўқмоқлар: Зилзила: /Романлар/
Араб. тилидан Б. Иброҳимов ва М. Юсупов.
тарж.; Сўз боши Н. Иброҳимовники/. — Т.:
Радуга, 1986. — 352 б.

Ат-Тахир Ваттар. Огненные тропы. Земле-
трясение: Романы.

№ 455—85

Навий номли ЎзССР давлат кутубхонаси. Тира-
жи 15000 Қарт. тиражи 30000.